This ideological ambiguity and heterogeneity of "Kys" is noted, for example, by literary critic E. Rabinovich: "for a completely real anti-utopia, Kys' is too literary - in a real anti-utopia the idea dominates after all, an anti-utopia can sometimes (and Orwell always) be referred to as a sociological study or even as a political forecast" [8] - certainly, the concept of the novel does not meet this kind of criteria. T. Tolstaya herself firstly names the genre of "Kysya" as anti-utopia, but then she focuses on historiosophy, which she herself refutes the unambiguousness of her genre definition: "And you decided to show our future? - No. Our eternal present. It's true that when you write an anti-utopia, it is somehow inevitably perceived as political satire, which is not what I wanted. I wanted to write about life and people. About the mysterious Russian people" [Ibid., pp. 331-332]. Indeed, historiosophy prevails in "Kysi"; there are few anti-utopian elements and almost no political satire. In more detail about dystopia as a kind of stable genre tradition, different authors point out different signs that a work belongs to dystopia. For example, Irina Rodnyanskaya sees the following motifs as the most characteristic: "Always the dystopian world, in view of its break with the natural and organic,

has an emphatically industrial face" [9, p. 219]. "Kyss" does not meet this criterion: the doves live in the Stone Age with elements of the Middle Ages, and they have only relatively recently invented the wheel. The second criterion is also irrelevant: "In a given type of society, there must be a doctrine that fully organizes the minds of citizens without being a religious doctrine" [Ibid., p. 222]. There is no rigid ideological control of the totalitarian type. According to the third criterion, "the attitude of the 'new world' to the old, bookish, individual culture is uniform, whatever opus one looks into. In Us historical monuments perish and "ancient books" are not read; in Huxley's novel such books are locked up in the Governor-in-Chief's safe as a kind of special repository" [Ibid., p. 223]. In Kysi the attitude toward old books is negative, but the prohibition is not for ideological reasons. It is said: "Do not keep books at home, and whoever keeps them - do not hide them, and whoever hides them - treat them" [11, p. 247]. First, old books are forbidden because of the superstitious fear of Disease (i.e., because of radiation, the level of which has long been low [Ibid., p. 124]). Secondly, Fyodor Kuzmich still introduces people to the old culture by giving old books to be rewritten under his own name, but this almost does not change the matter: the doves, like Gogol's Petrushka, read for the sake of the process itself. The book as an intellectual product poses no threat, since no one perceives what they read beyond the primitive entertainment-plot level (except in isolated cases, such as Varvara Lukinishna).

One of the reasons for this plot construction may be Tolstoy's desire to play with the genre anti-utopian tradition - that is, to partially discredit anti-utopia as a kind of frozen and standardized genre construct. The fourth point in Rodnyansky's version is personalism: "Utopia is sociocentric, anti-utopia is personalistic" [9, p. 224]. "Kys' completely satisfies this criterion, since the novel is narrated in the form of Benedict's non-personal, direct speech: naturally, Benedict's and the author's points of view are combined in one way or another, but personalism is preserved. The fifth criterion ("home and family in the old sense of the word are excluded here - man has no right to be special" [Ibid., p. 226]) and the sixth ("Collective labor takes flow-conveyor forms and at the same time ritual-pathetic - as a means of absorbing the individual into the whole" [Ibid.]) does not correspond at all to Kyss. Social labor institutions, as well as the family, are arranged very traditionally in the novel. The seventh point concerns the traditionally unfree position of art in a dystopian society: "This is what happens to art. It finally gets rid of its autonomy, of its 'shabby freedom,' which it has found in recent times, and returns, as the 'theurgist' symbolists dreamed, to a kind of public

action. In other words, art, which has become a cynical "technology of feelings" (Huxley), as if parodying the archaic, takes on pseudoritual, pseudo-carnival, pseudo-folklore forms" [Ibid., p. 227]. In "Kysi" nothing of the kind happens: there is no creativity as such, the dove culture absorbs fragments of the old culture, and this collage becomes part of the folk-type culture at the perceptual level. But no one essentially understands the old culture, so it is not dangerous and is not perceived as a possible tool for manipulating public consciousness. After the coup, the Chief Sanitary Inspector even says of the old books: "You can. Fuck them. It makes no difference now. Let them read" [11, p. 305]. The eighth feature of an anti-utopian work is its anti-traditionality: "The general idea is to start from scratch, breaking with blood tradition, cutting off organic continuity; after all, parents are the nearest link to the past" [9, p. 228]. Kyss" also meets this criterion only partially, as the break with tradition occurs not for ideological reasons, but "for technical reasons": because of the Explosion. Perhaps, just as in the case of the book ban, Tolstaya here plays with the genre tradition of dystopia, not taking it seriously and literally. According to the ninth criterion, "the proclaimed goal of social utopias is the common welfare, but the remaking of man for its sake soon reveals itself as the only real goal" [Ibid., p. 235]: this is, for example, the "double-mindedness" and "new language" of 1984, the "opacity" of human consciousness. Curiously, human nature in the novel Kys' does change, but not as a result of purposeful "remaking," but because of an atomic explosion. Perhaps this plot twist related to the global mutation of humanity and the natural world is Tolstoy's ironic response to the corresponding utopian projects, so that in one way or another the ninth anti-utopian criterion is played out in the novel. The tenth point highlights such a feature of the social structure as "self-occupation" [Ibid., p. 236]. In Kys', self-occupation is not as accentuated as in totalitarian societies of dystopian novels, but the bureaucratic system of the dove men and the repressive power of the orderlies certainly meet this criterion. Obviously, the novel Kys' satisfies less than half of the attributes of a classic dystopia. However, in most cases the nonconformity to the "canon" is due either to the writer playing with anti-utopian clichés, or to the fact that in the postmodern context it is simply impossible to use the techniques of classical anti-utopia. Consequently, Kyss is a postmodern variation of the dystopia genre. Within dystopia, two main varieties are usually distinguished: dystopia and kakotopia. Despite the vagueness of the use of these two terms, we can try to relate the novel in question to them. First, according to Chalikova, dystopia "is not an enemy of utopia, not an enemy of paradise, or rather, it cannot dare to denounce

paradise when hell is on earth" [13]. In other words, dystopia lacks an accentuated dispute with utopia.

REFERENCES

1. Groys B. Utopia and Exchange. MOSCOW: ZNAK, 1993. 375 c.
2. Eliseev N. On Tatyana Tolstaya Tolstaya's "Kys" [Electronic resource] // Modern Literature with Vyacheslav Kuritsyn. URL: <http://www.guelman.ru/slava/kis/eliseev.htm> (date of reference: 02.05.2017).
3. Kryzhanovskaya O. Anti-utopian mythopoetic picture of the world in the novel of Tatyana Tolstaya "Kys": diss. ... Candidate of Philological Sciences. Tambov, 2005. 198 c.
4. Lanin B. A. Anatomy of literary anti-utopia [Electronic resource] // Social Sciences and the present. 1993. №
5. C. 154-163. URL: http://ecsocman.hse.ru/data/120/386/1217/017_LANIN.pdf (date of reference: 02.05.2017). 5. Morson G. Borders of genre // Utopia and utopian thinking: an anthology of foreign literature / ed. by V. Chalikova. Moscow: Progress, 1991. C. 233-251



QOVUN BO'LAKLARINI QURITISH UCHUN KAMERALI-ZANJIRLI QURILMA (KSSU-1) TEXNIK VOSITASINI AMALIYOTGA JORIY ETISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGI

N. S. Saidxo'jayeva
"TIQXMMI" MTU, dotsent
nafisa_said@mail.ru

S. I. Xudayqulov
Irrigasiya va suv muammolari ilmiy tadqiqot instituti, t.f.d. professor

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada qishloq xo'jaligi maxsulotlarini ishlab chiqarish, uni saqlash va birlamchi qayta ishlash sohasidagi, jumladan qovun qoqisini tayyorlashni an'anaviy texnologiyasidagi asosiy umumiy kamchiliklari sanab o'tilgan. O'tkazilgan ilmiy tadqiqotlar natijasida yaratilgan qovun bo'laklarini quritish uchun mo'ljallangan kamerali-zanjirli qurilma(KSSU-1)ni amaliyotga joriy etishda erishilgan ilmiy-amaliy va iqtisodiy natijalar keltirilgan.

Ilmiy tadqiqotlar natijasi bo'yicha yangitdan yaratilgan, qovunning xalqasimon bo'laklarini quritish uchun mo'ljallangan kamerali-zanjirli qurilmasi(KSSU-1) (Foydali modelga patent №1240) texnik vositasini amaliyotga joriy etishning iqtisodiy samaradorligi xisoblangan.

Ushbu uslubiyot "GOST R 53056-2008. Qishloq xo'jaligida ilmiy-texnik rivojlanishni jadallashtirishga qaratilgan chora-tadbirlar samaradorligini har tomonlama baholash bo'yicha uslubiy tavsiyalar" asosida ishlab chiqilgan.

Bir yilda quritidgan qovun qoqisidan olinadigan sof daromad 18 192 480 so'mni tashkil etgan. Quritgichni yasash uchun ketgan sarf-xarajatlar: 8 050 000 so'm bo'lsa, ushbu kapital sarf-xarajatlarni qoplash muddati 0,44 yil, ya'ni 5,3 oy bo'ladi.

Kalit so'zlar: yangi texnika, ish unumdorligi, kapital xarajatlar, joriy xarajatlar, daromad, sof foyda, o'zini oqlash muddati.

ECONOMIC EFFICIENCY OF THE INTRODUCTION INTO PRACTICE OF A CHAMBER-CHAIN DEVICE (KTSU-1) FOR DRYING MELON PIECES

ABSTRACT

This article lists the main common disadvantages in the field of agricultural production, its storage and primary processing, including the traditional method of preparing dried melon.

The scientific, practical and economic results achieved during the introduction of a chamber-chain device for drying melon pieces(KCSU-1), created as a result of scientific research, are presented.

The economic efficiency of the introduction into practice of a technical tool - a newly created chamber-chain device(KTSSU-1) (utility model patent No. 1240), designed for drying ring-shaped pieces of melon, is calculated. This method is developed on the basis of "GOST R 53056-2008. Methodological recommendations for a comprehensive assessment of the effectiveness of measures aimed at accelerating scientific and technological development in agriculture".

The net profit for the year from the dried melon pulp amounted to 18,192,480 soums. With the cost of manufacturing a dryer of 8,050,000 soums, the payback period for these capital costs will be 0.44 years, that is, 5.3 months.

Keywords: new equipment, labor productivity, capital costs, operating costs, revenue, net profit, payback period.

KIRISH

Mamlakatimiz xalq xo'jaligining agrar sohasida katta miqyosdagi islohotlar amalga oshirilmoqda. Islohotlardan kutilayotgan natija etishtirilgan mo'l xosilni nafaqat yo'qotishlarsiz yig'ib – terib olish, balki uni yaxshilab saqlash va birlamchi qayta ishlashni tashkil etish va bu hosildan foydalanishning iqtisodiy samaradorligini oshirishdir. Ushbu maqsadni amalga oshirishda yangi texnika va texnologiyalarni yaratib amaliyotga joriy etish alohida ahamiyat kasb etadi.

Ushbu maqolada Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari institutida o'tkazilgan ilmiy tadqiqotlar natijasi bo'yicha yaratilgan qovunning xalqasimon bo'laklarini quritish uchun mo'ljallangan kamerali-zanjirli quritish qurilmasi(KSSU-1) (Foydali modelga patent №1240) texnik vositasini amaliyotga joriy etishning iqtisodiy samaradorligi hisoblangan.

Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish, uni saqlash va birlamchi qayta ishlash sohasidagi, jumladan qovun qoqisini tayyorlashdagi asosiy umumiy kamchiliklari quyidagilar hisoblanadi:

- faqat qo'l mehnatiga asoslanganligi;
- iqlim sharoitlariga ko'p jihatdan bog'liqligi;
- mavjud texnologiyaning sanitariya – gigiena talablariga etarlicha javob bermasligi va boshqalar.

Yangidan yaratiladigan qovunni quritish va qoqi tayyorlash texnologiyasi va texnik vositasi yuqorida ko'rsatilgan kamchiliklarni bartaraf qilish yoki ma'lum darajada kamaytirishga



qaratilgan. Ishlab chiqilgan yangi texnik vosita va texnologiya yuqoridagi keltirilgan faktorlarni 50 – 90 foizgacha yaxshilash imkonini yaratadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Yangi texnika va texnologiyani joriy etishning iqtisodiy samaradorligini hisoblash metodikasi. Uskuna va texnologiyalarni doimiy va uzluksiz takomillashtirish agchagina qo‘shimcha kapital sarf-xarajatlar bilan birga olib boriladi. Yangi texnika va texnologiyalarni joriy etish, innovatsiya takliflari ishlab chiqarish xarajatlarining kamayishiga, mehnat unumdorligining oshishiga, mehnat sharoitining yaxshilanishiga va mahsulot sifatining yaxshilanishiga (iste‘molchilar uchun tejamkorlikka) olib kelgandagina o‘zini oqlaydi.

Texnika va texnologiyani takomillashtirishga qaratilgan qo‘shimcha kapital qo‘yilmalar ishlab chiqarish xarajatlarini tejash orqali qoplanishi lozim. Mahalliy yoki xorijiy asbob-uskunalarining namunalari, agar u uchun hujjatlar mavjud bo‘lsa, taqqoslash bazasi sifatida olinishi mumkin.

Ushbu uslubiyot "GOST R 53056-2008. Qishloq xo‘jaligida ilmiy-texnik rivojlanishni jadallashtirishga qaratilgan chora-tadbirlar samaradorligini har tomonlama baholash bo‘yicha uslubiy tavsiyalar" asosida ishlab chiqilgan.

NATIJALAR

Amaliyotga joriy qilinadigan texnik vosita: qovunning xalqasimon bo‘laklarini quritish uchun kamerali-zanjirli quritish qurilmasi KSSU-1. Solishtirish uchun bundan oldin shunga o‘xshash texnik vosita yaratilmagan.

Ushbu uskuna Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti tomonidan amaliyotga joriy qilishga tavsiya qilingan.

Toshkent viloyati Piskent tumanidagi “T.Nazirov” fermer xo‘jaligi tomonidan 2021 yil 16 iyulda amaliyotga joriy qilishga qaror qabul qilingan. Amaliyotga joriy qilish joyi va hajmi: Toshkent viloyati Piskent tumani, 1 dona qurilma.

Quritgichga bir martalik yuklama turli namunadagi 15, 18, 20 mm qalinliklardagi jami 60 kg qovun etini tashkil etdi. Quritish rejimlari quyidagicha bo‘ldi: dastlabki kamerali kirishdagi davrda havo harorati $T_n = 60 - 70^{\circ}\text{C}$, quritish oxirida $T_k = 45-50^{\circ}\text{C}$, issiqlik oqimi zichligi $q_3 = 0.8 - 2.0 \text{ kv}\cdot\text{m}^2$ oraliqda o‘zgarib turdi, kameradagi havo tezligi $V_B = 4.2 \text{ m}/\text{sek}$ bo‘ldi.

Tajriba ma‘lumotlarining tahlili shuni ko‘rsatdiki, quritish zonasida IQ nurlarining to‘lqin uzunligi $q_{izl} = 2 \text{ mkm}$ ga yaqin bo‘lganda suv molekullari tomonidan nurlanish energiyasining intensiv yutilishi ta‘minlanadi, buning natijasida qovun bo‘laklarining namlikni

yo'qotishi tezlashadi va quritish vaqti oxirgi namlik $W_K = 19\%$ bo'lganda $T = 18$ soatni tashkil etdi.

Qovun etini 85% namlikdan 19% namlikgacha quritishda o'ziga xos energiya sarfi xar bir kg tayyor mahsulot(qoqi) hisobiga 20500 kj ni tashkil etdi. Chuchmal – shirin qovun ta'mli, somon-sariq rangli jami 13 kg quritilgan qovun qoqisi olindi.

Amaliyotga joriy qilishdan iqtisodiy samaradorlik: Shunday qilib, hulosasi qilib aytganda, taklif etilgan quritish qurilmasi konstruksiyasi yuqorida qayd qilingan rejim ko'rsatgichlarida quritish kamerasidagi o'qlog'ichalarda osilib turgan qovun tilimlaridan namlikni chiqarishni intensiv jarayonini hosil qildi.

Qurilmani konstruktiv qismlarini o'zgartirish hisobiga, ba'zi bir boshqa qishloq xo'jaligi mahsulotlarini quritishga moslashtirish mumkinligi ko'rinib turibdi.

Amaliyotga joriy qilishdan kutilayotgan iqtisodiy samaradorlik. Yangi texnik vosita va texnologiyalarni amaliyotga joriy qilishda ma'lum iqtisodiy ko'rsatkichlar, masalan: texnik vositani yasash uchun kapital sarf – xarajatlar, joriy (ekspluatatsion) xarajatlar, xom ashyoni sotib olishga sarf – xarajatlar, ishchi va xizmatchilarning oylik maoshlariga xarajatlar, ishlab chiqarilgan tayyor mahsulotni sotishdan olingan daromad, sof daromad, kapital xarajatlarning o'zini oqlash muddati hisoblanadi.

Kapital xarajatlar:

Quritish uskunasini yasash uchun ketgan sarf-xarajatlar:

1. Ugolniklar, elektrodlar = 1 500 000 so'm;
2. Motor – reduktor, sep(zanjir)lar, tishli yulduzchalar, o'qlar va podshipnikli oboymalar = 4 200 000 so'm;
3. Infraqizil yoritgichlar 2 dona * 75000 so'm = 150 000 so'm;
4. Elektrokalerifer ERA 0,7/1,0 UXL4 “VEYALIS-5” rusmli elektr xavo isitgichi = 200 000 so'm;
5. Quritish uskunasini yasash uchun xizmat xaqi: = 2 000 000 so'm.

Kapital xarajatlar, jami: $K_j = 1\,500\,000\text{ so'm} + 4\,200\,000\text{ so'm} + 150\,000\text{ so'm} + 200\,000\text{ so'm} + 2\,000\,000\text{ so'm} = 8\,050\,000\text{ so'm}$.

Joriy (ekspluatatsion) xarajatlar:

1. Elektr energiyasiga sarf-xarajatlar 1 soatiga ($1,3\text{ kVt/soat} + 0,75\text{ kVt/soat} + 0,2\text{ kVt/soat}$) * $450\text{ so'm/kVt} = 2,25\text{ kVt/soat} * 450\text{ so'm/kVt} = 1012,5\text{ so'm/soat}$. Butun quritish davri, ya'ni 18 soatda: $1012,5\text{ so'm/soat} * 18\text{ soat} = 18225\text{ so'm}$. Agar 3 sutkada 2 marta quritilsa va 1 haftada 6 ish kuni bo'lsa bir oyda 24 ish kuni * $2/3 = 16$ marta quritiladi. Bunda jami bir oyda elektr energiyaga sarflar $18225\text{ so'm} * 16 = 291600\text{ so'm}$ bo'ladi.



2. Qovun xom ashyosiga bir oyda sarf-xarajatlar: $16 * 60 \text{ kg} * 1000 \text{ so'm/kg} = 960000 \text{ so'm}$;

3. Quritgichdan foydalanishda 1 ta operator band bo'ladi. Uning oylik maoshi 2000000 so'm bo'ladi.

Jami xarajatlar bir oyda $E_o = 960000 \text{ so'm} + 291600 \text{ so'm} + 2000000 \text{ so'm} = 3251600 \text{ so'm}$ bo'ladi.

Uskunaning ish unumdorligi. Bir oyda olinadigan tayyor mahsulot (qoqi) = $13 \text{ kg} * 16 = 208 \text{ kg}$.

Olingan tayyor mahsulot(qoqi)ning sotilish narxi = $\$3/\text{kg} = 30210 \text{ so'm/kg}$

Olingan tayyor mahsulot(qoqi)dan bir oyda olinadigan jami daromad

$208 \text{ kg} * \$3/\text{kg} = 208 \text{ kg} * 30210 \text{ so'm/kg} = 6283680 \text{ so'm}$.

Bir oyda qovunni quritish(qoqi)dan olinadigan sof daromad $P_o = 6283680 \text{ so'm} - 3251600 \text{ so'm} = 3032080 \text{ so'm}$.

Bir yilda quritgich iyul-avgust-sentyabr-oktyabr-noyabr-dekabr = 6 oy ishlasa

Bir yilda qovunni quritish(qoqi)dan olinadigan sof daromad

$P_g = 6 * 3032080 \text{ so'm} = 18192480 \text{ so'm}$ bo'ladi.

Quritgichni yasash uchun ketgan sarf-xarajatlar: 8 050 000 so'm bo'lsa, ushbu kapital sarf-xarajatlarni qoplash muddati $S_o = 8050000 \text{ sum} / 18192480 \text{ so'm} = 0,44 \text{ yil}$, ya'ni 5,3 oy bo'ladi.

1-jadval. Qovun bo'laklarini quritish uchun kamerali-zanjirli qurilma(KSSU-1)ni amaliyotga joriy qilishning iqtisodiy samaradorligi

	Iqtisodiy ko'rsatkichlar	Belgilanishi	Birligi	Miqdori
	Ugólniklar, elektrodlar	Ku,e	so'm	1 500 000
	Motor – reduktor, sep(zanjir)lar...	Km,r,s	so'm	4 200 000
	Infraqizil yoritgichlar, 2 dona	Kiq	so'm	2 dona * 75000 so'm = 150 000
	Elektrokalofer ERA 0,7/1,0 UXL4 “VEYALIS-5” rusmli elektr xavo isitgichi	Kek	so'm	200 000
	Quritish uskunasini yasash uchun xizmta xaki:	Kxx	so'm	2 000 000
	Kapital xarajatlar, jami:	Kj	so'm	8 050 000

Elektr energiyasiga jami bir oyda sarf-xarajatlar	Ee	so'm	291 600
Qovun xom ashyosiga bir oyda sarf-xarajatlar:	Exa	so'm	960 000
Quritgichdan foydalanishda 1 ta operatorning oylik maoshi	Eop	so'm	2 000 000
Jami joriy (ekspluatatsion) xarajatlar bir oyda	Eo	so'm	3 251 600
Uskunaning ish unumdorligi. Bir oyda olinadigan tayyor maxsulot (qoqi)	Pk	kg	13 kg * 16 smena = 208 kg
Olingan tayyor maxsulot (qoqi) ning sotilish narxi	Pn	so'm/kg	\$3/kg = 30210
Olingan tayyor maxsulot(qoqi)dan bir oyda olinadigan jami daromad	Pd	so'm	6283680
Bir oyda qovun qoqisidan olinadigan sof daromad	Po	so'm	3 032 080
Bir yilda qovun qoqisidan olinadigan sof daromad	Pg	so'm	18 192 480
Quritgichni yasash uchun ketgan sarf-xarajatlarni qoplash muddati	$So = Kj / Pg$	yil	8 050 000 sum / 18 192 480 so'm = 0,44 yil, ya'ni 5,3 oy

Jadvaldagi ko'rsatkichlarni tahlil qilganimizda qovun bo'laklarini quritish uchun kamerali-zanjirli qurilma(KSSU-1)ning qulayligi, kamxarajat va iqtisodiy samarador ekanligi yaqqol isbotini topdi. Huloosa qilib aytganda, etishtirilgan mo'l hosilni nafaqat yo'qotishlarsiz yig'ib-terib olish, balki uni yaxshilab saqlash va birlamchi qayta ishlashni tashkil etish va bu hosildan foydalanishning iqtisodiy samaradorligini oshirishda ushbu qurilmadan foydalanish anchagina iqtisodiy samaradorlikni oshishiga xizmat qiladi. Ya'ni etishtirilgan hosildan olinadigan daromaddagi sof foydaning ulushini oshishiga xizmat qiladi va shu bilan birga qo'shimcha mablag' jamg'arish imkoniyati paydo bo'ladi, Bu esa aholining turmush farovonligini oshishiga zamin yaratadi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish, uni saqlash va birlamchi qayta ishlash sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning maqsadi ham shu hisoblanadi.

XULOSA

O'tkazilgan ilmiy tadqiqotlar natijasida yaratilgan qovun bo'laklarini quritish uchun mo'ljallangan kamerali-zanjirli

quritish qurilma(KSSU-1)ni amaliyotga joriy etishda quyidagi ilmiy – amaliy va iqtisodiy natijalarga erishildi:

1. Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish, uni saqlash va birlamchi qayta ishlash sohasi, ya‘ni qovunni quritib qoqi tayyorlash uchun yangi texnik vosita - qovun bo‘laklarini quritish uchun kamerali-zanjirli quritish qurilma(KSSU-1) (Foydali modelga Patent №1240) va tegishli quritish texnologiyasi yaratildi.

2. Qovun bo‘laklarini quritish uchun kamerali-zanjirli quritish qurilma(KSSU-1)ni ishlab chiqarish uchun ishchi chizmalar va texnik talablar ishlab chiqildi.

3. Ilmiy tadqiqotlar natijasi bo‘yicha yaratilgan qovun bo‘laklarini quritish uchun kamerali-zanjirli quritish qurilma(KSSU-1)ni amaliyotga joriy qilishning iqtisodiy samaradorligi hisoblab chiqildi. Bir yilda qovunni quritish (qoqi)dan olinadigan sof daromad 18 192 480 so‘m bo‘ldi. Quritgichni yasash uchun ketgan sarf-xarajatlarni qoplash muddati $8\ 050\ 000\ \text{so‘m} / 18\ 192\ 480\ \text{so‘m} = 0,44$ yil, ya‘ni 5,3 oyni tashkil etdi.

4. Qovun bo‘laklarini quritish qurilmasini sinash natijalari shuni ko‘rsatadiki, u qovun bo‘laklarini sifatli qurishini ta‘minlaydi.

5. Qurilma xajmining kichikligini, uni fermer xo‘jaligi dalalariga olib borib o‘sha erning o‘zida ishlatish imkoniyatiga ega ekanligini xisobga olib uni ishlab chiqarishda keng foydalanish mumkin deb hisoblaymiz.

6. Yangi texnologiya va texnik vositasidan foydalanish uchun hayot-faoliyat xavfsizligi masalalarini o‘z ichiga olgan tavsiyalar ishlab chiqildi.

REFERENCES

1. Iskandarov, Z., Saidxujaeva, N., Irmuhamedova, L. (2019) Dried melon production line. *International Journal of Engineering and Advanced Technology* (IJEAT) ISSN: 2249 – 8958, Volume-8 Issue-9S2, July

2. Saidhujaeva, N., Nulloev, U., Mirkhasilova, Z., Mirnigmatov, B., Irmukhamedova, L. (2019) Production of plant product as a process of functioning biotechnical system. *IJEAT. International Journal of Engineering and Advanced Technology* (IJEAT) ISSN: 2249-8958, Volume-9 Issue-1, October

3. Iskandarov, Z., Saidkhujaeva, N., Abdieva, G., Karimullaeva, M. (2019) Machine for cutting melons on ring-sheeds. *International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology* Vol. 6, Issue 4, April ISSN: 2350-0328

4. ГОСТ Р 53056-2008. Группа Т51. “НАЦИОНАЛЬНЫЙ СТАНДАРТ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ”. Техника сельскохозяйственная. МЕТОДЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ



ОЦЕНКИ.

5. ГОСТ Р 52778-2007 Испытания сельскохозяйственной техники. Методы эксплуатационно-технологической оценки

6. ГОСТ Р 53057-2008 Машины сельскохозяйственные. Методы оценки конкурентоспособности

7. Shaimardanov, B. (2014) Heliocomplex for drying fruit and vegetable products. *Michurinsky Agronomic Bulletin* 1 pp 100-105

8. Rakhmatov, O. (2014) Integrated line for the production of dried melon. *Modernization of agricultural education: integration of science and practice* 2 pp 48-53



ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРУВЧИЛАР ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Махмуда Ортиқовна Дехқонова

Ўзбекистон давлат кансерваторияси катта ўқитувчиси
m23791846@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола қисқа масофага югурувчи спортчилар йиллик тайёргарлик машғулотларини тақсимлашда юкламаларни самарали режалаштиришнинг устувор варианты ишлаб чиқиш ва амалиётда асослашга бағишланган.

Калит сўзлар: Йиллик тайёргарликни, тайёрлов даврлари, мусобақа олди, мусобақа фаолияти, дам олиш оралиғи, машғулот юкламаларини.

ABSTRACT

This article is devoted to the development and practical justification of the priority option for effective load planning in the distribution of annual training sessions for short-distance runners in adolescence.

Keywords: annual training, training periods, precompetitive, competitive activity, rest intervals, training loads.

КИРИШ

Ҳозирги кунда енгил атлетиканинг қисқа масофаларга югуриш тури бутун дунёда оммалашган спорт турларидан ҳисобланади. Спорт натижалари кундан кунга ўсиб бориши қисқа масофаларга югурувчи ўсмирларни йиллик тайёргарлик машғулотларини самарали тақсимлаш услубиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Қисқа масофага югурувчиларни тайёрлаш бўйича дунёдаги етакчи олимлар билан бир қаторда юртимиздаги мутахассислар ҳам машғулот услубиятини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борганлар. Муаллифлар машғулотларда техникани тўғри ўргатиш ва восита усулларни қўлланиш услубияти эътибор қаратиб келган лекин ўсмирларни йиллик тайёргарлик машғулотларини тақсимланиш ҳажми бўйича жуда кам маълумотлар берилган. Шу боисдан ҳозирги кунда бизнинг фикримизча қисқа масофага югурувчи ўсмирларимиз яхши спорт натижасига эриша олмаганлиги машғулот жараёнини такомиллаштириш заруриятига эътибор қаратишни тақозо



этади. Бугунги кунда қисқа масофаларга югурувчиларнинг йиллик тайёргарлик босқичини тақсимлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш, қўлланиладиган восита усулларни саралаш, умумий жисмоний тайёргарлигининг оптимал нисбатларини излаб топиш услубиятига эътибор берилмоқда.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун мураббий ва спортчилар олдидаги йиллик тайёргарлик машғулотларини тўғри режалаштириш талаб этади. Унда машғулот ҳажми, юкламалар нисбатлари, дам олиш оралиғи ва бажарилиш суръатлари тўғри тақсимлаш, мураббийлар олдидаги асосий вазифалардан саналади. Машғулотлар оптимал Қисқа масофага югурувчиларнинг йиллик тайёргарлик босқичини тақсимлашнинг энг оптимал даражасини излаб топиш муаммоси хали ҳам долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонлик қисқа масофага югурувчи ўсмирларнинг спорт натижасини Жаҳондаги қисқа масофага югурувчилар натижаси билан тенглаштираш жуда мураккабдир. Спортчиларнинг қисқа масофага югуриш бўйича тайёрлашда йиллик тайёргарликнинг тайёрлов даври, мусобақалашув даври, ҳамда ўтиш даври юкламаларнинг тақсимлашда уларнинг жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги, тактик ҳолати, руҳий ва функционал тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда тақсимланиши бўйича етакчи олимлар ўрганган ва илмий изланишлар олиб боришган. Лекин йилдан-йилга спорт натижаларини ўсиб бориши йиллик тайёргарлик машғулотларини талаб этиши ҳеч кимга сир эмас. Аммо, йиллик тайёргарлик машғулотларида қўлланиладиган восита ва усулларининг умумий ҳажми бажарилиши интенсивлиги бўйича кўпчилик олимлар кам эътибор қаратганлар.

Бир қатор тадқиқотчилар В.Папов, К.Т.Шакиржанова, Р.Кудратов, Ю.Т.Травин илмий ишларида кўпроқ спорт такомиллашув босқичи тарбияланувчилари машғулот жараёнига эътибор қаратишган. Лекин шунингдек катта ёшдаги спортчиларни тайёрлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, айнан ўсмир ёшдаги спортчиларни йиллик тайёргарлик юкламаларини самарали тақсимланиши бўйича иш олиб борилмаган. Спорт машғулот циклида бошқариш ва такомиллаштириш спорт назаряси услубиятида кўп йиллик ва мураккаб жараёнларидан ҳисобланади (1, 2, 3, 4) [1].

НАТИЖАЛАР

Педагогик тажриба йиллик циклининг тайёргарлик даврида ўқув машғулот гуруҳлари учун умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик воситаларини оқилона тақсимлаш мақсадида ўтказилди. Тажриба табиий шароитларда Юнусобод халқ таълимига қарашли БЎОЗСМ атлетика машғулотларида олиб борилади. Ишлаб чиқилган услубият ёрдамида унинг самарадорлиги текширилди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи шундан иборат бўлдики, тайёргарлик даврида машғулотларини ўтказиш учун машғулот машқлари ва воситалари танланди, машғулот машқлари гуруҳларга ажратилди.

Аввал таъкидлангандек, тайёргарлик даврида организмнинг функционал имкониятларини оширишга, жисмоний тайёргарликни яхшилашга ва базани тўлдиришга ёрдам берадиган машғулот юкламаларини оптимал равшда режалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бу мусобақа фаолиятини самарали олиб боришга имкон яратади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал этиш учун ўқув машғулот гуруҳи қисқа масофага югурувчилар билан педагогик тажриба ташкил қилинди ва ўтказилди. Биринчи тажрибада, яъни спортчиларни тайёргарлик даври бошида жисмоний тайёргарликлари даражасини аниқлаш учун дастлабки тестлаш амалга оширилди. Унда 24 нафар енгил атлетикачилар қатнашди. 2021-йилнинг спортчилар контингенти билан умумий жисмоний тайёргарликни аниқлаш мақсадида тестлар ўтказилди: тажриба иштирокчилари билан махсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш учун куйидаги қисқа масофага югуруви спортчилар учун умумий қабул қилинган тестлар бўйича тестлаш ўтказилди:

Дастлабки тестлаш маълумотларга кўра (1- жадвал) ҳамма ўтказилган тестлар бўйича ўртача кўрсаткичлар аниқланди. Шунингдек енгил атлетикачилар учун антропометрик кўрсаткичлар бўйича умумий тайёргарлик босқичида тажриба гуруҳида умумий жисмоний тайёргарликка алоҳида эътибор қаратилди.

1- жадвал

Тадқиқот ва назорат гуруҳларига мансуб қисқа масофага югурувчиларни тажрибадан аввалги ҳамда кейинги жисмоний тайёргарлик даражаси динамикаси (% ҳисобида).

Тестлар	гуруҳ	Тажрибадан олдин	Тажрибадан кейин	фарқи	%
30 м.га югуриш (сек)	ТГ	4,43±0.3	4,09±0.15	0,34	7,7
	НГ	4,5±0.23	4,41±0.24	0,1	2,2
60 м.га югуриш (сек)	ТГ	8,2±0,49	7,8±0.36	0,4	4,9
	НГ	8,21±1.6	8,04±0.14	0,17	2,4
100 м.га югуриш (сек)	ТГ	12,2±0.23	11,8±0.23	0,4	3,3
	НГ	12,25±0.36	12.05±1.32	0,2	1,6
1000 м.га югуриш (сек)	ТГ	3:17,7±12.64	3:02,6±17.1	0:15,7	7,6
	НГ	3:24,6±7.32	3:18,4±4.68	0:06,2	3,0
Жойдан туриб узунликка сакраш (см)	ТГ	249,2±1.54	260,8±17.6	11,6	4,7
	НГ	249±8.03	258±4.85	9,0	3,6
Жойдан туриб узунликка учхатлаб сакраш (см)	ТГ	728±24.2	773,5±52.9	45,5	6,3
	НГ	725±22.01	746±22.96	21,0	2,9
Ядро итқитиш (5кг) (м)	ТГ	11,92±2.23	12,7±2.6	0,78	6,5
	НГ	10,38±9.3	10,67±0.84	0,3	2,8

Ўтказилган педагогик тажрибадан, бошида тажриба гураҳи синалувчилари 30 м масофага югуришни ўртача $4,43 \pm 0,30$ вақт сарфлаган бўлса 60 м масофага югуришда $8,20 \pm 9,49$ сек натижа кўрсатди. 100м масофага югуришда $12,2 \pm 0,23$ сек қайт этди. 1000 м масофага югуришда $3:17,7 \pm 12,64$ сек қайт этдик. Жойидан туриб узунликга сакрашда $249,21 \pm 154$ сек натижалар қайт этилди. Жойдан туриб уч хатлаб сакрашда $7,28 \pm 24,26$ см га етди. Ядро итқитишда $11,92 \pm 2,23$ м га натижаларни кўрсатди.

МУХОКАМА

Биз тадқиқот давомида олинган натижаларга асосланиб, қисқа масофаларга югурувчи ўсмирлар учун йиллик машғулотлар 252 марта, машғулотлар соати 576 соат. Қисқа масофага югуришларнинг умумий ҳажми 159 км ташкил этган бўлса, 96-100% шиддатли югуришлар ҳажми 35,3км 91-95% Шиддатда югуришлар, 32,6 км 91% дан паст бўлган шиддат зонасида 105,6км махсус югуриш



машқлари умумий ҳажми 44,9 сакрашларда депсинишлар сони 620 дақ оғирлаштирилган машқлар билан ишлаш 58,2 тоннани ташкил этган бўлса УЖТ машғулотларига 319 соат вақт ажратилади. Режалаштирилган йиллик тайёргарлик машғулотлари тайёргарлик даври умумий ва махсус тайёргарлик босқичи, қишки мусобақа даври, ўтиш даври, 2 тайёргарлик даври, махсус тайёргарлик ва мусобақа даврлари ҳамда ўтиш давридан иборатдир. Ишлаб чиқилган йиллик тайёргарлик машғулотларини тақсимланиши 2-жадвалда бердик.

2-жадвал

**Тадқиқот гуруҳи қисқа масофаларга югурувчи спортчиларни
йиллик юкламалар ҳажми**

	Машғулот воситалари ва юклама ҳажми	умумий
	Машғулотлар сони	52
	Машғулотлар соати	76
	Қисқа масофага югуришлар умумий ҳажми (км)	59
	96-100% шиддатли югуришлар (км)	5
	91-95% шиддатли югуришлар (км)	3
	91%дан паст шиддатли югуришлар(км)	06
	Махсус югуриш машқлари ҳажми(км)	4
	Депсиниш машқлар сони (дақ)	20
	Оғирлаштирилган Машқлар билан ишлаш(тонн)	8
0	УЖТ	19

Қисқа масофага югурувчиларни йиллик машғулотларида УЖТ ва МЖТ юкламаларини қўлланилиш нисбати ва восита усулларини қўлланилиши ҳамда ишлаб чиқилган йиллик тайёргарлик машғулотларини режлаштириш самарадорлиги бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни қайт этиш имконини берди.

Қисқа масофага югурувчиларнинг йиллик тайёргарлик машғулотларида УЖТ ва МЖТ юкламаларини қўлланилиш нисбатлари ўқув машғулот гуруҳларининг 1 йилида 70/30 2 йилида 60/40 3 йилида 40/60 4йилида 30/70 нисбатида юкламалар тақсимланиши аниқланди.

Қисқа масофага югурувчилар машғулот жараёнида машғулотларнинг ҳар хил усулларидадан фойдаланилади. Улардан қисқа масофаларга югурувчиларни тезкорлигини тарбиялашда такрорий усул, қайта такрорий, ўзгарувчан, дам олиш оралиғи, масофани бўлаклаб ўтиш усули ва бир маромли югуриш усулларини қасқа масофага югурувчиларнинг тезкор куч ва тезкор чидамлигини тарбиялашда самарадорлигини аниқладик.

Қисқа масофага югурувчиларни йиллик тайёргарлик машғулотлари умумий қонуниятларга асосланган ҳолда 52 ҳафтадан иборат бўлиб, тайёргарлик мусобақа ва ўтиш даврларига бўлинади. Тайёргарлик даври иккига бўлиниб, умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус тайёргарлик ҳафталадир. Мусобақа даври мусобақа олди тайёргарлик, эрта мусобақалар ва асосий мусобақалардан иборат. Ўтиш даври ҳам дам олиш ва фаол дам олиш ҳафталигадан иборатдир.

ХУЛОСА

1. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва жаҳон спорт амалиётига жорий этилган йиллик тайёргарлик машғулотлари дастурларига биноан қўлланилиб келаётган йиллик тайёргарлик машғулотлар юкламалар ўз самарадорлиги жинойтидан тўғри тақсимланганлигини кузатиш мумкин. Аммо халқаро спорт мусобақаларида спорт натижаларини кун сайин ўсиб бориши, рақобатни кескинлашувига олиб келмоқда. Шу боисдан танланган мавзумиз ҳозирги кунда долзарб бўлиб, дастурлар бўйича ўтказилган машғулотларни илмий асосланган янги педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этиш заруриятига эътибор қаратади.

2. Қисқа масофага югурувчиларнинг амалдаги дастуридаги йиллик тайёргарлик машғулотларини тақсимланиши ва унда қўлланиланидиган юкламалар ҳажмлари ва даврлардаги

машғулот вазифаларини мақсадга мувофиқ деб билсак, аммо ушбу дастурлар бизнинг иқлим шароитимизга мос келмаслиги, жойлардаги машғулот ўтказиш жойининг талабга жавоб бермаслиги ва мураббийларнинг йиллик машғулотларини ва уни қўлланиладиган юкламаларни кўр-кўрона ҳалақит қилаётганлиги кузатилди.

3. Анъанавий дастур асосида шуғулланилган назорат гуруҳи қисқа масофага югурувчилари модел кўрсаткичларга нисбатан анча кам даражада шаклланганлиги тадқиқот олдида қайт этилди. 30м масофага югуришда ўртача $4,5 \pm 0,23$ сек ташкил этган бўлса, 60м югуришда $8,21 \pm 0,16$ га тенг бўлди. 100м масофага югуришда $12,25 \pm 0,36$ сек ташкил этди. 1000м масофага югуришда $204,6 \pm 7,32$ сек натижа кўрсатишди. Жойидан туриб узунликга сакрашда $249 \pm 8,03$ смга тенг бўлди. Жойдан туриб уч хатлашда $725 \pm 22,01$ смга тенг бўлган бўлса Ядро итқитишда $10,38 \pm 0,93$ смга тенг эканлигани тадқиқот олди тадқиқотларда кузатдик, демак шундан далолат берадики назорат гуруҳи синалувчилари машғулот юкламаларини тақсимлашдаги хатоликлар уларни жисмоний тайёргарликни ўсишига сал бўлса ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

4. Йиллик тайёргарлик машғулотларини самарали тақсимлаш ҳар жиҳатдан спортчилар тайёргарликни ривожлантиришига хизмат қилиши ҳеч кимга сир эмас, маълумки тайёргарликни микро, мезоциклларрида юкламаларни иккига бир нисбатида тақсимлаш ва ҳафталик юкламаларда бир ёки икки марта кросс югуриш сўнг сакраш машқларини қўллаш ҳамда тезкор-куч ривожлантирувчи оғирлаштирилган жисмлар, штанга гриллари сакрашлар, ғовлар оша югуриш машқлари билан оралиқли дам олиб югуришлар, такрорий югуришларни қўллаб боришлик спорт натижалари ва жисмоний тайёргарлигини ошишига хизмат қилади.

6. Қисқа масофага югурувчи тажриба гуруҳига мансуб спортчиларнинг тадқиқот сўнгида жисмоний тайёргарлик даражаси кўрсаткичга эришишда биз томонимиздан режалаштирилган йиллик тайёргарлик машғулотлари қисман бўлса ҳам яхши натижага эришилди. Бу эса спорт амалиётларида спорт натижасида юксалишни таъминлайди. Биз томонимиздан йиллик тайёргарлик машғулотларини тақсимлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурда тайёргарлик даври ва махсус тайёргарлик мусобақа ва ўтиш даврлари тузилмалари тўғри тақсимланганлигини яна бир бор ўтказилган тадқиқотда ўз исботини топди.

REFERENCES

1. Павлова О.И. Современная тренировка юных легкоатлетика/Монография - М.: Изд-во. «Теория и практика физ. культуры», 2004.-160 с.
2. Попов В.Б. Легкая атлетика для юношества/ В.Б.Попов, Ф.П.Суслов, Г.Н.Германов.- Москва- Воронеж, 1999-220с.
3. Шакиржанова К.Т. Жисмоний тарбия жисмоний мослашиши спортчиларнинг машқланганлик даражасининг мезони сифатида. – Т.: 2007.– 36с.
4. Шакиржонова К.Т., Тухтабоев Н.Т Основы техники, методика обучения и тренировки в беге на короткие дистанции. – Т.: 2012.-й 143 с.

SPORT ZAHIRALARINING TAYYORLASHNING BOSHQARUVINI TASHKILLASHTIRISH

Mamut Matyaqubovich Raximov

Urganch davlat universiteti dotsenti

rakhimov.momut@bk.ru

Alisher Amatchon o'g'li Avezmetov

Urganch davlat universiteti magistranti

avezmetov1141@gmail.com

ANNOTATSIYA

Sport yutuqlarining zamonaviy saviyasi sportchilar tayyorlashni istiqbolli zahirasini tayyorlash uchun tashkiliy-metodologik asos yaratish bilan yosh avlodni g'oyaviy tarbiyalash, jismoniy tarbiyani va oliy sport mahoratini yanada rivojlantirish, xalqaro maydonda yetakchi o'rinlarni egallashda maqsadli tayyorlovni nazarda tutadi.

Kalit so'zlar: Sport natijasi, tayyorgarlik, texnologiya, boshqaruv dinamikasi, boshqaruv va axborot, sifat, usul, funksional holat, mashg'ulot hajmi.

ABSTRACT

The modern level of sports achievements implies ideological upbringing of the younger generation, further development of physical culture and higher sports skills, targeted training to take a leading position in the international arena, creating an organizational and methodological basis for the preparation of promising reserves of athletes

Keywords: Sports results, training, technology, management dynamics, management and information, quality, method, functional status, training volume.

KIRISH

Erishilayotgan yuksak sport natijalarini yirik xalqaro musobaqalarda raqobatning kuchayishi mashg'ulot va musobaqa yuklamalarini muntazam o'sib borishi, o'zbek sporti geografiasining tobora kengayishi hozirgi bosqichda yuqori malakali sportchilarni tayyorlash ilmiy-uslubiy asosini takomillashtirish zaruratini belgilaydi. Yuqori natijalar sportni alohida shaxsiy va umumiy millatga xos irsiy qobilyati,



jamiyaning darajasi hamda ijtimoiy tuzilishi mezoni bo‘lib xizmat qilishi kerak. Tayyorgarlik texnologiyalarini har tomonlama takomillashtirish yo‘llari to‘g‘risidagi ilmiy qarashlarning yangi tizimini yaratish va amalga oshirish xisobiga va yuqori malakali sportchilarni tayyorlash nazariyasi hamda usuliyatini yangilash lozim. Hozirgi zamonda sportda yutuqlarga erishishning sharti yuqori malakali sportchilar tayyorlashni maqbullashtirishning yangi texnologiyalarini ishlab chiqish va ularni amalga oshirishdan iborat.

Sport faniga iqtisodiy mafkuraviy siyosiy o‘lchamlar bo‘yicha ustuvor munosabatini shakllantirish dolzarb mavzuga aylanib qoldi. Xalqaro maydondagi sport yutuqlari bu milliy boylik va birinchi navbatda davlat ulardan manfaatdor bo‘lmog‘i kerak. Bugungi kunda malakali sportchilarni tayyorlashning mavjud tizimini quyidagi faoliyat shakllarini shakllantirishni ko‘zda tutadi.

1. Tayyorgarlikning turli bosqichlarida muvoffaqiyatga erishish uchun zarur sport natijasini bashorat qilish

2. Sportchining musobaqa faoliyatini tahlil etish va modellashtirish

3. Sportchi tayyorgarligining turli tomonlarini tahlil etish va modellashtirish

4. Rejalashtirilgan natijaga erishish uchun yo‘naltirilgan sport mashg‘ulotini tahlil etish va dasturlash

Bu bo‘limning har biri yuzasidan olib boriladigan ish sportchi ahvolini nazorat qilish (bu nazoratning umumiy ko‘rinishi sportchi tayyorlashning har xil jihatlari model tavsiyalariga qay daraja muofiqligini tekshirishdan iborat) hamda sportchi mashg‘ulotlari va uning ishchanlik qobiliyatini tiklashning yangi usullarini ishlab chiqish shuningdek bularning organizmga ta‘sirini nazorat etish usullaridan tarkib topadi. Albatta bunday tor ma‘noda jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotini mushkul dinamik O‘z-o‘zini boshqaruvchi tizimlarini hosilasi sifatida qarash mumkin. Kibirnetika tomonidan shakllantirilgan boshqaruv qonuniyatlari asosi faqatgina sabab oqibat bog‘liqligi mavjudligi bilan tasniflanuvchi mushkul dinamik tizimlarigina o‘z-o‘zini boshqarish mumkin degan nuqtaiy nazarga olib keladi boshqaruv jarayonlari tizimini turg‘unlashuviga ruxsat beruvchi antide tashkillashtiruvchi tasnifga ega. Boshqaruv va axborot ajralmas bir butundir. O‘z-o‘zini boshqaruvchi tizimlarning muhim omillari teskari aloqalardir ular boshqaruvni maqsadga yo‘naltirilgani va optimal hamda funksionalligini taminlaydi. Bunday holda biron bir muhim qismini tushurib qoldirish juda qiyindir chunki har bir kishida chikiy mavjuddir. Masalan sport natijalarini aniqlovchi sifat uni baholash usuli rivojlanish uslubiyati rejalashtirayotgan natija me‘yorini belgilash ularni vaqt bo‘yicha taqsimlash tartibi va h.k



ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Sportga yaroqliligini aniqlashda bolalar organizmining rivojlanish xususiyatlari e'tiborga olish lozim. L.I.Stogova (1977), M.Ivanetskiy (1966) Sprinterlarda-nisbatan tana uzunligini takidlaydi. Ingiliz professori J.Ganner (1964) olimpiada o'yinlari qatnashchilari-yengil atletikachilarning gavda tuzilishi xususiyatlarini o'rganishga bag'ishlangan. N.Bulgakovning (1986) ta'kidlashicha suzuvchilarda tozi shakli bo'yicha O.Nedrrigaylova (1964) Gimnastikachilarning uzun gavdasiga va kuchli rivojlangan yelka aylanasiga e'tibor qaratgan.

Tayyorgarlik jarayonini boshqarishning maqsadi sportchi faoliyatini takomillashtirish yuqori yutuqlarga erishishni ta'minlovchi maqsadli tayyorgarlikni rivojlantirishdir. Sport mashg'ulotini boshqarishning ob'ekti sportning intizomi uning tezkor davriy bosqichli holatining sababi bo'lib qo'llaniladigan mashg'ulot va musobaqa yuklamasi sport tayyorgarligi tizimida unga tasir majmuasining barchasidir.

Mashg'ulot jarayonini boshqarish ham sport mashg'uloti tizimi imkoniyatlarini (qonunyatlar omillar holatlar vosita va usullar hamda mashg'ulot va musobaqadan tashqari (maxsus anjom uskuna va mashg'ulotlar qayta tiklanishi vositalari iqlim omillari va x.k) omillarini majmuaviy qo'llashni ko'zda tutadi. Bir tomondan amalga oshirilgan yechimlarni asoslarga holda uning katta samaradorligini belgilaydi.

NATIJALAR

Sport mashqi jarayonining boshqarishning asosi bo'lib, sportning turli va doimo o'zgaruvchan imkoniyatlari, uning funksional holatining o'zgarishi, hamda sportchidan murabbiyga keladigan quyidagi to'rt turdagi qaytma aloqa to'g'risida axborot xizmat qiladi;

1. Sportchidan murabbiyga keluvchi ma'lumotlar (salomatlik, ishga munosabati, kayfiyat va boshqalar);
2. Sportchining o'zini tutishi to'g'risida ma'lumotlar (mashg'ulot hajmi, uni bajarilishi, aniqlangan hatolar va x.k);
3. Mashqlarni tezroq samarasi to'g'risida axborotlar (mashq yuklamasi natijasida funksional o'zgarishi tasnifi);
4. Mashg'ulotning kumulyativ va kelgusi samarasi to'g'risidagi ma'lumotlar (sportchining tayyorgarlik darajasini o'zgarishi).

Mashg'ulot jarayonida sportchining turli xolatlarini boshqarish lozimligi munosabati bilan boshqaruvning bir necha turlarini sanab o'tish mumkin:

-bosqichli, yirik strukturali mashg'ulot jarayonlari majmuasida tayyorgarlikni takomillashtirishga yo'naltirilgan (ko'p yillik tayyorgarlik bosqichlarida, makrosikllarda, davrlarda);

-kundalik mikro va mezo davrdagi mashqlar, ba'zi musobaqalar davrida sportchining o'zini tutishini takomillashtirishni ta'minlaydi;

-tezkor mehnat va xordiq tartibi, alohida mashg'ulot va ularning majmuasini bajarish chog'ida harakat tasniflari, mashg'ulotlar dasturi, alohida musobaqa va kurashlarda sportchi organizmining ta'sirchanligini takomillashtirishga yo'naltirilgan.

MUHOKAMA

Sport yutuqlarining zamonaviy saviyasi sportchilar tayyorlashning ko'p yillik tizimini tashkil etishni, samarali tashkiliy shakllarni izlashni, yuqori malakali sportchilar qatorini to'ldirib borish uchun iqtidorli yigit va qizlarni sport bilan shug'ullanishga keng jalb qilishni talab etadi. Buning uchun xukumatimiz bolalar sportini doimiy rivojlantirish yuqori sport mahorati maktablarini tashkil etishga yo'naltirilgan qarorlari mavjud, mamlakatimizda bularga tashkiliy, metodik va moddiy asos solingan.

Hozirgi vaqtda sport zahiralari quyidagicha klasifikatsiyasi qabul qilinigan. Amaldagi zahira mamlakatning terma jamoalariga nomzod bo'lgan, yosh jixatdan istiqbolli bo'lgan yuqori malakali sportchilardir. Ular xalqaro toifadagi sport ustasi darajasiga javob berishlari, respublika va xalqaro musobaqalarida, jahon chempionatlarida muvaffaqiyatli qatnashishi lozim.

Yaqin zahirada olimpiadagacha bo'lgan davrda mamlakatning terma jamoalariga nomzodlar qatorini to'ldirib boradigan yosh iqtidorli sportchilardir. Yaqin zahirani aniqlash chog'ida sportchining kelgusi sport natijalari, yoshlararo xalqaro musobaqalarda muvoffaqiyatli qatnashish ko'rsatkichlariga e'tibor beriladi. Yaqin zahirani baholashda sportchining yoshi, mashg'ulot va bellashuvlar staji, model ko'rsatkichlariga e'tibor qaratiladi.

Istiqbolli zahira bolalar-o'smirlar sport maktablarida BO'SM ixtisoslashgan olimpiya zahiralari bolalar-o'smirlar sport maktablarida IOZBO'SM oliy sport maxorati maktablarida OSMI shug'ullanayotgan yosh sportchilardir. Yosh sportchilar tayyorlashning boshqarish texnologiyasi bir necha bosqichga bo'linadi: qaror qabul qilish, ijroni tashkil etish, axborotlarni yig'ish va tahlil qilish, yakuniy ma'lumotnoma tayyorlash. Agar ushbu umumiy qoidalarni yosh sportchilarni tayyorlash tizimiga qo'llaydigan bo'lsak, quyidagi tizimiga qo'llaydigan bo'lsak, quyidagi tizimga ega bo'lamiz.



Boshqaruv tizimining tashkiliy elementlari sport maktablarining sifatli va samaradorligini yaxshilashga yo'naltirilganligini aks etiradi. Ushbu jarayonda yetakchi o'rin murabbiy hamda boshqa mutaxassislariga (shifokorlar, ilmiy xodimlar va boshqalar) ajratiladi.

Alohida qayd etib o'tish lozimki, sport zahiralarini tayyorlash boshqaruvining samaradorligini oshirish uchun, barcha sport yo'nalishlari uchun yagona bo'lgan to'g'ri uslubiy tizim qoidalariga rioya qilish muhim omil xisoblanadi. U yoki bu tizimning samaradorligini aniqlash qiyosiy tahlil yordamida amalga oshiriladi. Biroq, yosh sportchilarning ma'lum vaqtgacha o'sib borishi natijasida ko'p yillik tayyorlov jarayonining turli bosqichlari maqsadga muvofiq emas.

XULOSA

Sport mashg'ulotlarini boshqarish jarayoni murabbiy tomonidan ma'lum ketma-ketlikdagi amallarni bajarilishini ko'zda tutadi (shu bilan bir vaqtda maqsad e'tiborga olinadi). Birinchi amal sportchining tayyorgarligi to'g'risida birlamchi ma'lumotlarni olish; kuchli va mos tomonlarni aniqlash; umumiy va xususiy vazifalarni aniqlash. Ikkinchi amal maqsaddagi ko'rsatkichga erishishni taminlaydigan modul tasniflari bilan tanishish.

Yosh sportchilar tayyorlashni boshqarish

Qarorlarni qabul qilish	Ijroni tashkil etish	Ma'lumot yig'ish va qayta ishlash	Yakun yasash
-------------------------	----------------------	-----------------------------------	--------------

Maqsad va vazifalarni belgilash	Sportga layoqatligini aniqlash asosida guruhlarni shakllantirish	Maqsadga etishni Aniqlovchi omillar	Mashg'ulotni rejalashtirish	O'quv-mashq jarayonini o'tkazish	Kuzatuvchilar	Nazorat tizimi	Hisob	Belgilangan maqsad va vazifalarga erishish	Kelajakdagi qarorlarni qabul qilish uchun tavsiyalar
---------------------------------	--	-------------------------------------	-----------------------------	----------------------------------	---------------	----------------	-------	--	--

F.Kerimov va M.Umarov jadvali asosida

Yosh sportchi erishishi kerak bo'lgan model ko'rsatkichlariga orientatsiya qilish uchun, bir tomondan yaxshi rivojlanishni va ikkinchi tomondan tayyorgarlikning kerakli saviyasidan o'zib ketmaslikni



taminlash lozimligidan kelib chiqadi. O‘smirlar sportida, sport malakasini yanada takomillashtirishda bazaviy sport mashg‘ulotlarining samsaradorligi birinchi o‘ringa chiqadi, ular bolalar va o‘smirlarga ishonchli asos taminilashi lozim. Ma‘lumki, samaradorlik nisbiy kattalik, uni biror bir narsa bilan taqqoslabgina hisoblash mumkin. Masalan, yosh sportchi rivojlanishining qandaydir sifati aniqlanganda, faqatgina shu ma‘lumotlarni model ko‘rsatkichlariga qiyoslab, sport mashg‘uloti qanday saviyada olib borilayotganligini aniqlash mumkin.

REFERENCES

1. Abdullaev.A, Xonkeldiev.SH “Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati” T- 2005
2. Kerimov.F., Umarov.M. Sportda prognozlashtirish va modellashtirish. Darslik. Tosh.2005
3. Kerimov.F Sport kurashi nazariyasi va uslubiyati. Darslik. Tosh.2005
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoevning “Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tog‘risida” gi farmonini Toshkent shahri, 2018-yil 5-mart.
5. Kerimov F.A. Sport kurashi nazariyasi va usuliyati, Toshkent “O‘z DJTI” nashriyotimatbaa bo‘limi 2001-yil.
6. Kerimov F.A. Sport sohasidagi ilmiy tadqiqotlar, Toshkent “Zar qalam” nashriyoti 2004- yil.
7. Salomov R.S. Sport mashg‘ulotining nazariy asoslari “O‘z DJTI” nashriyoti-matbaa bo‘limi Toshkent 2005-yil
8. Xalmuhamedov R.D. SHin V.N. Abdurasulova G.B.Tajibaev S.S. YOsh yakkakurashchilar ko‘p yillik tayyorgarlik jarayonining turli bosqichlarida saralashning me‘yorlari.
9. www.sport-athlet.com
10. www.gymnastic.ru/atletiss

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН МУҚОБИЛ ЁНИЛҒИЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шерали Абдуманнонович Суванқулов

Жиззах политехника институти

sherali.suvankulov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада автомобил транспортида ёқилғи сифатида ишлатиладиган биометаннинг автомобилда қўлланилганда экологияга таъсирини автомобил ҳаракат тезлигининг ўзгариш хусусиятларига боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: автомобил, биометан, экология, эксплуатация, ёқилғи сарфи, эксплуатацион кўрсаткичлар, энергия, органик ўғитлар, калория.

ABSTRACT

This article analyzes the environmental impact of biomethane used as a fuel in road transport in relation to the characteristics of changes in vehicle speed.

Keywords: automotive, biomethane, ecology, operation, fuel consumption, performance, energy, organic fertilizers, calories.

КИРИШ

Экологик муаммоларнинг кескинлашуви, қайта тикланмайдиган энергия захираларининг камайиши ва уларнинг нархининг ошиши, органик чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқа турдаги энергия олиш муаммосини тезкор ҳал қилишни талаб қилади. Маълумки, ҳайвонларнинг органик чиқиндилари қишлоқ хўжалигида органик ўғитлар сифатида ишлатилади ва уларни энергия манбаи сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Автомобил транспорти 86% асосан нефт маҳсулотларидан олинган энергиядан фойдаланади. Шу сабабли автомобил двигателлари чиқарадиган чиқинди газлар таркибидаги зарарли моддаларнинг концентрацияси рухсат этилган меъёрдан ошиб кетади. Автомобил транспортдан чиқадиган чиқинди газлар таркибида 70,4% карбонат ангидрид, 13,2% углеводлар ва 8,2% дан ортиқ азот оксиди бор. [1].

Двигател ёқилғиси сифатида табиий газдан фойдаланиш техник, эксплуатацион ва иқтисодий



кўрсаткичларни оширади, шунингдек чиқинди газларнинг атмосферага чиқишини камайтиради.

Лекин, нефт ва табиий газ захиралари чекланганлигини ҳисобга олсак, табиийки автомобил транспортида муқобил ёқилғилардан фойдаланиш зарурати туғилади.

Физик ҳолатига кўра ёнувчи газлар икки гуруҳга бўлинади: сиқилган ва суюлтирилган. Агар углеводородларнинг критик ҳарорати автомобиллар ишлаганда нормал ҳароратдан паст бўлса, улар сиқилган ҳолда, ундан юқори бўлса, суюлтирилган ҳолда 1,5-2,0 МПа босим остида қўлланилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қуйида муқобил ёнилғи сифатида ишлатиш мумкин бўлган биометан газларидан фойдаланиш хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. (1-Жадвал)

1-Жадвал

Газсимон ёнилғиларнинг хусусиятлари	Ишчи аралашманинг яхши аралашishi
	Коррозия ва коррезион ейилишнинг камлиги
	Юқори калорияли ёнувчан аралашма
	Сақлаш ва ташиш пайтида сифатнинг сақланиши
	Ишлаб чиқариш ва ташишнинг арзонлиги

Сиқилган газлар учун асосий компонентлар метан CH_4 , карбон моноксиди CO ва водород H_2 дир. Сиқилган газлар турли хил келиб чиқадиган ёнувчи газлардан олинади - табиий, боғланган нефт, кокс печи ва бошқалар. Сиқилган табиий газлардаги метан миқдори 40-80% ни ташкил қилади, метаннинг критик ҳарорати минус 82°C ни ташкил қилади, шунинг учун сиқилган табиий газларни совутмасдан суёқ ҳолатга ўтказиш мумкин эмас. Сиқилган табиий газларнинг иккита тоифаси мавжуд - А ва Б, улар метан ва азот миқдори бўйича фарқланади. [2, 15].

Сиқилган табиий газлар учун газ баллон бирликлари 20 МПа босимда ишлашга мўлжалланган. Сиқилган табиий газлар баллонлари қалин деворли ва оғирдир. Шундай қилиб, саккизта 50 литрли қалин деворли баллоннинг оғирлиги 0,5 тоннадан ошади, кейин автомобилнинг ташиш ҳажми сезиларли даражада камайдир. Бундан ташқари, сиқилган табиий газларда ишлаганда битта ёқилғи қуйиш шоҳобчасида автомобилнинг юриши бензинга қараганда 2 барабар кам. [10,16]

Сиқилган табиий газлар ёниш камерасида 635 ... 645°C ҳароратда ёнади, бу бензиннинг ёниш ҳароратидан сезиларли даражада юқори. Бу, айниқса, паст ҳаво ҳароратида двигателни ишга туширишни қийинлаштиради. Шу билан бирга, сиқилган табиий газлар ёнғин хавфи жиҳатидан бензинга қараганда анча хавфсизроқдир. 2-жадвалда бензин билан солиштирганда сиқилган табиий газларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилган [2, 8].

2-жадвал

Сиқилган табиий газларнинг афзалликлари ва камчиликлари


Афзалликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none">- двигател мойининг хизмат қилиш муддати 2,0 ... 3,0 баробар оширилади;- цилиндр-поршен гурухи деталларида курум йуклиги сабабли, двигатель ресарси 35 ... 40% га ошади;- шамларнинг хизмат қилиш муддати 40% га оширилади;- чиқинди газлар билан зарарли моддаларнинг, айниқса СО нинг эмиссияси 90% га камаяди.	<ul style="list-style-type: none">- автомобил нархи тахминан 27% га ошади;- техник хизмат кўрсатишнинг меҳнат ҳажми 7 ... 8 га ошади;- двигател қуввати 18 ... 20% га камаяди, тезланиш вақти 24 ... 30% га ошади, максимал тезлик 5 ... 6% га камаяди, максимал кўтарилиш бурчаклари 30 ... 40% га камаяди;- битта ёқилғи қуйиш станциясида ҳайдаш масофаси 200 ... 250 км дан ошмайди; автомобилнинг юк кўтариш қобилияти 9 ... 14% га камаяди.

Ҳозирги вақтда табиий газда ишлайдиган кўплаб мобил машиналар ишламоқда. Бу, биринчи навбатда, табиий газга ўтказиш учун замонавий двигателлар ёқилғи таъминоти тизимида, ўт олдириш бурчагини илгарилаш вақтини сошлашда ва мойлаш тизимида фақат кичик дизайн ўзгаришларини талаб қилиши билан боғлиқ. Табиий газнинг октан сони 100-110 бирлик, энг паст калорифик қиймати 32-36 МЖ / кг [4].

НАТИЖАЛАР

Двигател табиий газ билан ёқилганда, СО нинг токсиклиги сезиларли даражада камаяди - 4-6 марта, C_nH_m учун - 1,3-1,9 марта, NO_x учун - 1,3 марта; газ дизелида - тутун дизелларга қараганда 50-70% камроқ, кансероген моддалар микдори 5-7,5 марта камаяди, NO_x дизелда бўлгани каби бир хил даражада қолади, лекин газ дизелида C_nH_m ва алдегид чиқиндилари кўпроқ [6,13].

Газга муқобил ёқилғига тез ўтиш зарурати мавжуд бўлган транспорт воситаларининг ёнилғи ускуналарини қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлиб, у икки турдаги ёқилғи - бензин ва газда (уларнинг мавжудлигига қараб) ишлашга имкон беради. Шу билан бирга, автомобилнинг энергия кўрсаткичлари 15-20% га ёмонлашади.[9,11, 12]



МУҲОКАМА

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида (АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Аргентина, Нидерландия, Франция, Хитой ва бошқалар) экологик муаммоларни ҳал қилиш йўли сифатида автомобил двигателларини газ ёқилғисига ишлашини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг учун норматив-ҳуқуқий базалар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда: нарх, солиқ, тариф, кредит. Бу сиёсат ўзининг юксак самараларини бермоқда. Шундай қилиб, Голландияда - 50%, Италияда - 20% дан ортиғи, Австрияда - 95%, Данияда - 87% автобус парки газ ёқилғиси билан ишламоқда. [7, 14].

Биогаз юқори сифатли муқобил ёқилғи ҳисобланади. Биогаз асосан метандан иборат бўлганлиги сабабли, барча мавжуд табиий газ жараёнларига мослашиши осон. Биогаз - энг экологик тоза мотор ёнилғи турларидан бири. Бошқа мазут турлари билан солиштирганда, биогаз двигателлар ишлаганда энг кам миқдорда карбонат ангидрид ва заррача моддаларни чиқаради. Маълумки, газ билан ишлайдиган двигателлар шовқинсиз ва камроқ тебраниш хусусиятига эга, бу эса хайдовчиларнинг иш шароитларини яхшилайти ва экологик хавфсизликни таъминлайди, ёнғин ва портлашлар хавфини камайтиради [5, 15].

Швеция ва Швейцария олимларининг фикрига кўра, биогаз дизел ёқилғисидан 75% га бензинга қараганда 50% га экологик тоза.[13,14]

Уни мобил машиналарнинг двигателларида ишлатишдан олдин биогазни 95% метан даражасига бойитиш керак. Биогазнинг энергия эквиваленти 9-10 (кВт • с/м³) ни ташкил қилади. 3-жадвалда биогаз ва бошқа муқобил мотор ёнилғиларининг бензинга нисбатан хоссалари кўрсатилган.

Бойитилган, тозаланган биогаз (биометан) ва табиий газнинг физик-кимёвий ва экологик хусусиятлари деярли бир хил, шунинг учун улар учун бир хил ёнилғи ускунасидан фойдаланиш мумкин. Бироқ, табиий газ ва биометан ўртасида фарқ бор: иккинчиси ёндирилганда, қайта ишлаш жараёнида ундан чиқарилган бир хил миқдордаги CO₂ атмосферага чиқарилади. Биометан мутлақо мувозанатли биоёқилғи ҳисобланади [17].

3-жадвал

Муқобил ёнилғиларнинг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Бензин	табиий газ	Биометан	Этанол	Метанол
Қуйи ёниш иссиқлиги, Н _y , кДж/кг	44000	33802,6	29850	41900	21500
Юқори ёниш иссиқлиги, Н _o , кДж/м ³	34500-35600	32186	32300	-	26230
Ҳаво билан аралашмада алангаланиш чегаралари	0,29-1,18	-	0,65-1,8	0,9-1,1	0,7-1,0
Ўз-ўзидан алангаланиш харорати, °С	467-527	40-680	685-747	423	464

Ёнилғи ёниши учун назарий жиҳатдан зарур бўлган ҳаво миқдори, м ³ /кг	12,35	9,52	-	6,53	6,45
Зичлик, кг/м ³	700-760	0,717	0,71-0,74	0,75	0,791
Октан сони	7-98	110	126	125	125

4-жадвал

Газ аралашмаси таркибий қисмларининг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Метан	Этан	Пропан	Бутан	Пентан	Бензин
Химиявий формуласи	CH ₄	C ₂ H ₆	C ₃ H ₈	C ₄ H ₁₀	C ₅ H ₁₂	C _{мес}
Молекуляр массаси, кг/моль	16,0	30,0	44,0	5,0	72,0	114,0
Оддий шароитда газ фазасининг зичлиги (0°C, 760 мм рт. ст.) кг/м ³	0,717	1,36	2,01	2,70	3,22	-
Газ фазасининг нисбий зичлиги	0,554	1,048	1,562	2,091	2,488	
Критик ҳарорат	-82,1	32,3	96,8	152,0	196,0	-
Қуйи ёниш иссиқлиги МДж/м ³	33,7	60,0	85,5	111,5	137,5	43,9
Газ-ҳаво аралашмасининг соф калорифик қиймати (α=1,0), МДж/м ³	3,22	3,40	3,46	3,41	3,52	-
Октан сони (мотор усули бўйича)	110	108	105	94	70	72-84
Цетан сони	10	-	16	25	30	-
Ёниш ҳарорати (нормал атмосфера босимида), °C	640-680	508-605	510-580	475-550	475-510	270-330

ХУЛОСА

Олис қишлоқ жойларда биометандан автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш, биноларни иситиш қозонларида сувни иситиш учун газ горелкаларида ёниш учун муқобил ёқилғи сифатида фойдаланиш мумкин.

Бироқ, чорвачилик фермаларида биогаз олинадиган жойларда, мотор ёқилғиси сифатида фойдаланилганда



экологик хавфсизликни таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун уни зарарли таркибий қисмлардан тозалаш тизимини таъминлаш керак. Шу билан бирга, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш учун биометанни тозалаш филтрларидан фойдаланиш иқтисодий нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқдир.[12]

REFERENCES

1. Базаров Б.И. Научные основы энерго экологической эффективности использования альтернативных моторных топлива: Дисс...док техн. Наук.-Ташкент: ТАДИ, 2006-215 б.
2. Т.Абдуазизов. “Экология автомобильного транспорта” Джизак-2011 75 б.
3. Суванкулов Ш. Топлива для автомобильного транспортных комплексов. Республиканский научный-технический конференция. г.Джизак 2014. 192-194-б.Суванкулов Ш. А. Очистка биогаза до состояния, позволяющего использование в качестве моторного топлива «Российская наука в современном мире» XL Международная научно-практическая конференция. 31 августа 2021. 36-38 стр.
4. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ildan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. Academic research in educational sciences, 2(1) Toshkent.
5. Адиллов, О. К., Худоёров, Ш. Т., Исломов, Ш. Э., Адиллов, Ж. А., Хусанов, Н. Ш., & Хасанов, Б. И. (2015). Выбор критериев оценки улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No.48, pp. 63-66). Vedecko vydavateľské centrum Sociosfera-CZ sro.
6. Murtazaqulovich, H. Y., & Jumabayevich, H. B. (2021). Avtomobillarda siqilgan va suyuultirilgan gaz yonilg'ilaridan foydalanishning samaradorlik ko'rsatgichlari. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 621-626.
7. Murtazaqulovich, H. Y., & Qo'Chqorovna, Y. M. (2021). Gaz ballonli avtomobillarga texnik xizmat ko 'rsatish ishlarini tizimli tashkil etish orqali xavfsizlikni oshirish. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(2).
8. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ildan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. Academic research in educational sciences, 2(1).



9. Otaganov, S. Q. O. (2021). Avtomobillarga gaz to'ldirish kompressor shaxobchalarida xavfsizlik talablarini takomillashtirish. Academic research in educational sciences, 2(1).
10. Адиллов, О. К., & Кулмурадов, Д. И. (2014). Эксплуатации газобаллонных автомобилей в горных и предгорных условиях работы. Молодой ученый, (4), 149-150.
11. Адиллов, О. К., Джиянбаев, С. В., Каршибаев, Ш. Э., Кулмурадов, Д. И., & Самиев, Х. Х. (2015). Вторичные продукты масложирового производства. Молодой ученый, (2), 118-121.
12. Адиллов, О. К., Худоёров, Ш. Т., Исломов, Ш. Э., Адиллов, Ж. А., Хусанов, Н. Ш., & Хасанов, Б. И. (2015). Выбор критериев оценки улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 48, pp. 63-66). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
13. Дадаева, Г. С., & Тошпулатова, С. А. (2020). Охрана атмосферного воздуха от выбросов заправочной станции сжиженного газа. In *Арктика: современные подходы к производственной и экологической безопасности в нефтегазовом секторе* (pp. 79-88).
14. Тайлаков, А. А., & Дадаева, Г. С. (2019). Загрязнения природной среды радиоактивными веществами. *Оказова Зарина Петровна, доктор, 446*.
15. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. Academic research in educational sciences, (3).
16. Рахматуллаев, М. Х., Хужаназаров, Б. Ф., & Тагаев, Х. С. (2016). Устойчивость и распад струи выхлопных отработавших газов в атмосферной среде. Молодой ученый, (7-2), 67-70.
17. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамрақулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашishi. Academic research in educational sciences, (1).
18. Nurmukhammad, O. (2021). SAFETY METHODS AT GAS FILLING STATIONS FOR CARS. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 27-36.



ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA “GIPERBOLA” MUBOLAG’ANING LINGVOSTILISTIK MAQOMI

Shaxnoza Mirzaxalilova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Kognitiv tilshunoslik bugungi kunda tilshunoslik sohasida tobora rivojlanib bormoqda. Kognitiv tilshunoslikning asosiy o’rganish obyekti bo’lgan “konsept” mental jarayonlarning natijasi sifatida “kognitiv semantika”ning freymlashgan ko’rinishi bo’lib, tilda o’zining verbalizatorlariga ega. “Giperbola” konsepti shunday konseptlar sirasiga kiradi. Maqola kirish, asosiy 3 qism va xulosadan iborat. Ushbu maqolada “giperbola” mubolag’a stilistik vositasining universal tabiatini aniqlash, ularni leksik va semantik jihatdan chuqurroq o’rganish, ingliz va o’zbek tillarida “giperbola” vositasining verbalizatorlarining o’xshash va farqli jihatlarini o’rganish yoritilgan.

Kalit so’zlar: kognitiv tilshunoslik, konsept, semantika, giperbola, troplar, stilistika, antigiperbola.

KIRISH

Bugungi kunda jahon tilshunosligida, shuningdek Vatanimiz tilshunosligida ham tilning ijtimoiy hodisa sifatida qo’llanilishining tadqiq e’tilishiga e’tibor kuchayib bormoqda. Tilning kishilar orasidagi muhim muloqot vositasi ekanligiga va uning muloqotdagi betakror vositachilik vazifasiga, uning muloqot ehtiyojidan kelib chiquvchi bir qator jihatlarini o’rganishga olimlar tomonidan bo’lgan qiziqish tobora oshib bormoqda.

Umumiy tilshunoslikning stilistika yoki “uslubshunoslik” deb ataluvchi bo’limi tilni muloqot vositasi sifatida tadqiq etuvchi uning kommunikativ-pragmatik masalalari va muommolarini izchil va sistemali o’rganish va yoritishdek muhim vazifani bajaradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ma’lumki, tilning ta’sirchanligi, jozibaliligi uning cheksiz imkoniyatlarini, uning mavjud funksional stillarda qo’llanish masalalarini sistemali va atroflicha o’rganuvchi fan tilshunoslikda “lisoniy



stilistika” deb yuritiladi. Bugungi kunda lisoniy stilistikaning quyidagi turlari mavjud:

- 1) umumiy stilistika
- 2) xususiy stilistika
- 3) qiyosiy stilistika

Bulardan xususiy va qiyosiy stilistika umumiy stilistikani ma’lum va zarur lisoniy ozuqa bilan ta’minlovchi, shu yo’sinda umumiy stilistika nazariyasini puxta va ishonchli dalillar bilan ta’minlovchi lisoniy yo’nalishdir.

Dunyo tilshunosligida yana bir yo’nalish – kognitiv tilshunoslik rivojlanib, ravnaq topib bormoqda. Uning tahlil predmeti tilda so’zlashuvchi yoki yozuvchilarning obyektiv borliqni anglash jarayonida tilning roli, shuningdek tilning shakllanishi, rivojlanishi va muloqot vositasi sifatida qo’llanilishi jarayonida kognitiv omillarning roli, undagi inson omilining betakror o’rni, obyektiv dunyo haqidagi inson bilimlari tizimining konseptuallashtirish va kategorizatsiyalashtirish jarayonlari orqali tilda voqealantirish texnikasi, vositalari va usullarini ilmiy tadqiq qilish va ilmiy yoritish hisoblanadi.

Tilshunoslikda kognitiv tilshunoslikning asosiy o’rganish obyekti bo’lgan “konsept” aqliy jarayonlarning natijasi sifatida bevosita tilda o’zining maxsus verbalizatorlariga, ya’ni uni voqealantiruvchi vositalarga ega. “Giperbola” konsepti ham shunday konseptlar sirasiga kiradi.

Mustaqillik yillarida yangi avlod va turli soha mutaxassislari uchun xorijiy tillarni mukammal bilish va chet tillarini o’qitish samaradorligini tubdan isloh qilishga katta ahamiyat berildi. Mamlakatimizda chet tillarini o’rganish tizimi yanada takomillashtirish va har bir sohada fundamental tadqiqot ishlari jadallashti. Taraqqiyot tamoyillariga asoslangan holda “.....ilmiy tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag’batlantirish, ilmiy hamda innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlari yaratish”ga alohida e’tibor qaratildi. Xorijiy tillarni o’qitishning kompleks tizimini yaratish hamda respublikaning jahon hamjamiyatiga yanada integratsiyalashuviga alohida e’tibor qaratilishi nafaqat xorijiy tillarni o’rganish yoki o’qitishda, turli xil lug’atlar tuzishda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Shubhasiz, muloqot jarayonida tilda so’zlovchilar va yozuvchilar suhbatdoshlariga o’zlarining maqsad va muddaosini tushuntirish, unga kerakli ma’lumotlarni yetkazish uchun o’zining lingvalitetidagi mavjud bilim va tajribasidan foydalangan holda, bevosita nutqni bezovchi va uning ta’sirchanligini oshirish uchun tildagi stilistik vositalar, shu jumladan troplar va nutq figuralaridan unumli foydalanishga



intiladilar. “Giperbola” stilistik vositalarning ichida eng keng tarqalgan universal vositalardan biri hisoblanadi. Soʻzlovchi muloqot jarayonida suhbatdoshiga kuchli taʼsir oʻtkazish maqsadida, oʻzining kommunikativ-pragmatik muddaosi-maqsadi, yaʼni biron bir predmet yoki hodisaning u yoki bu tavsifni keragicha mubolagʻlashtirish zarurati bilan uzviy bogʻliq boʻlgan “giperbola kognitiv/konseptual semantikasi”ni toʻlaonli voqelantirish niyatida “giperbola” stilistik vositasi yordamida muloqotdagi nutqning vaziatga monand ravishda, jozibali, taʼsirchan va ifodali chiqishiga harakat qiladi.

Giperbolaning universal tabiati shunday bir muhim omil bilan bogʻliqki, uning lingvokognitiv asosi boʻlgan “giperbola konseptual semantikasi tilda soʻzlovchi va yozuvchi, sogʻlom fikrlovchi har bir insonning tafakkurida mavjud boʻlgan, aynan olingan sotsium tomonidan meʼyorlashtirilgan, shu bois sotsiuslar konseptosferasida oʻz ifodasini topgan idrokiy hodisa boʻlib, bunday semantika qonuniy ravishda har qanday jonli tilde oʻziga xos, verbal va noverbal vositalarning maxsus tizimi orqali voqelantirilmay iloji yoʻq” (Karaboyev J.B 2015, 74-75).

Giperbola boʻyicha maxsus adabiyotda bir qator ishlar mavjud boʻlib, ular giperbolaning turli aspektlariga aloqador muommalarni aksariyat hollarda anʼanaviy usulda tadqiq qilishga bagʻishlangan, shu jumladan ularda tadqiqodchilarning asosiy eʼtibori obyektiv borliqdagi turli predmetlarning tasnifini “mubulagʻalashgan semantika” orqali voqelantiruvchi betakror vosita giperbolaning funksional – stilistik tabiatini ochib berishga qaratilgan.

Giperbola boʻyicha maxsus adabiyotlarga asoslanib, shunday xulosaga kelish mumkinki, giperbolaning asosini (poydevorini), yaʼni uning falsafiy asosini badiiy (ham prozaik, ham poetik) yoki oddiy, kundalik nutqiy mubolagʻalashtirish, yaʼni boʻrttirish tashkil etadi, vaholanki boʻrttirish maʼnosi zamonaviy lingvistik va adabiyotshunoslik lugʻatlarida, ensiklopediyalarda hamda boshqa ilmiy izlanishlarda oʻz aksini topgan. Giperbola boʻyicha aksariyat ilmiy izlanishlar tahlili shuni koʻrsatadiki, ushbu ishlar mualliflarining koʻpchiligi giperbolani “stilistik figura”lar sirasiga kiritadilar (ЛЭ, 1925, 185, Ахманова, 1969,99; ЛЭС, 1987, 78; МАС, 1985,310), baʼzan ular giperbolani “trop deb talqin qiladilar (ЛЭСб 1990б 520), ayrimlari uni “stilistik vosita” (приём) “deb hisoblaydilar (ССРЛЯ 1992,105) , baʼzilar uni “obrazli iboralar” sirasiga kiritadilar (Розенталь, Теленкова, 1985, 76) boshqalari esa uni taʼsirchanlik vositasi sifatida taʼriflaydilar (Кыксин 1988 va 97) va h.k..

S.Dj.Dyubua raxbarligidagi tilshunoslar guruhining giperbolani tushunishlari oʻziga xos boʻlib, ularning fikricha

tilning barcha aspektlariga xos o'zgarishlarni ular "metabola" (ritorik figura) atamasi orqali ifodalashni maqsadga muvofiq deb topadilar. Giperbola qo'llanilayotganda narsalar kattalashtiriladi, ya'ni intensivlikka moslashtiriladi.

Ingliz frazeologiyasi bo'yicha taniqli olim A.V.Kunin boshqa frazeologik birliklar bilan bir qatorda giperbola yuzasidan olib brogan chuqur, maxsus ilmiy izlanishlarida giperbola semantikasining frazeologik birliklar orqali ham ifodalash mumkinligini ta'kidlab, bunday til birliklarini " frazeologik giperbola" deb atash maqsadga muvofiq deb to'g'ri fikr bildiradi. (Kunin 1960,57-60, 1989,85-93, 1996, 61-168).

Shuni ta'kidlash kerakki, giperbola va unga yaqin hamda uyqash bo'lgan hodisalar nazariyasining eng kam ishlangan masalasi bu giperbolaga tamoman teskari bo'lgan konseptual semantika, ya'ni o'ta kichraytirish yoki kamaytirish semantikasi'ni ifodalash uchun maxsuslashgan til hodisalarining maqomi va ularni qanday talqin qilish masalasi bo'lib qolmoqda. Ba'zi bir olimlar obyektiv borliqdagi voqelikning sifat, miqdor daraja kabi tavsifini "o'ta kichraytirish" yoki "o'ta kamaytirish", masalan jimjiloqdek, tirnoqcha, mitti, zig'rdek, bir qultum suv bilan yutib yuborgudek va h.k.larni giperbolaning bir ko'rinishi deb hisoblaydilar. Giperbola bilan predmet jihati tavsifini "o'ta kichraytirish (o'ta kamaytirish) hodisalari bir -biriga ma'lum jihatdan yaqin va umumiy bo'lsada, ular o'rtasida tubdan farq qiladigan lingvokognitiv, struktural-semantik, mazmuniy-semantik, kommunikativni-pragmatik, psixolingvistik va sotsiolingvistik jihatlar, qirralar mavjud ekanligiga urg'u bergan holda, giperbola ifodalaydigan, vaholanki ifodalashi lozim bo'lgan "o'ta kuchaytirish (o'ta kattalashtirish), ya'ni "mubolag'alashtirish"ni, uning aksi bo'lgan "o'ta kichraytirish (o'ta kamaytirish), ya'ni "antigiperbolizatsiya" emasligidan kelib chiqib, "o'ta kichraytirish (o'ta kamaytirish)"ni giperbolaning antipodi deb talqin qilishga to'liq asos bor, ya'ni u antigiperboladir. Shunday qilib, giperbolani unga yaqin va uyqash bo'lgan meyozis, litota, metabola, antigiperbola, shuningdek kuchaytirish, grotesk kabi stilistik hodisalardan aniq farqlab olish kerak.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, hozirgi zamon tilshunosligida yangi, fanlararo bir yo'nalish-kognitiv tilshunoslik tobora rivojlanib bormoqda. Bu yo'nalishga xos tadqiqotlar antroposentrizm tamoyiliga asoslangan bo'lib, bunday izlanishlarning diqqat markazida inson omili turadi. Shu bilan bir qatorda kognitiv tilshunoslikning asosiy kategoriyasi bo'lgan "konsept" mental birlik sifatida, dunyo bilimlarini egallashning

birdan bir vositasi hisoblanadi. Turli konseptlar yoki konseptual semantikalar orasida kognitiv stilistik konseptlardan biri bo'lgan "giperbola konsepti" universal tabiatga ega bo'lgan konseptlar sirasiga kiradi va ular tilde so'zlovchi tomonidan ataylab, vaziatga ko'ra tez-tez bo'rttirilmasdan iloji yo'q. Bu esa ushbu konseptual semantikaning kommunikativ nuqtayi nazaridan ham juda muhim va kerak bo'lgan semantika ekanligidan dalolat beradi.

Giperbolaga daxldor barcha sinonimik, omonimik, giponimik giperonimik va paronimik munosabatlar giperbola konsepti maydoni doirasida uning komponentlari orqali mazkur tizim qonuniyatlari asosida amalga oshiriladi.

REFERENCES

1. Qoraboyev J.B Giperbolaning lingvistik maqomi va muolag'lashgan semantikali frazeologik birliklar//Tilshunoslikdagi yangi yo'nalishlar va ularning muammolari.- Toshkent, 2015. 74-75-b.
2. Кунин А.В. Фразеологические интенсификаторы в современном английском языке./ И.Я., 1960
3. Крысин Х.П. Гипербола в русской разговорной речи. Проблемы структурной лингвистики. 1988, 9-11.



ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Уринбой Худобердиевич Абдуолимов

Бош прокуратура Академияси таянч докторанти

uabduolimov@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада прокуратура органларининг ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни ва унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга оид қонунчилик нормалари таҳлил қилинган. Прокуратура органларининг давлат механизмида тутган ўрни ва ушбу орган фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари юзасидан миллий қонунчиликдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш тўғрисида хулоса ва таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: давлат механизми, ҳокимиятлар бўлиниш принципи, ижтимоий таъминот, прокуратура органларида хизматни ўташ, мувофиқлаштириш.

ABSTRACT

This article analyzes the role of the prosecutor's office in the system of separation of powers and legislative norms to improve its organizational and legal aspects. Conclusions and proposals were put forward to eliminate existing problems in the national legislation on the role of the prosecutor's office in the State system and current aspects of improving the organizational and legal framework of the activities of this body.

Keywords: state mechanism, the principle of separation of powers, social protection, service in the prosecutor's office, coordination.

КИРИШ

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ҳар соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ва улкан яратувчилик ислохотлари дунё ҳамжамияти, халқаро экспертлар ва кўплаб бошқа давлатларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.



Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг алоҳида бир йўналиши айнан – Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилгани ҳам бежиз эмас эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да ҳам “II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” устувор йўналиш сифатида белгиланиб, унда қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш муҳим мақсадлардан бири сифатида белгиланди.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида прокуратура органлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича бир нечта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. Прокуратура органларига давлат органи сифатида қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш ва қонунларни қўриқлаш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Прокуратуранинг давлат механизмида тутган ўрнига тааллуқли энг мунозарали мавзулардан бири – унинг ҳокимиятлар тақсимланиши тизимидаги ўрни ҳақидаги масаладир.

Бу борада илмий адабиётларда турли хил ёндашувлар илгари сурилган. Гарчи, ушбу масаладаги фикрлар доим ҳам



аниқ ва бир хил бўлмаса-да, бироқ, уларнинг умумий хусусиятлари мавжуд.

Жумладан, олимларнинг бир гуруҳи прокуратурани ижро ҳокимиятига мансублигини таъкидлашган. Масалан, рус ҳуқуқшунос олими Н.Федоров прокуратурани ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият таркибига киритишни таклиф қилади. Бунда, у чет эл мамлакатларининг аксариятида прокуратура ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари таркибига киришини далил қилиб келтиради. Шу каби, яна бир гуруҳ олимлар ва амалиётчилар прокурор ваколатлари маъмурий ва императив хусусиятга эга эканлиги сабабли уни ижро этувчи ҳокимият сифатида таъкидлашади.

Олимларнинг иккинчи гуруҳи эса, прокуратура мамлакат ҳудудида қонунларнинг бажарилишини, шунингдек, қуйи ҳуқуқий ҳужжатларни қонунга мувофиқлигини текширганлиги учун ҳанузгача прокуратура ҳокимият қонун чиқарувчи тармоғининг ўзига хос “қўшимчаси” деб ҳисоблашади.

Ушбу фикр тарафдорлари қуйидаги мантиққа таянадилар: қонун чиқарувчи ҳокимият қонунлар чиқаради ва прокуратура уларнинг бутун мамлакат бўйлаб ижросини назорат қилади.

Уларнинг фикрига кўра, прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият механизмларидан биридир, прокурор назорати эса, ҳокимиятнинг махсус туридир, у ваколатларни бевосита қонун чиқарувчидан олиши, уларни шакллантириши ва фақат унинг олдида ҳисобдор бўлиши керак.

Масалан, рус олимларидан бири В.Ломовский прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият остида бўлиши керак, деб ҳисоблайди, чунки, бир томондан, қонунлар қабул қилинганидан кейин олий қонун чиқарувчи ҳокимият уларнинг бажарилишига бефарқ қараб туролмайди. Шунинг учун, у қонунийликнинг бирлигини таъминлаш функциясини сақлаб қолади, уни бевосита, шунингдек, прокуратура органлари орқали амалга оширади.

Бошқа томондан, прокуратура, ушбу муаллиф ёзганидек, ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда давлатда “ёлғиз” бўлолмайди, уни қўллаб-қувватлаш керак, чунки у кўпинча “энг кучли одамларга” қаршилик кўрсатиши керак, шу боис, прокуратура қонун чиқарувчи ҳокимият остида бўлиши керак.

Фикримизча, юқоридаги ҳар иккала гуруҳ олимлари Россия ҳуқуқ тизими ва амалиётидан келиб чиққан ҳолда илмий қарашларини баён қилишган бўлиб, бу қарашлар миллий ҳуқуқ тизимимизга унчалик ҳам мос келмайди.

Чунки, биринчи гуруҳ олимлари прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат билан боғлиқ фаолиятига унчалик эътибор қаратмаган бўлсалар, иккинчи гуруҳ



олимлар, аксинча, ушбу фаолиятга кўпроқ ёндашишиб, прокуратуранинг жиний таъкибни амалга ошириш, одил судловга кўмаклашиш каби вазифаларига тўхталишмаган.

Шу ўринда, учинчи бир қараш тарафдори В.Н.Ерёминанинг таъкидлашича, “замонавий прокуратура ҳокимиятнинг ҳеч қайси тармоғига кирмайди, у ҳокимиятлар бўлинишининг шаклланаётган тизимида зарурий механизмни ифодалайди ҳамда тийиб туриш ва мувозанат тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. Прокуратуранинг мустақиллиги – унинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур шароитдир”.

Профессор А.Д.Бойков ҳам, прокуратура давлатнинг қонунийликни назорат қилувчи органи бўлиб, унинг фаолиятини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига нисбатан тенг равишда олиб боради, деб ҳисоблайди.

Худди шундай, бу борада тадқиқотлар ўтказган ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар З.Исломов, М.Раджабова, Ғ.Алимов, И.Жасимовлар ҳам прокуратуранинг давлат ҳокимиятининг ҳеч қайси тармоғига кирмаслигини қайд этишган.

Мисол учун, профессор З.Исломов прокуратура ўз функциялари мазмунига кўра қонун чиқарувчи ёки ижро ҳокимиятига мансуб бўла олмаслигини таъкидлаган.

Шу каби, М.Раджабованинг фикрига кўра, прокуратура юқоридаги иккита ҳокимиятдан фарқли равишда қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишини назорат қилувчи давлат ҳокимият органи ҳисобланади.

Ёки, Ғ.Алимов Ўзбекистон Конституцияси нормаларини таҳлил қилиб, “прокуратура Конституцияда мустаҳкамланган давлат ҳокимияти тармоқларининг биронтасига кирмайди” деган хулосага келган.

Худди шундай, амалиётчи ҳуқуқшунос И.Жасимов Ўзбекистон прокуратураси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг биронтасига кирмайдиган, функционал жиҳатдан мустақил бўлган давлат-ҳуқуқий институти эканлиги ҳақидаги мулоҳазани илгари сурган.

Фикримизча, ушбу олимларнинг прокуратуранинг ҳеч қайси ҳокимиятга мансуб бўлмаган, ўзига хос, мустақил, ҳокимиятлар орасидаги оқилона мувозанатни таъминлайдиган институт эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ҳуқуқий жиҳатдан ва прокуратуранинг



тарихий шаклланиш моҳиятига кўра тўғри деб ҳисоблаш мумкин.

Бугунги кун амалиётида прокуратура органлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш борасида қилиниши лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Уларнинг айримлари бўйича олимларнинг илмий-назарий қарашлари, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда фикр-мулоҳазаларимизни келтириб ўтамиз.

Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом билан белгиланган.

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимларининг хизмати ҳам тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони ҳамда 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомлар билан тартибга солинган.

Бизнинг фикримизча, прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби бир ёки бир нечта қонуности ҳужжати билан эмас, балки – ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланиши лозим.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 17-бандига мувофиқ, 2019 йил 1 декабргача “Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўрсатилган.

Дастурда, ушбу Қонунда прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат қилиш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш, кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг мутлақо янги механизмини жорий этиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш белгиланган эди.

Лекин, ҳозирга қадар юқорида келтирилган Қонун қабул қилингани йўқ. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида хизматни ўташга доир Қонунни қабул қилиш зарур бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органларига хизматга қабул қилишга оид умумий талаблар, қабул тартиблари, мазкур идорада хизматни ўташга доир қоидалар, хизмат давомида содир этилган ножўя хатти-ҳаракатлар учун

жавобгарликнинг аниқ белгиланиши каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим.

Ҳозирги кунда прокуратуранинг қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг аниқ тартиби, мувофиқлаштириш функцияси, айрим органларнинг фаолияти устидан назоратни ташкил этиш масалалари етарли норматив асосларга эга эмас. Амалиётда ушбу масалалар, асосан, Бош прокуратуранинг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Бу борада, ҳуқуқшунос олим З.Ибрагимов прокурор назоратининг процессуал жиҳатларини ўзида ифодалаган ягона “Прокурорлик назорати кодекси”ни қабул қилиниши таклифини илгари сурган”.

Бизнингча, ҳозирги кунда, яъни, давлат бошқарувида жиддий ислохотлар олиб борилаётган, давлатнинг назорат функциялари мазмуни ҳали аниқлаштирилаётган ва, шу билан бирга, прокуратура органларининг ролига муносиб баҳо берилмаётган бир шароитда ушбу кодексни ишлаб чиқиш барвақтдир.

Бундан ташқари, прокуратура фаолиятига дахлдор ҳужжатларнинг кодификацияси масаласига суд-ҳуқуқ соҳасида ягона истиқболли концепциянинг мавжуд эмаслиги ҳам тўсқинлик қилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фикримизча, прокуратуранинг мақомини ошириш, унинг функцияларини ва мажбуриятларини тўғри белгилаш, ушбу идорада хизматни ўташнинг аниқ тартибини ўрнатиш, фаолиятга замонавий илғор тажрибаларни жорий этиш, фаолият самарадорлигини ошириш каби муҳим масалаларни қонунга киритиш ҳамда реал амал қилишини таъминлаш ҳозирда бирламчи долзарб вазифа ҳисобланади.

Ушбу санаб ўтилган вазифалар ҳал қилинганидан сўнггина прокуратура фаолиятига оид қонунчиликни тизимлаштириш масаласини кўтариш, фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Прокуратура органлари, яъни, прокурорлар фаолиятининг ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш лозим бўлган йўналишларидан бири – бу уларнинг моддий таъминоти (техникаси, хизмат бинолари, зарурий жиҳозлар, воситалар ва бошқалар), уларнинг иш ҳақи, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминоти қонун билан қатъий регламентланган бўлиши ҳамда бу тартиб уларнинг бошқа ҳокимият



субъектларига шубҳали ва асоссиз тобелигини келтириб чиқармаслиги лозимлиги ҳисобланади.

Прокуратуранинг мустақил фаолият юритиши учун моддий жиҳатдан давлат кафолати зарур, албатта. Яъни, прокурорнинг мустақиллиги, шунингдек, прокуратура органлари ўз вазифаларини тўғри бажариши учун етарли миқдорда бюджет маблағлари ва барча зарур ресурслар билан таъминланиши керак.

Бу борада америкалик олим Ангела Девис қуйидагича фикр билдиради: “Прокурорнинг бюджетга қарамлиги унинг мустақиллигига жиддий путур етказди. Прокурорлар жиноят ишини юритиш давомида бюджет маблағларидан эҳтиёж доирасида чекловсиз фойдалана олишлари лозим”.

Бизнинг фикримизча, прокуратура ходимларининг иш ҳақи қонун билан белгиланиши ва миқдори улар бажарадиган функциянинг аҳамиятига мутаносиб бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг муҳим фаолият йўналишларидан яна бири – бу жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолиятни мувофиқлаштириш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунлар ижро этилиши устидан назорат ҳамда дастлабки терговни амалга ошириш ҳисобланади.

Прокуратура органларнинг бу борадаги ваколатлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва бошқа бир қатор норматив-ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда жамиятнинг ҳар қандай соҳаси каби прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ҳам халқаро стандартлар ва замонавий хорижий тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштириш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Шу муносабат билан, прокуратура оргаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб боришга оид ваколатларига оид бир қатор илғор давлатларнинг хорижий тажрибаси ўрганилган ҳолда таҳлил этилди.

Жумладан, Туркия, Россия Федерацияси, Германия, Сингапур, Хитой, Қозоғистон ва бошқа бир қатор давлатлар прокуратура органларининг ушбу соҳавий ваколатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Конституциямизнинг 14 боби бевосита прокуратура органларига бағишланган бўлиб, 120-моддада прокуратура

органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланиши мустаҳкамланган.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – бу тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб боришдир.

Қонунда белгиланган ушбу ваколатлар мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, прокуратура органларининг тергов фаолиятидаги йўналишлари қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

- жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш.
- суриштирув, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш.
- дастлабки терговни амалга ошириш.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш фаолиятига кўра, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши белгиланган.

Мазкур органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ҳозирги кунда амалдаги қонунчиликда прокуратуранинг суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги ваколатлари, қўллайдиган таъсир чоралари, назорат ҳужжатлари ҳақида тегишли нормалар мавжуд эмас.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеясининг 2006 йил 16 ноябрдаги 27-сон йиғилиши (27-6-сонли қўшма қарор)да қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги намунавий қонун (12-

боб)да прокуратуранинг жинойтчиликка қарши курашувчи органлар, шу жумладан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги ваколатлари, қўллайдиган таъсир чоралари, назорат ҳужжатлари акс эттирилган.

Шунга қўра, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратуранинг жинойтчиликка қарши курашувчи, шу жумладан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги вазифа ва ваколатларини янада аниқ кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришда кенгаш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу фаолиятни электрон дастур жорий этиш орқали рақамлаштириш таклиф этилади.

Бунда мувофиқлаштирувчи кенгаш режасини ишлаб чиқиш ва келишиш, ижрога юбориш, режа бўйича таҳлилий маълумотларни тўплаш, мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларини белгиланган муддатларда ўтказиш, кенгаш қарори лойиҳасини келишиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш, қарорни имзолаш, ижрога қаратиш ҳамда ижроси бўйича ахборотларни жамлаш ишларини ягона дастур асосида йўлга қўйилишига эришилиб, ортиқча вақт ва сарф-харажатларни тежаш имконини беради.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар, илмий-назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, прокуратуранинг тарихий шаклланиш моҳиятига қўра, ушбу органнинг ҳеч қайси ҳокимиятга мансуб бўлмаган, ўзига хос, мустақил, ҳокимиятлар орасидаги оқилона мувозанатни таъминлайдиган институт эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаш мумкин;

иккинчидан, “Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, ушбу Қонунда прокуратура органларида хизматни ўташга доир умумий қоида ва нормалар белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади;

учинчидан, прокуратура органларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг иш ҳақи қонун билан белгиланиши

ва микдори улар бажарадиган вазифа ва функцияларнинг кўлами ҳамда аҳамиятига мутаносиб бўлиши лозим;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органларининг жинойтчиликка қарши курашувчи, шу жумладан, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги вазифа ва ваколатларини янада аниқ кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Федоров Н.В. О судебной реформе в России // Государство и право. 1992. №6.
2. Бессарабов В.Г Место прокуратуры в государственном механизме современной России. // Законность. - 1999. - № 10. - С. 40-45.
3. Кореневский Ю.В. Становление правового государства в Российской Федерации и функции прокуратуры. Круглый стол / Ю.В. Кореневский // Государство и право. - 1994. - № 5. - С. 3-34.
4. Виноградов О.А. Прокуратура в системе органов государственной власти // Законность. - 1997. - № 4. - С. 47-49.
5. Ломовский В.Д. Какой власти принадлежит прокуратура.//Российская юстиция.- 2001. - № 9. - С. 21-22.
6. Якупов, З. Р. Роль прокуратуры в механизме государственной власти современной России. // Право: современные тенденции : материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). — Краснодар : Новация, 2017. — С. 95-98. — // [Электрон манба]. URL: <https://moluch.ru/conf/law/archive/225/11641/>.
7. Бойков А. Д. Третья власть в России. Очерки о правосудии, законности и судебной реформе 1990–1996 гг. М., 1997.
8. Исламов З.М. К какой власти отнести прокуратуру? - Народное слово, 3 июля 2003 года.
9. Раджабова М.А. Хукукий давлатчилик сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. - 22-24-бетлар.
10. Алимов Ф. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республики Узбекистан. – Т., 2004 – С.40.
11. Жасимов И.К. Суд-хукук ислохотлари ва инсон хукуклари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни. – Т., 2004.-С. 74.



12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон. 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда.
14. Ибрагимов, З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) - Т.: “Ношир” 2011. - 169-бет.
15. Angela J. Davis. The American Prosecutor: Independence, Power, and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law, p/443
16. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=63025

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Шахзод Баходир угли Хужаёров

Магистрант Уральского государственного экономического университета

shaxa_xx94@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с проблемами формирования стабильности в деятельности коммерческих банков, анализируется финансовая устойчивость банковской системы, а также даны рекомендации повышения финансовой устойчивости коммерческого банка в современных условиях.

Ключевые слова: банк, центральный банк, финансовая устойчивость, управление финансовой устойчивостью.

WAYS TO IMPROVE THE FINANCIAL SUSTAINABILITY OF COMMERCIAL BANKS IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article deals with the problems associated with the formation of stability in the activities of commercial banks, analyses the financial stability of the banking system, and gives recommendations for improving the financial stability of a commercial bank in modern conditions.

Keywords: bank, central bank, financial sustainability, financial sustainability management.

ВВЕДЕНИЕ

В современном мире банковский сектор по-прежнему имеет большое значение для экономической жизни общества. Государство через банковскую систему оказывает регулирующее влияние на денежное обращение и обеспечивает стабильность национальной валюты.

В условиях экономической нестабильности усиливаются негативные факторы в финансово-кредитной сфере. Эта ситуация требует от современных коммерческих банков адекватной системы управления финансовой устойчивостью, основанной на диагностике финансового состояния банка. Аспекты анализа и оценки финансового положения банка приобретают самостоятельное теоретическое и прикладное значение. Комплексный анализ финансового состояния банка



повышает надежность как отдельного банка, так и всей банковской системы в целом.

Финансовую устойчивость коммерческого банка можно рассматривать как комплексную характеристику, отражающую состояние его финансовых ресурсов, которые обеспечивают все аспекты деятельности банка и позволяют ему поддерживать платежеспособность, ликвидность и прибыльность.

Сегодня финансовый менеджмент является наиболее сложным и ответственным звеном в организации деятельности предприятия. И самая важная роль в этой области отводится оценке финансовой устойчивости компании.

Устойчивость банковской деятельности — это состояние постоянного расширения финансовых сфер, обращения денежных средств и кредитов и других услуг, предоставляемых банком в виде денежных эквивалентов.

Исследование финансовой жизнеспособности организации и вероятности банкротства является чрезвычайно актуальным и имеет большое теоретическое и практическое значение.

МЕТОДОЛОГИЯ

В исследовании данной темы проведен систематический анализ литературы при изучении научно-теоретических основ финансовой устойчивости коммерческих банков. Также были изучены научные выводы исследований, проведенных учеными в этой области, и сформированы независимые подходы. При анализе использованы материалы официальных веб-сайтов коммерческих банков и статистические данные Центрального банка Республики Узбекистан.

Устойчивость рассматривается как форма динамики и соотносится со стабильностью как следствие и причина соответственно. Стабильность — базовый элемент устойчивости. Отличие устойчивости в том, что объектом рассмотрения является постоянный рост показателей, в то время как стабильность характеризуется их фиксированием [1].

Как считают В. И. Бариленко, В. В. Бердников и Е. И. Бородина, под финансовой устойчивостью следует понимать долгосрочную финансовую стабильность организации, заключающуюся в том, что организация является гарантированно кредитоспособной и платёжеспособной, обеспеченной ресурсами, имеющей источники финансирования [2].

С. В. Щурина и М. В. Михайлова полагают, что финансовая устойчивость выступает в качестве долгосрочной стабильности организации, обеспеченности финансовыми источниками, её платёжеспособности и кредитоспособности. То есть в неё включаются как внешняя финансовая устойчивость, заключающаяся в способности рассчитываться по долгам, так и внутренняя, выражающаяся в обеспеченности активов источниками финансирования [3].

Обеспечение финансовой устойчивости является основополагающей целью каждого коммерческого банка. Следовательно, система управления банком должна быть создана таким образом, чтобы все имеющиеся ресурсы (финансовые, информационные, кадровые, временные, инженерные) были направлены на достижение указанной цели.

3	Matyoqubov Inomjon	5	11.40	2
4	Jamilov Eldor	4	12.62	4
5	Rajabboyev Xolmurod	5	12.10	5
6	Rajabboyev Behzod	4	12.46	4
7	Yusufboyeva Lola	5	11.30	3
8	Bahodirov Atham	4	12.9	2
9	Ergashboyev Zayniddin	5	12.00	5
10	O'ktamov Mo'min	5	13.10	5
11	Bahodirov Quvondiq	4	12.20	2
12	Sotimboyeva Guli	5	11.30	4
13	Bahodirova Mohira	5	11.57	5
14	Qo'ziboyeva Parizod	5	11.31	4

Bolalarni ko'proq haratdagi mashqlar orqali qiziqtirishimiz, ularni shu muhitga olib kirishimiz lozim bo'ladi. Buning uchun biz



maxsus harakatli o'yinlardan foydalanishimiz lozim.

Tezkorlikni rivojlantirish uchun

„Kun va tun”

„Tezda bosib o't”

„Yaralanma”

„Qo'lim pishdi”

„Uni tezda tut”

Egiluvchanlikni rivojlantirish uchun

„Aldamchi to'pni top”

„Arqon tugunini yechish”

„Oldinga va orqaga umbaloq oshish” kabi harakatli o'yinlardan foydalandik.

Tadqiqotdqn keyin

N	Ism, familiya	yosh	Chaqqonlik 15mga ilon izi sekund	Egiluvchanlik stulda turgan holda q.o.u.u. sm
1	Otabegov Zohidjon	5	10.40	5
2	Baxtiyorov Aziz	5	10.55	7
3	Matyoqubov Inomjon	5	11.00	7
4	Jamilov Eldor	4	12.10	8
5	Rajabboyev Xolmurod	5	11.3	6
6	Rajabboyev Behzod	4	12.09	7
7	Yusufboyeva Lola	5	10.50	8
8	Bahodirov Atham	4	11.03	6
9	Ergashboyev Zayniddin	5	10.50	9
10	O'ktamov Mo'min	5	12.09	7
11	Bahodirov Quvondiq	4	11.40	3
12	Sotimboyeva Guli	5	10.38	5
13	Bahodirova Mohira	5	11.12	7
14	Qo'ziboyeva Parizod	5	11.07	6

XULOSA

Ushbu makolada kichik maktab yoshdagi bolalarning egiluvchanlik va chaqqonlik sifatlarini rivojlantirishiga ko'ra rejalshatirilgan harakatli o'yinlardan foydalanishning samaradorlik darajasini aniqlashga yo'naltirilgan pedagogik tajriba materiallari takdim etilgan.

7-8 yoshli bolalarning turli yosh – jinis guruhlarida o'tkazilgan pedagogik tadqiqotlar turli jismoniy sifatlarning takomillashuvi



jarayoniga pedagogik tajribaning ta'sir ko'rsatishi xususiyatlarinigina emas, balki ulardagi o'zgarishlarning yosh xususiyatlari jismoniy holati, sog'lig darajasni ham aniqlash uchun imkoniyat yaratib berdi. Agar harakatli o'yinlarni maxsus tanlash asosida jismoniy sifatlarni rivojlantirish ko'rsatkichlari samaradorligi davomiy tahlil qilib ko'rilsa, shunday xulosa qilish mumkin: bunday mashg'ulotlar barcha jismoniy sifatlarning rivojlanishini samaradarligi yaxshilandi. Pedagogik tajriba barcha jismoniy sifatlarning o'zgarishlariga xos tabiiy yosh xususiyatlarini saqlab qolishgina emas, balki ayrim hollarda xatto bu jarayonlarni tezlashtirish ham mumkin bo'lganligini ko'rsatdi. Bu ko'proq chaqqonlik va egiluvchanlikka, eng kam darajada chidamlilik, kuch va tezkorlikka taalluqli bo'lib. Harakat apparatining alohida jismoniy mashqlar ta'siriga bo'lgan yaqqol ifodalangan geteroxron reaksiyasidan dalolat beruvchi ma'lumotlar olindi. Bu shunda namoyon bo'ladiki, hatto turli test topshiriqlari asosida u yoki bu jismoniy sifatning o'zgarishlarini tahlil etishda ham ishonchlilik darajasi juda farqli bo'ldi, alohida hollarda variantlilik koeffitsienti 85% gacha yetdi: bu kichik maktab yoshdagi bolalar organizmining ko'pincha tezlashuv jarayoni, hususan asab-mushak apparati rivojlanishining jadallashuvi vaqtida jismoniy mashqlar ahamiyatini chegaralovchi funksional tizimlaridagi qator mexanizmlarning kuchli ta'siri ustida so'z yuritishga imkon beradi. Shunisi aniqki, 7-8 yoshli bolalarning asab-mushak apparati hali yetilmagan bo'lib, u tezkor shakllanish bosqichida. Bundan tashkari, shu hodisaga ham diqqat qilish kerak: bu yoshdagi bolalar yaqqol ifodalangan alohida yosh-jins xussiyatlariga ega bo'ladilar. Bu yoshda bir sifatning rivojlanish diapozoni boshqalarning rivojlanishiga ko'maklashdi. O'yinlar jismoniy mashqlar, jismoniy sifatlarni, axloqiy tarbiya vazifalarni yechish uchun samarali sharoit yaratib berdi. Bolalarda jismoniy sifatlarni bilan harakat ko'nikma malakalari ham bir vaqtda rivojlanishiga erishildi.

Jismoniy sifatlarning o'zaro ta'sirini bog'liqlikda tahlil etish pedagogik tajriba natijasida yuz bergan o'zgarishlar mohiyatini chuqurroq anglashga imkon yaratdi. Agar mazkur tadqiqotlar ostiga to'g'ri chiziq tortsak, pedagogik tajriba tufayli kichik maktab yoshdagi bolalarning jismoniy rivojlanish sifatlari orasidagi ishonchli bog'liqliklar miqdorini jiddiy oshirish mumkin bo'lgani haqida yuksak ishonch bilan gapira olamiz. Masalan, tajriba guruhining 7-8 yoshli o'g'il bolalarida bunday bog'liqliklar nazorat guruhlaridagidan bunday bog'liqliklar nazorat guruhlaridagidan etildi 2,9 barobar, qizlarda esa 2,2 barobar, barcha bolalar guruhlari bo'yicha esa 2,5 barobar ko'p qayt etildi.

REFERENCES

1. Kerimov.F, Umarov.M. Sportda prognozlashtirish va modellashtirish. Darslik. T. 2005 yil.
2. B.B.Ma'murov. Bolalar rivojlanishida jismoniy tarbiya nazaryasi va metodikasi. Toshkent "Turon zamin ziyo" 2014.
3. Abdumannotov. A. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida axloqiy xislatlarni shakillantirishda Alisher Navoiy merosidan foydalanish. Samarqand 1998.
4. Abdullayev A, Xonkeldiyev Sh. Jismoniy madaniyat nazaryasi va metodikasi. Darslik.Toshkent O'zDJTI, 2005 yil, 300 bet.
5. Salomov R.S jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati Toshkent 2014 1jild
6. Salomov R.S jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati Toshkent 2015 2 jild



ONA TILI METODIKASI MASHG‘ULOTLARIDA NUTQIY KO‘NIKMALARNI RIVOJLANTIRISHDA SINOV-TEST TOPSHIRIQLARIDAN FOYDALANISH

Nargiza Oripovna Xusenova

Alisher Navoiy nomidagi O‘zbek tili va adabiyoti universiteti, magistranti

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada ona tili metodikasida nutqiy ko‘nikmalarni o‘stirishda test-sinovlari, topshiriqlar va ta’limiy o‘yinlarning samarasi haqida fikr-mulohazalar bildirildi.

Kalit so‘zlar: nutq, tafakkur, ravon, talaffuz, malaka, yozma nutq, og‘zaki nutq, matn, topshiriq.

KIRISH

Ona tili ta’limi bolalarning tafakkur qilish faoliyatini kengaytirishga, erkin fikrlay olishi, o‘zgalar fikrini tinglashi, o‘z fikrlarini og‘zaki va yozma ravishda ravon bayon eta olishi, jamiyat a’zolari bilan erkin muloqotda bo‘la oladigan ko‘nikma va malakalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Bu o‘rinda ona tili ta’limiga o‘quv fani emas, balki butun ta’lim tizimini uyushtiruvchi ta’lim jarayoni sifatida qaraladi.

Nutq-kishi faoliyatining turi, til vositalari (so‘z, so‘z birikmasi, gap) asosida tafakkurni ishga solishdir. Nutq o‘zaro aloqa va xabar, o‘z fikrini his-hayajon bilan ifodalash va boshqalarga ta’sir etish vazifasini bajaradi.

Yaxshi rivojlangan nutq jamiyatda kishi faoliyatining muhim vositalaridan biri sifatida xizmat qiladi. O‘quvchi uchun esa nutq maktabda muvaffaqiyatli ta’lim olish qurolidir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Nutq o‘stirish nima? Agar o‘quvchi va uning tilidan bajargan ishlari ko‘zda tutilsa, nutq o‘stirish deganda tilni har tomonlama faol amaliy o‘zlashtirish tushuniladi. Agar o‘qituvchi ko‘zda tutilsa, nutq o‘stirish deganda, o‘quvchilarning tilning talaffuzi, lug‘ati, sintaktik qurilishi va bog‘lanishli nutqni faol egallashlariga yordam beradigan metod va usullarni qo‘llash tushuniladi.

Nutq o‘stirishda uch yo‘nalish aniq ajratiladi: 1) so‘z ustida ishlash; 2) so‘z birikmasi va gap ustida ishlash; 3) bog‘lanishli nutq ustida ishlash.

Ko‘rsatilgan uch yo‘nalish parallel olib boriladi: lug‘at ishi gap uchun material beradi; so‘z, so‘z birikmasi va gap ustida ishlash bog‘lanishli nutqqa tayyorlaydi. O‘z navbatida bog‘lanishli nutq hikoya va insho lug‘atini boyitish vositasi bo‘lib xizmat qiladi.

Yozma nutqni rivojlantirish og‘zaki nutqqa qaraganda ancha murakkab jarayon sanaladi. Chunki u o‘quvchilardan grammatik va mazmun jihatidan to‘g‘ri jumla qurishni, har bir so‘zni o‘z o‘rnida to‘g‘ri qo‘llashni, fikrni ixcham, izchil, ifodali, uslub jihatidan sodda va ravon ifodalashni, bayon qilingan fikrlar sosida xulosalar chiqarishni talab etadi. Bu nutqning murakkab tabiati yana shundaki, u imlo, tinish belgilari va uslub bilan bog‘liq. So‘zni to‘g‘ri yozish, tinish belgilarini o‘rinli qo‘llash, fikrni uslub talabiga muvofiq bayon qilish o‘quvchidan katta mas‘uliyatni talab etadi. Shu sababli nutqning bu turi ancha sekin va murakkab kechadi.

Yozma nutqning o‘ziga xos xususiyatlaridan yana biri uni tekshirish, tuzatish, takomillashtirish mumkinligidir. Bu jihatdan u og‘zaki nutqqa qaraganda ancha qulay imkoniyatlarga ega. O‘quvchi yozma nutqdagi xato va kamchiliklar ustida ishlaydi, ularni bartaraf etadi, keyingi ishlarida bu xato va kamchiliklarga yo‘l qo‘ymaslikka intiladi.

Ona tili darslarida o‘qituvchi shuni ham unutmaslik lozimki, ko‘pincha o‘quvchilar yozma ishlarda imlo va tinish belgilariga katta e‘tibor berib, matnning mazmuni ustida yetarli ish olib bormaydilar. Matnlarda ko‘pincha mavzuga aloqasi bo‘lmagan fikrlar ustunlik qilib, asosiy fikr e‘tibordan chetda qoladi. Shuning uchun ona tili mashg‘ulotlarida o‘quvchilar diqqati faqat imlo va tinish belgilariga emas, balki bayon qilinayotgan fikrning asosli dalillarga ega bo‘lishi, materialning to‘g‘ri joylashtirilishi, fikrning nutq sharoitiga mos holda to‘g‘ri bayon qilinishiga ham qaratilishi lozim.

Ona tili mashg‘ulotlarida shunday holatni vujudga keltirish lozimki, o‘quvchi yaratgan matnidan qoniqish hosil qilsin. Bu uni o‘z nutqini takomillashtirib borishga ilhomlantiradi.

O‘quvchilar mustaqil ravishda ijodiy fikrlasalar fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og‘zaki, yozma shakllarda to‘g‘ri, ravon ifodalay olsalar, demak, ona tili mashg‘ulotlari samarali o‘tgan bo‘ladi.

Ona tili mashg‘ulotlarida o‘quvchilar nutqning rivojlanishini qiyinlashtirayotgan omillardan yana biri o‘quvchilarning uyda, ko‘chada yoki sinfdan tashqari paytlarda

tojik, turkman, qirg‘iz yoki boshqa (sheva) tilda so‘zlashib, maktabda o‘zbek tilida o‘qishidir. Etnografik ma'lumotlar shuni ko‘rsatadiki, jumhuriyatimiz hududida juda ko‘p tojiklar, turkmanlar, qirg‘izlar, qozoqlar yashaydi. Ularning ko‘pchiligi uyda tojik, qirg‘iz va hokazo tilda so‘zlashib, maktabda o‘zbek tilida o‘qishdi. Bu hol, shubhasiz, o‘quvchilarda tilning boy imkoniyatlaridan foydalangan holda o‘z fikrini erkin bayon qilish imkoniyatini chegaralaydi.

Yuqorida sanab o‘tilgan salbiy omillardan tashqari ona tilimizdan sinfdan va maktabdan tashqari olib boriladigan ishlarning mundarija va mazmun jihatdan bo‘shligi, yagona nutq rejimiga hamisha ham rioya qilmaslik, ota-onalarning bola nutqi ustida yetarli ishlamasligi kabi o‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqini rivojlantirishga salbiy ta'sir qiladi.

Tilni amalda o‘zlashtirish ona tilining barcha tovush birliklarini (tovush – bo‘g‘in – ibora - matn) tinglab ajratib olish va ularni to‘g‘ri talaffuz qilishni nazarda tutadi, shuning uchun maktabgacha yoshdagi bolada tovushni talaffuz qilishni shakllantirish borasidagi ishlar muntazam ravishda olib borilishi lozim.

Ohang, tembr, pauza, urg‘ulashning turli xillari tovush ifodaliligining muhim vositalari hisoblanadi.

O‘quvchiga intonatsiyadan to‘g‘ri foydalanishni, bildirilayotgan fikrning nafaqat mazmuniy ahamiyatini, balki emotsional xususiyatlarini ham bergan holda, uning intonatsion tasvirini qurishni o‘rgatish juda muhim. SHu bilan parallel ravishda, vaziyatdan kelib chiqqan holda, talaffuz tempi, past-balandligini to‘g‘ri qo‘llash, tovushlar, so‘zlar, iboralar, gaplarni aniq talaffuz qilish (diksiya) qobiliyatini shakllantirish ishlari ham olib borilishi lozim.

O‘quvchilarda nutqning intonatsion jihatiga diqqat-e’tibor qaratishni tarbiyalar ekan, katta yoshli odam (pedagog) uning nutqni tinglash qobiliyatini, tembr (har bir tovushning o‘ziga xos bo‘lgan sifati) va vaznni his qilish, tovush kuchini sezishni rivojlantiradi, bu esa kelgusida musiqa tinglash qobiliyatini rivojlantirishga ham ta’sir ko‘rsatadi.

Nutq intonatsiyasi, tovushning ifodaliligi ustidagi ishlar bolalarning bildirilayotgan fikrga nisbatan, matndan kelib chiqqan holda, ovozini balandlatib yoki pasaytirib, talaffuz qilinayotgan matnga mantiqiy va emotsional urg‘u berish orqali o‘z munosabatini bildirishni o‘rganishlari uchun zarur. Buning uchun pedagog tegishli topshiriqlardan ko‘proq foydalanishi lozim. Aynan ushbu qobiliyatlar o‘quvchiga turlicha intonatsion ifodalashni talab qiluvchi turli xildagi ravon fikrlarni tuzish – hikoya qilish, tasvirlash, mulohaza yuritish uchun zarur bo‘ladi.

Tarbiyachi nutqning tovush jihatini rivojlantirar ekan, bolaga fikrlarning predmet, fikr bildirish mavzusi va tinglovchilardan kelib chiqqan holda kommunikatsiya maqsadlari va shartlariga mos kelishini hisobga olishni o'rgatishi lozim.

Nutqning past-balandligi o'rinli bo'lishi, tezligi esa atrofdagi muhitga va fikrning maqsadiga mos kelishi lozim. Yaxshi, to'g'ri nutqning muhim ko'rsatkichi bo'lib uning ravonligi hisoblanadi.

Artikulyasion va intonatsion qobiliyatlarning uzviy bog'liqligi keng ma'nodagi tinglash va artikulyasion-talaffuz ko'nikmalarini shakllantirishni nazarda tutadi.

Ish jarayonida o'qituvchi bolalarga so'zning tovush tarkibini, so'zdagi urg'u o'rnini tinglab, aniqlay olishga, qofiya va vaznni his qilish tuyg'usini rivojlantirishga, aniq talaffuzni, so'zlar, iboralar, gaplarning turli intonatsion tavsiflarini bera olish qobiliyatini shakllantirishga yordam beradigan mashqlardan foydalanishi zarur.

Bu murakkab nutqiy ko'nikmalarni shakllantirish fonetik mashqlarni takrorlashni, ularni muntazam ravishda o'tkazishni talab qiladi.

Har bir nutqiy vazifa ustidagi ishlarning ustuvor yo'nalishlarini ajratar ekanmiz, ularning barchasi o'zaro bog'liqlikda va yaqin o'zaro hamkorlikda ishtirok etishini ta'kidlash lozim.

Ravon nutqni o'stirish va rivojlantirish asosida turli aloqa vositalaridan (so'zlar, gaplar, matn qismlari o'rtasida) foydalanish, turli toifadagi matnlar – tasvirlash, bayon qilish, mulohaza yuritish tuzilmasi haqidagi tasavvurlarni shakllantirish qobiliyatini o'rgatish yotadi.

Lug'atni rivojlantirishda so'zning mazmuni ustidagi ishlar dastlabki o'ringa chiqadi, chunki aynan so'zlarni matnga muvofiq holda semantik tanlab olish (ko'p ma'noli so'zlar mazmunini ochib berish, sinonimik va antonimik taqqoslashlar) til va nutq hodisalarini anglab etishni shakllantiradi.

Nutqning grammatik tuzumini o'zlashtirish ustidagi ishlar jarayonida nutqning turli qismlarida so'z hosil qilish usullarini o'rganish, til umumlashmalarini shakllantirish, shuningdek sintaktik tuzilmalar qurish (oddiy va qo'shma gaplar) vazifalari bosh vazifa sifatida namoyon bo'ladi.

Nutqning tovush madaniyatini tarbiyalashda intonatsion ifodalilik, temp, talaffuz va fikrni bayon qilishning ravonligi ustida ishlashga ko'proq ahamiyat berish darkor, zero, ravon nutqning shakllanishi ushbu ko'nikmalarga asoslanadi.

Pedagog bolalarga gaplarni parallel ravishda bog'lashni o'rgatishi zarur, bunda gaplar bir-biriga ulanmaydi, balki taqqoslanadi yoki hatto qarama-qarshi qo'yiladi (Kuchli shamol

esardi. Quyon iniga yashirinib oldi). O'quvchilarga ravon matnlar tuzishni o'rgatishda ularda mavzuni va aytilgan so'zning asosiy fikrini ochib berish, matnga sarlavha qo'yish qobiliyatini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratish zarur.

Ravon fikrni tashkil etishda intonatsiya katta rol o'ynaydi, shuning uchun ayrim gaplar intonatsiyasidan to'g'ri foydalanish ko'nikmasini shakllantirish umuman matnning tarkibiy birligi va mazmunan tugallanganligini qayd etishga yordam beradi. O'qituvchi bilan o'quvchining birgalikdagi so'z ijodkorligi monologik nutqni rivojlantirishning asosiy sharti hisoblanadi. O'qituvchi odam yo'naltiruvchi va aniqlashtiruvchi savollarni berish, o'yin vaziyatlarini yaratish orqali o'quvchi tashabbusini qo'llab-quvvatlashi darkor. Pedagogning sekingina hikoya mazmunini, rejasini, voqealarning ehtimoliy rivojini, so'z shaklini aytib qo'yishi birgalikdagi so'z ijodkorligida muhim ahamiyatga egadir.

Axborotni uzatish yoki uni bayon qilish usullariga ko'ra fikr bildirishning quyidagi turlarini ajratish mumkin: tasvirlash, bayon qilish mulohaza, fikrlarida kontaminatsiyalangan (aralash) ko'rinishda uchrashi mumkin, ya'ni ularda tasvirlash (mulohaza) usullari bayon qilishga qo'shib ketadi (va aksincha).

Har xil turdagi matnlar tuzishni o'qitishni ishlarning suhbat, o'zining va begonalarning matnini tahlil (baholash) qilish, reja tuzish va u bo'yicha hikoya qilish, matn sxemasidan (modelidan), turli xil mashqlardan foydalanish kabi shakllarda amalga oshirish tavsiya etiladi.

O'quvchi nutqini rivojlantirish murakkab jarayon bo'lib, unga monelik qilayotgan omillar ham faqat ta'lim mazmuni yoki o'qituvchigagina bog'liq emas. Barcha imkoniyatlar to'laligicha ishga solinsagina fikrni og'zaki va yozma ravishda to'g'ri, ravon ifodalashga o'rgatish jarayoni oson kechadi. O'quvchi nutqini rivojlantirishga keng yo'l ochadi.

Bizga ma'lumki, o'quvchilar bir xillikdan zerikadi. Shuning uchun ularni nutqini o'stirishda doimo har xil metod va o'yinlardan, qiziqarli usullardan foydalanish lozim. Quyida shulardan ba'zilarini misol tariqasida keltiramiz.

"Zanjir"

O'qituvchi yozuv taxtasiga bir nechta so'z yozib qo'yadi. Masalan: Nafisa, soat, yomg'ir, kitob kabi. O'quvchi mustaqil ravishda shu so'zlar shtirokida gap tuzadilar.

"O'zara bog'liqlik"

O'quvchilarga rasmi kartochkalar tarqatiladi. Ular kartochkalar bilan tanishib chiqqach, o'quvchi rasmdagi predmet haqida gapirib beradi.

Masalan: "Bu olma. Olma bog'da o'sadi va mevalarga kiradi. Uni o'quvchilar juda yaxshi ko'rishadi" Keyin ikkinchi

bola ham o'zidagi predmet haqida gapiradi va o'zidagi predmet bilan birinchi o'quvchidagi predmetni o'zara bog'liqligini aytishi kerak.

Masalan: "Bu quyosh. Quyosh chiqsa havo isiydi. Uni o'quvchila- yaxshi ko'rishadi. Quyosh isitib tosa, olma va boshqa mevalar pishadi" Keyin uchinchi o'quvchi o'zidagi predmet haqida gapiradi va ikkinchi boladagi predmet bilan o'zidagi predmet orasidagi bog'liqlikni topishi kerak. O'yin shu tartibda davom etadi.

"Umumiylikni izlash"

O'quvchilar aylana qurib o'tiradilar. Olib boruvchi o'quvchilaráan biriga to'pni otayotib, bir-biri bilan bog'lanmagan ikkita so'zni aytadi. Masalan: maktab va o'quvchi, kitob va javon, quyosh va gul... To'pni tutib olgan o'quvchi so'z juftligi orasidan umumiy belgini aytib to'pni qaytaradi.

"Safar"

O'quvchilarga maktabdan yoki uylaridan ma'lum bir joygacha bo'lgan yo'lini tasvirlash topshirig'i beriladi. O'quvchi bir necha kun davomida "obyekt"ni mustaqil kuzatadilar va uni og'zaki tasvirlab beradilar. Sinchkovlik, ziyraklik, kuzatuvchanlik, atrof-muhitga diqqat-e'tibor talab etiladigan bu o'yin vositasida Vatanni sevish, tabiatga muhabbat, chor-atrofga e'tiborli bo'lish hislarini tarbiyalash mumkin. Bundan tashqari, mazkur o'yinlardan foydalanganda o'quvchilaming nutqi rivojlanadi, lug'at boyligi yanada ortadi, mustaqil fikrlash malakasi shakllanadi.

Yuqorida keltirilgan ta'limiy o'yinlar o'quvchilaming darsda faolligini oshirish bilan birga bilimlami o'zlashtirish jarayonini yengillashtirish va mustahkamlash, nutq o'stirishga yo'naltirilgan har bir mashg'ulotni qiziqarii tashkil etishga xizmat qiladi.

Jamiyatimizni erkinlashtirish g'oyasi bevosita ta'lim jarayonida o'z ifodasini topib, uni yangidan tashkil qilish va mazmunini o'zgartirish, yanada insonparvarlashtirish, ijtimoiylashtirish va demokratlashtirish asosida ta'minlanadi.

«U kim? Bu nima?»

Stol ustiga bir qancha predmetlar terib qo'yiladi. O'qituvchi shu predmetlardan birortasini ta'riflaydi, o'quvchilar shu belgilar asosida gap nima haqida borayotganligini topadilar.

Bu o'yinning afzallik tomoni shundaki, undan dars davomida o'quvchilar diqqatini jamlash, qo'llariga dam berish maqsadida yoki yangi tovushlar bilan tanishtirish, ona tili darslarida yangi mavzuni bayon qilish jarayonida ham foydalanish mumkin.

Bu o'yin o'quvchilarda ziyraklik, sinchikovlik sifatlarini va mustaqil fikrlash malakalarini shakllantirishga imkon beradi. Bun-

dan tashqari, bu o'qiyindan dam olish daqiqalarida ham unumli foydalanish mumkin.

Masalan: U shar shaklida. Uni katta-katta sportchilarimiz ham stadionlarda o'qynaydilar. Yosh bolalar ham uni sevib o'qynaydilar.

(Javob: «Koptok»)

Masalan" U barcha o'quvchilar o'rtog'idir. Onalarimiz ham, otalarimiz ham uni juda yaxshi ko'radilar.

(Javob: «Kitob»)

Masalan:U shunday narsaki, bizga vitaminlarga boy mevalar beradi. Xohlasak stol yoki stul ham bo'lishi mumkin.

(Javob: «Daraxt»)

«Topag'on»

O'qituvchi biror belgi asosida savol beradi. O'quvchilar shu belgini o'ziga jam qilgan predmetlar nomlarini yozadilar, eng ko'p to'g'ri javob topgan o'quvchilar g'olib sanaladi.

Bu topshiriqni o'tkazish o'quvchilarga so'z turkumlari haqidagi dastlabki ma'lumotlar berish jarayonini yengilashtiriradi. Bundan tashqari ulaming so'z boyligi ortib, ularda hozirjavoblik, ziyraklik, ijodkorlik kabi sifatlar shakllanadi, nutqi rivojlanadi.

Masalan: Savol: Nima oq rangda?

Javob: Qog'oz, daftar, surp, bulut, parda, buvumning sochlari, qor.

Savol: Nima yumshoq?

Javob: Non, xamir, yostiq, ko'rpa, paxta.

Savol: Nigora nima qilayapti?

Javob: Kitob o'qiyapti, kir yuvayapti, qoshiq artayapti.

«Noto'g'ri jumla»

Bu topshiriq suratlar asosida o'tkaziladi. O'qituvchini suratni tasvir- lab berishi asnosida suratlariga tegishli bo'lmagan jummalarni ham ishlatadi. O'quvchilar ziyraklik bilan shu jummalarni topishlari lozim.

O'quvchilardan bu usul davomida ziyraklik, sinchkovlik, ku- zatuvchanlik va diqqat talab qilinadi. Ular suratni sinchkovlik bilan kuzatib turib o'qituvchining hikoyasini ham diqqat bilan tinglab tu- radilar. Har bir noto'g'ri jumlani topa bilish ularning o'ziga bo'lgan ishonchini va darsga qiziqishini orttiradi.

"Matn ustida ishlash"

Amir Temur va me'mor

Bir kuni Amir Temur tez muddatta dunyo qoyil qoladigan madrasa qurub bitirishni niyat qilibdi. Mohir me'morni chaqirib, o'sha kuniyoq ish boshlatmoqchi bo'libdi.

Me'mor bunday binoni shoshilich qurib bo'lmasligini qancha aytsa ham, Amir Temir ko'nmapti. Noiloj qolgan me'mor madrasaning joyini tayyorlab, poydevorini qo'ydirib, bir kechada g'oyib bo'libdi. Yer-u ko'kni qidirib topisholmabdi. Oradan ikki yil o'tkach haligi usta yana paydo bo'libdi-da, darg'azab Amirga :

- Siz istagan muddatda bu binoni qurib bitkazishim mumkin edi, ammo ming go'zal bo'lgani bilan uning umri uzoqqa bormasdi. O'ylanmay qilingan ishning oxiri voy. Siz aytgan binoni qurish uchun o'ylashga fursat kerak edi. Men ikki yil ko'rinmay ketgan davrimda shu haqda o'yladim. Qancha-qancha yurtlardagi qasri oliylarni ko'rib keldim. Ham boqiy, ham go'zal bo'lishi rejalarini tuzdim. Men bir bino yaratmoqchimanki, uning tepasida faqat osmon bo'ladi. Osmon xalaqit bermasa, uni yana ham balandroq ko'tarishim mumkin bo'lardi, -deb javob qilgan ekan.

1) Javoblarning mosini toping.	
1) Boqiy	A) makonni tashkil qiluvchi
2) me'mor	B) imorat va inshootlaning ost qismi
3) madrasa	C) mangu
4) poydevor	D) oliy o'quv dargohi

2) Binoni qurib bitkazishim. Ushbu so'z birikmasi qaysi kelishik qo'shimchasi orqali bog'langan va bog'lanish usulini toping	
A) jo'nalish kelishigi	
B) moslashuv usulida	
S) tushum kelishigi	
D) boshqaruv usulida	
E) bitishuv usulida.	

3) Berilgan fikrlarni matn asosida to'g'ri yoki noto'g'ri ekanligini tegishli ustunda ko'rsating va yuqoridagi tegishli

doiralarni bo‘yang.			
		To‘g‘ri (A)	Noto‘g‘ri(B)
1.	Mohir me‘morni chaqirib, o‘sha kuniyoq ish boshlatmoqchi bo‘libdi.		
2.	Usta bunday binoni shoshilinch qilib bo‘lmasligini aytibdi		
3.	Yer-u ko‘kni qidirib topisholmabdi.		
4.	Ham boqiy,ham go‘zal bo‘lishi rejalarini tuzdim.		
5.	Men bir bino yaratmoqchi edim, tepasida faqat osmon bo‘lsin.		

4.Matnda qaysi so‘zlar imlosida xatolik uchraydi.(Avval so‘zning xatosi yozilgan variantini, so‘ng shu so‘zning to‘g‘ri yozilishini ko‘rsating. Matnda 6 ta so‘z imloviy xatolikka uchragan. Bu qo‘shma so‘zlar imlosiga tegishli emas.

5.Matnda muallif berilgan fakt(dalil)ni yozing.(20-25 so‘z)

"MATNLI TEST-SINOV TOPSHIRIG‘I"

SIRKALI KOKTEYL

I. Sirkaning ajoyib davolash hususiyati ham borligini bilasizmi?



Men mana bunday kokteyl tayyorlab ko‘rishingizni maslahat beraman: uy haroratida turgan bir stakan suvga 1 oshqoshiqda sirka va bir choyqoshiqda asal qo‘shib, aralashtirib, sekin-sekin iching. Sirkali kokteyl moddalar almashinuvini, qon aylanishini yaxshilaydi oshqozon faoliyatini yaxshilaydi va kasal qo‘zg‘atuvchi mikroblarni o‘ldiradi.

Shuningdek, tushki va kechki ovqatlanish oldidan ikki oshqoshiq sirka qo‘shilgan bir stakan suv ichib yuborish foydalidir. Bu sizga hech qanday parxezsiz ozishga yordam beradi, chunki suvda erigan sirka organizmdagi ortiqcha yog‘larni osonlikcha eritib yuboradi va ishtahani susaytiradi.

II. Tomog‘ og‘rig‘i va yo‘talni to‘xtatishda ham sirkadan foydalansa bo‘ladi. Bir stakan iliq suvga 3 oshqoshiq sirka va 2 oshqoshiq asal solib eriting. Bu aralashmadan kuniga 3 martadan tomoqni chaying. Har chayganingizda suv yangitdan tayyorlangan bo‘lishi kerak. Boshqacha usuli ham bor: iliq suv va sirkani teng miqdorda aralashtirib, hosil bo‘lgan suyuqlikdan 10 daqiqa davomida og‘iz bilan nafas oling.

III. Shahar chekkasiga chiqayotgan paytingizda suv bilan sirkani bir xil miqdorda qo‘shib, hosil bo‘lgan suyuqlik bilan badaningizni ochiq joylarini artib chiqing – sizga hech qanaqa hashorat yaqinlashmaydi. (Gazetadan)

Birinchi savol:	Birinchi ustunda matnda berilgan so‘zlar berilgan. Ikkinchi ustundan shu shu so‘zlarga sinonim, antonim, omonim, paronim bo‘lib kela oladigan birliklarni aniqlang.
1) asal 2) foyda 3) sirka 4) davo	A) sirka B) bol C) da‘vo D) suyuq E) zarar

- 1-
- 2-
- 3-
- 4-

Ikkinchi savol:

Shuningdek, tushki va kechki ovqatlanish oldidan ikki oshqoshiq sirka qo‘shilgan bir stakan suv ichib yuborish foydalidir. Bu sizga hech qanday parxezsiz ozishga yordam beradi, chunki suvda erigan sirka organizmdagi ortiqcha yog‘larni osonlikcha eritib yuboradi va ishtahani susaytiradi.

Ushbu matnda qaysi bog‘lovchi turi ishtirok etgan? (ikkita javob to‘g‘ri)



- A)zidlov bog`lovchi
- B)biriktiruv bog`lovchi
- C)bog`lovchi ishtirok etmagan
- D)ergashtiruvchi bog`lovchi
- E)ayiruv bog`lovchi

Uchinchi savol.Berilgan fikrlarni matn asosida to`g`ri yoki noto`g`ri ekanligini tegishli ustunda ko`rsating.

T/r	Tushunchalar	To`g`ri	Noto`g`ri
1	Sirkali kokteyl oshqozon faoliyatini yaxshilaydi.		
2	Sirka qo`shilgan bir stakan suv ozishga yordam bermaydi.		
3	Ikki oshqoshiq sirka qo`shilgan bir stakan suv ichish ishtahani ochib yuboradi		
4	Tomog` og`rig`i va yo`talni davolashda ham sirkadan foydalaniladi.		
5	Sirkaning yana bir xususiyati: kasal qo`zg`atuvchi mikroblarni chaqiradi		

To`rtinchi savol:Matnda qaysi so`zlar imlosida xatolik bor?(Avval so`zning matnda xato yozilgan variantini,so`ng shu so`zning to`g`ri yozilishini ko`rsating.Matnda 5 ta imloviy jihatdan xato yozilgan so`zlar berilgan)

So`zning matndagi xato yozilgan shakli	Shu so`zning imloviy to`g`ri yozilishi

Beshinchi savol:Matnda muallifi berilgan fakt(dalil)ni yozing.(20-25 ta so`z)



"Payrovlar" o'yini. Ushbu o'yin orqali o'quvchilarning nutqiga o'z-o'zidan ibora, maqollar sekin-asta kirib boradi. Ibora, maqol kabi xalq og'zaki ijodi na'munalari nutqimiz ta'sirchanligini oshiradi. Bu o'yinni o'tkazish uchun kichik guruhga oldindan tanlangan ibora yoki maqollar dars boshida beriladi. Bu o'yinni qo'llashda o'quvchilarga shior qilib Adabiyotshunos olim Ro'zmin Keldiyorovning "Ehtiyot bo'ling qalb bor" degan da'vatini qo'llash juda o'rinli bo'ladi.

Masalan:

1. Burnidan baland gapirib bo'lmaydi.
2. Tish bergan rizq ham beradi.
3. Tishga bosgulik nima bor?
4. Tishining kovagida saqlab yurgan.

"G'oyalar gilami" metodi ham yozma nutq savodxonlik darajasini oshirish omillaridan biridir. O'qituvchi tomonidan tayyorlab qo'yilgan so'zlar shajarasidan o'quvchilar yangi so'zlar hosil qilishadi yoki bo'lmasa "Kapalak" usulida qo'shimchalar orqali yangi so'zlar hosil qilinib, o'sha so'zning xatosiz yozilishi ta'minlanadi. Masalan: kitob, kitobxon, kitobsevar, kitoblar, kitobda, kitobdan...

O'quvchi umumlashgan tushunchalar orqali o'z fikrini izchil va xatosiz yozib boradi, talaffuzi va imlosida farqlanishi bor so'zlar tushuntiriladi.

XULOSA

Ta'limning shunday muhitini yaratish kerakki, unda o'quvchi o'zini shaxs deb sezsin, unga bo'lgan e'tiborini tuysin. Agar o'qituvchi dars davomida "muvaffaqiyat muhitini" tashkil etib, o'quvchida o'qishda muvaffaqiyat qozonishiga yordam bersa, uning o'z kuchi va iqtidoriga ishonchini orttirib borsa takomillashgan o'quv jarayoni ham o'z-ozidan yuzaga keladi. Oshkorlik, ishtirokchilarning o'zaro hamkorligi, ular keltirgan dalillarning tengligi, hamkorlikdagi bilimlar banki, o'zaro baholash va nazorat imkoniyati bilan belgilanadigan ta'limiy muloqot manbai yaratiladi. Demakki, o'qituvchining o'zi ham doimiy ravishda o'z ustida ishlashi, pedagogik mahoratini



uzluksiz oshirib borishi, jahon va milliy pedagogik meros hamda ilm-fan yutuqlaridan ijodiy foydalangan holda ta'lim jarayonini takomillashtirib borishi lozim.

REFERENCES

1. "O'zbek tilining imlo lug'ati", Toshkent-1995-yil, "O'qituvchi" nashriyoti.
2. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, V.Qodirov, Z.Jo'raboyeva. "Ona tili", 5-sinf darsligi. Toshkent-2012-yil, "Ma'naviyat" nashriyoti.
3. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, D.Nabiyeva. "Ona tili", 6-sinf darsligi. Toshkent-2013-yil, "Tasvir" nashriyoti.
4. "O'quvchi shaxsini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim". Umumta'lim maktablari o'qituvchilari uchun o'quv modullari, 1-modul, Toshkent-2013-yil.
5. Abdullayeva Q. Nutq o'stirish. - T.:O'qituvchi, 1980.66-bet
6. Karimova V.M., Sunnatova R.I., Tojiboyeva R.N. Mustaqil fikrlash. -T.:Sharq, 2000. 110-bet
7. Muhiddinov A.G'. O'quv jarayonida nutq faoliyati. - T.: O'qituvchi, 1995. 78-bet



TIBBIY VEB SAYTLAR YARATISH SAMARADORLIGI

Nizom Ismatullayevich Ne'matov

Samarqand davlat tibbiyot instituti assistenti

nematovnizom1@gmail.com

ANNOTATSIYA

Tibbiy veb-saytlar va ularning ma'lumotlaridan foydalanish tobora rivojlanib bormoqda va bu borada tabiiiki ayrim muammolar ham yuzaga keladi. Vizual tuzilma bo'lgan sog'liqni saqlash veb-saytlarining sifatiga turli omillar ta'sir qiladi. Joriy tadqiqotning maqsadi sog'liqni saqlash veb-saytlarining rolini tushuntirish, foydalanuvchilarning tibbiy veb-saytlarning sifati va ishonchliligi haqidagi qarashlarini o'rganish, shuningdek, foydalanuvchilar tomonidan sog'liqni saqlash ma'lumotlarini olishdir. Bundan tashqari, bunday veb-saytlarni loyihalash bo'yicha keng qamrovli qo'llanma zarurligi muhokama qilinadi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, sog'liqni saqlash veb-saytining ko'rinishi foydalanuvchilarning ishonchini qozonishda muhim rol o'ynaydi. Sog'liqni saqlash sohasida veb saytlar yaratish bo'yicha milliy yoki xalqaro to'liq yo'riqnoma yo'qligi ma'lum bo'ldi. Sog'liqni saqlash veb-saytlarining vizual tuzilishining ahamiyatini hisobga olgan holda sog'liqni saqlash veb-saytlarining izchil bo'lmagan, yomon yoki shaxsiylashtirilgan dizayn muammolarini bartaraf etish uchun milliy yo'riqnoma ishlab chiqish kerak.

Kalit so'zlar: veb-sayt, sog'liqni saqlash, visual, dizayn, milliy yo'riqnoma

ABSTRACT

Using health-related websites and their information increasingly develops and some concerns on its quality arise as well. Different factors affect the quality of health websites which visual structure is one of the most important factors. The aim of the current study is to explain the role of health websites' visual structure in users' views on their quality and reliability as well as its role in obtaining health information by users. Furthermore, the need for a comprehensive guideline for designing such websites is discussed. The review showed that health website's appearance has an important role in users view on its credibility. Furthermore, it was revealed that there is no comprehensive national or international guideline to health websites design. Considering the importance of visual structure of health websites, there is an emergent need to develop a national guideline to obviate the problems of non-consistent, poor or personalized design of health websites.

Keywords: Health website visual structure; Website design guideline; Health information, national instruction.



KIRISH

Axborot texnologiyalarining rivojlanishi tufayli sog'liqni saqlashga oid ma'lumotlarga keng qamrovli kirish mumkin. Hozirgi kunda ko'p odamlar o'zlari va yaqinlari uchun sog'liq bilan bog'liq ma'lumotlarni olishga harakat qilmoqdalar. Tibbiy konsultatsiyalar internet, broshyuralar, kitoblar, jurnallar, televideniya, radio va boshqa axborot resurslari bilan cheklanadi. Ular orasida internet, tibbiy veb-saytlar asosiy o'rin tutadi. Bu ommaviy axborot vositasi va odamlar uchun barcha mumkin bo'lgan mavzular, shu jumladan sog'liqni saqlash ma'lumotlari bo'yicha ma'lumot qidiradigan xalqaro tarmoqdir. Internetda sog'liqni saqlash ma'lumotlarini qidirish doimiy ravishda ortib bormoqda, shuning uchun Buyuk Britaniya va AQShdagi katta yoshlilarning taxminan 50% va 75% i sog'liqni saqlash ma'lumotlarini olish uchun internetdan foydalanadi. Ushbu tarmoq sog'liqni saqlash ma'lumotlarini izlash, ulardan foydalanishni osonlashtirib, foydalanuvchilarni ko'plab ma'lumotlarning keng doirasi bilan tanishtiradi hamda ularni sog'liq bilan bog'liq muammolarga tobora ko'proq jalb qiladi. Tibbiy veb-saytlarda sog'liqni saqlash va tegishli muammolar, ularni boshqarish bilan bog'liq turli xil ma'lumotlar, maslahatlar, qo'llanmalar, tavsiyalar va baholashlar mavjud. Ushbu veb-saytlar bemorlar va ularning oila a'zolarini ma'lumot bilan ta'minlash orqali qo'llab quvvatlaydi va ularga kengaytirilgan ma'lumotlar mavjudligiga qaramay, bemor va shifokorning o'zaro munosabatlarini yaxshilashga yordam beradi[5]. Bundan tashqari, Internetga asoslangan ma'lumotlar odamlarning o'z-o'zini parvarish qilish masalalari va tibbiyot provayderlar bilan o'zaro munosabatlari bilan bog'liq umumiy qarorlariga ta'sir qiladi. Odamlar o'zlariga g'amxo'rlik qilishda ishtirok etishlari uchun yuqori sifatli ma'lumotlarga muhtojdirlar. Biroq, internetda malakali ma'lumotlar talab qilinadigan standart mavjud emas va veb-saytlardagi ma'lumotlar nazorat qilinmaydi. Bu shuni anglatadiki, ba'zi veb-saytlar professional ko'rsatmalarga mos kelmaydigan past sifatli yoki noto'g'ri tarkibga ega ma'lumotlarni nashr etishi mumkin[1]. Shuning uchun, odamlar past sifatli ma'lumotlarga duch kelishadi.

Oddiy foydalanuvchilar sifatli onlayn ma'lumotni baholay olmasligi va aniqlay olmasligini hisobga olsak, ularning sog'lig'iga tibbiy veb-saytlar tahdid solishi mumkin. Shunday qilib, ishonchlilik va ishonch haqida xavotirlar ortib boradi. Turli omillar tibbiy veb-saytlar sifatiga ta'sir qiladi, veb-sayt dizayni ana shu omillardan biridir. Joriy tadqiqot sog'liq bilan bog'liq veb-saytning vizual tuzilishini foydalanuvchilarning sifati va ishonchliligi haqidagi qarashlarini tushuntirishga qaratilgan. Bundan tashqari, bunday veb-saytlarni



loyihalash bo'yicha keng qamrovli qo'llanma zarurligi muhokama qilinadi[10].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Umuman olganda, tibbiy veb-saytlar sifatiga turli omillar ta'sir qiladi va veb-sayt dizayni ana shu asosiy omillardan biridir. Veb-sayt tuzilishi, asosan veb-saytlarning turli qismlari o'rtasidagi munosabatni ifodalaydi va veb-saytning turli qismlarining funktsiyalarini ham tasniflaydi. U navigatsiya dizayni, vizual dizayn, axborot arxitekturasi, sahifa tartibi, estetik va vizual estetik muvozanatni o'z ichiga oladi. Veb-saytlarning umumiy grafik ko'rinishi, sahifa elementlarini joylashtirish, kontent taqdimoti, tasvirlar va ommaviy axborot vositalaridan foydalanish veb-saytning ko'rinishi va jalb qilishga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun tibbiy veb-sayt vizual tuzilishining foydalanuvchilarning ushbu veb-saytlarga bo'lgan ishonchidagi roli turli matnlarda boshqa omillarga qaraganda ko'proq ahamiyatga ega. Bundan tashqari, veb-saytning tashqi ko'rinishi salomatlikni baholash vositalari tomonidan ko'rib chiqiladi. Masalan, ma'lumotlarga kirish uchun zarur bo'lgan oltita mezonidan biri sifatida qabul qilinadi. Europe2002 da tibbiy veb-saytning sifatini baholash nufuzli vositalardan biri hisoblanadi[7]. Netscoring vositasida tibbiy veb-saytlarni baholashning sakkiz mezonidan biridir.

Sog'liqni saqlash bilan bog'liq Internet ma'lumotlarining sifatini baholash bo'yicha 79 ta tadqiqotni tizimli ko'rib chiqishda, Eysenbax va uning hamkasblari veb-saytning vizual tuzilishini o'z ichiga olgan jozibadorligi va sahifa tartibini, asosan tibbiy veb-saytlar sifatining asosiy mezon sifatida ko'rib chiqishadi. Veb-sayt ko'rinishi foydalanuvchilar tomonidan ko'rib chiqiladigan birinchi xususiyatlardan biri bo'lib, ularni yaxshi ishlab chiqilgan veb-saytlar tomonidan chop etilgan ma'lumotlarga tayanishi mumkin. Foydalanuvchining veb-saytdagi fikri veb-saytga tashrif buyurganida 2 soniyada shakllanadi va agar uning ko'rinishi ularning qarashlariga mos keladigan bo'lsa, ular veb-saytdagi ma'lumotlarning sifatini ham tekshiradilar. Boshqa bir tadqiqotda kim va boshqalar tomonidan, sog'liqni saqlash veb-saytlariga eng ko'p mazmuni va dizayniga ishonch bog'langanligi aniqlandi. Xuddi shunday, onlayn ishonchliligini ko'rib chiqishda Silence va uning hamkasblari (2004) sog'liqni saqlash veb-saytlari odamlarga kasallik sifatida tasir qilishi mumkinligini ko'rsatdi[9].

NATIJALAR

Veb-saytning tashqi ko'rinishi va dizayni bir qarashda yuqori ballga ega hisoblanadi. Izlanishlar shuni ko'rsatdiki, ushbu



tadqiqot ishtirokchilarining 94 foizi jozibali ko'rinish, noprofessional dizayn va mos bo'lmagan ranglarni qo'llash kabilarni dizayn xususiyatlarining ishonchsizlikka ta'sir qiluvchi omillar sifatida ko'rgan. Tadqiqotlar sog'liqni saqlash veb-saytlarining zaif dizayni va foydalanuvchilar tomonidan ularni rad etish o'rtasidagi to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlikni ko'rsatadi. Chunki veb-sayt dizayni foydalanuvchilarning sog'liqni saqlash veb-saytlariga ishonchini qozonishda eng katta ta'sir ko'rsatadigan mezonlardan biridir. Shuni hisobga olish kerakki, ba'zi odamlar salomatlik mavzularida kam ma'lumotga ega va sog'liqni saqlash veb-saytlari tarkibiga baho bera olmaydilar va shuning uchun ularni veb-sayt ko'rinishiga qarab baholay olmaydilar. Shunga qaramay, sog'liqni saqlash veb-saytlarini tashqi ko'rinishiga qarab baholash foydalanuvchilar uchun zararli va hatto foydalanuvchilarning sog'lig'iga tahdid solishi ham mumkin.

Internet ma'lumotlarining sifati ustidan nazoratning yo'qligi, yangi paydo bo'lgan tibbiy veb-saytdagi mavjud ma'lumotlar noto'g'ri va noaniq bo'lishi mumkinligini, bu oddiy foydalanuvchilar uchun xavfli ekanini anglatadi. Aksincha, professional bo'lmagan yoki tushkunlikka tushuruvchi dizayndagi veb-saytlar sog'liq uchun muhim ma'lumotlarni o'z ichiga olishi mumkin, ammo foydalanuvchilar zaif dizayni tufayli ularning boy mazmunini e'tiborsiz qoldiradilar. Boshqa tomondan, sog'liqni saqlash veb-saytlari foydalanuvchilari tomonidan bildirilgan asosiy muammo ularning dizayn xususiyatlari bilan bog'liq. Bu veb-sayt dizaynining ahamiyati va uning foydalanuvchilarning ma'lumot qidirishini osonlashtirishdagi roli bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Foydalanuvchilar ma'lumotni tashqi ko'rinishini hisobga olish, veb-sayt dizayni va ko'rinishini ta'minlash foydalanuvchilar uchun yoqimli. Agar foydalanuvchilar murakkab va foydalanuvchi bo'lmagan veb-saytga duch kelganda zarur bo'lgan ma'lumotni osongina olish mumkin bo'lmasa, foydalanuvchilar veb-saytni tark etadi va boshqa veb-saytlarga murojaat qilishib, yanada yaxshi dizayn va qulayroq xususiyatlar ega, axborotga bo'lgan ehtiyojini qondirishadi. Bu salbiy oqibatlariga olib kelishi mumkin. Veb sayt esa o'z foydalanuvchilarini yo'qotadi. Bundan tashqari, sog'liqni saqlash ma'lumotlari yaxshi ishlab chiqilgan veb-saytlar yetarli, vakolatli bo'lmasligi mumkin va veb-saytlar faqat ba'zi mahsulotlarni reklama qilishga moyil bo'lishi mumkin. Jozibador dizayn tomonidan va foydalanuvchilarni ishontirish ehtimolini suiste'mol qilishadi. Shunday qilib, qaror qabul qilishda veb-saytning vizual dizayni har bir kishi uchun muhimdir. Tashkilotning veb-sayti kuchli xizmat ko'rsatish vositasi sifatida uning tomoshabinlariga asosiy ta'sir qiladi. Veb-saytlar foydalanuvchilarga qulay bo'lishi kerak deb mutaxassislar



bunga ishonishadi. Bu veb-sayt ishlab chiqilishi kerakligini ko'rsatadi hamda foydalanuvchilarning ehtiyojlarini qondiradigan usul qo'shimcha ravishda kelajakda yana jalb qilishi kerak. Ba'zi foydalanuvchilar veb-sahifalarda 10 dan 20 soniyagacha qolishadi, lekin veb-saytlar foydalanuvchilarni uzoq vaqt davomida jalb qilishi mumkin. Bu uchun esa ularga aniq mazmun va foydalanuvchilar uchun qulay taklif kerak. Bu orqali, veb-saytga qaytadigan foydalanuvchilar ortadi. Biroq, ba'zi veb-saytlar cheklangan vaqt yoki cheklangan byudjetda yaratilgan bo'ladi. Ushbu cheklovlar bu veb-saytlardan foydalanishni bir muncha susaytiradi.

Professional dizaynerlar veb-sayt dizayni a'lo darajada chiqishi uchun birinchi qadamdir.. Foydalanish ko'rsatmalari muhim, chunki u yangi foydalanuvchilar uchun foydalidir. Shuningdek ko'rsatmalarni qo'llash va oldindan belgilangan mezonlar foydalanuvchilarga turli xil funksiyalardan foydalanish imkonini beradi. Bundan tashqari, veb-saytning asosiy va foydali xususiyatlari yaxshi dizayni tufayli aniq namoyon bo'ladi. Bular foydalanuvchilarning undan yaxshiroq foydalanish qobiliyatini oshiradi.

MUHOKAMA

Vizual tuzilma dizayni muvofiq bo'lishiga yordam beradigan tamoyillar va ko'rsatmalar veb-saytlar izchilligini oshirishi mumkin. Bunga ba'zi mamlakatlar ya'ni AQSh, Buyuk Britaniya va Avstraliya kabilarda sog'liqni saqlash tashkilotlari mualliflik qilganligini misol qilib keltirish mumkin. AQShda Sog'liqni saqlash tashkiloti va Inson Departamenti Xizmatlarni loyihalash bo'yicha yo'riqnomasini chop etgan[6]. Unga qarashli tashkilotlarning sog'liqni saqlash veb-saytlari nazorat qilinadi. Yo'riqnomada kiritilgan ba'zi elementlar dizayn jarayoni, foydalanuvchi tajribasini optimallashtirish, kirish imkoniyati, asosiy sahifani loyihalash tartib-qoidalari, sahifa tartibi, taqdimoti mazmuni va ro'yxati veb-saytga kiritilgan elementlardir. Bu xususiyat veb-sayt dizayniga kiritilishi kerakligi baholaydi va ushbu qo'llanmada tartiblangan bo'ladi.

Tibbiy veb-saytlarni loyihalashda internet foydalanuvchilarida Masalan, shrift o'lchami, shrift turi, qo'llaniladigan ranglar, paragraf uzunligi, asosiy buyumlar joylashuvi, rasmlar va rasmlardan foydalanish yaxshiroq tushunish va boshqalar elementlardan iborat[4].

XULOSA

Tibbiy veb-saytlarining ko'rinishining asosiy xususiyati foydalanuvchilarning ularga bo'lgan ishonchiga ta'sir qiladi.

Shunday qilib, sog'liq bilan bog'liq tashkilotlar o'z dizaynlarini yaratishga harakat qiladilar va maqsadli foydalanuvchilarni o'ziga jalb qiladigan tarzda ishlaydilar. Yomon dizayn foydalanuvchilarning tashkilot taqdim etgan xizmatlarga bo'lgan ishonchini xam yo'qotadi. Biroq, sog'liqni saqlash veb-saytlari dizayni bo'yicha xalqaro aniq bir qo'llanma mavjud emas. Faqatgina AQSh, Buyuk Britaniya va Avstraliya kabi davlatlarda tibbiy veb-sayt dizaynini loyihalash uchun bazi ko'rsatmalar mavjud. Ushbu ko'rsatmalar ular bilan bog'liq tashkiliy maqsadlar va foydalanuvchilarning ehtiyojlariga asoslanadi. Taniqli, xalqaro sog'liqni saqlash tashkilotlari tibbiy veb-saytlar dizayni vizual tuzilishini rivojlantirish bo'yicha tegishli ko'rsatmalar beradi. Keng qamrovli yo'riqnomani ishlab chiqish esa tibbiy veb-saytlarini loyihalash uchun foydali bo'lishi mumkin.

Joriy tadqiqot bo'yicha turli manbalarni ko'rib chiqish shuni ko'rsatadiki: turli xalqaro nashrlar tomonidan chop etilgan manbalardan kelib chiqqan xolda tashkilotlar bir xil mezonlarga amal qilmasligi ma'lum bo'ldi. Bu esa tibbiy veb-saytlarning turli xil bo'lib qolishiga olib keladi. Sog'liqni saqlash veb-saytlarda xalqaro darajadagi dizayn, va standart ko'rsatma bo'lishi tavsiya etiladi.

REFERENCES

1. SS Nabiyeva, AA Rustamov, MR Malikov, NI Ne'matov // Concept Of Medical Information // European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7 (7), 602-609 p, 2020
2. OB Akhmedov, AS Djalilov, NI Nematov, AA Rustamov // Directions Of Standardization In Medical Informatics // Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(2), 1-4 p. 2021
3. Marshall LA, Williams D. Health information: does quality count for the consumer? How consumers evaluate the quality of health information materials across a variety of media. Journal of Librarianship and Information Science. 2006;38(3):141-56.
4. Kaicker J, Debono VB, Dang W, Buckley N, Thabane L. Assessment of the quality and variability of health information on chronic pain websites using the DISCERN instrument. BMC medicine. 2010;8(1):59.
5. Klein B, White A, Kavanagh D, Shandley K, Kay-Lambkin F, Proudfoot J, et al. Content and functionality of alcohol and other drug websites: Results of an online survey. Journal of medical Internet research. 2010;12(5).

6. Ivory MY, Megraw R. Evolution of web site design patterns. *ACM Transactions on Information Systems (TOIS)*. 2005;23(4):463-97.
7. Alba-Ruiz R, Bermúdez-Tamayo C, Pernet JJ, Garcia-Gutierrez JF, Cózar-Olmo JM, Valero-Aguilera B. Adapting the Content of Cancer Web Sites to the Information Needs of Patients: Reliability and Readability. *Telemedicine Journal and e-Health*. 2013;19(12):956-66.
8. Neuman H, Cabral C, Charlson M, Temple L. Is internet information adequate to facilitate surgical decision-making in familial adenomatous polyposis? *Diseases of the colon and rectum*. 2007;50(12):2135.
9. Sillence E, Briggs P, Harris P, Fishwick L. Going online for health advice: changes in usage and trust practices over the last five years. *Interacting with computers*. 2007;19(3):397-406.
10. Rice RE. Influences, usage, and outcomes of Internet health information searching: multivariate results from the Pew surveys. *International journal of medical informatics*. 2006;75(1):8-28.
11. 9. Aguillo I. A new generation of tools for search, recovery and quality evaluation of World Wide Web medical resources. *Journal of Management in Medicine*. 2000;14(3/4):240-8.
12. Eysenbach G, Jimison H, Kukafka R, Lewis D, Stavri PZ. *Consumer health informatics*: Springer; 2005.
13. 11. Hanif F, Read JC, Goodacre JA, Chaudhry A, Gibbs P. The role of quality tools in assessing reliability of the internet for health information. *Informatics for Health and Social Care*. 2009;34(4):231-43.
14. Zahedi FM, Song J. Dynamics of Trust Revision: Using Health Infomediaries. *Journal of Management Information Systems*. 2008;24(4):225-48.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Умидбек Хаитбаевич Адамбаев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институт ўқитувчиси

Дустмурод Эргаш ўғли Джораев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институт талабаси

АННОТАЦИЯ

Экологик маданиятни ривожлантиришда биринчи босқичда ёш авлодни оиладан бошлаб тарбиялаш, сўнгра уни янада юксалтириш учун ўрта таълим мактабларида табиатга нисбатан муносабат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида қатнашиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш каби мақсадлар сари тарбиялаш ва таълим бериш.

Калит сўзлар: Экологик маданият, экологик тарбия, экология, экологик ва нафосат тарбияси, оилада экологик тарбия, табиатга нисбатан муносабат, «инсон-табиат-жамият» тушунчалари, атроф-муҳит муҳофазаси, етук шахс, экологик билим, ижтимоий муносабатлар.

ECOLOGICAL CULTURE AND ITS FORMATION

ABSTRACT

The first step in the development of ecological culture is to educate the younger generation from the family, and then to raise and educate them in secondary schools for such purposes as attitude to nature, participation in environmental protection, landscaping and protection of flora and fauna.

Keywords: Ecological culture, ecological upbringing, ecology, ecological and delicate upbringing, ecological upbringing in the family, attitude to nature, concepts of "human-nature-society", environmental protection, mature person, ecological knowledge, social relations.

КИРИШ

Экологик маданият- бу атроф муҳит тўғрисида чуқур билимга, табиатни асраш туйғусига эга бўлиш, ўсимликлар ҳамда ҳайвонларга нисбатан ғамхўрлик кўрсатиш, табиат захираларидан оқилона фойдаланиш, уларни кўпайтириш борасида қайғуришга



қаратилган амалий фаолиятнинг юксак кўрсаткичидир. Ана шу хислатларни ўзида акс эттира олган инсонни экологик тарбия эгаси деб аташ мумкин.

Оилада экологик таълим ва тарбия беришдан мақсад – бу инсонни табиатга қадам қўйган вақтдан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланишга, психологик, ахлоқ – одоб юзасидан халқимизни асл ёш авлодларининг табиатга хурмат ва эътибор билан қарайдиган урф – одатларини, удумларини тарбиялаш, табиий бойликларини кўпайтириш, боғу – роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундашдан, унинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборатдир.

Экологик тарбиялаш жараёнида ёшлар табиат бойликларини тежаб – тергашга, табиатни муҳофаза қилишга ўргатила борилади.

Экологик тарбиянинг асосий мақсади жамият кишиларини экологик жиҳатдан саводхонлигини маданиятини ошириш, шундай экологик маданиятли, таълим – тарбияли кишиларни сайъи харакати билан табиатни муҳофаза қилиш, озода – тоза сақлаш, ҳайвонот, қушлар, ўсимликларга меҳр уйғотиш орқали табиатни нарсаларини парваришлашдир.

Инсоннинг қандай киши бўлиб етишиши кўп жиҳатдан оиладаги тарбияга, ота-онанинг масъулиятига бола тарбиясининг умумий қонуниятларини яхши билиб, ҳаётда уларга қанчалик амал қилишига ҳам боғлиқ. Ота-оналар ўз болаларининг тарбияси учун жамият олдида жавобгардирлар. Ота-оналар ўз болаларининг асосий тарбиячилари ҳисобланадилар. Шунинг учун улар фарзандларини ўз халқининг энг яхши урф-одатлари ва оилавий анъаналари руҳида олийжаноб фазилатли, билимдон, экологик маданиятли шахс қилиб тарбиялашлари лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги болалар қаерда яшашидан қатъий назар, доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий, техникавий ва индустриал соҳалардаги ўзгаришлар билан тўқнаш келишларига тўғри келади. Боланинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу даврда унинг шахс сифатида шаклланиши, илк бор оламни атрофидаги ашё ва буюмлар орқали англаб, ундан ўзича маъно топишга интилиши, қизиқиш ва ҳиссиётлари ривожланишини кузатамиз. Ҳаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида мактабгача бўлган даврни шулар сирасига киритиш мумкин. Болалар оҳанграболи олам ҳисобланиб, жуда тез ўсиш,



ривожланиш ва ўзгаришлар ичида яшайдилар. Бу фарзанд тарбиясида айнан шу палла қанчалик аҳамиятли эканининг яна бир исботидир. Ҳар бир оилада дунёга келган бола-ёш авлод давлат ўртага қўйган мақсадларни амалга оширишда фидокорлик, меҳнатсеварлик билан хизмат қиладиган шахс сифатида камол топтирилиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф- одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор”. Демак, оилада экологик маданиятни шакллантириш учун болаларга истеъмолдан ортиқча сув жўмрақлардан оқишига йўл қўймаслик, сув ҳавзаларини ифлослантirmаслик, ахлатни дуч келган жойга тўкмаслик, турар жойларни озода сақлаш, кўчат ва гулларни синдирмаслик ҳамда уларни экиш, хайвонларга ғамхўрлик қилиш, қушларни парваришlash, хонадон ва хиёбонларни гулзорга айлантirmиш каби ҳаракатларни амалга ошириш экологик маданиятликнинг энг оддий кўринишлари ҳисобланган тушунчаларни сингдириб бориш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиядаги маърузасида қуйидагилар белгиланган: «Биз иқтисодий лойиҳаларни, биринчи галда, минтақанинг бой табиий захираларидан, энергетика ва сув манбаларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть тармоқларини барпо этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби соҳаларга тегишли аниқ лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш борасида куч ва имкониятларимизни бирлаштиришимиз лозим».[1]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги 142-сонли қарори қабул қилинган.

Истиклол йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ўрта бўғин мутахассисларига бўлган эҳтиёжни қондириш, умумтаълим мактаб битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда ўқув жараёни сифатини ошириш билан

боғлиқ амалга оширилаётган тадбирлар таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Дарҳақиқат, таълим тизимидаги изчил ислохотлар ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтирибгина қолмай, талабаларда экологик маданиятни шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Экологик меъёрларни билиш ёш авлод учун муҳим аҳамият касб этади.[2]

Ҳар қайси тарихий даврларда ҳам инсонларнинг табиатга бўлган муносабатлари мавжуд бўлган. Шарқ мутафаккирлари асарларида ҳалоллик, поклик, атроф- муҳитнинг тозаллиги ва табиатни севиш хислатларига аҳамият берилган. Ватандошимиз Ибн Сино «Табиатда ғубор бўлмаганда инсонлар умри янада узайиши» ҳақидаги назарияни илгари сурган. Чех педагоги Я.А.Коменский XVII асрда таълим жараёнининг моҳиятини илмий асослашга уринди. Аллома боланинг ақлий, жисмоний ўсишини табиат қонуниятига мувофиқ келиши ғоясини асослаган.[5]

XVIII асрда француз олими Жан Жак Руссо ҳам инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги фалсафий ғоялар асосида таълим моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, таълим жараёнининг моҳияти боланинг атроф-муҳитни билишига асосланади.[7]

Экологик ва нафосат тарбиясининг воситалари ўқувчиларни гўзалликни севиш руҳида тарбиялаш мақсадида турмуш, табиат, санъат гўзаллиги ва болаларнинг бадий фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган педагогик жараёнда қўлланилувчи омиллар саналади. Табиат, меҳнат, инсоний муносабатлар экологик тарбия воситасидир. Табиат экологик тарбиянинг муҳим манбаидир. К.Д.Ушинский табиатни ёш авлод эстетик туйғуларининг ривожланишига чуқур таъсир кўрсатадиган ажойиб тарбиячидир, деган эди. Саёҳат, сайр, табиатга бағишланган санъат асарларини ўрганиш мазкур йўналишдаги анъанавий фаолиятлардир. Бироқ табиат ичида бўлишнинг ўзи етарли эмас. Табиатдаги гўзалликни кўра билиш, ҳис этиш лозим. Бундай қобилият аста-секин ривожланиб боради. Сайр, экскурсия ҳамда мактаб тажрибавий ер майдончасида ишлаш пайтида ўқитувчилар эътиборни табиат бойликларига, унинг шаклидаги мукамалликларга қаратиш нафосат, табиатни севиш эҳтиёжигина бўлмай, шунингдек, уни эҳтиётлашдан ҳам иборатлигини ўқувчиларга тушунтириб боришлари лозим.[6]

Ҳозирда қонун фуқароларнинг экологик маданиятини тартибга солувчи бирдан-бир ижтимоий восита эмас, айти маҳалда ҳар бир фуқаронинг экологик тарбиясига ёрдам

берадиган расмий маънавий кучдир, деб тушунамиз. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя қилишга, шунингдек, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Талабаларда эко-логик тарбияни шакллантириш жараёнида фақат қонунларни ўқитишнинг ўзи етарли бўлмайди. Бунда экологик маданиятни тадқиқот ва тарғибот қилиш асосидаги мавзуларга бағишланган тадбирлар ҳам уларда экологик маданиятнинг шаклланишига яқиндан ёрдам беради. Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Тарбия мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбиянинг асосий мақсади комил шахсни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Тарбиянинг натижаси юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тарбиялашдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, уюштириш ва раҳбарлик, шунингдек, талабаларнинг ўзи томонидан фаоллик кўрсатилишини тақозо этади. Бу жараёнда педагог етакчи рол ўйнайди. У ижтимоий тарбиянинг умумий мақсадини тушунади, унга эришиш йўлида амалга ошириладиган вазифалар тизимидан хабардор бўлади, тарбиянинг шакл, метод, воситаларини тўғри танлай олади ва тарбия жараёнига тадбиқ этади.

Тарбия жараёнининг моҳиятини тарбияга ҳар томонлама ёндашиш билан муваффақиятли тарзда илмий таҳлил қилиш мумкин.

Шахс тарбиянинг натижаси сифатида шаклланадиган ижтимоий мавжудотдир. Шахснинг кўпдан-кўп хислатлари бир-биридан ажратилган эмас, балки ўзаро мустаҳкам боғланган. Тарбия жараёнида боланинг шахсияти айрим-айрим эмас, балки яхлит равишда ривожланади. Бола ўсиб ва ривожланиб боргани сари тарбия вазифалари мураккаблашиб, чуқурлашиб, табақаланиб боради.

Ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш унга изчил равишда ақлий, ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий тарбия бериш, ўқувчиларнинг онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг бирлиги, шунингдек, тарбия жараёнини ташкил этишнинг яқка, гуруҳли ва оммавий шакллари кўшиб олиб борилишини таъминлайдиган педагогик тизимларни вужудга келтириш ва бу тизим ғояларига амал қилишни талаб этади.

Ижтимоий тарбия жараёни талабаларнинг ижтимоий фазилатларини шакллантириш, унинг атроф-теварак, жамият,



одамлар ҳамда ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтириш ва кенгайтиришга қаратилган. Олий таълимда талабалар иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизими қанчалик кенг, хилма-хил ва чуқур бўлса, уларнинг маънавияти шунчалик бой бўлади. Маълумки, экологик маданиятни шакллантиришга бўлган муносабат тарихий хусусиятга эга. Қадимги тарихий ёдгорликлардан саналган муқаддас зардуштийлик дини асосида яратилган «Авесто» асарида табиатга бўлган муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Унда инсонларни ростгўйликка, адолатпарварликка ундовчи; шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, яйловларни кенгайтириш ғоялари; инсонларни маданий турмуш тарзини яхшилашга ундовчи ғояларнинг мавжудлиги аҳамиятлидир. Ушбу ғоялар ҳозирги жамиятимиздаги етакчи ғояларга мос келади. Йилдан йилга шаҳар-қишлоқларимиз обод бўлиб, чирой очмоқда. Бу натижалар фуқароларимизнинг экологик маданияти юксалганлигидан далолат беради.

Ўз табиатига кўра, тарбия жараёни кўп омилли характерга эга. Яъни, талабаларда экологик маданиятнинг қарор топиши оила, таълим муассасаси, жамоатчилик, ижтимоий муҳит, шунингдек, вазиятларнинг хилма-хиллиги, бевосита ва билвосита таъсирлар остида рўй беради.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми саналади. Ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни экологик маданиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш, уларнинг ижодий қобилиятларининг тараққий этишига катта таъсир кўрсатади. Узлуксиз таълим тизимида табиатшунослик, биология, география каби фанларнинг ўқитилиши экологик тарбияни самарали йўлга қўйиш воситаси ҳисобланади. Экологик тарбияни олиб бориш чоғида ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириш, уларда ЭКО-тизимнинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва моҳияти борасидаги тушунчаларни қарор топтириш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулият билан муносабатда бўлиш, табиатни асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйғуларини қарор топтириш, экологик маданиятни шакллантириш зарурдир.

«Экология» тушунчаси илк бор немис олими Э.Геккель томонидан қўлланилган.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Экологик тарбия (грекча

«oikos» – турар жой, макон, «logos» – фан) ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён дир.[8]

Ўзбекистон Республикасида табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилган. Ижтимоий- экологик ҳаракат ғояси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли қарори билан тасдиқланган «2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури»да ўз ифодасини топган.

Мазкур дастурнинг мақсади ва вазифалари қаторида экологик билимларни кенг тарғиб қилишга, шунингдек, экологик маданиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш белгиланган.

Ушбу дастурни бажаришнинг асосий йўналишлари бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар таркибида:

атроф-табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш;

барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим бўйича ва Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизими ҳамда экологик хизмат кўрсатувчи меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар ходимларининг касбий малакаларини ошириш бўйича ўқув-услубий марказлар ташкил этиш кўрсатилган.[3]

Ўқувчиларда табиатга нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш, меҳр- муҳаббатни уйғотиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим босқич саналади.

Экологик таълим ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён дир. Назарий экологик билимлар (экологик онг), атроф-муҳит ва табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган фаолият бирлиги экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Экологик онг табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилиятидир.

Экологик фаолият экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга ошириладиган жараёнлар. Олий таълим муассасаларида, оила ва жамиятда экологик мавзулардаги суҳбат, давра суҳбати, экскурсия, баҳс-мунозара, ижодий танловлар, учрашув, ижтимоий-фойдали меҳнат (шанбалик, ҳашар, кўкаламзорлаштириш) кабилар экологик тарбия самарадорлигини оширади. Таълим жараёнида иштирок этаётган субъектларнинг шахсий намуналари, ўқув манбалари, бадиий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари (жумладан, интернет) материалларининг ғоялари талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим воситалари саналади.

Таълим жараёнида ёш авлоднинг экологик онгини шакллантириш учун қуйидаги асосий масалалар ҳал этилиши зарур:

Болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишлари учун иқтисодий, ижтимоий ва экологик муҳитни яратиш.

Ҳар бир шахсда Ўзбекистонга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиш, маҳалла ободончилиги, аҳиллиги учун жавобгарлик руҳини шакллантириш.

Экологик маданиятни тарғиб этиш маркази мактаб бўлишига эришиш.

Ижтимоий фойдали меҳнат ёш авлодни жамият ҳаётини ташкил этиш жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди. Талабаларда экологик маданиятни таркиб топтиришда оиланинг ўрни муҳимдир. Оиланинг моддий таъминоти ва фаровонлиги, маданий турмуш даражаси, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, оила аъзоларининг психологик муносабати, ўзаро ҳамкорликнинг мавжудлиги шахснинг жамиятга ижтимоийлашувига хизмат қилади. Оилада ташкил этилган меҳнат болаларни фаросатли бўлиш, ишни режали олиб бориш, вақтдан унумли фойдаланиш, тежамкор бўлиш, шунингдек, ўзгалар меҳнати, инсон меҳнатининг маҳсули бўлган неъматларни асраб-авайлашга ўргатади.

Оилада, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси (экологияси)га оид тарбиявий ишлар ҳам ташкил этиладиги, бу жараёнда болаларда «инсон-табиат-жамият» тушунчалари ўртасида юзага келувчи ўзаро мувофиқлик борасидаги ғояларнинг қарор топишига замин ҳозирланади. Оила муҳитида ташкил этиладиган ҳовли сатҳини супуриб-сидириш, гулзорларни ташкил этиш, кўчатларни ўтказиш ва



уларни парвариш қилиш, маиший чиқиндиларни бартараф этишга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш болаларда табиатни асрашга нисбатан масъуллик туйғусини шакллантиради.

Ўзбекистоннинг ёш авлод таълим-тарбияси борасида тўплаган тажрибаси ҳар томонлама андаза олишга арзигулик эканини эътироф этган ҳолда, мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, хусусан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар нақадар тўғрилигига яна бир ишонч ҳосил қиламиз.

Таълим тизими ҳақида сўз борар экан, энг аввало, таълим тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиздир. Таълим – бу давлат томонидан қатъий ўрнатилган меъёрлар асосида табиат ва жамият унсурларини ўрганиш бўлиб, шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида, аниқ мақсадга қаратилган жараён ҳисобланади. Узлуксиз таълим тизимида экологик тарбиянинг самарали, изчил тизимини яратиш, экологик маданиятини шакллантириш муаммоларини ижобий ҳал этиш жамият ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, педагогик таълим-тарбия, ижтимоий турмуш жараёнининг барча соҳаларини, жабҳаларини қамраб олмаса, у ўзининг комил инсон тарбиясидаги катта имкониятларига эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини эгаллаб олмаган бўларди. Экологик билимга эга бўлиш, экологик маданият, маърифат ва маданият соҳиби бўлиш, қонунларни муқаддас ҳисоблаб, уларга шак келтирмасдан фаолият кўрсатишга одатлантириш ҳар бир шахснинг инсоний фазилатига айланмоғи керак. Олий таълим муассасалари талабаларида экологик маданиятни шакллантириш давр талабидир. Зеро, ўз Ватани фаровонлиги, шаҳрининг ободлиги учун курашиш келажакда халқимизнинг иқтисодий-маданий турмушини янада яхшилашга хизмат қилади.[4]

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда дунё бўйича ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши исиб кетиши жараёнлари кузатилмоқда. Бу эса давлатимизнинг асосий экологик муаммоларидан бири ҳисобланади. Экологик муаммоларни бартараф этиш, унинг олдини олиш учун аҳолининг экологик маданиятини ва онгини ошириш, уларнинг табиатга бўлган муносабатларини юксалтириш талаб этилади. Шунингдек экологик маданиятни ошириш мақсадида ёшларимизни мактабдаги таълим жараёнида экология тўғрисида ва экологияга боғлиқ бўлган фанларни кўпроқ ўқитиш лозим.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012.
2. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги 142-сонли қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда; 2017 й., 19-сон, 345-модда)
4. Тохтаходжаева М.Х. ва бошқалар. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. – Т.: «Иқтисод-молия», 1996.
5. Коменский Я.А. Великая дидактика. Педагогическое наследие / Сост. Кларин В.И., Джурицкий А.Н.. – М.: «Педагогика», 1989. –С. 11–106.
6. Ушинский К.Д. Педагогические сочинения. В 6 т. / Сост. Егоров С.Ф. – М.: «Педагогика», 1988–1990.
7. Жан-Жак Руссо. Исповедь. «Зарубежная классика». / в Пер. Розановой М.Н. и Горбовой Д.А. – М.: «ЭКСМО», 2002.
8. Эрнст Генрих Геккель. Красота форм в природе. – Санкт-Петербург: Изд-во Вернера Регена, 2007.
9. Umidbek Adambayev. (2021). FAITH – THE CONCEPTION OF BELIEF AND STEPS TO DEVELOP IT / ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE, EDUCATION AND TRAINING. – pp. 96-100.
10. U. Adambaev. (2021). CONFIDENCE-NONVERBAL METHODS OF ARGUMENTATION IN THE FORMATION OF THE VERB /Экономика и социум. – С.18-21.
11. Umid Adambayev. (2021). MILLIY O'ZLIKNI ANGLASH MILLAT TARAQIYOTINING POYDEVORI / Scientific progress. – pp. 1858-1862.



HARBIY XIZMATCHILAR UCHUN PSIXOLOGIK MASLAHAT BERISHNING AMALIY VA NAZARIY AHAMIYATI

Begzod Abdusamatovich Tilavov

Chirchiq oliy tank qo‘mondonlik muhandislik bilim yurti Gumanitar fanlar kafedrası
Pedagogika va psixologiya sikli katta o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada psixologik maslahat ishini olib borishning amaliy va nazariy jihati yoritilgan. Psixologik ishlarning dolzarb muammolaridan, harbiy psixologlarning amalga oshiradigan ishlari ketma-ketligi hamda psixologik maslahat ishlarini yo‘lga qo‘yish masalasi bo‘yicha fikrlar bayon etilgan. Shuningdek, maslahat vazifalari harbiy xizmatchini (mutaxassislikka) yo‘naltirish hamda maslahat berish ishini amalga oshirish zarurati turli omillar bilan asoslangan.

Kalit so‘zlar: harbiy psixolog, axloqiy-ruhiy xolat-muhit, xulq-atvor, nizo, emotsiya, extiyoj, psixologik maslahat, malaka, ko‘nikma, iqtidor, intellekt, shaxs fazilati.

THE THEORETICAL AND PRACTICAL VALUE OF PSYCHOLOGICAL COUNSELING FOR MILITARY

ABSTRACT

The article deals with the theoretical and practical aspects of psychological counseling. The problematic issues facing the consultation, the organization and conduct of a psychological consultation, as well as the sequence of work of a military psychologist in conducting a consultation are revealed. The issues of the need for psychological counseling to send military personnel to perform their duties are also substantiated.

Keywords: military psychologist, moral and psychological state-environment, behavior, conflict, emotion, need, psychological consultation, ability, skill, talent, intelligence, personality quality.

KIRISH

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarida “Vatan muqaddas, uni himoya qilish sharaflı burchdir!” degan konseptual g‘oya asosida ma’naviy-ma’rifiy ishlarni tashkil etish, harbiy



xizmatchilarning bilimi va ma'naviy saviyasini oshirish, axloqiy-ruhiy xislatlari va huquqiy bilimlarini mustahkamlash bo'yicha samarali mexanizmlarni yaratishga qaratilgan O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tizimida ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish konsepsiyasi Qurolli Kuchlar tizimida izchil amalga oshirilishi belgilab qo'yilgan. Ushbu qaror asosida harbiy okruglar boshqaruv apparatlarida, brigadalarda va alohida batalonlarda "harbiy psixolog" (ofitser) lavozimi joriy etildi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Harbiy muassasalarda psixologik ishlarning dolzarb muammolari sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

harbiy xizmatchilarning kayfiyatiga, shaxsiyatiga, sog'lom axloqiy-ruhiy holati va jangovar salohiyatiga salbiy ta'sir etuvchi shaxsiy muammolar;

atrofdagilar bilan vujudga keladigan nizolar;

turli shakldagi deviant (og'ishgan) xulq-atvorlar;

guruh (jamoaviy) muammolar-harbiy jamoaning axloqiy-ruhiy muhitini buzuvchi muammolar;

jamoada ichidagi munosabatlarga to'sqinlik qiluvchi nizoli vaziyatlar (shaxsiy, axloqiy, xizmat);

nizoli vaziyatlarda jamoaning kichik guruhlariga bo'linib ketganligi, harbiy xizmatchilar o'zaro kelisha olmasligi, jamoada ijobiy qadriyatlarning yo'qolishi va hokazolar.

Yuqoridagi muammolardan kelib chiqib harbiy psixologlar amalga oshiradigan ishlar ketma-ketligida eng muhim yo'nalishlardan biri bu-psixologik maslahat ishlarini yo'lga qo'yish.

Psixologik maslahat shunga ehtiyoji bo'lganlarga beriladi. Ular psixolog tomonidan mijoz hayotida duch kelgan muammoni dastlab o'rganib chiqish va shaxsiy suhbat asosida beriladi. Odatda, psixologik maslahat oldindan belgilangan soatda, buning uchun maxsus jihozlangan xonada, begonalar ishtirokisiz o'tkaziladi.

Psixologik maslahat-amaliy psixologiyaning alohida sohasi bo'lib, harbiy xizmatchilarga shaxsiy, kasbiy va hayotiy muammolarini hal etishida maslahat va tavsiyalar sifatida mutaxassis tomonidan bevosita ko'rsatiladigan yordam bo'lib, u individual, guruh tarzda o'tkazilishi mumkin. Maslahat berish psixologik xizmatning asosiy yo'nalishlaridan biridir. Lekin psixologik maslahat o'zi nimaligi haqida yagona tushuncha yo'q. Har bir sohada xizmat olib borayotgan psixolog ishi boshqasi bilan bir-

biridan tubdan farq qiladi. Psixolog aniq harbiy jamoadagi shaxsiy tarkib orasidagi munosabatning ijobiy va salbiy tomonlarining, rivojlanadigan ijtimoiy muhitning ichida bo'ladi. U har bir shaxsiy tarkibning o'zinigina emas, shaxslararo munosabatning murakkab tizimini ham ko'radi, boshqa ish turlari bilan birgalikda vaziyatni hal qiladi.

To'g'ri tashkil etilgan maslahat tufayli psixolog va ofitser yoki serjant o'z sohasini yaxshi biluvchi mutaxassislar sifatida namoyon bo'ladi. Maslahat quyidagicha amalga oshiriladi:

1. Harbiy xizmatchi muammolari bo'yicha ularning hamkorligi bilimlarining birikuviga imkon beradi va muammolarni hal qilish uchun keng ijodiy imkoniyatlar yaratadi. Maslahat berishning asosiy ahamiyati ana shunda.

2. Psixolog shaxsiy tarkibning psixologik xususiyatlari, ularning qiziqishi, mayli, ilk iqtidori kabilarni o'rganadi, mutaxassis va yetuk shaxs sifatida shakllanishiga yordam ko'rsatadi.

3. Harbiy xizmatchilarda malakalar va ko'nikmalarini egallashda uchraydigan nuqsonlar hulq-atvordagi kamchiliklar, intellektual taraqqiyot va shaxs fazilatlaridagi buzilishlarni diagnostika qiladi.

4. Boshqa sohaning mutaxassislari bilan birgalikda psixik rivojlanishdagi nuqsonlar xilma-xilligini hisobga olgan holda differensial diagnostikani amalga oshiradi. Nuqsonlarning tibbiy, defektologik yoki psixologik tabiatini aniqlaydi. Asotsial xulq-atvor sabablarini va shakllarini belgilaydi. Giyohvandlik va taksikomaniya, alkogolizm, o'g'rilikning ijtimoiy-psixologik ildizlarini tekshiradi, omillarini tahlil qiladi.

5. Iqtidorli harbiy xizmatchilar, mutaxassislarni tanlashda ishtirok qilib ilmiy-psixologik tavsiyalar ishlab chiqadi.

6. Harbiy xizmatchilarda uchraydigan psixo-emotsional zo'riqishlar (stress, depressiya, suitsid) ni o'rganadi, tahlil qiladi, profilaktika va korreksion tadbirlarni tashkil etadi.

Harbiy psixolog xizmatchilar orasidagi iqtidorli mutaxassislarni tanlashda ishtirok etib ular uchun ham ilmiy ham psixologik tavsiyalar ishlab chiqadi

Psixologik xizmatning ushbu yo'nalishi psixologdan inson shaxsi va individualligini tarkib toptirish jarayonida faol ishtirok etishni taqazo qiladi. Harbiy sohadagi psixologning vazifasi psixologik xizmatni muayyan mezonlarga asoslanib tashkil qilishdan iborat bo'lib, yosh davr xususiyatlariga binoan psixikaning rivojlanishi, harbiy xizmatchi shaxsining shakllanishi qonuniyatlarini amaliyotga tatbiq etish, ularning qobiliyati,

maylini o‘shish darajasiga qarab komandirlarga korreksion ishlarni amalga oshirishda ko‘rsatmalar berishdan iborat. Psixologik xizmatning ushbu yunalishida alohida ahamiyat kasb etadigan narsa bu-harbiy xizmatchilar kasbiy o‘shishida kechikish, xulqdagi buzilishlar, bo‘yruqlarni bajarishdagi sovuqqonlik, mashg‘ulotni o‘zlashtirishning yomonlashuvi kabilardir.

Shuningdek, vazifalariga (mutaxassislikka) yo‘naltirish – harbiy xizmatchini layoqati, qiziqishi va qobiliyatlariga mos faoliyatni ongli tarzda tanlashga tayyorlash ham kiradi.

Bu keltirilgan yo‘nalishlarning uzviy va uzluksiz bog‘liqligi psixologik xizmat mazmunining yaxlitligini ta‘minlaydi.

Psixologik xizmatga bo‘lgan ehtiyoj, eng avvalo, harbiy jamoada ro‘y berayotgan, shaxsiy tarkib o‘rtasida kechadigan munosabatlardagi ayrim kamchiliklarni to‘ldirish bilan bog‘lik tarzda vujudga kelgan.

Harbiy sohadagi psixologik xizmatning maqsadi – harbiy xizmatchi shaxsining xar tomonlama mukammal psixologik taraqqiyotini ta‘minlovchi oqilona, zarur shart-sharoitlar, omillar, qulay vaziyat va sog‘lom muhit yaratishdan iboratdir.

Bugungi kunda Qurolli Kuchlarimizda psixologik xizmatning tarkibiy mazmuni harbiy xizmatchining individual psixologik xususiyatlarini o‘rganish bilan birga uning harbiy xizmatchi sifatida har tomonlama kamol topishi, uning ham ma‘naviy, ham aqliy rivojlanishi, o‘zligini anglashi va qobiliyatlarini namoyon etishi uchun ta‘lim-tarbiya hamda ma‘naviy-ruhiy sharoitlar yaratilishini nazarda tutadi.

Armiyani isloh qilish borasidagi ishlarning yakuniy mezoni – amaliy natijasi Qurolli Kuchlarning jangovar qobiliyati va tayyorgarligini real oshirish, ularning yuqori darajadagi uyushqoqligi va hamkorligini ta‘minlashdan iborat.

Harbiy sohadagi psixologik xizmatda tadqiqot va ta‘sir ko‘rsatish obyekti harbiy xizmatchilar va ularning oila a‘zolari, muddatli harbiy xizmatchilar hamda Qurolli Kuchlar ishchi va xizmatchilaridir.

Demak, psixologik xizmat o‘z mazmun mohiyatiga ko‘ra xizmat faoliyatining barcha tizimlari uchun zarur va kerak bo‘lgan ijtimoiy-psixologik hodisa ekan, biz uning omillarini bilishimiz lozim bo‘ladi.

Psixologik xizmatning harbiy sohadagi o‘ziga xos omillari.

Harbiy qism va muassasalarda psixologik xizmatni tashkillashtirishning quyidagi jihatlarini ajratish mumkin:

- Harbiy qism va muassasalarni yuqori saviyali psixolog kadrlar bilan ta‘minlash va ular malakasini oshirishni tashkil etish;

- Harbiy qism va muassasalarda psixologik xizmatni nazariy metodologik ta'minlash;

- Harbiy qism va muassasalarda psixologik xizmatni uslubiy ta'minlash.

Sir emaski, hozirda harbiy qism va muassasalarni yuqori malakali psixolog kadrlar bilan ta'minlash oson emas. Psixolog mutaxassislarga extiyoj katta ekanligini hisobga olgan holda bunday mutaxassislarni tayyorlashga alohida e'tibor berish zarurati mavjud. Hozirgi kunda faoliyat ko'rsatayotgan mutaxassislarni malaka oshirish kurslarida tahsil olishini ta'minlash ham harbiy psixologlar faoliyati samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Bu kurslarda tashxis, kasbga yo'naltirish nazariyasi va amaliyoti ayniqsa psixodiagnostik metodikalardan foydalanishning axloqiy talablariga rioya qilish, qo'llash ko'nikmalarini shakllantirishga diqqatni qaratish maqsadga muvofiq.

Harbiy qism va muassasalarda psixologik xizmatni nazariy metodologik ta'minlash psixologik va pedagogik tashxis nazariyasini yaratish mutaxassislarning pedagogik psixologik tashxisning kasbga yo'llashning ijtimoiy-iqtisodiy ruhiy va huquqiy tomonlarini chuqur bilishi va tushunishini taqozo qiladi.

Harbiy psixologlar faoliyatini takomillashtirishning yana bir mas'uliyatli, qiyin, lekin juda muhim tomoni tashxis amaliyotini uslubiy ta'minlashdir.

Fikrimizcha, harbiy qism va muassasalarda ishlayotgan amaliyotchi psixologlar uchun psixodiagnostik metodikalardan foydalanish psixologik tuzatish va rivojlantirish ishlarini tashkil etish uchun o'tkazilishi lozim bo'lgan seminar-treninglarning tashkil etish bo'yicha qo'llanmalar tayyorlab seminar treninglar tashkil qilish lozim. Ushbu seminar-treninglarda kerakli adabiyotlar tarqatilsa, harbiy qism va muassasalarda psixologik xizmat samaradorligiga hamda psixologik-pedagogik tashxis sifatiga ijobiy ta'sir qilgan bo'lar edi.

XULOSA

Harbiy qism va muassasalarda psixologik xizmatning joriy etilishining o'ziga xos katta ahamiyati hozirgi kunda shaxsiy tarkibning xizmat olib borishida bir qator psixologik to'siqlarning oldini olishga nisbatan talabning ortib-borayotganligida yaqqol ko'rish mumkin. Harbiy xizmatchilar amaliyotchi psixologlarga asosan o'zlarining shaxs xususiyatlarini, irodaviy sifatleri, his-tuyg'ulari, o'z-o'zini boshqarish imkoniyatini, intellektual salohiyat darajasini psixodiagnostik uslublar yordamida aniqlash va o'z imkoniyatlarini ruyobga chiqarish, rivojlantirish, kasbga yo'naltirish, shaxslararo munosabatlardagi muammolarni hal etish masalalari bo'yicha murojaat qilishlari

mumkin. Komandirlar esa o‘z bo‘ysinuvchilarida uchraydigan o‘qish malakalari, ko‘nikmalarini egallashdagi nuqsonlar, xulq-atvoridagi kamchiliklar, intellektual taraqqiyot, shaxs fazilatlaridagi buzilishlar sababini aniqlash, ularning harbiy xizmatga nisbatan motivatsiyasini oshirish, ularga samarali pedagogik-psixologik ta’sir etish yo‘llari haqida psixologik maslahatlar olishlari mumkin. Bundan tashqari harbiy xizmatchilar oila a’zolari, farzandlari va ota-onalar bilan o‘zaro munosabatlari ularni ko‘proq qiziqtiradi. Aynan, ushbu birgina masala, o‘z navbatida harbiy qism va muassasalardagi psixologik xizmatni yuqori malakali psixolog mutaxassislar, uslubiy vositalar va ilmiy qo‘llanmalar bilan ta’minlashni taqozo etadi.

Demak, psixologik xizmatning harbiy sohadagi o‘ziga xos omillari sifatida mutaxassislar bilan ishlash, uslubiy ishlanmalarni yaratish, mutaxassislarni zarur bilimlar bilan qurollantirish masalalarini ko‘rsatish mumkin.

REFERENCES

1. “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari harbiy xizmatchilarining ma’naviy-ma’rifiy saviyasini oshirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida” gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 04.08.2018 y. PQ-3898 qarori.
2. Mudofaa Vazirining “O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi qo‘shinlarida psixologik ishlarni tashkil etish Nizomini tasdiqlash to‘g‘risida” gi 797-sonli bo‘yruq‘i. 15 avgust 2019-yil. 1-bob Umumiy qoidalar 4 bandi.
3. Z.Nishonova, Sh.Asomuddinova. Psixologik maslahat. O‘quv qo‘llanma. O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent-2010. 5 bet.
4. Райгородский Д.Я. редактор-составитель. Практическая психодиагностика методики и тесты. Издательский: Дом «БАХРАХ-М» Самара 2001г. Ст-3.
5. Sh.M.Mirziyoev O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 25 yilligi munosabati bilan Vatan himoyachilariga yo‘llagan bayram tabrigi// “Xalq so‘zi”, 2017-yil 14-yanvar.

HOW TO TEACH THE PRONUNCIATION PROBLEMS OF UZBEK LEARNERS OF FOREIGN LANGUAGES

Muhabbat Sakbaeva

Lecturer of Termez State University

ABSTRACT

As demonstrated by an increasing global study body, teaching and learning in English as a second language and English as a foreign language contexts are mainly overlooked [1; 5; 12; 14; 16] EP shares the same modest status in Uzbekistan in different countries around the globe. Like most other nations in the globe, Uzbekistan has historically used "teacher-centered, book-centered, and grammar-translation techniques" to teach EFL, where students showed "a good deal of reliance on the teacher" [2; 3]. Activities of learning and teaching place excellent emphasis on grammar, reading and writing, while educators and learners seemed to ignore oral skills. Therefore, EP became a language learning element that was not essential and was dedicated to it for a short time. At that moment, the primary purpose of studying and teaching was to pass exams or obtain certificates. This strategy resulted in "learners being able to obtain the greatest results in the tests but failing to demonstrate their excellence in performance in actual life" [4]. In Uzbekistan's modern EFL, many educators no longer depend solely on grammar translation techniques, but complement them with other learning techniques, recognizing English to play an increasingly important role. EP has now gained more attention in Uzbek communications with the outside world, as Uzbek people understand it is a key factor that can assist contribute to their successful English communication. EP is not simple to learn, however, particularly from Uzbeks. Scholars have shown that while Uzbek learners spend many years in college domestically learning English, foreigners still find it difficult to understand.

Keywords: pronunciation, global, ESL, simple, college

Many studies have been performed in an effort to explain what makes EP so hard for Uzbek people to master, and most of them concentrate on the phonological distinctions between English and Uzbek. Therefore, this research seeks to explore the objectives and problems that learners and educators have when learning and teaching EP. Ultimately, this research hopes to shed light on EP elements in kindergartens that could make learning



and teaching methods easier. My personal teaching experience and observations are based on a strong motivation for this research. All that I learned in my English teaching career came through my Uzbek English teachers, and my EP is no exception. I rarely used English to explain things to my students in my very first years of teaching as I myself thought my EP didn't sound great enough. Many years later, I used English more frequently and felt more comfortable and confident in speaking it to my learners of all ages from all areas of Uzbekistan, although I knew my EP still required enhancement for some. I knew that because of my own long-standing exposure to and use of English, that important shift occurred to me. It was not a matter of my EP understanding such as phonology, phonemes or stress and intonation, but rather a matter of trust, self-esteem or private attitude and faith in my oral English abilities; Efforts to use English in my actual life activities; and the effect of social and cultural circumstances linked to the whole setting in which my English could be used. I thought other learners might have the same trouble as I had with EP, including my own students, or their problems might be even more severe. Every day, I witnessed my students struggling with English oral skills, some hated it, some liked it, but didn't know how to enhance. They spent many years studying English, but what they usually accomplished was some understanding of grammar and vocabulary—even a single term in English was rarely heard. Many of my learners complained that they knew how to pronounce a word, but it became a totally distinct word when they opened their mouths to create that word. They told me to clarify why they had such problems, why they spent years studying English, but there was no improvement in their English, and requested me to demonstrate them how to know English well. I really want to do something to assist them with their EP with all that I've seen and heard from my learners. The second objective is to fill a gap left unaddressed by previous research focusing on the phonological and phonemic aspects of EP, rather than the use of English in specific everyday contexts where factors such as attitudes, perceptions and beliefs are crucial to language development. The other sees language as a type of social exercise, that is, as inseparable from many human activities, as being used as an essential part of it ". With respect to the former perspective, language is officially defined as "the spoken or written communication scheme used by a nation, individuals, community, etc. [5], or ' a set of (finite or endless) phrases, each finite in duration and built from a finite set of components. In reality, the nature of language is very complicated" [7]; It is also perceived as "a communication instrument.... To achieve ends that go beyond the language itself "[8], and language does not consist



of sentences; it consists of text or discourse—the exchange of meanings in interpersonal contexts of one kind or another. Language is seen by this last definition as a cultural semiotic, that is, "language within a socio-cultural framework in which culture itself is interpreted in semiotic terms" [9]. It is evident that studies on EP teaching and learning have, with sounds, words and phrases (i.e. language as a scheme), placed the primary focus on the language itself. With sounds, words and phrases (i.e. as a system language). Factors linked to the teaching and learning of EP in a socio-cultural context (i.e. English as social exercise) were mainly unexplored and therefore need to be investigated through studies. Because of "traditional pedagogy [in Uzbekistan] emphasizing the acquisition of grammar and vocabulary rather than communicative skills," a large number of graduates with years of learning English still have such poor English listening and speaking skills that they cannot put them to practical use, for instance, to take up a place in Uzbek-based overseas business. With the desire for a better career future, many Uzbek learners are turning to enhance their English oral skills. Fourthly, my thesis aims to find responses to three primary issues of studies: 1. What is Uzbek learners' primary objective in terms of English pronunciation teaching? 2. What are the problems encountered by Uzbek English learners and educators when learning and teaching English pronunciation? 3. Who thinks Uzbek learners / teachers can best teach Uzbek learners English pronunciation? Why? By answering these questions, this study seeks first of all to obtain a greater knowledge of what is really the primary objective of students in studying EP whether they want to attain native pronunciation or just intelligible English, defined "as to what extent the speaker's voice signal can be recognized as the words the speaker meant to generate"[10]. Then recognize the problems that learners and educators experience when learning and teaching EP; and finally whether local or foreign professors are regarded to be Uzbek students' best EP professors. Hopefully, the results will provide better data to all two stakeholders to comprehend each other's issues and determine if learners need to revisit their objective; Learn and set realistic and achievable objectives, and eventually whether it is time for a fresh socio-cultural strategy to teach EP in Uzbekistan to be implemented. As mentioned above, a great deal of research has been conducted worldwide to demonstrate the phonological and phonemic differences between English and L1 to help learners understand better what EP is with the hope of gaining a higher English level. This understanding is undoubtedly essential and crucial for any English learner. Knowing EP with understanding of sounds, words, phrases and phrases alone is not enough, however, as there are many variables



that can have a significant effect on EP learning and teaching, such as learning correct EP from the very young preschool ages, learning and teaching techniques, the language environment for English practice and use, or the confidence of educators.

"Pronunciation was not given due attention in the field of language education despite being recognized as a significant element of linguistic learning" [11; 12; 14; 16]. Pronunciation is undeniably a significant element of second language learning, It's function in English programs differs significantly, and its time depends mainly on the language educators themselves, and there is no assurance that pronunciation is part of periodic class and student self-study activities. Even long before the beginning of the communicative age, many scientists argued that pronunciation was not given as much attention as other abilities [1]. For instance, pronunciation was the "Cinderella of linguistic learning", i.e., kept out of sight and behind doors. Likewise, echo that pronunciation suffered from "the syndrome of Cinderella" [6]. Pronunciation as "an orphan in English worldwide programs" [18]. Scientists have clearly acknowledged that pronunciation teaching in English language schools is not typically what it should or might be, and there may be deep consequences for learners. "Pronunciation is perhaps the most open to judgment linguistic feature. As a most noticeable phenomenon of surface structure, one's accent readily evokes the biases of people. For the same reason, pronunciation was the language training element that was most prescriptively taught [5]. Teaching pronunciation has never been a simple job and even experienced and well-trained non-native English speaking educators may feel insecure about the scenario where they use their own speech as a learning practice template [16]. As a consequence, many English language educators tend to prevent teaching pronunciation as they lack abilities, understanding and trust. In addition to these problems, Burgess and Spencer claim that educators are faced with many problems in teaching English pronunciation, including selecting pronunciation characteristics; The ordering of the chosen characteristics; the type(s) of discourse in which pronunciation is to be practiced; the selection of techniques to produce the most efficient outcomes; and the quantity of detail to be used at distinct phases. Burgess and Spencer also claim that marking the distinction between phonology and pronunciation when it comes to teaching English pronunciation is essential and helpful.

REFERENCES

- [1] Ahmad, J. (2011). Pronunciation Problems among Saudi Learners: A Case Study at the Preparatory Year Program, Najran University Saudi Arabia. *Language in India*, 11(7).



- [2] Beinhoff, B. (2014). Perceiving Intelligibility and Accentedness in Non-Native Speech: A Look at Proficiency Levels. Concordia Working Papers in Applied Linguistics
- [3] Brown, A. (1992). A survey of attitudes and teaching practices related to pronunciation teaching. Professional Development Unit, Adult Migrant Education Service-WA.
- [4] Burgess, J., & Spencer, S. (2000). Phonology and pronunciation in integrated language teaching and teacher education. *System*, 28(2), 191-215.
- [5] Canagarajah, S. (2005). Editor's note. *TESOL Quarterly*, 39, 365–366.
- [6] Celce-Murcia, M., Brinton, D. M., & Goodwin, J. M. (1996). *Teaching pronunciation: A reference for teachers of English to speakers of other languages*. Cambridge University Press.
- [7] Chomsky, N. (1957). *Syntactic Structures*. The Hague: Mouton.



О СЕМАНТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКЕ НАЗВАНИЙ РОДСТВА В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Шахло Аскарвна Ходжакулова

Преподаватель, Кафедра русской и мировой литературы Термезский
государственный университет.

АННОТАЦИЯ

Современный этап развития науки о языке ставит перед исследователями задачу - заново рассмотреть эти вопросы на основе современных методов, одним из которых является метод изучения языковых материалов как своеобразной системы. Это объясняется тем, что язык и его ярусы представляются как целая система, в том числе и лексика с её пластами, совокупностью которых она является. Каждый пласт лексики представляется системой в силу того, что каждое слово и соответственно каждое понятие занимает в этой системе определенное место, очерченное отношениями к другим словам и понятиям.

Ключевые слова: Метод, термин, место, понятия, отношения, система.

ON THE SEMANTIC CHARACTERISTICS OF KINSHIP NAMES IN THE RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

ABSTRACT

The current stage in the development of the science of language sets the task for researchers to reconsider these issues on the basis of modern methods, one of which is the method of studying language materials as a kind of system. This is explained by the fact that the language and its tiers are presented as a whole system, including vocabulary with its layers, the totality of which it is. Each layer of vocabulary is represented by a system due to the fact that each word and, accordingly, each concept occupies a certain place in this system, outlined by relationships to other words and concepts.

Keywords: Method, term, place, concepts, relationships, system.

ВВЕДЕНИЕ

Лексическая система языка является не только наименее исследованной, но и достаточно сложной по своей



организации и структуре. Эта система включает в себя такое большое количество связанных самыми различными отношениями элементов, что их системность представляется труднообразимой или зачастую даже ставится под сомнение. В ней существуют нерегулярные явления, для описания которых требуется большое количество правил, тесно связанных и с внешними, экстралингвистическими факторами. Вся эта сложность характерна и для микросистемы терминов родства и она ещё больше усиливается при проведении сопоставительного изучения на материале языков разного грамматического строя.

Как известно, термины родства в любом языке семантически различны. Они делятся на: а) термины кровного родства; б) термины некровного родства.

В предлагаемом исследовании подвергаются изучению значения первой группы - термины кровного родства и их выражение.

ЛИТЕРАТУРНЫЙ АНАЛИЗ И МЕТОДОЛОГИЯ

Значения терминов кровного родства, в свою очередь, представляют две разновидности: 1) значения вертикальной линии родства {"отец", "мать", "дед", "бабушка", "дети, дитя", "сын", "дочь", "внук", "внучка", "правнук", "правнучка" и т.д.); 2) значения горизонтальной линии родства {"братья", "сестры", "дядя", "тётя", "двоюродные братья", "двоюродные сестры"). Сопоставительное изучение словарных материалов узбекского и английского языков и их отношения имеет большое теоретическое и практическое значение для дальнейшего развития сравнительно-типологического исследования разноструктурных языков, а также способствует выявлению новых языковых фактов в рассматриваемых языках.

В настоящее время при сопоставительном изучении языков разного грамматического строя, а также языков одного грамматического строя все шире применяется системный метод, который можно считать одним из современных методов лингвистических исследований. Вместе с тем, необходимо отметить, что при изучении некоторых ярусов языка данный метод не всегда бывает одинаково результативным. В частности системный метод не всегда удобен при изучении словарных материалов языка, так как лексический материал труднее поддается системному изучению, чем материал других ярусов языка.

В современной лингвистике большое внимание уделяется осмыслению и изучению языка как системы. Одним из основных принципов в языкознании становится системный



подход к изучению языка и его уровней. Многообразие подходов к восприятию системности языка, прежде всего, свидетельствует о сложности, многомерности, многоаспектности, противоречивости и вариативности самой системы языка, его уровней и единиц.

Особенности системно-семантической организации терминологической лексики определяют специфику сопоставительно-типологического исследования терминологии как системы отражения понятийной структуры определённой отрасли науки, которой изначально свойственна системная ориентированность и строгая структурная и компонентная организация. Специфика выражения определённой системы научных понятий обуславливает особенности функционирования терминологии в лексике как особой семасиологической системе. Термин отражает понятия сфер науки.

Исследование и анализ фактического материала показал, что в лексике английского и узбекского языков действуют следующие тенденции и закономерности: массовое словообразование в области нейтральной и особенно терминологической лексики; процесс заимствования терминов; калькирование; регенерация архаизмов; уточнение терминологии; наличие синонимов; рост антонимических рядов; активизация суффиксального и аффиксального словообразования; увеличение аналитических способов в терминообразовании; самообогащение языка путём переосмысления, синонимии и антонимии.

Всё это свидетельствует об интенсивной эволюции узбекской и английской терминологической системы. В английском языке, например, одно понятие может употребляться как существительное и как глагол. Это грамматическое явление в лингвистике называется конверсией, т.е. способом словообразования посредством изменения парадигмы слова, который почти не наблюдается в узбекском языке.

Системное исследование материалов языка во многом связано с методом компонентного анализа, который основан на гипотезе о том, что значение каждой единицы состоит из семантических компонентов, сем или признаков. Например, слово дядя представляет собой шесть семантических компонентов:

- 1) «признак лица мужского пола»;
- 2) «родителя»;
- 3) «родственник по горизонтальной линии»;
- 4) «кровный (некровный) родственник»;
- 5) «родственник первого поколения»;
- 6) «старше и младше говорящего»

Применение метода компонентного анализа к исследованиям лексико-семантических групп словарных единиц (лексико-семантическое поле) является наиболее экономным и поэтому наиболее оправданным. В самом деле, уже само семантическое поле (лексико-семантическая группа) выделяются на основе какого-либо семантического компонента. Так, например, все термины родства объединяются в одно лексико-семантическое поле на основе семы «родства», которая является интегральной, ведущей в семантических структурах.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Системный метод лингвистических исследований иногда сопутствует синхронно-сопоставительному методу, что удобно и плодотворно и при изучении системы терминов родства языков разного и одинакового грамматического строя.

Shahar yo'lovchi transportlarining imtiyozli harakatlanishini rivojlantirish va aholiga ko'rsatilayotgan transport xizmati sifatini oshirish borasida bir qator hal qilinishi kerak bo'lgan masalalar turibdi. Bular:

- bugungi kunda shahar yo'lovchi transport vositalarining shaxsiy transport vositalariga nisbatan raqobatbardoshligi bir oz pasaygan. Buning sababi shundaki, shaxsiy transport vositalarining jamoat transport vositalariga qaraganda tezliklarining yuqoriligi, yo'lovchilar

uchun qulayligi, qatnov muntazamligi, tashish tan narxining yo'lovchilarga ma'qulligi kabi sifatlarining ustunligi tufayli tanlaydilar. Bulardan tashqari kunning tig'iz paytlarida, jamoat transport vositalarining ushlanib qolishlari, ayniqsa, avtobuslarning ushlanib qolishlari vaqtining ortishi, buning natijasida harakat tezligining pasayishi, qatnovlar muntazamligining buzilishlari natijasida yo'lovchilarning kutib qolishlari oqibatida vaqt yo'qotishlari yuqoridagi sabablarga olib kelmoqda. Bularning barchasi jamoat transport vositalarining iqtisodiy ko'rsatkichlariga o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatadi:

- yo'llarda tegishli yo'l belgilari va yo'l belgi chiziqlari bo'lishiga qaramay, transport vositalari serqatnov bo'lgan shahar markaziy ko'chalaridagi qatnov qismining birinchi bo'lagi, asosan jamoat transportlari harakatlanadigan bo'lak hisoblanadi, shuningdek, avtobuslarning kirish va chiqish joylari transport vositalarining vaqtinchalik turar joylariga aylanib qolgan.

- Jizzax shahridagi ayrim ko'chalardan o'tadigan yo'nalishlar yo'llarining asosiy transport-ekspluatatsion ko'rsatkichlari transport harakatini tavsiflovchi (harakat miqdori, harakat tarkibi, harakat oqimining tezligi, harakat oqimining zichligi, harakatning ushlanishi), xavfsizlikni belgilovchi va yo'l holatini aniqlovchi (yo'lning o'tkazish qobiliyati, qoplama ravonligi, mustahkamligi va tishlashishi) ko'rsatkichlari talab darajasida ta'mirlanmagan yoki umuman ta'mirga muhtojdir. Bu ham o'z navbatida jamoat transporti vositalarining harakatlanishi uchun salbiy ta'sir ko'rsatadi;

- yo'nalishlar qatnaydigan ayrim ko'chalarda sun'iy yoritilganlik to'liq ta'minlanmagan. Bu esa kunning qorong'i paytida haydovchilarga bir qator noqulayliklarning yuzaga kelishiga hamda yo'l-transport hodisalarining kelib chiqishiga sabab bo'ladi.

Yuqorida keltirilgan, shahar yo'lovchi transporti harakatlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan muammolarni hal qilish maqsadida Jizzax shahrining markaziy ko'chalarida transport vositalarining imtiyozli harakatlanishini tadqiq qilish lozim.

Transport vositalarining xavfsiz harakatlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan muammolarni hal qilish, transport vositalarining xavfsiz harakatlanishini ta'minlash va yo'l-transport hodisalarining oldini olish borasida Jizzax shahar Ichki ishlar boshqarmasi yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi (IIB YHXB), Jizzax viloyat transport boshqarmasi hamda barcha manfaatdor bo'lgan tashkilotlar bilan birgalikda chora-tadbirlar ishlab chiqqan holda hal etilsa maqsadga muvofiq bo'ladi va o'z yechimini topadi [5, 12].

Ushbu tadqiqotni o'tkazish uchun Jizzax shahrining umumfoydalanadigan jamoat transportlari, ya'ni avtobuslar, mikroavtobuslar, va taksilar harakatlanadigan quyidagi markaziy ko'p bo'lakli yirik ko'chalar tanlab olindi. Bu ko'chalar: A.Navoiy, Sh.Rashidov, Mustaqillik, I.Karimov va O.Azimov ko'chalaridir. Birinchi navbatda ko'chalarning geometrik o'lchamlarini o'rganish maqsad qilib olindi. Bu ko'chalarda umumfoydalanishdagi jamoat transportlari ko'p miqdorda harakatlanadi.

Shahrimizdagi A.Navoiy ko'chasi eng serqatnov ko'chalardan biri hisoblanib, yo'lining umumiy kengligi 22 metrni tashkil qiladi. Avtomobillar va jamoat transportlari harakatlanadigan qatnov qismi 3 bo'lakli hisoblanib, Yo'nalish bo'yicha bo'lakning kengligi 3,5 metrni tashkil qiladi. bekatlari chorrahaga nisbatan yaqin qurilgan hamda xavfsizlik jihatidan yerdan bir oz ko'tarilgan. Umumiy qatnov qismini bo'laklar ajratib turadi.

Jizzax shahrining avtomobillar va jamoat transportlari harakatlanadigan ko'chalaridan yana biri Sh.Rashidov ko'chasi hisoblanadi. Ko'chaning umumiy kengligi 22 metr bo'lib, 3 bo'lakli qilib belgilangan. Har bir bo'lakning kengligi 3,5 metrdan qilib olingan. Yo'nalishlar bo'yicha qatnov qismlari 10,5 metrdan belgilangan.

MUHOKAMA

Shahrimizning markaziy ko'chalaridan yana biri Mustaqillik ko'chasi hisoblanadi. Ushbu ko'chada avtomobillar harakati ancha tig'iz hisoblanadi. Ko'chaning umumiy kengligi 22 metrni tashkil etadi. Yo'nalish bo'yicha qatnov qismining kengligi 11 metr hamda 3 bo'lakli qilib ajratilgan. Bo'lakning kengligi 3,5 metr qilib belgilangan.

Aholi zichligi kam bo'lgan joyda yo'lovchi tashish qiyin bo'lmaydi deb hisoblanadi. Malayziya poytaxti Kuala-Lumpur shahrida (900 000 ta aholisiga) 400 ta mikroavtobuslar ishga tushgan bo'lib, ular 250-300 oddiy avtobus o'rnini bosmoqda. Mikroavtobuslarda yo'lovchilar 8,2 km ga tashiladi. Mikroavtobuslar taksiga nisbatan arzonroq sharoitda xizmat ko'rsatadi. Bir qator mamlakatlarda (AQSh, Germaniya va h.k.z) transport siyosat darajasiga yetdi. Masalan, AQShda transport yo'laklari tuzilib, katta shaharlarga yo'l ochilgan va bu yo'llar federal hukumati tomonidan qo'llab quvvatlanadi. Yo'laklar chetida katta avtomobil to'xtash joylari, avtobuslar haqidagi axborot markazlari qurilgan [2].

Yo'lovchilarni yig'ib, tashib olib borish tizimi avtomobillashtirish ko'rsatkichi oshib borayotgan bizning mamlakatda ham foydali bo'lishi mumkin:



- yo'nalishli mikroavtobus, taksi, xizmatchi transport vositasi, maktab avtobuslari kabilarda yo'lovchi tashish uchun qo'shimcha sharoitlar;
- transport xizmatini mukammallashtirish, ayniqsa, shahar ichida, shahar atrofida, qishloq joylarda, aeroportlarda va boshqa ob'ektlarda yo'lovchi tashishga qaratilgan;
- jamoat transportlarining rivojlanishi uchun mavjud texnik-iqtisodiy baholash, yo'lovchilarni tashishga bog'liq mukammal harakatlar zarurdir.

Shaharda qatnovchi avtobuslar tuzilishi iloji boricha yo'lovchilarning o'tirib va turib ketishiga hamda tushishiga, tez-tez to'xtab, katta tezlanish bilan harakatlanishiga moslangan bo'lishi lozim. Shahar ichi yo'nalishlarida qatnovchi yo'lovchilar o'rtacha qatnov masofasi nisbatan kichik va sutka davomida yo'lovchilar oqimining o'zgaruvchan bo'lishi shahar ichi avtobuslarining kuzov saloni rejasi kam o'rindiqli, o'tish joylari, avtobusning old va orqa tomonida turib ketishga mo'ljallangan sath (maydoncha) keng bo'lishi taqozo etadi. Salonni aytilgandek, rejalashtirish bilan yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish sifatini deyarli kamaytirmagan holda avtobus sig'imini oshiradi. Chiqish va tushish uchun eshiklari keng bo'lishi, yo'lovchilarning chiqish va tushish uchun zarur bo'lgan to'xtab turish vaqtini kamaytirish hisobiga avtobuslar ish unumini oshiradi.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda Jizzax shahrining magistral ko'chalarida shahar yo'lovchi transportlarining harakatlanish sharoiti va holatini belgilab o'lgan tahlilga asoslandi, bunda adabiyot manbalarga va chet el izlanishlari bo'yicha internet ma'lumotlaridan foydalanildi. Jamoat transportlari harakatlanadigan shahar magistral ko'chalarida harakat miqdori ertalabki «tig'iz vaqtlarda» 8^{00} - 10^{00} soatlarida 2500-3000 avt/soat va kechki 17^{00} - 18^{00} soatlarida 2520-3050 avt/soat miqdorda o'zgarishi, harakat tarkibi esa 94-97 % engil avtomobillar, 0,4-1,0 % yuk avtomobillar, 1,2 - 4% . avtobus, mikroavtobuslar, hamda 0,2-0,6 % va lar tashkil etishi aniqlandi.

REFERENCES

1. Q.X.Azizov. Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari. – T.: “Fan va texnologiya”, 2009. - 244 bet.
2. Abduraxmanov R.A., Azizov S.Z. Shahar yo'lovchi transportlarining imtiyozli harakatlanishini tadqiq qilish (Jizzax shahri misolida) // TAYI “O'zbekiston avtomobil-yo'l kompleksining dolzarb vazifalari”



Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami II-qism. Jizzax-2008, 165-166 bet.

3. Бабков В.Ф. Дорожные условия и безопасность движения. М.: Транспорт. 1982. - 286 с.

4. Нуруллаев, У., Умиров, И., & Исоков, Г. (2021). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 678-684.

5. Umirov, I., Turushev, S., & Ravshanov, F. (2021). Йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

6. Karimovich, A. A., & Abdugarimovich, U. B. (2021). Method of ensuring traffic safety on slippery roads.

7. Адиллов, О. К., Умиров, И. И., & Абдурахманов, М. М. (2021). Анализ существующих работ, посвященных проблемам экологии автомобильного транспорта. *Вестник науки*, 2(2), 74-82.

8. Нуруллаев, У., Отакулов, З., & Эгамназаров, Н. (2021). Қиш мавсумида автомобиль йўлларининг ўтказиш даражасига қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

9. Agzamov, J., Namraqulov, Y., & Baratov, I. (2021). Jizzax shaxrining magistral kochalarida harakat xavsizligini tahlil qilish. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 363-368.

10. Murtazakulovich, N. Y., & Qo'Chqorovna, Y. M. (2021). Yer usti transport tizimlarida tashishni tashkil etishda yuksiz qatnovlarni optimal rejalashtirish. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).

11. Хамракулов, Ё. М., & Абдукаримов, Ш. У. (2022). Норматив на капитальный и текущий ремонт карьерных автосамосвалов. *вестник науки Учредители: Индивидуальный предприниматель Рассказова Любовь Федоровна*, 1(1), 141-146.

12. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 10-17.

AVTOBUS VA MIKROAVTOBUS YO'NALISHLARIDA HARAKAT XAVFSIZLIGINI OSHIRISH UCHUN TAVSIYALAR ISHLAB CHIQUISH

Iltom Iskandarovich Umirov

Jizzax Politexnika instituti katta o'qituvchisi

umirov-i@mail.ru

Shoxzod Aslam o'g'li Shukurov

Jizzax Politexnika instituti 103-20 TVM guruh talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada kuzatish usuli orqali Jizzax shahrining magistral ko'chalarida avtomobillar va jamoat transporti aralash harakatlanadigan, hamda shaharning hozirgi kunda asosiy magistral ko'chalarida olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, ushbu ko'chalarda harakat miqdori yo'lining ahamiyatiga, transport vositalarining tarkibiga, holatiga va shunga o'xshash bir qancha omillarga bog'liq bo'lib, bir-biridan farq qilishini ko'rish mumkin. Harakat miqdori va tarkibining o'zgarishi xarakat tezligi va yo'l -transport xodisalarining o'zgarishiga ta'sir qilishi tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: yo'l tarmog'i, avtobus, mikroavtobus, yo'l transport hodisasi, haydovchi, piyoda, muhit, avtomobil, yo'l, to'qnashuv.

DEVELOPMENT OF RECOMMENDATIONS FOR IMPROVING TRAFFIC SAFETY ON BUS AND MINIBUS ROUTES

ABSTRACT

In this article, the results of a study conducted by the method of observation on the main main streets of the city of Jizzakh, where there is mixed traffic of cars and public transport, show that the intensity of traffic on these streets varies depending on the importance of the road, the composition and condition of vehicles and a number of other factors . The results of the analyzes show that changes in the number and composition of the traffic flow affect the speed of movement and changes in the number of traffic accidents.

Keywords: road network, bus, minibus, traffic accident, driver, pedestrian, environment, car, road, collision.

KIRISH

Shaharlardagi jamoat transport vositalarida yo'lovchilarning katta qismi tashiladi, shuning uchun harakat xavfsizligiga alohida e'tibor berish lozim. Transportni tanlash bo'yicha savollar, yo'nalish chizmalarini ishlab chiqish, jadvallarni tuzish, dispetcherlik xizmati, ya'ni jamoat transport vositalari bilan bog'liq masalalar ushbu izlanishda ko'rilmaydi. Bu ilmiy ishda faqatgina umumiy yer usti transportining harakati bilan bog'liq masalalar ko'riladi[12]. Bu masalalar transportning qulayligi va xavfsizligini ta'minlash, hamda imtiyozli harakatlanish sharoitlarini yaratish bilan bog'liq. Harakatning qulayligi asosan birinchi navbatda transport vositalarining ushlanib qolmasligi, yo'l va ko'chalardagi, bekatlardagi harakati to'xtab qolmasligi bilan bog'liq.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Olib borilgan tadqiqotlarni tahlili shuni ko'rsatadiki, yo'l tumanlashtirish ishlari Magomedov M.M., Miraxmedov M.M., Rasnikov V.P., Sidenko V.M., Sitnikov Yu.M., Treskinskiy S.A. va boshqalar tadqiqotlarida uchraydi. O'zbekiston Respublikasi tog'li hududida yo'llarni dengiz sathidan balandligi bo'yicha tumanlashtirilgan. Tumanlashtirishlarda asosiy mezon sifatida avtomobillar harakat xavfsizligi ko'rsatkichi olingan. Tadqiqotlarda harakat sharoitiga ta'sir etuvchi omillarga tizimli yondashilmagan va tizimli tahlil qilinmagan, harakat sharoiti nazariy asoslari takomillashtirilib, harakat sharoitini baholash mezonlari kiritilmagan.

NATIJALAR

Ko'chalardagi bir tomonlama harakatda va jamoat transportining harakatlanish qismi bir tomonlama bo'lganda, ikki tomonlama harakat ham bo'lishi mumkin. Buning uchun yo'laklarda maxsus chiziq chiziladi, ular umumiy yo'nalishga qarama-qarshi bo'ladi. Bu yo'ldan faqat yo'lovchi tashiydigan transport vositalari (avtobus, mikroavtobus) va maxsus avtomobillar harakatlanishi uchun ruxsat etiladi.

100 ming kishidan ortiq aholi soniga ega shaharlarda jamoat transportlarining turlari va yo'nalishlari hisob-kitoblarga asoslanib tanlanadi.

Jamoat transportining oddiy turlarini yuk tashishga qodirligi yo'lovchilar salonining bo'sh maydoni 4 odam/m^2 ga to'lish me'yorida, tezyurar turlarida 3 odam/m^2 me'yorida aniqlanadi.

Qatnov yo'lining tezligi va jamoat transportining turli turlarining yuk tashishga qodirligini quyidagi 1-jadvalga binoan qabul qilish kerak bo'ladi.

1-jadval

Transport turlari	Qatnov yo'lining o'rtacha tezligi, km/soat	Bir yo'nalishdagi transport turining yuk tashishga qodirligi, daqiqa, km/soat
60 tagacha yo'lovchini sig'diruvchi avtobuslar.	18-20	3-4
60 ta yo'lovchidan ziyod Avtobus-ekspreslar.	18-20	5-6
Trolleybuslar	20-25	8-10
120 tagacha yo'lovchini sig'diruvchilar.	18	4-6
120 ta yo'lovchidan ortiq.	18-20	6-8
120 tagacha yo'lovchini sig'dira oladigan tezyurarlar.	18-20	9-12
120 ta yo'lovchidan ortiq.	25-30	12-20
5 vagonli.	25-30	20-24
8 vagonli poezdlar.	40-45	25-30
Tarkibidagi metropoliten elektrlashtirilgan temir yo'l	40-45	45-50
Monorelsli yo'l	50-60	35-60
	60-70	10-30

Piyodalarning yashash joylaridan yoki ishdan to yaqin jamoat transport bekatigacha yo'l masofasi 400 metrdan oshmasligi kerak.

Jizzaxning yakka imoratli tumanlarida, yirik va katta shaharlarda bu miqdor 600 metrgacha, o'rtacha va kichik shaharlarda esa 800 metrgacha ko'paytirilishi mumkin.

Yirik shaharlar va Jizzaxning umumshahar markazida piyodalarning to jamoat transport bekatlarigacha yo'l uzunligi 250 metrdan, ommaviy dam olish va sport joylarida 800 metrdan oshmasligi kerak [49].

Shahar transportlarining yer ustidagi turlari uchun to'xtash joylar orasidagi masofa 600 metrdan oshmasligi, ekspres yo'nalishli avtobuslar uchun 800-1200 metr, metropoliten uchun 1000-2000 metr, elektrlashtirilgan temir yo'l uchun 1500-2000 metrdan oshmasligi zarur. Yo'llarini alohida xomaki yo'lga yotqizgan ma'qul. Ikki yo'lli alohida ko'tarma yo'lining kengligi butun yo'lining uzunligida chizish maydonchalarini hisobga olgan holda qabul qilinadi, u 10 metrdan kam bo'lmasligi kerak, bir yo'lligi esa 3,8 metr qabul qilinadi.

MUHOKAMA

Avtobus va to'xtash joylarini chorrahadan keyin 20 metrdan yaqin bo'lmagan masofada joylashtirish tavsiya etiladi. Bir yo'nalishdagilar uchun to'xtash joylarini chorraha bilan bir tomonga joylashtirish kerak bo'ladi. Chiqish maydonchasining uzunligi bir yo'nalishdagilar uchun 20 metr, bir qancha yo'nalishlar uchun 30 metr va ziyodroq olish kerak, chiqish maydonchasining minimal kengligi 1,5 metr olinadi.

Avtobuslarning to'xtash joylari qoida bo'yicha ko'chalarning kesishish joyida o'rnatiladi. Agar kesishish joyidan uzoqda joylashtirilsa, avtomobillarga halaqit beradi. Izlari ham maxsus bo'laklarda o'rnatiladi. Izdan yurmaydigan transport vositalari uchun ko'chalar kesishish joyidan keyin bekat o'rnatish maqsadga muvofiq bo'ladi, bunda qulaylik, harakat xavfsizligi va yo'nalishga halaqit bermaslik hukm suradi.

To'xtash bekati kesishish joyidan keyin tursa, piyodalar avtobuslarning orqasidan o'tadilar va yo'lni bemalol ko'rib, transportga halaqit bermaydilar. Agar ko'chalarning kesishish joyidan avval bekat o'rnatilsa, avtomobilni va uning harakatini bemalol kuzatish mumkin. Bunda yana transport vositalarining harakati, shart-sharoitlari qiyinlashadi. Bir tomondan o'ngga buriladigan avtomobillar va svetofoarning chirog'ini kutib turgan avtomobillar, avtobus yoki mikroavtobusga bekatda uzoq ushlanib qolishga sabab bo'lib, bu esa transport vositalarining harakatiga qiyinchilik tug'diradi. Boshqa tomondan bekatda uzoq turib qolgan avtobuslar boshqa transport vositalariga ham halaqit beradi. Bu esa umumiy harakatga jiddiy zarar yetkazadi. Bundan tashqari bekatga kelayotgan va undan ketayotgan avtobuslar boshqa qarama-qarshi yo'laklarga chiqib ketishga majbur bo'ladi, bu esa yo'l transport hodisasini yuzaga keltiradi. Shuning uchun bekatlarni kesishish yo'llaridan uzoqroq joylarda o'rnatish kerak ammo bu yo'lovchilarga noqulayliklar tug'diradi.

XULOSA

Odatda bekatlarda turgan haydovchilar svetofo chiroqlariga qarab harakat qiladilar. Agar yo'lovchi avtobusga chiqib yoki tushib bo'lganda svetoforda qizil chiroq yonsa, haydovchi bekatda yana turib qoladi, bu esa o'z navbatida kutayotgan keyingi transport vositasiga to'sqinlik qiladi. Natijada tirbandlik yuzaga keladi. Agar yo'lovchi avtobusga chiqib yoki tushib turganda svetoforda yashil chiroq yonsa, haydovchi shoshib qoladi, ko'p hollarda yo'lovchiga ham qaramay haydab ketadi.

Tavsiya qilinadigan tadbirlar:

1. Svetofor chiroqlarining yonishini o'zgartirish (ya'ni 2 tartib oralig'ida o'rnatish).
2. Jamoat transport vositalariga maxsus bo'laklar ajratish.
3. Avtobus bekatlaridagi kesishish va o'tish yo'lakchalarini tashkil etish.
4. Katta ko'chalarda o'ng tomondan transport vositalarining harakatlanishini, to'xtash va to'xtab turishini taqiqlash.
5. Hujjatlardagi me'yoriy uzunlikda jamoat transportlariga to'xtash joyi va yo'lakchalar ajratish.
6. Piyoda va yo'lovchilarning qatnov qismiga chiqishiga ruxsat etmaslik zarur.

REFERENCES

1. Q. X. Azizov. Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari. – T.: “Fan va texnologiya”, 2009. - 244 bet.
2. Abduraxmanov R.A., Azizov S.Z. Shahar yo'lovchi transportlarining imtiyozli harakatlanishini tadqiq qilish (Jizzax shahri misolida) // TAYI “O'zbekiston avtomobil-yo'l kompleksining dolzarb vazifalari” Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami II-qism. Jizzax-2008, 165-166 bet.
3. Бабков В.Ф. Дорожные условия и безопасность движения. М.: Транспорт. 1982. - 286 с.
4. Нуруллаев, У., Умиров, И., & Исоков, Г. (2021). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 678-684.
5. Umirov, I., Turushev, S., & Ravshanov, F. (2021). Йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
6. Karimovich, A. A., & Abdukarimovich, U. B. (2021). Method of ensuring traffic safety on slippery roads.
7. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Абдурахманов, М. М. (2021). Анализ существующих работ, посвященных проблемам экологии автомобильного транспорта. *Вестник науки*, 2(2), 74-82.
8. Нуруллаев, У., Отакулов, З., & Эгамназаров, Н. (2021). Қиш мавсумида автомобиль йўлларининг ўтказиш даражасига қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
9. Agzamov, J., Namraqulov, Y., & Baratov, I. (2021). Jizzax shaxrining magistral kochalarida harakat xavfsizligini tahlil qilish. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 363-368.



10. Murtazakulovich, H. Y., & Qo'Chqorovna, Y. M. (2021). Yer usti transport tizimlarida tashishni tashkil etishda yuksiz qatnovlarni optimal rejalashtirish. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).
11. Хамракулов, Ё. М., & Абдукаримов, Ш. У. (2022). Норматив на капитальный и текущий ремонт карьерных автосамосвалов. *вестник науки Учредители: Индивидуальный предприниматель Рассказова Любовь Федоровна*, 1(1), 141-146.
12. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 10-17.



AVTOMOBILLARNI XAVFSIZLIK XUSUSIYATLARINI SINASH USULLARI TAHLILI

Baxriddin Yaxshboyevich Begmatov

Jizzax politexnika instituti, katta o'qituvchi
begmatov.b.1978@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada avtomobillarning xavfsizlik xususiyatlarini sinash usullari tahlili, avtomobillarni sinashning iqtisodiy samarador bo'lgan usullari va ulardan foydalanish talablari keltirilgan. Shu o'rinda avtomobillar turli yo'l sharoitlarida harakatlanishida xavfsizlikni ta'minlashda muammolarga duch keladi. Aynan qarama-qarshi to'qnashuv miqdori 20 – 27 % ni tashkil etadi. Ushbu maqolada to'qnashish jarayonining nazariy echimlari real yo'l sharoitiga mos holda bir qancha uslublar yordamida keltirilgan.

Kalit so'zlar: avtomobil, sinash stenti, aktiv xavfsizlik, sust xavfsizlik, avariya dan keyingi xavfsizlik, ekologik xavfsizlik, inertsia kuchi, tortish kuchi, ishlab chiqarish talablari, ekspluatatsiya talablari, foydalanuvchining talablari, xavfsizlik talablari.

ANALYSIS OF VEHICLE SAFETY TEST METHODS

ABSTRACT

This article has translated the analysis of vehicle safety assessment methods, effective vehicle testing methods and requirements for their use. In static data, it is known that cars collide with the front end in various road conditions. The exact number of collisions is 20-27%. The article defines the theoretical solutions of the collision process using a number of methods corresponding to real road conditions.

Keywords: vehicle, test stent, active safety, passive safety, post-crash safety, environmental safety, inertia, gravity, production requirements, operational requirements, user requirements, safety requirements

KIRISH

Xalq xo'jaligida transport vositalari (aviyasiya, temir yo'l, suv transporti va h.k.) bajaradigan ishlarning ko'lami juda katta. Ularning ichida avtomobil transportining o'rni alohida ahamiyat

kasb etadi. U yukning har xil turlari bilan birga yo'lovchilarni ham manzilga eltadigan vositadir. Bugungi kun talablarini qondirish uchun avtomobil transporti va sanoatiga quyidagi vazifalar yuklanishi zarur:

-xalq xo'jaligi talabini to'laroq qondiradigan avtomobillar turini ko'paytirish va yaxshilash;

-solishtirma yonilg'i sarfini kamaytirish, yonilg'i tejamkorligini ta'minlash;

-avtomobilning ishlatilish samaradorligini yana ham yuksaltirish;

-chiqarilayotgan avtomobillarning sifatini ko'tarish.

Yuklarning turi, hajmi, ko'lamiga mos avtomobillarning ishlab chiqarilishi maqsadga muvofiq. Bundan tashqari, ular ish jarayoni va sharoitiga ham mos bo'lishi kerak.

Yonilg'ining solishtirma sarfini kamaytirish uning 100 km. masofani bosib o'tishiga yoki transport ishini bajarishiga sarflangan yonilg'i miqdorini kamaytiradi, ya'ni yonilg'i tejamkorligini yaxshilaydi.

Avtomobilning sifati - unga qo'yilgan talablarning bajarilishini ta'minlovchi xususiyatlarning majmuasidir. Xususiyat kategoriyasi har qanday predmetga mansub bo'lib, uning qandaydir tomonini tariflab, boshqa predmetga o'xshashligi yoki o'xshamasligini ajratib ko'rsatadi.

Avtomobil har xil ekspluatatsiya sharoitida ishlashi mumkin va unga moslashgan bo'lishi zarur. Shuning uchun avtomobilni loyihalash davrida unga albatta ekspluatatsiya uchun zarur xusu-siyatlarning asoslari kiritilishi kerak, ular:

1. Ishlab chiqarish talablari.
2. Ekspluatatsiya talablari.
3. Foydalanuvchining talablari.
4. Xavfsizlik talablari.

Ishlab chiqarish talablariga avtomobil konstruksiyasining zavod-dagi mavjud texnologiyaga yoki bo'lajak yangi texnologiyalarga mosligi, material va mehnat sarfi, tannarx kabilar kiradi.

Ekspluatatsiya talablariga avtomobilni ishlatish davrida namoyon bo'ladigan xususiyatlarning (dinamikasi, yonilg'i tejamkorligi, bosh-qariluvchanligi va h.k.) me'yorda bo'lishi, transport ishi tannarxining kamligi va hokozolar kiradi.

Foydalanuvchining talablariga avtomobil tannarxining arzonligi, uni ekspluatatsiya qilishda kam chiqimlilik, buzilmasligi, ta'mirlanishga mosligi, xavfsizligi, har jihatdan qulayligi kiradi.

Xavfsizlik talablarini o'z navbatida faol, sust (faol emas), avariya dan keyingi, ekologiya turlarga ajratish mumkin.

Faol xavfsizlik — yo'l-transport hodisasi sodir bo'lishi ehtimolini kamaytirishdir. Bu xususiyat ko'p jihatdan avtomobil konstruksiyasiga bog'liq bo'lib, uning xavfli harakati davrida namoyon bo'ladi. Bu xavfsizlik avtomobilning ichidan tashqarining ko'rinishi, yoritilganlik, haydovchining ergonomik sharoiti, uni voqif etuvchi qurilmalar va tortish-tormozlanish dinamikasi, turg'unligi, boshqariluvchanligi kabi ekspluatasion xususiyatlarga bog'liqdir.

Avtomobilning sust (faol emas) xavfsizligi esa yo'l-transport hodisasi oqibatlarini engillashtirishga yo'naltiradi. U kuzov ichidagi haydovchi, yo'lovchi, yuklarning saqlanib qolishini ta'minlovchi tadbir-choralardir.

Yo'l-transport hodisasidan keyingi xavfsizlik esa o't o'chirish vositalari, dori-darmon, jarohatlanganlarni davolash maskanlariga etkazish kabilarni qamrab oladi.

Ekologik xavfsizlik avtomobilning atrof-muhitga keltiradigan zararini kamaytirishdan iborat. Bunga atrof-muhitga zararli gazlar va changning tarqalishi, shovqinning balandligi, avtomobildagi zirillash holatlari kiradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

M.A.Vaynshtok yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish sifati ko'rsatkichlarini uch guruhga ajratishni taklif etadi: rejalashtiruvchi, tashkil etuvchi va texnik-iqtisodiy [1].

U rejalashtiruvchi guruhga transport tarmog'ining zichligi, bekatlarni joylashuvi, bir transportdan boshqasiga o'tishda bekatlarni bir-biriga nisbatan joylashuvini ko'rsatadi. Tashkiliy unsurlar guruhiga quyidagi ko'rsatkichlar kiritiladi: yo'nalish pasporti tizimi, harakat chastotasi, transport ishini muvofiqlashtirish, yo'l haqi to'lov tizimi, harakat muntazamligi. Texnik-iqtisodiy omillar guruhiga quyidagi ko'rsatkichlarni kiritishni taklif etadi: harakat tezligi, salon konstruksiyasi, yo'l haqi va h.k.

M.A.Vaynshtok bulardan tashqari tashish sifatini mehnat sifatiga bog'liqlik masalalarini o'rgangan.

I.V.Spirin yo'lovchilarga yuqori sifatli xizmat ko'rsatishni ta'minlash yo'lovchi tashuvchi transportda eng asosiy masala ekanligini ta'kidlash bilan bir paytda unga quyidagicha tarif beradi: "Yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish sifati" deganda tashish jarayonlarining majmuasi, belgilangan me'yoriy talablarga muvofiq yo'lovchilarni tashishga bo'lgan talabini qondirishdan vujudga keladigan yo'lovchilarni tashish tizimi tushuniladi [3]. Tashish jarayonlarining xususiyatlarini oddiy va murakkab turlarga ajratadi. I.V.Spirinning fikricha transportni ommabopligi uni tavsiflovchi murakkab sifat ko'rsatkichlaridan biri hisoblanishi kerak. Soddashtirilgan

ko'rsatkichlarga shahar hududini transport bilan to'yinganligi, axborotchanligi kabi xususiyatlar ham kiritiladi.

N.B.Ostrovskiy tahriri ostida tayyorlangan adabiyotda yo'lovchilarni tashishdagi asosiy sifat ko'rsatkichlari sifatida quyidagilar taklif etiladi: safar sharoitni belgilovchi ko'rsatkichlar, ya'ni avtobusni to'lganlik darajasi, harakat muntazamligi, yo'lovchilarni manzilga etib borish vaqti va harakat xavfsizligi [2]. Shuningdek, ushbu adabiyotda NIIAT (avtomobil transporti ilmiy tadqiqot instiuti) tadqiqotchilari tomonidan tashish sifatini baholash mezonlari va ularning qiymatlari ham keltirilgan. Masalan, bitta turib ketayotgan yo'lovchiga 0,2 kv.m maydonni rejalashtirish, avtobusni to'lganlik darajasini avtobus turiga qarab 0,73-0,78 dan oshmasligi, harakat muntazamligini 98% dan kam bo'lmasligi, transport tarmog'ining zichligini shahar aholisining soniga qarab 1,4 dan 2,3 km/km², yo'lovchilar oqimining miqdoriga qarab 1 km masofada bo'lishi kerak bo'lgan avtobuslar miqdori va h.k.lar keltirilgan.

NATIJALAR

Stend — ekspluatasiya sharoitida agregatga tashqaridan ta'sir etuvchi kuchlarni bera oladigan jihoz bo'lib, sinalayotgan agregatning xususiyatlarini, tavsiflarini olishga mo'ljallangan.

Stend sinovining afzalliklari quyidagilar:

- yo'ldagi sinovlarga qaraganda tezroq o'tadi;
- sinov rejimlarini bir necha bor qaytarish imkoniyatiga ega;
- ishonchli, o'tkazish sharoiti ekspluatasiya sharoitiga yaqin bo'ladi;
- modul turidagi stendlarni rivojlantirib, har tomonlama ishlatish mumkin.

Stend sinovlariga quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- mexanik, elektrik, ob-havo, ximiyaviy, kompleks ta'sirlar.

Stend sinovlari ob'ektni ishdan chiqaruvchi, ishdan chiqar-masdan amalga oshiriluvchi sinovlar bo'lishi mumkin.

Maqsadi bo'yicha: vaqti-vaqti bilan sinash. Bu sinov zavodda mahsulot sifatini tekshirish uchun qilinadi, namunali sinov ob'ektga kiritilgan o'zgartirishning samaradorligini aniqlash uchun o'tkaziladi.

Vazifasi bo'yicha stendlarning quyidagi gruppalari bor: tajriba -tadqiqot uchun, texnologik sinashlar uchun, diagnostik stendlar.

Tajriba-tadqiqot stendlari zavod laboratoriyalarida; texnik sinov stendlari yig'uv sexlarida, tekshirish joylarida; diagnostik

stendlar korxonalarining texnik qarov o'tkazish liniyalarida ishlatiladi.

Aniqlanuvchi tavsiflarining turiga qarab stendlar funksional va puxtalik tavsiflarini aniqlovchi turlarga bo'linadi.

Bajaradigan ish ko'lamiga qarab, yuqoridagi stendlarning o'zi universal va maxsus usullariga bo'linadi. Universal stendlar siqilish, cho'zilish, siklik yuklanish rejimlarida ishlatilishi mumkin. Maxsus stendlar avtomobilni, uning agregati va qismlarini muayyan funksiyasi bo'yicha sinashga mo'ljallangan bo'ladi. Masalan, bu stendlarda quvvat, yonilg'i tejamkorligi, harorat tavsiflari, zirillashdagi yuklanishlar va h.k. aniqlanadi.

Yuklanishni tashkil etish turi bo'yicha stendlar bevosita va tutashgan kontur orqali yuklanuvchi bo'lishi mumkin.

Bevosita yuklanuvchi stendlar muvozanatlovchi dvigatel, dina-mometrli moslama, elektrik (gidravlik) tormoz va ulash muftalaridan iborat. Unda agregatlar mustahkamlikni, foydali ish koeffisientini aniqlash uchun sinaladi. Bu holatda elektr energiyasi ko'p sarf bo'ladi. Tutashgan kontur orqali yuklanadigan stendlarning ishlash davrida sinalayotgan agregatda elastik deformatsiya hosil qilinib FIK, moyning turi, uzoq muddat ishlay olish qobiliyati va h.k. lar aniqlanadi. Vallarda elastik burovchi moment maxsus yuklagich yordamida, yurituvchi dvigatel momenti esa richagli yuklagich bilan hosil qilinadi.

Sinov rejimi deb, turli tashqi omillar majmuasining sinaluvchi ob'ekt ekspluatatsiyasi davrida sodir bo'ladigan sharoitga mos jarayonga aytiladi. Sinov rejimi ta'sirning pog'onasi, chastotasi, muddatini belgilaydi.

Stend sinovlarini o'tkazish usuli qidirilayotgan omillarni aniqlash yo'llari bilan belgilanadi. Usul va rejim bir-biriga chambarchas bog'liq bo'lib, olingan natijalar ularga taalluqlidir.

Sinov rejimini tanlashda quyidagi talablarga rioya qilinadi:

1. Ekspluatatsiya sharoiti to'la - to'kis aks ettiriladi;
2. Ekspluatatsiya sharoitining xususiy jihatlari qayta-qayta hosil qilinadi;
3. Ishga ta'sir etmaydigan omillar chiqarib tashlanadi;
4. O'zaro-muqobil rejim qabul etilib, oldingi o'tkazilgan sinovlarning bir nechta variant rejimlari qaytariladi;
5. Ekspluatatsiya rejimi to'la-to'kis hosil qilinmasada bu ob'ektni emirish bo'yicha ekvivalent yoki noekvivalent bo'lishi mumkin.

Stendda sinov o'tkazilganda quyidagi masalalar hal etilishi mumkin: statik, dinamik tavsiflarni aniqlash; mexanizmning FIK

ni aniqlash; taqqoslash; mexanizm imkoniyatlarini baholash; qism materialining fizik-ximik xususiyatlarini aniqlash va h.k.

Hozirgi paytda mavjud bo'lgan va avtomobillarni zarba hosil qilib sinovchi qurilmalar to'rtta asosiy guruhga bo'linadi.

1. Avtomobil qismlarini mustaxkamlikka sinashga mo'ljallangan zarba stendlari;

2. Avtomobillarni to'qnashish paytidagi kontakt kuchi va tezlanish qonunlarini o'rganishga mo'ljallangan zarba stendlari;

3. Real sharoitlarda natural ob'ektlarga ta'sir qiluvchi kuch va tezlanishlarni aniqlashga mo'ljallangan zarba stendlari;

4. Zarba uyg'otish usuli bilansistemaning chastota xarakteristikalarini (tebranish xususiyatlarini) o'rganishga mo'ljallangan zarba stendlari.

MUHOKAMA

Zarba stendlariga qo'yiladigan asosiy talablarda biri avtomobil modeli yoki uning maketining tezlik olish jarayonida yuklanish darajasi minimal bo'lib, ishchi miqdor o'n foizdan oshib ketmasligi kerak. Buning uchun avtomobil tezlik olishini ob'ektning yuqoridan erkin tushishi bilan xosil qilish maqsadga muvofiqdir. Bunda yuklanish talab etilgan miqdordan oshib ketmaydi, ya'ni bir birlikka teng deb qabul qilinadi.

Zarba hodisasini tajribada ikki usul bilan aniqlash mumkin:

1. Avtomobilning o'zini sinash;
2. Avtomobilning ayrim qismlarini sinash.

Odatda avtomobillarni zarbaga sinashda suniy ravishda avariya xolati barpo etiladi.

Ushbu tajribalarning asosiy kamchiliklari quyidagilar; transport vositasini tajriba o'tkazishda bir ikki martadan ortiq foydalanib bo'lmaydi, ya'ni tajribalar soni cheklangan bo'ladi, sinash sharoitini nazorat qilish qiyin bo'ladi, tajriba o'tkazish uchun katta material va moddiy mablag' talab etiladi. Yo'l-transport hodisalari bilan bog'liq bo'lgan jarayonlarni sinash maxsus poligonlarda o'tkaziladi. Buning uchun sinalayotgan avtomobil qo'zg'almas to'siqqa yoki boshqa bir avtomobil bilan turli vaziyatlarda to'qnashish hosil qilib zarba parametrlari yoki avtomobilning keyingi holatlari aniqlanadi.

Masalan: avtomobillarni zarba sinovchi stend 1960 yil "Mercedes -Bents" firmasi tomonidan ishlab chiqilgan. Ushbu stend ikkita lebyotka yordamida trosning harakati orqali relsda

harakatlanuvchi platforma –telejkadan iborat. Platforma ustiga avtomobilning oldingi o'rindig'i rul boshqarmasi bilan birgalikda yoki avtomobilning barcha old qismi boshqaruv organlari bilan birgalikda qo'zg'almas qilib o'rnatiladi. Bunda rels bo'ylab harakat qilayotgan telejka zarur bo'lgan boshlang'ich tezlikka erishtiriladi va shundan keyin qo'zg'almas barer yoki devorga uriladi.

Barer devorining yuzasi plastik materialdan tayyorlanadi yoki amortizatorlar bilan jixozlangan bo'ladi. Ushbu sinovlarda telejkani harakatga keltirish uchun prujina kuchida, siqilgan xavo bosimidan yoki potlovchi moddaning yonishidagi reaktiv kuchdan foydalangan.

1965 yilda avtomobilsozlik bo'yicha ilmiy tadqiqotlar asosatsiyasi avtomobillarni zarba va to'qnashishlarga sinovchi maxsus laboratoriya tashkil qildi. Sinalayotgan avtomobil uzunligi 52 metr bo'lgan maxsus yo'l ustida induksion elektrodvigatel yordamida harakatlantiriladi. Bunda avtomobilning boshlang'ich tezlanishi 15g miqdorigacha cheklangan bo'ladi. Avtomobillarning massasi va turiga qarab sinovlarni o'zgartirib turish uchun elektrodvigatelda 10 pozitsiyali kuchlanishni boshqarish pulti mavjud.

Avtomobil to'siqqa 3 metr masofaga etganda yo'lak ostida joylashgan elektrodvigatel avtomatik ravishda avtomobildan ajratiladi va tormozlanadi. Bu paytda avtomobil o'z harakatini davom ettirib inertsiya kuchi bilan hosil qilgan tezligini yo'qotmagan holda to'siqqa uriladi. Sinovlar bir necha sekundlar ichida sodir bo'ladi. Sinovni avtomatik boshqarish aniq xronometraj o'tkazish va barcha sinov sharoitlarini yaratishga imkon beradi. Bir paytning o'zida yuqori tezlikdagi kinoapparat yotdamida sinov jarayonini yozib olish mumkin.

Amerika Qo'shma Shtatlarida yaratilgan zarba aravachasining konstruktsiyasi avtomobilning to'siq bilan urilishidagi oxirgi natijalarni aniqlab olish uchun xizmat qiladi.

Ushbu sinov stendining boshqa sinov stendlaridan farqi shuki, tinch turgan avtomobil to'qnashish paytida tezlanish olib harakatlanadi va teskari yo'nalishda ham zarur jarayonni xosil qiladi. Bunda avtomobil yoki unga o'rnatilgan moniken inertsiya kuchi haqiqiy to'qnashishdagidan farq qilmaydi. Massasi 1000 kg bo'lgan sinov telejkasi 10 metr uzunlikka ega rels bo'ylab harakatlanadi. Pnevmatik kuch tsilindri yordamida 2,5 metr yo'l uzunligi bosib o'tilgach telejka harakati tezlashtiriladi. Kerakli tezlikni olish uchun pnevmatsilindrga uzatilayotgan siqilgan azotning bosimi o'zgartiriladi. Telejka 6 metr masofani bosib o'tgach tormozlovchi balkaga uriladi va gidravlik tormoz qurilmasi tormoz kuchini o'zgartirish uchun xizmat qiladi.

No	Ta'sir xarakteristikasi	Avtomobilni harakatlantirish manbai	Sinov variantlari
1	Tortish kuchi	Shatakka oluvchi avtomobil	Boshqarilmaydigan avtomobil yoki relsga o'rnatilgan avtomobil
2	Og'irlik kuchi	Ko'tarilgan avtomobilning potentsial energiyasidan foydalanish	Kran bilan ko'tarilgan avtomobilni tashlab yuborish. Qiya yo'l bo'ylab avtomobilni harakatlantirish
3	To'satdan qo'yilgan kuch	Itaruvchi prujina	Keskin tormozlanish, keskin tezlik olish
4	Itaruvchi qurilma	Reaktiv dvigatel	Dinamik chanalardan foydalanish, yo'naltiruvchi relsdan foydalanish
5	Inertsia kuchi	Akkumulyator energiyasi	Pnevmatik katapulta yordamida, prujinali katapulta yordamida
6	O'z-o'zidan harakatlanish	Ichki yonuv dvigateli yordamida	Yo'naltiruvchi rels bo'ylab tezlanish xosil qilish, radioboshqaruv yordamida tezlanish xosil qilish.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni takidlash joizki avtomobillarni zarbaga sinashdan asosiy maqsad avtomobil xavfsizligini ta'minlashdan iboratdir. To'qnashish paytida yo'lovchilarning xavfsizligini ta'minlash va avtomobillarning zarbadan keyingi olgan jarohatlarini tiklash imkoniyatini aniqlash.

Bundan tashqari kuzov elementlarining holati (lanjeron, traversa, mahkamlovchi qismlar va boshqalar). Kuzov va kabina materiallariga bog'liq holda kuzov va kabina qismlarining bir –biriga ulanishi, yig'ish usuli (payvandlash yoki yig'ib teriladigan panellar), eshik va uning qulfining ishonchligi, yo'lovchilarning otilib ketishi, dvigatelning salonga surilishi, o'rindiqning mustaxkamligi xavfsizlik tasmalarining qotirilishi, rul chambaragi tomonidan haydovchi va yo'lovchilarga etkazilgan jarohat darajasi, oynalarning turi va ularning yoritilishi. Buning uchun avtomobilning turli nuqtalari uchun to'qnashish tezligiga bog'liq holda sekinlashish paytidagi deformatsiyalarning o'zgarish diagrammasi quriladi.

REFERENCES

1. Бахриддин Яхшибоевич Бегматов, & Боходир Абдуғаниевич Ҳаққулов (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3), 61-66.
2. Бахриддин Яхшибоевич Бегматов, & Давлат Раҳмат Ўғли Холиқов (2021). Автотранспорт корхоналари мисолида автомобиллар техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлигига таъсирини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, 2 (1), 251-257. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00032
3. Yakhshiboyevich, B. B. (2021). Method for calculating the external speed characteristics of the engine when learning the subject car design. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 97-105.
4. Бегматов, Б. Я., & Ҳамроқулова, Ш. П. Қ. (2021). Ички ёнув двигател деталларини курум босишини текшириш. *Academic research in educational sciences*, 2(1), 271-276.
5. Бегматов, Б., & Эшонқулов, М. (2021). Иссиқ иқлим шароитида автомобил двигателларининг ишлаш хусусиятларини аниқлаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
6. Бегматов, Б. (2021). Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий мослашиш жараёнини амалиётнинг аҳамияти. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 932-938.
7. Адилов, О. К., Кулмурадов, Д. И., & Бегматов, Б. Я. (2014). Переходные характеристики машины при скачкообразном повороте рулевого колеса. *Молодой ученый*, (20), 101-104.
8. Бегматов, Б., Ҳаққулов, Б., & Ҳаққулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, (3), 67-73.
9. Хамрақулов, Ё. М., & Абдукаримов, Ш. У. (2022). Норматив на капитальный и текущий ремонт карьерных автосамосвалов. вестник науки Учредители: Индивидуальный предприниматель Рассказова Любовь Федоровна, 1(1), 141-146.
10. Murtzaqulovich, N. Y., & Qo'chqorovna, Y. M. (2021). Gaz ballonli avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish ishlarini tizimli tashkil etish orqali xavfsizlikni oshirish. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(2).
11. Eshquvvatovich, I. S., & Abdurakhimovich, P. U. (2021). The importance of the level of motorization in the development of



vehicle maintenance. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 18-26.

12. Islomov, S., & Nomozboyev, O. (2021). Avtotransport korxonalarini innovatsion jihozlashga ta'sir qilivchi ekspluatatsion omillar. Academic research in educational sciences, 2(4), 216-223.

13. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 10-17.

14. Eshquvvatovich, I. S., & Sattorovich, Q. I. (2021). Determination of the main factors affecting the technological equipment of motor transportation enterprises. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 1-9.

15. Нуруллаев, У., Умиров, И., & Исоков, Г. (2021). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 678-684.

16. Umirov, I., Turushev, S., & Ravshanov, F. (2021). Йўл бўлақларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

17. Karimovich, A. A., & Abdukarimovich, U. B. (2021). Method of ensuring traffic safety on slippery roads.

18. Адиллов, О. К., Умиров, И. И., & Абдурахманов, М. М. (2021). Анализ существующих работ, посвященных проблемам экологии автомобильного транспорта. *Вестник науки*, 2(2), 74-82.

19. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. *Academic research in educational sciences*, (3).

20. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ilardan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. *Academic research in educational sciences*, 2(1).

21. Одиллов, Н. Э. (2021). Особенности эксплуатации двс газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 238-244.

22. Nurmukhammad, O. (2021). Safety methods at gas filling stations for cars. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 27-36.

AVTOMOBILNING TO'QNASHISH PAYTIDAGI DINAMIK PARAMETRLARINI ANIQLASH

Baxriddin Yaxshiboyevich Begmatov

Jizzax politexnika instituti, katta o'qituvchi

begmatov.b.1978@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada avtomobillarning xavfsizlik xususiyatlarini sinash usullari tahlili, avtomobillarni sinashning iqtisodiy samarador bo'lgan usullari va ulardan foydalanish talablari keltirilgan. Shu o'rinda avtomobillar turli yo'l sharoitlarida harakatlanishida xavfsizlikni ta'minlashda muammolarga duch keladi. Aynan qarama-qarshi to'qnashuv miqdori 20 – 27 % ni tashkil etadi. Ushbu maqolada to'qnashish jarayonining nazariy yechimlari real yo'l sharoitiga mos holda bir qancha uslublar yordamida keltirilgan.

Kalit so'zlar: avtomobil, sinash stenti, aktiv xavfsizlik, sust xavfsizlik, avariya dan keyingi xavfsizlik, ekologik xavfsizlik, inertsia kuchi, tortish kuchi, ishlab chiqarish talablari, ekspluatatsiya talablari, foydalanuvchining talablari, xavfsizlik talablari.

DETERMINATION OF DYNAMIC PARAMETERS IN THE VEHICLE ASSEMBLY

ABSTRACT

This article has translated the analysis of vehicle safety assessment methods, effective vehicle testing methods and requirements for their use. In static data, it is known that cars collide with the front end in various road conditions. the exact number of collisions is 20-27%. The article defines the theoretical solutions of the collision process using a number of methods corresponding to real road conditions.

Keywords: vehicle, test stent, active safety, passive safety, post-crash safety, environmental safety, inertia, gravity, production requirements, operational requirements, user requirements, safety requirements

KIRISH

Xalq xo'jaligida transport vositalari (aviasiya, temir yo'l, suv transporti va h.k.) bajaradigan ishlarning ko'lami juda katta.



Ularning ichida avtomobil transportining o'рни alohida ahamiyat kasb etadi. U yukning har xil turlari bilan birga yo'lovchilarni ham manzilga eltadigan vositadir. Bugungi kun talablarini qondirish uchun avtomobil transporti va sanoatiga quyidagi vazifalar yuklanishi zarur:

- xalq xo'jaligi talabini to'laroq qondiradigan avtomobillar turini ko'paytirish va yaxshilash;

- solishtirma yonilg'i sarfini kamaytirish, yonilg'i tejamkorligini ta'minlash;

- avtomobilning ishlatilish samaradorligini yana ham yuksaltirish;

- chiqarilayotgan avtomobillarning sifatini ko'tarish.

Yuklarning turi, hajmi, ko'lamiga mos avtomobillarning ishlab chiqarilishi maqsadga muvofiq. Bundan tashqari, ular ish jarayoni va sharoitiga ham mos bo'lishi kerak.

Yonilg'ining solishtirma sarfini kamaytirish uning 100 km. masofani bosib o'tishiga yoki transport ishini bajarishiga sarflangan yonilg'i miqdorini kamaytiradi, ya'ni yonilg'i tejamkorligini yaxshilaydi.

Avtomobilning sifati - unga qo'yilgan talablarning bajarilishini ta'minlovchi xususiyatlarning majmuasidir. Xususiyat kategoriyasi har qanday predmetga mansub bo'lib, uning qandaydir tomonini tariflab, boshqa predmetga o'xshashligi yoki o'xshamasligini ajratib ko'rsatadi.

Avtomobil har xil ekspluatatsiya sharoitida ishlashi mumkin va unga moslashgan bo'lishi zarur. Shuning uchun avtomobilni loyihalash davrida unga albatta ekspluatatsiya uchun zarur xusu-siyatlarning asoslari kiritilishi kerak, ular:

1. Ishlab chiqarish talablari.
2. Ekspluatatsiya talablari.
3. Foydalanuvchining talablari.
4. Xavfsizlik talablari.

Ishlab chiqarish talablariga avtomobil konstruksiyasining zavod-dagi mavjud texnologiyaga yoki bo'lajak yangi texnologiyalarga mosligi, material va mehnat sarfi, tannarx kabilar kiradi.

Ekspluatatsiya talablariga avtomobilni ishlatish davrida namoyon bo'ladigan xususiyatlarning (dinamikasi, yonilg'i tejamkorligi, bosh-qariluvchanligi va h.k.) me'yorda bo'lishi, transport ishi tannarxining kamligi va hokazolar kiradi.

Foydalanuvchining talablariga avtomobil tannarxining arzonligi, uni ekspluatatsiya qilishda kam chiqimlili, buzilmasligi, ta'mirlanishga mosligi, xavfsizligi, har jihatdan qulayligi kiradi.

Xavfsizlik talablarini o'z navbatida faol, sust (faol emas), avariya dan keyingi, ekologiya turlarga ajratish mumkin.

Faol xavfsizlik — yo'l-transport hodisasi sodir bo'lishi ehtimolini kamaytirishdir. Bu xususiyat ko'p jihatdan avtomobil konstruksiyasiga bog'liq bo'lib, uning xavfli harakati davrida namoyon bo'ladi. Bu xavfsizlik avtomobilning ichidan tashqarining ko'rinishi, yoritilganlik, haydovchining ergonomik sharoiti, uni voqif etuvchi qurilmalar va tortish-tormozlanish dinamikasi, turg'unligi, boshqariluvchanligi kabi ekspluatasion xususiyatlarga bog'liqdir.

Avtomobilning sust (faol emas) xavfsizligi esa yo'l-transport hodisasi oqibatlarini engillashtirishga yo'naltiradi. U kuzov ichidagi haydovchi, yo'lovchi, yuklarning saqlanib qolishini ta'minlovchi tadbir-choralardir.

Yo'l-transport hodidasidan keyingi xavfsizlik esa o't o'chirish vositalari, dori-darmon, jarohatlanganlarni davolash maskanlariga etkazish kabilarni qamrab oladi.

Ekologik xavfsizlik avtomobilning atrof-muhitga keltiradigan zararini kamaytirishdan iborat. Bunga atrof-muhitga zararli gazlar va changning tarqalishi, shovqinning balandligi, avtomobildagi zirillash holatlari kiradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

M.A.Vaynshtok yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish sifati ko'rsatkichlarini uch guruhga ajratishni taklif etadi: rejalashtiruvchi, tashkil etuvchi va texnik-iqtisodiy [1].

U rejalashtiruvchi guruhga transport tarmog'ining zichligi, bekatlarni joylashuvi, bir transportdan boshqasiga o'tishda bekatlarni bir-biriga nisbatan joylashuvini ko'rsatadi. Tashkiliy unsurlar guruhiga quyidagi ko'rsatkichlar kiritiladi: yo'nalish pasporti tizimi, harakat chastotasi, transport ishini muvofiqlashtirish, yo'l haqi to'lov tizimi, harakat muntazamligi. Texnik-iqtisodiy omillar guruhiga quyidagi ko'rsatkichlarni kiritishni taklif etadi: harakat tezligi, salon konstruksiyasi, yo'l haqi va h.k.

M.A.Vaynshtok bulardan tashqari tashish sifatini mehnat sifatiga bog'liqlik masalalarini o'rgangan.

I.V.Spirin yo'lovchilarga yuqori sifatli xizmat ko'rsatishni ta'minlash yo'lovchi tashuvchi transportda eng asosiy masala ekanligini ta'kidlash bilan bir paytda unga quyidagicha tarif beradi: "Yo'lovchilarga xizmat ko'rsatish sifati" deganda tashish jarayonlarining majmuasi, belgilangan me'yoriy talablarga muvofiq yo'lovchilarni tashishga bo'lgan talabini qondirishdan vujudga keladigan yo'lovchilarni tashish tizimi tushuniladi [3]. Tashish jarayonlarining xususiyatlarini oddiy va murakkab turlarga

ajratadi. I.V.Spirinning fikricha transportni ommabopligi uni tavsiflovchi murakkab sifat ko'rsatkichlaridan biri hisoblanishi kerak. Soddalashtirilgan ko'rsatkichlarga shahar hududini transport bilan to'yinganligi, axborotchanligi kabi xususiyatlar ham kiritiladi.

N.B.Ostrovskiy tahriri ostida tayyorlangan adabiyotda yo'lovchilarni tashishdagi asosiy sifat ko'rsatkichlari sifatida quyidagilar taklif etiladi: safar sharoitni belgilovchi ko'rsatkichlar, ya'ni avtobusni to'lganlik darajasi, harakat muntazamligi, yo'lovchilarni manzilga etib borish vaqti va harakat xavfsizligi [2]. Shuningdek, ushbu adabiyotda NIAT (avtomobil transporti ilmiy tadqiqot instiuti) tadqiqotchilari tomonidan tashish sifatini baholash mezonlari va ularning qiymatlari ham keltirilgan. Masalan, bitta turib ketayotgan yo'lovchiga 0,2 kv.m maydonni rejalashtirish, avtobusni to'lganlik darajasini avtobus turiga qarab 0,73-0,78 dan oshmasligi, harakat muntazamligini 98% dan kam bo'lmasligi, transport tarmog'ining zichligini shahar aholisining soniga qarab 1,4 dan 2,3 km/km², yo'lovchilar oqimining miqdoriga qarab 1 km masofada bo'lishi kerak bo'lgan avtobuslar miqdori va h.k.lar keltirilgan.

NATIJALAR

Avtomobillarning passiv harakat xavfsizligi uning yo'l sathidagi yoki chetidagi favqulotdagi to'siqlar bilan to'qnashuvi orqali baholanadi. Yo'l to'siqlari o'z xarakteriga ko'ra qo'zg'almas, bikr yoki yo'l sathi bo'ylab siljuvchi turlarga bo'linadi.

Ilmiy tajribalarda avtomobillarning qo'zg'almas to'siqlarga urilish jarayoni atroflicha yoritilgan. Jumladan avtomobillarning o'zaro to'qnashuv jarayonining matematik modeli bir necha erkinlik darajasiga ega bo'lgan elastik jismlar harakatining zarba o'qi bo'ylab o'zgarish qonuniyati ko'rinishida ifodalangan bo'lib, zarba vaqtidagi kontakt kuchi Sen-Venan nazariyasiga asoslanib tsilindrsimon sirt qobig'ining qalinligiga bog'liq xolda ko'rsatilgan.

Real holatlarda avtomobil yo'l sathidagi yoki chetidagi to'siqlarga bexosdan urilganda o'zaro to'qnashuvi ob'ektlar orasida juda kichik vaqt ichida maksimal qiymatga erishuvchi zarba kuchi xosil bo'ladi. Zarba kuchining ta'sir chizig'i to'qnashishga sabab bo'ladigan avtomobilning harakat yo'nalishiga mos keladi. Agar umumiy holda to'siq qo'zg'aluvchan bo'lib, uning absolyut qattiq jism emasligi e'tiborga olinsa u holda to'siq bilan ma'lum kontakt yuza orqali ta'sirlashadigan avtomobil qismlari ham, to'siq elementlari ham deformatsiyaga uchraydi. Shu bilan birga to'siqning harakat

yo'nalishi bo'ylab siljishi og'irlik markazi atrofida aylanishi yoki gorizantalga nisbatan biror burchak ostida otilib ketishi kabi holatlar kuzatiladi.

Demak, zarba kuchining maksimal qiymati harakat tezligidan tashqari to'qnashuvchi jismlar materialining fizik – mexanik xususiyatlariga va deformatsiya hamda ko'chishlar xarakteriga bog'liq bo'ladi. Zarba kuchining miqdorini to'g'ri aniqlash orqali avtomobil kuzovi konstruksiyasining mustahkamligini xisoblash yoki harakat xavfsizligini avtomatik ravishda ta'minlovchi qurilmalarni yaratish va loyihalash imkoni yaratiladi.

MUHOKAMA

Zarba nazariyasidan ma'lumki, o'zaro to'qnashuvchi jismlar orasidagi ta'sir kuchi zarba hosil qiluvchi jism og'irigidan bir necha barobar yuqori bo'ladi va dinamik koeffitsient bilan baholanadi.

$$k_D = \frac{F_{z \max}}{G_a}$$

bu erda: $F_{z \max}$ – zarba kuchining eng katta qiymati;
 G_a – avtomobilning og'irlik kuchi

Agar to'g'ri chizikli markaziy zarba jismda to'siqning biror x_T masofaga siljishini, to'qnashuvchi kontakt yuzalarning δ_A va δ_T bo'ylama deformatsiyasini aniqlash mumkin deb xisoblasak, u holda o'zaro to'qnashuvchi jismlar orasidagi energiyaning saqlanish va bir turdan ikkinchi turga aylanish qonuniga asosan, zarba kuchining xisobiy qiymatini aniqlash mumkin.

$$F_{z \max} = \frac{m_T U_T^2}{2(x_T + \delta_T + \delta_A)} + \frac{x_T(m_T g f_T + k_T A_T U_T^2)}{(x_T + \delta_T + \delta_A)} - \frac{(\rho_T \delta_T + \rho_A \delta_A) A_k U_T^2}{(x_T + \delta_T + \delta_A)}$$

bu erda: m_T – to'siqning massasi, kg;

$g f_T$ – to'siq bilan yo'l orasidagi ishqalanish koeffitsienti;

k_T – to'siqning xavoga qarshilik koeffitsienti $\frac{H \cdot c^2}{m^4}$;

ρ_A ; ρ_T – mos ravishda avtomobil va to'siq materialining zichligi $\frac{kg}{m^3}$;

A_k – kontakt yuza maydoni m^2 ;

U_T – to'siqning zarba boshidagi tezligi $\frac{m}{s}$.

Xususiy holda, agar to'siq yo'lga nisbatan biki, siljimas bo'lsa, u holda $x_T = 0$ bo'lib, zarba kuchi asosan o'zaro to'qnashuvchi jismlar orasidagi deformatsiyalarga bog'liq bo'ladi.

$$F_{z \max} = \frac{(m_T + 2A_k \rho_T \delta_T + 2A_k \rho_T \delta_T) U_{TD}^2}{2(\delta_T + \delta_A)} \quad (3)$$

bu erda, U_{TD} – deformatsiya xosil bo'lish tezligi.

To'siqning zarbadan olgan tezligi quyidagicha aniqlanadi.

$$U_T = \frac{m_a}{m_a + m_T} \cdot \varepsilon v_a$$

bu erda: m_a – avtomobil massasi, kg;

ε – tiklanish koeffitsienti; ($\varepsilon = \frac{5}{9}$ po'lat materiallari uchun);

v_a – avtomobilning to'siqqa urilish paytidagi tezligi.

Dinamik koeffitsientni aniqlash uchun kichik o'lchamli tajriba qurilmalarida avtomobilning masshtab modelidan foydalanib natijalar olish tajriba sarf xarajatlari va uni o'tkazish uchun ketgan vaqtni tejash imkonini beradi.

Quyida 1:20 masshtab bilan tayyorlangan avtomobil maketining qo'zg'aluvchan to'siqlarga urilish orqali olingan ayrim natijalari berilgan.

N_0	m_a kg	l_1 m	l_2 m	α	v_b m/s	v_a m/s	x_T m	F_z N	k_D
1	1	3,0	1	1 46	0,86	0,63	0,066	1,94	0,20
2	1	3,0	1	3 31	1,56	1,45	0,126	3,53	3,36
3	1	3,0	1	5 10	2,03	1,95	0,188	4,36	0,44
4	1	3,0	1	6 51	2,53	2,46	0,276	5,15	0,53

Izoh: tajriba o'tkazishda o'zaro to'qnashuvchi jismlarning deformatsiyasi juda kichik bo'lgani uchun xisobga olinmadi. $\delta_a = 0$ $\delta_b = 0$

$$F_z = \frac{m_T \cdot U_T^2}{2 x_T} + m_T \cdot g \cdot f_T + k_T \cdot A_T \cdot U_T^2$$

Bu erda: $f_T = 0,018$; $k_T = 0,57 \frac{Ns^2}{m^4}$; $A_T = 0,008 m^2$ deb qabul qilinadi.

Tajriba natijalaridan ko'rinadiki, yo'lning qiyalik darajasini o'zgartirish usuli bilan zarba kuchini ma'lum chegaragacha oshirib borish va har xil dinamik koeffitsient larga erishish mumkin.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni takidlash joizki avtomobillarni zarbaga sinashdan asosiy maqsad avtomobil xavfsizligini ta'minlashdan iboratdir. Keyingi tadqiqot ishlarida dinamik koeffitsientlarning masshtab modeliga asoslanib, xaqiqiy avtomobillarning zarba paytidagi dinamik

xususiyatlari bevosita ortiqcha vaqt va mablag' sarflamasdan solishtirish usuli bilan aniqlanadi.

Shuningdek harakat xavfsizligini ta'minlash bo'yicha dasturiy modellashtirishdan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

REFERENCES

1. Бахриддин Яхшибоевич Бегматов, & Боходир Абдуғаниевич Ҳаққулов (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3), 61-66.
2. Бахриддин Яхшибоевич Бегматов, & Давлат Рахмат Ўғли Холиқов (2021). Автотранспорт корхоналари мисолида автомобиллар техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлигига таъсирини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, 2 (1), 251-257. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00032
3. Yakhshiboyevich, B. B. (2021). Method for calculating the external speed characteristics of the engine when learning the subject car design. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 97-105.
4. Бегматов, Б. Я., & Ҳамроқулова, Ш. П. Қ. (2021). Ички ёнув двигател деталларини қурум босишини текшириш. *Academic research in educational sciences*, 2(1), 271-276.
5. Бегматов, Б., & Эшонқулов, М. (2021). Иссиқ иқлим шароитида автомобил двигателларининг ишлаш хусусиятларини аниқлаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
6. Бегматов, Б. (2021). Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий мослашиш жараёнини амалиётнинг аҳамияти. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 932-938.
7. Адилов, О. К., Кулмурадов, Д. И., & Бегматов, Б. Я. (2014). Переходные характеристики машины при скачкообразном повороте рулевого колеса. *Молодой ученый*, (20), 101-104.
8. Бегматов, Б., Ҳаққулов, Б., & Ҳаққулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, (3), 67-73.
9. Хамрақулов, Ё. М., & Абдукаримов, Ш. У. (2022). Норматив на капитальный и текущий ремонт карьерных автосамосвалов. вестник науки Учредители: Индивидуальный предприниматель Рассказова Любовь Федоровна, 1(1), 141-146.
10. Murtazaqulovich, N. Y., & Qo'chqorovna, Y. M. (2021). Gaz ballonli avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish ishlarini tizimli



tashkil etish orqali xavfsizlikni oshirish. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(2).

11. Eshquvvatovich, I. S., & Abdurakhimovich, P. U. (2021). The importance of the level of motorization in the development of vehicle maintenance. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 18-26.

12. Islomov, S., & Nomozboyev, O. (2021). Avtotransport korxonalarini innovatsion jihozlashga ta'sir qilivchi ekspluatatsion omillar. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 216-223.

13. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 10-17.

14. Eshquvvatovich, I. S., & Sattorovich, Q. I. (2021). Determination of the main factors affecting the technological equipment of motor transportation enterprises. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 1-9.

15. Нуруллаев, У., Умиров, И., & Исоков, Г. (2021). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 678-684.

16. Umirov, I., Turushev, S., & Ravshanov, F. (2021). Йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

17. Karimovich, A. A., & Abdukarimovich, U. B. (2021). Method of ensuring traffic safety on slippery roads.

18. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Абдурахманов, М. М. (2021). Анализ существующих работ, посвященных проблемам экологии автомобильного транспорта. *Вестник науки*, 2(2), 74-82.

19. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. *Academic research in educational sciences*, (3).

20. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ildan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. *Academic research in educational sciences*, 2(1).

21. Одилов, Н. Э. (2021). Особенности эксплуатации две газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 238-244.

22. Nurmukhammad, O. (2021). Safety methods at gas filling stations for cars. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 27-36.

AVTOMOBILLAR HARAkatINI XAVFSIZ TASHKIL ETISHDA GPS TIZIMLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI

Nurmuhammad Odilov

Jizzax politexnika instituti

odilovnurmuhammad0124@gmail.com

Abdukarim Muxtorov

Jizzax politexnika instituti

mukhtorovkarim95@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada avtomobil yo'llarida mavjud harakat xavfsizligini oshirishda GPS (Global Positioning System) tizimlari va boshqa avtomatik ogohlantiruvchi tizimlarining qo'llanilish samaradorligi tahlil etildi. Bundan GPS tashqari avtomobilni boshqaruv jarayonida haydovchi uchun harakat tartibining eng muhim talablari haqida axborotlarni uzatish orqali harakatnash xavfsiz bo'lishini ta'minlashdagi o'rnini aniqlandi.

Kalit so'zlar: GPS, avtomobil, yo'l, haydovchi, axborot, YTH, harakat xavfsizligi.

EFFECTIVENESS OF USING GPS SYSTEMS IN SAFE TRAFFIC MANAGEMENT

ABSTRACT

This article analyzes the effectiveness of using GPS (Global Positioning System) and other automatic warning systems in improving the existing traffic safety on highways. In addition, the role of GPS in ensuring safe driving was revealed by transmitting information about the most important road requirements for the driver while driving.

Keywords: GPS, car, road, driver, information, traffic, traffic safety.

KIRISH

Avtomobillardan foydalanish hozirda xalq xo'jaligining deyarli barcha sohalarini qamrab olgan bo'lib, ularning ishini yuqori darajada sifatli va samarali tashkil etish juda muhim va



zarur bo'lgan ishlardan hisoblanadi [7]. Avtomobil yo'llarida barcha avtomobillar harakati tartibga soluvchi vositalar, yo'l belgilari, yo'l chiziqlari va umumiy yo'l harakati qoidalariga, ko'rsatmalariga rioya qilib harakatlanadi. Yo'llaridagi avtomobillar har xil odamlar tomonidan boshqariladi va ularning har biri o'zi uchun qulay yo'nalishni, tartibni va boshqarish usulini tanlaydi. Haydovchi o'z harakatining yo'lidagi boshqa qatnashchilar uchun ma'lum xavfli ta'sirlar tug'dirishi bilan hisoblashmaydi [1]. Yo'l harakatida avtomobillarning o'zaro ta'siri harakat miqdori qancha ko'p bo'lsa, shuncha ortadi [5].

Avtomobil haydovchilari tomonidan qoidalarning buzilishi, ularga amal qilinmasligi oqibatida ko'plab yo'l transport hodisalari oqibatida ko'plab yo'l transport hodisalari (YTH) yuzaga keladi. Haydovchi tomonidan sodir etiladigan YTHlari asosan xavfli vaziyatlarda va ziddiyatli nuqталarda sodir bo'ladi. Xavfli vaziyatlar harakat jadalligi yuqori darajada bo'lgan yo'llarda mavjud bo'lib, avtomobillar sonining oshib borishi haydovchidan kuchli diqqatlilikni, xavfsiz harakatlanish tartibi bo'yicha ko'nikma va sifatli bilimni talab etadi [3].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Umuman olganda avtomobil yo'llarida harakatni xavfsiz tashkil etish deganda transport vositalari oqimini maksimal darajada yo'lning geometrik o'lcham imkoniyatlaridan foydalanib, uning har xil bo'laklarda xavfsiz harakat tartibini va yuqori o'tkazish qobiliyatini ta'minlashga qaratilgan tadbirlar tizimidir. Q. H. Azizovning "Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari" nomli darsligida harakat xavfsizligini tashkil etish bo'yicha bir qancha tartib qoidalar va usullar haqida batafsil ma'lumotlar berilgan [1]. Harakat xavfsizligini tashkil etish bugungi kunda tobora dolzarb masalalar qatoridan joy olmoqda. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Yo'l harakati xavfsizligi bosh boshqarmasi 2021 yil noyabr oyigacha respublika yo'llarida sodir bo'lgan yo'l-transport hodisalari haqida statistik ma'lumotni e'lon qildi [2]. Unga ko'ra, yilning o'tgan 10 oyi mobaynida jami 7681ta YTH ro'y bergan. Ularda 1964 kishi hayotdan ko'z yumgan, 6886 kishi turli darajada tan jarohati olgan. Ushbu YTHning kelib chiqish sabablariga ham oydinlik kiritgan. 1782ta YTH yo'l harakatini noto'g'ri tashkil etish yoki yo'llardagi nosozliklar tufayli ro'y bergan. Bu jami yo'l-transport hodisalarining 23,2 foizini tashkil etmoqda. 1705ta holatda piyodalar o'tish joyi bo'lmaganligi sababli piyodalarning belgilanmagan joydan yo'lni kesib o'tishi (22,2 foiz) bilan bog'liq. 1221 ta YTH (15,9 foiz) tezlikni me'yordan oshirib yuborish sababli sodir bo'lgan. Ma'lumotlarda ko'rish mumkinki,

hodisalarning 7,6 foizida, ya'ni 584tasida piyodalar piyodalar o'tish joyida urib yuborilgan.

MUHOKAMA

Avtomobil boshqarayotgan haydovchining uzoq vaqt davomida shovqin tebranishlar va dvigateldan chiqayotgan zaharli gazlar ta'sirida charchaydi va boshqarish samaradorligini, diqqatini ma'lum miqdorda yo'qotadi [5]. Bunga asosiy sabablardan biri dvigatelning shovqin va tebranish bilan ishlashi hisoblanadi. Chunki hozirgi kunda ko'chalarda harakatlanayotgan avtomobillarning deyarli barchasi neft yonilg'ilarida va ularga muqobil bo'lgan yonilg'i turlari bilan harakatlanadi [6]. Tabiiyki bu holatda dvigatelda shovqin va tebranishlar yuqori bo'ladi. Bunday holatlarning oldini olish uchun ko'chada harakatlanayotgan transport tarkibida elektromobillar foizini oshirib borish kerak va kelajakda to'liq elektromobillarga o'tish talab etiladi [7].

Bugungi kunda elektromobillar soni oshishi bilan birga haydovchiga boshqaruv jarayonida yo'ldagi harakat holati, yo'l haqidagi umumiy ma'lumotlar (burilishlar, chorraxalar, svetaforlar va piyodalar o'tish joylari) haqida axborot berib turuvchi zamonaviy texnologiyalar keng ommalashmoqda [8].

Xususan, zamonaviy avtomobillarda qo'llanilayotgan global kosmik navigatsiya tizimlari (GPS – Global Positioning System, (GLONASS – Globalnaya Navigatsionnaya Sputnikovaya Sistema) – bu kunning xohlangan paytida, xohlangan nuqtasida harakatlanayotgan ob'ektlarning geografik o'rnini, yo'nalishini va harakat tezligini aniqlashga imkon beradigan tizimlardir. Bulardan tashqari ushbu tizim orqali aniq vaqtni 1 nanosekund (0,000000001 sek) aniqligida aniqlash mumkin [10].

Tizim XX-asrning 70 yillarida AQSH mudofaa vazirligining topshirig'i bo'yicha harbiy maqsadlarda ishlab chiqilgan edi, ammo 1983 yilda boshqa sohalarda ham ishlatilishiga ruxsat etildi. 1991 yilda GPS – texnologiyalarini sobiq SSSR respublikalari tomonidan sotib olinishiga ruxsat etildi. 90-yillarning o'rtalarida tizim to'liq ishga tushirildi.

GPS navigatsiya tizimining asosiy elementi 24 ta sun'iy yo'ldosh bo'lib, ular 6 ta turli orbitalarga, bir-biriga nisbatan 60° burchakda joylashtirilgan. Har bir yo'ldoshning yer sharini bir aylanib chiqishi 12-soatni tashkil etadi. Har bir yo'ldoshning og'irligi 800 kg.ni, uzunligi 5 m.dan ko'proqni tashkil etadi (quyosh batareyalarini qo'shib hisoblaganda).


Haqiqatdan ham noma'lum hududlarga tashrif buyurganda, biz bilmaydigan avtomobil yo'llarda harakatlanganda hudud va

yo'llar xaritasini bilish uchun bizga GPS ta'limi zarur bo'ladi. Ushbu tizimni barcha mobil aloqa ilovalarida ilovalarda topishimiz mumkin [8]. Uning ishlashi quydagicha Aniq mikroto'lqinli signallarni uzatadi va sun'iy yo'ldoshlardan foydalangan holda tizim GPS qabul qiluvchiga uning joylashuvi, tezligi, yo'nalishi va vaqtini aniqlash imkonini beradi.

NATIJALAR

Harakat xavfsizligini tashkil etish bo'yicha ilmiy izlanishlar sun'iy yo'ldosh navigatsiya texnologiyasi yo'l harakati xavfsizligiga ijobiy ta'sir ko'rsatishini aniqladi [10]. Global joylashuvni aniqlash tizimining (GPS) mavjudligi va aniqligi magistrallar, ko'chalar va ommaviy tranzit tizimlaridan foydalanadigan transport vositalari uchun yuqori samaradorlik va xavfsizlikni ta'minlashga xizmat qiladi. GPS tizimi bugungi kunda butun dunyoda keng qo'llanilmoqda, u avtomobillarning joylashuvi haqida ma'lumot berib, avtomobil harakati davomida barcha harakat yo'nalishlari bo'yicha ma'lumot beradi. GPS joylashuv texnologiyasi, geografik ma'lumotlarni aks ettira oladigan tizimlar ma'lumotlarni displey ekranlari yoki kompyuterlarga avtomatik ravishda uzatib berib, yuk va yo'lovchi tashish transportida juda samarali foydalanilmoqda [4].

Avtotransport vositalarida GPS tizimidan foydalanish haydovchining noma'lum joylarda harakatini yaxshilaydi, hushyorlikni oshiradi va stress darajasini pasaytiradi [11]. Xalqaro tadqiqot shuni ko'rsatdiki, GPS qurilmasidan foydalanish bosib o'tilgan millar sonini 16 foizga qisqartiradi va noma'lum hududda sayohat vaqtini 18 foizga qisqartiradi [9].



2-rasm. Avtomobillarda GPS tizimining ishlashi

GPS tizimlari avtoulov haydovchilarga yo'l tarmoqlarida, ularning yaqinida yoki yonidagi xususiyatlarning joylashishini aniqlashda yordam beradi. (2-rasm).

Bundan tashqari xizmat ko'rsatish shoxobchalari, texnik xizmat ko'rsatish va avariya xizmatlari joylashuvi, yo'l bo'laklarining tirbandlilik darajalari va boshqalar haqida axborot beradi [8].

GPS tizimi avtomobil yo'llaridagi boshlang'ich maktab binolari, xavfsizlik kameralari joylashuvi va boshqa xavfli yo'l uchastkalari to'g'risidagi doimiy yangilanadigan ma'lumotlar bazasi orqali haydovchilarni ogohlantiriladi. Shu bilan birga haydovchilarni yo'l harakati qoidalarini buzish ehtimolini oldindan ogohlantiradi va yo'l-transport hodisalari keltirib chiqaruvchi ziddiyatli nuqtalar haqida axborot beradi. GPS tizimi yuqori harakat tezligini nazorat qiluvchi radar-kameralar haqida ogohlantirib haydovchilarni turli xavflardan, halokatlardan saqlanishiga yordam beradi.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, avtomobil yo'llarida mavjud harakat xavfsizligini oshirishda GPS tizimlari va boshqa avtomatik ogohlantiruvchi tizimlarining qo'llanilishi yuqori darajada samarali hisoblanadi. Ushbu tizim avtomobilni boshqarayotgan haydovchilarga harakat tartibining eng muhim talablari, me'yoriy qoidalari va umumiy yo'l holati haqida katta hajmdagi ma'lumotlarni uzatadi va xavf haqida ogohlantiradi.

REFERENCES

1. Q. H. Azizov "Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari". – T., "Fan va texnologiya", 2009, 268 bet.
2. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Yo'l harakati xavfsizligi bosh boshqarmasi 2021 yil noyabr oyigacha respublika yo'llarida sodir bo'lgan yo'l-transport hodisalari haqida statistikasi
3. Akmal Azimov, & Abdularim Muxtarov (2021). Avtotransport korxonalarida texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishchilarini kompetensiyaviy yondoshuv asosida tayyorlash va malakasini oshirish metodikasi. *Academic research in educational sciences*, 2 (1), 258-265. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00033
4. Akmal Azimov, & Abdulkarim Muxtarov (2021). Yo'lovchi tashuvchi avtotransport korxonalarining samaradorligini belgilovchi omillar tahlili. *Academic research in educational sciences*, 2 (4), 1395-1340. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00749
5. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. *Academic research in educational sciences*, (3).



6. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ilardan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
7. Одилов, Н. Э. (2021). Особенности эксплуатации двс газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 238-244.
8. Nurmukhammad, O. (2021). Safety methods at gas filling stations for cars. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 27-36.
9. Азимов Акмал., & Тожиев Жамшид (2021). Автомобиль йўлларида автотурааргоҳларни ташкил этишдаги мавжуд муаммолар таҳлили ва уларнинг асосий ечимлари. *Инновацион технологиялар*, (4 (44)), 53-58.
10. Akmal, A. (2021). Analysis of technical parameters that determine the efficiency of vehicle steering. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 48-55.
11. GPS and Road Safety (<https://www.arrivealive.mobi/gps-and-road-safety>).



BOZOR IQTISODIYOTI SHAROITIDA YER VA SUV RESURLARIDAN FOYDALANISHNING IQTISODIY SAMARADORLIGI OSHIRISH YO‘LLARI (SURXONDARYO VILOYATI HU MISOLIDA)

Qobilbek Nasriddinov

Termiz davlat universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada yerdan foydalanishning barqaror rivojlanishi, iqtisodiy tamoyillari, mexanizmi va ko‘p maqsadlilik xarakteri, takror ishlab chiqarish sikli va yer rentasi, yerni baholash va xususiylashtirish, yer bozori, yerning investitsiya ob‘ekti sifatidagi, yer ijarasi, yer solig‘i xususiyatlari va boshqa shu kabi yo‘nalishlar yuzasidan muammolarni aniqlash, shuningdek ularning yechimlari yuzasidan muayyan fundamental, tizimli, metodologik va amaliy asoslari bilan bog‘liq masalalar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: yer, kapital, usul, foyda, resurs, jamlanma

KIRISH

Jamiyat va iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uning muvaffaqiyatini belgilaydigan muhim ob‘ektiv muammolarni hal etishga bog‘liqdir. SHu nuqtai nazardan, qishloq va o‘rmon xo‘jaligida asosiy ishlab chiqarish vositasi, jamiyat va iqtisodiyotning boshqa soha va tarmoqlarida esa, eng muhim ishlab chiqarish vositasi, takror ishlab chiqarilmaydigan va o‘rni almashtirilmaydigan yer resurslaridan foydalanish – har qanday milliy iqtisodiyot yaxlit tizimining ajralmas tarkibiy qismi bo‘lib, mamlakatni rivojlantirish, ayniqsa muayyan islohotlarni amalga oshirish orqali ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta‘minlash o‘z navbatida yerdan foydalanish iqtisodiyotining o‘ziga xos masalalarini o‘rganish va bilishga ob‘ektiv bog‘liqdir. Ayniqsa, yer resurslaridan iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiq tarzda, oqilona va samarali foydalanishni tashkil etish, hududlarni kompleks rivojlantirish va ishlab chiqaruvchi kuchlarni optimal joylashtirishni ta‘minlash imkonini beradigan davlat va bozor mexanizmlarini joriy qilish orqali iqtisodiyotda yer munosabatlarini tizimli va kompleks tashkil etish nafaqat rivojlanishning izchilligi va samaradorligini ta‘minlashga, balki yer resurslarining mamlakat barqaror iqtisodiy o‘shish sur‘atlarini ta‘minlashdagi ishtirokini ham mustahkamlashga xizmat qiladi. Bu esa, yerdan foydalanishni jamiyat va iqtisodiyotning turli darajalari, tarmoqlari, sohalari va hududlarida samarali tashkil



etishda iqtisodiy tadbirlarga ayniqsa ustuvor ahamiyat qaratilishini taqozo qiladi, chunki aynan ushbu tadbirlar so‘ngi yillarda kuzatilayotgan yer resurslaridan maqsadli, oqilona va samarali foydalanmaslik, yer resurslarini tarmoqlar, hududlararo taqsimlash va qayta taqsimlashning samarasizligi, yerlarni noqishloq xo‘jaligi ehtiyojlari uchun o‘tkazilishining iqtisodiy va texnologik asoslanmasligi, meliorativ tizimlar holatini yaxshilash borasida keskin choralar ko‘rmaslik, tuproqlarning buzilishi va boshqa salbiy ekologik omillar natijasida yerlar unumdorligining pasayib ketishi, ishlab chiqarishni hududiy tashkil etishdagi noqulayliklar kabi muammolarning oldini olish va ularni bartaraf qilishga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

So‘ngi yillarda mamlakatimizda yer munosabatlarini tartibga solishga qaratilgan bir qator qonun hujjatlari va me‘yoriy aktlar qabul qilindi. Ularning asosiy jihatlaridan biri bu – yerning qiymati, yer solig‘i va yer ijarasi haqi shakllarida namoyon bo‘ladigan yerdan foydalanish uchun tabaqalashtirilgan haqning joriy etilishi, yerlarni xususiylashtirish va yer bozorining shakllanishi hamda bu sohada iqtisodiy munosabatlarni yanada rivojlantirish va tartibga solish kabi ustuvor yo‘nalishlarning ishlab chiqilishidir. Shunga qaramasdan hozirgi kunda yer munosabatlarini isloh etishning asosiy maqsadi – iqtisodiyot tarmoqlarida, ayniqsa qishloq va o‘rmon xo‘jaligida, hududlarida yerdan foydalanish samaradorligini oshirishga yerishib bo‘lmayapti. Bunda eng muhim ahamiyatga ega bo‘lgan yerdan foydalanish sohasidagi munosabatlarning zamonaviy jamiyat va iqtisodiyot ehtiyojlariga mos keladigan samarali iqtisodiy mexanizmni ishlab chiqishdir. Lekin, bu borada olib borilgan tadqiqodlarning natijalari soliq solinadigan bazani yaratadigan, yer mulkchiliga va yer ijarasini rivojlantiradigan, yer bilan bog‘liq turli xil bitimlarni tuzishga sharoit tug‘diradigan muayyan yer uchastkasini har tomonlama baholash, yerlarni xususiylashtirish va yer bozorini shakllantirish, yerlarning investitsiya jarayonlaridagi ishtirokini samarali ta‘minlash kabi eng muhim yo‘nalishlarning nazariy, uslubiy-amaliy mexanizmlarini yaratish va yanada takomillashtirish imkoniyatlarini hali bermayapti.

Bundan tashqari, mavjud iqtisodiy mexanizm yerdan samarali foydalanishni yetarli darajada rag‘batlantirmayapti, uning unumdorligi oshishini ta‘minlamayapti hamda unumdor yerlarning yer oborotidan chiqib ketishining oldini olmayapti. Holbuki, mamlakatimiz iqtisodiyotini yanada rivojlantirish jarayonlarini ta‘minlash maqsadida yer resurslaridan foydalanish tizimida innovatsion tarkibiy, institutsional va investitsiyaviy



o'zgarishlarni chuqurlashtirish, iqtisodiyot tarmoqlari, sohalari va hududlari o'rtasida yer resurslarini samarali va balanslashgan taqsimlash va qayta taqsimlash orqali ishlab chiqarishni izchil rivojlantirish, aholini oziq-ovqat mahsulotlari, qayta ishlash sanoatini esa, xomashyo ashyo bilan uzluksiz ta'minlash, ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish, mamlakatimiz oziq-ovqat xavfsizligini yanada mustahkamlash, eksport salohiyatini sezilarli darajada oshirish, barqaror va samarali ish joylari-ni tashkil qilish istiqbolda amalga oshirilishi ko'zda tutilgan eng muhim strategik ustuvor vazifalardan sanaladi. Shu nuqtai nazardan, ushbu vazifalarni amalga oshirish yer resurslaridan foydalanish tizimini rivojlantirishning innovatsion ilmiynazariy asoslarini yaratishga qaratilgan kompleks va tizimli choralarning iqtisodiy mexanizmi va "yo'l xaritalar"ini ishlab chiqishni taqozo qiladi. Bularning barchasi bo'lg'usi kadr va mutaxassislarda yerdan foydalanishning iqtisodiy masalalari bo'yicha tegishli bilimlarni shakllanishini taqozo qiladi.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Xususan, fanning predmeti mazmunini, yerdan foydalanishni o'rganadigan boshqa fanlar bilan bog'liqligini va ushbu fanlar tizimida "Yerdan foydalanish iqtisodiyoti" fanining o'rnini, yerdan foydalanishga ob'ektiv iqtisodiy qonunlarning ta'sirini bilish juda muhimdir. Aynan ushbu bilimlar yerdan foydalanish iqtisodiy asoslari va mexanizmining yer munosabatlarini boshqarishni tashkil qilish va uni tartibga solishdagi, yerlardan samarali foydalanish va ularni muhofaza qilishdagi ahamiyatini aniqlaydi. "Yerdan foydalanish iqtisodiyoti" tushunchasi ma'lum bir tamoyillar va qoidalar talablari doirasida yerni tasarruf qilish, unga egalik qilish va undan foydalanish jarayonida ijtimoiy mahsulotni ishlab chiqarish, taqsimlash, ayirboshlash va iste'mol qilish yuzasidan yerda ijtimoiy-iqtisodiy, xo'jalik faoliyatini yuritish natijasida jamiyat va iqtisodiyot uchun zarur ne'matlarga bo'lgan ehtiyojlarni ta'minlash bilan bog'liq munosabatlarni ifodalaydi. Zamonaviy sharoitda "yerdan foydalanish iqtisodiyoti" ikki xil, ya'ni: aniq bir mamlakat (mamlakatlar guruhi, jahon)ning alohida tarmoqlar majmuasi (ishlab chiqarish iqtisodiyoti, qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va h.k.)ni o'z ichiga olgan iqtisodiyot ma'nosida; kishilarning xo'jalik faoliyati, uning qonuniyatlari, aniq shart-sharoitlari, ishlab chiqarishning tarkibiy qismlari (aholi joylashuvi, mehnat, boshqarish)ni o'rganuvchi fan ma'nosida qo'llanadi. "Yerdan foydalanish iqtisodiyoti" tushunchasi tashkiliy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ekologik, texnologik va hududiy munosabatlar va mexanizmlarning murakkab tizimini anglatib, yer resurslaridan foydalanish jarayonining moddiy va abstrakt yo'nalishlarini o'z



ichiga oladi. Yerdan foydalanish iqtisodiyoti asoslari jamiyat va iqtisodiyotda yerni tasarruf qilish, yerga egalik qilish, yerdan foydalanish shakllari, yerni takror ishlab chiqarish sikli va uning davrlari, yer munosabatlarini tartibga solishda iqtisodiy jihatlarining ustuvorligi, yerdan foydalanishning iqtisodiy tamoyillari, tarmoqlar, sohalar, hududlar bo'yicha yerlarning taqsimlanishi va qayta taqsimlanishi, qishloq xo'jaligi yer turlari, yer ijarasi munosabatlari, yer rentasi, yerning narx ko'rinishidagi bahosini belgilash, yer resurslari uchun to'lovlar (yer solig'i va yer ijarasi haqi), ipoteka kreditlari, yerdan foydalanishni boshqarishning iqtisodiy vazifalari, yerni xususiyashtirish, yer bozori, yerning investitsiyaviy xususiyatlari, yer resurslaridan foydalanish samaradorligi kabi ko'plab muhim iqtisodiy kategoriyalardan tarkib topgan.

Yerdan foydalanish iqtisodiyoti "barqaror rivojlanish", "barqaror foydalanish" kabi tushunchalar bilan uzviy bog'liq. Yerdan "barqaror foydalanish" deyilganda, yerdan foydalanishning nafaqat hozirgi zamon ehtiyojlarini qondiruvchi shakllari va turlari, balki kelajak avlodlarning ham o'z ehtiyojlarini qondira olish imkoniyatlari nazarda tutiladi. Shu bilan bir qatorda, hozirgi bosqichda va kelajakda jamiyatning barcha tabaqalari hayot kechirishi va iqtisodiyotning "barqaror rivojlanishi" uchun zarur ehtiyojlarni qondirishi asnosida yerdan "barqaror foydalanish" jarayoni atrof muhitni muhofaza qilish maqsadida jamiyat va iqtisodiyot tomonidan ayrim cheklashlarni ham o'z ichiga oladi. Yerdan foydalanish iqtisodiyoti rivojlanishining darajasi – yerdan barqaror foydalanishning pirovard natijasi bo'lib, bunda yer o'zining tabiiy va iqtisodiy resurs, xo'jalik yuritish va ko'chmas mulk ob'ekti sifatidagi asoslarini saqlab qoladi. Hozirgi bosqichdagi yerdan foydalanish tizimining darajasining samarasiz bo'lishiga sabab, u nafaqat jamiyat va iqtisodiyot manfaatlariga, balki tabiat qonunlari talablariga ham to'liq javob bermayotganligi bo'lib, amaliyot ko'rsatishicha, yer resurslarining degradatsiyasi (tanazzuli)ga olib kelmoqda. Holbuki, manbalarni tahlil qilish hozirgi vaqtda nazariy va amaliy jihatdan yerdan foydalanish tizimi kompleks ijtimoiy-iqtisodiy jarayon sifatida yetarli o'rganilmaganligini, uning mohiyati to'liq ochib berilmaganligini va ushbu tushunchaning aniq ta'rifi keltirilmaganligini ko'rsatmoqda. Masalan, O'zbekiston Respublikasi Yer kodeksida yerdan foydalanish tizimi tushunchasi berilmagan. Ensiklopedik lug'atlarda u o'rnatilgan tartibda yerni ishlatish, ekspluatatsiya qilish tarzida talqin qilingan, ya'ni uning iqtisodiy-huquqiy jihatiga urg'u berilgan. Ayrim hollarda yerdan foydalanish joyda aniq chegaralarga ega va muayyan sub'ektlarga foydalanish uchun berilgan yer uchastkasi sifatida talqin qilinadi, yer kadastrida esa, yerdan foydalanish

deganda asosiy yer-kadastr birligi tushuniladi. Boshqa hollarda yerdan foydalanish tizimini yerni xo‘jalik maqsadida ishlatishning texnologik jarayoni sifatida tushuniladi. Mazkur tushunchalar yerdan foydalanishning ijtimoiy-iqtisodiy jarayon, uning muayyan tizimga ega ekanligini nazarda tutmagan cheklangan tushunchalar, yerning tabiatda, jamiyat va iqtisodiyotdagi keng qamrovli rolga javob bermaydi, deyish mumkin. Yerdan foydalanishning aniqroq tushunchasini S.Tkachuk “Yerdan foydalanish bu – tabiat qonunlari bilan hamohang tarzda iqtisodiy qonunlardan ongli asosda foydalanish bilan ob‘ektiv rivojlanadigan yer resurslardan foydalanishning ijtimoiy-iqtisodiy shakllari va ishlab chiqarish usullarining yig‘indisidir” 1 deb ifodalaydi. Lekin hozirgi kunda ushbu ta’rif yetarli emas: yerdan foydalanishning tizimli jarayon ekanligi chetlab o‘tilgan bo‘lib, yerdan foydalanishning faqat ishlab chiqarish usullari aks etgan. A.Chertovitskiy va A.Bazarovlar esa, yerdan foydalanish tizimiga yanada kengroq ta’rif berishga harakat qilishgan. Ularning ta’kidlashicha yerdan foydalanish tizimi bu - “jamiyat va tabiat rivojlanishi qonunlaridan ongli ravishda foydalanish asosida rivojlanadigan jamiyat tomonidan yer resurslaridan to‘xtovsiz, siklli, ko‘pmaqsadli foydalanish uslublari va ushbu jarayonni boshqarishning bozor usullari yig‘indisidir” 2 deyilgan. Biroq, yerdan foydalanish tizimi tushunchasiga berilgan mazkur ta’rifda ayrim qarama-qarshi talqinlar mavjud. U hozirgi zamon yerdan foydalanish mazmunining barcha jihatlarini qamrab olmagan, ya’ni yerdan foydalanish tizimi muayyan munosabatlar ta’sirida bo‘ladi, uslub va usullar tegishli munosabatlarni taqozo va ifoda qiladi.

XULOSA

Shuning uchun ham ushbu ta’rifni muayyan munosabatlar orqali ifoda qilish zarur. Qolaversa, ushbu ta’rifda faqat bozor usullari orqali boshqarish haqida aytilgan, lekin bozor sharoitida jarayonlarni boshqarish emas, balki ularni tartibga solish munosabatlari amal qilishini, bunda esa davlat usullarini nazarda tutish lozim. Boshqacha aytganda, yerdan foydalanishning tizimlilik xarakteri va uning mazmun-mohiyati jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy va boshqa munosabatlar orqali namoyon bo‘ladi.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. 1992 yil 8 dekabr // T.: Adolat. – 1999. – 152 b.
2. O‘zbekiston Respublikasining Yer kodeksi: (2017 yil 1 iyulgacha bo‘lgan o‘zgartish va qo‘shimchalar bilan) Rasmiy



- nashr – O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. – T.: Adolat, 2017 y. – 160 b.
3. O‘zbekiston Respublikasining Solik kodeksi: Rasmiy nashr – O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. – T.: “Adolat”, 2008 y. – 692 b.
4. «Davlat yer kadastr to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni. 1998 yil 28 avgust, Qishloq xo‘jaligiga oid qonun xujjatlari // T.: «Adolat». - 1999. – 448b.
5. «Fermer xo‘jaligi to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni. 1998 yil 30 aprel, Qishloq xo‘jaligiga oid qonun hujjatlari // T.: «Adolat» - 1999. – 448b.
6. «Dehqon xo‘jaligi to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni. 1998 yil 30 aprel, Qishloq xo‘jaligiga oid qonun xujjatlari // T.: «Adolat» - 1999. – 448 b.



UTOPIA IN MODERN RUSSIAN LITERATURE

Olesya Sovenko

Lecturer of Termiz State University

ABSTRACT

Russian dystopia - works of Russian writers in the genre of dystopia, exploring the coexistence of man and society since the beginning of the 20th century with artistic methods and methods. Dystopia is a consequence of the internal development of the utopia genre.

Dystopias are characterized by dehumanization, a totalitarian system of government, environmental disasters and other phenomena associated with the decline of society. Dystopia as a genre is often used to draw attention to real problems in the environment, politics, economics, religion, technology, etc.

Keywords: people, nation, culture, mentality, internal factor, external factor.

Science fiction and fantasy have been part of mainstream Russian literature since the 19th century. Russian fantasy developed from the centuries-old traditions of Slavic mythology and folklore. Russian science fiction emerged in the mid-19th century and rose to its golden age during the Soviet era, both in cinema and literature, with writers like the Strugatsky brothers, Kir Bulychov, and Mikhail Bulgakov, among others. Soviet filmmakers, such as Andrei Tarkovsky, also produced many science fiction and fantasy films. With the fall of the Iron Curtain, modern Russia experienced a renaissance of fantasy. Outside modern Russian borders, there are a significant number of Russophone writers and filmmakers from Ukraine, Belarus and Kazakhstan, who have made a notable contribution to the genres. In the Russian language, fantasy, science fiction, horror and all other related genres are considered a part of a larger umbrella term, фантастика (*fantastika*), roughly equivalent to "speculative fiction", and are less divided than in the West. The Russian term for science fiction is научная фантастика (*nauchnaya fantastika*), which can be literally translated as "scientific fantasy" or "scientific speculative fiction". Since there was very little adult-oriented fantasy fiction in Soviet times, Russians did not use a specific term for this genre until Perestroika. Although the Russian language has a literal translation for 'fantasy', фантазия (*fantaziya*), the word refers to a dream or imagination, not literary genre. Today, Russian publishers and literary critics use direct

English transcription, фэнтэзи (*fentezi*). Gothic and supernatural fiction are often referred to as мистика (*mistika*, Russian for mysticism). While science fiction did not emerge in Russia as a coherent genre until the early 20th century, many of its aspects, such as utopia or imaginary voyage, are found in earlier Russian works.

Fedor Dmitriev-Mamonov's anti-clerical *A Philosopher Nobleman. The Allegory* (Дворянин-философ. Аллегория, 1769) is considered prototypical to science fiction.^{[1][page needed]} It is a voltairean *conte philosophique* influenced by *Micromégas*.^[2]

Utopia was a major genre of early Russian speculative fiction. The first utopia in Russian was a short story by Alexander Sumarokov, "A Dream of Happy Society" (1759). Two early utopias in form of imaginary voyage are Vasily Levshin's *Newest Voyage* (1784, also the first Russian "flight" to the Moon) and Mikhail Shcherbatov's *Journey to the Land of Ophir*. Pseudo-historical heroic romances in classical settings (modeled on Fenelon's *Telemaque*) by Fyodor Emin, Mikhail Kheraskov, Pavel Lvov and Pyotr Zakharyin were also utopian. *Ancient Night of the Universe* (1807), an epic poem by Semyon Bobrov, is the first work of Russian Cosmism. Some of Faddei Bulgarin's tales are set in the future, others exploited themes of hollow earth and space flight, as did Osip Senkovsky's *Fantastic Voyages of Baron Brambeus*.

Authors of Gothic stories included Aleksandr Bestuzhev with his German *couleur locale*, Sergey Lyubetsky, Vladimir Olin, Alexey K. Tolstoy, Elizaveta Kologrivova and Mikhail Lermontov ("Stoss").

By the mid-19th century imaginary voyages to space had become popular chapbooks, such as *Voyage to the Sun and Planet Mercury and All the Visible and Invisible Worlds* (1832) by Dmitry Sigov, *Correspondence of a Moonman with an Earthman* (1842) by Pyotr Mashkov, *Voyage to the Moon in a Wonderful Machine* (1844) by Semyon Dyachkov and *Voyage in the Sun* (1846) by Demokrit Terpinovich. Popular literature used fantastic motifs like demons (Rafail Zotov's *Qin-Kiu-Tong*), invisibility (Ivan Shteven's *Magic Spectacles*) and shrinking men (Vasily Alferyev's *Picture*).

Hoffmann's fantastic tales influenced east European writers including Ukrainian writer Nikolay Gogol, Russian writers Antony Pogorelsky, Nikolay Melgunov, Vladimir Karlhof, Nikolai Polevoy, Aleksey Tomofeev, Konstantin Aksakov and Vasily Ushakov. Supernatural folk tales were stylized by Orest Somov, Vladimir Olin, Mikhail Zagoskin and Nikolay Bilevich. Vladimir Odoevsky, a romantic

writer influenced by Hoffmann, wrote on his vision of the future and scientific progress^[3] as well as many Gothic tales.

Alexander Veltman, along with his folk romances (*Koschei the Immortal*, 1833) and hoffmanesque satiric tales (*New Yemelya or, Metamorphoses*, 1845), in 1836 published *The forebears of Kalimeros: Alexander, son of Philip of Macedon*, the first Russian novel to feature time travel.^[4] In the book, the main character rides to ancient Greece on a hippogriff to meet Aristotle and Alexander the Great. In *Year 3448* (1833), a Heliudoric love romance set in the future, a traveler visits an imaginary country Bosphorania and sees social and technological advances of the 35th century.

Kabirova A. A. identifies six main genre features inherent in dystopia[1]:

- The "genre essence" of dystopia was assigned to the novel form.
- "Pseudo-carnival" as a structural framework of anti-utopia, in which absolute fear is concentrated, which coexists on a par with reverence for the state. Important components of the pseudo-carnival are the masochism of the man of the masses and the sadism of totalitarianism.

- "quasi-nomination", which consists in the renaming of phenomena, people, objects as a manifestation of power, its claims to the functions belonging to the gods. An artificially created "newspeak", which is based on the maximum possible simplification of the language, becomes an example of the language of a totalitarian state.

B. A. Lanin identified the following signs of dystopia[3]:

- controversy with a utopian project;
- pseudocarnival reality;
- carnival ritualism, the rite of the clownish "wedding of the king";
- eccentricity of the dystopian protagonist;
- ritualization of life;
- the main axis of the conflict - between the individual and the social environment;
- allegorical;
- utopia and dystopia cannot be compared;
- dystopia tells about much more real and easier to guess things than science fiction;
- dystopia borrows countless transformations of time structures from science fiction;

- limited space of dystopia;
- fear - the inner atmosphere of dystopia.

The turn of the 19th-20th centuries is characterized by the fact that positive utopia gives way to negative utopia, predetermining the birth of dystopia. In the 20th century, dystopia takes shape as an independent literary genre, which has its own specific features: “pseudo-carnival”, “quasi-nomination”, “ritualization of life”, etc. The negative consequences of scientific and technological progress and the problems of dehumanization of the individual, as well as the exacerbated socio-political contradictions of the era, contributed to the tragic tones of dystopia.

The anti-utopian genre of the era of the first third of the 20th century in Russian literature is represented by the novel (“Seven Earthly Temptations” by V. Ya. Bryusov (1911), “We” by E. I. Zamyatin (1920)), the story (“Evening in 2217” by N. Fedorov (1906), “Leningrad” by M. Ya. Kozyrev (1925)), a story (“The Death of the Main City” by E. D. Zozulya (1918), “Side Branch” by S. D. Krzhizhanovsky (1929)), drama (“The City of Truth” by L. N. Lunts (1923-1924)), parables (“A Brief Tale of the Antichrist” by V. S. Solovyov (1899)) [4] [5]. The development of the genre was forcibly interrupted during the era of the domination of official socialist realism in the 1930s[6].

The novel “We” by E. I. Zamyatin, written in 1920, describes the mathematically perfect life of the United State, which was formed after the Bicentennial War. The state is fenced off by the Green Wall. Everything in it was geometrically correct, immaculately precise and crystal clear. The state is managed with the help of a totalitarian management model, which forms society as a single organism, in which everything operates according to the laws of the Table of Hours. All aspects of the life of numbers - residents of the United State are subject to state control. The protagonist is D-503, who keeps notes in the form of a diary. The novel shows such signs of dystopia as the rituality of life and the closed system of space, which function within the framework of a specific model of the totalitarian world. The pseudo-carnival is fully expressed in the novel by Yevgeny Zamyatin. Proceeding from the pseudo-carnival nature of the anti-utopia, the presence of carnival elements in the novel follows, such as the election of the Benefactor, the execution on the Day of Justice, the performance of state poets praising the One State. The main images of the novel are the Green Wall, the Integral and the Benefactor.

REFERENCES

1. Rustamovna, Alaudinova D. "Technology Of Teaching Languages." JournalNX, 2020, pp. 180-183.
2. PHRASAL VERB IN MODERN ENGLISH, Адилноза, Научныегоризонты, 01.03. 2019, 4-7
3. [Инглиз тилида коммуникатив қийинчиликларни бартараф этиш йўллари](#), А Дилноза, Учитель 4 (№ 4), 88-91
4. <http://cheloveknauka.com/lingvopersonologicheskoe-funktsionirovanie-printsipov-russkooorfografii#ixzz4y2ZLOUwL>
5. Alaudinova D.R., "The role of innovative technologies in the lesson", International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020
6. Кабирова А. А. Модель мира в современных антиутопиях. Екатеринбург, 2018. С. 15—16.
7. ↑ Юрьева Л. М. Русская антиутопия в контексте мировой литературы. Москва, 2005. С. 73—76.
8. ↑ Ланин Б. А. Анатомия литературной антиутопии // Общественные науки и современность. — 1993. — № 5. — С. 154—163. Архивировано 20 декабря 2016 года.
9. ↑ Перейти обратно:^{1 2} Лазаренко О. В. Русская литературная антиутопия 1900-х — первой половины 1930-х годов: проблемы жанра: автореф. дис. ... канд. фил. наук. — Воронеж, 1997. — 20 с.
10. Alaudinova D. R., Shirinkulova S. M. TRANSLATING PROBLEMS OF MEDICAL ENGLISH TERMS //Преподавание классических языков в эпоху глобальной информатизации. – 2019. – С. 176-178.

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БОЛАЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ГИЖЖАЛАР (ГИЛЬМЕНТ) КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР ВА УШБУ КАСАЛЛИКЛАР ПРОГНОЗИ

Рустам Рахматуллаевич Бахрамов

Самарқанд давлат тиббиёт институти ассистенти

Рустам Паттахович Абдурахмонов

Тошкент ахборот технологиялари университети профессори

Мурод Расулович Маликов

Самарқанд давлат тиббиёт институти доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бутун дунё мамлакатлари ёш болаларида учрайдиган гижжалар (гельмент) острицаларнинг келиб чиқиши ва энтерибиоз касаллигини келтириб чиқариши ҳақида баён этилган. Мақолада гижжа касаллигининг асосий моделини стационар ечимларини барқарорлигини таҳлил қилиш натижасида гижжа касаллигининг инсон танаси учун зарари оғир ҳолатларга олиб келишини ва энтерибиоз касаллигининг прогнози ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Острицалар, гельментлар, математик модель, дифференциал тенглама, алгоритмлар, микроскоп, ҳайвонлар, прогноз.

DISEASES CAUSED BY HELMINTS OCCURING IN CHILDREN OF WORLD COUNTRIES AND PROGNOSIS OF THESE DISEASES

ABSTRACT

This article describes the origin of pinworms (helminths) in young children of world countries and the cause of enteribiosis. In this article, as a result of the analysis of the stability of stationary solutions of the basic model of helminthic disease the damage of the human body by worm disease has been studied and the prognosis of this disease has been made.

Keywords: Pinworms, helminths, mathematical model, differential equation, algorithms, microscope, animals, prognosis.

КИРИШ

Дунё мамлакатлари аҳолиси кўп азият чекиб келаётгани касаллик бу-паразитлардир. Ушбу паразит турларидан бири бу острицадир, острица бу одам паразити бўлиб, энтеробиоз касаллигини қўзғатувчисидир. Бу касаллик бўйича бутун дунё тиббиёт ходимлари кураш олиб боряпти ва илмий журналларда маълумот бериб келишмоқда, бундан ташқари ўтказилган тажрибалари улардан олинган натижаларини, мақола ва тезисларда ёритишмоқда, даволаш профилактика ишларида фойдаланиб келишмоқда. Ҳозирги вақтда олинган натижалар ва тажрибалардан ушбу касалликни даволашнинг замонавий усулларини ўрганиб, амалиётда қўллаб келишмоқдалар.

АҚШ, Европа, Россия, Украина давлатлари олимлари шу жумладан Дж. Э. Траскотт, Н.С. Тернер, С.Н. Фаррелл, Р.М. Андерсон ушбу касаллик бўйича жуда кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Тиббиёт олий ўқув юртлири бир анча кафедралари ушбу касаллик бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Математик модели, алгоритми, дифференциал тенгламалардан фойдаланиши, статистикасини ва ишончлигини баҳолашларига бағишланган. Европа давлатларидаги “London Center for Research on Neglected Tropical Diseases” илмий текшириш маркази олимлари томонидан “Тупроқ орқали юқадиган гильментлар: юқишнинг математик моделлари, дори воситаларини оммавий қабул қилиш таъсири ва юқтиришни йўқ қилиш мезонлари” мавзусида кўплаб тажрибалар олиб борилган. Аристид Г., Ламбура Гаспер, Г. Мванга, З. Ливингстон Люби ва Дмитрий Кузнецов. Биринчи хисоблаш ва коммуникация фанлари ва муҳандислик мактаби. Нельсон Мандел Африка институти, Фан ва технология институти Аруша, Танзания². Компьютер тизимлари ва математика факултети, Арди Университети, Дар-эс-Салам, Танзания³. Кафедра физика, математика ва информатика, Университет Дар-эс-Салама, Танзания⁴.

математика фанлари институти, Стратмора Университети, Найроби, Кения. Мавзу: “Тупроқ орқали юқадиган гильмент инфекциясини optimal бошқариш учун математик model”. Ушбу мавзулар бўйича юқоридаги университет ва институт кафедралари илмий ишлар ва тадқиқотлар ишлари олиб боришган.

14. Ruzmetova, M. TO IMPROVE TEACHING ENGLISH AIMS AND CONTENTS IN BASIC USER LEVEL LEARNERS AT SECONDARY SCHOOLS.

15. Xaldarchayeva, G. (2020). The Importance of Innovative Pedagogical Methods in Teaching English. International Engineering Journal for Research and Development, 5(1), 205-210.

16. Khoshimova, D., Otajonova, D., & Khaldarchayeva, G. (2020). Modern Technologies in Teaching Foreign Languages. Academic Research in Educational Sciences, (3), 504-508.

17. Xoldarchayeva, G. S. (2020). Methods in teaching foreign languages. Science and Education, 1(Special Issue 2), 6-11.



ABDULLA AVLONIY ASARLARI TALABALARDA YUKSAKAXLOQIY FAZILATLARNI SHAKLLANTIRISHDA MUHIM MANBA SIFATIDA

Madina Isroil qizi Ashurova

Toshkent davlat pedagogika universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Maqolada Abdulla Avloniy asarlarida tarbiyaviy qarashlari tahlil qilingan. Abdulla Avloniyning tarbiyaviy faoliyati, asarlaridan talabalarni yuksak axloqiy fazilatlarni shakllantirishda foydalanish masalalari bayon qilingan.

Kalit soʻzlar: tarbiya, shakllantirish, jadidchilik, maorif, ma'naviyat, ma'rifat

ABSTRACT

The article analyzes the educational views of Abdullah Avloni. The issues of Abdullah Avloni's educational activity, the use of his works for the formation of high spiritual and moral qualities among students are outlined.

Keywords: upbringing, formation, Jadidism, education, spirituality, enlightenment

KIRISH

XIX asrning oxiri - XX asr boshida Turkiston madaniyati qator talantli olim, sayyoh, shoir, pedagog, jurnalistlarni yetishtirib chiqardi, ular xalqimizning umumiy madaniy rivojlanishiga juda katta ta'sir ko'rsatdi. Bu davrda Ahmad Donish, Berdaq, Feruz, Muqimiy, Furqat, Zavqiy, Bayoniy, Avaz O'tar kabi olim, shoirlar o'z davrining muhim masalalarini ko'tarib chiqdilar va xalqni ilm-fan, marifatni egallashga undadilar.

XIX asr oxiri XX asr boshidagi o'zbek milliy pedagogikasining mashhur vakillaridan biri - ma'rifatparvar shoir, dramaturg, jurnalist, olim, davlat va jamoat arbobi Abdulla Avloniydir. Uning madaniyatimiz tarixidagi o'rni haqida gap ketganda, ikki jihatini alohida ta'kidlash zarur: pedagogik faoliyati va adabiy - badiiy ijodi. Uning pedagogik faoliyati, ta'lim-tarbiya haqidagi fikrlari XX asrning boshlarida yangi bosqichga ko'tarilgan ma'rifatchilikning xususiyatlarini belgilashda muhim manbalardandir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Atoqli pedagog, dramaturg Hoji Muin o'zining «O'zbekcha alifbolar tarixi» maqolasida 1900-yildan 1925-yilgacha yaratilgan



alifbolarga obzor berib, A. Avloniy «Birinchi muallim » asarini Saidrasul Saidazizovning «Ustodi avval» hamda Munavvarqori Abdurashidxon o'g'lining «Adibi avval» asarlaridan keyin tilga oladi: «Uchinchi — «Birinchi muallim». Bu alifbo 1912-yilda Abdulla Avloniy tomonida yozilib, Toshkentda «Maktab kutubxonasi»ning xarji bilan bosildi. Oktyabr o'zgarishigacha 4—5 qatla bosilib chiqdi». [6]

A. Avloniy mazkur alifbo darsligini yaratishda usuli savtiya metodida yaratilgan dastlabki darsliklarni chuqur o'rgandi, o'zining amaliy pedagogik faoliyatidan keng foydalandi. Muallif alifboni yaratishda bolalarning yosh xususiyatlariga alodida e'tibor berdi, o'qishning eng oson usullarini qo'llashga harakat qildi. Bu haqda A. Avloniy yozadi: «Muhtaram muallim afandilarimizdan rijo qilurmanki, bizning «Birinchi muallim»imizdan ham olub, tajriba qilub, o'qutub ko'rsalar. Chunki har gulning bir isi, har mevaning ta'm va mazasi vordur. Bu «bo'y» va «ta'm» esa tajriba sohiblarina kashf va ma'lum o'lur. Shoyad millat bolalarina foydabaxsh o'lur umidinda bir necha muallimlarimizning iltijolari ila ko'b vaqt tajriba so'ngidan bu risolai ojizonamni «Birinchi muallim» ismi-la maydoni intishora tuydim. Maorifparvar muallim birodarlarimiz iltifotsiz qoldirmasalar kerak».

Abdulla Avloniy o'quvchilarni estetik tarbiyalashda, ularning og'zaki nutqini o'stirishda maktabning pastki sinflaridayoq ifodali o'qish usuliga alohida e'tibor beradi. Shuning uchun ham muallifning ushbu «Birinchi muallim», «Ikkinchi muallim» darsliklari usuli jadid maktablarida ancha keng qo'llangan va bir necha bor qayta nashr qilingan.

Abdulla Avloniyning «Adabiyot yoxud milliy she'rlar» (5 juzdan tashkil toptan) to'plami hamda «Maktab gulistoni» ham maktablarning yuqori sinflari uchun darslik—majmua sifatida yaratilgan. Shuning uchun ham ushbu majmualarga faqat o'zininggina she'rlarini emas, boshqa mualliflarning ham bolalarbop asarlarini kiritgan. Majmualar 1909—1917-yillar davomida nashrdan chiqarilgan, darslik-majmualar ifodali o'qishda asosiy qo'llanma vazifasini bajargan.

Shoir-pedagog A. Avloniy mazkur asarlarida ham o'quvchilarga tavsiya qilgan badiiy matnlarning bolalar bilim saviyasiga mos bo'lishiga, ularni qiziqtirishiga alohida e'tibor beradi.

Chunki u asrlar davomida maktab va madrasalarda darslik sifatida o'qitib kelingan kitoblar bolalarning yoshlik xususiyatlariga, ruhiyatiga, bilim saviyasiga butunlay to'g'ri kelmasligini pedagoglar orasida birinchilardan bo'lib ko'ra olgan va bu to'g'rida baralla fikr bildirishga jur'at qilgan edi.

O'zbekiston Respublikasi taraqqiyotining hozirgi bosqichida yoshlarning ma'naviy qiyofasini shakllantirishda, ulami ilm-ma'rifatli, diyonatli, yuksak axloqli bo'lishlari bilan birga, zamonaviy texnika va texnologiyalarni puxta o'zlashtirib olishlariga katta ahamiyat berilmoqda. O'zbekiston Davlati fuqarosining ma'naviy qiyofasini belgilovchi fazilatlar-vatanparvarlik, insonparvarlik, milliy g'urur, mehnatsevarlik, baynalminalchilik kabilar maktab va o'qituvchining faol ishtirokida, tarbiyaviy ta'siri ostida shakllanadi.

Bugungi kunda yoshlarimizning nafaqat ilmi balki yuksak axloqiy fazilatlarga ega bo'lishi va bu fazilatlarni, ilmiy salohiyatini namoyon qilib Vatanimiz ravnaqiga hissa qoshmoqda. Yurtboshimiz Oliy Majlisga murojaatnomasida ham yoshlarning ta'lim- tarbiyasiga to'xtalib o'tganlar.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasida: "Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib xizmat qilishi lozim.

Ushbu maqsad yo'lida yoshlarimiz o'z oldiga katta marralarni qo'yib, ularga erishishlari uchun keng imkoniyatlar yaratish va har tomonlama ko'mak berish - barchamiz uchun eng ustuvor vazifa bo'lishi zarur. Shundagina farzandlarimiz xalqimizning asriy orzu-umidlarini ro'yobga chiqaradigan buyuk va qudratli kuchga aylanadi.

Shu maqsadda "**Yangi O'zbekiston – maktab ostonasidan, ta'lim-tarbiya tizimidan boshlanadi**", degan g'oya asosida keng ko'lamlı islohotlarni amalga oshiramiz".[1]

Abdulla Avloniy odamlarni xulq xatti-harakat nuqtai nazaridan ikki guruhga bo'ladi: biri yaxshi xulqli kishilar, ikkinchisi yomon xulqli kishilardir. U bunday deydi: Axloq ulamosi insonlarning xulqlarini ikkiga bo'lmishlar: agar nafs tarbiyat topib, yaxshi ishlarni qilurga odat qilsa, yaxshilikka tavsiya bo'lib, "yaxshi xulq" agar tarbiyasiz o'sib, yomon ishlaydurgan bo'lib kesa, yomonligiga tavsiya bo'lib, "yomon xulq atalur".

MULOHAZA VA TAKLIFLAR

Farzand tarbiyasi shaxsiy masala emas, u davlat, jamiyat ahamiyatiga ega bo'lgan buyuk ijtimoiy ishdir, u shu darajada



buyuk ishki, Vatan istiqboli ham, millat taqdiri ham tarbiya bilan bog'liq. Avloniy so'zlari bilan aytganda "tarbiya bizlar uchun yo hayot yo mamot, yo najot yo halokat, yo saodat yo falokat masalasidir". Abdulla Avloniy axloq bergan tar'ifi: Insonlarni yaxshilikg'a chavqruguvchi, yomonlikdan qaytaruvchi bir ilmdur. Yaxshi xulqlarning yaxshiligini, yomon xulqlarning yomonligini dalil va misollar ila bayon qiladurgan kitobni axloq deyilur. Avloniy tarbiyani keng ma'noda tushungan, tarbiyani birgina axloq bilan chegaralab qo'ymaydi. «Sog' tanda, sog'lom aql» degan hikmatning bejiz emasligini yaxshi biladi. U bolaning sog'lig'i haqida qayg'uradi. Uning ta'kidlashicha, badanning salomat va quvvatli bo'lmog'i insonga eng kerakli narsadur. Chunki o'qumoq, o'rganmoq va o'rgatmoq uchun insonga kuchlik, kasalsiz jasad lozimdur.

Avloniyning vijdon haqidagi mulohazalari ham diqqatga sazovor. «Vijdon deb ruhimizga, fikrimizga ta'sir qiladurgon hissiyot, ya'ni sezuv tuymakdan iborat ma'naviy quvvatni aytilur. Biz har vaqt af'olu va harakatimizning yaxshi va yomonligini, foyda va zararligini onjak vijdonimiz ila bilurmiz. Vijdon insonning aql va fikrini haqiqiy mezonidurki, bu tarozu ila o'z kamchiliklarini o'lchab, bilmaq barobar boshqalarning ham fa'ol harakatini sezur. Agar ishlagan ishi sharoit, aql va

hikmatga muvofiq bo'lsa, muhabbat qilur. Qabohat va yomon ishlarni qilsa, nafrat qilur... Vijdon yaxshi ishlarning manbai o'ldig'indin vijdon sohiblari har bir ishni beg'araz, xolis niyat ila ishlar. Shul sababli har kim nazarida maqbul va suyukli bo'lur... Al-hosil, vijdon har kimning af'ol va harakatini ko'rsatadugon musaffo bir oyinadurki, bu ko'zguga chin nazar qilg'on kishi o'z aybu kamchiliklarini tuzatmak harakatida bo'lub, boshqalarning ayb va qusurlarini ohtarmoqg'a vaqti bo'lmas...» [4]. Avloniy tarbiyaning aslini ko'rsatadigan mezon – bu vijdon deydi.

Vatan tuyg'usi eng insoniy, eng mo'tabar tuyg'ulardan biri. Vatan dardi bilan yashamoq, uning baxtidan quvonmoq, u bilan faxrlanmoq kerak. Vatan Onadek muqaddas. Uni qadrlash, e'zozlash, uning shodlik va quvonchiga sherik bo'lish, g'am-hasratini baham ko'rish farzandning burchi. Avloniy vatan va uning oldilagi burchini shunday tushunadi. U deydi: «Har bir kishining tug'ilib o'sgan shahri va mamlakati shul kishining vatani deyilur. Har kim tug'ilgan, o'skon yerini jonidan ortiq suyar. Hatto bu vatan his-tuyg'usi hayvonlarda ham bor. Agar bir hayvon o'z vatanidin - uyuridan ayrilsa, o'z yeridagi kabi rohat farog'atda yashamas. Maishati talx bo'lub, har vaqt dilining bir go'shasida o'z vatanining muhabbati turar» [3; 259-bet].

XULOSA

Farzandlar ham har xil bo‘ladi. Onaning baxtiga sherik bo‘lib, baxtsizligida yolg‘iz tashlab ketuvchi farzandlar ham topiladi. Vatanning ham faqat fusunkor tabiatini, bog‘-rog‘larini hush ko‘radigan, lekin tashvish va g‘amlarini o‘ylamaydigan farzandlari yo‘q emas. Vatanni: u qanday bo‘lmasin, sevish kerak.

«Biz, - deydi Avloniy, - Turkistonliklar o‘z vatanimizni jonimizdan ortiq suyganimiz kabi, arablar arabistonlarini, qumlik issig‘ cho‘larini, eskimo‘lar shimol taraflarini, eng sovuq qor va muzlik yerlarini boshqa yerlardan ziyoda suyarlar. Agar suymasalar edi, havosi yaxshi, tiriklik oson yerlarga o‘z vatanlarini tashlab hijrat qilurlar edi. Bobolarimiz «Qishi yurtida sulton bo‘lguncha, o‘z yurtida cho‘pon bo‘l, demishlar» [3; 255- bet.).

Ulug‘ allomamiz Abdulla Avloniy oilada bolalar tarbiyasini barvaqt boshlagan ma’qul degan barcha mutafakkirlarning fikriga qo‘shilgan holda insonning voyaga yetishida ta’lim-tarbiyaning o‘rni beqiyos ekan, bu jarayonni azaliy an’analarga tayangan holda ta’lim-tarbiyani amalga oshirish lozim deb hisoblaydi. Abdulla Avloniyning ta’lim-tarbiyaga oid oxirgi yozgan asarlarida ilgari surgan ta’limiy-tarbiyaviy g‘oyalari, ko‘plab nazariy mulohazalari ushbu asarlari qoshidan joy olgan bo‘lib, ularni mufassal tadbiq etish milliy ma’naviyatimizni xolis anglab yetishda bugungi avlodlar uchun benazir manba va asos bo‘lib xizmat etadi.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. 2020-yil. 5-bet
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
3. Авлоний Абдулла. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. –Т., Маънавият, 1988. 93-б.
4. Бегали Қосимов, Шухрат Ризаев. Абдулла Авлоний (1878-1934) - <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/milliy-uygonish/begali-qosimov-shuhrat-rizaev-abdulla-avloniy-1878-1934/>
5. Мунавваров А. “Педагогика”. -Т. 1996 й.
6. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. - Т.: Фан, 1993. -113 б.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIGA JADVALDAN TASHQARI KO'PAYTIRISH VA BO'LISHNI O'RGATISHNING MAZMUN, SHAKL VA VOSITALARI

Sayyora Baxtiyor qizi Xo'jaqulova

Guliston davlat universiteti Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi
(boshlang'ich ta'lim) ta'lim yo'nalishi 2-bosqich magistranti

ANNOTATSIYA

Boshlang'ich ta'limning muhim masalalaridan biri o'quvchilarda ongli va mustahkam hisoblash malakalarini shakllantirish hisoblanadi. Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilariga jadvaldan tashqari ko'paytirish va bo'lishni o'rgatishning mazmuni, shakl, metodlari va vositalari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: Boshlang'ich sinf, dars, ta'lim, matematika, jadvaldan tashqari ko'paytirish, jadvaldan tashqari bo'lish, metod, usul, vosita.

KIRISH

Jadvaldan tashqari ko'paytirish va bo'lish. Maktabda matematikaning o'qitish o'z oldiga zamonaviy jamiyat talablariga javob beruvchi va har bir maktab bitiruvchisiga uning kelgusi yetuklik hayotida erkin va mustaqil amaliy faoliyat ko'rsata olishga imkoniyat yaratuvchi bir nechta kafolatlangan matematik tayyorlangan darajalarini ta'minlash maqsadini qo'yadi. Matematikani o'rganish o'quvchini uning amaliy faoliyatida zarur bo'ladigan, qo'shimcha fanlarni o'rganishga yordam beruvchi, ta'lim olishni davom ettirishga asos bo'luvchi aniq matematik bilimlar bilan qurollantiradi. U o'quvchilarning fikrlash sifatini shakllantirish bilan ularning aqliy rivojlanishlariga ulkan hissa qo'shadi. Bu o'z navbatida matematik faoliyat uchun xarakterli bo'lgan va insonga jamiyatda to'laonli ishtirok etish uchun zarur bo'lgan sifattir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Matematikani o'rganish kishilarni insonparvarlik madaniyatini shakllantirishga imkon yaratadi. Matematika haqida, uning borliqni bilishning tavsif va metodlari shakli sifatida, umuminsoniy madaniyatning bir qismi shaklida tasavvur etilishini, jamiyat taraqqiyoti uchun muhimligini ochib beradi.

100 ichida jadvaldan tashqari ko'paytirish 30*2 va 36*2 ko'rinishidagi hollar uchun turli hisoblash usullari yordamida



o'rganiladi. Birinchi, hollar o'nliklarni ko'paytirishga keltiriladi va shunday qilib, 30 - bu 3 ta o'nlik ekanini tushunishni va ko'paytirish jadvalini bilishni (3 o'nlik*2=6 o'nlik yoki 60) talab qiladi.

2*30 hollarida o'quvchilar ko'paytirishning o'rin almashtirish hossasidan foydalanishadi ($2*30=30*2$), 3 o'nlik 2 ga ko'paytiriladi. $36*2$ ko'paytmani hisoblash usuli ko'paytirishning yig'indisiga nisbatan taqsimot hossasini bilishni talab qiladi. O'quvchilar uchun bu hossa yig'indini songa ko'paytirishning mumkin bo'lgan ikki hossasi sifatida qarab chiqiladi.

O'quvchilarning mulohazalari: " Bitta taqsimchada nechta meva borligini sanash mumkin ($4+3=7$). Keyin hamma taqsimchada nechta meva borligini sanash mumkin ($7*5=35$). O'qituvchi yechimni doskaga yozadi: ($4+3$)* $5=7*5=35$ -- yig'indini songa ko'paytirganda avval sonlarning yig'indisini topish (qavs ichidagi amalni bajarish), keyin esa yig'indini songa ko'paytirish mumkin.

Lekin boshqacha yechish ham mumkin: taqsimchalarda hammasi bo'lib nechta olma borligini topish, keyin hamma taqsimchada nechta nok borligini va nihoyat, taqsimchalarda hammasi bo'lib nechta meva borligini topish. Bunda yechilishi quyidagicha bo'ladi: ($4+3$)* $5=4*5+3*5=20+15=35$. Bu yerda avval har bir qo'shiluvchi songa ko'paytiriladi, keyin yig'indilar qo'shiladi. Bu yig'indini songa ko'paytirishning ikkinchi usuli. O'quvchilar aniq misollarda yig'indini songa ko'paytirishning qulay usulini tanlashni o'rganishadi: ($6+4$)* 9 . Bu yerda yig'indini topish qulay ($6+4=10$), chunki uni 9 ga ko'paytirish oson ($6+4=10$, $10*9=9*10=90$). ($10+6$)* 5 . Bu yerda har bir qo'shiluvchining 5 ga ko'paytirish qulay, chunki 16 ni 5 ga ko'paytirishni bilmaymiz ($10+6=16$. $16*5=?$). Shuning uchun bunday hisoblaymiz: ($10+6$)* $5=10*5+6*5=50+30=80$. Shundan so'ng o'quvchilarga 4 ta 500 so'mlik tanga va 4 ta 100 so'mlik tanga ko'rsatish, hammasi necha so'm bo'lishini hisoblashni va buni misol tariqasida yozishni taklif qilish qulay. $600*4=(500+100)*4=500*4+100*4=2000+400=2400$

Shunga o'xshash misollarni yechishda o'quvchilar mulohaza yuritishadi, masalan: $24*3=(20+4)*3=20*3+4*3=60+12=72$, 24 ni 3 ga ko'paytirish uchun 24 ni o'nlik va birliklar ko'rinishida ifodalaymiz, bu $20+4$ bo'ladi: har bir qo'shiluvchini 3 ga ko'paytiramiz: $20*3=60$. $4*3=12$, bu sonlarning yig'indisini topamiz: $60+12=72$, demak, $24*3=72$. So'ngra o'quvchilarga o'rin almashtirish hossasidan foydalanib yechish tushuntiriladi.

Jadvaldan tashqari bo'lishda quyidagi ko'rinishdagi holatlar qaraladi: 60:3, 100:2, 80:20, 64:4 va 64:16. Yaxlit sonlarni bir xonali songa bo'lib, o'quvchilar jadvaldan tashqari

ko'paytirishdagidek mulohaza yuritishadi: "80-bu 8 ta o'nlik, 8 ta o'nlik :2=4 ta o'nlik, yoki 40.

80:20 ko'rinishdagi bo'lishda o'quvchilar ularni o'nliklar kabi bo'lishadi. 8 ta o'nlikni 2 ta o'nlikdan qilib bo'lishganda 4 chiqadi. 80:2 va 80:20 ko'rinishdagi misollarni taqqoslashda alohida e'tibor berish lozim. O'quvchilar ko'pincha ularni chalkashtirishadi va bunday xatoga yo'l qo'yishadi: 80:20=40. Bu turdagi xatoliklarning oldini olish uchun bu holatlarni taqqoslab, tanish bo'lgan ko'rsatmalilikdan foydalanishga (cho'plar bog'lamlariga) qaytish kerak.

Bo'lishning keyingi usullarini o'zlashtirish maqsadida o'qituvchi quyidagi ko'rinishdagi tayyorgarlik mashqlarini o'tkazsa, maqsadga muvofiq bo'ladi:

1. Har bir son uchun shunday bo'luvchini tanlangki, bo'linmada 10 soni hosil bo'lsin: 30, 40, 50, 60, 70, 80. Topshiriq yozma ravishda bajariladi: 30:3=10, 40:4=10 va hokazo.

2. 30, 40, 80 soni qanday bir xonali sonlarga bo'linadi? Topshiriqni bajarishda 1 sonini ham hisobga olish kerak, ya'ni daftardagi yozuv bunday ko'rinishda bo'ladi: 30:1=30, 30:2=15, 30:3=10, 30:5=6, 30:6=5.

Ikki xonali sonni ikki xonali songa bo'lish.

Ikki xonali sonni ikki xonali songa bo'lish ko'nikmasini shakllantirish 100 ichida ko'paytirish va bo'lish jadvallarini yaxshilab bilishiga, ikki xonali sonni bir xonali songa ko'paytirish ko'nikmasiga, ko'paytirish va bo'lish orasidagi bog'lanishni tushuntirishiga tayanadi. Ikki xonali sonni ikki xonali songa bo'lishda bo'linmani topishning to'g'riligini o'quvchilar bo'lish va ko'paytirish amallari bilan tekshira olishlari kerak. Masalan:

$$45:15=3$$

$$15*3=45$$

$$45:3=15$$

Ikki xonali sonni ikki xonali songa bo'lishning asosiy usuli bo'linmani sinashlar usuli bilan tanlashdan iborat. Masalan, 51 ni 17 ga bo'lish kerak. Bunday savol qo'yiladi: 51 hosil bo'lishi uchun 17 sonini qanday songa ko'paytirish kerak? 2 ga ko'paytirib ko'ramiz.(17*2=34, to'g'ri kelmaydi). 3ga ko'paytirib ko'ramiz (17*3=51, demak, 51:17=3). Bu usulni qarash vaqtida o'quvchilarni bo'linmani tanlashga samarali yondashishga o'rgatish muhim, chunki sonlarni ketma-ket tanlash ko'pincha ortiqcha qo'pol mulohazalarga olib keladi. Bo'linmani tanlashni yengillashtiruvchi usullar mavjud. Masalan, agar o'quvchi 7 sonini ko'paytirishda hosil bo'ladigan sonlar qatorini yaxshi bilsa, u holda 51 sonini 17 ga bo'lishda 3 sonini darhol sinashiga

ishonch hosil qilish oson, chunki 7 sonini faqat 3 ga ko'paytirganda bir bilan tugaydigan son hosil bo'ladi. 72 ni 18 ga bo'lganda, shunga o'xshash darhol sinab ko'rish bilan 4 sonini sezish oson va hokazo. Ushbu 44:11, 99:11 ko'rinishidagi misollarda bo'linma qanday bo'lishini darhol sezish oson. 48:24, 99:33 ko'rinishidagi holatlar uchun bo'linuvchining va bo'luvchining o'nliklari sonini taqqoslab, birinchi holat uchun darhol 2 sonini, ikkinchi holat uchun 3 sonini sinab ko'rishni sezish oson. Bir qancha misollarni turli xil usullar bilan yechilishni qarab chiqamiz:

Bo'linmani sinash usuli bilan tanlash: 91:13

91 hosil bo'lishi uchun 13 ni qanday songa ko'paytirish kerakligini o'ylab ko'ramiz. Avval 13 sonini 2 ga ko'paytirib ko'ramiz 26 hosil bo'ladi. 2 soni to'g'ri kelmaydi. 13 ni 3 ga ko'paytirib $13 \cdot 3 = 39$, bizda esa 91 bo'lishi kerak. 3 soni ham to'g'ri kelmaydi.

Bo'linmani bo'linuvchi va bo'luvchining oxirgi raqamidan foydalanib, ko'paytirish jadvalini bilish bilan topish. 91 soni 1 raqami bilan tugaydi. Uchga ko'paytirish jadvalini eslaymiz. 3 sonini qanday songa ko'paytirsak, ko'paytirma 1 raqami bilan tugaydi? Bu son 7, chunki $3 \cdot 7 = 21$. U bo'linma sifatida to'g'ri keladimi, tekshiramiz: $13 \cdot 7 = 91$. Demak $91:13 = 7$. Bu holda bo'linmani tanlab olish uchun ko'paytirishga doir faqat bitta misolni yechish kifoya bo'ldi. Sinash usuli bilan yechilganda esa ko'paytirishga doir 6 ta misolni yechishga to'g'ri kelgan edi. Bo'linmani bo'linuvchining va bo'luvchining oxirgi raqami hamda to'rtinchi ko'paytirish jadvali bo'yicha topish uchun o'quvchi bor-yo'g'i ikkita sonni 2 va 7 ni tekshirib ko'rishi zarur, chunki

$$14 \cdot 2 = 28$$

$$17 \cdot 7 = 98$$

Demak, $98:14 = 7$. 4 sonini 2 ga ko'paytirilganda va 7 ga ko'paytirganda ko'paytmalar 8 raqami bilan tugaydi.

Ikki xonali sonni ikki xonali songa bo'lishda bo'linmadagi raqamni tanlashda amallar sonini qisqartirish matematika kursining muhim masalalaridan birini yanada muvaffaqiyatli o'zlashtirishga imkon beradi.

REFERENCES

1. Boshlang'ich ta'lim bo'yicha yangi tahrirdagi Davlat ta'lim standartlari. Boshlang'ich ta'lim. Toshkent: 2005 yil 5-son.
2. Axmedov M, Abduraxmonova N, Jumayev M. «Matematika». O'qituvchi kitobi. 2003 yil.



3. Bikboyeva N.U. va boshqalar. «Boshlang`ich sinflarda matematika o`qitish metodikasi». O`quv qo`llanma. 1996 yil.
4. Bikboyeva N.U. va boshqalar. «Matematika 2-darslik». Toshkent: «O`qituvchi» - 2003yil.
5. Jumayev M va boshqalar. «1-sinf matematika daftari». 2003 yil.
6. Boshlang`ich ta`lim 2009 yil 5-son
7. 2-sinf matematika darsligi.



ALBUCA BRACTEATA – HIND PIYOZINI ETISHTIRISH USULLARI VA SHIFOBASHSHLIK XUSUSIYATLARI

N. E. Yuldasheva

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

M. Aminova

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

T. X. Maxkamov

Toshkent davlat agrar universiteti

mturobzhon@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Maqolada dorivor o'simlik *Albuca bracteata* (Thunb.) J.C.Manning & Goldblatt – Hind piyozi (Asparagaceae) ni botanik tavsifi, tarqalish areallari, etishtirish usullari va shifobahshlik xususiyatlari keltirilgan.

Kalit soʻzlar: *Albuca bracteata*, tabiiy antioksidant, koʻpaytirish, etishtirish

ABSTRACT

The article provides a botanical description, distribution areas, cultivation methods and medicinal properties of the medicinal plant *Albuca bracteata* (Thunb.) J.C. Manning & Goldblatt (Asparagaceae).

Keywords: *Albuca bracteata*, natural antioxidant, reproduction, cultivation

KIRISH

Hozirgi kunda jahonda introduksiya qilingan dorivor o'simliklardan foydalanib fitopreparatlar yaratish, ularning xomashyosini xalqaro standartlar talabiga mos kelishini aniqlash, o'zga hudud florasiga mansub bo'lgan qimmatbaho, fitokimyoviy tarkibga boy bo'lgan istiqbolli turlarni yetishtirishga e'tibor qaratilmoqda. Bu borada, o'simliklarni introduksiya sharoitida morfogenez qonuniyatlarini o'rganish, chet el florasiga mansub o'simliklarning vegetativ va generativ organlarining hajmini va ekish masofasini o'sish jarayoniga va hosildorligiga ta'sirini aniqlash, introduksion o'simliklarni ko'paytirish va yetishtirish usullarini ishlab chiqish hamda introduksion baholash, keng masshtabli plantatsiyalarini tashkil

etish alohida ahamiyatga ega. Shuningdek, dunyoda aholi sonining ortib borishi hisobiga flora va dorishunoslik borasida yuqori istiqbolli eksportbop o'simliklarning tarkibini shakllantirish, tanlash va xomashyosiga bo'lgan ehtiyojlarni qondirish, o'simliklarni turli tuproq-iqlim sharoitida yetishtirishning samarador usullarini ishlab chiqish zaruriyatlari mavjudligini ko'rsatadi. Shunga ko'ra, o'simliklarning fitokimyoviy tarkibini tahlil qilish asosida import o'rnini bosuvchi sifatli xomashyo olish, yuqori koeffitsientga va iqtisodiy samaradorlikka ega introdutsent turlarni ko'paytirish muhim ahamiyatga ega.

Respublikamizda oxirgi yillarda farmatsevtika ishlab chiqarishida keng ko'lamli islohotlar olib borilib, bu borada, ayniqsa, mahalliy farmatsevtika sanoatini rivojlantirish va dorivor o'simliklar xomashyo bazasini yaratishga katta e'tibor qaratilmoqda. Mazkur yo'nalishda dorivor o'simliklarning xomashyosini ko'paytirish hamda ularning sanoat plantatsiyalarini tashkil etish, biologik faol moddalarining sifat va miqdor ko'rsatkichlari bo'yicha qiyosiy taqqoslash va istiqbolli navlarini saralash borasida muhim natijalarga erishildi [1,2,3,4,5]. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "farmatsevtika sanoatini yanada rivojlantirish, aholi va tibbiyot muassasalarini arzon, sifatli dori vositalari bilan ta'minlash" vazifalari belgilab berilgan. Ushbu vazifalardan kelib chiqqan holda *Albuca bracteata* o'simligini keng masshtabli plantatsiyalarini tashkil etish, respublikamiz sharoitida o'sish va rivojlanishini asoslash, fitokimyoviy tarkibini aniqlash, ko'paytirish yo'llarini ishlab chiqish, introduksion baholash va amaliyotga joriy etish muhim ilmiy-amaliy ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Albuca bracteata (Thunb.) J.C.Manning & Goldblatt – Hind piyozi Asparagaceae oilasiga mansub bo'lib, olimlar hanuzgacha qayerdan kelib chiqqanligi to'g'risida umumiy fikrga kelisha olmaydilar. Ba'zi olimlar uning vatani Janubiy Afrika va u erdan XV asr oxirida O'rta er dengizi mamlakatlariga, so'ngra Hindiston va Xitoyga etib borgan degan fikr bildirishadi. U Rossiyaga 20-asrning o'rtalarida Germaniyadan Leningrad Botanika institutiga olib kelingan. O'zbekistonga qachon olib kelinganligi to'g'risida aniq malumot mavjud emas. Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy asarlarida ham o'simlik to'g'risida malumot keltirilmagan [6]. Ehtimol, o'simlik xususiy uylar va bog 'uchastkalariga 20 asrning 2 yarmida kirgan bo'lishi mumkin. Bu o'simlik hind piyozi deb nomlanishiga barglaridan chiqadigan sharbati hindistonning achchiq ziravorlariga o'xshab ketgani va u joyda ko'lab miqdorda

etishtirilgani sabab bo‘gan bo‘lishi mumkin. *Albuca bracteata* vatani Janubiy Afrika hisoblanadi (Keyp viloyatlari va Kwazulu –Natal). U shuningdek tropik sharqiy Afrikada uchraydi, u yerlarda *Albuca bracteata* mahalliy yoki olib kirilgan bo‘lishi mumkin. U yerdan Markaziy va Janubiy-Sharqiy Yevropaga, so‘ngra Hindiston va Xitoyga tarqalgan. U o‘rmonlarda, o‘rmon chekkalarida va himoyalangan yon bag‘irlarda o‘sadi. 2012-yilga kelib, tabiiy sharoitdagi o‘simlikning populyatsiyasi barqaror bo‘lib boradi. O‘simlik dengiz sathidan 0-300 m balandlikda o‘sadi [7].

O‘rta yer dengizi aholisi bu o‘simlikning dorivor xususiyatlari haqida ikki ming yildan ko‘proq vaqt oldin tavsiflab o‘tishgan. Keyinchalik u manzarali o‘simlik sifatida – Fransiya, Italiya va Gollandiyada bog‘bonlar tomonidan yetishtirilgan. *Albuca bracteata* turli kasalliklar jumladan: quloq, tish, milk, to‘piq o‘smasi, osteoxandroz, burun kasalliklari, ko‘karishlarni ketkazishda foydalanilsa ijobiy foyda beradi. Asosan sharbat va nastoyka shaklida foydalaniladi. *Albuca bracteata* birinchi marta 1794-yilda Karl Peter Thunberg tomonidan *Ornithogalum bracteatu* deb ta’riflangan [7]. Molekulyar filogenetik tadqiqotlar asosida, Ornitogalumning boshqa turlari bilan birga ushbu tur ham 2009-yilda *Albuca* turkumining sinonimiga tushirilgan [8].

Bu dorivor va manzarali o‘simlik bir necha o‘n yillar oldin juda ham mashhur bo‘lgan bo‘lib, odamlar bu shifobaxsh o‘simlikni o‘zlarining deraza tokchalarida ko‘rishlari uchun har qanday usulda kichik piyozchasini olishni istashgan. Vaqt o‘tganidan so‘ng, bu o‘simlik unutildi, deyarli hech kim uni ehtiyoj uchun talab qilmay qo‘ydi. Ammo uning shifobaxsh xususiyatlari yo‘qolgani yo‘q, u hali ham ko‘plab tokchalarda xona o‘simligi sifatida o‘sadi, garchi uni faqat uning sadoqatli muxlislari tibbiy maqsadlarda ishlatsalarda.

Dorivor o‘simliklarni antioksidant ta’sirga ega ekanligi (flavonollar, flavonlar, antosiyaninlar, katexinlar va izokatexinlarning mavjudligi bilan bog‘liq) aniqlangan [9]. Antioksidantlar katalitik metallarni xelatlash, reaktiv moddalarni tozalash qobiliyati tufayli kislorod turlari va erkin radikallar keltirib chiqaradigan oksidlovchi zararni oldini olish uchun yakuniy elektron qabul qiluvchi sifatida harakat qilib, spontan reaksiyalarni to‘xtatadi [10]. Oksidlanish shikastlanishi diabet, saraton, ateroskleroz, artrit, neyrodegenerativ kasalliklar va qarish kabi degenerativ kasalliklarda muhim etiologik omil hisoblanadi [11]. Qandli diabetning glaukoma, katarakt shakllanishi, neyropatiya va nefropatiya kabi asoratlari antioksidantlar yordamida yaxshilanishi mumkin. Butillangan gidroksianizol (BHA) va butilatlangan gidroksitoluol (BHT) kabi keng tarqalgan bo‘lib qo‘llaniladigan mavjud sintetik antioksidantlar nojo‘ya

ta'sirlardan xoli emas va ular xavfsiz emasligi xabar qilingan [11], shuning uchun bu sintetik antioksidantlarni o'simliklardan olinadigan tabiiylari bilan almashtirish zarurati mavjud. *Albuca bracteata* – Janubiy Afrikaning Sharqiy Keyp provinsiyasida an'anaviy tabiblar tomonidan qandli diabetni davolash uchun ishlatilgan [12]. *Albuca bracteata* saraton kasalligini davolashda ham ishlatilib kelingan [13].

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Albuca bracteata asosan uy o'simliklari sifatida yetishtiriladi. Piyoz asosan issiq va yumshoq quruq tuproqni va yorqin quyosh nurini talab qiladi, ammo kuchli issiqlik va yorug'lik to'qimalarini kuydirishi mumkin. Urug'larining unib chiqishi va yashashi uchun izchil sug'orish talab etiladi. Voyaga yetgan o'simliklar sug'orish orasida ozgina quruq holda turishdan foyda ko'radi. Qish oylarida bu o'simlikning o'sishini sustlashishi uchun uni va piyozchalarini sovuqroq haroratda saqlash tavsiya etiladi.

Albuca bracteata vegetativ va generativ usulda ko'payadi. Piyozchasi orqali ko'paytirish eng keng tarqalgan usul bo'lib, bunda yosh piyozchalar ona piyozchasidan ajratilib ekiladi. Urug'larni yetishtirish genetik o'zgarishni ta'minlaydi. Hind piyozi shimoliy va soyali deraza tokchalarda yaxshi o'sadi, u yerga issiq quyosh nurlari tushmasligi kerak. Qish mavsumida hind piyozlari haddan tashqari ko'payib ketishidan himoya qilish uchun ularni +10-12 °C haroratda saqlash zarur. Ekish uchun yirik qum va ko'mir bo'laklarini aralashtirib, oddiy unumdor yengil tuproqlardan foydalanish kerak. Uzunligi 60 sm (2 fut) va kengligi 2,5 sm (1 dyum) bo'lgan bilaguzuk shaklidagi barglari asosan yerdan baland bo'lgan piyozchadan chiqib turadi (1-rasm).

Ildizlari oq va sersuv. Diametri 0,5 sm va yashil. Ko'plab mayda, xushbo'y, oq gullar bo'yi 70-90 sm ga yetadigan gulbandlarda joylashgan. gullash odatda bahordan to qishning boshigacha (shimoliy yarim sharda maydan avgustgacha) sodir bo'ladi, har bir novdada 50-100 gacha gullar bo'lishi mumkin. Meva kapsulalari uzunligi 10 mm va diametri 6 mm.

Urug'lari uzunligi 4 dan 1,5 mm gacha uzun bo'lyi bo'ladi. *Albuca bracteata* – bu kriptofit o'simlik hisoblanadi, chunki barglari qurg'oqchilik davrida qayta tiklana oladi.

Oxirgi qayta tasniflash 2009 yilda filogenetik tadqiqotlar natijalariga ko'ra amalga oshirilgan, o'shanda Jon Manning va Piter Goldblat o'simlikni Albukaga sinonimga tushirgan va o'zgarishlar ilmiy jamoatchilikning katta qismi tomonidan qabul qilingan [8].



1-rasm. *Albuca bracteata* ning ko‘rinishi

Yo‘g‘on, piyozsimon poyali ko‘p yillik o‘t. Tabiiy sharoitda, bargli poyalar issiq quruq mavsumda, o‘simlik o‘shini to‘xtatganda quriydi. Poyasi taxminan 10 sm uzunlikda. Bazal barglari 8-12 dona, belbog'simon, psevdosukkulent, uzunligi 40-100 sm, ba‘zan 1,5 metrgacha boradi. Barglarining uchlari o‘ralgan. 70-90 sm uzunlikdagi to‘gul hosil qiladi. U 50-100 (ba‘zan 300 tagacha) mayda, bir oz xushbo‘y yulduzsimon gullardan iborat. Gulbarglari 6 dona, rangi oq, markazida och yashil chiziqli. Bitta piyozchadan odatda 1-3 dona to‘pgul paydo bo‘ladi. Gullash maydan avgustgacha davom etadi.

Evropada 19-asrning boshlarida introduksiya qilingan. O‘zining oddiy o‘sh sharoitlari va quyoshga bo‘lgan munosabati tufayli u juda keng tarqaldi, shuningdek, issiq qishli hududlarda ochiq dala o‘simlik sifatida ekila boshlandi. 60-yillarida Rossiyaga kelgani haqida ma‘lumot bor. Hozirgi vaqtda bu tur ko‘plab mamlakatlarda, jumladan Shimoliy Afrika, O‘rta er dengizi mamlakatlari, Markaziy va Sharqiy Evropa, G‘arbiy Osiyo va Amerikada etishtiriladi [7].

Agrotexnika. *Albuca bracteata* odatda psevdosukkulent o‘simlik bo‘lib, piyozining tarkibida to‘plangan suv tufayli tuproqda namlikning uzoq vaqt yo‘qligiga osonlikcha toqat qiladi va qurib qolgan barglar birinchi sug‘orishdan keyin tezda tiklanadi. Xona sharoitida u doimo yashil o‘simlik sifatida o‘stirilishi mumkin, ammo tabiiy siklga rioya qilish va piyozlarni 2-4 oylik qishki dam olish davri bilan ta‘minlash yaxshiroqdir. Tabiiy davrlar sug‘orish rejimi bilan tartibga solinadi – kuzda, sentyabr-oktyabr oylarida u butunlay to‘xtatiladi, barglar quritilishiga ruxsat beriladi va o‘simlik

bahorgacha xona haroratida qorong'i joyda saqlanadi. Fevral-aprel oylarida, agar kerak bo'lsa, piyozchalarni ekish yoki oddiygina yangi tuproqqa ko'chirish mumkin, keyin quyoshli joyga ko'chiriladi va sug'orish asta-sekin tiklanadi. Albuka hech qanday maxsus qishloq xo'jaligi amaliyotini talab qilmaydi. O'sish davrida muntazam oziqlantirish amalga oshiriladi va tuproqning yuqori qatlami quriganidan keyin singdirib sug'oriladi. Uzoq muddatli haddan tashqari quritish bilan o'simliklarni tinim davriga sun'iy o'tkazish mumkin. Agar o'simliklar dorivor sifatida o'stirilsa, unda generativ organlar paydo bo'lgandan so'ng darhol olib tashlanadi, bu tufayli kattaroq piyozchalar hosil bo'lashiga olib kelinadi.

Harorat. Albuka 24 °C gacha bo'lgan o'rtacha haroratni afzal ko'radi, garchi u kuchli issiqlikka osongina toqat qiladi. Tinim davrida piyozlar -4 °C gacha bo'lgan haroratga bardosh beradi, ammo bu sharoitlar noqulaylik tug'diradi.

Yorug'lik. Tur yorqin nurni afzal ko'radi va to'g'ridan-to'g'ri quyoshda o'sishi mumkin, janubiy hududlar bundan mustasno, ortiqcha yorug'lik issiqlik bilan birgalikda barglarning deformatsiyasiga olib keladi. Amalda, Albuka ko'pincha qisman soyada saqlanadi, ammo bunday sharoitda barglar kuchli o'sadi, ingichka, xunuk bo'lib qoladi va osongina sindiriladi. Bundan tashqari, soyada zaifroq bo'ladi yoki gullash umuman sodir bo'lmaydi.

Tuproq. Substrat uchun asosiy talab uning yaxshi drenajidir. Dekorativ bargli o'simliklar yoki sukkulentlar uchun torf tuproqlari asos sifatida ishlatiladi. Ularga organik kukunlari qo'shiladi - yuvilgan qum yoki perlit, shuningdek, oz miqdorda chirindi qo'shis mumkin, chunki Albuka bunday qo'shimchalarga yaxshi javob beradi va piyozchalarning hajmi kattaroq bo'ladi. Tuproqdagi ortiqcha organik moddalar, shuningdek, ortiqcha sug'orish va og'ir substrat bilan tuproq ildiz va piyozning chirishiga olib kelishi mumkin.

Ekish. Albuka piyozi tuproqning yuza qatlamiga ekiladi. O'simlikning ildiz tizimi juda kuchli va o'sish uchun silindrsimon idishlarni tanlash tavsiya etiladi. Idishlarning diametri piyozning o'lchamidan bir yarim-ikki marta (odatda 16-18 sm) bo'lishi kerak. Albuka bir necha yil davomida ko'chirilmasdan yaxshi o'sishi mumkin, lekin yangi barglar o'sishi boshlanishidan oldin har yili substratni o'zgartirish yaxshidir.

Havoning namligi. O'simlik yuqori namlikni talab qilmaydi va normal sharoitda o'sishi mumkin.

Vegetativ ko'payish. Yangi hosil bo'layotgan piyozchalar ona piyozning substratga yaqin qismida hosil bo'lib, ular no'xat hajmigacha o'sib, bitta barg hosil qiladi (2-rasm).





2-rasm. Yangi hosil bo'layotgan piyozchalar

"Bolalar" salqin sharoitda 2 yilgacha saqlanishi mumkin yoki ular darhol alohida idishga o'tkaziladi va tuproq yuzasida qoldiriladi yoki nozik bir substrat qatlami bilan tepaga ozgina sepiladi. Nam tuproqda ular tezda ildiz otadi va yangi barglarni chiqaradi. Shuningdek, Albuka 2-3 yil ichida hosil bo'lgan piyozning uyasini bo'lish orqali ko'paytiriladi. Bahorda, faol o'sish boshlanishidan oldin, ular ehtiyotkorlik bilan ajratiladi va alohida idishlarga joylashtiriladi.

Urug'larni ko'paytirish. Albuka urug'ini odatda uy sharoitida o'stirish oson. Ekish perlit qo'shilgan substrat yuzasida amalga oshiriladi. Idish namlikni saqlab turish uchun shisha yoki plastik qop bilan qoplangan, qisman soyada yoki sun'iy yorug'lik bilan jihozlangan joyda joylashtiriladi. Yosh o'simliklar uchun etarli yorug'lik bilan ekish har qanday vaqtda amalga oshirilishi mumkin, ammo bahor oxiriga kelib u bilan mos kelishi yaxshiroqdir.

Kasalliklar va zararkunandalar. Albukaning zararkunandalar va kasalliklar tomonidan zararlanishi haqida ma'lumot yo'q. Haddan tashqari sug'orish va yomon drenajlangan substrat ildizlar va piyozlarning chirishiga olib kelishi mumkin. Uzoq muddatli haddan tashqari quritish barglarning so'lishi va barglarning to'liq nobud bo'lishi bilan uyqu holatiga o'tishiga olib keladi [7].

Albuca bracteata ning shifobahshlik xususiyatlari. Hind piyozi xalq tabobatida uzoq vaqtdan beri ma'lum bo'lgan o'simlikdir. Hind piyozi deyarli barcha kasalliklarni davolashda ishlatiladi. *Albuca bracteata* o'simligining asosan barg shirasi xalq tabobatida juda keng qo'llaniladi. Asosan sharbat va nastoykalar shakliga keltirib turli yallig'lanish kasalliklarida foydalaniladi. Sharbati bilan davolash uchun barglardan foydalaniladi. Sharbatni turli usullar bilan ishlatish mumkin. Ko'karishlar: bir necha qavatdagi bintni piyoz sharbati bilan namlanadi va ko'karishlar, yaralar, kesiklarga qo'llaniladi. Periodontal kasallik:

bir necha qatlamlarga o'ralgan bint piyoz sharbat yoki damlamasi bilan namlanadi va kerakli joyga surtiladi. 1-2 daqiqa ushlab turiladi. Tish og'rig'i va periodontal kasallik uchun suyultirilgan 1:1 nisbatda barg sharbati yoki damlamasi bilan yuvishingiz mumkin. Hind piyoz sharbati chivin, ari va boshqa hasharotlar chaqqanda ham ishlatiladi. Radikulit: piyoz sharbati va damlamasi immunitetni kuchaytiradigan eng yaxshi vositalardan biri hisoblanadi. Ayni paytda, sharbat yoki damlamani ishlatishning atigi ikki yoki uchta protsedurasi ahvolimizni yengillashtiradi va darhol yengillik his qilinadi. Shaxsiy dozani va ta'sir qilish vaqtini to'g'ri aniqlash muhim. Albatta, buni empirik tarzda bajarish kerak bo'ladi, chunki turli organizm bir-birimizdan farq qiladi. O'simlikning sharbati qizdiruvchanlik xususiyati uchun uni ehtiyotkorlik bilan ishlatib; sezgir teriga ega odamlar rezina qo'lqopdan yara joylariga silab tekkazish yetarli, hech qanday holatda sharbat ko'zga tushmasligi kerak. Osteoxondroz: hind piyozining 1 ta katta bargini taxminan 1×1 sm o'lchamdagi bo'laklarga bo'linib, umurtqani odekolon yoki spirt bilan artib oling. Barg qismlari umurtqaning og'riqli joylariga yotqizilib, barglarni yopishqoq gips bilan mahkamlaydi. 20-50 daqiqa ushlab turing. Ammo kuchli qizdirish hissi bo'lsa, kuyish bo'lmasligi uchun barglarni darhol olib tashlash kerak. To'piq o'smasi: 1 ta kartoshkani po'sti bilan birga maydalab, piyozning 1 ta to'g'ralgan bargini qo'shing. Aralashmani topiq ustiga yoyib, bog'lab qo'ying. Ustidan polietilen bilan yoping. Kompres bir kun davomida saqlanadi, keyin yangisiga almashtiriladi. Kompreslar har kuni bir hafta davomida amalga oshiriladi [7].

REFERENCES

1. Sotiboldieva, Dilnoza I., and Trobjon X. Mahkamov. "Component Composition of Essential Oils *Curcuma longa* L.(Zingiberaceae) Introduced in Uzbekistan." *American Journal of Plant Sciences* 11.8 (2020): 1247-1253.
2. Сотиболдиева Д.И., Дусчанова Г.М., Махкамов Т.Х. Анатомо-гистологическое строение корневища *Curcuma longa* L. (сем. Zingiberaceae) в условиях интродукции) // НамДУ илмий хабарномаси. – Наманган, 2019. №1. – Б. 54-59.
3. Пўлатова А., Усмонова Б., Иноятова М., Махкамов Т. *Codonopsis clematidea* (Schrenk) С.В. Clarke уруғларининг унвчанлиги // “Таълим фидойилари” Республика илмий-услубий журнали. – Тошкент, 2021. 12-сон, 1-жилд. 265-273 б.
4. Иноятова М., Махкамов Т. *Melissa officinalis* L. ни *in vitro* усулида микроклонал кўпайтиришнинг оптимал ечимлари //



“Таълим фидойилари” Республика илмий-услубий журнали. – Тошкент, 2021. 12-сон, 1-жилд. 207-213 б.

5. Махкамов Т.Х., Акбаров Ф.И., Рахматова Д.Х. *Dracocephalum diversifolium* Rupr. нинг баландлик минтақалари ва иқлим кўрсаткичлари бўйича тарқалиши // Academic Research in Educational Sciences, 2021. Volume 2. Issue 12. P. 719-727.

6. Tayjanov K., Khojimatov O., Gafforov Y., Makhkamov T., Bussmann R., Normakhamatov N. Plants and fungi in the ethnomedicine of the medieval East - a review // Ethnobotany Research & Applications. 2021. Volium 22. Issue 46. P. 1-20.

7. Николаева Ю.Н. Золотой ус и индийский лук для здоровья и долголетия. Природный защитник. – М.: Рипол Классик, 2011. — 106 с.

8. Angiosperm Phylogeny Group. An update of the Angiosperm Phylogeny Group classification for the orders and families of flowering plants: APG III // Botanical Journal of the Linnean Society. – 2009. – Т. 161. – №. 2. – С. 105-121.

9. Ahmad S, Ahmad S, Bibi A, Ishaq MS, Afridi MS, Kanwal F, Zakir M, Fatima F. Phytochemical Analysis, Antioxidant Activity, Fatty Acids Composition, and Functional Group Analysis of *Heliotropium bacciferum*. The Sci World J 2014; 2014: 1-8.

10. Ivanova-Petropulos V, Durakova S, Ricci A, Parpinello GP, Versari A. Extraction and evaluation of natural occurring bioactive compounds and change in antioxidant activity during red wine making. J Food Sci Technol 2016; 53(6): 2634-43.

11. Patel V, Patel P, Kajal S. Antioxidant Activity of Some Selected Medicinal Plants in Western Region of India. Adv Biol Res (Rennes) 2010; 4(1): 23–6.

12. Oyedemi S, Bradley G, Afolayan AJ. Ethnobotanical survey of medicinal plants used for the management of diabetes mellitus in the Nkonkobe municipality of South Africa. J of Med Plants Res 2009; 3(12): 1040–4.

13. Kipkore W, Wanjohi B, Rono H, Kigen G. A study of the medicinal plants used by the Marakwet Community in Kenya. J of Ethnobot and Ethnomed 2014; 10(24): 24-46.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МАКТАБ ВА ОИЛАНИНГ АҲАМИЯТИ

О. К. Мирзорахимов
И. Б. Мадрахимова

Тошкен вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўқитувчининг ва оиланинг ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги моҳияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлари: Ватан, ватанпарварлик, муҳаббат, ҳафсизлик, маданият, хизмат қилиш, Ватанга муҳаббат, ҳимоя қилиш.

КИРИШ

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбия мавзуси жамиятда доимо муҳимдир. Ахир, мамлакатнинг келажаги кейинги авлодлар ҳаётларида қандай кадриятларга олиб келади. Ёшларга ўз мамлакатининг иқтисодий ва маданий хусусиятларини чуқурроқ тушунишга, табиатнинг гўзаллиги ва ўзига хослигини ва унинг фуқароси томонидан муносиб ва фойдали бўлиш ҳақида ўйлашга ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Ёш авлоднинг ватанпарварлиги ҳақидаги саволлар ватаннинг садоқати, давлатнинг қонунга бўйсунадиган фуқаролари инсон тараққиёти тарихидаги олимларнинг диққат марказида туришарди. Буюк файласуфлар, ўқитувчилар қадимги замонлардан бу масалага жиддий этибор беришди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУҲОКАМА

Бугунги кунда ватанпарварлик ва ўз Ватанига муҳаббат туйғуларини сақлаш ва ривожлантириш давлат ва жамиятнинг стратегик вазифасидир. Чунки айнан ватанпарварлик, айнан Ватани севадиган кенг халқ оммаси давлат ва унинг барча аҳолиси ҳафсизлиги ва барқарорлигининг гаровидир. Сўнгги йилларда сифатли ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимизда ватанпарварликнинг кучайиши кўп жихатдан муҳим ва муҳим воқеалар билан боғлиқ: Ғалаба кунига бағишланган байрам тадбирлари, "Хотира ва кадрлаш куни".

Шу муносабат билан, ҳозирда болалигида болаларда ватанпарварлик туйғулари, асослари ва ўзини тутиш маданиятини тарбиялашга шошилиш эҳтиёж мавжуд ва



шунинг учун она маданияти, ота ва онага ўхшаб, бола қалбининг ажралмас қисмига, фуқаронинг ва ватанпарварнинг шахсини яратадиган бошланғичга айланиши керак.

Мактабгача таълим стандартининг "Ижтимоий ва коммуникатив ривожланиш" таълим йўналишларининг таркибий қисмларидан бири мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик тарбияси, мактабгача ёшдаги болаларни ижобий социализацияси, болаларни ижтимоий-маданий меъёрлар, оила, жамият ва бошқа анъаналари билан таништиришдир. Ватанпарварлик - бу Ватанга муҳаббат, ўз Ватанига садоқат, унинг манфаатлари ва тайёрлиги учун хизмат қилишга интилиш, фидойиликка қадар, уни ҳимоя қилиш.

«Ватанпарварлик - бу ватанга, она заминга, ўз маданий муҳитига бўлган муҳаббатдир. Ватанпарварликнинг ушбу табиий асослари табиий туйғу сифатида ҳар бир болада бурч ва фазилат сифатида унинг ахлоқий маъноси билан бирлаштирилган. »

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда жамиятни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоси айниқса ташвишланмоқда ва бу муаммонинг мавжудлиги уни ҳал этиш йўллариини интенсив излашга олиб келди. Давлатимиз томонидан мактаб ўқувчиларида ватанпарварликни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бунинг далилидир; бу бизнинг давлатимизнинг бир қатор меъёрлари ва қонунчилик тизимларида ўз аксини топган.

Ватанпарварлик таълими - бу давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг ёшлар орасида юқори ватанпарварлик онгини, Ватанига содиқликнинг юксак туйғусини шакллантириш, ўз фуқаролик бурчини бажаришга тайёрлик, энг муҳим конституциявий Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлар.

Ватанпарварлик тарбияси жараёнини она заминни ўрганмасдан тасаввур этиб бўлмайди. Вилоятнинг турли музейларига экскурсиялар, сайёҳлик саёҳатлари ва пиёда саёҳатлар, Ватан ва она замин тарихи, фольклор мероси, табиат бойлигини ўрганиш - буларнинг барчаси қизиқувчан боланинг онги учун жуда қизиқ, шунингдек, мактаб ўқувчиларига ёшлигидан имкон беради уларнинг Ватани ер юзидаги энг яхши жой эканлигини, бу ерда туғилганлигинингиздан чинакам фахрланишингизни англаш.

Мактаб маъмурияти мактаб атрофини ободонлаштириш, қишлоқ ёдгорликларини парвариш қилиш

бўйича тадбирларни ташкил этади. Ваниҳоят, яна бир қизиқарли тадбир - бу турли хил танловлар. Масалан, бу ўқиш танлови, ватанпарварлик кўшиқлари танлови, Ватан ҳимоячиларининг эксплуатациясига бағишланган иншолар танлови ёки расмлар танлови бўлиши мумкин - бундай тадбирларда ўз истеъдодларини намойиш этишни истаган болалар деярли ҳар доим мавжуд.

Ўқувчиларнинг умумий интеллектуал ривожланиши, дунёқарашини кенгайтириш ва фаннинг турли соҳаларидан бошланғич билимларни олиш билан бир қаторда, анъанавий равишда мактабларда уларнинг ижтимоий, фуқаролик ва маънавий ривожланиши масалаларига эътибор қаратилади. Бу ниҳоятда муҳим, чунки индивидуал кадр-қиммат ва ўз ватанига муҳаббат туйғуси, унинг буюклиги ва қудратини англаш тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ташқари, муносиб ватанпарварлик тарбиясини олган болалар, катталардаёқ, ўз ватанининг келажак тақдири уларга боғлиқлигини тушунадилар.

Мактабларда ватанпарварлик тарбиясининг мақсадга мувофиқлиги энди ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди, чунки ватанпарварлик фақат ўз давлатига бўлган кўр-кўрона муҳаббат билан чегараланмайди - бу келажакда ўзи эришган йўлда маълум марраларни забт этишга ёрдам берадиган ижобий фазилатларнинг бутун мажмуасидир, чинакам муносиб инсон ва фуқарони танлади ва айланди. Ва, албатта, талабанинг уйғун ривожланиши ва тарбиясини ватанпарварлик тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди:

- ватанпарварликни тарғиб қилишда, ватанпарварлик йўналишидаги маҳсулотлардан фойдаланишда талабаларнинг кенг иштироки учун шароит яратиш;
- оммавий ахборот воситаларида, адабиёт ва санъат асарларида ватанпарварлик ғоясини обрўсизлантириш, кадрсизлантириш уринишларига қарши курашиш;
- мактабнинг "Кеча, бугун, эртага" даврий нашрида ватанпарварлик мавзусини кенгайтиришга кўмаклашиш ва ёрдам бериш;
- ватанпарварлик тарбияси соҳасида талабаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ватанпарварлик тарбиясига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш жараёнида талабаларга кутубхонанинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.

Ўз оиласига, ота-онасига ва оилавий урф-одатларига ҳурмат ҳам муҳимдир, чунки баркамол меҳрибон оила юксак



ахлоқли, муваффақиятли ва фаровон жамиятнинг хужайрасидир. Айнан мактабда Ватан манфаатларига хизмат қилишга қаратилган ижтимоий фаолият учун асос яратилади. Бу ерда болалар ҳалол меҳнатнинг муҳимлигини англайдилар, уни ҳаётда муваффақиятга эришишнинг асосий калити деб билишни ўрганадилар.

Ватанпарварлик тарбиясида оиланинг ролини таъкидлашни истардим.

Ватанпарварлик тарбиясига бағишланган синф соатлари қанчалик яхши ўтказилмасин, мактаб қанча иш қилмасин, дунёқарашнинг энг мустаҳкам асослари айнан оилада қўйилади. Ота-оналар фарзандларида ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш учун ҳам кўп иш қилишлари мумкин. Улар билан мамлакатнинг қизиқарли тарихий жойларига экскурсияга боринг, уруш пайтида бобо ва бувиларнинг жасоратлари ҳақида айтиб беринг, оилавий архивдан фотосуратларни кўрсатинг. Баъзи ота-оналар ўз фарзандларига тарихий воқеалар тўғрисида қизиқарли ҳужжатли филмни томоша қилишни таклиф қилишлари мумкин, кимдир етим ва ногирон болалар билан кийим-кечак ёки бошқа нарсаларни баҳам кўриш орқали сиз қанчалик қувончга эга бўлишингизни кўрсатиб беради. Буюк шахсни шакллантириш йўлидаги бу кичик қадамларнинг барчаси жуда катта аҳамиятга эга. Болаларни ватанпарварлик тарбияси мактабда ҳам, унинг деворлари ташқарисида ҳам, оила бағрида ўтиши керак. Фақат шу ҳолатда бола ўз аҳамиятини англай олади ва энг муҳим ахлоқий ва маънавий фазилатларни ўзлаштира олади.

ХОТИРА

Бугунги кунда ўқувчиларга ватанпарварлик тарбияси соҳасида мактабнинг асосий мақсади ўқувчининг кўп қиррали, ахлоқий ва ижтимоий жиҳатдан етук, ижодий шахсини шакллантиришни таъминлайдиган таълим тизимини сифат жиҳатидан ривожлантиришдир.

Шундай қилиб, катта ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик билан тарбиялаш - бу кичик Ватанга, она тилига, одамларга, унинг урф-одатларига, ғояларига умуминсоний қадриятлар тўплами сифатида ҳиссий ва баҳолаш муносабатини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқ, узлуксиз ва изчил, педагогик жиҳатдан ташкил этилган жараёни. Боланинг ватанпарварлик ривожланишини таъминлайдиган.



REFERENCES

1. Программа нравственно – патриотического воспитания дошкольников (Текст)/ Под ред.Н.А.Арипова-Пискарёва. – М.. Мозаика - Синтез, 2015.- 48с,
2. Как научить детей любить Родину: руководство для воспитателей и учителей. Л.В.Левина. М..АРКТИ,2013.
3. Печень.Н. Патриотизм–источник духовных сил //Армейский сборник.1994. № 1.



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ НОТАРИАТ СОҲАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ТАШКИЛИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

И. Т. Мамажонова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йиллари инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариал фаолиятда ягона ҳуқуқ тизими яратилганлиги, нотариатсоҳасини ташкил этилишининг ташкилий-концептуал асослари ва унинг тарихий аҳамияти ёртилди. Бу борада “Ҳаракатлар стратегияси”да давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизими ва нотариат соҳасини ислоҳ қилиш масалалари мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг илк маротаба айнан шу ҳужжатда муҳим вазифа сифатида белгилаб берилганлиги қайд этиб ўтилди.

Калит сўзлари: концепция, нотариат, нотариал фаолият, нотариус ёрдамчиси, қонун, далилларни таъминлаш, медиатор, инновация, давлат божи, электрон тўлов, муомалага лаёқатсиз, нотариал палата.

ABSTRACT

The article deals with the issue during the years of independence in the Republic of Uzbekistan, an integral legal system was created to protect the rights, freedoms and legitimate interests of citizens in the practice of notaries. In which the activities of notaries occupy an important place in the strategy of action in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, the tasks of the conceptual and organizational foundations of notary bodies in Uzbekistan are defined.

Keywords: concept, notary, notarial activity, notary's assistant, law, evidence provision, mediator, innovation, state fee, electronic payment, incompetent, notary chamber.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги “Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-



тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3741-сонли Қарори[1] да мамлакатда нотариатни ислоҳ қилиш, уни превентив одил судлов ҳамда судгача бўлган низоларнинг олдини олиш вазифаларини бажарувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини таъминловчи муҳим институтлардан бири сифатида шакллантириш борасида изчил чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди. Фармонда нотариат соҳасидаги қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифати ва тезкорлигининг паст даражадалиги, давлат божлари ва бошқа йиғимлар ундиришнинг шаффоф эмаслиги, бюрократик тўсиқлар аҳолини нотариат тизимига бўлган ишончини пасайтириб, коррупция кўринишлари пайдо бўлишига имкон яратиб келаётганлиги, асосан тасдиқлаш хусусиятига эга бўлган вазифани бажараётган амалдаги нотариат тизими мамлакатнинг бугунги ривожланиш талабларига жавоб бермаётганлиги, комплекс нотариал хизматлар кўрсатувчи янада фаол моделга ўтиш кераклиги, замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги, идорлараро электрон ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, профилактик чоралар сифатида энг кўп низолашилаётган нотариал битимларни расмийлаштиришда аудио ва видео қайд этишдан фойдаланилмаётганлиги, нотариат соҳасида фаолият юритаётган кадрларни малакасини ошириш, нотариал хизмат кўрсатишни сифати ва тезкорлигини ошириш, нотариал идора ходимларини ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажариши устидан масофадан назорат қилишни шакллантириш қайд этиб ўтилди[2]. Жамиятимиз тараққиётида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”[3]да инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида асосий йўналишлар белгилаб берилди. Унга кўра, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига кўра, 2019 йилда 24 та Қонун, 13 та Президент Фармон ва қарорлари, 51 та Ҳукумат қарори қабул қилинди. Давлат дастурида нотариал идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича келгусида қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУҲОКАМА



Давлат дастурида нотариал фаолиятни такомиллаштириш, замон талабига мос бўлган ҳуқуқий механизмни яратиш бўйича “Нотариат тўғрисида”ги қонунга қўйидаги: нотариус лавозимига номзодлар учун стажировка муддатини қисқартиш; нотариус ёрдамчисига ҳужжат нусхаларини тўғрилигини тасдиқлаш ваколатини бериш; нотариусларни аттестациядан ўтказиш ва уларни даврий ротация қилиш тартибини жорий этиш; нотариал идораларга электрон шаклда мурожаат қилиш тартибини белгилаш; давлат божини электрон тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда қабул қилиш тартибини жорий этиш; муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш; лавозимида уч йиллик стажга эга бўлган нотариус ёрдамчисига тегишли стажировкани ўтамасдан туриб нотариус лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этиш имконини бериш[4] каби қоидаларни киритиш назарда тутилган эди.

Шунингдек, 2019 йил январь ойидан бошлаб нотариал ҳаракат расмийлаштириш учун зарур бўлган, турли давлат идора ва ташкилотларидан йиғиб келинадиган ҳужжатлар электрон шаклда қабул қилиб олинадиган бўлди. “Газета.uz” ва “Адвокат” журналининг берган хабарига кўра Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устивор йўналишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари “Нотариат тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни кўриб чиқиб, маъқуллади бу эса мамлакатимизда нотариат соҳасини замон талабларига мос ривожланишига йўл очиб берган ҳужжат сифатида тарихга муҳрланди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Қонуннинг биринчи бўлими “Нотариат фаолиятининг ташкилий асослари” деб номланди. Мазкур бўлим мустақиллик йиллари нотариат соҳасини ташкил этилишининг ташкилий-концептуал асосларини ўзида қамраб олди. Қонунда нотариат соҳасида кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасида нотариус йигирма беш ёшдан кичик ва олтмиш беш ёшдан катта бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, судьялик



лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайдиган бўлди. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адлия органларининг иши нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқарув ходими ёки адвокат сифатида камида уч йил ишлаган шахслар, агар уларнинг ваколатлари тугатилган пайтдан эътиборан беш йил ўтмаган бўлса, олти ой муддат стажировка ўташлиги белгиланди. Жумладан, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс, қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс, нотариус, адвокат, терговчи, суриштирувчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколатлари ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун ваколати тугатилган шахс - уч йил мобайнида, нотариус лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок эта олмаслиги қонунда ўз ифодасини топди. Давлат нотариал идоралари нотариусларига махсус унвонлар - мансаб даражалари берилиши қонунда кўрсатиб ўтилди[5].

Жаҳон тажрибасига муурожаат этадиган бўлсак, **Германияда нотариус** лавозимига Германия фуқароси бўлган, алоҳида академик тайёрловдан ўтган, Университетни (олий даргоҳни) мувафаққиятли тамомлаган, икки ёки икки ярим йил суд, прокуратура, адвокатурада амалиёт ўтаган, шунингдек уч йил нотариус-ассессори бўлиб стажировка ўтаб, синовдан ўтган, судьялик лавозимини эгаллаш учун зарур бўлган барча талабларга жавоб берган, шахсларгина нотариус лавозимида ишлашлари мумкин[6]. Шахсни нотариус лавозимига тайинлаш учун у 30-35 ёшга тўлган бўлиши лозим[7]. Шунингдек, нотариуслар ўз фаолиятига киришишларидан аввал суд олдида қасамёд қабул қиладилар. Бу ҳолатни Франция, Испания тажрибаларида ҳам кўришимиз мумкин[8].

Австрияда нотариуслик лавозимига даъвогар бўлган шахс олий юридик маълумотли, нотариат соҳаси бўйича алоҳида ўқиб малака оширган австрия фуқароси бўлиб, мутахассислик бўйича 7 йил иш стажига эга бўлиши керак[9].

Бельгияда нотариус лавозимига тайинланишлик учун шахс олий юридик маълумотга эга бўлиши, бунинг учун олий даргоҳда 5 йил ўқийди, нотариус лавозимига тайинланишлик учун эса яна 5 йил қўшимча ўқиб нотариус деган диплом олади, ушбу

дипломни олгач, нотариус лавозимига тайинланишлик учун 3 йил стажировка муддатини ўтайди[10]. Нотариус лавозимига қирол тайинлайди.

Голландияда нотариус лавозимига тайинланишлик учун олий даргоҳни нотариат мутахассислиги бўйича тугатган бўлиши, сўнг уч йил қўшимча стажировка ва ушбу муддат ичида бир вақтда қўшимча нотариат бўйича курсларга бориши, ушбу соҳа бўйича белгиланган муддатни ўтаган бўлиши, яъни шахс олий даргоҳни битиргач 15 йил ўтгандан сўнггина нотариус бўлиб ишлаши мумкин. Нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш учун унга ҳуқуқни қиролича беради[11].

Грецияда нотариус бўлиш учун шахс олий маълумотли юрист бўлиб, бир ярим йил адвокатурада ишлаган бўлиши, нотариал фаолият билан шуғулланишга руҳсат олгач, 2 йил нотариал идорада стажировка ўтайди. Шундан сўнг нотариусликка ўз номзодини кўрсатган шахс конкурсда иштирок этади. Адлия вазирлигида ўтказилган конкурсда ғолиб чиққан шахс нотариус лавозимига тайинланишлиги мумкин[12].

Испанияда нотариуслик фаолияти билан шуғулланишлик учун олий маълумотли шахс барча ҳуқуқ соҳалари бўйича яна алоҳида имтиҳон топширади[13]. Конкурсда ғолиб чиққан шахсга нотариус дипломини Испания қиролининг шахсан ўзи топширади.

Францияда нотариуслик лавозими меросхўрларга ўтади бу ҳолат Италия ва Грецияда ҳам мавжуд[14].

Мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар натижасида давлат нотариал идораларини нодавлат нотариал идораларга босқичма-босқич ўтказиш назарда тутилди, давлат ва хусусий нотариал идоралар тенг ҳуқуқларга эгаллиги ва бир хил мажбуриятларни зиммасига олиши, давлат ва хусусий нотариуслар расмийлаштирган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эгаллиги қонунан белгилаб берилди. Ўзбекистон Нотариал палатасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қонунда кўрсатиб ўтилди. Айрим турдаги битимлар учун мажбурий нотариал тасдиқлаш бекор қилинди, нотариал ҳаракатларнинг янги турлари жорий этилди. Шунингдек, мулкни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага олиш (ижарага бериш) ва ундан бепул фойдаланиш шартномаларини тасдиқлашда айрим талаблар бекор қилиниб, бундай турдаги битимларни тасдиқлаш жараёни соддалаштирилди.

Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бажариши вақтида етказилган зарардан фуқароларни ҳимоя қилиш

мақсадида нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, нотариусга электрон мурожаат қилиш тизимини такомиллаштириш орқали тезкор нотариал хизматлар кўрсатиш тартиби белгилаб берилди.

Қонунда нотариал ҳаракатларнинг янги турлари жорий этилди, хусусан, нотариуслар медиатор вазифасини бажариши[15], далилларни таъминлаш[16] муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлаш[17] ҳамда электрон ҳужжат ва қоғоз кўринишидаги ҳужжатнинг бир хил юридик кучга эга эканини тасдиқлаши мумкинлиги қоидалари белгиланди[18].

Ўзбекистонда **нотариат соҳасини ташкил этилишининг ташкилий-концептуал асосларини** яратилиши ва мамлакатда **замонавий нотариат** концепциясини шакллантиришда “2017-2021-йилларда” Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” бўйича ишлаб чиқилган Давлат Дастури нотариал идоралар фаолиятида туб ўзгаришлар содир бўлишига асос бўлган тарихий ҳужжат ҳисобланади.

ХУЛОСА

Адабиётларда қайд этилишича “концепция” сўзи латинча “*conceptio*” сўзидан олинган бўлиб, муайян йўналишдаги асосий ғоя ва уни тушунтириш воситаси[19] маъносини англатади. Мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу концепциянинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, нотариат соҳасига татбиқ этадиган бўлсак, ушбу концепция нотариат соҳасини янгилаш, қонун устиворлигини таъминлаш ғоясини илгари суради.

“Ҳаракатлар стратегияси”да давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, нотариат соҳасини ислоҳ қилиш масалалари мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг илк маротаба айнан шу ҳужжатда муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони и// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 26.05.2018 й. 07/18/3741/1272-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 26.05.2018 й. 07/18/3741/1272-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини яна-да ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-Услубий рисола Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирилиги. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Тошкент “Маънавият” 2017. 180-183 бетлар.
5. 2020 йил 14 январдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 602-сонли Қонуни таҳририда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2020й., 03/20/602/0052-сон
6. Нотариальный Вестник –Москва Изд. Юрист. Юридическая практика - 1999.–№ 5.–6с.
7. Дитрих Клеппи, нотариус Рейнской нотариальной палаты “Нотариат в Германии” // Ж. Нотариальный Вестник. – Москва. Изд. Юрист -1998. –№10. –С 47.
8. Селянин А.В. Нотариат. – Москва. 2005. –32 с.
9. Нотариальный вестник 1999. Москва Издательство-Юрист –№ 5.–С. 43-44.
10. Нотариальный вестник // Ж.– Москва, 1999. – № 5. – 45с.
11. Нотариальный вестник // Ж.– Москва, 1999.– № 5.– 47с.
12. Нотариальный вестник // Ж.– Москва, 1999. – № 5. – 43с.
13. Нотариальный вестник // Ж.– Москва, 1999.– № 5. – 43с.
14. Нотариальный вестник // Ж.– Москва, 1999. – № 5. – 50с.



15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.05.2020 й., 10/20/3113-5/0602-сон
16. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.05.2020 й., 10/20/3113-5/0602-сон
17. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.05.2020 й., 10/20/3131-5/0602-сон
18. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/12/16/addition/>,<http://advokatnews.uz/xabar/1382.html>
19. Жаҳон фалсафаси қомуси. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти Тошкент-2016. - 623 б.



ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ПЕДАГОГИК ФАН СИФАТИДА

С. А. Тоштемирова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти,
п.ф.ф.д.(PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада узлуксиз таълим тизимида долзарб аҳамият касб этаётган таълим кластерининг умумий қонуниятлари ва тамойиллари асосида тарих фанларини ўқитишни ташкил қилиш бўйича илмий мулоҳаза ва фаразлар келтириб ўтилган. Айниқса, мактабларда тарих таълими бўйича мавжуд муаммолар таҳлили, уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари ҳамда асосий услублари, тарих таълимида формацион ва цивилизацион ёндашувлар интеграцияси муҳимлиги асослаб ўтилган.

Калит сўзлар: интеграция, таълим кластери, узвийлик, фанга оид компетенциялар, таълим сифати, тизимлаштириш, формацион ёндашув, цивилизацион ёндашув, тарихий тасаввурлар, тушунчалар, тарихий билимларни ўрганиш методологияси

HISTORY TEACHING METHODOLOGY AS A PEDAGOGICAL SUBJECT

ABSTRACT

The article presents scientific considerations and assumptions on the organization of the teaching of history based on the general laws and principles of the education cluster, which is relevant in the system of continuing education. In particular, the analysis of existing problems in the teaching of history in schools, the specific features, goals and objectives and main methods of its development, the importance of the integration of formational and civilizational approaches in the teaching of history.

Keywords: integration, education cluster, membership, science competencies, quality of education, systematization, formative approach, civilizational approach, historical assumptions, concepts, methodology of studying historical knowledge

КИРИШ

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни ўқитиш, уларни қай



тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт интеграциясини ташкил этишга қаратилган махсус концепция ишлаб чиқиш зарур эҳтиёжга айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг асосий стратегияларидан бири сифатида “Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эҳтиёжи ҳам мавжудлиги таъкидлаб ўтилди[1]. Бу йўналишда Ш.Мирзиёев томонидан “2022-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси” яратилиши ва амалга оширилиши[2] тавсия этилди. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш” йўналишида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантириш” вазифаси белгиланган[3]. Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида умумий ўрта таълим муассасалари таълим олувчилари таълим ва тарбияси сифатини оширишнинг энг самарали йўллари бўйича илмий ва ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Таълим жараёнларини услубий жиҳатдан такомиллаштириш ўқитувчиларнинг ўз фаолиятини, компетентлигини янада ривожлантиришни талаб қилади.

Узлуксиз таълим жараёни илмий-педагогик тамойилларга амал қилгандагина ўз олдига қўйган мураккаб муаммоларни еча олади. Таълим жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиб, дарс самарадорлигини ошириш учун эса, энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга тамойилларни белгилаган ҳолда унга қуйиладиган талабларни бажармоқ зарур. Бу талаблар таълим-тарбиянинг давр талабига мослиги, педагогик жараёнда объектив ва субъектив жараёнларнинг уйғунлиги, таълим-тарбияда мақсад, мазмун, метод ва воситаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги каби таълим кластерининг умумий қонуниятлари ҳамда тамойилларидан фойдаланиб амалга оширилади. Бу каби талабларни аниқлаш учун тарих таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиш лозим. Тарих фанларини ўқитишда умумтаълим мактабларида ҳамкорликдаги таълим кластерларини ташкил қилиш энг самарали механизм бўлиб, бунда олий ва умумий ўрта таълим муассасаларининг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги асосидаги таълим турлари интеграцияси ҳамда тарих фанларини ўқитишда узвийлик ва изчилликни таъминлашга асосланган таълим мазмуни интеграцияси муҳим бўлиб, бу интеграциялар таълим самарадорлигини оширишда долзарб аҳамиятга эга[4].



АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Узлуксиз таълимда тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича, хусусан, бўлажак тарих ўқитувчиларининг ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш ва услубий тайёргарлик ишлари О.Давлатов, А.Исмоилов, Қ.Шоназаров, Р.Ярматов ва бошқа олимлар ишларида келтириб ўтилган. Республикамиз мактабларида тарих ўқитиш методикасига бағишланган илмий тадқиқотлар ва услубий қўлланмалар Т.Тошпўлатов, Н.Ремеев, Я.Ғаффоров ишларида келтирилиб ўтилган[5]. Шу билан бирга бир қатор етакчи олимларимиз, А.Асқаров, Р.Муқминова, Ҳ.Бобобеков, А.Муҳаммаджонов ва бошқалар томонидан умумий ўрта таълимда тарих фанларини ўқитиш ва бу жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор ишлар алоҳида аҳамиятга эга[6].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида П.Г.Кулагин, О.И.Бахтина, Н.И.Воржейкина, Н.И.Запорожец, А.Г.Колосков, А.А.Вагин, Е.Ф.Головкина каби олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ва қўлланмаларида тарих ўқув фанларида фанлараро, курслараро, фанлар ичидаги алоқаларнинг аҳамияти, уни амалга ошириш йўллари, воситалари, усул ва шакллари хусусида илмий фикрлар баён қилинган [7]. Лекин ушбу илмий муаммо Россия тарихи ва жаҳон тарихи мисолида кўрсатилиб, уларнинг аксарияти коммунистик дунёқараш назариясига таяниб тадқиқ этилган.

НАТИЖАЛАР

Тарих фанларини ўқитишда, бўлажак мутахассисни узвийликда таъминлашда ва самарадорликни оширишда узлуксиз таълим тизимида таълим кластерларини ташкил қилиш энг самарали механизм саналади. Бунда тарих фанларини ўқитиш методикаларини такомиллаштириш ва бу соҳада бўлажак педагог-кадрлар тайёрлашда таълим муассасаларининг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги асосидаги таълим турлари интеграцияси ҳамда фанлараро, курслар ва бўлимлараро узвийликни таъминлашга асосланган таълим мазмуни интеграцияси муҳим.

Таълим кластерининг ўзига хос хусусиятига кўра, мактабларда олиб бориладиган таълимий ва тарбиявий жараённинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш талаб этилади, бундан келиб чиқиб тарих ўқитувчилари оғзаки ўқитиш усулидан воз кечган ҳолда тарих фанларини интеграцион асосда ўқитишга, ахборот технологиялари асосида мустақил ўрганишга ўргатиш катта аҳамиятга эга.



Тарих таълимидаги дарсликлар, хариталар, ҳужжатлар, жадвал, тушунчалар, турли хил қўлланмалар шу жумладан даврий нашрлар ва бошқа манбалар билан мустақил ишлашга ўргатиш талаб этилади. Ўқитувчи ўқувчи билан биргаликда жадваллар, диаграммалар, хариталар, иллюстрациялар тайёрлаш иш тизимини ташкил қилиши зарур.

Ривожланган мактаблар тажрибаси шуни кўрсатадики, тарих ва ҳаётни ўрганиш ўртасидаги боғлиқлик ўқувчилар билим савиясининг ортишига олиб келади. Таълим жараёни иштирокчилари томонидан жараённи услубий такомиллаштириш бўйича доимий иш олиб борилгандагина ўқувчилар фанга оид компетенцияларни мукамал ўзлаштиради. Демак, тарих таълимининг сифатини оширишнинг асосий усуллари қуйидагиларда намоён бўлади:

мустақил ишлаш услубларини ўрганиш;

оғзаки ўқитиш усуллари билан шуғулланишдан воз кечиш;

ўқитувчилар фаолиятини ривожлантириш;

иш усулларида ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;

олинган билимларни амалиётда қўллаш олишга эътибор қаратиш ва ҳоказо.

Мактаблар учун нашр қилинадиган янги авлод адабиётлари ўрганган материалларни мустаҳкамлаш, назария ва тушунчаларни ижодий ўзлаштириш ва уларни аниқ ҳаётий вазиятларни ҳал қилишда қўллаш имконини берувчи мустақил иш ва ўз-ўзини назорат қилиш материаллари билан такомиллаштирилиши тарих фанларига оид компетенцияларни ривожланишига олиб келади. Шунингдек улар электрон таълим ресурслари ва модулларга боғланган бўлиши таълим олишда маълумотлар ҳажмини ошишига ва уларни доимий тўлдириб борилишига ёрдам беради.

МУҲОКАМА

Мамлакатимизда ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва тарих фанларини ўрганишда кластерли ёндашувларни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда тарих таълимининг қуйидаги мақсадларини белгилаб олиш мумкин:

ўқувчилар дунё ҳақидаги тизимлаштирилган билимларни эгаллаши;

тарихий жараён ва унда мамлакатнинг ўрни ҳақида фикрларнинг шаклланиши;

ўқувчиларни миллий ва жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш;

фуқаролик, ватанпарварлик, миллий ўзликни тарбиялаш;
таълимнинг кейинги босқичига муваффақиятли ўтиш ва б.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда тарих таълимининг вазифалари куйидагилардан иборат:

жамият тараққиётининг ҳозирги босқичини чуқур таҳлил қилган ҳолда зарур бўлган тарихий жараён ҳақидаги билимларни эгаллашлари ва ўз ҳаёт фаолиятини прогнозлаштириш;

дунё халқлари маданиятларининг ўзига хослигини англаган ҳолда таълим олувчиларда инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларига, фуқаролик жамияти ва қонун устуворлиги тамойилларига асосланган қадрият йўналишлари ва шахсий эътиқодларни ривожлантириш;

тарих таълимининг субъектлар ва объектлар интеграцияси асосидаги фаолиятини ривожлантириш ва ҳоказо.

Ўқувчи шахсини шаклланишида тарихнинг ўрни муҳим, тарих таълим олувчини инсониятнинг тўпланган тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳаётга тайёрлайди. Тарих таълими мазмуни ўқувчиларни жамият ва унинг ҳаётини турли тарихий даврларда ва турли жиҳатларда ўрганишга қаратади: ижтимоий-сиёсий масалалар, маданий, демографик, этник, оила билан боғлиқ, экологик ва бошқа масалалар. Шу билан бирга формацион ва цивилизацион ёндашувларнинг интеграцияси, мамлакатларга хос хронологик ва муаммоларга асосланган тамойиллардан фойдаланиш тарихни ўрганишнинг энг афзал жиҳатидир.

Формацион ёндашув инсоният тарихини ижтимоий-тарихий жараён сифатида ўрганишни ўз ичига олади, бу ижтимоий-иқтисодий формацияларни ҳар бир шаклга хос моддий маҳсулотлар ишлаб чиқариш усули билан изчил ўзгартиришга асосланади.

Цивилизацион ёндашув ривожланишнинг муайян босқичларини босиб ўтган ва ўзаро фарқли бўлган маҳаллий цивилизацияларни ўрганишнинг асосий объекти деб ҳисоблайди. Бу ёндашувда бир цивилизацияни бошқасидан ажратиб турадиган нарсаларга эътиборни қаратишни талаб этади, цивилизациялар ичида инсонларни бирлаштирадиган жараёнлар ва хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, маънавий ва моддий маданиятнинг турли шакллари (дин, санъат, ахлоқ, қонун, анъаналар, турмуш тарзи ва б.).

Мактабларда тарихни ўқитишда асосий эътибор ўқувчиларнинг тарихий хотирасини шакллантиришга



қаратилган бўлиб, у ўтган воқеалар, уларнинг замон ва макон хусусиятларини, сабаб ва оқибатларини идрок қилиш, тарихий воқеалар иштирокчилари ва ўз халқининг тарихий анъаналарини кадрлаш қобилиятига эга. Тарихий билимлар ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришда айниқса ғоят муҳим рол ўйнайди, улар инсониятнинг ижтимоий тажрибасини ўзида жамлайди ва замонамизнинг мураккаб ва зиддиятли воқеаларини тўғри тушуниш кўникмаларини ривожлантиради. Тарихий билимларни ўрганиш тарихий воқелик ҳақидаги ғояларни, инсоният жамияти тараққиёти ҳақидаги илмий тасаввурни, тарихий билимларни ўзлаштириш ва замонавий жамиятни билиш жараёнида тарихий воқеаларни ўрганиш учун индикатив асос бўлиб хизмат қилади.

Тарихий билимларнинг тизимли тузилиши тарихий тасаввурлар, тарихий тушунчалар ва тарихни билиш методологиясини билишдан иборат.

Тарихий билимларнинг ҳар бир таркибий қисмига қуйидагича қисқача тавсиф бериш мумкин:

1. Тарихий тасаввурлар тарихий далиллар, воқеалар, шахслар ва уларнинг вақт ва макондаги маҳаллий даражасининг ташқи ва энг мазмунли хусусиятлари орқали ўқувчилар онгида акс этади. Тарихий тасаввурлар доим субъективдир, бу тарихий воқеликни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

2. Тарихий тушунчалар дастлабки тарихий идрокда англашилмасда, у тарихий далилларнинг энг муҳим, умумлаштирилган, тизимлаштирилган хусусиятларини ёдда тутиб, уларнинг ички мазмун-моҳиятини очиб беради. Тарихий тушунчалар объектив бўлиб, тарихий билимларнинг асоси ҳисобланади.

3. Тарихни билиш методологиясини билиш сабаб ва оқибат муносабатлари, тарихий тушунча ва далиллар, тарихий жараённинг ривожланишида муайян натижага олиб келадиган воқеалар ўртасидаги муҳим ва барқарор муносабатларини ҳамда тарих фани билимларини ўз ичига олади. Бунга ўқувчиларнинг тарихий материал билан ишлаш ҳақидаги билимларини ҳам киритиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу тарих фанларини ўрганиш шаклланадиган интеграцион компетенциялар ҳисобланади.

Тарих фанларига оид компетенцияларни ривожлантириш ўқувчиларнинг когнитив фаолияти даражасини такомиллаштиришнинг муҳим воситасидир, улар замонавий ҳаётда янада самарали ва тўғри ҳаракат қилиш имконини беради. Умумий ўрта таълимда босқичлар кесимида миллий дастурга мувофиқ тарихий саводхонлик ва

компетентликни ривожлантириш куйидагича амалга оширилади:

тарих фанининг илмий методик таъминотини, ўқув адабиётларини сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида такомиллаштириш;

тарих фанларини таркибини таълим олувчида мустақил мушоҳада юритиш, танқидий фикрлаш компетенцияларини шакллантиришга қаратилган мазмун билан бойитиш,

тарих фанларини фанлараро, курс ва бўлимлараро алоқадорлик асосидаги компетенцияларни шаклланишига эътибор қаратиш;

компетентлик даражалари, баҳолаш мезонларини аниқлашда ва таъминлашда истеъмоли ва етказиб берувчи субъектлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш;

тарихий даврларни ўқитишда тарихий жараёнларнинг ҳажми ва қамровидан келиб чиққан ҳолда соатлар ажратиш;

юқори босқичларда тарих фани мазмунига ёзма манбалар, архив ҳужжатлар, тарихий-бадий адабиётлардан лавҳалар ҳажмини ошириш;

моддий-техник базани тарих соҳалари интеграцияси асосида ташкил қилинадиган ўқув-лабораториялар билан таъминлаш талаб этилади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, тарихий билимлар, тарихий ғоялар, тушунчалар, тарихий тараққиёт намуналари ва тарихий материал билан ишлаш усулларининг мураккаб ўзаро интеграцияси тарих таълимининг муваффақиятли фаолиятига ёрдам беради. Бунда олий таълим ва мактаб ўртасидаги муносабатларни ўзида акс эттирувчи моделлар, жумладан, ихтисослаштирилган мактабларни (синфларни) ташкил қилиш, юқори синф ўқувчиларини олий таълимга тайёрлаш ва бошқалар самарали усуллар ҳисобланади. Бироқ бу каби моделларнинг аксарияти уларнинг бир ёқлама иш олиб боришларида бўлиб, унга кўра мактаблар буюртмачи, олий таълим эса ижрочи сифатида ишлайди. Ҳамкорлик (ўзаро муносабат)нинг асоси қўйилган вазифани барча иштирокчиларнинг биргаликда ҳал қилишлари, бу борада уларнинг мавқеидаги тенглик, шунингдек, барча субъектлар саъйи ҳаракатларининг бошқа субъектларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари билан уйғун келиши[8] инобатга олинмайди. Тарих таълимига нисбатан кластер ёндашуви муассаса бошқарув органларига тизим ичида самарали ўзаро таъсир ўтказиш учун муайян воситалар билан



таъминлаш, муаммоларни яхшироқ тушуниш, минтақада тарих фанларини самарали ўқитишни ривожлантиришнинг илмий асосларини режалаштириш имконини беради[9]. Буларнинг барчаси таълим кластерининг катта илмий-амалий аҳамиятга эга ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикрларни тасдиқлайди, бу тизим интеграциялашув орқали янги синергетик сифатга эришиш имконини беради. Таълим кластери тизимнинг тарихий билимларга бўлган рақобатбардошликни таъминловчи муҳит ва шарт-шароитни яратган ҳолда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамияти ортиб боради. Бу жараёндаги бутун тадбирлар мажмуи илмий ва касбий кадрларни тайёрлашнинг асосий пойдевори бўлган таълим сифатини оширишга қаратилган. Бундан ташқари, бўлажак тарих фанлари ўқитувчисининг узвийликда ва тизимли таълим олиш даврида нафақат ўз касби билан боғлиқ бажариладиган амалий вазифаларни, балки ижтимоий ва амалий тажрибага ҳам эътибор қаратилади. Бу кейинчалик унга таълим муассасасининг амалиёти ва корпоротив муҳитига муваффақиятли қўшилишига ва ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш мослашувини осонлик билан ўтказишига ёрдам беради.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2021. -Б. 233.
2. Давлатов О.Ф. Талабаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантириш: Автореф. пед.фан.бўйича фалс.док. – Тошкент, 2018. – 57 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони. 2022 йил 28 январ. <https://t.me/YangiTaraqqiyotStrategiyasi>
4. Тоштемирова, С., & Тўраева, А. (2021). Тарих фанларини курслараро узвийлик асосида амалга оширишга қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 894-906.
5. Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. Т.Турон-Иқбол, 2010 й.
6. Ярмагов Р.Б. Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш. педагогика фанлари доктори (DSc) дисс.. афтореф. Т.: 2021. – 70 б.



7. Шоназаров Қ.Р. Бўлажак тарих ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида тарихий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш. Исс.пед.ф.н. –Тошкент, 2002. - 134 б
8. Тоштемирова, С. А. (2021). Тарих фанларини ўқитиш самарадорлигига қаратилган таълим кластерларини ташкил қилиш асослари. Academic research in educational sciences, 2(5), 1073-1081.
9. Toshtemirova S.A., G'afforov Ya.X., Abduraxmonova J.N. Mutaxassislik fanlarini kasbga yo'naltirish metodikasi // o'quv qo'llanma. -Toshkent: "MALIK PRINT CO", 2021. - 204 б.
10. Тоштемирова С.А. Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш / монография. -Тошкент: "ISHONCHLI NAMKOR», 2021. -188 б.



VARIETY OF LANGUAGE SOCIAL NETWORKS AND THEIR APPLICATION IN THE STUDY OF FOREIGN LANGUAGES

Yulduz Abdullayevna Djurayeva

Teacher, Interfaculty Department of Foreign Languages
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The purpose of this article is to study the educational potential of social networks in the process of learning foreign languages. Considerable attention is paid to the variety of mobile applications and language sites for communication in the modern world. The article discusses the advantages of using these networks to solve a number of tasks of teaching a foreign language.

Keywords: social-networking sites (SNSs), foreign language, social network, learning foreign languages, online learning.

INTRODUCTION

In this globalization period, people search easy, fast and effective ways and styles of learning as well as they truly have wide range of choices to learn foreign languages. The list of these styles which are becoming well-known, such as open-learning, distance-learning, e-learning, and social-networking sites (SNSs) (Churchill, Wong, Law, Salter, & Tai, 2009).

MATERIALS AND METHODS

One of these technological styles recognize under e-learning umbrella within computer mediated technologies system (Hodges, 2013). Also, researchers have proven that SNSs will be significant due to students' needs of social support from others as a source of SE (Kim, 2012; Nadkarni & Hofmann, 2012; Hodges, 2013). Additionally, social support can keep students' mental health as well as well-being and improve academic performance through expressing their feelings freely through new channels in learning English language, such as SNSs to establish friendships, online interactions, and acquire more knowledge and information (Yu, Tian, Vogel, & Kwok, 2010; DeAndrea, Ellison, Larose, Steinfield, & Fiore, 2011; Nadkarni & Hofmann, 2012; Kirmizi, 2015). Especially in the quarantine period, indicators of utilizing SNSs has grown dramatically in every stage of education in the world. Today,



humans don't need to wait such scientific conferences, webinars or master classes or to go extra lessons in order to find out new data, gain knowledge or represent their capacities. What about learning or developing English? Are there any applications or special websites on this purpose? By all means day by day IT specialists recommend various types of SNSs for learners so that they are capable of study the language independently or develop their skills. In the following, some types of social – networking sites will be clarified:

RESULTS AND DISCUSSION

The choice of a teacher (necessarily a native speaker) is given to the student himself. After reading the information about the teacher and student reviews, you can book a trial lesson and test your knowledge. All classes are conducted through the Google Hangout app. In the classroom, work can be carried out on pronunciation, vocabulary or grammar, as well as listening, speaking or writing.

Conversationexchange.com - Thanks to this resource, you will have a great opportunity to chat with other users, improve your level of foreign language proficiency, and, among other things, get acquainted with the culture of the country of the language being studied. Depending on which skills you prefer to develop and improve, your communication can take place both in the form of correspondence and "live communication" using Skype. For listeners who are more confident in their knowledge, this language platform provides an opportunity to learn about native speakers who live in your city and are ready to communicate live, in a public place. However, we should not forget that according to the rules of this social network, your communication should be an "interchange", that is you are both a student and a teacher, helping your interlocutor to master a new foreign language for him.

FluentU is learning through TV shows, video clips, cartoons, etc. The library of video files is simply huge. You can click on a word at any time and see different examples of its use, including examples from other videos. The teaching methods here are entirely up to you. This is a universal content suitable for any level of language proficiency. In total, the site offers 12 languages to learn.

Speaky.com – the next social network used for language practice. The site was developed in 2014 and for the first time was called «Gospeaky». Later it was renamed to Speaky, the design was changed, making it more vivid and lively. The site is intended for written language practice. There are two details in the chat that distinguish this platform from many others: "hints" and "corrections".

"Corrections" allow you to correct a message written by you or the interlocutor. After that, two options will be shown: incorrect (before correction) and correct (corrected). For those who have difficulty communicating with unfamiliar foreigners, the developers have compiled a list of phrases that are appropriate to use in such a conversation (Hints).

Tandem is a network that currently exists only in the form of a mobile application, currently available in English, French, German, Spanish, Portuguese, Japanese and Chinese.

English, Baby! is a social network and an online training course for the American version of spoken English. This service has more than 1.6 million subscribers, which makes it one of the largest and successful online communities for learning English for both students and teachers. "English, baby!" is very popular in China, where about a quarter of its users live. There is a wide interest in other countries, such as the USA, Brazil, Turkey, Egypt and India [2]. "English, baby!" contains several thousand ready-made English lessons. In the videos presented on the site, popular actors, musicians and athletes clearly explain the ways of using a particular word or phrase; and those who are not native speakers share their learning experience. The video lessons are shot in different styles, for example, in the style of a soap opera or reality show, and the audio lessons are based on scenes from modern life performed by native English actors' language. Lessons include learning English grammar, tests and vocabulary replenishment. This platform will be interesting not only for foreign language learners, but also for teachers, since "English, baby!" provides an opportunity to create your own, or use English lessons already existing on the site in your classes.

Memrise is a unique social network that uses the most advanced techniques of mnemonics in order to help users memorize information faster and more efficiently than with any other method. Students can either use the existing courses on the site (and there are over 6 thousand of them), or create their own. Words for memorization are given out in certain portions (you can choose how many words per day you go to learn) and each course includes several levels.

CONCLUSION

The number of Internet resources devoted to the study of foreign languages, it is great and it is constantly growing. Most sites are designed for people who have mastered the initial level of the language and want to practice "live" communication with a person for whom



this language is their native language. Such social networks are an excellent help in the educational process, but the teacher can only organize the work of his students in the classroom or during extracurricular hours. The use of language social networks in learning a foreign language helps to diversify the learning process, make it interesting and exciting. Thus, it can be concluded that language social networks are an effective method of teaching a foreign language.

REFERENCES

1. Churchill, D., Wong, W., Law, N., Salter, D., & Tai, B. (2009). Social bookmarking-repository-networking: Possibilities for support of teaching and learning in higher education. *Serials Review*, 35(3), 142-148.
2. Kim, J. (2012). A study on learners' perceptual typology and relationships among the learner's types, characteristics, and academic achievement in a blended e-education environment. *Computers & Education*, 59(2), 304-315.
3. Miller, R., Parsons, K., & Lifer, D. (2010). Students and social networking sites: The posting paradox. *Behavior & Information Technology*, 29(4), 377-382.
4. Nadkarni, A., & Hofmann, S. G. (2012). Why do people use Facebook? *Personality and Individual Differences*, 52(3), 243-249.
5. Hung, H., & Yuenb, S. C. (2010). Educational use of social networking technology in higher education. *Teaching in Higher Education*, 15(6), 703-714.
6. Mushnikova Yu. S. Social networks as an interactive form of education ino-strange language in high school // *Young scientist*. 2017. No. 33. pp. 62-63 [Electronic resource]. Access mode : <https://moluch.ru/archive/167/45394/>
7. <http://edushka.ru/>
8. Krivosheyeva, G., Zuparova, S., & Shodiyeva, N. (2020). INTERACTIVE WAY TO FURTHER IMPROVE TEACHING LISTENING SKILLS. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 520-525.
9. Makhmudov, K. S. "Using writing speech in the process of teaching English grammar." *ISJ Theoretical & Applied Science* 6.98 (2021): 709-712.
10. Makhmudov, K. (2021). LEARNING A TARGET LANGUAGE WITHIN ITS CULTURE AS AN EFFECTIVE METHOD. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 620-623.
11. Shegai, A. V., Krivosheeva, G. N., & Orazova, F. O. (2021). THE DEVELOPMENT OF READING AND WRITING SKILLS IN THE TEACHING PROCESS OF ENGLISH IN HIGHER EDUCATION. *Экономика и социум*, (6-2), 726-729.



12. Shegai, A., Krivosheeva, G., & Orazova, F. (2021). IMPROVING THE HEALTH CARE SYSTEM BASED ON INFORMATION'S TECHNOLOGIES. Экономика и социум, (5-2), 884-887.
13. Djuraeva, Y. A., & Ayatov, R. I. (2021). Development of independent creative activity in the teaching process. Экономика и социум, (6-1), 85-88.
14. Djurayeva, Y. A. (2021). Using innovative methods in learning English. Экономика и социум, 11, 145-157.
15. Ruzmetova, M. A., & Apsamatova, S. I. (2021). THE IMPORTANCE OF BUILDING A RAPPORT IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE. Экономика и социум, (5-2), 881-883.
16. Ruzmetova, M. TO IMPROVE TEACHING ENGLISH AIMS AND CONTENTS IN BASIC USER LEVEL LEARNERS AT SECONDARY SCHOOLS.
17. Xaldarchayeva, G. (2020). The Importance of Innovative Pedagogical Methods in Teaching English. International Engineering Journal for Research and Development, 5(1), 205-210.
18. Khoshimova, D., Otajonova, D., & Khaldarchayeva, G. (2020). Modern Technologies in Teaching Foreign Languages. Academic Research in Educational Sciences, (3), 504-508.
19. Xoldarchayeva, G. S. (2020). Methods in teaching foreign languages. Science and Education, 1(Special Issue 2), 6-11.



AVTOBUS VA MIKROAVTOBUS YO'NALISHLARIDA HARAKAT MIQDORI VA TARKIBINI TADQIQ QILISH

Iltom Iskandar o'g'li Umirov

Jizzax Politexnika instituti katta o'qituvchisi
umirov-i@mail.ru

Xushro'y Abduvoxidovna Suvanqulova

Jizzax Politexnika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada kuzatish usuli orqali Jizzax shahrining magistral ko'chalarida avtomobillar va jamoat transporti aralash harakatlanadigan, hamda shaharning hozirgi kunda asosiy magistral ko'chalarida olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, ushbu ko'chalarda harakat miqdori yo'ning ahamiyatiga, transport vositalarining tarkibiga, holatiga va shunga o'xshash bir qancha omillarga bog'liq bo'lib, bir-biridan farq qilishini ko'rish mumkin. Harakat miqdori va tarkibining o'zgarishi xarakat tezligi va yo'l -transport xodisalarining o'zgarishiga ta'sir qilishi tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: yo'l tarmog'i, avtobus, mikroavtobus, yo'l transport hodisasi, haydovchi, piyoda, muhit, avtomobil, yo'l, to'qnashuv.

STUDY OF THE VOLUME AND STRUCTURE OF TRAFFIC ON BUS AND MINIBUS ROUTES

ABSTRACT

In this article, the results of a study conducted on the main streets of Jizzakh, which are a mixture of cars and public transport on the main streets of Jizzakh, show that the intensity of traffic on these streets depends on the importance of the road, traffic .. it can be seen that they differ from each other depending on a number of factors such as composition, condition, and so on. The influence of changes in the volume and composition of traffic on changes in the speed of movement and the number of traffic accidents is analyzed.

Keywords: road network, bus, minibus, traffic accident, driver, pedestrian, environment, car, road, collision.

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng, mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar hayotga joriy etila boshlandi. Chunonchi, avtomobil ishlab chiqarish sanoati yo'lga qo'yildi, yo'l qurilish sohasida keng o'zgarishlar ro'y berdi, shu bilan birga chet el davlatlari bilan savdo-sotiq aloqalari joriy etila boshlandi. Yana shuni aytib o'tish joizki mamlakat aholisining soni yildan-yilga ortib borishi bilan shahar hududi kengayib, aholining avtomobil transportiga bo'lgan ehtiyoji yanada ko'paymoqda. Bu esa tabiiy ravishda Respublika avtomobil yo'llarida, shu jumladan shahar magistral ko'chalarida harakat miqdorining yildan-yilga ortishiga olib keldi. Hozirgi va keyingi oldimizda turgan asosiy muammo va masalalardan biri shaharning markaziy magistral ko'chalarida transport vositalarining xavfsiz harakatlanishini taminlashdan iborat, yani sodir bo'layotgan yo'l-transport hodisalarining oldini olish, ularda halok bo'luvchilar va tan jarohati oluvchilar sonini, ko'riladigan umumiy ijtimoiy-iqtisodiy zararlarni kamaytirishga, shuningdek, shahar yo'lovchi transportlarining imtiyozli harakatlanishini rivojlantirish va aholiga ko'rsatilayotgan transport xizmati sifatini oshirish borasida bir qator hal qilinishi lozim bo'lgan masalalarga qaratilishi zarur. Bugungi kunga kelib, Respublikamizdagi avtomobillarning umumiy soni 1,3 mlndan ziyodni tashkil etadi. Jumladan, Davlat sektorida 66 392 dan ortiq, yuridik shaxslarda 280 229 dan ortiq, shaxsiy sektorda 1 057 687 dan ortiqni tashkil etadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Olib borilgan tadqiqotlarni tahlili shuni ko'rsatadiki, yo'l tumanlashtirish ishlari Q.X.Azizov [1], R.A.Abduraxmanov, S.Z .Azizov [2], B.Ф.Бабков [3], U.Nurullayev [4, 8], O.K.Adilov [6, 7, 18, 24, 25], I.Umirov [5], B.Begmatov [12, 13, 14, 15, 16, 17] Y.Hamraqulov [9, 10] va boshqalar tadqiqotlarida uchraydi. O'zbekiston Respublikasi tog'li hududida yo'llarni dengiz sathidan balandligi bo'yicha tumanlashtirilgan. Tumanlashtirishlarda asosiy mezon sifatida avtomobillar harakat xavfsizligi ko'rsatkichi olingan. Tadqiqotlarda harakat sharoitiga ta'sir etuvchi omillarga tizimli yondashilmagan va tizimli tahlil qilinmagan, harakat sharoiti nazariy asoslari takomillashtirilib, harakat sharoitini baholash mezonlari kiritilmagan.

Shahar ko'cha-yo'l tarmoqlarining rejalashtirish yechimiga muvofiq shahar uchun 1000 kishiga avtomobillashtirish darajasi 170-180 ta avtomobil kritik miqdor hisoblanadi. Yaqin yillarda Jizzax shahrida avtomobillashtirish darajasi me'yoriy ko'rsatkichlardan

oshib ketadi, chunki hozirgi kunda har 1000 kishiga 125 ta avtomobil to'g'ri kelmoqda. Bundan ko'rinib turibdiki, transport vositalarining harakat miqdori jadal sur'atlar bilan ortib bormoqda. Shahar magistral ko'chalarida avtomobillar va jamoat transportlarining xavfsiz harakatlanishlarini tashkil etishda transport vositalari va piyodalar harakatini tavsiflovchi asosiy ko'rsatkichlardan biri harakat miqdoridir.

NATIJALAR

Kuzatish usuli orqali Jizzax shahrining magistral ko'chalarida avtomobillar va jamoat transporti aralash harakatlanadigan, hamda shaharning hozirgi kunda asosiy magistral ko'chalarida olib borildi. Olib borilgan tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, ushbu ko'chalarda harakat miqdori yo'lning ahamiyatiga, transport vositalarining tarkibiga, holatiga va shunga o'xshash bir qancha omillarga bog'liq bo'lib, bir-biridan farq qilishini ko'rish mumkin. Harakat miqdori va tarkibining o'zgarishi xarakat tezligi va yo'l -transport xodisalarining o'zgarishiga ta'sir qiladi. Shahar ko'chalarining tasmalarida harakat miqdori va uning tarkibining tez-tez o'zgaruvchanligi kuzatiladi. Hozirgi vaqtda butun dunyoda avtomobillashtirish darajasining ortib borayotganligini kuzatishimiz mumkin. Birgina Rossiya mamlakatining avtomobillashtirish darajasini 1-jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan ko'rishimiz mumkin.

1-jadval


Rossiya aholisining avtomobillashtirish darajasining o'zgarishi

O'sish ko'rsatkichi	1991-yil	1994-yil	1999-yil	2005-yil	2020-yil
Avtomobilashtirish darajasi, yengil avtomobil 1000 kishiga	80	100	140	170	300
Avtomobil soni oilaga, dona	0,25	0,33	0,4	0,5	1

олади. Корнелиа Функе мазкур асаида китоб таъмирловчи уста, яъни Мортимер Фольхарт (Mortimer Folchart) ни “китоб шифокори” деб атаиди. Асарда “Mo hatte ihr verboten, nachts Kerzen anzuzünden. Er mochte kein Feuer. **“Feuer frisst Bücher”** (“Tintenherz”, 10-бет) ифодасини учратамиз. Бу ерда “олов китобларни ейди” гапи, “олов китоблар-ни ёндиради” маъносида қўлланилган. Идиомаларнинг ўрнида қўлланилган-лиги асар қийматини оширишга ҳисса қўшганлиги тайин. Хусусан, 95-бетда “Du und Capricorn, ihr steckt unter einer Decke!” – вербал иборасига дуч келинадик, бу ибора икки кишининг хуфиёна тил бириктираётганлигини ифодалаб келган. Ёки “Meggie bemerkte, dass Staubfinger **eine Antwort auf der Zunge lag**, aber er **schluckte sie hinunter**” (“Tintenherz”, 119-бет) идиомаси қўлланилганлигини, ушбу идиома кишининг ниманидар айтмоқчи эканлигини, лекинэнг сўнгги дақиқада бундан ўзини тийганлигини билдиради.

Корнелиа Функе “Сиёҳ юрак” асаида истехзо ва киноялардан ҳам ўз ўрнида фойдаланганлигини эътироф этиш керак. Асарнинг бош салбий қаҳрамони Каприкорн томонидан айтилган: “Ah, unsere Gäste sind auch schon da”, sagte Capricorn, als er vor ihnen stehen blieb. Gut geschlafen, Zaubertzunge?” (“Tintenherz”, 177-бет) ушбу гапда Монинг сеҳрли тилига ишора қилинса-да, Каприкорн уни истехзо тариқасида тилга олади. Шунингдек, асарда перифразалар ҳам қўлланилганки, улар ўқувчи томонидан воқеалар жараёнини худди кўз ўнгида содир бўлаётганидек кузатилиши ва идрок қилинишига имконият яратади. Хусусан, ёзувчи асарнинг салбий қаҳрамони Каприкорннинг қишлоғига “Die Höhle des Löwen” – “Шер уяси”, деб таъриф беради. Шу таърифнинг ўзиёқ қишлоқда қандай инсонлар яшашидан далолат беради. Корнелиа Функе асар сюжетини тасвирлашда халқ мақолларидан ҳам кенг фойдаланган. Асарнинг 84-бетида араб халқ мақоли “Tausende Feinde ausserhalb des Hauses sind besser als einer drinnen” яъни, ичкарида битта душман бўлгандан кўра, ташқарида минглаб душманлар бўлгани яхши, каби мақоллар ишлатилиши асар мазмунини янада бойитишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Қиёслаш учун қўлланилган сўзлар бола онгида осон ўрнашиб қолишига ва аниқ тасаввур беришига алоҳида эътибор қаратилган. “Сиёҳ юрак”нинг 35-бетида “Sie kleiden sich gern schwarz wie die Saatkrähen”-яъни “У худди гўнқарғадек қоп-қора кийинишни яхши кўради” деган гап қўлланилган бўлиб, бу гапни ўқиган боланинг кўз

олдида, албатта кўйлакнинг ранги қандай эканлиги ёрқин намоён бўлади. Асарда қўлланилган турли метафора, фразеологизм, идиома ва перифразалар китобхоннинг воқеалар тафсилотига бўлган қизиқишини оширади. Бундай тил воситалари эса ўқувчининг ҳис-ҳаяжон ва фантазиясига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

REFERENCES

1. C. Gansel: Moderne Kinder- und Jugendliteratur, Cornelsen Verlag, 1999
2. Wild, Reiner (Hrsg.): Geschichte der deutschen Kinder- und Jugendliteratur. 2. Aufl., Weimar 2002.
3. Funke Cornelia: Tintenherz, Cecilie Dressler Verlag, Hamburg, 2003.



CHORRAHALARDAGI HALOKATLILIK KO'RSATKICHINI PASAYTIRISH VA BARTARAF ETISH USULLARI

Akmal Azimov

Jizzax politexnika instituti assistenti
akmaldotsent@gmail.com

Jamshid Hamroyev

Jizzax politexnika instituti assistenti
jamshid1990@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada avtomobil yo'llarida tirbandliklarni, YTHni, ekologik muammolarni bartaraf etishda va avtomobillarning aloqa tezligini oshirishda chorrahalardagi harakat tartibini samarali tashkil etish bo'yicha adabiyotlar tahlil qilindi va tavsiyalar ishlab chiqildi. Avtomobil yo'llarida yuqoridagi muammolarni asosiy qismi chorrahada yuzaga kelishi hisobiga olsak, uning loyihalashida va qayta ta'mirlanishida yo'l belgi-chiziqlarining o'rnatilishi, svetaforlarning qo'llanilishi va umumiy chorrahadagi konstruktiv elementlarni joylashuvini puxta va optimal tarzda qo'llash orqali harakat xavfsizligini samarali tashkil etish yo'llari tahlil etildi.

Kalit so'zlar: avtomobil, chorraha, yo'l, tirbandlik, YTH, harakat xavfsizligi, harakat jadalligi, ziddiyatli vaziyat.

IMPACT OF INTERSECTIONS ON EFFECTIVE ROAD SAFETY

ABSTRACT

This article analyzes the literature and develops recommendations for the effective organization of traffic at intersections when eliminating congestion, traffic accidents, environmental problems and increasing the speed of communication. Considering that the main part of the above problems on highways occurs at the intersection, during its design and reconstruction, moving through the installation of road markings, the use of traffic lights and the careful and optimal use of structural elements of the general intersection of roads for effective safety were analyzed.

Keywords: vehicle, crossroads, road, traffic jam, traffic accident, traffic safety, traffic intensity, conflict situation.


KIRISH

Bugungi kunda avtomobilsozlik sanoati jadal sur'atlarda rivojlanib bormoqda. Dunyo bo'yicha birgina 2021-yilning o'zida 81mln dan ortiq avtomobil ishlab chiqarilgan va sotilgan [3]. Avtomobillashtirish darajasining oshib borishi ijtimoiy va iqtisodiy sohalarning rivolanishida juda muhim hisoblanadi. Avtomobillashtirish darajaning yanada oshib borishi, avtomobil yo'llaridagi mavjud harakat tartiblarini, xavfsizligini ta'minlashda mukammal va puxta tadbirlar majmuini ishlab chiqishni talab etadi. Avtomobillarning harakatini xavfsiz tashkil etish asosan aholi zich joylashgan shahar avtomobil yo'llarida juda dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Bundan tashqari, yo'llardagi harakat miqdorining yuqori darajada oshib ketishi, o'sha yo'llarda joylashgan chorrahalaridagi tirbandliklarni yuzaga kelishiga sabab bo'lib, bu ham o'z navbatida ko'plab iqtisodiy va ekologik muammolarni yuzaga kelishiga sabab bo'lmoqda [3, 4].

Avtomobil harakati davomida ma'lum bir tashish ishini bajradi, bu jarayon yo'ning aniq bir marshrutida amalga oshadi va ishning samaradorligi ko'plab omillarga bog'liqdir. Ular ichida eng asosiylari iqtisodiy jihatdan keltirilib, avtomobilning harakati davomida sarflangan yonilg'i miqdori va tashish uchun sarflangan vaqti hisoblanadi [5]. Ushbu samaradorlik ko'rsatgichlarining pasayishining asosiy sabablaridan biri chorrahalarda vujudga keladigan tirbandliklar hisoblanadi. Chorrahalaridagi tirbandliklar nafaqat iqtisodiy samarani pasaytiradi balki yuqorida aytilganidek atrof-muhit uchun ekologik (zaharli gazlar, shovqin, vibratsiya va hakoza) xavfni ham keltirib chiqaradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Yo'l-transport hodisalari (YTH)ning vujudga kelishi juda ko'p hollarda chorrahalarda yuzaga keladi [6]. Aynan chorrahalaridagi ziddiyatli nuqtalarning mavjudligi yo'l harakatini murakkablashtirib, haydovchi diqqatini oshiradi va yo'ning o'tkazish qobiliyatini pasaytiradi. Bizga ma'lumki, harakat qatnashchilari orasida ma'lum yo'l sharoitida YTH vujudga kelayotgan xavfli vaziyatda ular o'z harakatlarini davom ettirishlari ziddiyatli vaziyat hisoblanadi [1]. Ziddiyatli vaziyat ziddiyatli nuqtalarda sodir bo'ladi va harakat yo'nalishidagi transport vositalarining o'zaro yoki piyodalar bilan to'qnashuv xavfigina emas, balki ularning ushlanib qolish ehtimolini ham vujudga keltiradi. Chorrahadagi xavflilik vaziyati harakat miqdori va tasmalar soni ortib borishi bilan murakkablashib boradi.



1-rasm. Avtomobil yo'llarni kesishuvdagi ziddiyatlik nuqtalar

Chorrahaning harakatlanish murakkablik darajasi quyidagicha baholanadi [1]: agarda $M < 40$ bo'lsa chorraha oddiy, $M = 40 \div 80$ o'rta murakkab, $M = 80 \div 150$ murakkab va $M > 150$ juda murakkab. Chorrahada harakatlanish murakkablik darajasini baholashda quyidagi formuladan foydalanish mumkin.

$$M = P_a + 3P_q + 5P_k; \quad (1.1)$$

bu yerda: P_a - ajralish ziddiyatli nuqtalar soni; P_q - qo'shilish ziddiyatli nuqtalar soni; P_k - kesishish ziddiyatli nuqtalar soni.

Chorrahalar va turli toifadagi yo'l kesishmalarining xavfsizligi u yerdagi ziddiyatli nuqtalar soniga, avtomobil oqimlari kesishish burchagiga, kesishayotgan yo'ldagi harakat jadalligiga, qo'shilayotgan va ajralayotgan transport jadalligiga bog'liq ravishda o'zgaradi [2, 13, 14]. Chorrahalaridagi yil davomida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan YTH soni quyidagicha aniqlanadi:

$$G = \sum_1^n q_1; \quad (1.2)$$

bu yerda: n - xavfli nuqtalar soni; q_1 - tekshirilayotgan nuqtaning xavflilik darajasi.

$$q_i = K_i \cdot M_i \cdot N_i \frac{25}{K_r} \cdot 10^{-7}; \quad (1.3)$$

bu yerda: K_i - ziddiyatli nuqtaning nisbiy halokatligi tekshirilayotgan ziddiyatli nuqtadagi kesishayotgan transport oqimining harakat miqdori avt/sutka. K_r - harakat miqdorining oylar bo'yicha yillik notekislik koeffitsientini olish mumkin.

Chorrahalaridagi ziddiyatli nuqtalar sonining qanchalik ko'p miqdorda bo'lishi harakat xavfsizligining qay darajada ekanligini belgilab beradi. Avtomobil haydovchilarining yo'l



kesishmalaridan o'tish davomida aynan xavfli vaziyat yuzaga keladi, ikki tomondan harakatlanayotgan avtomobil haydovchilarining oldini kim birinchi o'tish mumkinligi bo'yicha ikkilantiruvchi qaror paydo bo'ladi. Bu holatda ikki haydovchining ham qarori birinchi bo'lib harakatlanish bo'lsa, albatta bu to'qnashuvni keltirib chiqaradi. Ushbu holatning qanchalik ko'p darajada bo'lishi q_1 ga bog'liqdir.

Chorrahaldagi ziddiyatli nuqtalarning xavflilik darajasi, ushbu chorrahadagi harakat miqdoriga bog'liq bo'lib, kesishmadagi harakat miqdori K_i ga bog'liq bo'lib avtomobillar oqimining ortishi bilan harakat xavfsizligining ta'minlanish ehtimoli ham pasayib ketadi.

Ziddiyatli vaziyat soniga qarab yo'l bo'lagining xavflilik darajasi quyidagicha baholanadi (1-jadval):

1-jadval

1 mln.avt.km to'g'ri keladigan ziddiyatli vaziyatlar soni, K yo'l bo'lagining xavflilik darajasi	210 kam xavfli emas	210-310 kam xavfli	310-460 xavfli	460 ko'p juda xavfli
--	---------------------	--------------------	----------------	----------------------

Avtomobillarning chorrahaldagi harakatini xavfsiz, optimal va tirbandliklarsiz tashkil etilishi, tartibga soluvchi vositalarga ham bog'liq bo'lib, ularni transport harakatini tavsiflovchi asosiy ko'rsatkichlarga mos va ularning barcha xususiyatlarini hisobini olgan holda ishlab chiqish, qo'llanilishi juda muhim hisoblanadi.

Ziddiyatli vaziyat soni avtomobil yo'llarida asosan amaliy kuzatuvlar natijasida aniqlanadi. Avtomobilning harakati davomida kritik holatni yuzaga keladigan ziddiyatli vaziyatlar soni quyidagicha [2.0] aniqlanadi:

$$K_1 = 0,44K_1 + 0,83K_2 + K_3 \quad (1.4)$$

bu yerda: K_1 - 1 km yo'l bo'lagida 1 soat davomidagi kichik ziddiyatli vaziyatlar soni; K_2 - xuddi shunday holatda o'rtacha ziddiyatli vaziyatlar soni; k_3 - xuddi shunday holatda kritik ziddiyatli vaziyatlar soni.

Uzun bir xil geometrik elementga ega yo'l bo'laklarini hisoblashda YTH sonini 1 million avtomobil-kilometr ga nisbati bilan o'lchanishi qabul qilinib

Harakatlanuvchi laboratoriya mavjud hollarda k_1, k_2, k_3 koeffitsiyentlar qiymati ko'ndalang manfiy tezlanishlar (3.7-jadvalda keltirilgan) ko'rsatkichlari yordamida aniqlanadi. Nisbiy halokatlilik koeffitsiyenti quyidagicha topiladi:

$$I = 0,1 + 0,001K$$

bu yerda: K - 1 mln.avt.kmga to'g'ri keladigan ziddiyatli vaziyat soni, $K = K^d \cdot 10^6 / N \cdot L$; N - harakat miqdori, avt/sutka, L - yo'l bo'lagining uzunligi, km.



NATIJALAR VA MUHOKAMA

YTHning asosiy qismi harakat qatnashchilari yo‘nalishlarining kesishish joyida “ziddiyatli nuqta” vujudga kelar ekan. Ziddiyatli nuqtalarni oldindan aniqlash natijasida YTHning oldini olish imkoniyati paydo bo‘ladi va bu imkoniyat yo‘l harakatini tashkil etish sxemasini tuzish davrida amalga oshiriladi. Ziddiyatli nuqtalar bir sathdagi chorrahalarda transport va piyodalar har xil harakat yo‘nalishlarining kesishi- shidan hosil bo‘ladi.

2-jadval

Ziddiyatli vaziyat kriteriyalari	Boshlang‘ich harakat tezligi, km/soat	Ziddiyatli vaziyat uchun bo‘ylanma va ko‘ndalang manfiy tezlanish, m/s		
		yengil K_1	o‘rtacha K_2	kritik K_3
Bo‘ylanma manfiy tezlanish	100 ko‘p	0,5-0,9	0,9-1,9	1,9
	100-80	0,5-1,9	1,9-2,9	2,6
	80-60	0,5-2,3	2,3-3,2	3,2
	60 kam	0,5-2,9	2,9-3,7	3,7
Ko‘ndalang manfiy tezlanish	100 ko‘p	0-0,3	0,3-0,7	0,7
	100-60	0,4-0,6	0,6-1,1	1,1
	60 kam	0,8-1,2	1,2-1,5	1,5

Chorrahadagi yoki tutashmadagi halokatlik ko‘rsatkichi quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$K_a = \frac{G \cdot K_r \cdot 10^7}{(M + N) \cdot 25}$$

bu yerda: M va N - asosiy va ikkinchi darajali yo‘llardagi harakat miqdori, avt/sut; 25 koeffitsiyenti formulaga bir oyda 25 ish kunini hisobga olish uchun kiritilgan.


Chorrahadagi halokatlik ko‘rsatkichi bo‘yicha uning xavflilik darajasini aniqlash uchun quyidagi ko‘rsatkichlardan foydalanish tavsiyalangan [3]:

K_a	3 kam	3,1-8,0	8,1-12	12 ko‘p
chorrahaning xavflilik darajasi	xavfsiz	kam xavfli	xavfli	juda xavfli

Chorrahaldagi halokatlik ko‘rsatkichi K_a ning oshib borishi YTHning sodir bo‘lish darajasiga parallel holatda ortib boradi. Shuningdek chorrahaldagi tirbandliklarni ham yuzaga kelishiga sabab bo‘ladi.

Chorrahalaridagi halokatlik ko'rsatkichini pasaytirish va umumiy harakat xavfsizligini ta'minlashda quydagi chora-tadbirlarning qo'llanilishi zarur:

- chorrahada svetafor ishoralarini optimallashtirish, ko'rinishni oshirish va kerakli yo'l belgilarini o'rnatish;
- yo'ldagi konstruktiv elementlar (qatnov qismi, yo'l yoqasi, harakat polosasi, yo'l to'shasining mustahkamligi, qoplamaning ravonligi, g'adir- budirligi) doimiy ravishda sifatini yaxshilash, nazorat qilish va ta'mirlash;
- chorrahada yo'l belgi chiziqlarini tushirish va chorrahani yoritish;
- chorrahadagi harakatni to'liq kanallashtirilish;
- chorrahada yo'nalishlar bo'yicha qo'shimcha yo'laklar ochish va shunga mos ravishda svetafor taktini qo'llash;
- chorrahalarda tirbandliklarni oldini oluvchi (avtomatik-aqlli) svetaforlar bilan jihozlash;
- chorraha harakatini aylanma ko'rinishga o'tkazish va barcha chorrahalarda yo'l harakatini nazorat qilish, kuzatishda zamonaviy videokuzatuvlarni o'rnatish, chorrahaning intellektual detektorlar, kontrollerlar, harakatni nazorat qiluvchi zamonaviy texnik vositalar (videokamera, fotoradar, fiksator) bilan jihozlanishi belgilangan (2-rasm).



2-rasm. Avtomobil yo'llarida o'rnatilgan videokamera.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, avtomobil yo'llarida tirbandliklarni, YTHni, ekologik muammolarni bartaraf etishda va avtomobillarning aloqa tezligini oshirishda chorrahalaridagi harakat tartibini samarali tashkil etish juda muhim ishlardan hisoblanadi. Avtomobil yo'llarida yuqoridagi

muammolarni asosiy qismi chorrahada yuzaga kelishi hisobiga olsak, uning loyihalashida va qayta ta'mirlanishida yo'l belgi-chiziqlarining o'rnatishi, svetaforlarning qo'llanilishi va umumiy chorrahadagi konstruktiv elementlarni joylashuvini puxta va optimal tarzda qo'llash samarali natija beradi.

REFERENCES

1. Azizov Q.X. Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari. –T.,«Fan va texnologiya», 2009, 244 bet.
- 2.0. 4. Azizov Q.X. Osnovi bezopasnosti dvijeniya smeshannix avtomobilnotraktornix potokov. – T.: «Fan», 2008. – 185 s.
- 2.1. Рунэ Эльвих и др. Справочник по безопасности дорожного движения. Пер.с норв.под редакций проф.В.В.Сильянова М.: МАДИ (ГТУ) 2001.- 754 с.
2. Clifford Winston, Ashley Langer, The effect of government highway spending on road users' congestion costs, Journal of Urban Economics, Volume 60, Issue 3, 2006, Pages 463-483
3. Мировой авторынок в 2021 году увеличился на 5% (autostat.ru/news/50412/)
4. Akmal Azimov, & Jamshid Namroyev (2021). Jizzax shahri Sharof Rashidov shoh ko'chasida avtomobil shovqiniga ta'sir etuvchi omillar tahlili va shovqin muhofazasini tashkil etish metodlari. Academic research in educational sciences, 2 (11), 1079-1088.
5. Факторы эффективности автомобильных перевозок (<https://svezem.ru/article/factory-effektivnosti-avtomobilnyh-perevozok/>)
6. Причины дорожно-транспортных происшествий с участием грузовых автомобилей в Европе- Краткий обзор (<https://www.iru.org/ru/Ресурсы/Библиотека-IRU/prichiny-dorozhno-transportnykh-proisshestviy-s-uchastiem-gruzovykh-avtomobiley-v-evrope-kratkiy-obzor>)
7. . Azimov, A. (2020). Factors affecting noise reduction on automobile roads. Scientific and technical journal of Namangan institute of engineering and technology.
8. Азимов Акмал., & Тожиев Жамшид (2021). Автомобиль йўлларда автотураргоҳларни ташкил этишдаги мавжуд муаммолар таҳлили ва уларнинг асосий ечимлари. Инновацион технологиялар , (4 (44)), 53-58.
9. Akmal, A. (2021). Analysis of technical parameters that determine the efficiency of vehicle steering. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 48-55.
10. Akmal Azimov, & Abdularim Muxtarov (2021). Avtotransport korxonalarida texnik xizmat ko'rsatish va



ta'mirlash ishchilarini kompetensiyaviy yondoshuv asosida tayyorlash va malakasini oshirish metodikasi. *Academic research in educational sciences*, 2 (1), 258-265. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00033

11. Akmal Azimov, & Abdukarim Muxtarov (2021). Yo'lovchi tashuvchi avtotransport korxonalarining samaradorligini belgilovchi omillar tahlili. *Academic research in educational sciences*, 2 (4), 1395-1340. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00749

12. Акмал Азимов, & Джамшид Хамроев (2021). Диагностика двигателя автомобиля по стандартным нормам шума. *Academic research in educational sciences*, 2 (3), 165-173. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00382.

13. Umirov, I., Turushev, S., & Ravshanov, F. (2021). Йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш. *Academic research in educational sciences*, 2(2).

14. Karimovich, A. A., & Abdukarimovich, U. B. (2021). Method of ensuring traffic safety on slippery roads.

15. Murtazakulovich, H. Y., & Qo'Chqorovna, Y. M. (2021). Yer usti transport tizimlarida tashishni tashkil etishda yuksiz qatnovlarni optimal rejalashtirish. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).

16. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 10-17.



TURIZM TERMINOLOGIYASINING NAZARIY MASALALARI VA TADQIQI

Gavharoy Kuchqarova

Andijon davlat universiteti, Ingliz tili fonetikasi kafedrası o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada terminologiya sohasi va uning nazariy masalalariga bag‘ishlangan bo‘lib, unda terminlarning paydo bo‘lishi, ‘ayniqsa, turizm sohasiga oid terminlar hamda ularning tarjima muommolari yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: termin, atama, terminologik sistema, suffiksatsiya, leksika.

THEORETICAL PROBLEMS AND RESEARCH OF TOURISM TERMINOLOGY

ABSTRACT

The article deals with the field of terminology and its theoretical issues, the origin of terms, in particular, terms related to tourism and their translation problems.

Keywords: term, term, terminological system, suffix, vocabulary.

KIRISH

Ma‘lumki, har bir fan sohasining rivojlanishi va takomillashuv darajasi shu soha terminologiyasining qay darajada taraqqiy etgani, shuningdek, tartibga solingani bilan ham uzviy bog‘liqdir. Atamalarning ishlanmaganligi va tartibga solinmaganligi nutq uslubiga ham ta‘sir ko‘rsatadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

XX asrning 30-yillarida o‘zbek tilida ko‘plab terminologik lug‘atlari tuzilib nashr etildi. Shu jarayonda terminlar tarixi, terminlarning ma‘no va mavzu guruhlari, grammatik tuzilishi va yasalishi, taraqqiyot yo‘li va boyish manbalari haqida nazariy masalalar ham ishlab chiqildi. Tilshunoslikda terminlarning o‘zgarishi, yangi terminlarning paydo bo‘lishi ilm-fan taraqqiyoti va sohalar rivoji bilan bevosita bog‘liqdir. Buni L.I. Bojno quyidagicha ta‘kidlaydi: “Texnika taraqqiyoti ta‘sirida terminologiya o‘zaro aloqador ikki qonuniyat asosida, birinchidan, ilmiy-texnika jarayoni qonuniyatlari, ikkinchidan, til rivojlanishining umumiy qonuniyatlari bilan bog‘liq ravishda

o‘zgarib boradi”.

Turizm terminologiyasi ham o‘zbek terminologik tizimida alohida o‘rin egallaydi, biroq bu terminologik tizim hali nazariy jihatdan tadqiq etilmagan.

O‘tgan asrda turli sohalarga oid terminlar o‘zbek tiliga rus tili orqali Yevropa tillaridan o‘zlashgan bo‘lsa, bugungi kunga kelib, to‘g‘ridan-to‘g‘ri chet tillaridan o‘zlashmoqda. Ma‘lumki, xalqaro terminlarda yunon va lotin tiliga taalluqli terminelementlar ko‘p kuzatiladi. Turizm terminlarida terminelementlar mavjudligini tekshirish ham nazariy masalardan biri hisoblanadi.

Rus tilshunosligida turizm terminologiyasi bo‘yicha bir qator tadqiqotlar olib borilganini kuzatishimiz mumkin. Jumladan, E.T. Belan, V.L. Vinogradova tomonidan dissertatsiyalar himoya qilingan. Shuningdek, turizm terminologiyasiga bo‘yicha ilmiy kuzatishlar olib borilgan.

Terminlar sinonimiyasi ma‘lum fan va sohalarning to‘xtovsiz rivojlanishi, yangi-yangi tushunchalarning, binobarin, terminlarning paydo bo‘lishi mahsulidir.

Biroq ilmiy uslubda, fanda terminlarning aniqligiga ehtiyoj kuchli bo‘lgani sababli terminlar dubletligidan qochish uchun tabiiy intilish sezilib turadi. Shunga ko‘ra terminologiyaga bag‘ishlangan barcha adabiyotlarda terminlar sinonimiyasi terminologiyaning jiddiy nuqsoni deb ko‘rsatiladi.

Rus terminologiyasi tarixi bilan maxsus shug‘ullangan L.L.Kutina shunday deb yozadi: “Ilmiy terminologiya sohasida keng tarqalgan sinonimiya hodisasi terminologik sistemalar amal qilishining ilk davri, ularning shakllanish davri uchun xarakterlidir”.¹ Biroq sinonimlik faqat terminologik sistemalarning dastlabki rivojlanish bosqichigagina xos bo‘lib, hozirda bu holat terminologiyada yo‘q deb o‘ylamaslik kerak.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Demak, terminlar sinonimiyasi barcha tillarda uchraydigan hodisa hisoblanar ekan. Ingliz tilida 334 ta, rus tilida esa 144 ta o‘zaro sinonim bo‘lgan turistik terminlar mavjudligi aniqlangan. Har ikki tilde ham kavzisinonimlar ustunlik qiladi. Kvazisinonim – ma‘nosi qisman bir-biriga mos keluvchi, biroq terminologiyada aynan bir xil tushunchani ifodalash uchun xizmat qiluvchi sinonimlar. Masalan, ingliz tilida *administrator* (adminstator) termini bilan bir paytda xuddi u ifodalagan ma‘noni ifodalovchi *receptionist* termini qo‘llanadi. Receptionist o‘zbek tiliga so‘zma-so‘z tarjima qilinganda “qabul qiluvchi” degan ma‘noni anglatadi (o‘zbek tilida bu terminning administrator varianti iste‘molda faol qo‘llanadi). Bu kabi holatga bir qancha

namunalarni keltirish mumkin:

stewardess, cabin girl – stuardessa;

second class, economy class – ikkinchi klass; accomadation, room – xona;

Rus tilida esa quyidagi birliklar sinonimik qatorni tashkil etadi:

тур по городу, обзорная экскурсия по городу – shahar bo‘ylab sayohat;
двухместный номер, номер с двухспальной кроватью – ikki o‘rinli
номер;

электронезд, электричка – elektrichka; турист, экскурсант – turist.

Boshqa tillardan farqli ravishda inglizcha xalqaro turtistik terminlarda omonimiya hodisasi ham kuzatiladi. Bir termin bir necha ma’noni ifodalash uchun xizmat qiladi:

charter –

- 1) ustav, nizom;
- 2) yollanma reys;
- 3) yollangan samalyot;
- 4) yollangan kema;
- 5) charter dam olish;

porter –

- 1) yuk tashuvchi;
- 2) shveytsar;
- 3) eshik qorovuli;

route –

- 1) yo‘nalish;
- 2) kurs;
- 3) qatnov yo‘li;

cabin –

- 1) kupe;
- 2) salon;
- 3) kayuta.

Rus tilida esa terminlar omonimligi kuzatilmaydi.

Demak, yuqorida ko‘rib chiqilgan tadqiqot ishi qiyosiy xarakterga ega bo‘lib, formal-struktur va matematik statistika metodlaridan keng foydalanilgan, rus va ingliz tillaridagi turizm sohasiga oid terminlar tahlil qilingan, terminologiya sohasining ochiq xususiyatga ega ekanligi qayd etilgan, tarixiy va ijtimoiysabablarga ko‘ra ingliz tilining xalqaro turizm terminologiyasida muhim rol o‘ynashi e’tirof etilgan.

Turizm terminologiyasining nazariy masalalariga bag'ishlangan yana bir tadqiqot Vinogradova Ludmila tomonidan himoya qilingan ("Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах"). Rus va ingliz tillaridagi turistik terminlar sinxron va diaxron aspektida tadqiq etilgan ushbu ishda turistik terminlar paydo bo'lishining muhim tipologik xususiyatlari o'rganilgan. Leksemalar analizining diaxron metodi turizm terminosistemasining paydo bo'lish jarayonini har tomonlama tavsiflashni taqozo qiladi. Shunga ko'ra dissertatsiyada turizm terminosistemasining rus va ingliz tillaridagi rivojlanish bosqichlari ajratilgan, turistik terminologiya bilan bog'liq tushunchalar sistemasi hosil bo'lishi dalillangan. Rus va ingliz tillaridagi turizm terminologiyasining semantik va struktur xususiyatlari batafsil yoritib berilgan. Tahlil uchun 1700 ga yaqin leksema va so'z birikmasi olingan bo'lib, ulardan 700 tasi rus tiliga, 990 tasi ingliz tiliga mansubdir. Ikki tilli so'zlik ilova qilingan.

Tadqiqotning muhim jihatlaridan biri terminlar sistemasining muhim xususiyatlari keltiriladi, turistik termin va turizm terminologiyasi tushunchalariga ta'rifberiladi.

Terminologiyaning muhim xususiyatlari sifatida quyidagilar qayd etiladi:

- 1) semantik xususiyat: ixtisoslashganlik, tushuncha bilan aloqadorlik, tushunish darajasida sistemalanganlik, aniqlik, motivlanganlik, bir ma'nolilik, kontekstual mustaqillik;
- 2) formal xususiyatlari: ifoda planida sistemalanganlik, invariantlik, qisqalik;
- 3) pragmatik xususiyatlari: ta'riflanganlik, o'rnatilganlik.

Turistik termin – turizm terminosistemasining elementi hisoblangan, turizm sohasidagi o'ziga xos tushunchani ifodalovchi so'z yoki so'z birikmasi.

Turistik terminosistema o'z ichiga sohaga oid terminlarni va terminoidlarni oluvchi tizim deya qayd etiladi. Tadqiqotchi terminoid deganda turizm sohasidagi kasbiy maxsus leksik birliklarni (профессионализм), kasbiy so'zlashuv tilida qo'llanadigan so'z va iboralarni (профессиональные просторечие) va kasbiy jargonlar (профессиональные жаргонизми) ni nazarda tutadi.

Shu o'rinda termin va kasbiy leksika o'zaro farqlanadi. Ko'pgina tadqiqotchilar (M.N.Volodina, S.G.Kazarina) leksikaning bu ikki qatlami birgalikda mavjud bo'lishi va axborot ko'lamida bitta hududda ekanligini qayd etishsa, ayrimlar (N.M.Shanskiy) kasbiy leksikani termin sifatida baholaydi, boshqalar esa (T.R.Kiyak) sinonim terminlar deb hisoblaydi.

L.Vinogradova kasbiy leksema bilan terminlar o'zaro

bog‘liq bo‘lsa-da, biroq qo‘llanish sohasi jihatdan farq qilishini aytadi: terminlarga “rasmiylik”, kasbiy leksema norasmiy munosabatlarda foydalanilgani uchun “norasmiylik” maqomini beradi. Disseratsiyada ajratilgan terminosistema doirasida kasbiy leksika ham tahlil qilinadi va ular terminoid birliklar deb ataladi.

Tadqiqot doirasida quyidagilar aniqlangan:

1. Rus va ingliz tillaridagi turistik terminlar mazkur terminologik sistema chegarasida xizmat qiladi, turistik faoliyat va turizm sohasidagi tushunchalarni nomlaydi, shunga ko‘ra tushunchaviy terminologik maydon, mikromaydon va mavzuiy guruhlariga ajratiladi.

2. Turizm terminosistemasining shakllanishi rus va ingliz tillarida turlicha kechgan. Ingliz tilidagi turizm terminologiyasi deyarli mustahkam shakllangan, rus tilidagi esa rivojlanayotgan sistemadir.

3. Har ikki til turizm terminosistemasidagi maksimal yaqinlik termin hosil bo‘lishida qatnashuvchi morfemik asosda kuzatiladi. Termin hosil bo‘lishining sermahsul usuli har ikki til uchun ham suffiksatsiya va qo‘shma so‘z hosil qilishdir. Terminologik birikmadagi asos so‘z har ikki til modellarida ham ot turkumiga mansubdir. Biroq rus tilida asos so‘z atrofida birlashuvchi leksik birlik sifat turkumiga mansub bo‘lsa, ingliz tilida ot turkumiga mansubdir. Masalan,

tourist class – *туристический класс* – *turistik klass* (ot+ot) (sifat + ot)

(sifat + ot) *wine tourism* – *винный туризм* – *vino turizmi* (ot+ot) (sifat + ot)

(ot+ot) *business tour* – *деловой туризм* – *xizmat turizmi* (ot+ot) (sifat + ot)
(ot+ot) *fam-tour* – *рекламный туризм* – *reklama turizmi*

(ot+ot) (sifat + ot) (ot+ot)

vegetarian meal – *вегетарианская еда* – *vegetariancha ovqat*

(ot+ot) (sifat + ot) (sifat + ot)

master key – *этажный ключ* – *qavat kaliti* (ot+ot) (sifat + ot) (ot+ot)

4. Rus va ingliz tillari omonimiya va antonimiya kabi leksik-semantik munosablarda bir xillikka ega. Termin-omonim va termin-sinonimlar o‘rtasidagi foizlar nisbati bir xil ko‘rsatkichga yaqin. Ular o‘rtasidagi asosiy farq ingliz tilida modellashtirilgan omonimlarning mavjudligidir. Rus tilida esa bunday holat mavjud emas. Ingliz tilida polisemiya hodisasi ko‘p kuzatilsa, rus tilida katta miqdordagi variantlarda sinonimiya hodisasi kuzatiladi. Bu holat ingliz tili turizm terminologiyasi rus tilidan ancha rivojlangan, me‘yorlashganligini ko‘rsatadi.

5. Har ikki tilda ham semantik derevatsiyani kuzatish mumkin. Bu holatda terminologizatsiya, determinologizatsiya va

transterminologizatsiya hodisalari sodir bo'lgan va terminologik fond mundarijasi kengaygan.

6. Rus va ingliz tillari turizm terminologiyasidagi katta farqso'z o'zlashtirish darajasida ko'rinadi. Rus tilida termin o'zlashtirish 60,3 foizni, ingliz tilida esa 6,3 foizni tashkil qiladi. Demak, termin hosil qilishda o'zlashtirish rus tilida sermahsul usuldir. Inglizcha o'zlashmalarning ko'pligi ikki tildagi terminosistemalar o'zaro yaqinlashish tendensiyaga ega ekanligidan dalolat beradi. Rus va ingliz tillaridagi turistik terminlarning qiyosiy tahliliga, ilmiy nazariy tadqiqiga bag'ishlangan bu tadqiqot ishida ham formal-struktur va matematik statistika metodlaridan keng foydalanilgan.

Yuqorida ko'rib o'tilgan tadqiqot ishlari tahlilidan ma'lum bo'ladiki, turizm terminologiyasi jahon, rus tilshunosligida ilmiy tadqiqot darajasida o'rganilgan. Turizm terminosistemasining shakllanish davrlari aniqlab chiqilgan.

O'zbek tilida turizm terminologiyasi ilk shakllanish bosqichida bo'lib, soha rivoji natijasida uning tarkibi yangi maxsus birliklar bilan boyib bormoqda. Turizm iqtisodiy faoliyat natijasida dastlab Angliyada vujudga kelganligi uchun uning vatani sifatida shu hudud e'tirof etiladi. Shuningdek, xalqaro turizm terminologiyasida ingliz tilining yetakchi mavqeda ekanligini inobatga olsak, o'zbek tilidagi o'zlashmalarning asosiy qismi shu tildan o'zlashganligi tabiiy holdir. O'zbek tili materiallari asosida to'plangan turistik terminlar tahlil qilinganga quyidagi holatlar kuzatildi.

XULOSA

Turizmning bir qancha turlari mavjudligi "turizm" tarkibli terminlarning ham mavjud bo'lishini o'z-o'zidan taqozo qiladi: *bolalar turizmi, ekstremal turizm, gastronomik turizm, harbiy turizm, havaskorlik turizmi, ichki turizm, ijtimoiy turizm, individual turizm, karvon turizmi, kongress turizmi, madaniy turizm, milliy turizm, muzey turizmi, nikoh turizmi, reklama turizmi, sanoat turizmi, sarguzashtli turizm, sog'lomlashtirish turizmi, tog' turizmim, kichik turizm zonalari* kabi.

"Tur", "nomer", "klass" terminlari ishtirokida yuzaga kelgan maxsus leksik birliklar, asosan, turistik xizmat ko'rsatish sohasida faol iste'molda bo'lgan terminlardir: *tur militsiyasi, tur paket, tur tashkilotchisi, tur yo'llanma; bir o'rinli nomer, ikki o'rinli nomer.*

Turizm terminologiyasi ochiq xarakterda bo'lib, takibining tez boyishi bilan boshqa terminologik tizimlardan farq qiladi. Jahon tishunosligida turizm terminologiyasi bo'yicha qiyosiy



xarakterdagi ilmiy tadqiqot ishlarining olib borilganligi ularda ushbu soha terminologiyasi ma'lum ma'noda tartibga solinganligi, yangi paydo bo'layotgan tushunchalarni nomlashda ma'lum tamoyillar ishab chiqilganidan dalolat beradi. O'zbek tilida mavjud turistik terminlarni tartibga solish, termin tanlash va uni muomalaga kiritish bo'yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqish soha oldidagi muhim vazifalardan biridir.

REFERENCES

1. Mirzayev M., Aliyeva M. Turizm asoslari. – Toshkent, 2011.
2. Абдурахмонов Ф., Мамажонов С. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
3. Алиева М. Дизайнерлик терминларида семантик майдон // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017.
4. Бектемиров Х., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. – Тошкент: Фан, 2002. – 48 б.
5. Белан Э. Особенности формирования новых терминосистем (на материале английской и русской терминологий международного туризма): Автореф.дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2009.



ARAB TILI O'RGANUVCHILARIDA LEKSIK KO'NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH VA TEKSHIRISHGA QARATILGAN METODLAR

Madina Jamshidbek qizi Abrorova

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi talabasi

m.abrorova0729@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada chet tili, xususan, arab tili o'rganuvchilariga yangi leksik materialni o'rgatish bosqichlari va bu jarayonda qo'llaniladigan metodlar haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: leksika, leksik birlik, lug'at boyligi, leksik ko'nikma, leksik material, metod, vosita til, kontekst, leksik mashq, o'yin.

METHODS OF FORMING AND TESTING LEXICAL SKILLS OF ARABIC LEARNERS

ABSTRACT

The article discusses the stages of teaching new lexical material to learners of a foreign language, especially Arabic, and the methods used in this process.

Keywords: vocabulary, lexical unit, lexical skill, lexical material, method, cross-language, context, lexical exercise, game.

KIRISH

Ma'lumki, istalgan tilni o'rganish jarayonida shu tilning lug'at boyligini o'rganish va egallash eng muhim jarayon hisoblanadi. Negaki, biror tilda fikr bildirish yoxud shu tildagi ma'lumotlarni tushunish o'z-o'zidan tildagi leksik birliklarni bilishni taqozo etadi. Til o'rganuvchilarida leksik ko'nikmalarni shakllantirishga qaratilgan samarali metodlar majmuasini tuzish va amalga tatbiq etish masalasi uzoq yillardan buyon pedagogika va metodika sohasi vakillarini qiziqtirib kelmoqda.

"Leksik ko'nikma" atamasi metodist olim S.F.Shatilov bergan ta'rifda o'z mazmunini aniq namoyon qiladi. Olimning fikricha, leksik ko'nikma ikki qismdan iborat metodik tushuncha bo'lib, nutqda so'zni qo'llash va nutq jarayonida so'z yasash jarayonlarini o'z ichiga oladi. Shuningdek,



soʻzni tahlil etish, soʻz birikmalarini tuzish kabilar ham shu tushuncha zamirida yotadi.

ASOSIY QISM

Leksik materialni, aniqrogʻi, tildagi muayyan soʻzlarni oʻrgatish 3 bosqichni oʻz ichiga oladi:

1. Leksikaning taqdimoti.
2. Leksika mashqlari.
3. Leksikaning qoʻllanilishi.

Leksikaning taqdimoti. Bu bosqich yangi soʻzning shakli va maʼnosini oʻquvchilarga tanishtirishdan iborat. Soʻzlarning maʼnosini taqdim etish oʻz navbatida ikki usulda amalga oshirilishi mumkin: tarjima vositasida yoki tarjimasiz. Shu oʻrinda chet tilini oʻrgatishda vosita tildan foydalanish muammosi yuzaga chiqadi. Bir guruh olimlar yangi soʻzlarni oʻrgatishda vosita til (koʻp hollarda oʻqituvchi va oʻquvchilarning ona tili)dan foydalanishni qatʼiyan rad etadilar. Xususan, F.Guen, M.Berlits kabi metodist olimlar chet tilini oʻrganish va oʻrgatish jarayonida ona tili yoki boshqa vosita til ishtirok etmasligi kerak, deb hisoblaydilar. Yangi soʻzni tarjimasiz usul bilan oʻrgatishda turli metodlardan foydalanish mumkin.

- ***Buyum yoki suratlar orqali oʻrgatish.***

Bunda oʻquvchilarning vizual xotirasi ishga tushadi hamda soʻzlarni tushunish va eslab qolish imkoniyati ortadi.

- ***Harakat namoyishi orqali oʻrgatish.***

Bu metod asosan ish-harakatni bildiruvchi feʼllarda qoʻl keladi. Bunda oʻqituvchi muayyan xatti-harakatni oʻzida koʻrsatib berishi lozim. Shuningdek, oʻquvchilar ham soʻzni talaffuz qilish asnosida mazkur harakatni bajarib koʻrishlari mumkin.

- ***Mimika va imo-ishoralar orqali oʻrgatish.***

“Xursand”, “xafa” kabi sifatlar va “yigʻlamoq”, “baqirmoq”, “kulmoq” kabi holatlarni ifodalovchi feʼllarni oʻrgatishda ushbu metoddan foydalanish samarali natija beradi. Oʻquvchilardan shu holatlarni oʻzlarida namoyish etib berishni talab qilish ham mumkin. Arab tilidagi soʻzlarni mazkur usulda oʻrgatishda jins va son kategoriyalarini ham tatbiq etish imkoniyati mavjud. Masalan, مسرور "xursand" soʻzini oʻrgatish va mashq qildirish jarayonida oʻgʻil bola oʻquvchini doskaga chiqarib مسرور , qiz bolani chiqarib مسرورة , ikki oʻquvchiga ishora qilib, مسروران va h.k sifatida oʻrgatish maqsadga muvofiq.

Til hodisalarini ko'rgazmalilik, ya'ni yuqorida ko'rsatilgan usullar yordamida o'rgatish bir necha olimlar, jumladan, M.Berlitsning metodik mulohazalaridan ham o'rin olgan.

• ***Sinonim va antonimlar orqali yangi so'zlarning ma'nosini ochib berish.***

Mazkur metod bilim darajasi yuqori o'quvchilar bilan birgalikda til o'rganishga yaqinda kirishgan o'quvchilarga nisbatan ham qo'llanilishi mumkin. Masalan, صغير "kichik" so'zini o'quvchilarning lug'at boyligida mavjud كبير "katta" so'zining antonimi, aksi sifatida tanishtirish mumkin. Aksar hollarda zid ma'noli sifat va fe'llarni birgalikda o'qitish ijobiy natija beradi.

طويل × قصير
قبل × بعد
فرح × حزن

Shuningdek, yangi so'zni o'rgatishda uning ma'nodoshlarini ham sanab o'tish mumkin.

Misol uchun, عاد qaytmoq so'zini رجع fe'lining sinonimi sifatida tanishtirish mumkin. Birgina talab qilinadigan narsa shuki, izohlash uchun taqdim etiladigan ma'nodosh so'zlar o'quvchilarga notanish bo'lmasligi lozim.

الفرح = السرور
الحزن = الأسى

Mazkur metod bir qator olimlar, jumladan, M.Valterning metodologik qarashlarida o'z aksini topgan.

• ***Uyadosh so'zlar orqali o'rgatish.***

Masalan, الفواكه mevalar so'zini tanishtirishda o'quvchilarga oldindan ma'lum bo'lgan meva nomlarini sanash (مشمش، عنب، تفاح) va bularning bari الفواكه guruhiga kirishini ta'kidlash kifoya. Bu usul "kiyim-kechaklar", "sabzavotlar", "idish-tovoqlar", "o'quv qurollari" kabi jamlovchi so'zlarni o'rgatishda qo'l keladi. Tushuntirish jarayonida klaster metodidan foydalanish tavsiya etiladi.

• ***So'z ma'nosini kichik hikoya orqali ochib berish.***

Misol uchun, اشترى "sotib olmoq" so'zini o'rgatish jarayonida bir qahramonning bozorga borishi va u yerdan mahsulotlarni tanlashi va pul berishi, shu orqali uning sotib olish jarayonini amalga oshirganini tushuntirish mumkin.

Mazkur metod asosan o'rta va yuqori darajadagi til o'rganuvchilariga nisbatan tatbiq etiladi.

Yuqorida sanab o'tilgan metodlar asosan so'zning mazmun-mohiyatini tushuntirishga qaratilgan usullar bo'lib, ularni tatbiq etish jarayoni so'zlarning talaffuzini o'rgatish bilan teng holatda

olib borilishi zarur. Mazkur metodlarni qo'llash jarayonida barcha analizatorlar (ko'rish, eshitish, nutq, harakat)ning jalb etilishi samarali natija beradi.

Biroq yangi so'zlarni tarjimasiz usulda o'rgatish aksar hollarda ko'p vaqt talab qiladi. Shuningdek, mavhum tushunchalarni ko'rgazmali usulda taqdim etish imkoniyati o'ta cheklangan. Shu sababli yangi so'zlarning ma'nolarini izohlashda vosita tilni qo'llash, ya'ni tarjima usulidan foydalanish ham ijobiy samara berishi mumkin. Metodist olim H.Palmer so'zlarning ma'nosini ochishda ko'rgazmalilik, kontekstdan foydalanish kabilardan tashqari tarjimani qo'llashni ham tavsiya etadi. Agarda yangi so'zning vosita tildagi ayni muqobili topilmasa, izohli tarjima beriladi.

Leksika mashqlari. Bu bosqich til materialini mustahkamlash davri bo'lib, tanishilgan yangi so'zlar takrorlanadi va nutq jarayonida qo'llashga qadam qo'yiladi. Leksik ko'nikmalarni shakllantirishda mazkur bosqich muhim ahamiyat kasb etadi.

Mashqlarning asosiy turlari quyidagilardir:

1) lug'at boyligini o'zlashtirish, lug'at tarkibini kengaytirish va ularni fahmlash orqali bilib olish ko'nikmalarini hosil qiladigan mashqlar;

2) retseptiv (tinglab va o'qib tushunish) va reproduktiv (gapirish va qisman yozuv) leksik mashqlar;

3) leksik birlikning har xil turlari (so'z va so'z birikmalari) va ishlatilish o'rinlarini o'rgatish mashqlari.

- So'z, so'z birikmasi va gaplarni o'qituvchi ortidan ovoz chiqarib takrorlash;

- yangi o'rganilgan so'zlarni matndan topish va tarjimasini aytish;

- chet tilida aytilgan harakat yoki holatni namoyish etib berish;

- so'z ishtirokida sodda birikmalar tuzish;

- audiomatnda so'zlar ifodalagan narsalarni yoki rasmlarni tinglangan tartibda joylashtirish kabilar ilk mashq jarayonlarida amalga oshirilishi mumkin.

Amaliyot va takrorlash bosqichlarida quyidagi mashqlarni amalda qo'llash lozim:

• Ona tilida ifodalangan so'zni chet tilidagi matndan topish;

• Matn yoki gaplardagi bo'sh joylarni tegishli so'zlar bilan to'ldirish;

• So'z ishtirokida turli birikmalar tuzish;

• Matnda ajratib ko'rsatilgan so'zlarga savol tuzish;

• Qavs ichidagi so'zlarning mosini qo'yib, gaplarni ko'chirish;

• Bo'sh joylarni qavs ichida berilgan so'zlarning sinonimi yoki antonimi bilan to'ldirish;

• Berilgan so'zlar orasidan ma'no jihatdan boshqacha bo'lgan so'zni chiqarish;

- Soʻzlar ishtirokida ogʻzaki va yozma gaplar tuzish.

M.Valter soʻz boyligini mustahkamlashda asosiy eʼtiborni mashqlardagi soʻzlarni guruhlashtirishga qaratadi: bir oʻzakli soʻzlarni tanlash, mavzuga doir soʻzlarni ajratish, antonim va sinonim soʻzlarni topish kabilar. Shuningdek, u mashqlarni oʻyin tarzida olib borishni, oʻquvchilar uchun taʼlim jarayonini qiziqarli mashgʻulotga aylantirish zarurligini taʼkidlaydi.

Leksikani amaliyotga joriy qilish, takrorlash va tekshirishga oid turli mashqlarni oʻyinlar koʻrinishida oʻtkazish mumkin:

1. **“Kim koʻp soʻz yasaydi?” oʻyini.** Bunda oʻquvchilarga harflar tasviri tushirilgan kartochkalar toʻplami taqdim etiladi. Oʻquvchilardan harflar ishtirokida turli soʻzlarni yasashlari va ularni izohlab berish talab etiladi. Ushbu oʻyinni arab tilini oʻrgatish jarayoniga tatbiq qilinganda, harflarning soʻz boshi, soʻz oʻrtasi va soʻz oxiridagi koʻrinishlarining tasviri alohida kartochkalarga tushirilishi maqsadga muvofiq. Chunki oʻrganuvchi bu orqali nafaqat soʻz va uning maʼnosi, balki grafik koʻrinishini ham takrorlab, mustahkamlab oladi.

Mazkur oʻyin yangi soʻzlarni ilk mashq qildirish vaqtida, aytilgan soʻzni kartochkalar orqali yasab berish usulida ham tatbiq etilishi mumkin.

2. **“Issiq oʻrindi” oʻyini.** Bir oʻquvchi doskaga chiqib orqa tarafi bilan stulga oʻtiradi. Muallim bu vaqtda guruhdagi boshqa oʻquvchilarga istalgan soʻzni yozib koʻrsatadi. Soʻzni tushungan oʻquvchilar orqamachiq oʻtirgan sheriklariga shu soʻzni tushuntirib berishlari lozim. 5 ta izohdan soʻng doskadagi oʻquvchi soʻzni topa olmasa, uning oʻrindigʻi “isib ketadi” va oʻyinda magʻlub boʻladi.

Masalan, oʻqituvchi دقيق (un) soʻzini koʻrsatsa, oʻquvchilar quyidagi izohlar bilan sheriklariga soʻzni tushuntirishlari mumkin.

الطالب الأول : لونه أبيض
الطالب الثاني: نشتره من السوق أو المتجر
الطالب الثالث: يصنع منه الخبز
الطالب الرابع: نضيف إليه الماء لنصنع العجين

“Birinchii talaba: Uning rangi oq.

Ikkinchi talaba: Uni bozor yoki doʻkondan sotib olamiz.

Uchinchi talaba: Undan non tayyorlanadi.

Toʻrtinchi talaba: Uni suv bilan qoʻshib, xamir qoramiz”.

Leksik mashqlarni bajarish jarayonida soʻzning turli nutq namunalari ishlatilishiga imkon yaratilishi juda zarur. Negaki,

leksik ko‘nikmani shakllantirishda uning kontekstda ro‘yobga chiqarilishi kutilgan natija garovidir. Faqatgina yakka so‘z va uning tarjimasida ustida ishlash so‘zni "bilish" demakdir, "egallash" emas.

Leksikaning qo‘llanilishi. Oddiy “bilish” deganda, so‘z ma‘nosini yodda saqlash yoki shaklini tanib olish holati ko‘zda tutiladi. “Egallash” esa ko‘nikma darajasida bilish demakdir. Leksikani egallaganlik darajasi so‘zlarni nutqda erkin qo‘llay bilish bilan o‘lchanadi. Til o‘rganuvchisi istalgan so‘zni bamaylixotir nutqda ishlata olsa, so‘zning latent davri (esda saqlash muddati) ta‘minlangan va u puxta o‘zlashtirilgan hisoblanadi. Mashq qilish bosqichidan leksikaning qo‘llanilishi bosqichiga qadam qo‘yilar ekan, fikr bayon qilishda sodir bo‘ladigan leksika tanlovida ong ishtiroki pasayadi, ya‘ni o‘quvchi o‘z fikrini ifodalovchi so‘zlar ustida uzoq o‘ylanmaydi.

Leksika bilan tanishish va mashq qilish bosqichlarida leksik birlik ustida ishlash birlamchi edi. Biroq qo‘llanilish bosqichida nutq birlamchi o‘ringa chiqadi va leksika vosita sifatida nutqiy xizmat qiladi.

Leksikaning qo‘llanilishi bosqichida fikrni bayon qilishga doir bir qator mashqlarni o‘tkazish mumkin:

- Harakat, hodisa va narsani sharhlab berish;
- Yangi so‘zlarni qo‘llab, rasmni tasvirlash. (Rasm o‘rganilgan mavzu doirasida bo‘lishi lozim);
- Biror nutq mavzusini tasvirlash (Masalan: Sayohat qilgan davlatning haqida so‘zlab ber);
- O‘qilgan matnni yangi so‘zlar ishtirokida gapirib berish;
- Tinglangan matnning mazmunini bayon qilib berish;
- Tomosha qilingan videoni so‘zlab berish. Agar film so‘zsiz bo‘lsa (فيلم صامت), o‘quvchini mushohadaga undash va film zamirida yotgan ma‘no haqidagi fikrlarini so‘rash mumkin.

Sanab o‘tilgan metodlarni o‘rta va yuqori bosqich o‘rganuvchilariga nisbatan tatbiq etish tavsiya etiladi.

XULOSA

Xulosa o‘rnida shuni ta‘kidlash lozimki, til o‘rganishda uning lug‘at boyligi va imkoniyatlari bilan yaqindan tanishish va puxta o‘zlashtirish eng zaruriy talablardan hisoblanadi. Shu sababli chet tili xususan, arab tili o‘qituvchilariga bu ishga mas‘uliyat bilan yondashish, leksik materialni taqdim etish va mashq qildirishda turli metodlardan

foydalanish tavsiya etiladi. Lugʻat ustida ishlash jarayoni, oʻz navbatida, boshqa mahoratlar, jumladan, eshitish, oʻqish, yozish va gapirish mahoratlari bilan birgalikda olib borilishi lozim. Leksik birliklarni kontekst tarkibida taqdim etish hamda tavsiya etilgan retseptiv va reproduktiv mashqlar yordamida mustahkamlash eng samarali usullardan hisoblanadi. Shuningdek, mashqlarning taʼlimiy-tarbiyaviy maqsadlariga muvofiq holda ularni oʻyin tarzida olib borish til oʻrganuvchilarida yangi bilimlarni oʻzlashtirish va namoyish qilishga boʻlgan ragʻbatni kuchaytiradi. Bu esa oʻquvchilarning nafaqat leksik koʻnikmalarni shakllantirishlari, balki tilning boshqa jihatlarini ham puxta oʻzlashtirishlariga ijobiy taʼsir oʻtkazadi.

REFERENCES

1. J.Jalolov. Chet til oʻqitish metodikasi. – T., “Oʻqituvchi” nashriyot-matbaa ijodiy uyushmasi, 2012.
2. Djumali Shabanov. Chet tilini oʻqitish metodikasi va zamonaviy texnologiyalari. – Toshkent, 2009.
3. Alpino Susanto (2017). The teaching of vocabulary: a perspective. Journal KATA. Vol. 1. pp. 182-191.
4. <https://bridge.edu/>
5. <https://skyteach.ru/>



TRANSPORT VOSITALARINING YUKLANGANLIK MASALALARI TASHISHDA YUKNING NOMENKLATURASI.

Abdukarim Muxtorov

Jizzax politexnika instituti
mukhtorovkarim95@gmail.com

Kamola Ergasheva

Jizzax politexnika instituti
ergashevakamola643@gmail.com

ANNOTASIYA

Maqolada transport vositalarining yuklanganlik masalalari tashishda yukning nomenklaturasi, tashishlarni tashkil etish va optimal boshqarish masalalarini faqat transport jarayonlari va tizimlarini tahlil qilish orqali uning nazariyasiga asoslanib hal etish masalalari yoritilgan.

Kalit soʻzlar: Tashishlarni tashkil etish, transport vositalari, yuklanganlik, tashishda yuklanganlik, nomenklatura, marshrutlashtirish.

NOMENKLATURE OF FREIGHT IN TRANSPORTATION ISSUES OF VEHICLES

ABSTRACT

The article deals with the issues of loading of vehicles, the nomenclature of cargo in transportation, the organization of transport and the optimal management of problems based only on the analysis of transport processes and systems.

Keywords: Transportation organization, vehicles, loading, loading in transport, nomenclature, routing.

KIRISH

Ma'lumki transport iqtisodiyotimizda va ijtimoiy hayotimizning barcha sohalarida uning barqaror hamda rivojlanishida muhim o'ringa ega. Transport tizimlarining bir maromda va samarali ishlashi iqtisodiyotimizning yuksalishida, aholining turmush tarzini yaxshilashda katta ahamiyat kasb etadi. Biroq transport tizimlarining samarali ishlashini ta'minlash uchun bir-biriga bog'liq bo'lgan bir qancha

masalalarni bir butun yaxlit holda ko‘rish va tahlil qilish talab etiladi.

Tashishlarni tashkil etish va optimal boshqarish masalalarini faqat transport jarayonlari va tizimlarini tahlil qilish orqali uning nazariyasiga asoslanib hal etish mumkin. Transport tizimlar faoliyatini optimal boshqarish, samarali ishalashini ta‘minlash avtotransport tizimlarini tashkil etish, transport tizimlari jarayonlari, ularni boshqarish va optimallashtirish usullari, qabul qilinadigan tadbirlarning eng samaraligini tanlash masalalarini o‘rganishni talab etadi.

Bu masalalarni hal qilish uchun, transport tizimlari va uning bir maromda va uzluksiz faoliyat olib borishi uchun moddiy resurslar ,moddiy oqimlar,ortish va tushirishdagi texnologik jarayonlar, transport vositalariga texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash ishlari umuman olganda transport tizimlarini yaxlit bir butunlikda o‘rganib, ularning bog‘likligi ular o‘rtasidagi mutanosiblik, tashkiliy jihatlari, tizimning samarali ishlash qonuniyatlarini tahlil qilish zarur bo‘ladi.Bunday masalalarni hal qilish uchun esa, transport tizimi faoliyatidagi jarayonlarni iqtisodiy jihatdan yoki matematik hisob-kitoblar orqali solishtirgan holda olib borish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Masalan: Transport tizimlarining faoliyatini baholashning miqdor ko‘rsatkichlarini iqtisodiy ko‘rsatkichlariga bog‘likligi yoki vaqt me‘yorlariga bog‘liqligi. Biroq transport tizimlari faoliyatini tahlil qilishda bu jarayonni bir butun yaxlit ko‘rinishda o‘rganib, uning matematik modelini ishlab chiqish juda qiyin masala hisoblanadi. Buning uchun tizim faoliyati jarayonidagi barcha bo‘g‘inlarda o‘zaro bog‘likliklarning tuzulishi(strukturasi)ni texnik va texnologik parametr (ko‘rsatkich,o‘lcham,me‘yor)larini to‘g‘ri aniqlab olish zarur bo‘ladi.So‘ngra tahlillar davomida transport tizimlari faoliyat ko‘rsatishiga ta‘sir etuvchi tashqi va ichki omillar hamda ularga mos ravishda faoliyat yurituvchi boshqa omillar va inson faktorlarini hisobga olish zarur bo‘ladi.

Masalan: Biz tashish jarayonini tashkil etishda ob-havoning qanday bo‘lishini oldindan bilmaymiz, yo‘llarda bo‘ladigan tirbandliklarni,yoki ortish va tushirish joylariga keluvchi boshqa tashuvchilarning transport vositalari sonini va h.k. Bundan ko‘rinib turibdiki transport tizimlarini faoliyatini rejalashtirish optimal variantlarini topishda tashish jarayonidagi uzviy bog‘liqliklarning matematik modellarini yaratish orqali tizim faoliyatidagi mavjud bulgan informatsion noaniqliklar, hamkorlar o‘rtasidagi ziddiyatli holatlar, tizim faoliyatiga turlicha ta‘sir ko‘satuvchi faktorlar va h.k. ga barham

beriladi. Transport tizimlari faoliyatini optimallashtirish bir nechta matematik modellashtirish yoʻnalishi orqali amalga oshiriladi.

Yalpi yuklarni tashishni va transport vositalari harakatini marshrutlashtirish

Marshrutlashtirish – bu punktlararo harakatlanishning shunday sxemalarini topish demakki, yuksiz yurilgan yoʻl uzunligi eng kam boʻlsin va berilgan yuk tashish rejasini bajarilsin. Bunda iqtisodiy-matematik usullardan foydalanib yuksiz qatnovlar optimal rejasini tuzish, yukli va yuksiz qatnovlar qoʻshma rejasini tuzish, yuk tashish marshrutlarini tuzish talab etiladi.

Tashishlar va transport vositalarining harakatini marshrutlashtirish masalasi yuklar yoki yoʻlovchilarning punktlarni oxirgi soni oʻrtasida koʻchishining ratsional yoki optimal sxemasini tanlashdan iborat boʻladi. Bunday masalalarda boshlangʻich maʼlumotlar sifatida tashishning zaruriy hajmlari, foydalaniladigan transport vositalari va transport tarmogʻining tavsiflari, etkazib berish shartlari, vaqt boʻyicha cheklashlar, xarajatlar boʻyicha maʼlumotlardan foydalaniladi. Minimallashtirishga tortilishi lozim boʻlgan maqsadli funksiya – q tashishlar hajmining c ogʻirlik koeffitsientiga koʻpaytmalarining summasidan iborat boʻladi, ogʻirlik koeffitsienti sifatida transport vositasining bosib oʻtgan yoʻli, tashishlarnig tannarxi, tashish vaqti va hokazolardan foydalanish mumkin.

$$\sum_{i=0}^n \sum_{j=0}^m c_{ij} q_{ij} \rightarrow \min.$$

Maqsadli funksiyaning talab qilinadigan qiymatlaridan oshib ketmaslikni taʼminlaydigan marshrutlar ratsional marshrutlar deb, erishiladigan qiymatlardan eng yaxshilarini taʼminlaydigan marshrutlar – optimal marshrutlar deb hisoblanadi.

Transport vositalarining yuklanganlik masalalari tashishda yukning nomenklaturasi, hajmi va joylashtirish sxemasini aniqlaydi. YUkning hajmi va massasidan tashqari yuklarni birlashtirish shartlarini (ayniqsa xavfli yuklar uchun), yuklash ketma-ketligini, birta hujjat boʻyicha tashiladigan yuk partiyalarining uzluksizligini hisobga olish zarur boʻlganda, masalaning murakkabligi ortadi. Maqsadli funksiya sifatida, qoidaga koʻra, tashishdan keladigan daromad maksimallashtiriladi:

$$\sum_{i=1}^n c_i q_i \rightarrow \max.$$

Quyidagi shartlar

$$\sum_j l_j \leq L; \sum_k b_k \leq B; \sum_m h_m \leq H; \sum_i q_i \leq Q,$$

ortilgan yuk uzunlik, kenglik va balandlik bo'yicha transport vositasining yuk uchun belgilangan moddani (joyni), konteyner yoki boshqa idishning gabaritlaridan, shuningdek yuk ko'taruvchanlikning belgilangan me'yorlaridan oshib ketmasligi lozimligini belgilaydi. Bu holda $s_i - i$ turdagi yukni tashish tarifi.

Harakat grafiklarini tuzish masalalari ishlab chiqarish korxonalarining texnologik jaryonlariga xizmat ko'rsatishda tashishlarni "belgilangan muddatga aniq" texnologiya bo'yicha bajarishda, yirik omborlar va terminallarda transport vositalarini yuklash va tushirishda, yo'lovchilarni tashishda vujudga keladi. Foydalaniladigan transport vositalarining minimal soni, turib qolishlar vaqti va bu ko'rsatkichlar bilan bog'liq bo'lgan daromadlar va xarajatlar harakat grafiklarini tuzishning sifatini belgilaydigan ko'rsatkichlar bo'lib xizmat qiladi.

Transport tugunida mehnat resurslari va texnik resurslardan foydalanishni rejalashtirish masalalari barcha turdagi resurslarning turib qolishini kamaytirish, transport tugunining unumdorligini oshirish maqsadida har bir turdagi transport uchun umumiy va maxsus resurslarni optimallashtirishda hal qilinadi. Bunday masalalarni echishning asosiy yo'nalishi barcha turdagi transportning ishlash grafiklarini ularning texnik va texnologik xususiyatlarini, yuklarni to'g'ridan-to'g'ri yoki omborlarda qayta yuklash bilan tashish va hokazolarni hisobga olish bilan muvofiqlashtirishdan iborat bo'ladi.

Transport korxonalarining ishini rejalashtirish masalalari korxonalarining transport faoliyati (tashishlarni rejalashtirish) va ekspluatatsion faoliyatiga (texnik ko'riklar va texnik ta'mirlashlarni bajarish, kadrlardan foydalanish) taalluqli bo'ladi. Maqsadli funksiya sifatida mehnat va texnik resurslardan foydalanishning umumiy xarajatlari chiqadi, ularni minimallashtirish lozim bo'ladi.

Modellar va modellashtirish

Turlicha tabiatli tizimlarni tadqiq qilishda ularni qanday aks ettirish, shuningdek bilish faoliyati va amaliy faoliyatda ulardan qanday foydalanish muammosiga duch kelinadi. Ob'ekt tilning atamalari bilan qayd qilinadi, chizmalar, grafiklar, fotosuratlar, tenglamalar va formulalar, shuningdek maketlar, mexnizmlar, qurilmalar bilan qog'ozda aks ettiriladi. So'ngra bu tasvirlanishlardan ilmiy tadqiqotlar uchun (masalan, kuzatishlar, sinovlar) yoki amaliy faoliyatda foydalaniladi.

Ob'ektlarning tasvirlari – modellar, ularni yaratish jarayoni – modellashtirish, ulardan mos ravishda foydalanish esa – modeli tadqiq qilish (modelli eksperiment, sonli sinov, modeli kuzatish), amaliyotda foydalanish esa – modeli amaliyot deb ataladi.

Model boshqa tizim to'g'risida ma'lumot olish vositasi bo'lib xizmat qiladigan tizimni taqdim qiladi. Har ikkala tizim moddiy (materialli) ham, mavhum (abstrakt) ham bo'lishi mumkin. SHu bois modellar moddiy va mavhum modellarga bo'linadi, shuningdek modellarning bu turlari o'rtasidagi oraliq guruh – belgili modellar ajratiladi.

Moddiy modellar originalni ular o'rtasida ma'lum bir o'xshashlikni o'rnatish hisobiga aks ettiradi. O'xshashlikning quyidagi uchta turi farqlanadi:

fizikaviy (to'g'ridan-to'g'ri) o'xshashlik, bunda model o'rganiladigan jarayonni o'rganiladigan xususiyatlarni saqlash bilan qayta yaratadi. Bu masalan, transport vositalarining masshtabli modellari bo'lishi mumkin;

bilvosita o'xshashlik, original bilan mavhum modellarning modeli o'rtasidagi mos kelish yoki yaqinlik ko'rinishida namoyon bo'ladi;

Mavhum modellar fikrlash yordamida yaratiladi. Fikrlash mexanizmini aks ettiradigan va oxir-oqibatda til konstruksiyalarida ifodalanadigan ichki mavhum modellar va jamoaviy faoliyat uchun mo'ljallangan tashqi mavhum modellar farqlanadi. O'z navbatida, tashqi mavhum modellar irratsional (masalan, teatrdagi spektakllar) va tabiiy tilda ham, maxsus belgili formada ham ifodalanishi mumkin bo'lgan til modellariga bo'linadi. Keyingi guruhda texnik tadqiqotlarda matematik modellar muhim o'rin egallaydi, bunda model o'zida modellashtirish ob'ektining matematik tasvirlanishini taqdim qiladi.


Transport tizimlarini imitatsion modellashtirish.

Imitatsion modellashtirish – bu matematik modellashtirishning bir turi bo'lib, unda modelning tasviri o'zini qanday tutish modellashtiriladigan tizim elementlarining o'zaro bog'lanishlarining algoritmlari ko'rinishida beriladi. Foydalaniladigan algoritmlar tizim elementlarining ham, va umuman butun tizimning ham o'zini qanday tutishini o'xshatish, shuningdek tizimning faoliyat ko'rsatishining talab qilinadigan parametrlarini aniqlash imkonini beradi.

Imitatsion modellashtirish determinantlangan yoki stoxastik, statik yoki dinamik bo'lishi mumkin.

Stoxastik statik modellarda boshlang'ich ehtimolli parametrlarning qiymatlari tasodifiy sonlar datchigi yordamida shakllantiriladi, shundan keyin beriladigan funksional bog'lanishlar bo'yicha boshqa parametrlarning qiymatlari aniqlanadi. Modelni ko'p marotaba moslashtirish modelning parametrlari to'g'risidagi statistikasi to'plash va shu bo'yicha uning statistik tavsiflarini aniqlash imkonini beradi.

Dinamik modellar tizimning vaqtda o'zini qanday tutishini imitatsiyalaydi va tizimning berilgan vaqt diapazonida ishlashini tadqiq qilish yoki uning kelgusida qanday ishlashini bashorat qilish imkonini beradi. Bunday modellarda hodisa, jarayon, faollik tushunchalaridan foydalaniladi. Hodisa – bu tizim holatining o'zgarishidir, bunda hodisa bir lahzada sodir bo'ladi. Ikkita hodisa o'rtasidagi oraliqda model o'zgarimasdan qoladi. Jarayon – bu yagona maqsad bilan mantiqiy yoki texnologik bog'langan faolliklar ketma-ketligidir. Faollik esa – tizimni bir holatdan boshqasiga o'tkazish bo'yicha bajariladigan elementar ishdir. Faollik hodisa bilan boshlanadi va hodisa bilan tugaydi (1 rasm).



Xulosa qilib aytganda transport tugunida mehnat resurslari va texnik resurslardan foydalanishni rejalashtirish masalalari barcha turdagi resurslarning turib qolishini kamaytirish, transport tugunining unumdorligini oshirish maqsadida har bir turdagi transport uchun umumiy va maxsus resurslarni optimallashtirishda hal qilinadi. Bunday masalalarni echishning asosiy yo'nalishi barcha turdagi transportning ishlash grafiklarini ularning texnik va texnologik xususiyatlarini, yuklarni to'g'ridan-to'g'ri yoki omborlarda qayta yuklash bilan tashish va hokazolarni hisobga olish bilan muvofiqlashtirishdan iborat bo'ladi.

REFERENCES

1. Sh.A.Butayev, Y.U.Madaminov. Sovershenstvovanie metodov upravleniya protsessami avtomobilnykh perevozok грузов. Tashkent.: Fan, 2008. - 152 s.
2. Modeli i metody teorii logistiki : Uchebnoe posobie./ Pod red. V.S.Lukinskogo. – SPb. Piter, 2017 g.- 448s.

3. Gorev A.E. Основы теории транспортных систем. Санкт-Петербург, 2010 г.- 212 с.
4. Zotov, L.L. Основы теории автотранспортных систем: учеб. пособие/ L.L. Zotov, A.A. Chernyakov, V.A. Y.Anchelenko. – SPb.: Izd-vo SZTU, 2018 г. – 75 с.
5. Trofimenko Yu.V., Yakimov M.R. Transportnoe planirovanie: formirovanie effektivnykh transportnykh sistem krupnykh gorodov, Moskva, Lotos, 2018 – 448.
6. Akmal Azimov, & Abdularim Muxtarov (2021). Avtotransport korxonalarida texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishchilarini kompetensiyaviy yondoshuv asosida tayyorlash va malakasini oshirish metodikasi. Academic research in educational sciences, 2 (1), 258-265. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00033.
7. Akmal Azimov, & Abdulkarim Muxtarov (2021). Yo'lovchi tashuvchi avtotransport korxonalarining samaradorligini belgilovchi omillar tahlili. Academic research in educational sciences, 2 (4), 1395-1340. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00749.
8. АЗИМОВ Акмал., & ТОЖИЕВ Жамшид (2021). Автомобиль йўлларида автотураргоҳларни ташкил этишдаги мавжуд муаммолар таҳлили ва уларнинг асосий ечимлари. Инновацион технологиялар , (4 (44)), 53-58.
9. Azimov, A. (2020). Factors affecting noise reduction on automobile roads. Scientific and technical journal of Namangan institute of engineering and technology.
10. Akmal, A. (2021). Analysis of technical parameters that determine the efficiency of vehicle steering. Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences, 1(1), 48-55.
11. Akmal Azimov, & Jamshid Hamroyev (2021). Jizzax shahri Sharof Rashidov shoh ko'chasida avtomobil shovqiniga ta'sir etuvchi omillar tahlili va shovqin muhofazasini tashkil etish metodlari. Academic research in educational sciences, 2 (11), 1079-1088.
12. Акмал АЗИМОВ, & ДЖАМШИД ХАМРОЕВ (2021). Диагностика двигателя автомобиля по стандартным нормам шума. Academic research in educational sciences, 2 (3), 165-173. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00382
13. Norqo, A. B. O. G. L., & Islomov, J. B. O. (2022). RESPUBLIKAMIZDAGI AVTOSERVIS KORXONALARINING SAMARALI ISHLASHIGA TA'SIR ETUVCHI ASOSIY OMILLAR. Academic research in educational sciences, 3(1), 426-433.
14. Norqo, A. B. O. G. L., & Islomov, J. B. O. (2022). RESPUBLIKAMIZDAGI AVTOSERVIS KORXONALARINING SAMARALI ISHLASHIGA TA'SIR ETUVCHI ASOSIY OMILLAR. Academic research in educational sciences, 3(1), 426-433.



ЎҚУВЧИЛАРНИ НОСТАНДАРТ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА КЎНИКМАЛАРИ

Айжан Азизбек қизи Анарбекова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўқувчиларнинг ностандарт фикр юритишга, шахс дунёқарашини ривожланишига хизмат қиладиган, турли вазиятларда тўғри ечимлар тақдим қила оладиган қобилиятларнинг юқори даражаси ҳисобланадиган креативликнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий асосларга таянган ҳолда фикр-мулоҳаза билдирилган.

Калит сўзлар: ностандарт фикрлаш, креативлик, ижодкорлик, ақлий қобилият, дезадаптация, идрок, конвергент, дивергент, омиллар, таркибий қисмлар, даражалар ва таърифлар.

PRINCIPLES AND SKILLS TO TEACH STUDENTS TO NON-STANDARD THINKING

ABSTRACT

This article discusses the scientific basis of the peculiarities of creativity, which is a high level of ability to think non-standard, to develop students' worldview, to provide the right solutions in different situations.

Keywords: non-standard thinking, creativity, creativity, mental ability, maladaptation, cognition, convergent, divergent, factors, components, levels and definitions.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан ва техника ютуқларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Ностандарт фикрлайдиган ёшлар салоҳияти ва иқтидорини ривожлантириш, модификациялашган таълим мазмунига инновацион ёндашувлар асосидаги технологияларни киритиш лозимлиги таъкидланган. Креативлик атамасига илк бора 1922 йилда Д.Симпсон тафаккурнинг ностандарт усули, деб таъриф берган. Креативликни ўрганиш бўйича Россияда А.М.Матюшкин, А.В.Петровский, М.Г.Ярошевский, В.Н. Дружинин каби олимлар иш олиб борганлар. Психологияда интеллект ва креативликни



алоқасини тушунтирувчи 3 та назария мавжудлигини таъкидлаб ўтган.

Ностандарт фикрлаш бу шахснинг янги ғояларни яратиши, тафаккурнинг анъанавий схемасидан четга чиқиб, ўзига хос, оригинал қарорлар қабул қилишга қодирлиги. Ностандарт фикрлаш интеллектуал қобилиятлар асосида шаклланиб, бу шахснинг таъсирчанлиги, предметни идрок қилишининг кучлилиги ва яхлитлиги, у тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлиш, тафаккур ўзгарувчанлиги ва тезкорлиги (тез, хилма-хил, ўзига хос), мантикий ва саводли мулоҳаза юритиш, тизимли ҳаракатлар, синтезтаҳлил-синтез, ижодий ифодалай билиш, умумлаштириш ва хулосалаш, ўз фикрига эга бўлиш, ишни охиригача етказиш, ишчанлик, ўз билимларини бошқаларга етказа олиш каби асосий креатив фазилатлар мажмуи бўлиб, нафақат юксак ижодий ривожланишни, балки умуман шахс ривожланишининг муҳим омили, ҳар қандай фаолиятдаги муваффақиятнинг гарови, кишилар билан мулоқот, кундалик фаолиятдаги ютуқлар омилidir.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Креативлик - бу инсонни ҳаётга мослашиши эмас, балки уни ўзгартиришидир. Креативликни ривожлантиришга қаратилган фаолият, яъни идрок қилиш, ахборот материалларини ижодий тайёрлаш, уларнинг турли жойларда ижтимоийлаштириш таълим олувчилар учун аҳамиятли бўлиб, бу уларнинг эҳтиёжларига мос келадиган, зарур ўқув фаолияти ҳисобланиди. Интеллект ва креативлик кўникмалари шаклланган ёшлар идрок қилиш, ижодий фаоллик, шаклланган интеллект, ижодий потенциал, ижтимоийкоммуникатив фаолиятга интилиш, интеллектуал ривожланиш, такомиллашишга интилишнинг кучлилиги билан ажралиб туради. Уларда нафақат ижодий-интеллектуал, балки мулоқот қилиш, ижтимоий фаолиятга интилиш, оммавий ахборот воситалари, миллий ва жаҳон маданиятига қизиқиш, ўз билимлари билан ўртоқлашиш каби комуникатив қобилиятлар ҳам шаклланади.

Бу қобилият эгаларида олдиндан сезиш, режалаштириш, масъулият, қатъият, ўз-ўзини бошқариш, назорат қилиш каби эмоционал, интеллектуал ва иродавий хусусиятлар фаоллашади. Зарур шарт-шароитлар таъминланганида, унда “ўз-ўзини баҳолаш, индивидуаллиги ва бетакрорлиги”ни кўриш мумкин. Демак, креативликнинг таркиб топиши, эстетик дид, маънавий-ахлоқий дунёқараш; ижтимоий фаолликка эҳтиёж; турли тадбирларда фаол иштирок этиш; эътироф этилиш ва маъқулланишга эҳтиёжнинг кучайиши кузатилади.

Маълумки креативликнинг асосий омили бу инсоннинг дезадаптацияси, яъни уни атроф олам ва ижтимоий муҳитга мослаша олмаслигида деб қаралган назариялар ҳам мавжуд.



Баъзи олимлар шахнинг креативлик хусусиятини ташқи олам ва инсонлардан ёлғизланиш дея таъриф беришган. Айнан реал оламга нисбатан дезадаптацияси мавжуд бўлган, яъни мослаша олмаган инсон ўзидаги ёлғизликни енгиб ўтиш учун ижод қилиш ва янгилик яратишга интилади. А.Адлернинг инсондаги креативлик ўзида мавжуд бўлган нотўлиқлик мажмуини тўлдириш воситаси дея берилган тавсифи ҳам айнан креативликнинг ноодатий кўринишини намоён қилиш деб эътироф этиш мумкин. Эмпирик тадқиқотларда кўрсатилишича, ижодкор қобилият эгалари шахсий ва эмоционал соҳада жиддий муаммоларга дуч келишади. Тадқиқотларда бу қобилият эгаларининг таълим муассасаларида эришаётган натижалари уларнинг имкониятларидан паст кўрсаткичда эканлигини кўриш мумкин.

Ижодийлик мезонларидан бири бўлган ностандартлик бўлиб, Е.П.Торрансе ноёб ва оригинал жавоблар моҳиятан ҳар доим ҳам мос тушавермайди деб таъкидлаган. Кўпинча тушунчаларнинг мазмунини асосланмаган равишда аралаштириш ҳолати рўй беради: ижодий қобилият эса ностандартлик билан бир хил деб қаралади, ностандартлик оригиналлик билан, оригиналлик эса синалувчилар гуруҳидаги ноёб жавоблар билан айнан деб талқин этилади. Ностандартлик оригиналликка нисбатан кенгроқ тушунчадир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Интеллектуал тестлар шахсдан конвергент тафаккурни талаб қилади. Креатив тестлар эса дивергент тафаккурни талаб этади.

Стернберг ва унинг касбдошлари креативликнинг 5 та компонентини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган.

1. Шахсдаги билимнинг кўпқирралиги. Қўлга киритилган билимлар ғоялар кўп бўлишининг асоси ҳисобланди. Дунёвий билимлар қанчалик кўп бўлса, руҳиятдаги бўлимлар ҳам шунчалик кўп бўлади. Ҳаётда муаммоларни ҳал қилишда билимлар қанчалик кўп бўлса, уни ҳал қилиш шунчалик осон бўлади.

2. Тасаввурий тафаккур нарса ва ҳодисаларини янгидан кўришга, уларни қайта яратишга ва боғлашга имкон беради. Муаммонинг асосий элементини тасаввур қилиб, уни ўзлаштириш ва уни янги босқичга олиб ўтиш зарур.

3. Таваккалчилик - янги таассуротларни қидириш. Буни икки маънода кўриш мумкин, таваккал ва муаммони енгиб ўтишдаги қатъийликда деб кўриш мумкин. Бундай хусусиятга эга бўлган шахслар орқага қайтишдан кўра, янги тажрибага эга бўлишни афзал деб билишади.

4. Ички мотивация мажбурликдан кўра шахсда мураккаб масалани ечишда қизиқиш ва қониқиш ҳиссини юзага келтиради. Ижодкор шахс масаланинг муддатини,



унинг келтирувчи даромадини ва талабгорлари ҳақида ўйламайди. У бутун эътиборини масалани ечишдаги қониқиш ҳисси ва стимулига қаратади. (Исаак Нютондан “Сиз бундай мураккаб масалаларни қандай қилиб ҳал қилагансиз” деб сўрашганда, у “Мен бу муаммо ҳақида туну кун ўйлаб юрганман ” деб жавоб берган).

5. Ижодий муҳит шахсдаги ижодий ғояларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Ҳамкасблар билан ижобий муносабат ва уларни қўмағи шахсдаги ғояларни камол топишига туртки бўлади. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи тадқиқотларда ижтимоий муҳитнинг шахсга салбий таъсири ҳолати ҳам кузатилган. Масалан, америкалик талабаларга иншо ёзиш топшириғи берилганда, уларга ёзган иншолари ўзларининг курсдошлари томонидан текширилиши олдиндан огоҳлантирилган. Бошқа гуруҳга эса фақатгина иншо ёзиш айтилган. Натижаларга кўра огоҳлантирилган гуруҳ иншолари ёмон ёзилган, бу ҳолатда ижтимоий муҳитнинг ижодкорликка салбий таъсирини яққол кўриш мумкин

Ақлий ижодийлик ҳақида мулоҳаза юритилганда фикрлашнинг ностандартлиги, унинг мустақиллиги ва “креативлиги” назарда тутилади. Креативликнинг ажратилишига ақлнинг анъанавий тестлари ва муаммони ечишнинг муваффақияти ўртасида боғланиш йўқлиги ҳақидаги маълумот туртки бўлган. Бу сифат моҳиятан ақл орқали берилган маълумотларни, қўйилган вазифаларни ҳал қилишда тезкор усул ва ҳар хил йўсиндан фойдаланиш қобилиятига боғлиқлигини ифодалайди.

Ҳар қандай масалада ечимга келишнинг кўплаб йўллари мавжуд. Аксарият инсонлар қайсидир масалага дуч келишса, бу масала ўзидан олдин қайси йўллар билан ечим топганига эътибор қаратишади ва шуларнинг орасидан ўзига энг маъқулини танлайдилар. Чунки педагогикамиз бизни узоқ йиллар давомида шу тарзда тарбиялаган. Ваҳоланки, ҳар қандай масаланинг ечимида ҳар доим шу пайтгача маълум бўлганидан ташқари яна бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлади. Уларни топиш эса ноодатий фикрлайдиган, ўз йўлини қидирадиган инсонларгагина насиб этади. Масаланинг ечимида сиз топган янги йўл энг маъбули бўлмаслиги мумкин, аммо у сизгагина тегишли эканлиги ва янгилиги билан қадрли бўлади.

Янги топилган йўл бизнесда бу йўналишда рақобатчиларнинг кам бўлиши билан муваффақиятга етакласа, илм-фанда эса инсоният эришган илмфан сарҳадларининг кенгайишига хизмат қилиши билан қадр топади. Янги усуллар топиш кишидаги фараз қилиш қобилияти билан амалга ошади. А.Эйнштейн фараз қилиш кўникмасини билимдонликнинг энг юқори поғонаси деб ҳисоблаган, фаразсиз янгилик очиш мумкин эмаслигига ишонган.



Хўш, ёшларни ностандарт фикрлашга ўргатиш учун бугунги кун педагогикамизда қандай усул ва воситалардан, методлардан фойдаланиш зарур? Бу борада биз қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. ўқитувчининг талабаларга ўз фикрлаш тарзини рўқач қилиб, улардан ҳам шундай фикрлашни талаб қилишдан тийилиши;

2. талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;

3. турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш, ўқитиш жараёнида мавжуд билимларни ёдлаш ва хотирада сақлашдан кўра масаланинг моҳиятини тушунтиришга эътиборни қаратиш;

4. илмий терминлар ва тушунчаларнинг таърифи, қонуниятлар ва қоидаларни шунчаки ёдлаш эмас, балки уларнинг мазмунини англаш ва моҳиятини тушунишга урғу бериш. Бунда унинг моҳиятини ўқувчиларга тушунтиришда муайян таъриф, қоида ва қонуниятни анализ (таҳлил) ва синтез (тавсиф) қилиш методи қўл келади (она тили предмети бўйича бирор машҳур таърифни мисол сифатида келтириб тушунтириш керак);

5. дарс машғулотида ўқувчиларни ҳар бир фан, керак бўлса ҳар бир мавзу борасида ҳодиса ва моҳиятни, сабаб ва оқибатни англашига, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғланиш, муносабат ва мувозанатларни тушунишларига, чоғиштириш, солиштириш ва мантиқий хулосалар чиқаришларига шароитлар яратиш;

6. талабаларда моҳиятга етиб келишнинг янги йўллари кидиришга рағбат уйғотиш, бунда талабаларга хатога йўл қўйишлари табиий ҳол эканлигини ва бундан чўчимаслик кераклигини тушунтириш;

7. янги фикрлар билан талабаларни кулгига қолмасликларига ишонтириш;

8. бир нечта масалани бир усулда ечишдан кўра бир масалани бир нечта усуллар билан ечишга қаратилган методлардан фойдаланиш;

9. талабалардаги ижодий фикрлаш тарзининг ҳар қандай кўринишларини рағбатлантириш;

10. талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;

11. ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига ўзларида ишонч ҳиссини уйғотиш ва ҳоказо.

Аслида бу санаб ўтилган ҳар бир таклиф ўқитувчидан изланишни, ҳар бир дарс машғулотида пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шунинг учун мен ўқитувчиларга ҳар бир дарс машғулотини ижодий жараён сифатида қарашни ва унга тайёргарлик жараёнида мавжуд усул ва воситалардан фойдаланиш билангина чегараланмасликни, балки шу мавзунини ўқувчиларга етказишга ёрдам берадиган ҳар қандай усул, восита ва шакллардан фойдаланишдан



чўчимасликларини айтган бўлар эдим. Демак, ностандарт фикрлаш тарзини барча фаолият турлари қаторида дарс машғулотига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ақлий қобилиятларнинг шаклланишида ҳам ирсиятнинг, ҳам атроф муҳитнинг роли муҳим. Инсоннинг дастлабки ривожланиш босқичида ирсий омиллар етакчи роқ бўлиб кўринади, лекин йиллар давомида, айниқса, ақлий қобилиятларнинг риволанишига атроф - муҳит ўз таъсирини кўрсатиб боради. Унинг кейинги ривожланиши ёки сўниб борилиши атроф-муҳитга боғлиқ бўлиб қолади. Ақлий қобилиятнинг жинсий фарқлари мавжуд бўлиб, аёлларнинг хотираси эркаларникига қараганда кучли эканлигини кўриш мумкин. Эркаларда эса математик ва фазофий қобилиятлар яхши ривожланганлиги аниқланган.

REFERENCES

1. Аметовна, Ю. Т., & Назаровна, К. Х. (2020). Применение интеграции при обучении русскому языку в национальных группах. Суз санъати, (3).
2. Yuldasheva, T., & Kadirova, K. (2020). Teaching Russian with Innovative Approach. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(7).
3. Юлдашева, Т. А. (2021). МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ В МЕТОДИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА. Academic research in educational sciences, 2(2).
4. Ametovna, Y. T. (2021). FEATURES OF THE METHODOLOGY OF TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN UNIVERSITY. International Engineering Journal for Research & Development, 6(ICDSIIL), 3-3.
5. Yuldasheva, T. A. (2020). BOSHLANG 'ICH SINFDA IZOHLI O 'QISH JARAYONINI QO 'LLASH. Science and Education, 1(Special Issue 2)
6. Юлдашева, Т. А. (2021). ВИДЫ КОММУНИКАЦИИ И КОММУНИКАТИВНЫЕ БАРЬЕРЫ В МЕЖКУЛЬТУРНОМ ОБЩЕНИИ СТУДЕНТОВ ИНОЯЗЫЧНЫХ ГРУПП. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(4), 2027-2030.
7. Yuldasheva, T. A., Begimova, A. (2022). The Role of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in our Free and Prosperous Life. International Journal Of Multidisciplinary Research In Science, Engineering and Technology, 5(2), 15-22.
8. Ametovna, Y. T. (2021). INTERCULTURAL COMMUNICATION: ESSENCE, OBJECT, HISTORY.



Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(05), 109-111.

9. Юлдашева, Т. А., & Калдибекова, К. (2021). АКТИВНЫЕ МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В ШКОЛЕ. Academic Research in Educational Sciences, 2(11), 1427-1434.

10. Юлдашева, Т. А., & Очилова, А. (2021). ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К ГРАЖДАНСКОПАТРИОТИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ. Academic Research in Educational Sciences, 2(11), 1443-1447.

11. ЮЛДАШЕВА, Т. А. (2021). ПРЕПОДАВАНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА В ИНОЯЗЫЧНЫХ ГРУППАХ. Экономика и социум, 11(90), 1148-1152.

12. ЮЛДАШЕВА, Т. А. (2021). РУССКИЙ ЯЗЫК В ШКОЛЕ И В ВУЗЕ: ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ И ПРЕПОДАВАНИЯ. Экономика и социум, 9(88), 1015-1021.

13. Юлдашева, Т. (2021). ВИДЫ КЛАСТЕРОВ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ НА УРОКЕ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(7), 308-314

14. Юлдашева, Т. (2021). СОВРЕМЕННЫЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(7), 386-393.

15. ЮЛДАШЕВА, Т. А. (2021). РУССКИЙ ЯЗЫК В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА В НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУППАХ. Academic research in educational sciences 2(CSPI conference 2), 128-132.

16. Юлдашева, Т. А. (2021). Обучение языковой коммуникации на русском языке. Экономика и социум, 3(2), 593-596.

17. Юлдашева, Т. А. (2021). МЕЖКУЛЬТУРНАЯ КОММУНИКАЦИЯ В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: СОЦИОКУЛЬТУРНЫЙ ПОДХОД. Экономика и социум, 6(2), 849-853.

ОРГАНИЗАЦИЯ ТРЕНИРОВОЧНОГО ПРОЦЕССА НА НАЧАЛЬНОМ ЭТАПЕ ПОДГОТОВКИ БОРЦОВ

Гулираъно Уктамовна Валламова

Магистрант Термезского государственного университета

nuraliyevagul9@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье изложены обследованные и обобщенные данные об организации тренировочного процесса молодых борцов на начальном этапе подготовки. Изучена и проанализирована соответствующая литература. Автором выявлено, что в процессе спортивной подготовки его целостность обеспечивается на основе определенной структуры. Процесс подготовки молодых борцов характеризуется обилием способов и средств, широким применением материала разных видов спорта и подвижных игр, внедрением игрового способа. Определены дальнейшие перспективы использования новых подходов к обучению базовой техники двигательных действий в учебно-тренировочном процессе юных борцов.

Ключевые слова: юные борцы, спортивная борьба, молодые спортсмены, структура подготовки, начальный этап подготовки.

ORGANIZATION OF TRAINING PROCESS AT THE INITIAL STAGE OF PREPARATION OF WRESTLERS

ABSTRACT

This article presents the surveyed and generalized data on the organization of the training process of young wrestlers at the initial stage of training. The relevant literature has been studied and analyzed. The author revealed that in the process of sports training its integrity is ensured on the basis of a certain structure. The process of training young wrestlers is characterized by an abundance of methods and means, the wide use of material from different sports and outdoor games, and the introduction of a game method. Further prospects for the use of new approaches to teaching the basic technique of motor actions in the educational and training process of young wrestlers are determined.

Keywords: young wrestlers, wrestling, young athletes, training structure, initial stage of training.



ВВЕДЕНИЕ

В настоящее время популярность олимпийских видов спорта в современном мире, и его интенсивная коммерциализация, постоянно растущая социально-политическая значимость успехов на Олимпийских играх, привели в последние годы к формированию во многих странах высокоэффективных систем подготовки спортсменов. В следствии чего явился резкий рост конкуренции на мировой спортивной арене. Все большее число стран в разных видах спорта реально и вполне обоснованно претендует на медали высшей пробы.

В многочисленных научных трудах ведущих специалистов детского и юношеского спорта достаточно подробно и детально раскрыты основные положения теории спортивной подготовки юных спортсменов.

АНАЛИЗ ЛИТЕРАТУРЫ И МЕТОДОЛОГИЯ

Огромный вклад в разработку системы подготовки спортивных резервов внесли научные труды ученых исследователей (И. А. Даминов), в которых показана важная роль спорта в формировании мировоззрения подрастающего поколения, научно обоснованы основные основы детского спорта, охарактеризованы методы и формы спортивной подготовки спортивного резерва, эффективные средства. Многими исследованиями доказано, что в процессе спортивной подготовки его целостность обеспечивается на основе определенной структуры, составляющей относительно устойчивый порядок объединения компонентов, их общей последовательностью и закономерное соотношение друг с другом [1, 2, 3].

По мнению специалистов структура подготовки юных борцов характеризуется:

- а) необходимым соотношением задаваемых параметров нагрузок;
- б) порядком взаимосвязи элементов содержания подготовки (средств, методов общей и специальной физической, тактической, технической подготовки);
- в) определенной последовательностью различных звеньев тренировочного и соревновательного процессов (отдельных занятий и их частей, этапов, периодов, разных циклов) [4, 5].

Проведенные научные исследования свидетельствуют о том, что в структуре многолетнего процесса спортивного совершенствования важное место отводится этапу начальной



подготовки, основными задачами которого является укрепление здоровья детей, разносторонняя физическая подготовка, устранение недостатков в уровне физического развития, обучение технике избранного вида спорта и технике различных вспомогательных и специально-подготовительных упражнений

Задачей исследования являлось систематизирование данных специальной научно-методической литературы, касающиеся вопросов организации учебно-тренировочного процесса молодых борцов.

ОБСУЖДЕНИЕ

По имеющимся представлениям этап начальной подготовки играет важную роль в системе многолетней подготовки спортсмена по многим факторам. Следует отметить, что этап начальной подготовки - это не только правильно используемые средства, но и создание для начинающего спортсмена комфортного психологического климата [6, 7].

В настоящее время процесс подготовки молодых спортсменов характеризуется выбором множества средств и способов, внедрением игрового способа, широким применением материала разных видов спорта и подвижных игр. Как отмечают многие исследователи, на этапе начальной подготовки специалисты должны избегать планирования тренировочные занятия со значительными психическими и физическими нагрузками, допускающими применение монотонного и однообразного материала [8, 9, 10].

Специалисты в области спортивной борьбы утверждают, что на этом этапе обучения технике двигательных действий больше следует ориентироваться на необходимость усвоения разнообразных подготовительных упражнений, ни в коем случае нельзя пытаться добиваться устойчивого двигательного навыка, стабилизировать технику движений, что позволяет достичь определенных спортивных результатов, поскольку именно в это время у юных спортсменов закладывается техническая база, то есть овладение широким комплексом разнообразных двигательных действий. Такой подход - основа для дальнейшего технического усовершенствования, что должно учитываться на этапе начальной подготовки. Тренировочные занятия должны проводиться не чаще двух-трех раз в неделю, продолжительностью 40-60 мин. Их нужно органично совмещать с занятиями физическим воспитанием в школе. Кроме того, они должны носить преимущественно игровой характер [11, 12, 13].



Что касается направленности тренировки юных борцов на этапе начальной подготовки, то среди специалистов нет единого мнения по этой проблеме. Некоторые исследователи считают, что в работе с молодыми спортсменами целесообразно применять преимущественно подвижные игры и упражнения, которые повышают эмоциональность занятий, создавая необходимые условия для развития физических качеств.

По некоторым представлениям исследователей [14, 15, 16], при таком подходе во время управления многолетней подготовкой юных борцов следует учитывать динамику спортивных результатов и этих параметров в соответствии с оптимальными возрастными границами, в пределах которых они достигаются.

Решая вопрос о возможности перехода юного борца к следующему этапу подготовки, следует помнить и учитывать не только его паспортный, но и биологический возраст. При формальной ориентации только на паспортный возраст существенно возрастает возможность ошибочной оценки уровня подготовленности и перспектив юного борца, поскольку темпы созревания у разных людей значительно отличаются друг от друга.

Важно отметить, что в то же время биологический возраст юного спортсмена в значительной степени влияет на показатели его физического развития и подготовленности, а также способность к переносу больших по объемам и интенсивности тренировочных нагрузок. Кроме того, следует учитывать гетеросинхронность развития различных систем организма юных борцов, которая влияет на процессы их адаптации к тренировочным и соревновательным нагрузкам.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Результаты бесчисленных исследований свидетельствуют о том, что основным звеном в проблеме повышения эффективности многолетней подготовки юных борцов является разработка научно обоснованных обучающих программ для спортивных школ. В этих программах содержатся очень подробные и вполне аргументированные сведения, касающиеся нормативных и методических аспектов спортивной подготовки юных борцов.

Рассматривая более подробно содержание и структуру этих программ, нужно отметить, что они предусматривают подготовку юных спортсменов в рамках определенных этапов: спортивно-оздоровительного, начальной подготовки, учебно-тренировочного, спортивного совершенствования. Однако наличие в этих программах

спортивно-оздоровительного этапа выглядит не вполне логичным и обязательным, поскольку он не имеет четких возрастных рамок занимающихся, слишком продолжителен, очень аморфен по содержанию и по своей сути, равна этапу начальной подготовки и учебно-тренировочному этапу, вместе взятому. Учитывая все эти факторы, специалисты предлагают модернизировать учебную программу подготовки юных борцов, отменив при этом спортивно-оздоровительный этап и выделив в качестве отдельной субструктуры этап предварительной подготовки для детей 8-9 лет.

Программа объединяет три этапа со следующими основными характеристиками: Физическое воспитание, спорт и культура здоровья в современном обществе:

- этап предварительной подготовки включает два годовых цикла с нагрузкой на первом и на втором году, с явным преобладанием средств общей физической подготовки;

- этап начальной подготовки объединяет в себе три годовых цикла для подростков 10–12 лет, причем на этом этапе должно сохраняться веское превышение объемов СФП над объемами других разделов подготовки;

- на учебно-тренировочном этапе, включающем четыре годовых цикла для подростков, юношей и девушек 14-16 лет, происходит постепенное смещение акцентов в объемах средств подготовки разной направленности и к концу этого этапа ведущее значение приобретает технико-тактическая подготовка.

Большинство ведущих специалистов спортивной борьбы неоднократно отмечали невысокую эффективность системы тренировки юных борцов и несоответствие между имеющимся и необходимым уровнем подготовки спортивного резерва для сборных команд страны.

ВЫВОДЫ

В настоящее время общие положения теории и практики многолетней подготовки юных спортсменов достаточно основательны и носят чисто фундаментальный характер, однако требуют дальнейшей разработки и конкретизации, поскольку во-первых, они не всегда успевают за социально-экономическими изменениями в общественной жизни, в частности, практики подготовки юных спортсменов, во-вторых, недостаточно отражают специфические особенности отдельных видов спорта, в том числе и основных разновидностей спортивной



борьбы. Несоответствие основных теоретико-методологических положений существующей системы подготовки юных спортсменов относительно практических условий их реализации в видах борьбы весомо снижает эффективность труда специалистов и тренеров и приводит к форсированию подготовленности занимающихся, повышенного риска травматизма, недостаточного учета возрастных и половых особенностей юных борцов, снижения мотиваций к занятиям спортом. В настоящее время очевидно, что наиболее перспективный путь совершенствования системы управления спортивной деятельностью - внедрение в тренировочный процесс новых информационных технологий, реализующих его целевую и содержательную программы.

REFERENCES

1. Абдуллаев, Я. М. (2012). Развитие физического воспитания подрастающего поколения в непрерывном образовании. *Молодой ученый*, (11), 381-383.
2. Абдуллаев, Я. М. Создание педагогических условий в формировании волевых качеств у учеников начальных классов / Я. М. Абдуллаев, Д. Ю. Турдимуродов // *Colloquium-journal*. – 2020. – № 24-2(76). – С. 14-16.
3. Abdullaev, Y. (2021). Forms and methods of developing the use of folk movement games in high school students. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2021(2), 73-79.
4. Абдуллаев, Я. М. (2021, October). Особенности развития физических качеств у учеников старшего школьного возраста средствами подвижных игр. In " *Online-conferences" platform* (pp. 523-525).
5. Абдуллаев Яшнаржон Махкамжонович, & Турдимуродов Дилмурод Йўлдошевич (2020). Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда иродавий сифатларни жисмоний тарбия воситалари орқали ривожлантириш. (*Современное образование (Узбекистан)*). (9 (94)), 56-62.
6. Abdullaev Yashnarzhon Makhkamovich. (2021). Physical education of senior schools by means of folk moving games. *European Scholar Journal*, 2(11), 70-72.
7. Turdimurodov, D. Y. (2021). Willed qualities of a personality and ways of their formation in sport. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (104), 689-692.
8. Турдимуродов, Д. Ю. (2022). Влияние занятий единоборствами на уровень проявления морально - волевых качеств учащихся общеобразовательной школы. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 691-698.



9. Yuldashevich, T. D. (2022). Education and development of volive qualities in schoolchildren by means of physical education. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(01), 59-62.
10. Турдимуродов, Д. Й. (2021). Спорт ўйинлари билан шуғулланиш жараёнида ўқувчиларда иродавий сифатларнинг шаклланиш хусусиятлари. *Актуальные научные исследования в современном мире*, 3(9 (77)), 140-144.
11. Menglikulov, Khairulla (2021) "Features of organization of general physical preparation in lesson and extracurricular activities," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 6.
12. Менгликулов, Х. А. (2020). Особенности физической подготовки специалистов физической культуры в высшем учебном заведении. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 11(3).
13. Alikulovich, M. K., & Yuldashevich, T. D. (2020). Development of physical training skills and formation of willpower qualities in extracurricular activities. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(3)
14. Soatovich, R. X. (2020). Development of Didactic Support for the Preparation of Future Physical Education Teachers for Innovative Activities in the Field of Womens Sport Education. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*.
15. Ёулдашевич, Т. Д. (2022). Воспитание и развитие волевых качеств у школьников средствами физического воспитания. *Ижтимоий фанларда инновация онлайн илмий журнали*, 2(1), 204–207.
16. Турдимуродов Д. Ю. (2020). Готовность подростков к волевым напряжениям и педагогические условия ее формирования в процессе физического воспитания в общеобразовательной школе. *Science, Research, Development*, 2, 309-311.

ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

М. Ф. Зияева

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари ва таълими соҳасида олиб борилаётган ишларда ҳам, шахснинг маънавий камолоти ҳам унинг ўрни муҳим эканлиги ҳақида, шунингдек унинг ривожини учун юртимизда сезиларли даражада амал оширилаётган ишларнинг самараси хусусидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: тил, маънавият, жамият, тилшунослик, маданият.

THE ROLE OF LINGUISTICS IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF THE PERSON

ABSTRACT

This article discusses current issues in Uzbek linguistics and the importance of its role in the work of education, as well as the spiritual development of the individual, as well as the effectiveness of the work being done in our country for its development.

Keywords: language, spirituality, society, linguistics, culture.

КИРИШ

Шахснинг маънавий юксалишида тилнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун тил тадқиқи ва таълими соҳасида олиб борилаётган ишларда ҳам шахснинг маънавий камолоти масаласи юқори ўринларда туриши айни ҳақиқат. Зеро, давр глобаллашув шароитида тилшуносликнинг ҳам ўз ўрганиш объектига миллат ва шахс маънавияти нуктаи назаридан ёндашувини янада долзарблаштирмоқда. Шу маънода, бугунги кунда тилшунослик тадқиқотларининг давр талаблари асосида янги ўзанларга тушаётгани эътиборга молик.

Ҳар қандай тадқиқот бевосита ёки билвосита ўрганиш объектини ёхуд ундан фойдаланишни такомиллаштириш билан шуғулланади. Шу маънода, луғатшунослик билан



бевосита боғлиқ ишлар, гарчи саноқли бўлса-да, таҳсинга лойиқ, албатта. Тилшунослик ўтган асрда шахс саводхонлиги учун лингвистик база тайёрлаш мақсадида таълимий йўналишда ривожланган бўлса, XXI асрда унинг компьютер “саводхонлиги”, яъни компьютерни “эгаллаши” учун табиий тилни математик моделлаштиришга хизмат қиладиган замин ҳозирлаши жуда зарур. [3-114]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда шиддат билан ривожланаётган бозор муносабатлари мақсадли йўналтирилган, истеъмолчи талаби асосида бажариладиган иқтисодий ва ижтимоий самарадор тилшунослик йўналишларининг ривожланишини талаб этмоқда. Бунинг учун, тегишли соҳа вазирлик ва давлат қўмиталари, корхона ва ташкилотлари лингвистик тадқиқот йўли билан ҳал қилинадиган масалаларни аниқлаб, муаммолар банкини яратиши, уларни фан йўналишлари бўйича таснифлаши ва илмий иш бажарувчи ташкилот ва корхоналарга юбориши зарур; муайян фан йўналишлари бўйича фаолият юритадиган илмий ва ўқув-илмий муассасалар уларга кўмаклашиши лозим; тилшунослик фан йўналишлари бўйича фаолият юритадиган илмий ва ўқув-илмий муассасалар ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш соҳалари бўйича фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни ичига оладиган хизмат тизими ва структурасини ишлаб чиқиши зарур; тегишли фан йўналишлари бўйича фаолият юритадиган илмий ва ўқув-илмий муассасалар ишлаб чиқариш соҳалари бўйича фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни ичига оладиган хизматларни таклиф этиши керак; юридик шахсларнинг ушбу фан йўналишларига ҳомийлик хизматини жорий қилиш ва бунинг учун уларга имтиёз ва қулайликлар яратиш керак.

Тилшунослик фан ва ишлаб чиқариш узвийлигида бундай йўсинда иш юритишга ҳали ўтгани йўқ. Шахс маънавияти глобал масалалар қаторида марказий ўринни эгаллайди. Зеро, жуда кўп муаммолар диалектик нуқтаи назардан оқибат характерига эга бўлиб, уларнинг аксарияти учун шахс маънавияти масаласи сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг маънавият масаласи миллий муаммо, халқимизнинг тараққиёт шарти сифатида кун тартибига қўйилди. Икки жилд ўзбек тилининг изоҳли луғатида маънавият истилоҳи йўқлигига кўра ушбу масаланинг истиқдолгача қай ҳолатда бўлганини тасаввур этиш қийин эмас. Бу луғатда маънавий сўзи берилгани (1-



жилд, 454-саҳифа) унинг ижтимоий онгда фақат белги сифатида мавжуд бўлганидан, алоҳида борлиқ ҳодисаси мақомига эга бўлмаганидан далолат беради. Балки бунга маънавият сўзининг рус ва бошқа Европа тилларида муқобили йўқлиги ҳам сабаб бўлгандир. Мустақиллик йилларида маънавият алоҳида ўқув предмети сифатида ўқитила бошланди. Кўплаб ўқув адабиётлари, қомус ва луғатлар чоп этилди, таълим йўналишлари йўлга қўйилди. Бу борада мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди.

Тил - маънавиятнинг ифодаловчиси ва сақловчиси, бойитувчиси ва узатувчиси. “Она тили -миллатнинг руҳи” ғояси эътироф этилди.[1] Бугунги кунда жадал глобаллашув маънавият муаммосини янада ўткирлаштириб, бошқа тегишли фанлар қатори тилшунослик зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Бу эса тил ва маънавият муаммосини ўрганадиган алоҳида соҳа - тилшунослик ва маънавит йўналиши шаклланишини талаб этади. Тил ва маънавият муштарақлиги муаммосининг тилшуносликда ечиладиган хусусий ва бошқа фанлар билан ҳамкорликда тизимли ҳал этиладиган умумий томонлари мавжуд. Таълим йўналиши эса, бир томондан, “маънавият” лисоний категорияси унсурлари моҳиятини ўқувчиларга сингдириш, иккинчи томондан, ушбу тизимга кирувчи тил ифодаларининг маънавий моҳияти таълими орқали улар шахсий маънавиятини юксалтириш механизмини такомиллаштириш вазифаларини ўз зиммасига олади.

Ҳар бир давр фан ёки унинг йўналишлари олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Ижтимоий ёки давлат буюртмасидан келиб чиқиб белгиланган аниқ мақсад ва вазифалар фан ёки унинг йўналиши фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Тилшунослик ва маънавият йўналишининг бош мақсади - юксак маънавиятли шахс тарбиясига хизмат қиладиган илмий-амалий механизм учун муайян лингвистик таъминотни вужудга келтириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим ва тарбия, китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича фармон ва қарорлари, маъруза ва чиқишлари, фикрлари, Вазирлар Маҳкамасининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш ҳақидаги қарорлари, таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар, фан ва таълим-тарбия уйғунлиги тамойиллари йўналиш тадқиқотларининг назарий ва амалий аҳамиятини кучайтиришга асос бўлади. [1-]



Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг тил, маънавият ва маданият муштараклиги масаласига доир қарашлари, хусусан, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида эътироф этилган тилнинг аккумулятив (сақловчи) вазифасини “маънавият” лисоний категорияси бирликлари мисолида ёритиш, уларда тил ва маънавият муштараклигини кўрсатиш, тилшунослик ва маънавият таҳлили натижаларини таълимда амалий фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтириш учун таянч вазифасини ўтайди.

Лингвистик характердаги лисон, меъёр, нутқнинг яхлитлиги ва алоҳидалиги ҳақидаги таълимот мазкур категорияга мулоқот, муносабат ва фаолият системаси кўзгусида қараб, бу системанинг шаклланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигини ўрганишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Тилшунослик ва маънавият тадқиқотларида, соф лингвистик тадқиқ усулларидан ташқари, культурологик ва социологик методлар — концепт таҳлили, фреймал, нарратив анализ, тасниф ва тавсиф, лингвистик реконструкция усуллари, маънонинг макрокомпонент ва микрокомпонент модели, психосоциокультурологик экспериментлар, матнларнинг лингвомаънавий таҳлили – герменевтик метод кабилар қўйилган муаммоларнинг самарали ечими учун муҳим воситалар бўлиб хизмат қилади. Тилшунослик ва маънавит тадқиқотлари таълим-тарбия учун хизмат қилувчи, аниқ самарани кўзлаб ишлайдиган яхлит системанинг лингвомаънавий базасини шакллантиради. Кун сайин чуқурлашиб, ўткирлашиб бораётган шахс маънавияти муаммосини ҳал этиш, келажак яратувчилари бўлган юксак маънавиятли ёш авлодни вояга етказишнинг илмий ва амалий асосларини вужудга келтиради. Аслида, инсоншунослик фани бўлган лингвистиканинг шахс тарбиясига ўзининг муносиб ва табиий ҳиссасини қўшишини таъминлайди. Тилшуносликнинг шунчаки “тадқиқотлар тадқиқотлар учун” тамойили [2-78] асосида иш кўришидан шахс маънавияти ривожига, ёш авлоднинг шахсий такомиллашувига кўмаклашадиган, керак бўлса, бунга дахлдор соҳалар оқимида етакчи ўринга кўтарилишига олиб келади. Тилшунослик ва маънавит тақлид ва эргашувчанликдан холи бўлиб, мамлакатимизда шаклланган ва дунё тилшунослиги



сахнасига чиқаётган амалий самарадор миллий фан йўналиши бўлади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
2. Саломов Ғ., Отажонов Н. Таржима маҳорати. - Тошкент. 1989.
3. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1973.
4. Зияева М. Хотин - қизлар спортини ривожлантириш истиқболлари. Бухоро. 2020.
5. Ziyayeva, Mahbuba. "Innovative teaching methods of the russian language." MODERN SCIENTIFIC RESEARCH 46 (2019).
6. Ziyayeva M. F. Teaching a foreign language using computer technologies //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – Т. 46.
7. Ziyayeva, M. (2021, March). FEATURES OF EFFECTIVE EDUCATION FOR ADULTS. In Конференции
8. Fazlidinovna, Z. M. (2020, December). DEVELOPMENT OF WOMEN'S AND GIRLS'SPORTS FUTURE. In Конференции.



TINGLAB TUSHUNISHNI RIVOJLANTIRISHDA QO'LLANILADIGAN METODLARNING SAMARASI

Saule Ilyasovna Ishanova

Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Til ko'nikmalarining har biri bilan ishlash, ularni shakllantirish va integrallashtirish zamonaviy metodologiyaning asosi hisoblanadi. shu nuqtai-nazardan olib qaralganda tinglab tushunish ko'nikmasining muhimligini talablarga tushuntirib, ular bilan bu borada ishlash judaham muhim hisoblanadi. Zamonaviy ingliz tilida tinglab tushunishni shakllantirish va uni rivojlantirish bo'yicha bir qancha metodlarni amalda qo'llash mumkin, bularning aksariyati boshqa ko'nikmalar bilan integrallashtirilgan holda amalga oshiriladi.

Kalit so'zlar: Materiallar bilan tinglash, gapni tinglash, ma'lumotlar bilan tinglash, grafik va jadvallarni to'ldirish.

KIRISH

Oldindan tinglash mashqlari faoliyati xorijiy tilda tinglashni o'rganishda yordam berishda juda muhim rol o'ynaydi. Ular o'qituvchilarga o'quvchilar mavzu haqida bilib olgan narsalari haqida ma'lumot berishda va matndagi so'z va til tuzilmalariga tayyorlanishgani haqida aytib beradi. Tinglov oldi mashqlaridan tashqari, tinglovchilarga nimalarni o'rgatishni aniqlashtirib olishlariga yordam beradi va chet tilida tinglashdan kelib chiqadigan tashvishlarni kamaytiradi. Bundan tashqari, tinglovdan oldin tinglovchi tadbirlar sinf muhokamasi va o'quvchilar o'rtasida ko'proq mulohazalar qilish imkoniyatlarini taklif qilishi mumkin. Bu yerda turli darajadagi ingliz tili va EAP tinglash kurslariga oson moslasha oladigan ba'zi bir –tinglash oldi tadbirlari mavjud.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Talabalarga tinglash matnining mavzusini aniqlab olishda ko'maklashadigan obrazlarni, xaritalarni yoki diagrammalarni ko'rsatish mumkindir. "Talabalar tinglashdan avval tinglash masalalarini, mashqlarini yozishlari mumkin, so'ngra ularning savollariga javob berishlarini eshitib." Miya bo'roni va so'z tarmoqlarida talabalarga tinglash mavzusini berish va ulardan so'zlarni chiqarish, talabalarning yordami bilan forumdagi so'zlar,

mavzular va qo`shma-mavzular o'rtasidagi munosabatlarga e'tibor qaratib, so'zlar bilan taxta ustidagi semantik tarmoqlarni jalb qiladilar. Menga o'rgat metodida : Har bir o'quvchiga bir nechta so'z yoki iboralarni berish, bir-biringizga so'zlarni ifodalarni juftlik bilan tushuntirishlarini so'rash, ular zarur bo'lsa, lug'atga murojaat qilishlari mumkin. Talabalar eshitishlari mumkin bo'lgan narsalarni tinglashlari va belgilashlari mumkin. Xitoylik shov-shuvlar: o'quvchilarni ikkita satrga qo'ying, chiziqdagi birinchi so'zni pichirlab, navbatdagi navbatdagiga shivirlab va shunga o'xshab, keyingi o'quvchi eshitgan so'zni eshitib yoki taxtada so'z yoki uni ifodalanishini yozadi. Tinglash mavzusi bilan bog'liq bo'lgan jumla yoki ifodani kiritib, qo'shiqni o'rtoqlashamiz. Tinglovchilarga qisqa metrajli qo'shiqni, qofiyani yoki jaz bilan bog'liq mavzuni o'rgatish. Grafik organizatorlar: Talabalarga satrlar bo'yicha matnda ma'lumotlarni jamlaydigan bo'sh grafik organizatorini bering. Talabalar to'g'ri joylarda eshitish uchun kalit so'zlarni tinglashadi va to'ldiradilar. Talabalar matnni tinglashadi va qanday fikrlar bildirilganligini ko'rishadi. Bundan tashqari, tezroq "anonim" so'rovnomam ham bo'lishi mumkin, natijalari dars oxirida aniqlanishi mumkin. O'qish mashqini birinchi bo'lib o'qib chiqing: o'quvchilarga tinglashni mo'ljallagan matnning dastlabki satrlarini bering. Ularga barcha transkripsiyasini va o'qish uchun ham oz vaqt berishingiz mumkin (faqat matnning mazmunini olishlari uchun). Keyin transkripsiyani o'qiyotgan o'quvchisiz aniq ma'lumotni tinglash ustida ish olib boring. Bu juda ko'p tafsilotlar bilan murakkab matnlar uchun samarali faoliyatdir.

NATIJALAR VA MUHOKAMA

Agar tinglovchilarning suhbatini tinglanadigan bo'lsa, unda tinglovchilarning qiziqishini uyg'otish mumkin. Kim? Agar talabalar bir nechta belgilar bilan suhbatni (yoki matnni) tinglashni istasa (va, albatta, belgilarni identifikatsiya qilish tinglovchilarning vazifalaridan biri bo'lmasa) tinglovchilarning kimligini ko'rib chiqing. Nima qilishim kerak, o'qituvchi? Noto'g'ri tartibda tinglash uchun nuqta shaklida ko'rsatmalar yozing. Talabalarga ularni buyurtma qilishni so'rash. Bu faoliyat tinglovchilarni tinglash uchun dam olishga yordam beradi, chunki ular kelgusida nima bo'lishini aniq bilishadi. Eslatma: Tadqiqotni talabalar bilan muhokama qiling va ular ostida eslatmalar olish uchun miya chiziqlarini yozing. Keyin eshitishingiz mumkin bo'lgan o'tish so'zlarining mohiyatini tushuntiring. Biz tinglamoqchi bo'lgan matn turiga qarab, tinglashning pastki ko'nikmalariga e'tibor qaratishimiz kerak, talabalarimizning darajasi va ularning qiziqishlari, biz ehtiyojlarimizga mos



keladigan tinglashdan oldin vazifani tanlashimiz mumkin. Biz keyingi mashg'ulotlarda ma'ruza va eslatma olishni maxsus ravishda tinglaymiz. O'qish jarayonida talabalar kutgan va taxmin qilingan narsalarni tushunishlarini va ular nimani eshitishlarini tekshirishlari mumkin. Talabalar quyidagi mavzularga e'tibor qaratishlari mumkin: Tarkib. Mavzular va sub mavzulari qanday? Mavzular va kichik mavzulari bir biriga qanday bog'liqligi, dinamiklarning til ishlatishi, so'zlovchilar yangi g'oyalarni tanitishi uchun qaysi so'zlardan foydalanadilar? Bu mavzuni qanday qilib o'zgartiradilar? Qanday qilib ular noaniqlik bildiradi? Matn davomida ularning intonatsiyasi qanday o'zgaradi? O'qish jarayonida tinglovchilar tinglovchilarning tinglovchilar matnidagi fikrlarga ta'sir qilishi mumkin; Masalan, talabalar o'zlariga savol berishlari mumkin: "Men aytayotgan so'zlarga qo'shilamanmi? Ularning gaplariga boshqa tomon bormi? Ko'pincha tinglovchilarning faoliyati quyidagi ko'nikmalarga qaratiladi: tinglovchilarni tinglash; Muayyan axborotni tinglash; Gapiruvchining nuqtai nazarini yoki fikrini tinglash. Foydalanishni istagan tinglash matniga qarab, tinglashning pastki ko'nikmalariga e'tibor qaratishimiz kerak, talabalarimizning darajasi va ularning qiziqishlari, bizning ehtiyojlarimizga mos keladigan vazifasini tanlashimiz mumkin. Siz tinglash vazifalarini rejalashtirayotganda, ish matnida barcha ma'lumotlarning to'liq qayta chaqirilishi, hatto ona tilida gapiradigan kishilarda odatda amalga oshishi qiyin bo'lgan va shuningdek kutilmasligini yodda tutishimiz kerak. O'qitish uchun mo'ljallangan tinglash mashqlari muvaffaqiyatli bo'lishi va tinglovchilarning tinglash qobiliyatiga bo'lgan ishonchini mustahkamlashi kerak. Kontekstli vazifa atrofida tinglash faoliyatini tuzish. Kontekstualizatsiya qilinadigan tinglash faoliyati taxminiy real vazifalarni bajaradi va tinglovchilarga kutilayotgan axborot turini va haqiqiy tinglashdan oldin nima qilishni tushuntiradi. Boshlang'ich darajadagi vazifa xaritada gi joylarni aniqlash (bir tomonlama) yoki ism va manzil ma'lumotlarini almashishi (ikki tomonlama) bo'lishi kerak. O'rta darajadagi talabalar darsning boshqa qismini (ikki tomonlama) aytib berish uchun hikoyani yaratish uchun bir narsalarni (bir tomonlama) o'rnatish yoki juftlik bilan ishlash bo'yicha ko'rsatmalarga rioya qilishlari mumkin. Faoliyatning ta'lim maqsadini va javob turini aniqlash. Har bir faoliyat bir yoki bir nechta maxsus tinglash qobiliyatini yaxshilash maqsadiga ega bo'lishi kerak. Tinglash mashqlaridan bir nechta maqsad yoki natija bo'lishi mumkin, ammo boshlang'ich yoki oraliq tinglash mashqlarining e'tiborini tortmaslik uchun ehtiyot bo'lish kerak. Har bir tinglash holatida tinglashni tushunish maqsadlarini tan olish o'quvchilarni tinglashning tegishli strategiyalarini tanlashga yordam beradi. Identifikatsiya qilish:

Tovushlar, so'zlar toifalari, morfologik farqlar kabi xabarning muayyan tomonlarini tan olish yoki ajratish. Yonaltiruvchi: Mavzu, matn turi, sozlama kabi muhim xabarlarni aniqlash. Asosiy g'oyani tushunish: yuqori darajadagi g'oyalarni aniqlash. Tafsilotlarni tushunish, qo'llab-quvvatlovchi tafsilotlarni aniqlashdir. Replikatsiya: Xabarni og'zaki yoki yozma ravishda takrorlash. Tinglash matnining qiyinchilik darajasini tekshiring. Quyida keltirilgan omillar tinglash matnining muayyan maqsad va ma'lum o'quvchilar guruhining nisbiy qulayligini yoki qiyinchiliklarini aniqlashga yordam beradi. Axborot qanday tashkil etilgan? Hikoyaning boshqa bir o'z hikoyasi yoki ko'rsatmasi tanish talablarga mos keladimi? Voqealar tabiiy xronologik tartibda taqdim etiladigan matnlar, informatsion nomga ega bo'lgan va aniq tashkilotdan (birinchi navbatda asosiy g'oyalar, tafsilotlar va ikkinchi misollar) keyin ma'lumotni taqdim etadigan matnlar osonroq. Mavzuga ega bo'lgan talabalar qanchalik tanish? Madaniy tafvutlar tufayli bilimlarini noto'g'ri qo'llash katta tushunish qiyinlashuvi yaratishi mumkinligini yodda tuting. Matn ortiqcha bo'lishi kerakmi? Qobiliyatning quyi darajasida tinglovchilar qisqa va oddiy xabarlarni osonlik bilan ishlov berishlari mumkin, ammo yuqori malakaga ega bo'lgan talabalar tilning tabiiy zaxirasidan foyda olishadi. Matn bir nechta shaxs va ob'ektni qamrab oladimi? Ular aniq farqlashadimi? Ikki shifokorning o'zaro suhbatiga qaraganda, shifokor va bemor so'zlashuvi matnni tushunish osonroq va ular boshqa jinsdan bo'lsa ham osonroqdir. Boshqacha qilib aytganda, farqlar qanchalik ko'p bo'lsa, tushunish shunchalik oson bo'ladi. Matn tomoshabinlarning eshitgan narsalarini talqin qilishda ko'mak berish uchun ko'mak beradi. Videolardagi xaritalar, diagrammalar, rasmlar yoki tasvirlar kabi yordamlar tinglash usulini mazmunli qilish va ma'nolarni ko'rsatish uchun foydalidir. O'quvchilarni eshitadigan yoki ko'rishi mumkin bo'lgan narsalarga tayyorlash uchun tinglashdan avvalgi tadbirlardan foydalaning. Tinglovdan oldin tanlangan tadbirlar bir necha usulda tinglashga tayyor bo'lishi mumkin. Dastlab tinglash vaqtida o'qituvchi mavzuni o'rganishi va matnning lingvistik tarkibini baholashi tinglovchilarni tinglash uchun mo'ljallangan matnni tushunish uchun zarur bo'lgan asosiy bilimlarni yoki talabalarning mavjud bo'lgan bilimlarni faollashtirishi mumkinligini bilishi mumkin. O'quvchilarni tinglashlari kerak bo'lgan matnning turi, ular qanday rol o'ynashi va tinglayotganlari maqsad (lar) ni tushunish uchun guruh yoki hamkorlikdagi ish uchun imkoniyatlar yaratib berish, fon o'qitish yoki sinf muhokamasi faoliyati juda muhimdir. Namunaviy tinglash faoliyati: rasmlarga, xaritalarga, diagrammalarga yoki grafikalariga qarab, so'zlar yoki grammatik tuzilmalarni ko'rib chiqish, kerakli narsalarni o'qish, semantik tarmoqlarni (ular bilan bog'liqligini ko'rsatuvchi



tushunchalar yoki so'zlarni grafik tartibga solish) yaratish, tinglash matni, faoliyat yo'nalishlari yoki yo'riqnomalarini o'rganish, rahbarlik qilish amaliyotini bajarish, ta'lim maqsadidagi tinglash faoliyati, tinglash maqsadi va talabalar malakasi darajasi shular jumlasidandir. Tinglash faoliyati mashqlari matnga bevosita aloqadordir va talabalar tinglash vaqtida uni eshitib turishadi. Tinglash mashqlarini vaqtinchalik rejalashtirayotganda ushbu fikrlarni yodda tuting: agar talabalar tinglashdan oldin yoki darhol yozma topshiriqni bajarishlari kerak bo'lsa, tinglashdan oldin uni o'qib chiqing.

XULOSA

Talabalar diqqat e'tiborini tinglash vazifasiga bag'ishlashlari kerak. Tinglashdan oldin yozma topshiriqni bajarish bo'yicha ko'rsatmalarni tushunib yetganiga ishonch hosil qiling, shunda ular nima qilish kerakligini tushunib olish kerakligiga shunchaki chalg'itmaydi. Tinglov paytida kamida yozishni davom eting. Esingizda bo'lsa, asosiy maqsad ishlab chiqarish emas, tushunishdir. Tinglovda yozish kerak bo'lsa, talabalarni ushbu asosiy maqsaddan chalg'itishi mumkin. Agar tinglovdan so'ng yozma javob berilishi kerak bo'lsa, bu vazifa ko'proq talabga javob berishi mumkin. Matn orqali tinglovchilarni boshqarish uchun tadbirlarni tashkil qiling. Asosiy g'oyani, mavzuni va sozlamalarni tanlash va tinglash faoliyati bilan global faoliyatni birlashtiring. O'quvchilarning diqqatini butun tushunish uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lgan matn elementlariga qaratishi uchun savollardan foydalanish zarur. Tinglov jarayoni boshlanishidan oldin talabalar tinglashdan so'ng og'zaki yoki yozma javob berishlari kerak. Javoblarni tinglash talabalarning xabarning muhim qismlarini tushunishiga yordam beradi. Tinglovchilarni tinglashda tushunishlarini nazorat qilishni rag'batlantirish uchun oldindan foydalaning. Tinglovdan oldingi faoliyatni bajaring va tinglovchilarni o'zlarining oldingi bilimlari va o'tishning mavzulari yoki hodisalari haqida bilgan narsalari nuqtai nazaridan mantiqiy yoki yo'qligini tekshirib ko'rishlarini eslatib qo'ying. Mumkin bo'lgan joyga darhol xabar bering. Talabalarni javoblarini noto'g'ri yoki noto'g'ri ekanliklarini tekshirishga undang. Namunaviy-tinglash faoliyati turlari: Ma'lumotlar bilan tinglash; grafik va jadvallarni to'ldirish; xaritada marshrutni ta'qib qilish; ro'yxatdagi narsalarni tekshirish; gapni tinglash; muayyan ma'nolarni izlash uchun; to'ldiruvchi mashqlarni bajarish; rasmiy va norasmiy ro'yxatlarni ajratib ko'rsatish.

Effektiv til o'qituvchilari o'quvchilarga turli vaziyatlarni, kirish turlarini va tinglash maqsadlari bilan shug'ullanish uchun tinglash xulq-atvorini qanday o'zgartirishlari mumkinligini



ko'rsatadi va o'rgatadi. Ular tinglovchilarga tinglash strategiyasini ishlab chiqish va har bir tinglash uchun tegishli strategiyalar mos kelishiga erishishga yordam beradilar.

REFERENCES

1. Ahmadaliyev A. M. Qosimova A. X. Innavasiyon faoliyat va ilg'or pedagogic texnologiyalar - Toshkent 2006
2. Jalolov J.J. Chet tili o'qitish metodikasi –T.: O'qituvchi, 2012
3. D. Adamson, "Inter-language variation in theoretical and pedagogical perspective", London, 2008.
4. Hector Hammerly, "Fluency and accuracy", England, 1991.
5. J. Wilson, How to teach listening, Longman, 2008
6. Scott Thronbury, How to teach speaking, Longman, 2005
7. Keith Harding, "English for specific purposes", Oxford, 2001
8. Richard, J.C. & Rogers, T.S., Approaches and methods in language teaching. Cambridge University Press. Retrieved August 20th, 2009.



ДУККАКДОШЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ *FAGOPYRUM ESCULENTUM*, *PHASEOLUS VULGARIS L.* НАМУНАЛАРИДА УРУҒ УНУВЧАНЛИГИ

Ойбек Одил ўғли Муротов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

Жадра Қурбанали қизи Тувганбаева

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

Бахтияр Хушбакович Аманов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

amanov.81@bk.ru

Нилуфар Муйдиновна Турсунова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада *Fagopyrum esculentum* ва *Phaseolus vulgaris L.* турларига мансуб намуналарида лаборатория шароитида уруғ унувчанлиги юқори кўрсаткичларни намоён этди. Бу эса уруғларини унувчанлиги юқори бўлиши дала тажрибаларини олиб бориш жараёнида юқори самара беради. Тажрибани турли ҳарорат даражаларида олиб борилди. Шу нарса маълум бўлдики, ҳарорат кўтарилган сари уруғларда униш қобилияти тезлашсада лекин кўп ўтмай муртақлар нобуд бўлиши тажрибаларда ўз тасдиғини топди.

Таянч сўзлар: дуккак, уруғ унувчанлиги, лаборатория, намуна, маржумак, ҳосилдорлик, физиологик жараён.

КИРИШ

Республикаимиз шароитида бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиштирилгандан сўнг кузги совуққача бўлган вақт оралиғида вегетация даври қисқа дуккакли дон экинлари билан бир қаторда маржумак етиштириш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармонида қишлоқ ва сув хўжалигини илм-фан ютуқларини жорий этиш асосида



ривожлантириш, унинг экспорт салоҳияти самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усуллари, энг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган.

Бурчокдошлар оиласига мансуб нўхат, ловия, ясмиқ, гречиха каби ўсимликларнинг таркибида учровчи моддалар инсон саломатлиги учун энг керакли моддалар бўлганлигидан озуқавий қиймати юқори даражада баҳоланади. Оддий ловия таркибида протеин, углевод, витаминлар, минераллар, кальций, темир, рух ва алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар мавжуддир. Бундан ташқари маржумак, асосан, асаларичилар томонидан асал йиғиб олиш учун ва жуда қимматли бўлган ёрма олиш учун экилади. Маржумак донида рутин моддаси бўлиб, ёрмасининг таркибида 9% га яқин оқсил, лимон, олма кислоталари бўлиш билан биргаликда жуда кўп миқдорда витаминлар В₁ (тиамин), В₂ (рибофлавин) ва Р (рутин) мавжуд. Е витамини ёрмани узок муддат сақлаб туришга ёрдам беради. Ундан кондитерлик саноатида фойдаланилади.

Дунёда қишлоқ хўжалиги ривожланган, маржумак етиштирувчи йирик мамлакатларда унинг морфо-биологик ва физиологик хусусиятлари асосида турли экстремал шароитларга мослашган навларни яратиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилмоқда [2]. Бу борада яратилаётган навларнинг унувчанлигини йўлга қўйиш, физиологик фаол моддалардан самарали фойдаланишда маржумак уруғларини экиш олдидан ва ўсимликни ўсув даврларида ишлов бериш, ўсимликларни илдизи ва барги орқали озиклантириш, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилигини ошириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишларга эътибор берилмоқда [3, 4].

Доннинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Маржумакнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўсув даврида гуллайди ва чангланган гуллардан шаклланган уруғлар физиологик етилиб, сўнгра тиним даврини ўтай бошлайди. Шунинг учун маржумак уруғларини тиним даври қисқа бўлиб, морфологик ва физиологик етилиш муддати деярли баробар содир бўлади. Баҳорда экиб етиштирилган маржумак ҳосилидан энг сараларини ажратиб олиб уруғлик сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун такрорий экин сифатида фойдаланилган баҳорги ҳосилдан олинган уруғларнинг бир текис, қийғос униб чиқиши учун ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг 3-6 кун сақлаш мақсадга

мувофиқ. Уруғларни сақлаш шароити хона ҳароратида 18-20 °C атрофида махсус ҳаво ўтказувчи халталарда елимланган қоғоз халталарда сақланиши керак [6].

Н.М.Турсунова, Б.Х.Аманов [5] олиб борган илмий изланишларида *Phaseolus vulgaris* L. турига мансуб маҳаллий ва хорижий намуналари ўртасида дурагайлаш амалга оширилган. Физиологик кўрсаткичлардан уруғларнинг унувчанлиги аниқланган. Лаборатория шароитида олиб борилган таҳлиллар асосида маҳаллий ва хорижий фасол намуналари уруғларини унувчанлиги юқори бўлиши қайд этилган.


Phaseolus vulgaris L. турига мансуб навларнинг кенг майдонларга тарқалишига асосий сабаб, биринчидан унинг қимматли биокимёвий таркиби бўлса, иккинчидан унга бўлган талабни қондириш мақсадида етиштириш жараёнида агротехник тадбирларнинг меъёридан ортиқ талаб қилмаслигидадир. Оддий ловия ўсимлиги учун энг қулай абиотик омил қуёш нури ва унумдор қора тупроқдир. Баҳор фаслининг май ойи ловия уруғини экиш учун энг оптимал шароит саналади. Иссиқ минтақаларда апрел ойининг охириги ўн кунлиги энг муҳим ҳисобланади. Уруғни экиш чуқурлиги 3-4 см ни ташкил этади. Агар намлиги етишмайдиган тупроқ бўлса 5 см чуқурликка экилиши лозим. Ўсимлик учун гуллаш ва мева туғиш даврида энг кўп намлик талаб этади [7].

Тадқиқот объекти сифатида Оддий ловия (*Phaseolus vulgaris* L.) турига маҳаллий Равот (Ўзбекистон), хорижий навлардан Солнышко, Фасоль белая (Россия), Бэйби Лима, Калипсо Красная, Веер (Туркия) навлари бундан ташқари *Fagopyrum esculentum* турига мансуб Кореядан келтирилган К-15 (Kimje 1 Jaerae), 2). К-17 (Chinchon 1 Jaerae), 3). К-18 (Chinchon 2 Jaerae), 4). К-23 (номсиз), 5). К-28 (Vongwoe Jae), 6). К-31 (номсиз), 7). К-36 (Kimi Jaerae), 8). К-37 (Chongsu Jaerae), 9). К-38 (Chenchon 1- Jaerae), 10). К-46 (номсиз) намуналаридан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Маълумки, ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири физиологик жараёнлардир. Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганишда уруғларни лаборатория шароитида унувчанлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Оддий ловия намуналарида уруғларини лаборатория унувчанлаги 3 та намунаси таҳлил қилинганда бир бирига яқин кўрсаткичлар қайд этилди. Жумладан, Равот

– 94%, Калипсо Красная – 93%, Фасоль белая – 92%, Бэйби Лима – 91%, Солнышко – 90% ва Веер - 89% ни ташкил этди ҳамда намуналар ўртасида лаборатория унувчанлиги бўйича фарқ жуда кам 5% ни ташкил этди. Оддий намуналарини лаборатория шароитида уруғларини лаборатория шароитида унувчанлиги юқори бўлиши дала тажрибалари олиб бориш юқори самара бериши мумкинлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).




1). Равот, 2). Солнышка, 3). Фасоль белая, 4). Калипсо красная, 5). Бейби лима, 6). Веер.



1-расм. *Phaseolus vulgaris* L. турига мансуб маҳаллий ва хорижий намуналарида уруғ унувчанлиги.

Ўсимликлардаги органик моддаларнинг кўп қисми репродуктив органлар ҳосил бўлиши учун сарф бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўсимлик ҳосили энг биринчи навбатда, физиологик жараёнлар учун сарфланган органик моддаларнинг миқдори ҳамда ташқи ва ички омилларга боғлиқдир. Хорижий маржумак (*Fagopyrum esculentum*)

намуналарида лаборатория шароитида уруғларни унувчанлиги 80-100% ни ташкил этди. Жумладан, К-15 (Kimje 1 Jaerae), К-17 (Chinchon 1 Jaerae), К-18 (Chinchon 2 Jaerae), К-31 (номсиз), К-36 (Kimi Jaerae), К-37 (Chongsu Jaerae), К-38 (Chenchon 1- Jaerae) намуналарида уруғ унувчанлиги юқори 100% кўрсаткични намоён этди. Бундан ташқари, К-28 (Vongwoe Jae), К-46 (номсиз) намуналарида уруғ унувчанлиги 90% ва К-23 (номсиз) намунасида ушбу кўрсаткич 80% эканлиги қайд этилди.



1). К-15 (Kimje 1 Jaerae), 2). К-17 (Chinchon 1 Jaerae), 3). К-18 (Chinchon 2 Jaerae), 4). К-23 (номсиз), 5). К-28 (Vongwoe Jae), 6). К-31 (номсиз), 7). К-36 (Kimi Jaerae), 8). К-37 (Chongsu Jaerae), 9). К-38 (Chenchon 1- Jaerae), 10). К-46 (номсиз).



2-расм. *Fagopyrum esculentum* турига мансуб хорижий намуналарида уруғ унувчанлиги.

ХУЛОСА

Адабиётлар таҳлили ва олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, дуккакли экинлар қаторига кирувчи *Fagopyrum esculentum* ва *Phaseolus vulgaris* L. турларига мансуб намуналарида лаборатория шароитида уруғ унувчаниги юқори кўрсаткичларни намоён этди. Бу эса уруғларини унувчанлиги юқори бўлиши дала тажрибаларини олиб бориш жараёнида юқори самара беради. Тажрибани турли ҳарорат даражаларида олиб борилди. Шу нарса маълум бўлдики, ҳарорат кўтарилган сари уруғларда униш қобилияти тезлашсада, лекин кўп ўтмай муртаклар нобуд бўлиши тажрибаларда ўз тасдиғини топди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.
2. Андреева И.И., Родман Л.С. Ботаника. // Москва. Колос, 2005. - С. 405.
3. Муротов О.О., Аманов Б.Х. Marjumak (*Fagopyrum*) o'simligining biologik xususiyatlari // Academic Research in Educational Sciences.-Тошкент, 2021. Volume 2. Issue 11 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: Б. 363-369.
3. Губанов, И. А. *Fagopyrum esculentum* Moench (*Fagopyrum sagittatum* Gilib.) Гречиха съедобная // Москва. 2003. - Т.2. Покрытосеменные. -С.46.
4. Гнеушева И.А., Солохина И.Ю., Горькова И.В., Павловская Н.Е. Фотосенсибилизирующее действие гречихи и продуктов ее биотехнологической переработки. // Вестник Орловского государственного аграрного университета, 2012.-Выпуск №2. - С. 45.
5. Турсунова, Н. М., Аманов, Б. Х., & Закиров, Д. У. (2021). PHASEOLUS VULGARIS L. ТУРИГА МАНСУБ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАМУНАЛАРНИ ДУРАГАЙЛАШ ВА БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА УНУВЧАНЛИГИ АНИҚЛАШ. Academic research in educational sciences, 2(8), 506-511.
6. Посыпанов Г.С. Растениеводство. -М.: Колос, 1997,445 с.
7. Graham P.H., Ranalli P. Common bean (*Phaseolus vulgaris* L.).// Field Crops Research. Volume 53, Issues 1-3, July 1997, P.131-146.

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ВА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ДАСТУРЛАР ТАХЛИЛИ

Абурайхон Холиқулович Жураев

Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

aburayxonjurayev75@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим жараёнида электрон ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари ёритилган. Компьютер билан дидактик материалларни уйғунликда қўллаш ўрганилаётган мавзуни талабалар томонидан ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Edraw Max дастури ёрдамида замонавий янги педагогик технологиялар асосида талабаларга билим бериш учун турли хил фанлардан дидактик ва тарқатма материаллар, блок-схемалар, турли хил диаграммалар ва мавзуга оид идрок хариталарни яратиш мумкин. Машғулотларни янада қизиқарлироқ тарзда ўтиш учун педагогик профессионал дастур сифатида фойдаланиш мумкинлиги баён этилган.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникацион технологиялар, Edraw Max, мультимедия технологиялари, дидактик материал, тарқатма материал, тақдимот слайди, диаграмма, график, бизнес режа, блок-схема.

ANALYSIS OF SOFTWARE FOR CREATING EDUCATIONAL AND DIDACTIC ELECTRON MATERIALS

ABSTRACT

This article describes the process of preparing educational and didactic materials and using it in higher education. Applying software together with didactic materials helps to students for studying the topic of the lesson clearly. Didactic materials and handouts, block-schemes, different diagrams, and intellect maps will be created by the help of Edraw Max software based on new modern pedagogical technologies. In order to organize more interesting lesson, this software may be pedagogical and professional one.

Keywords: Information – communication technology, Edraw Max, multimedia technologies, didactic material, handout, slide, diagram, graph, business plan, block – scheme.



КИРИШ

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида замонавий ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган бошқарувнинг ахборот тизимларидан эркин фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш фақатгина касбий профессионал фаолият самарадорлигини оширибгина қолмай, балки бўлажак мутахассисларда дунёқарашни ва ахборот маданиятини шакллантиришга, турмуш тарзига, ижтимоий соҳадаги фаолиятига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Республикаимиз таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун олий таълим муассасалари барча техник воситалар билан етарли даражада таъминланган. Бундай шароитлар яратилган даврда профессор-ўқитувчилардан таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли Фармонида мувофиқ 2018-2019 йилларда ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича асосида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда [1]. Барча соҳаларда ечимини кечиктириб бўлмайдиган зарур аҳамиятли вазифаларни тезда ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, кўп жиҳатдан таълим жараёни ривожига боғлиқдир. Замонавий шароитда ахборот-коммуникацион технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим жараёнида уларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун қулай шароитни вужудга келтирди. Ўзбекистон шароитида таълимнинг бу турини қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этишда фанга тегишли ҳар бир мавзу бўйича фан ўқитувчиси томонидан алоҳида дарс ишланмаси ишлаб чиқилиши лозим. Ишланма асосида ўқитувчи томонидан режадаги барча мавзуларга оид баён этилиши лозим бўлган назарий, амалий-семинар машғулотларига тегишли



топшириклар тўпламини электрон тақдимот шакли тайёрланади. Дарс ишланмаларига тақдимот слайдлар тайёрланиб, видеопроекторлар орқали ўқувчиларга тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Тақдимотда қўшимча адабиётлардаги расмларни, аниқ жараёнларни акс этирувчи тасвирлар, тармоқдаги маълумотлардан катта электрон экранда кўрсатиб тушунчалар берилса, ахборот таълим ресурс порталларидан фойдаланилса, ўқувчиларнинг билим ва малакалари янада бойитилади, шунингдек дарсга бўлган қизиқишлари янада ортади. Шундан сўнг фан ўқитувчиси дарсга тайёргарлик кўриши жараёнида мавзунини талабаларга ахборот коммуникация технологиялари воситаларидан қандай ва қайси вақтда фойдалана олишлигини технологик харитани дарс ишланмасида режалаштирилиши керак бўлади. Технологик харитани тузиш учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ. Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак [3,4].

НАТИЖАЛАР

Таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда биринчи навбатда компьютер техникалари асосий восита ҳисобланади. Компьютер техникалари асосида ахборот ресурсларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда электрон ва виртуал кутубхоналардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Иккинчидан, таълим тизимида мультимедиа электрон ўқув адабиётлари, маъруза матнлари, виртуал лаборатория ишлари ва ҳар хил анимацион ишланмаларни яратишда махсус дастурий воситалардан фойдаланилади. Замонавий компьютер воситалари ва мультимедиа технологиялари таълим жараёнида дидактик материал тайёрлаш вазифасини енгиллаштиради. Компьютер билан дидактик материалларни уйғунликда қўллаш ўрганилаётган мавзунини талабалар томонидан ўзлаштиришда катта ёрдам беради [5,6].



Таълим жараёнида қўлланиладиган махсус дастурий воситаларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин:


- замонавий ахборот-коммуникация ва мультимедия технологияларининг дастурий воситалари (Edraw Max, Phet interaktiv simulyatorlar, Yenka, 3D Studio MAX, Pinnacle Studio, ProShowProducer, Macromedia Flash ва бошқалар);
- фанга оид махсус дастурий таъминотлар (InteractivePhys, 3D-Stereoscopic Atlas, Chemdraw Pro, ACD/3D Viewer, Chemical Equation Expert, Maple, Mathcad, MathSoft Axum ва бошқалар);
- интерактив электрон материаллар ва дарс тақдимотларини яратиш дастурлари (Ispring, Camtasia, Hot Potatoes, Snagit ва бошқалар);
- web дизайн ва электрон дарсликлар яратиш имкониятини берувчи дастурлар (Sbook Builder, HTML to Chm, e-publish, Dreamweaver, Front Page, ebook, AutoPlay Media Studio, Corel Presentations ва бошқалар);
- назорат қилиш дастур воситалари бўлган электрон тестлар яратиш имкониятини берувчи дастурлар (MyTest, easyQuizzy, MultiTester System, Test konstruktor, Wondershare quiz creator, Quiz Maker ва бошқалар) [8].

Компьютер ёрдамида схемалар, диаграммалар, блок-схемалар ва бошқа кўплаб мультимедиа тақдимотлар тузишда Edraw Max дастурини мисол келтириш мумкин.

Edraw Max дастурида мультимедиа ўқитиш бўйича янги манба яратиш, фан ўқитувчиларини дарс машғулоти мазмунини бойитиш ҳамда мавзуда берилиши лозим бўлган билимларнинг тўлиқ қамраб олиниши учун амалий ёрдам берувчи дастурий воситаларидан бири ҳисобланади.

Edraw Max— диаграмма, график, бизнес режалар ва бошқа схемаларни яратишга мўлжалланган кўп функцияли дастурий восита ҳисобланади. Дастурий восита нафақат профессионал шаклдаги блок-схемалар, ташкилий схемалар, тармоқ диаграммалари ёки бизнес хариталарини яратиш, шу билан бирга хариталар, лойиҳалар, иш жараёни, яратиладиган дастур структураси, тармоқ диаграммаси, графиклар, йўналтирувчи хариталар ҳамда маълумотлар базасининг хариталарини яратиш имкониятларига ҳам эга дастур ҳисобланади. 5000 дан ортиқ яратилган векторли символлари ҳам мавжудки, улар ёрдамида диаграмма, графикларни чизик жуда ҳам осон ва енгил амалга оширилади. Дастурдаги мавжуд тайёр шаблон ва мисоллар асосида турли типдаги тақдимотларни ва бизнес режалар яратиш имкониятлари ҳам мавжуд. Шунингдек, дастурий восита билан ишлашда бир

вақтнинг ўзида бир ойнада бир нечта лойиҳалар билан ҳам ишлаш имкониятлари мавжуд [10].



1-расм. Edraw Max дастури ойнаси.

МУҲОКАМА

Edraw Max дастури дидактик тарқатма материаллар яратишга мўлжалланган профессионал дастур. Дастур интерфейси қулай ва содда. Функцияларни бажариш осон ва тушунарли. Edraw Max дастури профессионал кўринишга эга бўлган, блок-схемалар, турли хил диаграммалар, сертификатлар ва бошқа турдаги тарқатма материалларни тайёр шаблонлар ёрдамида яратиш имкониятини берувчи ускуналар панелига эгадир. Дастур автоматик равишда гипермуружаатлар ва тасвирлар қўшиш имкониятига эгадир. Тайёр махсулотларни PDFга, MS PowerPoint формати, MS Word дастури ва бошқа график форматларга экспорт қилиш имкониятига эга. Дастур ёрдамида педагогик тарқатма материаллар ва улар устида турли қўшимча амаллар бажариш имконини беради [10].

ХУЛОСА

Edraw Max дастури ёрдамида замонавий янги педагогик технологиялар асосида талабаларга билим бериш учун турли хил фанлардан дидактик ва тарқатма материаллар, блок-схемалар, турли хил диаграммалар, ҳамда мавзуга оид идрок хариталарни яратиш

машғулотларни янада кизиқарлироқ тарзда ўтиш учун педагогик профессионал дастур сифатида фойдаланиш мумкин.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
3. Д.Тожибоев. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. -Т.:, -2007, 358 б.
4. Р.Ҳамдамов, У.Бегимқулов, Н.Тайлоқов. Таълимда ахборот технологиялари. –Т.:,-2010, 120 б.
5. AP Маллаев, АХ Жураев. Техника фанларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларни ўрни. Academic research in educational sciences. 2021. Volume 2, ISSUE 5, -pp: 87-96.
6. Нормуродов, М. Т., Жураев, А. Х. Олий таълим тизимини модернизация қилишда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни // Academic research in educational sciences. 2021. Volume 2, Issue 5, -pp: 688-693.
7. Xurramov, A. J., Boymurodov A. Kh., Jurayev, A. X., Educational technologies and their quality assessment, European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 8 No. 12, 2020 pp: 162-166.
8. А.Х.Жураев. Таълим тизимига педагогик дастурий воситаларни жорий этиш афзалликлари. ЎзМУ хабарлари журнали. 1/1-сон 2020 й. 85-89 бетлар.
9. Хуррамов, А.Ж., Комолов, Э.Р. Разработка алгоритма управления с учетом трудноформализуемой информации // Academic research in educational sciences, 2020. Volume 01, Issue 03, -pp: 240-247.



МЕТОДОЛОГИЯ ОНЛАЙН ОБУЧАЮЩИХ СИСТЕМ В УСЛОВИЯХ КОММЕРЦИАЛИЗАЦИИ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Максадхон Султаниязович Якубов

Профессор Туринского политехнического университета,
maksadhan@mail.ru

Журъатбек Гофурович Абдураимов

Преподаватель Чирчикского государственного педагогического института
juratbekabduraimov@gmail.com

Нилуфар Муратжановна Шарифжанова

Магистрант Ташкентского университета информационных
технологий имени Аль-Хорезмий, 0000-0003-2200-4291,
Lotos1981n@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Рассматриваются концепции формирования методологии виртуально обучающих систем высших учебных заведений в условиях постепенного перехода на самофинансирование. Предлагается самая эффективная и перспективная технология и механизм организации учебных процессов в высших учебных заведениях в рыночных условиях. В условиях коммерциализации предлагаемая методология виртуально обучающих систем позволяет существенно экономить трудовых и материальных расходов, качества образования резко возрастает, уровень знаний повышается, обеспечивается прозрачность в образовательной системе, усилится конкуренция между высшими учебными заведениями.

Ключевые слова: виртуально обучающая система, цифровизация, информационные технологии, дистанционное образование, массовое онлайн-образование.

ABSTRACT

The concepts of the formation of the methodology of virtual learning systems of higher educational institutions in the context of a gradual transition to self-financing are considered. The most



effective and promising technology and mechanism for organizing educational processes in higher educational institutions in market conditions is proposed.

In the context of commercialization, the proposed methodology of virtual learning systems can significantly save labor and material costs, the quality of education will increase dramatically, the level of knowledge will increase, transparency in the educational system will be ensured, and competition between higher educational institutions will increase.

Keywords: virtual learning system, digitalization, information technology, distance education, mass online education

ВВЕДЕНИЕ

В современном мире социальная жизнь опосредована информационно-коммуникационными технологиями. Мобильной связью активно пользуется 86 % населения мира, почти 2 млрд человек имеют доступ к сети Интернет. Киберпространство представляет собой как инструмент поиска и получения информации, так и среду коммуникации, виртуального взаимодействия и значительно влияет на формирование у молодого поколения стереотипов поведения, а также идеалов, духовных ценностей, индивидуального и общественного мировоззрения. Происходящие трансформации способствуют изменению механизмов формирования личности, форм взаимоотношений и социокультурных практик. В результате перед субъектами управления системами образования встает задача организации новых форм социального воспитания и управления информационной составляющей социализации наряду с содействием личностному развитию детей. [1,5]

Состояние современного образования в мире, обусловленное процессами глобализации, цифровизации и становления информационного «общества знания» резко обостряет проблемы, связанные с индивидуализацией и созданием условий для личностного развития обучающихся. Цифровизация образования, очевидно, не выступает самоцелью, а является следствием и условием цифровизации экономики и всей нашей жизни. Самое главное для педагогической науки в условиях цифровизации - не потерять «в человеке человека», возникает необходимость создания среды жизнедеятельности человека, в которой он становится не жертвой цифровых технологий, а их создателем. [2] Цифровизация открывает новые уникальные пути к достижению идеала развития и саморазвития личности за счет образования. [2] Цифровизация выступает не столько



целью - сколько объективным условием, диктующим свои требования к модернизации образования. [2] Сущностное расширение образовательных возможностей для человека, помноженное на риски цифровизации, требует коренного пересмотра положения о ведущем субъекте процессов построения образовательного процесса и управления качеством. [2]

Мы живем в постоянно меняющемся обществе. Каждый день мы замечаем эти изменения по самым разным поводам: гаджет стал нашим постоянным спутником в жизни. Основываясь на исходной ассоциации простого преобразования аналоговых сигналов в цифровые, можно сделать вывод, что цифровизация в последнее время стала движущей силой далеко идущих процессов социальных преобразований. [1,5]

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Специалисты по вопросам коммуникации обозначают эти изменения ключевым словом «медиатизация» (см., напр., Krotz, 2007). Все больше разных мест становятся медиаплощадками, коммуникация все чаще происходит через медиа, а социальные и коммуникативные процессы ускоряются. Учитывая, насколько цифровые технологии зарекомендовали себя как неотъемлемая часть нашей жизни, рассматривать цифровизацию просто как технологии или как вытеснение или замену аналоговых технологий кажется уже устаревшим подходом (Kerres, 2018). Становится ясно, что цифровые технологии стали настолько обыденным явлением, что больше не нуждаются в особом упоминании. Как мы видим, цифровое преобразование — это уже не технология, а прежде всего социальный процесс, который также требует рассмотрения в контексте школьного образования вне рамок требований рынка труда. Таким образом, цифровизация становится объектом культурного образования. [1,5]

Цифровая культура - это в первую очередь понимание современных информационных технологий, их функционала, а также возможность грамотно использовать их в работе или быту. И это относится не к смартфонам или умным кофеваркам, а к таким инструментам, как работа с базами данных, машинное обучение, компьютерное моделирование, статистический анализ, работа с графическими редакторами и многое другое. [3,4]

Специалист, который обладает навыками в области цифровой культуры, знает, как использовать инструменты, предлагаемые нам современными информационными

технологиями, вне зависимости от того, имеет ли он профильное образование в области ИТ. Более того, цифровая культура подразумевает, что человек соблюдает так называемую цифровую этику. Это значит, что он знает, как строить общение с другими пользователями, как представлять информацию о себе, какие данные являются публичными, а какие – нет, как обеспечить информационную безопасность, какое законодательство существует в его стране в области работы с данными. Иными словами, он осознает, как правильно позиционировать себя в информационном пространстве и какие границы нельзя переступать, когда находишься в нем. [3,4]

Информационные технологии проникли во все сферы жизни без исключения. Будущее за Интернетом вещей, блокчейном и другими распределенными сетями, автоматизацией и экономикой роботов. Информации в целом становится все больше и больше, и обработка данных может помочь в создании лучших социальных сервисов, внедрению инноваций в промышленности, в управлении. Такие профессии, как дата-сайентист и системный аналитик, становятся все более востребованными, хотя еще далеко не все понимают, чем занимаются эти специалисты. Большая доля общения, как делового, так и личного, происходит в сети, что определяет особенности мышления и поведения поколения. Таким образом, практически в любых сферах деятельности сталкиваемся с необходимостью хранить, искать и анализировать большие объемы информации. [3,4]

Чтобы уметь это делать, то есть грамотно обращаться с окружающей нас информацией и при этом получать осмысленные результаты, и нужна цифровая культура. То есть человек, обладая знаниями в этой области, понимает, какие алгоритмы подходят для обработки и анализа данных, какие задачи можно ставить в области данных, какие технологии подходят для решения этих задач и каким результатам можно доверять. [3,4]

При этом цифровая культура сегодня нужна абсолютно всем специалистам как в технических, так и в гуманитарных профессиональных областях. Ведь даже если в обязанности сотрудника не входит разработка, например, программного обеспечения, он должен уметь поставить перед программистом техническое задание, грамотно формулируя задачи своей предметной области. Статистический анализ и обработка больших данных важны в любой работе, связанной с экономикой. От специалистов в области коммуникации требуются навыки работы с графическими редакторами, системами CMS,



HTML-разметкой и другими цифровыми инструментами. Филологу нужно уметь анализировать тексты, биоинформатику - обрабатывать последовательности ДНК. Потому что такова экономика будущего, и без знаний в области цифровой культуры уже невозможно стать востребованным специалистом практически в любой профессии. [3,4]

Основными особенностями цифровой культуры современного общества являются: технологическая зависимость человека, появление особого языка социальных коммуникаций, упрощение форм социальной и личной жизни человека, программируемость человеческого поведения, формализация коммуникационных процессов, ослабление их этического содержания, преобладание клипового мышления, визуального восприятия мира, углубляющийся разрыв с традициями гуманитарной культуры. Между тем, цифровая культура как цельное явление не сложилась. Она находится в процессе становления, обретения направляющих ее развитие ценностей. К таким ценностям она становится сопричастной в сфере образования, в ходе развития цифровизации учебных заведений. Цифровая культура не должна замещать образовательную культуру, а органически должна быть включена в нее, став одним из направлений развития образования, его технологическим приложением. [3,4]

Цифровая модернизация образования в нашей стране носит «неорганический» характер. Политика цифровизации не системна, не объединена общим ценностно-смысловым началом. Она технологична и инструментальна, т.е. направлена на накопление новых технических средств при отсутствии системного видения необходимости, способов и последствий их применения для культуры. Ситуация, в которой цифровые новации становятся самоцелью, для них меняется вся структура образовательного процесса, нарушается наработанный многими годами учебный и воспитательный процесс, требует ценностной переориентации. Необходимыми видятся не только преобразования образовательного процесса для применения в нем цифровых технологий, но и преобразования цифровых технологий для их адекватного использования в образовательном процессе. При всем своем образовательном потенциале цифровые технологии не могут полностью заменить собой учебно-воспитательную работу, они ограничены своим функционалом и являются элементом в системе образования, который должен найти рациональное сочетание с базовыми установками системы. [3,4]

Гуманитарная экспертиза как научная оценка является необходимым этапом формирования цифровой культуры. Такая экспертиза способна придать культуре целостность через определение системы объединяющих ценностей. Культура – это лучшее из созданного человеком, но это лучшее нуждается в определении. Становление и развитие культуры возможно при наполнении всего объема новых результатов человеческой деятельности общим смыслом, определением их действительной значимости, ценности для человека и общества. В этой связи возникает задача актуализации базовых оснований культуры и анализ всех новых технологических явлений с позиции их соответствия приоритетам развития национальной культуры. Формирование цифровой культуры в образовании, во многом, определяется экспертной деятельностью ученых и педагогов. Функция современного педагога как гуманитарного эксперта – функция приобретающая особенное значение в цифровой образовательной среде. Элементы цифровой культуры, зародившиеся в отечественной системе образования, без объединяющих ценностей не могут приобрести форму целостной культуры. Наиболее устойчивые, базовые ценности отечественной культуры концентрируются в образовании и, прежде всего, вокруг интересов человека, а также самой культуры, как среды его существования. Таким образом, традиционные ценности образовательной культуры можно рассматривать в качестве основания для проведения гуманитарной экспертизы внедряемых технологических новаций. Оценка цифровой культуры с позиций соответствия ценностям отечественной образовательной культуры позволяет выявить противоречия в ее развитии. [3,4]

К таковым можно отнести:

- дегуманизацию человека и социальных отношений, что проявляется в формировании зависимости человека от технических средств, утрате способности к самостоятельному творчеству, усилении контроля за идеями и «фильтрации» информации, возможности манипуляции действиями субъекта с помощью алгоритмов, заложенных в компьютерные программы, утрате нравственных ориентиров, ухудшении физического и психического здоровья;

- кризис идентичности, который проявляется в потере субъектом связи с социальной реальностью, неспособности определить «свое» и «чужое», утрате смысла жизни и появлении безразличия к будущему своей национальной культуры, родной страны;

- кризис интеллектуальной культуры, который влечет исчезновение творчески мыслящей личности и обусловлен



постоянным обращением современного человека к услугам Интернета, что создает искаженное представление о характере познавательного процесса, ведет к утрате самой способности к творчеству, неумению думать, анализировать, делать самостоятельные выводы. [3,4]

Четвертая индустриальная революция приносит и принесет в нашу жизнь немало перемен. Компьютерные ИТ-технологии не решили проблем голода, воды, климата, экологии, здоровья, безопасности. Но они придают новое качество общественной и личной жизни, как открывая новые возможности, так и одновременно порождая новые вызовы. [6,7,8]

Место «информационного общества» заступает проектно-сетевой социум, в котором сырьевая (природная) и даже трудовая рента вытесняется рентой сетевой – от порожденных кем-то знаний, которые легко можно найти в свободном доступе [Болтански, Кьяпелло 2011]. Становятся все более важными навыки ориентации в этом море знаний, их переработки, оперирования данными, сгенерированными другими. Речь идет не о компилировании, а именно о расширении применения и применении в иных предметных сферах. Достижение успеха, чем дальше, тем больше предполагает воображение, нестандартность, инициативность, широкий горизонт видения, лидерство, т.е. способности, недоступные полной алгоритмизации и роботизации. В этом и заключается потенциал «креативного класса» и концентрации этого капитала в городах и агломерациях, задающих новую волну урбанизации принципиально иного плана. [Флорида 2014].

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

В этой связи крайне важно позаботиться об изменении подходов к образованию. Происходящая цифровизация и перспективы ее углубления и расширения ставят вопросы об изменении не только организации образования, но и самой психологии отношения к нему. Технологии, ритм жизни, деловой активности настолько ускорились, что никакая, однажды полученная в образовательном учреждении специальность, не дает гарантии куска хлеба на всю оставшуюся жизнь. Приобретенный в вузе набор компетенций «выгорает» в течение трех-четырёх лет, и нужно быть готовым к тому, что придется, как минимум, два-три раза радикально сменить профессию или круг обязанностей.

Этот процесс ускоряет развитие цифровой экономики: роботизация, интернет вещей (IoT), автоматизированная обработка больших массивов данных (Big Data),



использование распределенных реестров (block chain). Интернет вещей, по данным исследования The Future of Jobs, число рабочих мест в сфере услуг ремонта и техобслуживания сокращается и будет сокращаться на 8% ежегодно. Так, сайт HeadHunter недавно автоматизировал первичный отбор кандидатов: система сама отсеивает резюме, и с подбором смогут справиться три человека вместо пяти. [6,7,8]

Сложился рынок так называемых гибридных специальностей - специалистов широкого междисциплинарного профиля, типа физиков или IT-специалистов с хорошим знанием психологии и социологии. Современный специалист на химическом производстве - не просто химик, а инженер по IT с химическим образованием и опытом работы. Сотрудники отделения банка все меньше занимаются операционной работой - за счет внедрения технологий и дистанционных сервисов они играют роль финансовых консультантов. И несомненно - большое будущее у биоинженеров и биотехнологов. Непрерывное, постоянное приобретение новых знаний, умений, навыков становится залогом конкурентоспособности. [6,7,8]

Цифровизация требует новых, совершенно иных компетенций, отличных от тех, которыми обладают выпускники вузов. Главной функцией обучения, образования становится «научить учиться», быть готовым к переменам, к работе с более сложными проектами, заимствованию передовых, в том числе - зарубежных практик, расширению кругозора, отслеживая тенденции в других отраслях и профессиях. Более того, цифровая компетентность выпускников университетов должна превышать существующую номенклатуру компетенций – чтобы работать на опережение ситуации. [6,7,8]

Цифровые технологии радикально меняют содержание преподаваемых дисциплин и форму их подачи. Это не только ставшие уже рутинной электронные презентации или использование видео. Возможны прямые подключения к электронным базам данных, новостям, проходящим форумам. В проведении практических занятий возможно использование социальных сетей. С использованием скайпа, мессенджеров возможно участие в занятии ведущего специалиста, эксперта. Издательства, специализирующиеся на учебной литературе, всё больше переходят на электронные версии учебников и учебных пособий. [6,7,8]

Бурными темпами развивается массовое онлайн-образование. В настоящее время некоторые популярные



курсы насчитывают сотни тысяч студентов. А университеты и отдельные преподаватели активно выходят на рынок MOOK (MOOC – Massive open online courses) – уже сложившейся международной формы дистанционного образования с открытым доступом в Интернете. Один только такой проект Coursera, основанный профессорами Стэнфорда Э. Ёном и Д. Коллер, охватывает в настоящее время почти 25 млн пользователей, которым предлагается более 2 тысяч курсов по 160 специализациям от полутора сотен образовательных учреждений. Поскольку проект сотрудничает с университетами (среди которых элитные университеты), слушатели, пройдя курсы и сдав тесты и экзамены, получают полноценные сертификаты. Технической платформой являются как сайт Coursera, так и мобильное приложение для iPhone и Android. [6,7,8]

Запущен сайт Academic Earth, на котором размещены видео лекции профессоров МТИ, Беркли, Гарварда, Принстона, Стэнфорда, Йеля по экономике, политологии, математике, физике, химии, истории, философии, литературе, психологии и т.д. – вплоть до теологии. Развитие бесплатного онлайн-образования топовых университетов мирового уровня является серьезным вызовом мелким региональным вузам. Однако если грамотно совмещать форматы образования онлайн и оффлайн в реализации, то региональные вузы могут предлагать и реализовывать качественные, а то и уникальные образовательные программы. Студенты, обучающиеся в традиционных вузах, все чаще по необходимости или по желанию дополняют свое образование онлайн-курсами – формат удобен не только возможностью получить знания от лучших специалистов, но и возможностью обучения в любое время. [6,7,8]

Процессы реформирования образовательной системы продиктованы современными тенденциями развития общества, в частности, стремительным совершенствованием информационно-коммуникационных технологий и их влиянием на формирование личности в современном информационном социуме, где образование является важнейшим ресурсом. ИКТ и цифровая среда рассматриваются как неотъемлемая часть образовательной сферы человека. В основе образовательного процесса как во всём мире, так и в стране лежит субъект-субъектный подход. В связи с этим интернациональный опыт является актуальным для дальнейшего развития образования в формирующейся мировой интернациональной образовательной системе.



С одной стороны, общество становится информационным, когда виртуальная реальность является действительностью современного человека, с другой – современные требования общества предполагают важность межличностных, трансверсальных навыков и умений для жизни и работы. Под созданием знаний подразумевается информационно-коммуникационный тип мышления и деятельности индивида, обеспечивающий ему образование и самообразование в течение всей жизни, профессиональную и личностную самореализацию и эффективную деятельность в социально-экономической сфере. Педагогика франкоговорящих стран достаточно быстро реагирует на современные общемировые тенденции: информационно-коммуникационные ресурсы интегрируются в образовательную систему не просто как средство обучения, а как неотъемлемое условие для формирования определенных навыков, умений и характеристик гражданина современного информационного общества.

В качестве новых концепций преобразования обучающих систем в высших учебных заведениях предлагали следующую методику.

Прежде всего для отбора абитуриентов в ВУЗ необходимо нужным образом менять механизм современного принципа тестирования. В условиях интенсивного развития конкуренции между ВУЗами, и поэтапному переходу ВУЗов в коммерциализацию требует разработки новых механизмов и методики образования.

Суть предлагаемой методики заключается в том, что абитуриенты по своей воле сдают документы в тот ВУЗ, куда захотелось. Одновременно может подать документы в несколько ВУЗов. Любой абитуриент без каких-либо тестирования и экзаменов, бесед (в исключение состояния здоровья) должны поступать в ВУЗ, при минимальных контрактных оплатах. ВУЗ должен принимать в неограниченном количестве студентов на первый курс. На первом курсе обучение должно производиться в онлайн режиме. При этом в электронном виде всем студентам не зависимо от его местожительства предоставляется учебная программа (рис 1). Студент по данной программе в течении учебного года самостоятельно будет заниматься. Одновременно согласно учебному расписанию будет проводиться занятие в онлайн режиме.






Рис.1 Распределение активности в течении семестра. Решение на основе анализа данных. Контроль за реализацией самостоятельной работы студентов, корректировка регламентов работы, разработка методических инструкции.

Условно после полугодия можно проводить дистанционный опрос студентов по пройденным материалам. В конце учебного года все студенты приглашаются в ВУЗ, и в составе 3-5 преподавателей по профилю проводят устный опрос. Себя хорошо рекомендованные отбираются на второй курс. Со второго курса отобранные студенты учатся в of-лайн режиме. Такая методика позволяет одновременно обучать большую армию молодёжи по тем или иным профилям. Производится объективный отбор студентов и от них можно ожидать определённых результатов.

Предложенная методика позволяет проявить у студентов творческие компетенции, работать самостоятельно с электронными учебными ресурсами, мыслить и пользоваться творческими знаниями в практике. Самое главное, если в традиционной обучающей методике преподаватель давал свои знания студентам, то в нашем подходе студент требует от преподавателя тот учебный материал, что ему понадобится. Тем самым заставляет самого преподавателя работать над собой. Эту методику схематически можно представить в следующем виде (рис 2.)




Рис.2 Схема взаимосвязи между студентом и преподавателем.

Начиная со второго курса большинство студентов начинают работать «без отрыва от учебы». К этому их вынуждают не только материальные обстоятельства (необходимость оплачивать учебу, проживание в другом городе и т.д.), но и понимание жизненной перспективы. Выпускник, отучившийся 4, то и, с учетом магистратуры, все шесть лет, и только после этого выходящий на рынок труда, изначально и заведомо проигрывает однокласснику, который уже приобрел навыки, находится в конкретной позиции. Похоже, большинству университетов придется смириться с низкой посещаемостью занятий, переходом все большего числа студентов на индивидуальные планы, переносы сессий и т.п. Приведет ли индивидуальность и автономность обучения к полному исчезновению профессии учителя? Вряд ли. Пока жив человек, процесс социализации и индивидуализации предполагает личностное общение. [6,7,8]

Но роль преподавателя, само содержание его работы в условиях цифровизации существенно меняется. Его задачей становится не столько разработка курса, содержания лекций и практических занятий, их регулярное обновление в соответствии с новыми теоретическими концепциями и разработками, а также новыми технологиями, практиками, эмпирическими данными, публикациями научной и учебной литературы, сколько отслеживание электронных ресурсов и баз данных, где все эти материалы представлены. В том числе он должен быть в курсе образовательных программ и услуг, предлагаемых другими университетами. Преподаватель становится не столько источником знаний, сколько навигатором, предлагающим оптимальную для целей данного курса траекторию знакомства с базами данных, разработку практических заданий, кейсов для обсуждения, и, конечно, тестирования прохождения

студентами этой траектории. А если преподаватель или руководитель образовательной программы хочет использовать какие-то представленные в сети курсы или их фрагменты, он сам должен пройти эти курсы, чтобы понимать их возможности. [6,7,8]

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Нынешняя, формирующая общество культура цифровых технологий (Stalder, 2016) характеризуется тремя особенностями, которые оказывают влияние на школу. Первая — референтность, которая означает, в частности, использование существующих культурных материалов через практики ремиксов, семплирования или мэшапов или свободного обращения с ними, как это можно видеть, например, в мемах в социальных сетях, а также при обсуждении открытых образовательных ресурсов в учебных заведениях. Сюда относится также принцип общности, т. е. коллективно поддерживаемых рамок, согласно которым «люди в западных обществах <...> все меньше и меньше определяют свое собственное «я» через семью, место работы или другие постоянные коллективы, но все больше и больше через свои личные социальные сети, т. е. через общественные формации, в которых они активны как индивидуумы и в которых они воспринимаются как единственные в своем роде личности». И третья особенность — алгоритмичность, т. е. возрастающее значение алгоритмической сортировки и, соответственно, мировоззрения, т. к. мир представляется отчасти всего лишь зависимостью алгоритмов (вспомним поисковые запросы Google). Алгоритмы все больше формируют наше представление о мире, а «как появились эти результаты, какие позиции в мире таким образом укрепляются или ослабляются, в лучшем случае понятно лишь частично». Общим для всех видов практик является «воспроизведение культурных возможностей», что, по словам Штальдера, привело, в частности, к разрушению прежних культурных институтов и убеждений. Недаром учебные заведения сталкиваются с большими проблемами при решении текущих вопросов. Последняя крупная дискуссия была, например, вокруг темы массовых открытых дистанционных курсов или технологии «перевернутого» класса, отношение которых к классическим учебным заведениям до сих пор является предметом многочисленных дискуссий (например, по поводу возможности зачисления, присутствия или других элементов институционализации). [1,5]



Процессы глобализации в различных сферах жизни общества перед национальными системами образования ставят сходные для многих стран проблемы, что является обоснованием для возможности использования результатов зарубежных исследований. Обращение к анализу существующего в зарубежной педагогике опыта использования цифровой среды может восполнить дефицит разработки научных основ построения процесса позитивной социализации благодаря цифровой среде. [1,5]

REFERENCES

1. Теркулова, И.Н. Цифровая среда как педагогическое условие позитивной социализации обучающихся во франкоговорящих странах (франция, канада) // АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук // Специальность: 13.00.01 - общая педагогика, история педагогики и образования // Москва – 2019.
2. Полупан, К.Л. «Концептуальные основы проектирования Индивидуального образовательного маршрута студента в цифровой образовательной среде Университета», диссертации и автореферата представленное на соискание учёной степени доктора педагогических наук по ВАК РФ 13.00.01 - общая педагогика, история педагогики и образования. Калининград 2020.
3. Строков, А.А. Цифровая культура в структуре отечественного образования: Учебное пособие [Текст] / А.А. Строков. – Н. Новгород: Белый цвет, 2020. – 103 с. (4,9 п.л.);
4. Строков, А.А. Становление и развитие цифровой культуры в свете трансформации современного образования [Текст] / А.А. Строков // Социальные процессы современной России / Под общей редакцией проф. З.Х. Саралиевой: В 2 т. Т.1. – Н. Новгород: Изд-во НИСОЦ, 2020. – С. 427-430. (0,2 п.л.);
5. Кузнецова, Т. Ф. Цифровизация и цифровая культура [Электронный ре-сурс] // Горизонты гуманитарного знания. 2019. № 2. С. 96–102. URL: <http://journals.mosgu.ru/ggz/article/view/1007> (дата обращения: дд.мм.гггг). DOI: 10.17805/ggz.2019.2.7
6. Тульчинский, Г.Л. (2017) Цифровая трансформация образования: вызовы высшей школе // Философские науки. 2017. № 6. С. 121–136
7. May 2017 – May В. Как российская система образования готовится к приходу цифровой экономики (Интервью). – URL: <https://lenta.ru/articles/2017/07/23/mauinterview/> Цели образования в интересах устойчивого развития: задачи обучения. Название оригинала: Education for Sustainable Development Goals - Learning Objectives



Опубликовано в 2017 г. Организацией Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры.

8. Патаракин, Е.Д. «Сетевые сообщества и обучение». – М.: ПЕР СЭ, 2006. – 112 с.

9. Karimov, U. et al. Using new information technologies in distance learning system // Новая промышленная революция в зеркале современной науки. – 2018. – С. 9-11.

10. Анурова, Н. И. Цифровые технологии в образовании / Н. И. Анурова. – Текст: непосредственный // Цифровое общество как культурно-исторический контекст развития человека: сборник научных статей / под общей редакцией Р. В. Ершовой; Государственный социально-гуманитарный университет. – Коломна: ГСГУ, 2018. – С. 29–32.

11. Шарифжанова, Н.М., Инновационная технология при изучении математики, информатики и иностранного языка / Н. М. Шарифжанова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2018. — № 14 (200). — С. 70-73.

12. Шарифжанова, Н.М. Шарипова Д.Д. Жураева Н.Н. Якубов М.С.// мобильное обучение - новая технология в образовании/ Scientific Collection «InterConf», (41): with the Proceedings of the 7 th International Scientific and Practical Conference «Scientific Horizon in The Context of Social Crises» (February 6-8, 2021). Tokyo, Japan: Otsuki Press, 2021. 1228 p. ISBN 978-4-272-00922-0.

13. Sharifzhanova, N.M., Knesov N.A., Yakubov M.S. Electronic interaction between the state and business: problems and prospects electronic interaction of the state and business: problems and prospects, InterConf: Scientific Collection "InterConf": GLOBAL AND REGIONAL ASPECTS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT (February 26-28, 2021).

14. Sharifzhanova, N.M., Knesov N.A. PUBLIC SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY, HUDUDLARDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR RESPUBLI KA ILMIY-AMALIY ANJUMANIMA'-24

15. Yakubov, M. S., Sharifzhanova N. M., Yandashev R. Kh., Atadzhanova M.P. QUALITY OF PUBLIC SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY. International Scientific and Practical Conference "Economic Science and Practice in the Context of Instability of the External Environment and the Expansion of Digital Globalization" ESPE 2021 May 20-21, 2021, Moscow, Russia <https://conferences.science/conferences/espe-2021.htm>

ЃЎЗАНИНГ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ F₃ ДУРАГАЙЛАРИДА ЀИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Феруза Бахадировна Соатова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

Бахтияр Хушбакович Аманов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

amanov.81@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада F₃ ўсимликлари популяцияларининг қимматли хўжалик белгиларида рўй берадиган ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш, жумладан, битта кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни каби белгиларнинг кўрсаткичлари бир-бирига параллел равишда ортиши кузатилди. Бундан келиб чиқадики, F₃ ўсимликлари популяциялари орасидан ўзида бир қатор қимматли хўжалик белгиларини мужассамлаштирган ноёб манбаларни ажратиш ва уларни амалий селекция жараёнларида бажариладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Таянч сўзлар: ғўза, дурагай, комбинация, қимматли хўжалик белги, битта кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни, ўзгарувчанлик кўлами.

КИРИШ

Мамлакатимиз жанубий худудлари учун ғўзанинг ингичка толали ҳосилдор, эртапишар, тола чиқими юқори, кўсак йириклигини ошириш, ташқи муҳитнинг стресс омилларига, айниқса гармселга чидамли бўлган тизма ва интенсив навларни яратиш селекция олимларининг олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Юқоридаги масалаларни ҳал этиш учун табиатда мавжуд бўлган хилма-хилликлардан фойдаланиш асосида ғўзанинг дурагайлари олиш, олинган дурагайлардан оилалар ажратиш, уларнинг ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида дурагайларда намоён бўлган қимматли хўжалик белгиларини ўрганиб, давлатимиз учун серҳосил, тезпишар, тола чиқими юқори, кўсаги йирик



донор ва тизмаларни ажратиб олишдан иборатдир. Кўплаб селекционер олимлар ўз илмий изланишларини олиб борганлар [1, 3, 5, 6].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ф.Р.Абдиев [1] олиб борган ўз илмий изланишларида, ингичка толали ғўза турига мансуб юқори авлод дурагай ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлиги, корреляцияси ўрганилган. Ажратиб олинган юқори авлод дурагайларидаги тола узунлиги, тола чиқими, каби қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги аниқланган.

Вик.А. Автономов, У.Джавлиев 3.Тангиоровлар [2] ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб тизмаларни дурагайлаш асосида олинган F_2 ўсимликлари ва дурагайлашда иштирок этган бошланғич тизмаларда тезпишарлик белгисининг ўзгарувчанлиги ва ирсийланиши ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида 3 хил, табиий (назорат), қора илдиз чириш касаллиги ва гоммоз билан зарарлантирилган фонларда олиб борилган ҳамда тезпишар бошланғич тизмалари (Т-108, Т-105, Т-107) аниқланган.

Я.А. Бобоев, Р.Г. Ким, А.Б. Амантурдиевлар [4] маълумотларига кўра, ғўзанинг морфологик ва қимматли хўжалик белгилари яъни, кўсак йириклиги, тола чиқими ва тола узунлиги белгилари орасидаги ўзаро боғлиқлик жуда кичик кўрсаткичда намоён бўлади. Ғўза маҳсулдорлиги, кўсак сони ва йириклиги бошқа қимматли хўжалик белгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланишини аниқлаганлар.

С.А.Усманов, Ф.Р.Абдиевлар [5] ўрганилган ингичка толали юқори авлод дурагайларидаги 3 чаноқли кўсақларида битта кўсақдаги пахта вазни, битта лўппакдаги пахта вазни, 4-5 чаноқли кўсақларнинг ушбу белгилари кўрсаткичларидан сезиларли даражада паст бўлган. Ҳосилдорликнинг асосий элементларидан бири бўлган битта кўсақдаги пахта вазнини ошириш учун 4-5 чаноқли кўсақларни танлаб олишни тавсия этганлар.

Ҳ.Л. Ҳуан ва бошқалар [7] тола хусусиятлари белгисининг ирсийланиши бўйича ҳар хил тола тавсифига эга 20 та дурагай комбинациялар билан ғўзанинг 5 та тизмаси иштирокида ўрганилган. Тола узунлиги белгиси бир маромда ўраб олган муҳит омилларига кучли боғлиқ бўлиб, толанинг бошқа хусусиятлари, асосан, генетик назорат қилиниши кузатилган. Генотип ва муҳит мустақамлиги ёки тола узунлиги ўзаро алоқасининг таъсири аниқланмаган, аммо толанинг узунлиги бўйича етарлича аддитив ва оналик натижалари қайд этилган. Аддитив



натижалар толанинг барча хусусиятларида устунлик қилганлигини аниқлаганлар ҳамда юқори устунлик натижаси эса 11,5% ни ташкил этган, уларнинг наслийлиги 45,2-77,6% оралиқ чегарада бўлган. Улар F_1 ўсимликларда толанинг хоссасини ота-онанинг ўртача кўрсаткичлари бўйича олдиндан айтиш мумкин, селекция сифатини эса бошланғич дурагай авлодларидаёқ кўриш мумкин деб тахмин қилганлар.

Биз ўз илмий изланишларимизда ғўзанинг энг муҳим қимматли хўжалик белгиларидан бўлган битта кўсақдаги пахта вазни, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни каби қимматли белгиларини таҳлил қилдик.

Тадқиқотлар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети Генетика ва эволюцион биология кафедрасида олиб борилди. Ғўзанинг ингичка толали F_3 Ангор х Сурхон-14, F_3 Т-2017 х Илотон, F_3 Т-2005 х Сурхон-14 дурагайларидан фойдаланилди. Ушбу тизмаларда ҳосилдорликни белгилаб берувчи ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларидан битта кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола чиқими каби белгиларни ўрганишдан иборатдир.

Илмий изланишларни амалга ошириш учун қуйидаги услублардан фойдаланилди: турлараро дурагайлаш, якка танлов ва математик таҳлил.

НАТИЖАЛАР МУҲОКАМА

Ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларига битта кўсақдаги пахта вазни белгиси тизма ва навларнинг муҳим кўрсаткичларини белгилаб беради (1-жадвал). Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича F_3 Т-2017 х Илотон дурагайида бошқа комбинацияларга нисбатан бироз юқори кўрсаткични намоён этди, яъни ўртача 4,4 грамм, шунга мос равишда ўзгарувчанлик амплитудаси 3,2-5,3 грамм, вариация коэффиценти эса 15,6 % ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин ҳамда қолган дурагай комбинацияларда ҳам битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича аналогик натижалар қайд этилганини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

F₃ ўсимликларида битта кўсакдаги пахта вазни белгисининг ўзгарувчанлиги

	F ₃ авлод комбинациялари	Тола чиқими, %				
		Ўсимлик сони	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	Limit	S	V %
F₃ ўсимликлар						
	F ₃ Ангор х Сурхон-14	70	4,3±0,13	3,4-5,6	0,57	13,3
	F ₃ T-2017 х Илотон	70	4,4±0,16	3,2-5,3	0,67	15,6
	F ₃ T-2005 х Сурхон-14	70	4,2±0,15	3,0-5,6	0,61	14,5

Тажрибада ўрганилган F₃ ўсимликларида тола чиқими 36,5-39,7 % гача бўлган ораликда жойлашди. Жумладан, F₃T-2017 х Илотон дурагай комбинациясида тола чиқими бўйича юқори натижа олиниб, тегишли равишда белги кўрсаткичи (39,7 %), ўзгарувчанлик амплитудаси 31,0-50,0 %, вариация коэффиценти 8,9% намоён қилди, шу билан бирга F₃ ўсимликларида эса бироз паст паст тола чиқимида F₃Ангор х Сурхон-14 комбинациясида (36,5%), ўзгарувчанлик амплитудаси 25,4-47,8%, вариация коэффиценти 11,6% ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

F₃ ўсимликларида тола чиқими белгисининг ўзгарувчанлиги

	F ₃ авлод комбинациялари	Тола чиқими, %				
		Ўсимлик сони	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	Limit	S	V %
F₃-ўсимликлар						
	F ₃ Ангор х Сурхон-14	70	36,5±0,12	25,4-47,8	4,2	11,6
	F ₃ T-2017 х Илотон	70	39,7±0,09	31,0-50,0	3,5	8,9
	F ₃ T-2005 х Сурхон-14	70	37,1±0,10	23,7-48,0	3,6	9,8

3-жадвал

F₃-ўсимликларида 1000 дона чигит вазни белгисининг ўзгарувчанлиги

F ₃ авлод комбинациялари	1000 дона чигит вазни, грамм					
	Ўсимлик сони	$\bar{x} \pm S\bar{x}$	Limit	S	V %	
F₃-ўсимликлар						
F ₃ Ангор х Сурхон-14	70	116,0±0,09	100-130	10,0	8,6	
F ₃ T-2017 х Илотон	70	128,5±0,17	110-140	8,7	6,8	
F ₃ T-2005 х Сурхон-14	70	115,2±0,09	100-140	10,3	8,9	

Ўзанинг қимматли хўжалик белгиларидан бири бўлган 1000 дона чигит вазни кўрсаткичи белгиси бўйича F₃T-2017 х Илотон комбинациясида бошқа комбинацияларга нисбатан йирик чигитли дурагай ўсимликлар кузатилди, яъни ўртача 128,5 грамм, шунга мос равишда ўзгарувчанлик амплитудаси 110-140 грамм, вариация коэффиценти эса 6,8% ни ташкил этди. Бундан ташқари қолган дурагай комбинацияларда 1000 дона чигит вазни ўртача 115,2-116,0 грамм, ўзгарувчанлик амплитудаси 100-130 грамм 100-140 грамм, вариация коэффиценти эса 8,6-8,9% фоиз эканлиги аниқланди (3-жадвал).

ХУЛОСА

Олинган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб F₃ ўсимликлари популяцияларининг қимматли хўжалик белгиларида рўй берадиган ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш, жумладан, битта кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими, 1000 дона чигит вазни каби белгиларнинг кўрсаткичлари бир-бирига параллел равишда ортиши кузатилди. Бундан келиб чиқадики, F₃ ўсимликлари популяциялари орасидан ўзида бир қатор қимматли хўжалик белгиларини мужассамлаштирган ноёб манбаларни ажратиш олиш ва уларни амалий селекция жараёнларида бажариладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

REFERENCES

1. Абдиев Ф.Р. *G.barbadense* L. турига мансуб юқори авлод дургайлардан амалий селекцияга бошланғич материал яратиш: Автореф. Дисс. ... канд.биол.наук.- Т.: ЎзҒСУИТИ, 2011. – 23 б.



2. Автономов Вик.А., Джавлиев У., Тангиров З. Изменчивость и наследуемость скороспелости у межлинейных гибридов F_2 хлопчатника *G.hirsutum* L. /Ѓўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалар тўпл. ПСУЕАИТИ. - Тошкент, 2009.-Б.56-60.
3. Аманов, Б. Х. (2021). *G. BARBADENSE* L. ТУР ИЧИ ХИЛМА-ХИЛЛИКЛАРИНИ ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН ЙИРИК КЎСАКЛИ ОИЛА ПОПУЛЯЦИЯЛАРИНИНГ АЙРИМ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ. Academic research in educational sciences, 2(4), 856-863.
4. Бобоев Я.М., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Г. Ѓўзанинг F_2 авлодида тезпишарлик белгиларининг бошқа хўжалик учун қимматли белгилар билан ўзаро боғланиши // Ѓўза, беда селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлар тўплами.- Тошкент: Фан, 2000.- Б. 48-51.
5. Усманов С.А., Абдиев Ф.Р. Юқори авлод дурағй ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни ва унинг таркибий қисми бўлган белгиларнинг шаклланиши // “Турли экстремал шароитларга бардошли ғўза ва беданинг янги навларини яратишда генетик-селекцион услублардан фойдаланиш” номли Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2012 йил 15-16 ноябрь. Б. 220-221.
6. Amanov, B. K., Rizaeva, S. M., Khidirov, M. T., & Umirova, L. F. (2020). Inheritance of morphobiological signs in plants F_1 - F_2 obtained based on the intrasped hybridization of the peruvian cotton household. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (82), 78-82.
7. Yuan You-Lu, Zhang Tian-Zhen, Guo Wang-Zhen, Pan Jia-Ju, Kohel R.J. – Diallel analysis of superior fiber quality properties in selected upland cottons. / Yichuan xuebao. Acta genet. sin. 2005. -32. №1. p.79-85.

PHASEOLUS VULGARIS O‘SIMLIGINI KASALLANTIRUVCHI VIRUSLAR VA ULARNING UMUMIY XUSUSIYATLARI

Nazira Baxromovna Fayziyeva

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

nazirafayziyeva886@gmail.com.

Qunduz Tog‘ayevna Normurodova

O‘zMU Mikrobiologiya va biotexnologiya kafedrasini mudiri, b.f.d., prof.

ANNOTATSIYA

Loviya o‘simligini ham so‘ngi yillarda qator viruslar kasallantirib, hosildorlikni pasaytriish bilan bir qatorda mahsulot sifatini ham yomonlashuviga olib keladi. Bu viruslarning har biri o‘ziga xos kasallik alomatlarini keltirib chiqaradi, ayniqsa bunday kasallik alomatlar o‘simlik navi, ekologik sharoit kabi bioekologik xususiyatlarga qarab farqlanadi. Ushbu maqolada loviya o‘simligini (*Phaseolus vulgaris*) kasallantiruvchi viruslar va virusli kasalliklarning umumiy xarakteristikasi haqidagi fikr yuritiladi.

Kalit so‘zlar: fitogen viruslar, mozaika, nekroz, xloroz, xlorofilning yemirilishi, *Ph. vulgaris*, virus kasalliklari, loviya mazaikasi.

KIRISH

Bugungi kunda qishloq xo‘jaligi ekinlaridan yuqori hosil olishga katta e‘tibor qaratilmoqda. Hosildorlikni oshirishning asosiy tamoyillaridan biri virusli kasalliklarga chidamli bo‘lgan navlarni yaratishdir. Buning uchun avvalo kasallik keltirib chiqaruvchi viruslarni belgi va xususiyatlarini ilmiy jihatdan o‘rganish maqsadga muvofiqdir.

Loviya (*Phaseolus*) — dukkaklilar oilasiga mansub bir yoki, ko‘p yillik o‘simliklar, lianalar, chala butalar turkumi; dukkakli don ekini. Tropik va subtropiklarda, asosan, Amerikada 200 dan ortiq turi uchraydi.

Jahon dehqonchiligida loviyaning oddiy (*P. vulgaris*) turi (vatani — Markaziy va Janubiy Amerika) eng ko‘p tapqalgan. Shuningdek, ko‘p gulli loviya, lima loviyasi, ingichka bargli loviya, osiyo loviyasi, adzuki loviya, guruchsimon loviya va boshqa turlari ham ekiladi. Yer yuzida Loviya ekiladigan maydonlar 22 mln.ga (1999). Hindiston, Braziliya, Xitoyda katta maydonlarda

yetishtiriladi. O‘zbekistonda qadimdan oddiy loviya ekiladi. Ildizi — o‘q ildiz, yaxshi rivojlanadi, tuproqqa 1,5–2 m chuqurlikkacha kirib boradi. Ildizida tuganaklar rivojlanadi. Poyasi o‘tsimon, shoxlanadi, ayrim turlari chirmashib, 3–4 m gacha yetadi. Bargi murakkab, toq, patsimon, uch bo‘lakli. Guli ikki jinsli, barg qo‘ltiqlarida bittadan yoki shingil to‘plam hosil qilib joylashadi. Mevasi dukkak, rangi och pushti yoki to‘q jigarrang, qora. Dukkagida 6—12 ta urug‘ bo‘ladi. Urug‘i buyraksimon, rangi oq, sariq, pushti va boshqa rangda. 1000 donasi 50—370 g.

Loviya issiqsevar o‘simlik, urugi kamida 8—10°C da unib chiqadi. Maysasi — 0,5, — 1,0°C da nobud bo‘ladi. Maysalanishi uchun 15—18°C, gullashi uchun eng qulay harorat 18—25°C, meva hosil qilishi uchun 20—23°C. Loviya namsevar, O‘zbekistonda suvli yerlarga ekiladi. Unumdor tuproq sharoitlariga talabchan. O‘suv davri 75—120 kun. Yormasi oqsilga boy, yuqori kaloriyaga ega. To‘la pishmagan dukkaklari va donlaridan konserva ishlab chiqariladi. Doni tarkibida 20—31% oqsil, 0,7-3,6% moy, 50% kraxmal, 2,3—7,1% kletchatka, alkil kislotalar mavjud. Poyasi chorva mollari uchun yaxshi ozuqa hisoblanadi. Ayrim turlari manzarali o‘simlik sifatida ekiladi. Tuproqni azot bilan boyitadi. Asosiy ekin tarzida bahor (aprelning oxiri yoki may oyi)da va takroriy ekin sifatida iyun oyida ekiladi. 1 ga maydonga 60—250 kg urug‘lik sarflanadi. Ekish 3—5 sm chuqurlikda ekiladi. Hosil dukkaklari 75—80% pishganda, dukkaklar kam chatnaydigan vaqtda yig‘iladi, xirmonda quritiladi, tozalanadi. Hosildorligi 25—40 s/ga. Navlari. O‘zbekistonda sug‘oriladigan yerlarda Navro‘z, Kaxrabo va boshqa navlari ekiladi [9].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METADOLOGIYA

Loviya o‘simligini (*Phaseolus vulgaris*) quyidagi viruslar kasallantirishi aniqlangan. Bularga misol qilib, loviya o‘simligida keng tarqalgan **loviya sariq mazaik virusi (BGMV)**, **loviya oddiy mazaika virusi (BCMv)**, **loviya umumiy mozaik nekrozi virusi (BCMNV)**, **yashil no‘xat oddiy virusi (CPMMV)**, **bodring mozaika virusi (CMV)**, **yashil no‘xat mazaika virusi (CABMV)**, **sariq rangli yengil xira virusi (SYMMoV)**, **loviya endornavirus-1(PvEV-1)**, **loviya endornavirus-2 (PvEV-2)** muhim bo‘lgan oddiy loviya (*Phaseolus vulgaris*) ning muhim patogenlari hisoblanadi[4]. Virusli kasalliklar loviya o‘simligini hosildorligini sezilarli darajada kamaytirishi, loviya mevasi sifatining buzilishi va bundan tashqari loviya o‘simligini erta qurib qolishiga sabab bo‘ladi [2].

Loviya sariq mozaik virusi (BGMV) *Phaseolus*, *Macroptilium*, *Vigna*, (*Glycine max*), loviya (*Phaseolus vulgaris*) va yaqin turdosh madaniy turlarida kasallik keltirib chiqaradi. Bu

virusning belgilari kasallik barglardagi yorqin sariq mozaika, tomirlarning sargʻayishi, oʻsimlik organlarida xlorotik dogʻlar shaklidagi dogʻlarni namoyon qiladi (1-rasm, a). Birinchi alomatlari boshlanganidan keyin paydo boʻlgan barglar pastga qarab egilib, qattiq va dagʻallashadi. Ustki qismi deformatsiyalanadi, oʻsimlik esa oʻsishdan toʻxtaydi. Loviyadagi urugʻlar soni sezilarli darajada kamayadi.

Loviya oddiy mazaik virusi (BCMV) keng tarqalgan mozaika kasalligi bilan bogʻliq ikkita asosiy simptom turi mavjud: loviya oddiy mozaika belgilari va umumiy mozaika belgilari. Ikkala turdagi simptomlarning paydo boʻlishi maʼlum virusga va loviya navi dominant I geniga ega yoki yoʻqligiga bogʻliq. Agar nav dominant I genga ega boʻlsa, u loviya oddiy mozaika virusi shtammlariga chidamli, ammo loviya umumiy mozaika virusi shtammlariga oʻta sezgir. Loviya oddiy mozaika virusi ikkita patogendan koʻproq tarqalgan, chunki u urugʻ va shira bilan tarqaladi. Loviya keng tarqalgan mozaika virusi sezgir navlarga yuqtirganda, sariq va yashil mozaikaning aralashib kelishi kabi kasallik alomatlarini namoyon qiladi. Barglarning rangi oʻzgarishi, odatda, burishish, qabariq, buzilish, pastga qarab burishish va bargning buralishi kabilar bilan keladi (1-rasm, b.).

Simptomlarning intensivligi va yuqumliligi virusi shtammiga, loviya naviga va kasallangan oʻsimlikning yoshiga bogʻliq. Yoshligida virus bilan chalingan oʻsimliklar oʻsishdan toʻxtaydi.

Loviya umumiy mozaik nekrozi virusi (BCMNV). Loviya oʻsimligida nekroz belgilari faqat virus dominant I geniga ega boʻlgan navlarni yuqtirganda rivojlanadi. Simptomlar shira bitlari orqali virus tarqaladi, dastlab belgilar uchki barglarda, kichik, qizil-jigarrang dogʻlar sifatida boshlanadi. Bu dogʻlar atrofidagi tomirlar jigarrang-qora rangga kiradi va bu tomir nekrozi keyin oʻsimlikning floema toʻqimalariga tarqalib, avval soʻlib ketishiga, soʻngra yosh barglar va oʻsish nuqtasining qurib qolishiga olib keladi. Poya va dukkaklarning koʻndalang kesimlarida tomirlar boʻylab qizil-jigarrang chiziq paydo boʻladi (1-rasm, c). Bu alomatlar koʻpincha ildiz chirish bilan adashtirish mumkin (ildiz chirishini zamburugʻ keltirib chqaradi).

Yashil noʻxat oddiy virusi (CPMMV), CPMMV 1973 yilda Kanada birinchi aniqlangan. Infektsiyalangan oʻsimliklar barg qirralarining tashqi tomonga oʻralishi va qattiq boʻyli boʻlishi bilan koʻzga tashlanadi. Yosh varaqalar koʻpincha tomirlar chizigʻini koʻrsatadi va eski varaqalar qurib ketishi mumkin (1-rasm, d). Infektsiyalangan soya va noʻxat, ikkita oʻta sezgir ekinlarga qoʻshni ekilgan boʻlsa, CMMV bilan kasallanish 30% gacha boʻlishi mumkin.

O'simliklar jiddiy ravishda zaiflashadi. Yashil no'xat oddiy virusi (CPMMV) keng doiradagi madaniy dukkakli o'simliklarni zararlaydi. U loviya (*Phaseolus*), sigir (*Vigna*) va soya (*Glycine max*) barglari va poyalarida kuchli mozaika yoki nekrozga olib keladi. Bu virus bilan kasallangan o'simliklarning hosildorlik ko'rsatkichi 75-80% gacha pasayishi kuzatilgan. Virus oq qanot (*Bemisia tabaci*) tomonidan turg'un bo'lmagan tarzda uzatiladi [2].

Bodring mozaika virusi (CMV) birinchi bo'lib 1934 yilda mozaik belgilarini ko'rsatadigan bodringda (*Cucumis sativus*) aniqlangan, shuning uchun bodring mozaikasi nomini olgan. O'shandan beri u ko'plab boshqa turdagi o'simliklarni ham zararlashi aniqlandi. Bularga qovoq, qovun, qalampir, pomidor, loviya, sabzi, selderey, salat, ismaloq, lavlagi kabi boshqa sabzavotlarda ham aniqlandi [12].


Bodring mozaika virusi (CMV) infeksiyasi bilan bog'liq belgilar quyidagicha: bo'yni o'sishi, barglardagi ochiq va to'q yashil (yoki sariq va yashil) mozaikali naqsh, barglar yoki o'sish nuqtalarining noto'g'ri shakllanishi, barglarning sariq chiziqlari, barglar yoki mevalarda halqali dog'lar yoki chiziqli naqshlari, gul rangini o'zgarishi, tomirlarning aniq sarg'ayishi kuzatiladi (1-rasm).

Yuqoridagi belgilarning ba'zilari yuqori harorat, hasharotlarning ko'payishi, o'sish stimulyatorlari, gerbitsidlar, minerallarning yetishmasligi va minerallarning ortiqcha bo'lishi bilan ham yuzaga kelishi mumkin. Virusli kasalliklarni faqat simptomlar asosida, yoki boshqa sezgir usullar yordamida aniqlash mumkin [11].

Yashil no'xat mozaika virusi (CABMV). Ushbu kasallik mevalarning kichrayishi va deformatsiyasiga olib keladi va barglarning noto'g'ri shakllanishi, barglar va poyada pufakchalar, o'simliklar rivojlanishining sezilarli pasayishi va meva shaklining o'zgarishi kabi alomatlarni keltirib chiqaradi [13]. Bunday belgilar odatda barglarning rangsizlanishidan iborat bo'lib, ular mozaika, barg rangining ochlashishi, tomirlar xlorozi, sarg'ayishi, barglarning deformatsiyasi va sariq dog'lar ham ushbu virus belgilari hisoblanadi (1-rasm, f). Zararlangan o'simliklarda o'sish va hosildorlikning pasayishini kuzatish mumkin. No'xat o'simliklariga bu virus mexanik usul yordamida yuqadi [7].

Och sariq rangli mozaika virusi (SYMMOV), ushbu alomatni begomoviruslar bilan kasallangan o'simliklarda kuzatilgan alomatlar sariq mozaika, sariq tomirlar, barg hajmi va morfologiyasining o'zgarishi, barglarning dag'allashishi, tomirlarning sarg'ishi va burishishi natijasida barg chetlarining jingalaklanishi kabi alomatlarni namoyon bo'ladi. Begomoviridae oilasiga mansub bu virus pomidor, qalampir, qovoq kabi o'simliklarda ham aniqlangan (1-

rasm, j). Bu virusi ko'pgina dukkakli o'simliklardan ham topilgan, virus asosan mexanik va oq qanot orqali yuqadi [10].



1-rasm. Loviya o'simligini (*Phaseolus vulgaris*) viruslarining o'simliklardagi kasallik alomatlari

Loviya endornavirus-1 (PvEV-1) Endornaviridae oilasi endornavirus avlodiga mansub viruslar ekanligini tasdiqladi. Endornaviruslar an'anaviy viruslardan farq qiladigan umumiy xususiyatlarga ega, ularga xos o'simliklarning fenotipiga aniq ta'sir qilmaydi[3]. Bu virus bir zanjirli RNK tutuvchi viruslarga mansub bo'lib, bodring mozaikasi virusi singari, xo'jayin o'simliklarda juda ko'p va tizimli ravishda tarqalib, oxir-oqibat o'z xo'jayin o'simliklarini quritadi [8].

MUHOKAMA VA NATIJALAR.

Hozirgi kungacha mamlakatimizda loviya (*Phaseolus vulgaris*) o'simligida kasallik hosil qiluvchi fitoviruslar ustida ilmiy izlanishlar olib borilmagan. Shuning uchun ushbu yo'nalishda olib borilayotgan ilmiy tatqiqot ishlari dolzarb hisoblanadi. Tatqiqot uchun Toshkent viloyati hududida

yetishtirilayotgan loviya o'simliklarida fenologik kuzatuvlar olib borildi. Virusli kasallanish natijasida o'simliklarda, virusning belgilari kasallik barglardagi yorqin sariq mozaika, tomirlarning sarg'ayishi, o'simlik organlarida xlorotik dog'lar ko'rinishida o'zini namoyon qiladi (1-rasm).

Kasallik alomatlari boshlanganidan keyin paydo bo'lgan barglar pastga qarab egilib, qattiq va dag'allashib qoladi. Ustki qismi deformatsiyalanadi, o'simlik esa o'sishdan to'xtaydi. Loviya urug'lar soni sezilarli darajada kamayadi. Yuqorida takidlanganidek, respublikamiz sharoitida loviya o'simligini kasallantiruvchi virus kasalliklarini o'rganish ustida ilmiy tatqiqotlar olib borilmagan. Shuning uchun bu ishda yuqoridagi muammolarni hal etish uchun quyidagicha maqsad qo'yildi. Virusli kasalliklarda asosan barglarni buralishi holatlari, sariq xloroz va barg deformatsiyalanishi, barglarni qurishi, o'simlik o'sishdan to'xtaydi [6].

Ayrim hollarda o'simlikda kasallik alomatlari namoyon bo'lmasdan yashirin holatda ham o'tishi mumkin. Tabiatda viruslarni aylanish tipi, saqlanishi, tabiiy o'choqlarini aniqlash qarshi kurash choralarini ishlab chiqishda muhim hisoblanadi. Fitoviruslarni identifikatsiyasi va ayrim biologik xususiyatlarini o'rganishda OSD (oxirgi suyuqlanish darajasi) va HTFY (harorat ta'sirida faolligi yo'qotish) kabi xususiyatlarini o'rganish muhim sanaladi [1].

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, loviya o'simlikligini loviya sariq mazaika virusi (BGMV), loviya oddiy mazaika virusi (BCMV), loviya umumiy mozaik nekrozi virusi (BCMNV), yashil no'xat oddiy virusi (CPMMV), bodring mozaika virusi (CMV), yashil no'xat mazaika virusi (CABMV), sariq rangli yengil xira virusi (SYMMoV) kabi o'ndan ortiq viruslar kasallantirishi aniqlangan bo'lib, ularning har biri o'ziga xos kasallik alomatlarini keltirib chiqaradi. Toshkent viloyatida olib borilgan fenologik kuzatuvlar bir qator virusli kasalliklarga oid bo'lgan alomatlar, jumladan kasallik belgilari barglardagi yorqin sariq mozaika, tomirlarning sarg'ayishi, o'simlik organlarining xlorotikligi ko'rinishida o'zini namoyon qiladi. Virusli kasalliklar alomatlarini o'rganishi, bu virusga qarshi kurash choralarini ishlab chiqish uchun oldini olish uchun muhim hisoblanadi. Virusli kasalliklarga qarshi kurash choralarini olib borish, virusolog, biotexnolog, seleksioner kabi ilmiy yo'nalishida ilmiy-tadqiqot olib borayotgan mutaxassislarining birgalikda kompleks holda ish olib borishni talab etadi.

REFERENCES

1. Aminjonova, G. K., & Fayziev, V. B. (2021). GILOS (PRUNIS AVIUM) O'SIMLIGINI KASALLANTIRUVCHI VIRUSLAR VA ULARNING QISQACHA TAVSIFI. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(12), 26-32 b.
2. А. Кириченко (2017) Вирусы семейства Geminiviridae //Пропозиция. — 2016. — № 12. — С. 60-62.
3. Alcalá-Briseño RI, Escalante C, Sabanadzovic S, Valverde RA. Genomic sequence of a novel endornavirus from *Phaseolus vulgaris* and occurrence in mixed infections with two other endornaviruses. // *Virus Res.* 2018, 257, pp 75-77.
4. Beatrice Mwaipopo, Susan Nchimbi-Msolla, Paul Njau, Fred Tairo¹, Magdalena William, Papias Binagwa, Elisiana Kweka¹, Michael Kilango and Deusdedith Mbanzibwa. Viruses infecting common bean (*Phaseolus vulgaris* L.) in Tanzania: A review on molecular characterization, detection and disease management options // *African Journal of Agricultural Research*, Vol. 12(18), pp. 1486-1500, 4 May, 2017
5. Fayziev, V., Jovlieva, D., Juraeva, U., Shavkiev, J., & Eshboev, F. (2020). Effects of PVXN-UZ 915 necrotic isolate of Potato virus X on amount of pigments of *Datura stramonium* leaves // *Journal of critical reviews*, 7(9), 400-403
6. Можяева К.А. Вирусные болезни злаков. // *Защита и карантин растений*. - 2003. №6. - С. 35-37.
7. Miranda, GS, Yamanishi, OK, Peixoto, JR, Vilella, M. de S., Pires, M. de C. and Nobrega, D. da S. (2020). Reaction of genotypes of yellow passion fruit to forest disease in field conditions (mosaic virus transmitted by Cowpea aphid) // *Plant Pathol J.* 2013, Volume 29 (3), pp. 285–293
8. Okada R, Alcalá-Briseño RI, Escalante C, Sabanadzovic S, Valverde RA. Genomic sequence of a novel endornavirus from *Phaseolus vulgaris* and occurrence in mixed infections with two other endornaviruses. // *Virus Res.* 2018, 257, pp 63-67.
9. Yaqubjonov O., S. Tursunov. O'simlikshunoslik (amaliy mashg'ulotlar). T., «Fan va texnologiya», 2008. 303 bet
10. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25623050/>
11. <https://doi.org/10.17660/ActaHortic.2020.1282.64>
12. <https://extension.psu.edu/cucumber-mosaic-virus>

HELICHRYSUM MARACANDICUM O‘SIMLIGINING KO‘PAYTIRISH USULLARI VA URUG‘ SAMARADORLIGI

Saodat Saidmuradovna Qodirova

Chirchiq davlat pedagogika instituti magistranti

Karimjon Abduraximovich Mutalov

Chirchiq davlat pedagogika instituti b.f.n. dots

mutalovkarimjan@gmail.com

ANNOTATSIYA

Respublikamiz hududida dorivorlik xususiyatiga ega bo‘lgan 250 tur o‘simliklar ta’biy holda o‘sadi va ular turli o‘simlik jamoalarida o‘sib, o‘simlik qoplami hosil qilishda ishtirok etadi. Biz o‘rganayotgan dorivorlik xususiyati yuqori bo‘lgan *H maracandicum* o‘simligini urug‘ining sifat ko‘rsatkichlarini aniqlash maqsadida urug‘ning laboratoriya va dala sharoitida unuvchanligi o‘rganildi va ko‘paytirish usullari haqida ma’lumotlar keltiriladi.

Kalit so‘zlar: *Helichrysum Maracandicum*, Asteraceae, dorivor, noaniq qovurg‘ali, vegetatsion davri, onalik plantatsiyalari.

METHODS OF PROPERTY AND SEED EFFICIENCY OF HELICHRYSUM MARACANDICUM

ABSTRACT

250 species of medicinal plants grow naturally in the territory of the Republic, and they grow in different plant communities and participate in the formation of vegetation. In order to determine the quality of the seeds of the *H maracandicum* plant, which has a high medicinal value, we studied the fertility of the seeds in the laboratory and in the field, and provided information on methods of propagation.

Keywords: *Helichrysum Maracandicum*, Asteraceae, medicinal, indeterminate rib, vegetative period, mother plantations.

KIRISH

Respublikamizda 600 dan ko‘proq dorivor o‘simlik mavjud bo‘lib, shundan 250 turi hozirda farmzonalarda ko‘paytirilib, ilmiy tabobatda ishlatiladi. Respublikamizda dorivor



o'simliklardan *Allium sativum* L., *Ajuga turkestanica* (Regel) Briq., *Glycyrrhiza glabra* L., *Helichrysum maracandicum* M.Pop., *Cistanche salsa* (C.A.Mey) G.Beck., *Ferula tadjikorum* Piminov, *Ephedra equisetina* Bugungi kunda dorivor o'simliklarni xalq tomonidan rejasiz foydalanishi natijasida ularning tabiiy zaxiralari keskin ravishda kamayib bormoqda [1].

Dunyo bo'yicha o'simliklarni ko'paytirish, o'stirish amaliyotida ko'p yillik o'simliklarni tabiiy zaxirasini tiklashda ularning urug'dan ko'paytirish usullaridan keng ravishda foydalaniladi. Urug'larning unish jarayoni ko'pgina faktorlarni o'z ichiga olib, ekzogen (harorat, yorug'lik, namlik saqlash sharoiti) va endogen (urug'unish davridagi fiziologik holati, po'stining tuzilishi,) omillar uning asosiy komponentlari hisoblanadi. Shu komponentlar asosida urug'larda ekzogen, endogen va uyg'unlashgan tinim holatlari farqlanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Samarqand o'lmas o'ti (*Helichrysum Maracandicum* Popov ex Kirp.) o'simligi Asteraceae oilasi *Helichrysum* Mill. turkumiga mansub bo'lib, Yer yuzida uning 500 dan ortiq turi tarqalgan. MDH mamlakatlarida uning 16 turi, O'rta Osiyo mamalakatlarida 12 ta turi, O'zbekiston florasida 4 ta - *Helichrysum arenarium* Moench., *Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp., *Helichrysum mussae* Nevski., *Helichrysum nuratavicum* Krasch. turlari uchraydi. Samarqand bo'znochi faqat O'rta Osiyoda o'sadigan o'simlik bo'lib,

O'zbekistonning Toshkent, Samarqand, Farg'ona, Andijon va Surxondaryo viloyatlari tumanlaridagi tog'larning o'rta va pastki qismidagi toshli-shag'alli va yumshoq mayda toshli qiyaliklarda o'sadi.

Samarqand bo'znochi ko'p yillik o'tli o'simlik bo'lib, bo'yi 20-70 sm gacha yetadi, bir nechta tik o'suvchi vegetativ poyalar (2-10) hosil qiladi. Ildizoldi va poyaning pastki qismidagi barglari cho'ziq, teskari tuxumsimon, tekis qirrali, band tomoniga qarab toraya boradi. Poyaning o'rta va yuqori qismidagi barglari bandsiz, cho'ziq lantsetsimon, tekis qirrali, to'mtoq uchli. Poyada barglari ketma-ket joylashgan, bargining uchki qismi o'tkirlashgan. O'simlikning barcha yer ustki qismi oq tuklar bilan qoplangan. O'simlik poyasi o'sib borgan sari poyaning pastki qismlaridagi barglari to'kilib ketadi Savatchasi limonrang sariq, yarim sharsimon yoki gullagan vaqtida sharsimon, diametri 8-10 mm, gultojibarglarining uzunligi 0,6 mm, eni 0,1 mm, to'q sariq rangda. Mevasi cho'ziqroq va uchmali pista [2].

Dorivorlik xususiyatiga ega bo'lgan *Helichrysum maracandicum* o'simligini ko'paytirish usullaridan biri urug'dan ko'paytirish usuli bo'lib, boshqa usullarga qaraganda samaraliroq natija beradi. Ushbu turning urug'larini tashqi tuzilishi jumladan uzunligi 0,5-0,8 mm, prizmatik, to'q qo'ng'ir rangda, noaniq qovurg'ali, qalin oqish bezchalar bilan qoplangan. 1000 dona urug'ining umumiy og'irligi 0.08 g. Iyun-iyulda gullab, iyul-avgust oylariga kelib urug'i pishib yetiladi. Bitta o'simlik tupida 3-4 donagacha yosh o'simlik poyalari hosil bo'ladi [1].

Ushbu turning urug' unuvchanligi borasidagi ma'lumotlar adabiyotlarda yetarlicha qayd etilmagan. O'simlikning urug' unuvchanligini har tomonlama o'rganish birinchi navbatda ontogenezning dastlabki bosqichlarini tahlil qilishda sabab bo'ladi. Bundan tashqari, o'simlik tabiiy senopopulyasiyalarini tiklashda hamda ularning plantatsiyalarini yaratishda urug'larning unuvchanligi asosiy mezonlardan biri hisoblanadi .

H.Maracandicum urug' unuvchanligini o'rganishga qaratilgan tajribalarda urug'larning laboratoriya va ochiq tuproq sharoitida unuvchanligi o'rganildi. Uzoq muddad saqlangan urug'lar unuvchanligi,shu yilning o'zida yig'ib olingan urug'lar unuvchanligiga nisbatan past ko'rsatkich beradi. O'simlik urug'lari kuz oyida yig'ib olinib, shu yilning o'zidayoq laboratoriya sharoitida aniqlanganda unuvchanligi 83% ligi aniqlandi. Urug'larning unuvchanligini aniqlashda M.K. Firsova metodidan foydalanib, yangi terilgan urug'larning unishiga haroratning ta'sirini o'rganish uchun, tajribani bir-xil haroratda: 28⁰ S da doimiy namlikni saqlagan holda 3-5 ta petri likopchalarida 100 donadan urug' ekib tajriba olib borildi. Unib chiqqan urug'larning o'rtacha miqdori (% hisobida) belgilab borildi. Har bir petri likopchasida foizlar ko'rsatkichi turlicha bo'lganligi kuzatildi [3,5].

H Maracandicum o'simligining urug' unuvchanligi laboratoriya sharoitida 83 % ni, ochiq tuproq sharoitida 70-75% ni tashkil etdi. Bundan ko'rinib turibdiki laboratoriya sharoitida har tomonlama optimal muhit bo'lganligi sababli urug' unuvchanlik % yuqori ko'rsatkich berganligi ko'rish mumkin. Ochiq tuproq sharoitida urug'larning unuvchanligiga tashqi muhit omillari ta'sir etish natijasidir

1-jadval


Labaratoriya sharoitida urug' unuvchanligining % hisobida ko'rsatkichlari.

t°C	Kunlar										%
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
	21.01.20	22.01.20	23.01.20	24.01.20	25.01.20	26.01.20	27.10.20	27.10.20	28.01.20	29.01.20	

28 ⁰ C	0	2	2	6	10	13	18	22	36	48	48
28 ⁰ C	0	5	16	18	20	25	39	52	65	82	82
28 ⁰ C	0	2	5	9	19	22	26	30	42	54	54
28 ⁰ C	1	3	5	10	18	21	28	33	42	60	60
28 ⁰ C	0	3	5	11	14	16	19	22	39	54	54



1-расм. *Helichrysum Maracandicum* o‘simligini laboratoriya sharoitida urug‘larining unib chiqishi.





2-раcm. *Helichrysum maracandicum* o'simligini maxsus tuvaklarda urug'larining unib chiqishi.

H. Maracandicum shag'al toshli tuproqlarda vegetativ yo'l bilan ham ko'payadi. Bundan ko'rinib turibdiki o'simlikni vegetativ usulda ham ko'paytirish imkoni borligini ko'rsatadi [3].

Har bir o'simlik o'suv davrida o'sadi, rivojlanadi-gullaydi, meva beradi va urug'lari pishib yetiladi. *H. maracandicum* o'simligining urug' samaradorligini aniqlashda asosan bitta gul poyada yetilgan urug'lar soni bilan belgilanadi. Agar 100 dona deb hisoblab olingan urug'larni 70-80 donasi yaxshi yetilgan bo'lsa urug' samaradorligini normada deb hisoblash mumkin.

XULOSA

O'simlikning urug' samaradorligiga tashqi muhit omillari ham ta'sir ko'rsatmay qolmaydi (namlikning me'yorda bo'lishi, havo harorati, populyatsion zichlik va boshqa).

Voleybol zaxiralarini uzoq muddatli tayyorlash tizimi biologik rivojlanish sodir bo'ladigan, shuningdek, shaxsning shaxsini shakllantirishning katta yosh davrini qamrab oladi. Bu davrning o'ziga xos xususiyati shundaki, o'sish va rivojlanish jarayoni balog'at yoshining boshlanishi bilan bog'liq bo'lgan yosh voleybolchilar tanasining endokrin qayta tuzilishi fonida sodir bo'ladi va butun organizmning intensiv qayta tuzilishi ham balog'atga etish bilan bog'liq.

Tananing turli organlari va tizimlarining o'sishining kuchayishi davrida, odatda, ularning strukturaviy farqlash jarayonlarida sekinlashuv kuzatiladi va aksincha, ikkinchisi o'sishning sekinlashishi va to'xtashi davrida eng aniq ifodalanadi. Tana tuzilmalarining shakllanishining heterokronizmi turli yosh davrlarida organlarning funktsiyalari xususiyatlari bilan chambarchas bog'liq.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Morfologik o'sish va funktsional rivojlanish o'rtasida teskari bog'liqlik mavjud. Shuning uchun morfologik o'sishning kuchaygan davrlari odatda jismoniy sifatlarning sust rivojlanish davrlari hisoblanadi.

Yosh voleybolchilarning jismoniy rivojlanishini belgilovchi morfologik ko'rsatkichlar:

-tananing bo'ylama o'lchamlari (tana uzunligi, yuqori va pastki oyoq-qo'llarning uzunligi);

-tana vazni (mushaklar, suyaklar va yog' qismlarining miqdori);

-aylana o'lchovlari (ko'krak atrofi, bilak, elka, son va pastki oyoq atrofi);



- kenglik o'lchamlari (yelkalar kengligi, tos suyagi)

4 yoshdan 20 yoshgacha bo'lgan davrda tana uzunligi notekis ravishda oshadi. Tana uzunligining minimal o'sishi qizlarda 7 yoshdan 8 yoshgacha va o'g'il bolalarda 8 yoshdan 9 yoshgacha kuzatiladi. Deyarli 10 yoshgacha qizlar tana uzunligi bo'yicha o'g'il bolalardan bir oz pastroq. Keyin qizlar 3 yildan ortiq tana uzunligi bo'yicha o'g'il bolalardan oldinda. O'g'il bolalarda tananing tez o'sishi davri 13 yoshga to'g'ri keladi va ular yana tana uzunligi bo'yicha qizlarni ortda qoldiradilar.

Qizlarda tana uzunligining maksimal o'sishi (7 sm dan ortiq) yiliga 11-12 yoshga to'g'ri keladi. 12 yoshdan keyin mutlaq tana o'sishi sezilarli darajada kamayadi va 16 yoshdan keyin u amalda to'xtaydi. O'g'il bolalarda yil davomida tana uzunligining maksimal o'sishi (8 sm dan ortiq) 13-14 yoshga to'g'ri keladi. 14,5 yoshdan keyin tana uzunligi deyarli o'smaydi, 17-18 yoshdan keyin esa tana o'sishi amalda to'xtaydi (I.I.Bahrax, R.N.Doroxov, 1974).

Qiz va o'g'il bolalarda yuqori oyoq-qo'llarning uzunligining o'sish intensivligi tana uzunligining o'sish intensivligi bilan bir xil naqshga bo'ysunadi. Postki oyoq-qo'llarning uzunligining oshishi tabiatan tana uzunligining oshishiga mos keladi, ammo, ularning o'sish tezligining pasayishi o'sish tana uzunligi va yuqori oyoq uzunligining pasayishiga qaraganda bir tekisda sodir bo'ladi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Bolalar va o'smirlardagi mushaklarning funkcionalligi kattalarnikiga qaraganda past. Agar 20-30 yoshli odamlar uchun mumkin bo'lgan maksimal ish qobiliyatini 100% deb oladigan bo'lsak, u holda 9 yoshli bolalar uchun bu atigi 40%, 12 yoshlilar uchun - 65%, 15 yoshlilar uchun - atigi 40%. keksalar - 92%. 14-15 yoshli bolalarda vaqt birligidagi mehnat unumdorligi kattalarnikining 65-70% ni tashkil qiladi.

O'smirlik davridan boshlab, o'g'il va qiz bolalar o'rtasida mushak kuchida sezilarli farqlar mavjud. Qizlarda ham mutlaq, ham nisbiy ko'rsatkichlar sezilarli darajada past. Shuning uchun, kuchning namoyon bo'lishi bilan bog'liq bo'lgan barcha mashqlarni qizlarda qat'iyroq dozlash kerak. Jinsiy farqlar ham mushaklarning rivojlanishiga ta'sir qiladi katta maktab yoshi. Qizlarda mushaklarning tana vazniga nisbatan og'irligi o'g'il bolalarnikiga qaraganda taxminan 13% kamroq, qizlarda esa butun tananing og'irligiga nisbatan yog' to'qimalarining og'irligi taxminan 10% ga ko'p.

Mushaklar kuchi bo'yicha qizlar va o'g'il bolalar o'rtasidagi farq o'sishda davom etmoqda, chunki qizlarning mushaklari

yupqaroq bo'lganligi sababli, ularda yog' to'qimalarining ko'p qatlamlari mavjud. Qizlarda tana vaznining ortishi mushaklar kuchini oshirishdan ko'ra ko'proq bo'ladi. Ammo kuch jihatidan o'g'il bolalarga taslim bo'lgan qizlar harakatlarni aniqlik va muvofiqlashtirishda ulardan ustun turadilar.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkin katta maktab o'quvchilarining mushaklari elastik, yaxshi asabiy regulyatsiyaga ega va bo'shashishning yuqori qobiliyati bilan ajralib turadi. Kimyoviy tarkibi, tuzilishi va qisqarish xususiyatlariga ko'ra, ularning mushaklari kattalar mushaklariga yaqin. Tayanch-harakat tizimi allaqachon sezilarli statik stresslarga bardosh bera oladi va juda uzoq vaqt ishlashga qodir. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, xuddi shu taqvim yoshidagi voleybolchilarning taxminan 30% oldinda, 15-20% ga yaqini rivojlanishda orqada. Biologik yoshning mos kelmasligi bir xil yoshidagi yosh voleybolchilarning jismoniy faoliyatga turlicha chidashini ko'rsatadi. Gap shundaki, bir xil yoshdagi voleybolchilar tananing o'sish va rivojlanish tezligida sezilarli individual xususiyatlarda farqlanadi, ya'ni biologik etilishning turli darajalari yoki turli biologik yosh bilan tavsiflanadi. Bunday individual farqlarning diapazoni ayniqsa, tezlashuv tufayli ortdani kuzatildi.

REFERENCES

1. Аверин И.В. Специальная подготовка волейболиста. // Спорт в школе, 2000. - 16 с.
2. Беляев А.В. Волейбол. Теория и методика тренировки / А.В. Беляев, Л.В. Булыкина. - М.: Дивизион, 2011. - 176 с.
3. Железняк Ю.Д. Тенденции развития классического волейбола на современном этапе / Ю.Д. Железняк, Г.Я. Шипулин, О.Э. Сердюков. - М.: Академика, 2004. - 53 с.
4. Клещев, Ю.Н. Юный волейбол, Подготовка юных волейболистов / [Текст] / Ю.Н. Клещев. – М.: Физкультура и спорт, 2003. – 294с.
5. Королев, М.Ф. Мяч над сеткой: Методика обучения юных волейболистов приему и передачам мяча в школе / [Текст] // Физическая культура в школе. – 2009. – №4. – С.33-37
6. Костолл, Д. Л. Физиология спорта / [Текст] / Д.Л. Костолл. – М.: Олимпийский спорт, 2008. – 421с.

YOSH BASKETBOLCHILARNING JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA HARAKATLI VA ESTAFETALI O‘YINLARNING O‘RNI

Barno Shamuratova

Urganch davlat universiteti katta o‘qituvchisi
barno.shamuratova0203@gmail.com

U. Shamuratov

P. Shamuratova

Urganch davlat universiteti talabalari

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada yosh basketbolchilarni xarakatli va estafetali o‘yinlar orqali jismoniy sifatlarini rivojlantirish yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Xarakatli o‘yinlar, estafetali o‘yinlar, jismoniy sifatlar, sog‘lom turmush tarzi, jismoniy faollik, kasbiy mahorat, usullar.

ABSTRACT

This article focuses on developing the physical qualities of young basketball players through action games and relay races.

Keywords: physical exercise, therapeutic physical exercise, healthy lifestyle, physical activity.

KIRISH

Mamlakatimiz sportini rivojlantirish sohasida tubdan o‘zgarishlar amalga oshirilmoqda. Davlatimiz jismoniy tarbiya va sportning kelajak avlodni sog‘lom qilib tarbiyalashdagi o‘rnini hisobga olib sport ishlarini yanada takomillashtirish, uning zamon talablari darajasida o‘quv va moddiy-texnik bazasini yaratish xamda axolining sportga bo‘lgan qiziqishini oshirish yo‘lida maqsadli davlat miqyosidagi tadbirlar ishlab chiqilib hayotga tadbiiq etilmoqda.

Sport millatning o‘zligini anglashda uning aniq maqsadlari sari jiplashuvida va birlashuvida, o‘zidagi bor salohiyatini hamda millat sifatidagi qudrati jahon uzra namoyon bo‘lib muhim ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtai nazardan olib qaraganda mamlakat sportini rivojlantirish dolzarb va nihoyatda muhim masaladir. Zero, jismonan baquvvat sog‘lom

va yoshlari ko'p bo'lgan millat qudratli bo'ladi, uning davlati har tomonlama mustahkam bo'lib, buyuk taraqqiyot sari rivojlanib boradi. Keyingi yillarda yoshlarimizga yaratib berilayotgan shart sharoitlar va imkoniyatlar barkamol avlodning sport sohasida

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Yosh avlodning jisminiy tarbiya va ommaviy sport bilan shug'ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratiganligi, iqqidorli sportchilarni saralab olish va maqsadli tayyolash, yosh basketbolchilarni Xarakatli va estafetali o'yinlar yordamida ularning jismoniy sifatlarinin rivojlantirishga qaratilgan. Zero jismoniy sifatlarini rivojlantirishning rang-barang yo'l yo'riqlari, usullari mavjud bo'lib, uning omillari xam ko'p. ommalashib borayotgan "Umid niholari", "Barkamol mavlod", "Universiada" sport musobaqalarida yosh basketbolchilarini faol ishtiroki va jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan qiziqishlarini oshirish, sog'lom turmush tarzini shakllantirish muxum va zaruriy vazifalardan biridir.

13-14 yoshli basketbolchilarining jismoniy sifatlarini rivojlantirish usullarining nazariyasi va amaliyoti muammolariga bag'ishlan gan bir qator ilmiy tadqiqotlar bajarilgan bo'lib, olimlarimiz jismoniy tarbiya va sport darslarida harakatli o'yinlardan foydalanish va ularning jismoniy sifatlarini oshirishning uslubiyati masalalari yoritib berilgan. Bundan tashqari, Z.Azizova 2010 M.A.Qurbanova, M.U.Qosimova, va boshqalarning ilmiy ishlarida bir qator muammolar ishlab chiqilgan, biroq ularning ishlarida chaqqonlik tezkor-kuch sifatlarini etarlicha yoritilmagan

Dastlabki o'rgatish bosqichida shug'ullanuvchi 13-14 yoshli basketbolchilar jismoniy sifatlarining rivojlanish darajasini o'rganish;

- harakatli va estafetali o'yinlaridan foydalanish orqali 13-14 yoshli o'quvchilarning jismoniy tayyorgarligini aniqlab, rivojlanish jarayonini kuzatish orqali ma'lum xulosalar chiqarish;

- umumta'lim maktablari, BO'SM, kollej va sport majmualarda basketbol sport turi mashg'ulotlarida harakatli va estafetali o'yinlaridan foydalanish, o'quvchilar, yosh sportchilarda jismoniy sifatlarini tarbiyalashning samarador usullari, shakllari, yo'llarini aniqlashdan iborat.

Yosh sportchilarni ayniqsa oxirgi o'rinlarda kelayotgan umumta'lim maktablarida yosh basketbolchilarning jismoniy sifatleri kasb maxoratining oshishi texnik-taktik tayyorgarliklari va basketbol sport turiga bo'lgan qiziqishni orttirish.

NATIJALAR

Yosh basketbolchilarning jismoniy sifatlarini rivojlantirishda xarakterli va estafetali o'yinlarining tajribasini o'rganish natijalari. Jismoniy tarbiya dars jarayonida o'quvchilarda barcha sifatlarni xarakterli va estafetali o'yinlar, jismoniy tarbiya darslarida ko'proq foydalanish mumkinligi tadqiqot olib borish jarayonida samara berishi isbotlandi. Tadqiqotlar jaryonida, basketbolchilarning jismoniy vositalar sifatida harakatli va estsfetali o'yinlarni qo'llash natijasida shug'ullanuvchilarning jismoniy sifatlarini rivojlantirish mumkinligi kuzatildi. Basketbolchilarda xarakterli va estafetali o'yinlarni qo'llash natijasida ularning jismoniy sifatlari rivojlanishi, umumiy ish qobiliyatlari va ularning sog'liq darajasini belgilash bilan birga, maxsus chidamlilik uchun xam asos bo'lib xizmat qiladi. Umumiy chidamlilik qancha yuqori bo'lsa, shu asnoda maxsus chidamlilik ham yaxshi rivojlanishi kuzatildi.

Xarakterli o'yinlar:

1. To'p uchun kurash
2. To'pni oldirma
3. Xo'rozlar jangi
4. Ovchilar va o'rdaklar
5. Qal'ani himoyalash

Estafetali o'yinlar:

1. To'plar poygasi
2. G'ovlardan aylanib o'tish
3. Govlardan sakrab o'tish
4. Savatga to'p tashlash
5. Chaqqon oyoqlilar

13-14 yoshli basketbolchilarni mashg'ulotlarda maxsus mashqlardan foydalanish orqali amalga oshirishda harakatli o'yinlarni qo'llash, ularni yosh basketbolchilarda jismoniy sifatlari, ko'nikma va malakalarni shakllantirish sharoitidagi faoliyati.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'tkaziladigan jismoniy tarbiya darslarini basketbol bilan muntazam shug'ullanish natijasida ko'rish, eshitish, vestibulyar va boshqa analizatorlarga ijobiy ta'sir ko'rsatib, ular faoliyatini shakllantiradi.

Basketbolda qo'llaniladigan mashqlar va ushbu o'yinning o'zi harakat apparatiga ta'sir etib, mushak tolalarini rivojlantiradi, natijada ularning tonusi ortadi, jismoniy sifatlari taraqqiy etadi.

Shu bilan bir qatorda basketbol bilan shug'ullanishda, mashg'ulotlar jarayonida qo'llaniladigan mashqlarda bolalarning yoshi, jinsi va boshqa xususiyatlari e'tiborga olinishi shartasketbolsiz tasavvur qilish qiyin.

Jismoniy tarbiya darslaridagi o'yinlarni boshqa mashg'ulot shakllaridan farqi eng muximi o'yinni ta'limiy va sog'lomlashtirish tomoniga diqqatni qaratish zarur. Xarakterli va

estafetali o'yinlar basketbol sport turida basketbolchilarning jismoniy sifatlari va rivojlanishi uchun samarali vosita xisoblanadi. Estafetali o'yinlar organizmning to'g'ri jismoniy rivojlantirishga va chiniqtirishga yordam beradi. Yosh basketbolchilarda harakat malakalarini va ko'nikmalarini shakllantirish va takomillastirish, yangi harakat turlariga va harakat faoliyatiga o'rgatadi.

Xarakatli va estafetali o'yinlarini o'rgatish jarayonida o'quvchilarda ruhiy jarayonlarning, shuningdek, fikrlash faoliyatlarining, barchasi rivojlana boshlaydi. Harakatli o'yinlar jarayonida erishilgan ilm va malakalardan ijodiy foydalanish layoqatini bolalarda tarbiyalashga e'tibor qaratish lozim, chunki bunday layoqatga bolalar o'zlaridagi ishchanlik, mustaqillik, ziyraklik, topqirlik, hozirjavoblik kabi ezgu fazilatlari tufayli erishadilar. Bu ayniqsa basketbol o'yinida tez va to'g'ri xulosa qilish uchun muxim ahamiyat kasb etadi.

Tadqiqotdan keyingi testlash natijalari (n=12)

No	Olingan testlar	60m (sek)	1000 m, (sek)	Argamchid a sakrash (marta)	To'pni uloqtirish (m)
Nazorat guruxi	Tadqiqotdan oldin	10,7	6: 30,07	88	20
	Tadqiqotdan keyin	10,6	6: 30,04	92	20
	O'sish	0,1	0,03	4	-
Tajriba guruxi	Tadqiqotdan oldin	10,5	6: 29,09	89	21
	Tadqiqotdan keyin	10,2	5: 55,02	105	24
	O'sish	0,3	0,47	16	3

Basketbolchilar tezkorlik, chaqqonlik, sakravchanlik va epchillik sifatlarini rivojlantirish uchun "To'p uchun kurash", "To'pni oldirma", "Xo'rozlar jangi", "Ovchilar va o'rdaklar", "Qal'ani himoyalash", "Quvlashmashoq", "Kengurular"; "To'p uchun kurash" kabi o'yinlardan unumli foydalanish magsadga muvofiq. O'yinda doimiy ravishda o'zgarib turadigan vaziyat, o'yin qatnashchilaridan bir harakatdan boshqa harakatga tezda o'tish talab qiladigan, epchillikni tarbiyalashga yordam beradi. Tezkor-kuch bo'yicha yo'nalishdagi o'yinlar kuchni tarbiyalaydi. Ushbu harakatli o'yinlarda o'yin qatnashchilaridan tezlikni talab qiladi (tez qochib ketish, quvlab etish, tovush, ko'rish signaliga bir onda javob berish). O'yinda doimiy ravishda o'zgarib turadigan vaziyat, o'yin qatnashchilaridan bir harakatdan boshqa harakatga tezda o'tish talab qiladigan, epchillikni tarbiyalashga yordam beradi. Tezkor-kuch bo'yicha yo'nalishdagi o'yinlar kuchni tarbiyalaydi. Zo'r g'ayrat bilan

qilingan harakatni ko'proq kuch va energiyani sarf qilish bilan bog'liq bo'lgan o'yinlar chidamlilikni rivojlantiradi. Harakat yo'nalishni tez-tez o'zgartirishi bilan bog'liq bo'lgan, o'yinlar egiluvchanlikni rivojlantirishga yordam beradi. Basketbolchilarning aksari xarakatlari yuqoridagi sifatlar bilan bog'liq.

XULOSA

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, nazorat guruxida 60 metrga yugurish tajribadan oldin 10,7 natijani tashkil etdi, tajriba guruxidagi natija 10,5 ga teng bo'ldi. Arg'amchida sakrash nazorat guruxida 88 martani tashkil qilgan bo'lsa tajriba guruxidagi natija xam shunga yaqin 89 martani tashkil qildi. Yugurib kelib kichik to'pni uloqtirish nazorat guruxida 20 metr natija korsatgan bo'lsa tajriba guruxida 21 metrga teng bo'ldi. 1000 mertga yugurish nazorat guruxida 6:30,07 natija qayd etilgan.

O'tkazilgan tadqiqot tajribadan keyin 60 metrga yugurish nazorat guruxida 10,5 daqiqani ko'rsatdi. Tajriba guruxidagi natija 10,2 daqiqaga teng bo'ldi. Arg'amchida sakrash nazorat guruxida 92 marta natijaga erishgan bo'lsa, tajriba guruxida 105 marta natijaga teng bo'ldi. Olib borilgan tajribadan keyin yugurib kelib kichik to'pni uloqtirish nazorat guruxida natija o'zgarmagan, tajriba guruxidagi natija esa 24 martani tashkil qildi 1000 mertga yugurish nazorat guruxida 6:30,04 natija qayd etilgan bo'lsa, tajriba guruxida 5:55,02ga yahshilanganini ko'rishimiz mumkun. Ko'rinib turibdiki, tajriba guruxidagi shug'ullanuvch bos ketbolchilarning jismoniy sifatleri (qo'l kuchi, tezkor-kuch, kuchini chidamkilik sifatleri uch oy davomida ortgan.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori 2017 yil 4 iyun. Tashkent
2. Goncharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyat-larini rivojlantirish. T., 2005.
3. Azizova.R Sport va harakatli o'ynlarni o'qitish metodikasi.Toshkent 2010."Yangi nash" nashriyiti.

INDIVIDUAL DIFFERENCES IN PSYCHOLOGY

Zilola Mukhitdinova

Second-year student of master student

D. A. Sobirova

Teacher of Bukhara State University, a candidate of science in Psychology (PhD)

ABSTRACT

This article discusses the psychological differences of individuals and the development of their personality which is formed due to several factors.

Keywords: personality, traits, environment, gene, patterns of behavior, character, openness, altruism, neuroticism, extraversion

Individual differences are the ways in which people differ from each other. Every member of an organization has its own way of behavior. It is crucial for managers to understand individual differences because they influence the feelings, thoughts, and behavior of employees. According to statistics, there are no two individuals who are the same, they differ from each other in some way or the other. That is why the job of the psychologist is to identify and understand this uniqueness in individuals. Such a similarity or difference between persons shows individual differences. It can be seen in our day-to-day life when we see people around us. For instance, when we think about their physical appearance, we often ask ourselves why some people have dark or fair complexion, why some people are tall and some are short, why some are thin and why some are overweight. When it comes to psychological characteristics, we often come across people who are very talkative or less talkative, some laugh too much while others take much time even to smile, some are very friendly whereas some prefer to be alone. In psychology, these are called individual differences referring to the extent and kind of variations or similarities among people on some of the important psychological aspects such as intelligence, personality, interest, and aptitude.

Moreover, in psychology differences among individuals are seen in their personalities which is partly biologically determined (nature). There are no specific genes that determine personality, but twin research shows that approximately 50% of personality can be explained by hereditary factors.

The other half can be explained by life experience (nurture). Personality can change through experience but not in the short term. As the definition makes clear, it is after all relatively stable traits. For example, managers should therefore not set themselves the goal of changing the personality of employees, but personality can be used to understand behavior. Furthermore, a large amount of research shows that personality is a good predictive and explanatory factor for the thinking, feeling, and behavior of employees in the workplace. Personality, for example, influences work-related attitudes and behavior, such as career satisfaction and coping with work-related stress.

In addition to personality, however, the situation also affects attitudes and behavior. If the situational pressure is strong, personality has less influence on work-related behavior. Employees are not free in varying behavior in such situations and so personality is not decisive. Both personality and situation factors can, therefore, influence behavior. Eventually, cognition, affect, and behavior are determined by the interaction between personality and situation. Effective managers understand this interaction and use it to help employees perform optimally.

According to scientific researches, there are two main the differences in psychological characteristics which are often consistent and form a stable pattern. 'Consistent' implies that people tend to show regularity in their behavior and their patterns of behavior do not change very frequently. This consistency and stability in behavior is considered as a unique character for every person. People develop their unique traits/characteristics and patterns of behavior due to their genetic makeup and the environment in which they are grown up. Individual differences occur due to interaction of genetic and environmental factors.

Genetic factor is that we inherit certain characteristics from our parents through genetic codes. The phenotype or the expressed forms of our characteristics depend on contributions of the socio-cultural environment. This is the reason why we are not exactly like our parents and our parents not exactly like our grandparents. We do share similarities with our parents in respect of many physical attributes like height, color of eyes, shape of nose and etc. Moreover, we inherit certain cognitive, emotional and other characteristics from our parents like intellectual competence, love for sport, creativity etc. However, our own characteristics develop largely by the support from the environment which we inhabit.

The environment is responsible as how we are reared, the kind of atmosphere at house, whether it is liberal or strict, the type of education that we get, what we learn from people, around us,



books, cultural practices, peers, teachers and media All these aspects refer to 'environment' which can develop our potentials. Environment not only provides models and other opportunities but also helps us develop many traits and skills. Biological structures and functions develop also under the influence of environmental factors, including the physical environment (nutrition, temperature, etc.) as well as the social (upbringing, learning, social interactions, etc.). Our inheritance alone cannot decide what we become but our environment also contributes. It is clear that our genetic codes vary. At the same time, surrounding environment also differs from person to person. It sets limits or defines a range by offering different opportunities. That is why the pattern of development of each of us is different from others. It makes us think why we are similar in certain ways and different in others.

According to scientists' researches, there is the Big Five Personality Model which consists of 5 personality traits (extraversion, neuroticism, altruism, conscientiousness, and openness) that in turn consist of specific sub-traits. These personality traits are at the top of the trait hierarchy. People can be placed on a continuum for each trait.

Extraversion is the tendency to experience positive affect and to feel good about the self and the world. Introversion - the other side of the continuum - is associated with less positive feelings and less social interaction. Extraversion is associated with more career satisfaction in the workplace.

Neuroticism means that there is a tendency to experience negative feelings about the self and the world. People with strong neurotic traits experience stress more quickly and are critical of themselves. This can be a vulnerability but also a force. Because of their critical attitude, they are driven to improve their performance and are able to reflect critically during group discussions. So it is not just a negative trait.

Altruism (agreeableness) refers to the property to be able to get along well with others. Low scorers on this personality trait are antagonistic and suspicious. In some cases, this property may be useful, for example in debt collecting where social skills are greatly needed.

Conscientiousness refers to care and perseverance. This is accompanied by orderliness and self-discipline. Conscientiousness is a good predictor for career success. It must be accompanied by the right skills for work and social competence.

Openness is the extent to which an individual is open to new experiences and risks, has broad interests and is original. This is an advantage in companies in which creativity and innovation are desired.

Similarly, individuals of different nations show differences in respect of their personality, character and mental abilities. These are the outcome of their geographical, social and cultural environment. Many studies have shown the existence of differences between Americans and Negroes, Chinese and Japanese, English and Indian individuals. Development of boys and girls exhibits differences due to difference in sex. The physical development of the girl takes place a year or two earlier than the boys. Between the age of 11 and 14, girls are taller and heavier than the boys. After 15, boys start winning the race. Girls are kind, affectionate, sympathetic and tender while the boys are brave, hard, choleric, efficient and competent. Hence, physical, intellectual and emotional development is caused by the growth in age. Many individuals differ because of the differences in intelligence. Individuals who are below the average in intelligence and mental age find much difficulty in learning and the average intelligent persons can learn quickly. And some people are by temperament active and quick, while others are passive and slow, some humorous and others short tempered. Emotional stability of the individual is differently affected by physical, mental and environmental factors. Differences in emotional stability cause individual differences.

Moreover, individual differences are caused by economic condition of the parents and the education of the children. It is not possible for the children of two economic classes to have a similarity and equality. Also, one of the important objectives of modern education is the complete development of the individual. Individuals have different goals, different interests, different emotional problems and different abilities. We cannot afford to ignore these individual differences in imparting education to children. Since school work is planned on group basis it presents a formidable challenge to all teachers.

In conclusion, the psychology of individual differences is mainly the study of group differences. Individuals are classified by age, traits, sex, race, social class and so on, and observes the differences within and between those groups in this study. Physical, mental, social and cultural differences etc. are being studied, under individual differences. Individual differences stand for the variation or deviations among individuals in regard to a single characteristic or number of characteristics. It is stand for those differences which in their totality distinguish one individual from another.



REFERENCES

1. Barrick, M. R., & Mount, M. K. (1993). Autonomy as a moderator of the relationships between the Big Five personality dimensions and job performance. *Journal of Applied Psychology*, 78, 111–118.
2. Barrick, M. R., & Mount, M. K. (1991). The Big Five personality dimensions and job performance: A meta-analysis. *Personnel Psychology*, 44, 1–26.
- Johnson, W. (2014) *Developing difference*. Palgrave Macmillan.
3. Cronbach, L. (1957). The two disciplines of scientific psychology. *American Psychologist*, 12, 671-684.
4. Deary, I.J., Whiteman, M.C., Starr, J.M., Whalley, L.J., & Fox, H.C. (2004). The impact of childhood intelligence on later life: Following up the Scottish Mental Surveys of 1932 and 1947. *Journal of Personality and Social Psychology*, 86, 130-147.
5. Flynn, J.R. (2012). *Are We Getting Smarter? Rising IQ in the Twenty-First Century*. Cambridge University Press.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ МИНТАҚАСИДА МАНЗАРАЛИ ВА МЕВАЛИ БОҒЛАРДА DIASPIDIDAE ОИЛАСИ БИЭКОЛОГИЯСИ, ТОКСОНОМИЯСИ ҲАМДА ТАРҚАЛИШ КООРДИНАТЛАРИ

Жўрабек Нодиржонович Яхёев

Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти, кичик илмий
ходим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти

мустақил тадқиқотчиси

dr.jurabek.net@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда Diaspididae оиласининг вакиллари аниқлаш мақсадида манзарали ҳамда олма, ўрик, беҳи, шафтоли ва нок боғларида ўтказилган кузатувлар натижасида Insecta синфига мансуб Hemiptera туркуми Diaspididae оилага мансуб 18 та авлод ва 30 тур зараркунандалар қайд этилди.

Мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги Diaspididae оиласида авлодлар сони 18 та (*Diaspidiotus*, *Diaspis*, *Dynaspidiotus*, *Unaspis*, *Shansiaspis*, *Salicicola*, *Parlatoria*, *Lepidosaphes*, *Leucaspis*, *Aulacaspis*, *Aonidia*, *Chionaspis*, *Chlidaspis*, *Prodiaspis*, *Mercetaspis*, *Carulaspis*, *Rhizaspidiotus* ва *Pseudaulacaspis*)ни, турлар сони эса 30 тани ташкил этилди ва 2 та авлод *Diaspidiotus* ва *Lepidosaphes* доминант сифатида қайд этилди. *Diaspidiotus* авлод вакиллари орасида эса 8 та тур қайд этилди ҳамда 3 та тур доминант ва 1 та тур карантин ҳашарот сифатида қайд этилди. Diaspididae оиласининг вакиллари тур таркиби ва ГАТ харитасини тузиш мақсадида Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда зараркунанда ҳашаротларнинг 27 та координатлари белгилади ва ГАТ харитаси тузилди.

Калит сўзлар (Keywords): Манзарали ва мевали боғ, ГАТ, популяция, биоэкология, ареал, координатлар.

BIECOLOGY, TOXONOMY AND DISTRIBUTION COORDINATES OF THE DIASPIDIDAE FAMILY IN LANDSCAPED AND FRUIT GARDENS IN THE NORTHEAST REGION OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

Insecta and Hemiptera family Diaspididae, 18 species and 30 species of insects belonging to the family Diaspididae, were identified in ornamental and orchard and apple, apricot, quince, peach and pear orchards in the north-eastern region of Uzbekistan.

According to the taxonomic composition of the fauna of diaspidids found in fruit and ornamental plants, the number of generations in the family Diaspididae in the fauna is 18 (*Diaspidiotus*, *Diaspis*, *Dynaspidiotus*, *Unaspis*, *Shansiaspis*, *Salicicola*, *Parlatoria*, *Lepidosaphes*, *Leucaspis*, *Aulacaspis*, *Aonidia*, *Chionaspis*, *Chlidaspis*, *Prodiaspis*, *Mercetaspis*, *Carulaspis*, *Rhizaspidiotus* and *Pseudaulacaspis*), the number of species was 30, and 2 generations *Diaspidiotus* and *Lepidosaphes* were recorded as dominant. Among the members of the *Diaspidiotus* genus, 8 species were recorded and 3 species were recorded as dominant and 1 species as quarantine insects. In order to compile the species composition and GIS map of the Diaspididae family, 27 coordinates of pests in ornamental and orchards in the north-eastern region of Uzbekistan were determined and a GIS map was created.

Keywords: Ornamental and orchard, GIS, population, bioecology, habitat, coordinates.

КИРИШ

Жахонда бугунги кунда диаспидологик тадқиқотлар, турли минтақаларнинг фаунистик таркибини замонавий усуллар билан аниқлаш, диаспидлар эволюцияси асосида уларнинг келиб чиқишига доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Диаспидларнинг турли минтақалар бўйича фаунистик таркиби, биологияси, экологияси, экологик ҳудудлар диаспидофаунасининг таксономик таркиби, трофик алоқалари ва филогенезига бағишланган ишлар ривожлантирилди. Таъкидлаш лозимки, мевали ва манзарали ўсимликларда тарқалган диаспидлар фаунасини аниқлаш, уларнинг морфо-экологик хусусиятлари, баъзи кенг тарқалган турларнинг биологик хусусиятлари, озуқа ўсимлигида яшашга мосланишлари каби масалаларни таҳлил қилиш ва уларга қарши уйғунлашган кураш усуллари кўллаш борасида тадқиқот ишлари олиб

боришни тақозо этмоқда. Бу борада, жумладан, диаспидларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш, дарахт ва буталарга зараркунанда ҳашаротларнинг таъсирини баҳолаш, энг жиддий турлар тарқалиши, биологияси ва экологик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Кокцидларнинг дунё фаунасида 4000 дан ортиқ, МДХ мамлакатларида 500 дан ортиқ, Ўзбекистонда эса 120 дан ортиқ турлари қайд қилинган. Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда 120 та кокцидлар тури аниқланган (7 та кенжа оиладан). Шулардан 70 тури мевали, манзарали, дала ва оренжерия ўсимликлари учун зарарлидир ва 50 га яқин тури ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларда учрайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, манзарали ва мевали боғларда ҳозирги кунда зарар келтираётган *Diaspididae* оиласи турлари ва уларнинг таксономиясини ҳамда оммавий зараркунанда турларнинг энтомофаглари аниқлаш, кейинги босқичда республика ҳудудидаги тарқалиш - ГАТ харитасини тузиш ва уларга қарши янги авлод инсектицид препаратларини қўллаш орқали қарши кураш ишларини ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Тадқиқотлар Тошкент вилояти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти, Энтомофаглар экологияси ва биоусулларнинг назарий асослари лабораторияси, Тошкент давлат аграр университети Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедрасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида амалга оширилди.

Жами аниқланган турларнинг хилма-хил ривожланиш босқичларидан *Diaspididae* оилада 18 та авлодга мансуб диаспидлар намуналари йиғилди. Ушбу ҳашарот намуналари авлод кесимида куйидагича *Diaspidiotus* 8 та, *Diaspis* 1 та, *Dynaspidiotus* 1 та, *Unaspis* 1 та, *Shansiaspis* 1 та, *Salicicola* 1 та, *Parlatoria* 2 та, *Lepidosaphes* 4 та, *Leucaspis* 1 та, *Aulacaspis* 1 та, *Aonidia* 1 та, *Chionaspis* 2 та, *Chlidaspis* 1 та, *Prodiaspis* 1 та, *Mercetaspis* 1 та, *Carulaspis* 1 та, *Rhizaspidotus* 1 та ва *Pseudaulacaspis* 1 та намуналар йиғилди.

Диаспидлар билан зарарланган ўсимликлардан намуналарни қирқиб олиниб, уларга ёрлик ёпиштириб, лаборатория шароитида ўрганилди. Дала шароитида олиб

борилган кузатув ишлари давомида олинган намуналар рақамланиб, дафтарга қайд этиб борилди. Турли экологик ҳудудлардан намуна олишда ҳудуднинг тўрт томонидан ҳар 10 туп назорат ўсимликлар танланиб, улардан 10 тадан намуналар олиб борилди. Назоратдаги дарахтлар шартли равишда учта ярусга бўлиниб, диаспидларни яруслар бўйлаб жойланиши белгилаб борилди. Назорат тупларнинг сони, популяцияларининг ёши ва таркибига эътибор қаратилди. Намуналар олинган шохларнинг узунлиги 10 см ни ташкил этди. Намуналарнинг бир қисмини (қобиғи, новдаси, барглари, меваси) кесиб олиниб, остига момик пахта тўшалган махсус қути ичига жойлаштирилди, бир қисми эса 70% ли спиртга солиниб, фиксацияланган ҳолда лабораторияда тур таркиби ўрганилди.

Диаспидларнинг биологик ва экологик хусусиятларига оид доимий дала кузатишлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида, амалий лаборатория кузатишлари эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти, Энтомофаглар экологияси ва биоусулларнинг назарий асослари лабораторияси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент давлат аграр университети Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедрасида олиб борилди, олинган натижалар қиёсий таҳлил этилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Тошкент вилояти мевали ва манзарали дарахтларида учровчи диаспидларнинг фаунаси, таксономик таҳлили ўрганилди ҳамда *Diaspidiotus* авлоди таксономик таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал


Тошкент вилояти мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг таксономик рўйхати (2020-2021 й.)

№	Туркум	Hemiptera
	Оила	Diaspididae
	Латинча номи	Ўзбекча номи
	Авлод	<i>Diaspidiotus</i>
1	<i>Diaspidiotus perniciosus</i> (Comstock, 1881)	Калифорния қалқондори
2	<i>Diaspidiotus elaeagni</i> (Borchsenius, 1939)	Жийда юмалоқ қалқондори

3	<i>Diaspidiotus salicis</i> (Lupo, 1953)	Терак қалқондори
4	<i>Diaspidiotus transcaspensis</i> (Marlatt, 1908)	Касбий орти қалқондори
5	<i>Diaspidiotus slavonicus</i> (Green, 1934)	Терак қабарик қалқондори
6	<i>Diaspidiotus prunorum</i> (Laing, 1931)	Турон қалқондори
7	<i>Diaspidiotus turanicus</i> (Borchsenius, 1935)	Турон тол қалқондори
8	<i>Diaspidiotus leguminosum</i> (Archangelskaya, 1937)	Дукаклилар қалқондори


Жадвалдан кўришиб турганидек, Тошкент вилоятининг мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги *Diaspidiotus* авлоди 8 та турни ташкил этди.

Мевали дарахтларнинг калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus* Comst.) билан зарарланиши нок ва олмани 12,8%, олхўри ва ўрикни 10,1%, олча ва беҳини 10,9%, шафтолини 9,7%, гилосни эса энг кам даражада 8,6 % зарарлагани ўрганилди (1-расм).



1-расм. Мевали дарахтларнинг калифорния қалқондори билан зарарланиши (Тошкент вилояти, 2018-2020 йй.).

Diaspididae оиласининг вакиллариининг тур таркиби ва ГАТ харитасини тузиш мақсадида Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда зараркунанда хашаротларнинг 27 та координатлари белгилади ва ГАТ харитаси тузилди (2-расм).



2- расм. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида Diaspididae оиласининг вакилларининг тарқалиш координатлари.

Синф: Insecta;
Туркум: Hemiptera;
Оила: Diaspididae;
Авлод: *Diaspidiotus*.
Тур: *Diaspidiotus perniciosus*



Калифорния қалқондори – *Diaspidiotus perniciosus* (Corns., 1881)

Урғочи зотининг ранги лимон каби сариқ, шакли ноксимон, узунлиги 1,3 мм, кўзи, оёғи ва мўйлови йўқ. Қалқони юмалок, ўлчами 2 мм, бўртган, ранги қорамтир ёки кўнғир, ўртасида 2 та личинка пўстининг изи бор.

Зарари. Олма, нок, шафтоли, олча, гилос, олхўри каби уруғмевали ва данакмевали дарахтларнинг умумий қилиб олганда 270 турдаги ўсимликларнинг ашаддий зараркунандаси. Личинкалари ва вояга етганлари дарахтларнинг шох ва буталарининг тана ширасини сўриб катта зарар етказди, жуда кўпайиб кетганда дарахт пўстлоғини ёриб юборади, меваларининг сифати бузилади, яни меваларда қизил бинафша доғлар тушиб кетади ва ҳатто бутун дарахтларни қуритиб қўяди. *Diaspidiotus perniciosus* Тошкент вилояти

Қибрай туманида (41°25'13"N 69°25'56"E), (41°23'50"N 69°28'51"E), (41°23'36"N 69°27'10"E), (41°23'36.9"N 69°27'13.9"E); Пскент туманида (41°00'42"N 69°20'50"E) координатларида қайд этилди

Синф: Insecta;
Туркум: Hemiptera;
Оила: Diaspididae;
Авлод: *Diaspidiotus*.
Тур: *Diaspidiotus prunorum*



Турон қалқондори – *Diaspidiotus prunorum* (Laing, 1931)

Юмалоқ қалқони бор, бу ҳашаротнинг ранги қўнғир, ялтироқ бўлиб, тарқоқ нуқталари бўлади, диаметри 2,5-4,0 мм келади. Қалқондорнинг эркаклари қанотли, жигар рангли бўлиб, думида иккита оқ туки бор. Ёш личинкалари пушти ранг бўлиб, думида оқ туклари бор.

Зарари. Анжир, писта, цитрус ўсимлик мевалари, зайтун, жийда, узумларни зарарлаб, уларнинг товар қиммати жуда ҳам пасайтириб юборади. Бу ҳашарот тушган дарахт ва буталар яхши ўсмайди, новда ва шохлари нобуд бўлади, баъзан дарахт ва буталар (айниқса ёшлигида) тамомила қуриб қолиши ҳам мумкин *Diaspidiotus prunorum* Тошкент вилояти Қибрай туманида (41°25'13"N 69°25'56"E), (41°23'36"N 69°27'10"E), (41°23'19.8"N 69°25'05.2"E), (41°23'36.9"N 69°27'13.9"E); Ўртачирчиқ туманида (41°10'10"N 69°18'24"E), (41°12'13.9"N 69°18'37.1"E), (41°12'18.7"N 69°17'49.6"E), (41°12'22.3"N 69°17'56.7"E); Янгийўл туманида (41°11'00.0"N 69°04'58.8"E); Юқоричирчиқ туманида (41°13'24"N 69°23'39"E); Охангарон туманида (40°56'04"N 69°35'13"E); Тошкент туманида (41°25'37"N 69°19'28"E); Пскент туманида (41°00'42"N 69°20'50"E) координатларида қайд этилди.

Синф: Insecta;
Туркум: Hemiptera;
Оила: Diaspididae;
Авлод: *Diaspidiotus*.
Тур: *Diaspidiotus salicis*



Diaspidiotus salicis – Терак қалқондори (Lupo, 1953)

Майда ҳашарот (1-1,3 мм). Унинг урғочиси овалсимон

шаклида, калқони (2-2,5 мм) оқ ёки кулранг. Эркак зоти майдароқ (1 мм), шакли чўзикроқ, ранги оқиш, ўртасида доғи бор.

Зарари. Кокцидалар дарахтларнинг ширасини сўриб, заифлаштиради, кўпинча айрим шохларни ва айниқса ёш новдаларни нобуд қилади, баъзан эса дарахтларни бутунлай қуритиб қўяди. Кокцидалар меваларга доғ тушириб, сифатини пасайтиради. *Diaspidiotus salicis* Тошкент вилоятининг барча туманлари: Қибрай туманида (41°25'13"N 69°25'56"E), (41°23'50"N 69°28'51"E), (41°23'36"N 69°27'10"E), (41°23'19.8"N 69°25'05.2"E), (41°23'36.9"N 69°27'13.9"E); Ўртачирчиқ туманида (41°10'10"N 69°18'24"E), (41°12'13.9"N 69°18'37.1"E), (41°12'18.7"N 69°17'49.6"E), (41°12'22.3"N 69°17'56.7"E); Янгийўл туманида (41°11'00.0"N 69°04'58.8"E); Юқоричирчиқ туманида (41°13'24"N 69°23'39"E); Охангарон туманида (40°56'04"N 69°35'13"E); Тошкент туманида (41°25'37"N 69°19'28"E); Пскент туманида (41°00'42"N 69°20'50"E) координатларида қайд этилди.

ХУЛОСА

Кузатувлар натижасида Insecta синфига мансуб Hemiptera туркуми Diaspididae оилага мансуб 18 та авлод ва 30 тур зараркунандалар қайд этилди.

Мевали ва манзарали ўсимликларида учровчи диаспидларнинг фаунаси таксономик таркибига кўра фаунадаги Diaspididae оиласида авлодлар сони 18 та (*Diaspidiotus*, *Diaspis*, *Dynaspidiotus*, *Unaspis*, *Shansiaspis*, *Salicicola*, *Parlatoria*, *Lepidosaphes*, *Leucaspis*, *Aulacaspis*, *Aonidia*, *Chionaspis*, *Chlidaspis*, *Prodiaspis*, *Mercetaspis*, *Carulaspis*, *Rhizaspidiotus* ва *Pseudaulacaspis*)ни, турлар сони эса 30 тани ташкил этилди ва 2 та авлод *Diaspidiotus* ва *Lepidosaphes* доминант сифатида қайд этилди. *Diaspidiotus* авлод вакиллари орасида эса 8 та тур қайд этилди ҳамда 3 та тур доминант ва 1 та тур карантин хашарот сифатида қайд этилди. Diaspididae оиласининг вакиллариининг тур таркиби ва ГАТ харитасини тузиш мақсадида Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақасида манзарали ва мевали боғларда зараркунанда хашаротларнинг 27 та координатлари белгиланиди ва ГАТ харитаси тузилди. Мевали дарахтларнинг калифорния қалқондори (*Diaspidiotus perniciosus* Comst.) билан зарарланиши нок ва олмани 12,8%, олхўри ва ўрикни 10,1%, олча ва беҳини 10,9%, шафтолини 9,7%, гилосни эса энг кам даражада 8,6 % зарарлагани ўрганилди

REFERENCES

1. BE.Murodov, JN.Yakhyoyev QUARANTINE PESTS OF INTERNAL QUARANTINE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Education and science in Russia and abroad. – 2017. – P. 32-36.
2. BE.Murodov, OA.Sulaymonov, JN.Yakhyoyev HARM OF QUARANTINE PESTS OF THE INTERNAL QUARANTINE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Archive of Conferences 3. – 2020. – P. 13-18.
3. BE.Murodov, UD.Ortikov, JN.Yakhyoyev BIOECOLOGY OF CALIFORNIA SHIELD (QUADRASPIDIOTUS PERNICIOSUS COMST) IN UZBEKISTAN // // Archive of Conferences 1. – 2020. – P. 104-107.
4. BE.Murodov, UA.Masharipov, JN.Yakhyoyev CALIFORNIAN SCALE INSECT-QUADRASPIDIOTU SPERNICIOSUS COMST // Education and science in Russia and abroad. – 2017. – P. 30.
5. KK.Kimsanbayev, BE.Murodov, UD.Ortikov, OA.Sulaymonov, JN.Yakhyoyev BIOECOLOGY, CRYSTAL PHARMACEUTICAL SUPPORT AND EFFICIENCY OF CALIFORNIA SHIELD // International Journal of Research. – 2019. – P. 142-148.
6. K.Khudarganov, N.Azimov, J.Yakhoev Guidelines On Pest Risk Analysis: Decision-Support Scheme For Quarantine Pests // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 3 (12) – 2021. – P. 5-8.
7. MS.Shaymanov, SS.Avazov, JN.Yakhyoyev REQUIREMENTS FOR THE USE OF FUMIGATION AS A PHYTOSANITARY MEASURE // International Engineering Journal For Research & Development 6 (ICDSIIL). – 2021. – P. 1-3.
8. J.Yakhyoev, K.Kimsanbayev, B.Murodov, Z.Akhmedova Taxonomy and bioecology of Hemiptera Diaspididae in fruit and landscape trees // E3S Web of Conferences 244, - 2021. – P. 02039.
9. J.Yakhyoev, Z.Akhmedova, O.Sulaymonov DISTRIBUTION COORDINATES OF THE DIASPIDIDAE FAMILY IN SEED GARDENS // International Scientific and Current Research Conferences – 2020. – P. 57-61.
10. JN.Yakhyoyev, KK.Kimsanbayev, BE.Murodov, BA.Sulaymonov BIOECOLOGY AND PHENOLOGICAL DEVELOPMENT OF THE CALIFORNIAN SHIELD (QUADRASPIDIOTUS PERNICIOSUS COMST.) IN UZBEKISTAN // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 2 (08) – 2020. – P. 124-131.
11. JN.Yakhyoyev, KK.Kimsanbayev BIOECOLOGY AND SPECIES OF DIASPIDIDAE IN FRUIT GARDENS // The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 2 (11) – 2020. – P. 104-112.
12. JN.Yakhyoev, KK.Kimsanbayev, BE.Murodov, ZY.Akhmedova LEVEL OF DISTRIBUTION OF HEMIPTERA: DIASPIDIDAE IN THE NORTHEAST REGION OF UZBEKISTAN // European Journal of Agricultural and Rural Education. – 2021. – P. 6-10.



13. JN.Yakhyoev Bioecology Hemiptera:Diaspididae in the north-eastern region of Uzbekistan // Middle European Scientific Bulletin 12. – 2021. – P. 36-39.
14. JN.Yakhyoev HARM AND SPREAD OF THE CALIFORNIAN SHIELD INSECT IN THE NORTH-EASTERN REGION OF UZBEKISTAN // European Journal of Agricultural and Rural Education. – 2021. – P. 63-65.
15. XX.Kimsanbayev, BE.Murodov, UD.Ortikov, JN.Yakhyoyev Extension and harmfulness of californian shield in apple orchards // JOURNAL OF AGRO PROCESSING. – 2020. – P. 104-112.
16. Кимсанбаев Х.Х., Муродов Б.Э., Ортиков У.Д., Анорбаев А.Р., Яхёев Ж.Н. Применения златоглазки в борьбе с калифорнийской щитовки (*Quadraspidiotus perniciosus* comst.) на яблоне // Актуальные проблемы современной науки. – 2019. – № 4 (107). – С. 176-178.
17. Кимсанбаев Х.Х., Муродов Б.Э., Ортиков У.Д., Сулаймонов О.А., Яхёев Ж.Н. Биологическая эффективность применение препарата хектолинеум 5% к.с против калифорнийской щитовки (*Quadraspidiotus perniciosus* comst.) на яблоне // Актуальные проблемы современной науки. – 2019. – № 4 (107). – С. 179-181.
18. Муродов Б.Э., Машарипов У.А., Яхёев Ж.Н. Калифорнийская щитовка – *Quadraspidiotu sperniciosus* Comst // Образование и наука в России и за рубежом. – 2017. – № 1 (30). –С. 21-23.
19. Муродов Б.Э., Яхёев Ж.Н. Карантинный вредители внутреннего карантина Республики Узбекистан // Образование и наука в России и за рубежом. – 2017. – № 3 (32). –С. 32-36.
20. Муродов Б.Э., Сулаймонов О.А., Яхёев Ж.Н. Калифорнийская щитовка на яблоне // Образование и наука в России и за рубежом. – 2017. – № 12 (47). – С. 118-122.
21. Муродов Б.Э., Ортиков У.Д., Яхёев Ж.Н. Биоэкология и развития калифорнийской щитовки (*Quadraspidiotus perniciosus* Comst.) в Узбекистане // ЕВРАЗИЙСКИЙ СОЮЗ УЧЕНЫХ (ЕСУ). – 2020. – 5 (74). – С. 39-40.
22. Ортиков У.Д., Яхёев Ж.Н., Пардаев Х.Х. Опасный кокцид. Калифорнийская щитовка (*Quadraspidiotus perniciosus* Comst) // Образование и наука в России и за рубежом. – 2018. – № 6 (41). – С. 105-107.



O'ZBEK MILLIY KURASHI TARIXINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Aziz Xoshimovich Komilov

JDPI, Jismoniy madaniyat fakulteti,
Sport turlarini o'qitish metodikasi o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

O'zbek milliy kurashining jahon arenasiga chiqib, milliy mustaqillik yillarida turli xalqlar va millatlarning udumiga aylanganligi olamshumul hodisadir. Ushbu maqolada o'zbek milliy kurashi tarixining o'ziga xos xususiyatlari va uning o'ziga hosligi xaqida so'z borgan.

Kalit so'zlar: milliy kurash, milliy an'analar, urf –odatlar, jismoniy mashqlar, yakkakurash, olamshumul hodisa, sport turi, ma'naviy yetuk inson.

ABSTRACT

The fact that the Uzbek national struggle entered the world arena and became a tradition of different peoples and nations during the years of national independence is a universal event. This article discusses the peculiarities of the history of the Uzbek national struggle and its specificity.

Keywords: national wrestling, national traditions, customs, physical exercises, wrestling, world events, sports, spiritually mature person.

KIRISH

O'zbek milliy kurashi bugun jahon yuzini ko'rmoqda. U sportning muhim turi sifatida jahon arenasiga kirib, ommaviylashib bormoqda, umuminsoniy qadriyatga aylanmoqda. Shu boisdan ham, mamlakatimizda milliy kurashni ilmiy jihatdan tadqiq qilish va shu asosda Xalqaro andazalarga mos yuksak saviyali mutaxassislarni tayyorlash zaruriyati vujudga kelmoqda. Mamlakatimiz rahbariyatining jismoniy tarbiya hamda sportni rivojlantirishda qilayotgan g'amxo'rligi natijasida milliy sport turlarimiz yanada rivojlanib ommaviylashib bormoqda. O'zbek milliy kurashining jahon arenasiga chiqib, milliy mustaqillik yillarida shiddat bilan bir xalqning ma'naviy, -jismoniy qadriyatidagi turli xalqlar va millatlarning udumiga aylanganligi olamshumul hodisadir. Zeroki, kurash o'z jangovorligi, go'zalligi, jozibadorligi, halolligi bilan barchaning mehri



uyg'otgan, o'ziga katta qiziqish uyg'ota olgan, sport turi desak mubolag'a bo'lmaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI HAMDA METODOLOGIYA

Bugungi kunda Prezidentimizning tashabbusi bilan milliy sport turlarining rivojlantirish, ularni xalqaro sport turlariga aylantirish bo'yicha ko'plab sa'yi harakatlar olib borilmoqda. Jumladan o'zbek belbog'li kurash turi ham duyoga yuz tutmoqda. O'zbekistonlik sportchilarning xalqaro musobaqalardagi muvaffaqiyatlariga kurashchilarimizning jahon sport arenalaridagi g'alabalarini ham kiritish mumkin. Bu kabi g'alabalarga belbog'li kurash usulida kurashuvchi polvonlarimizni Rossiyaning Qozon shahrida so'ngra Qozog'istonning Alma-Ata shahrida, Tojikistonning O'ratape shahrida hamda Qirg'izistonning O'zgan shaharlarida bo'lib o'tgan xalqaro hamda jahon birinchiligi musobaqalaridagi g'alabalarini kiritish mumkin. O'rta Osiyo xalqlarining yakkakurash usullari asosi yagona hamda bir xil taraqqiyot yo'lini bosib o'tganligi, shuningdek Turkiy xalqlarining urf odatlari hamda milliy an'analari bir biriga o'xshashligi ham Kurash usullarida yaqqol ko'rinib turadi. O'zbeklarning Buxorocha Kurash usuli - Qozoq hamda Qirg'izlarning Kures, Turkmanlarning Guresh usullaridan deyarli farq qilmasa, Farg'onacha Kurash usuli - Uyg'urlar, Qarluqlarning Bellashuv usullaridan deyarli farq qilmaydi. O'zbek milliy kurashi usullari elatlarning yashash joylari hamda sharoitlari hamda urf- odatlariga muvofiq shakllanib keldi hamda taraqqiy etdi. O'rta Osiyoning Sharqiy qismida yashagan xalqlar hamda elatlarda belbog'li Kurash usuli (Farg'ona usuli) shakllangan bo'lsa, O'rta Osiyoning Shimoliy hamda Janubiy qismida yashagan xalqlarda Xalqaro Kurash usuli (Buxoro usuli) shakllana bordi. Kurash usullarining taraqqiyotiga hamda ommaviylashib borishiga xalqlarning o'zaro birdamlikda yashashlari ularning milliy an'analari hamda urf -odatlarining uyg'unlashib ketishi katta ta'sir ko'rsatgan. Shu bilan birga O'rta Osiyo mamlakatlari hududidan "Buyuk Ipak yo'lini" o'tishi ham xalqlar orasida jismoniy mashqlar hamda yakkakurash sport turlarini o'zlashtirilib borilishiga hamda ommaviylashuviga katta ta'sir ko'rsatgan.

NATIJALAR

Hozirgi kunda bu sport turlari bilan mamlakatimiz aholisi qolaversa yoshlarimiz ham sevib shug'ullanib kelishmoqda. Milliy kurash turlari jismoniy barkamol, ma'naviy yetuk inson qilib tarbiyalash vositalaridan biri hisoblanadi. Hozirgi kunda mamlakatimizda milliy kurash turlari keng ommaviylashib rivojlanib kelmoqda. Milliy kurash



turlaridan belbog‘li kurash mamlakatimizda keyingi yillarda mingdan ortiq iqtidorli sportchilar etishib chiqdilar. Ular Respublikamiz Osiyo, Evropa hamda jahon birinchiliklarida muhamdaffaqiyatli ishtirok etib kelmoqdalar. Milliy qadriyatlarimizdan hisoblangan o‘zbek kurashi bilan jahon xalqlari sevib shug‘ullanishayotganlari, o‘zbek tilidagi «Ta’zim, kurash, yonbosh, halol, dakki» so‘zlarining dunyo xalqlari tilida o‘zbekcha yangrayotgani millatimiz g‘ururini, mavqeini yanada ortirib bormoqda. Xalqaro musobaqalarda har bir o‘zbek farzandi qatnashar ekan uning ortida oilasi, hamdatani, yurtdoshlari hamdard, hamnafas bo‘lib turganini xis etadi. Ularning yutug‘i xalqimizning yutug‘i hamda muhamdaffaqiyati hisoblanadi. Ko‘plab sport turlari bo‘yicha mamlakatimizda xalqaro sport musobaqalarining tashkil etilishi, uni ko‘tarinki ruhda o‘tkazilishi, o‘zbek sportchilarining xalqaro sport uyushma hamda klublarida ishtirok etishlari yurtimizda sportni keng rivojlanib borayotganini qolaversa, professional sportga katta e‘tibor berilayotganining dalilidir.

MUHOKAMA

Kurashda kurash tushuvchilar harom-harishdan, g‘irromlikdan, o‘g‘rilikdan, kashandavanlikdan yiroq bo‘lib, oliyanoblik, insoniylik, hatto raqibiga nisbatan hurmat ko‘rsatadigan insonlar bo‘lishi talab etiladi. O‘zbek kurashining yoshlar tarbiyasidagi ahamiyatidan kelib chiqib, yoshlarimizning har tomonlama barkamol, sog‘lom, ma‘naviy etuk insonlar qilib tarbiyalash maqsadida quyidagi tadbirlarni amalga oshirilishi maqsadga muvofiqdir.

1. Ta’lim muassasalarida kurash mashg‘ulotlari darslari soatini ko‘paytirish va o‘zbek kurashi bo‘yicha darslik, o‘quv-uslubiy qo‘llanma hamda kerakli adabiyotlarni chop ettirilishini jadallashtirish hamda o‘zbek kurashi bo‘yicha yoshlar o‘rtasida viloyatlar tumanlarida musobaqalarni tashkil etishni ko‘paytirish.
2. O‘zbek milliy kurash turlari bo‘yicha yagona o‘quv trenirovka mashg‘ulotlari hamda musobaqalar o‘tkazish uchun yagona dastur, nizom hamda darsliklar, qo‘llanmalar yaratish.
3. O‘zbek milliy kurashi turlarini yoshlar hamda aholi o‘rtasida ommaviylashtirish uchun muntazam mintaqaviy hamda xalqaro musobaqalar tashkil etish.
4. Televideniya va radiodagi ko‘rsatuv, eshittirishlar olib borish, ommaviy matbuotda chiqishlar uyushtirish, gazeta hamda jurnallarda ilmiy-ommabop maqolalar nashr ettirib borish maqsadga muvofiq.

XULOSA

Mustaqil davlatimizning taraqqiyoti ta'limning barcha sohalaridagi kabi jismoniy tarbiya sohasida ham katta islohotlarni talab qiladi. Shu bois, ushbu fan bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilariga, kurash trenerlariga kurashchilarga milliy kurash uning turlari, sport kurashini tashkillashtirishda, kurashchining jismoniy, texnik, taktik, ruhiy tayyorgarligi, trenirovka nagruzkalarini nazorat qilish, yoshlarni barkamol inson qilib, ularning qalbiga Vatan faxrini singdirish, gimnastika vositalaridan samarali foydalanib yosh avlodda mos bilim, ko'nikma, malakalarini hosil qilishni asosiy maqsad deb bilishimiz lozim.

REFERENCES

1. Azizxo'jayeva N.N. O'qituvchi mutaxssislari tayyorlash texnologiyasi. – T.: «Nizomiy TGPU». 2000. - 52 b.
2. Berdiqulov B. Sport kurashida trenirovka yuklamalarini nazorat qilish. Xalq ta'limi jurnali. 2001 y. 101-105 betlar.
3. Tolipov O'.Q., Usmonboyeva M, Pedagogik texnologiyalarning tadbqiqiy asoslari. –T.: Fan, 2006yil
4. Yusupov K. Kurash Xalqaro qoidalari, texnikasi va taktikasi. – T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot -matbaa ijodiy uyi, 2005 y.
5. Usmonxo'jaev T.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyoti (O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi o'quv muassasalari uchun o'quv qo'llanma)–T.: “O'qituvchi ” NMIU, 2008y.



TALABA YOSHLAR JISMONIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING MAZMUNI

Nodirjon Salaydinovich Kulboyev

Jizzax davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Jismoniy madaniyat umumiy madaniyat hodisasi sifatida o'ziga xosdir. Ushbu maqolada talaba yoshlar jismoniy madaniyatni rivojlantirishning mazmuni haqida so'z borgan.

Kalit so'zlar: . Jismoniy madaniyat, jismoniy qobiliyatlar, madaniyat, barkamol tanani rivojlantirish, funktsiyalar, sabr-toqat, qat'iyatlilik, aqliy tizim, barkamol tana, dualizm, ma'naviy mohiyat.

ABSTRACT

Physical culture is unique as a general cultural phenomenon. In this article, the students talked about the content of the development of physical culture.

Keywords: Physical culture, physical abilities, culture, development of a harmonious body, functions, patience, perseverance, mental system, harmonious body, dualism, spiritual essence.

KIRISH

Bugungi kunda jismoniy madaniyatning inson va jamiyat tabiatini takomillashtirish omili sifatidagi roli sezilarli darajada oshib bormoqda. Jismoniy madaniyat jamiyat umumiy madaniyatining bir qismi hisoblanib, insonning sog'lig'ini mustahkamlash, jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish va ulardan ijtimoiy amaliyot ehtiyojlariga muvofiq foydalanishga qaratilgan ijtimoiy faoliyat sohaslaridan biridir. Jamiyatda jismoniy madaniyat xalq mulki bo'lib, "ma'naviy boylik, axloqiy poklik va jismoniy barkamollikni o'zida uyg'unlashtirgan yangi shaxsni tarbiyalash"ning muhim vositasidir. Bu talabalarning ijtimoiy va mehnat faolligini, ishlab chiqarishning iqtisodiy samaradorligini oshirishga yordam beradi, jismoniy tarbiya harakati davlat va jamoat tashkilotlarining jismoniy tarbiya va sport sohasidagi ko'p tomonlama faoliyatiga tayanadi. Jismoniy madaniyat tushunchasiga, tabiiyki, xalqning ongi, iste'dodi, hunarmandchiligi bilan yaratilgan hamma narsa, uning ma'naviy mohiyatini ifodalovchi barcha



narsalar, dunyoga, tabiatga, inson borlig'iga, insoniy munosabatlarga qarashlari kiradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI HAMDA METODOLOGIYA

Jismoniy madaniyat jismoniy zo'riqish va gimnastika mashqlari orqali tana madaniyatining tarbiyasi hisoblanadi. Jismoniy zo'riqish nafaqat tanani, shuningdek, inson asab tizimini rivojlantiradi. Tanadagi yuklar aqliy tizim faoliyatini normallashtirishga yordam beradi. Bu, ayniqsa talabalar uchun juda muhim, chunki ular har kuni katta bilimlarni o'zlashtiradilar. Sport miyaga kuchlanishni olib tashlashga yordam beradi va ravshanlik boshini qaytarishga yordam beradi. Jismoniy madaniyat terapevtik va moslashuvchan bo'lishi ham mumkin. Jismoniy tarbiya taraqqiyot sohasida og'ishlarga ega bo'lgan odamlar uchun moslashuvchan. Sport talabalar va o'spirinlar hayotida alohida o'rin tutadi. Bu nafaqat barkamol tanani rivojlantirish uchun, balki intizom hissi ham kerak. Sport yigitlarda sabr-toqat, qat'iyatlilik, cheklov kabi fazilatlarini ko'taradi. Bolalikdan o'rganilgan belgilarning bu xususiyatlari keyingi hayot davomida insonga hamroh bo'ladi.

Jismoniy madaniyat umumiy madaniyat hodisasi sifatida o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Aynan u inson rivojlanishidagi ijtimoiy va biologik bog'lanishga imkon beradigan tabiiy ko'prik hisoblanadi. Bundan tashqari, bu insonda shakllanadigan madaniyatning eng birinchi va asosiy turlaridan biridir. Jismoniy madaniyat o'ziga xos dualizm bilan tananing, psixikaning, insonning holatiga sezilarli ta'sir ko'rsatishimiz mumkin. Tarixan jismoniy madaniyat, eng avvalo, jamiyatning yosh avlod va katta yoshdagi aholini mehnatga har tomonlama jismoniy tayyorgarligiga amaliy ehtiyojlari ta'sirida rivojlangan. Shu bilan birga, ta'lim va tarbiya tizimlarining rivojlanishi bilan jismoniy madaniyat harakat qobiliyatlari va qobiliyatlarini shakllantirishning asosiy omiliga aylandi.

NATIJALAR

Bugungi kunda inson faoliyatining jismoniy tarbiya bilan bog'liq bo'lmagan yagona sohasini topish mumkin emas, chunki jismoniy tarbiya va sport umuman jamiyatning va har bir shaxsning alohida e'tirof etilgan moddiy va ma'naviy qadriyatlardan biri hisoblanadi. So'nggi yillarda jismoniy madaniyat haqida nafaqat mustaqil ijtimoiy hodisa, balki shaxsning barqaror sifati sifatida ham ko'proq gapirilayotgani bejiz emas. Insonning jismoniy madaniyati fenomeni to'liq o'rganilmagan. Jismoniy madaniyatning mohiyatini anglashning sifati jihatidan yangi bosqichi uning



intellektual, axloqiy, estetik tarbiyaning samarali vositasi sifatida shaxsning ma'naviy sohasiga ta'siri bilan bog'liq. Jamiyatda jismoniy madaniyat holatining asosiy ko'rsatkichlari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- ✚ odamlarning sog'lig'i va jismoniy rivojlanishi darajasi;
- ✚ jismoniy madaniyatdan tarbiya va ta'lim sohasida, ishlab chiqarishda, kundalik hayotda foydalanish darajasi, bo'sh vaqt tarkibi;
- ✚ jismoniy tarbiya tizimining tabiati, ommaviy sportni rivojlantirish, sport mahorati va boshqalar.

Jismoniy madaniyatning asosiy elementlariga: jismoniy mashqlar, ularning komplekslari va ulardagi musobaqalar, tanani chiniqtirish, mehnat va turmush gigienasi, turizmning faol-harakat turlari, jismoniy mehnat aqliy mehnat kishilarining faol dam olish shakli kiradi.

MUHOKAMA

Jismoniy madaniyatni rivojlantirishning bir qator kontseptsiyalarida ta'lim masalalariga alohida e'tibor beriladi, lekin ko'proq odamlarning jismoniy madaniyatga bo'lgan munosabatini tubdan o'zgartirish zarurati, uning ulkan milliy va shaxsiy insoniy qadriyat tasdiqlanadi. Madaniyat - bu shaxsning ijodiy ijodiy faoliyati. "Madaniyat" rivojlanishining madaniy-psixologik jarayonining asosi va mazmuni, eng avvalo, insonning jismoniy va intellektual qobiliyatlarini, uning axloqiy va estetik fazilatlarini rivojlantirishdir. Jismoniy madaniyat, shaxsiyat, uni hayotga real tatbiq etishning "texnikalarini" ishlab chiqish va chuqur bilim va e'tiqodga asoslangan ongli ongni qat'iy shakllantirish va mustahkamlash, motivatsiya va doimiy e'tiborga muhtojlik kabi tushunchalarni tushunish vaqti keldi. sog'ligingiz haqida yosh avlodni jismoniy tarbiya va tarbiyalashda o'zlariga g'amxo'rlik qiling. Bunday holda, majburiy mashg'ulotlardan boshlab uzluksiz jismoniy tarbiya g'oyasini amalga oshirish, insonni o'z sog'lig'iga g'amxo'rlik qilishga o'rgatish, butun hayoti davomida ushbu faoliyat sohasida o'z-o'zini tarbiyalash bilan shug'ullanish muhimdir.

XULOSA

Jismoniy madaniyatning tarixdan oldingi davri insonning barcha jismoniy va aqliy faoliyati yashash sharoitlarini bevosita ta'minlash bilan chegaralangan davrga borib taqaladi. Xalqning jismoniy madaniyati uning tarixining bir qismi hisoblanadi. Uning shakllanishi, keyingi rivojlanishi mamlakat iqtisodiyotining shakllanishi va rivojlanishiga, uning davlatchiligiga, jamiyatning



siyosiy va ma'naviy hayotiga ta'sir ko'rsatadigan bir xil tarixiy omillar bilan chambarchas bog'liqdir.

REFERENCES

1. Salamov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati // Darslik. I jild T.: ITA Press, 2015 – 296 b.
2. Salamov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati // Darslik. II jild T.: ITA Press, 2015 – 296 b.
3. Abdullaev A. Xonkeldiev Sh.X. “Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati”, Oliy o`quv yurtlari uchun darslik. O`zDJTI nashriyat manbaa bo`limi 2005 yil.
4. Goncharova O.V. Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish. Darslik. T.,- 2005. 180 b.



ASTRONOMIYA KURSINI O‘QITISHDA ASTRONOMIK MA’LUMOTLAR BAZALARIDAN FOYDALANISH

Sardor Sharipbayevich Kutlimuratov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

astro.sardor@gmail.com

ANNOTATSIYA

Maqolada astronomik ma’lumotlar bazalari: Solar System Exploration, MPC, Meteoritical Bulletin Database, MetBase, NASA Exoplanet Archive, Exoplanet Orbit Database, VizieR, SIMBAD, NED, WEBDA, BAX, HyperLeda bazalar haqida ma’lumot berilgan. Ma’lumotlar bazalaridan “Astronomiya kursi” fanida mashg‘ulotlarini zamonaviy ma’lumotlar bilan boyitish qaralgan.

Kalit so‘zlar: ma’lumotlar bazasi, astronomiya, metod, ta’lim, yulduz, galaktika, to‘da.

USE OF ASTRONOMIC DATABASES IN ASTRONOMY TEACHING

ABSTRACT

The article provides information about astronomical databases: Solar System Exploration, MPC, Meteoritical Bulletin Database, MetBase, NASA Exoplanet Archive, Exoplanet Orbit Database, VizieR, SIMBAD, NED, WEBDA, BAX, HyperLeda. The databases will be used to enrich astronomy lessons with up-to-date information.

Keywords: database, astronomy, method, education, star, galaxy, cluster.

KIRISH

O‘zbekiston Respublikasining 2020 yil 23 sentyabrda “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni qabul qilindi. Qonunning 46-moddasida “Pedagog xodimlar: axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan, o‘qitish va tarbiyaning ilg‘or hamda innovatsion shakllari va usullaridan foydalanishi...” va boshqalar ko‘rsatib o‘tilgan [1]. Bu astronomiya kursi fanidan o‘quv mashg‘ulotlarini olib borishda pedagog kadrlardan zamonaviy ma’lumotlar va yangiliklardan foydalanish masalasini qo‘yadi. Bilamizki Bugungi kunga kelib, dunyo axborot tizimida juda ko‘p turli xil ma’lumotlar bazalari mavjud bo‘lib, ular tarkibi, yo‘nalishi va boshqalar bilan farq qiladi. Astronomiya, astrofizika, kosmik



tadqiqotlar va shu bilan bog'liq fanlar kabi bilimlar sohalari bo'yicha ma'lumot topishga imkon beradigan eng yirik ma'lumotlar bazalarini qaraydigan bo'lsak, bu sohadagi ma'lumotlar bazalarini maxsus kuzatish ma'lumotlariga asoslangan va bibliografik ma'lumotlar bazalariga ajratish mumkin. Agar astronomiya va unga bog'liq fanlar haqida gapiradigan bo'lsak, kuzatishlar ma'lumotlar bazasini faqat kuzatish ma'lumotlari, programmalar, loyihalar va apparatlar tavsifi ma'lumotlar bazalariga ajratish mumkin [2]. Bu ma'lumotlar bazalarini va ta'lim jarayoniga tadbqiqini ko'rib chiqaylik.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Solar System Exploration (AQSH). Quyosh tizimining tadqiqotlari bo'yicha ma'lumotlar bazasi. 1998 yil oktyabr oyidan o'z faoliyatini boshlagan, sayyoralar, kometallar va asteroidlar, kosmik dasturlar haqida ularning tadqiqotlari bo'yicha yangiliklar va asosiy hodisalar to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

MPC (AQSh). MPC ma'lumotlar bazasi - Xalqaro Astronomiya Ittifoqi (IAU) boshchiligidagi Smitson astrofizika observatoriyasida (SAO) faoliyat yurituvchi "Kichik sayyoralar" markazining ma'lumotlar bazasi hisoblanadi. Unda Quyosh tizimining kichik jismlari haqida ma'lumotlar mavjud: kometalar, asteroidlar va ularning sun'iy yo'ldoshlari. Ma'lumotlar bazasida 647 mingdan ortiq kometalar 99,3 millionga yaqin asteroidlar haqida ma'lumotlar jamlangan.

Meteoritical Bulletin Database (AQSH). Meteoritlar ma'lumotlar bazasi - bu London tabiiy tarix muzeyi [1] meteoritlar katalogi, meteorit nomenklaturasi ma'lumotlari va boshqalar asosida yaratilgan meteoritlarning ma'lumotlar bazasidir. Bazada 45 mingdan ortiq meteoritlar ma'lumotlari mavjud.

MetBase (Germaniya). MetBase ma'lumotlar bazasi 1994 yildan beri saqlanib kelmoqda, unda 31 mingdan ortiq meteoritlar haqida ma'lumotlar mavjud. Bu bazada 2000 dan ortiq turli meteoritlarning tasvirlari yig'ilgan. Ma'lumotlar bazasida turli xil (kitoblar, maqolalar jurnal, konferensiya tezislari, monografiyalar, elektron ommaviy axborot vositalari va boshqalar) jamlangan. Ma'lumotlar bazasi kutubxonasiga 1492 yildan hozirgi davrga qadar nashr etilgan adabiyotlar kiritilgan.

NASA Exoplanet Archive (AQSH). NASA Ekzoplanetar arxivi ma'lumotlar bazasi sayyoralar bo'yicha eng yirik ma'lumotlar bazalaridan biri hisoblanadi. Unda 658 yulduz atrofida aylanuvchi 844 ta ma'lum sayyoralar, shuningdek, 3,5 mingdan ortiq sayyoralikga nomzodlar haqida ma'lumotlar mavjud. To'plangan ma'lumotlarga yulduzlarning xususiyatlari (koordinatalar, magnitlar, haroratlar, massalar, radius va



boshqalar), aniqlash usullari, yorug'lik egri chiziqlari, tasvirlar, spektrlar va boshqalar kiradi.

Exoplanet Orbit Database (AQSH). Exoplanet Orbit Database — 717 ta tasdiqlangan sayyora va ~3 ming nomzod haqidagi ma'lumotlarga ega bo'lgan Quyosh sistemasidan tashqari sayyoralarning orbitalarining ma'lumotlar bazasi. Ma'lumotlar bazasi *exoplanets.org* resursida joylashgan va unga kirish Exoplanet Data Explorer yordamida mumkin, ya'ni: [3] Quyosh sistemasidan tashqari sayyoralarning ularning yulduzlari va manbalarga havolalar haqidagi ma'lumotlarga ega interaktiv jadvallar to'plami; [4] onlayn ma'lumotlarni qayta ishlash dasturi.

VizieR (Fransiya). 1996 yilda yaratilgan Strasburg VizieR ma'lumotlar bazasida hozirda nashr etilgan va elektron shaklda mavjud bo'lgan 11,1 mingdan ortiq kataloglar, shuningdek, 11,5 ming turli kosmik ob'ektlar haqida individual ma'lumotlar mavjud.

Kerakli obyektlar haqidagi quyidagilarni qidirish mumkin: katalog nomlari bo'yicha; kalit so'zlar bo'yicha; nurlanish diapazonlari bo'yicha; tadqiqotning muhim yo'nalishlarini qamrab oluvchi yo'nalishlar bo'yicha (masalan, yadrosi aktiv galaktikalar, tumanliklar, galaktika to'dalari, spektroskopiya bo'yicha ma'lumotlar, qizil siljishlar va boshqalar); ma'lumotlar bazasi kataloglarida joylashgan ob'ektlarning nomlari bo'yicha; astronomik ob'ektlarning koordinatalari bo'yicha.

SIMBAD (Fransiya). 2001 yilda to'liq ishga tushirilgan Strasburg astronomik ma'lumotlar bazasi SIMBAD o'zaro identifikatsiya qilish imkoniyatiga ega 7,07 milliondan ortiq astronomik ob'ektlar (17,6 million element), shuningdek, 280 mingdan ortiq bibliografik ma'lumotnomalarni o'z ichiga oladi.

Bu bazada astronomik ob'ektlarning nomlari bo'yicha, ularning koordinatalari bo'yicha, to'liqroq qidirish imkoniyati uchun ma'lumotlar bazasiga maxsus kiritilgan mezonlar bo'yicha, bibliografik tavsiflar bo'yicha (jurnallar nomlari, nashr etilgan yillar, mualliflar bo'yicha, nashrlar sarlavhalaridagi so'zlar, maqolaning izlari va boshqalar) va boshqalar ma'lumotlar qidirish mumkin.

NED (AQSh). NASA/IPAC Extragalactic Database — ekstragalaktik ma'lumotlar bazasi (NED deb qisqartirilgan). Ma'lumotlar bazasida 176,9 million turli xil fazoviy astronomik ob'ektlariga oid ma'lumotlar mavjud.

WEBDA (Avstriya). WEBDA ma'lumotlar bazasi galaktikalar va Magellan bulutlaridagi yulduz to'dalari haqidagi ma'lumotlar jamlangan. Bazaning birinchi versiyasida (1987) 570 tarqoq yulduz to'dalari haqida ma'lumotlar mavjud [5], 1995 yildan boshlab esa NGC, IC va boshqa yulduz


to‘dalarlar kataloglarida 100 mingdan ortiq obyektlar uchun ma'lumotlar yig‘ilgan [6].

BAX (Fransiya). X-Rays Galaxy Clusters Database - rentgen diapazonidagi astronomik kuzatuv ma'lumotlar bazasidir. Rentgen diapazonidagi to‘dalar haqidagi 600 ta maqola, oqim o'lchovlari mavjud bo'lgan 1,8 mingdan ortiq ob'ektlar uchun va 2 mingdan ortiq galaktikalar guruhlar va klasterlari, harorat o'lchovlari bo'yicha 500 dan ortiq to‘dalar to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

HyperLeda (Fransiya). HyperLeda Database - galaktikalar fizikasi bo'yicha ma'lumotlar bazasi hisoblanadi [8], 1983 yil LEDA katalogi asosida yaratilgan [9]. Hozirgi kunga qadar uning tarkibida 3 milliondan ortiq ob'ektlar ma'lumotlari mavjud bo'lib, ulardan 1,5 millioni tasdiqlangan galaktikalar. Unda obyektlar fotometriyasi va spektrofotometriyasi, astrometriyasi, morfologiyasi, yadro aktivligi, astrofizik xususiyatlari va shuningdek ichki dinamikasiga oid ma'lumotlar olish mumkin.

VizieR ma'lumotlaridan foydalanib mashg'ulotni tashkil etish

Astronomiya kursi fani dasturida berilgan mavzular bo'yicha talabalar bilimini oshirish, mustaqil fikrlash va ularda ilmiy salohiyatni shakllantirishda VIZIER ma'lumotlar bazasidan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi [10-12].



The screenshot shows the VizieR web interface. At the top, there is a navigation bar with links for Portal, Simbad, VizieR, Aladin, X-Match, Other, and Help. Below this, the main content area is titled 'VizieR' and contains several search options. On the left, there is a 'Search Criteria' sidebar with 'Preferences' (max: 50, HTML Table, All columns, Compute) and 'Mirrors' (CDS, France). The main area has a search bar for 'Find catalogs among 21783 available' with a 'Find...' button and an 'Expand search' checkbox. Below this, there are instructions for searching by catalog name or position. A table on the right lists search criteria for Wavelength, Mission, and Astronomy. At the bottom right, there is a 'Find Catalogs' button and a small image of a galaxy cluster.

1-rasm. VIZIER ma'lumotlar bazasi sayti yozdamida obyektlarni qidirish oynasi.

Astronomiya kursi dasturni qaraydigan bo'lsak, astrofizika bo'limiga doir masalalar VIZIER (<https://vizier.u-strasbg.fr/viz-bin/VizieR>) ma'lumotlar bazasi obyektlariga mos keladi (1-rasm). Masalan "Galaktikalar" mavzusini qaraydigan bo'lsak, talabalarga quyidagich topshiri berish mumkin:

- Galaktikalarning 2010-2022 yillarda chop etilgan kataloglarini topish (2-3-rasmalar);
- Tanlangan katalog haqida ma'lumot berish;

- Katalogdagi fizik parametrlarining emperik bog‘lanishlarini topish.




2-rasm. Obyekt nomini yozib qidirish operatori.

Wavelength	Mission	Astronomy
Radio	AKARI	Extinction
Millimeter	ANS	Galaxies
IR	ASCA	Galaxies:Markarian
optical	BeppoSAX	Galaxies:spectra
UV	Cassini-Huygens	Globular_Clusters
EUV	CGRO	Gravitational_lensing
X-ray	Chandra	Gravitational_wave

3-rasm. Kerakli obyekttni tanlash operatori.

Bunda o‘quv jarayonida o‘zlashtirish ko‘rsatkichini oshirish uchun “Klaster” metodini qo‘llash maqsadga muvofiq (4-rasm).



4-rasm. Ma'lumotlar bazasida foydalanishda klaster metodi.

Klaster – inglisch so‘z bo‘lib, g‘uncha, bog‘lam ma‘nosini anglatadi. Axborotlarni klasterlarda namoyish etish ko‘p variantli fikrlashni, o‘rganilayotgan tushunchalar o‘rtasida aloqa o‘rnatish malakalarini rivojlantiradi, biror mavzu bo‘yicha talabalarning erkin va ochiqdan-ochiq fikrlashiga yordam beradi.

XULOSA

Astronomiyani o‘qitishda ma‘lumotlar bazalaridan foydalanish katta samaraberadi. Shuning uchun ham astronomiya faniga oid adabiyotlarni ilmiy-tadqiqot yutuqlari bilan boyitish zarur. Talabalar astronomiyaning nazariy qonuniyatlari bilan tanishibgina qolmasdan, amaliy tadbirlarini ham ko‘rish va o‘zlari ilmiy natija olish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Bu esa talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlarini boshlashga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasining 2020 yil 23-sentyabrdagi 637-sonli "Ta‘lim to‘g‘risidagi qonuni".

2. Кувшинова И.Б., Кувшинова Е.Е., Никольская И.Ю. Зарубежные астрономические базы данных. Обзор и сравнительный анализ. Информационное обеспечение науки: новые технологии. 2013. 230-243 сс
3. Monica M. Grady. Catalogue of Meteorites, 5th ed., Cambridge University Press, 2000, 689 pp.
4. Jean-Claude Mermilliod. Description of a database for stars in open clusters, 1988, Bull. Inform. CDS 35, 77–91.
5. Jean-Claude Mermilliod. The database for galactic open clusters (BDA), 1995, Information & on-line data in astronomy, 127–138.
6. R. Sadat, A. Blanchard, C. Mendiboure. BAX: A dedicated X-Rays galaxy clusters Database, 2003, arXiv:astro-ph 0302171.
7. R. Sadat, A. Blanchard, J.-P. Kneib et al. Introducing BAX: A data- base for X-ray clusters and groups of galaxies, 2004, A&A, 424, 1097–1100.
8. P. Prugniel, P. F. Ortiz, L. Binette et al. HYPERLEDA: a Tool for Studying Galaxies, Mining the Sky: Proceedings of the MPA/ESO/MPE Workshop Held at Garching, Germany, July 31 — August 4, 2000, ESO ASTROPHYSICS SYMPOSIA. Springer-Verlag, 2001, p. 683.
9. G. Paturel, P. Fouque, L. Bottinelli, L. Gouguenheim. An extragalac- tic database. I — The Catalogue of Principal Galaxies, 1989, A&A Sup. Ser., 80, 299–315.
10. S. Sh. Kutlimuratov. On the states of evolution of rich clusters of galaxies. Ares. Vol 2 (3) 2021. 1124-1130 pp
11. A. M. Tillaboyev. Astronomiya kursini o„qitishda zamonaviy ilmiy-tadqiqot natijalaridan foydalanishning metodik tizimi. Ares. Vol 2 (5) 2021. 907-913 pp
12. A. M. Tillaboyev. Astronomiya fanining ilmiy-tadqiqot yutuqlarinita’lim tizimiga qo‘llashning nazariy asoslari. Ares. Vol 2 (2) 2021. 462-466 pp



FRAZEOLOGIK IBORALARNING TEMATIK VA SEMANTIK TAHLILI (ITALYAN TILIDAGI IBORALAR MISOLIDA)

Behzod Xudoyqulov

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi
bekhzod338@gmail.com

Mavluda Jumayeva

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Har bir tilda, iboralar nutqning ko'rkidir. Shu maqsadda muloqotda nutq o'stiruvchi vositalarni, ulardan foydalanish usullarini, iboralar va tasviriy ifodalarni o'rganish muhimdir. Har bir tilda bo'lgani kabi italyan tilida ham frazeologik iboralar muhim tadqiqot mavzusi bo'lib, shu paytgacha ko'plab tilshunoslar tomonidan o'rganilib kelinmoqda. Mazkur maqolada italyan tilidagi iboralarning tematik tasnifi va semantik xususiyatlari atroflicha yoritib berilgan. Boshqa chet tillari kabi italyan tili ham iboralarga boy til hisoblanadi. Ushbu maqolada italyan tilidagi ayrim iboralarning tasnifi va semantik xususiyatlari turli misollar orqali tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: Frazeologizm, bora, tarjima, shakl va ma'no, ko'chma ma'no, ekvivalent.

THEMATIC AND SEMANTIC ANALYSIS OF SOME PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE ITALIAN LANGUAGE

ABSTRACT

Phraseology is an integral part of each nation's heritage. It is through phraseology that the mentality and lifestyle of a given society are transmitted and reflected. Phraseology provides invaluable clues to understanding the thought processes of any population. It represents the treasury of any language, because phraseology reflects the history of people and their national character.

The article focuses on the analysis of phraseological units in Italian. Theoretical data about phraseological units are discussed and analyzed with reasonable examples.

Keywords: Phraseology, phraseological unit, translation, expression, equivalent.



KIRISH

Tilshunoslikda aksariyat hollarda iboralarga nisbatan frazeologik birlik sifatida qaraladi. Frazeologik tizimning milliy-madaniy muammolari hozirgi kunga kelib, ko'plab tilshunoslarning tadqiqot ob'ektiga aylanayotganligi bejiz emas, albatta. Buni oxirgi yillarda "Til va madaniyat" muammosiga bo'lgan e'tibor va qiziqish, shuningdek, zamonaviy tilshunoslikning antropologik paradigmasida rivojlanishi bilan izohlash mumkin. Tilning inson bilan o'zaro, chambarchas bog'liqligini hisobga olgan holda uning ongi, dunyoqarashi, ruhiy va amaliy faoliyatini o'rganishga yo'naltirilgan antropologik tilshunoslik nazariyasining frazeologik tizimga tatbiq etish zaruriyati tabiiy va muhim voqelikdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Frazeologizmlar va turg'un ifodalar asosida shakllangan frazemali idiomalar Bunga qo'shimcha ravishda, bu tasniflashni yanada kengaytirish mumkin. Frazeologizmlarni semantik xarakteriga ko'ra quyidagicha ajratish mumkin:

- Fe'li iboralar
- Predlogli iboralar
- Gastronomik iboralar
- "Non" so'ziga oid iboralar
- "Suv" so'ziga oid iboralar
- Son komponentli iboralar
- Tana a'zolariga oid iboralar
- Hayvon nomlariga oid iboralar
- Rang – tus nomlariga oid iboralar
- Vaqt so'ziga oid iboralar
- Oila mavzusiga oid iboralar
- Yer so'ziga oid iboralar
- Oy so'ziga oid iboralar
- So'z va so'zlashga oid iboralar
- Tinchlik so'ziga oid iboralar kabi.

Italyan tilida ham iboralarni semantik xarakteriga ko'ra ushbu guruhlariga ajratish mumkin:

1. Modi di dire con i verbi - Fe'li iboralar:

Dare una mano - Yordam qo'lini cho'zmoq/yordam bermoq .

Alzare le mani - Qo'l ko'tarmoq/urmoq.

Di seconda mano - Ishlatilgan, qo'ldan – qo'lga o'tgan narsa buyum (avtomobil) ga nisbatan ham ishlatiladi.

Chiedere la mano - Qo'lini so'ramoq (qiz boladan turmushga chiqishini so'ramoq) ma'nosida ishlatiladi.

Prendere per mano - Yordam bermoq, to'g'ri yo'lni korsatmoq.

Essere al settimo cielo- Baxtga/ quvonchga to'la bo'lmoq.

Dare coraggio - Ruhlantirmoq.

Andare in fumo - Barbod bo'lmoq

Essere in gamba - O'zini o'nqlab olgan, oyoqqa turgan.

Essere a portata di mano- Juda yaqin, bir qadamda.

Fuori mano - Uzoqda/ uzoqda joylashgan

Mani in pasta - Qo'lida ishi bor/ishi tayin

Ha le mani bucate - Qo'li ochiq, sahiy;

2. Modi di dire con le preposizioni - Predlogli iboralar:

A caro prezzo - Qimmat narxda

A dire il vero - Rostini gapirganda

A dirla schietta - Ochiq,oydin gapirganda

A due mani - Sahiy

A mano a mano - Sekin-sekin, bosqichma-bosqich.

A nessuno e nascosto - Hech kimga sir emas (hammaga ma'lum...)

A noi! - Boshladik! (Bizning navbat!)

A norma di legge - Qonunga muvofiq

Alla buona - 1.Oddiy, 2. Shikoyatsiz

Di buon passo - Tez qadamlar bilan

Di buona lega - Yaxshi sifatda (sifatli).

Di fatto - Aslida

Di sotto il naso - Burinning ostida

Di sua resta - O'z aqli bilan, mustaqil ravishda

Di tutto il cuore - Butun yuragi bilan

Di tutto l'anima - Bor qalbi bilan

Di buon'ora - Barvaqt;

Di gran lunga - Juda, juda ko'p;

Di punto in bianco - To'satdan, tasodifan

3. “Non” (Pane) so‘zi bilan ishlatiladigan iboralar:

“Buono come il pane“ – Muloyim insonga nisbatan

ishlatiladi

“**Non è pane per i tuoi denti**” – (Bu narsa) Senga atalmagan, degan ma’noda ishlatiladi.

“**Per un pezzo di pane**” – Juda past narxda.

“**Essere come pane e cacio**” – Butunlay rozi bo‘lmoq, kelishmoq

“**Mettere a pane e acqua**” – Jazo bermoq

“**Dire pane al pane, vino al vino**” – Ochiq-oydin gapirmoq

“**Chi ha i denti non ha il pane e chi ha il pane non ha i denti**” – Ilhom bo‘lganda imkoniyat yo‘q, imkoniyati bo‘lganda ilhom yo‘q.

“**Levarsi il pane di bocca**” – Boshqalar uchun o‘zini (borini) fido qilmoq.

“**Misurare il pane**” – Rizqini qiymoq, xasis bo‘lmoq.

4. “Suv” (Acqua) so‘zi bilan ishlatiladigan iboralar:

Acqua in bocca! – Jim! Sirni boy berma ma’nosida .

All’acqua e sapone – Tabiiy, bo‘yoqlarsiz.

Andare il cervello in acqua – Aqldan ozmoq. Ahmoqona gapirmoq.

Avere (o venire) l’acquolina in bocca – Biror taomga kuchli xohishi, istagi bo‘lmoq.

Bere d’ogni acqua – Mavjud bo‘lgan, mumkin bo‘lgan barcha narsani olmoq.

Essere come bere un bicchier d’acqua – Juda yengil, oson bo‘lmoq.

Essere con l’acqua alla gola – Qiyinchilikda bo‘lmoq.

Essere come l’acqua e il fuoco – Butunlay mos kelmaydigan.

Essere in acque basse – Mablag‘i kam bo‘lmoq.

Fare acqua da tutte le parti – Ishlamaydigan, nosoz (narsa)

Gettare acqua sul fuoco – Vaziyatni tinchlantirmoq.

5. Quyidagi misollarda italyan tilidagi ayrim somatik iboralarga to‘xtalib o‘tamiz:

Prenderci la mano - *O‘rganib olmoq, qo‘li kelishib qolmoq.*

Fatto a mano – *Qo‘lda yasalgan, yasama*

Ci si lavano le mani – Ma’suliyatsiz bo‘lmoq - *biror ma’suliyat olmaydigan kishiga nisbatan.*

Avere le mani sporche – *Aybdorlikni ifodalaydi. (so‘zma-so‘z tarjimada - kir qo‘llari bo‘lmoq).*

Lavarsene le mani – *Ma’suliyatdan bosh tortish*

Mettere la mano sul fuoco - *Kafolat bermoq, aniqligini tasdiqlamoq.*

Mani pulite – *To‘g‘ri, xatoga yo‘l qo‘ymagan*

Stringere la mano – *Yaxshi, muvaffaqiyatli kelishuvlar bo'lganda ishlatiladigan ibora.*

Avere le mani lunghe - Qo'li uzun bo'lmoq, yetarli qudrati bo'lmoq.

Mettersi le mani nei capelli (si fa così quando si è disperati) – *Umidsiz qolmoq ma'nosida.*

Un pugno di mosche in mano – *Hech narsaga erishmasdan, hech narsasiz qolmoq.*

Essere un tipo o una persona alla mano - *do'stona, ko'ngli ochiq va har qanday vaziyatga kirishib keta oladigan odamga nisbatan ishlatiladi.*

Essere a portata di mano - bu ibora biror joyni juda yaqinda joylashganini ifodalashda ishlatiladi. Ma'nosi: *Juda yaqin, bir qadamda.* Iboraning aksi - **fuori mano**; Ma'nolari: Uzoqda/ uzoqda joylashgan

Prendere per mano – *Yordam bermoq, to'g'ri yo'lni korsatmoq* kabi iboralar misol bo'ladi.

6. Italyan tilidagi “bosh” komponentli somatik iboralar:

Tagliar la testa al toro - *Keskin qaror qabul qilmoq. (So'zma – so'z tarjimasi -Ho'kizning kallasini kesmoq)*

Lavare la testa all'asino - *(So'zma – so'z tarjimasi –Eshakning kallasini yuvmoq)-* Iбора – *Foydasiz ishni bajarmoq ma'nosida.*

Dare una lavata di testa a qualcuno – Biror kishiga qattiq tahbeh bermoq.

Fasciarsi la testa prima d'essersela rotta - Biror narsa uchun oldindan (befoyda) tashvishlanmoq.

Essere una (gran) testa – Ma'nosi - *Judda zukko, aqlli inson. (So'zma – so'z tarjimasi –kallasi bor).*

Testa matta, stramba – *O'zini hayratlanarli, g'alati tutadigan insonga nisbatan ishlatiladi.*

Testa calda – *G'ayrati/jahli tez odam ga nisbatan ishlatiladi.*

Testa dura – *O'jar/qat'iyatli odam ga nisbatan ishlatiladi.*

7. Italyan tilidagi “ko'z” komponentli somatik iboralar:

Chiudere un occhio → O'zini hech narsa bo'lmagandek tutmoq, biror narsaga ko'z yummoq.

Aprire gli occhi → *Ko'zini ochmoq (to'g'ri yo'lni ko'stamoq.)*

A occhi chiusi → Osonlik bilan, katta ishonch bilan (biror ishni bajarmoq)

Occhio e croce → Chamasi, taxminan.

A quattr'occhi → *Ikki kishining yaqin, yuzma-yuz muloqoti da ishlatiladi – Ko'z-ko'zga tushib, yuzma – yuz ma'nolarida.*

Vedere di buon occhio → *Xayrihoxligi bo'lmoq (biror kishiga yoki vaziyatga nisbatan).*

8. Modi di dire sugli animali - hayvon nomlariga oid iboralar

Tagliare la testa al toro - Muammoga yechim topish.

Una febbre da cavalla - Yuqori darajadagi isitma.

Cavallo di battaglia - Eng yaxshi uddalangan ish/asar.

Essere a cavallo - Yaxshi joyda/nuqtada bo'lish.

Una dose da cavallo - Dorining yuqori dozasi – ga nisbatan ishlatiladi (tibbiyotda)

Capro espiatorio - Hamma aybni o'z bo'yniga oladigan.

Salvare capra e cavoli - Har ikkala talabni ham qondirmoq/qoniqtirmoq.

Essere come una cicala - Kun o'tariga yashab, pulni sarflaydigan.

Essere come una formichina - Pulni tejaydigan va kelajakni o'ylaydigan bo'lish.

Fare la civetta - Ahmoqona gapirib e'tiborni tortmoq.

Aver la memoria come un elefante - Juda zo'r xotiraga ega.

9. Modi di dire con i colori - rang – tus nomlariga oid iboralar:

Passare la notte in bianco - Tunni uyqusiz o'tkazish.

Essere bianco dalla paura - Juda qo'rqmoq.

Dare / fare un assegno in bianco - Kingadir moliyaviy ekinlik (pul sarflashga)/ruxsat berish.

Fare una settimana bianca - Tog'da qishki ta'tilni o'tkazish.

Vedere nero - Hammasini salbiy jihatdan ko'rish.

Essere nero - Juda yomon kayfiyatda bo'lish.

Cronaca nera - Kriminal xabarlar

Essere al verde - Pulsiz bo'lmoq.

Essere verde dall'invidia - Juda hasadgo'y bo'lish.

Avere il pollice verde - Gul/o'simlik parvarishlashda uddaburon. Qo'li gul.

Dare il disco verde - Biror narsaga yo'l ochib berish.

Vedere rosso - Jahli chiqqan.

Essere rosso dalla vergogna - Juda tortinmoq/uyalmoq.

9. Modi di dire sul tempo - vaqt so'ziga oid iboralar:

A tempo – Vaqtida[4,35].

A tempo avanzato - Bo'sh vaqtlarda

Ad un tempo - Bir vaqtda

Col tempo - O'z vaqti bilan, o'z vaqtida

Da piu tempo - Uzoq vaqtga

Da tempo - Allaqachon

Di gran tempo - Katta yoshda

Di mezzo tempo - O'rta yosh

Essere a tempo a (+inf) - O'z vaqtida ulgurish

Essere in tempo - Ulgirmoq.

Fare il suo tempo - O'z vaqtini yashagan/o'z davrida yashagan (charchagan)

Fare in tempo a (+inf) - O'z vaqtida ulgurmoq.

Fino a poco tempo addietro - Yaqin vaqtgacha

10. Modi di dire sulla famiglia - oila mavzusiga oid iboralar:

Fare famiglia con qd - Biror kishi bilan birga yashash

Figlia di famiglia - Yaxshi oilaning qizi

Figlio di famiglia - Taniqli oila farzandi

Farsi una famiglia - Oila qurish

Tenere famiglia - Oilani birlashtirib ushlab turish

Fanciulla madre -Yolg'iz ona

Fare una scena madre - Jahl bilan ko'p gapirish

Potrebbe essere tuo padre (tua madre) - U sening ota-onangdek

Sollecito come una madre - O'z onasidek g'amxo'r, mehribon.

Rifare il nonno - Bolaga bobosining ismini berish.

La moglie del barbiere - Yengil tabiatli ayol

11. Modi di dire sulla terra - yer so'ziga oid iboralar:

Cadere a terra -Muvaffaqiyatsizlikka uchrash, qulash.

A fine terra -Dunyoning chekkasida

Ci corre quanto dal cielo alla terra - U yerdan osmon qadar uzoqda

Esserci differenza quanto dal cielo alla terra - Yer bilan osmonchalik farqi

bo'lmoq

Farsi terra terra -Yarashmoq

Inchino profondo (fino a terra) - Yerga egilib ta'zim qilish.

Interrare - Dafn qilish

Mettere piede a terra - Yerga tushish (ot, arava va

boshqalardan)

Terra pagina - Madaniyat va san'at bo'limi (Italiya gazetalarida)

Terra promessa - Va'da qilingan yer

12. Modi di dire sulla luna - oy va quyosh so'zlariga oid iboralar:

Colpo di luna - Tasodifiy ehtiros

Luna di miele - Asal oyi

Vivere nel mondo della luna - Dunyodan tashqarida, boshqa dunyoda yashamoq

Levare le pecore dal sole - Biror narsani yashirmoq

Mangiare un poco di sole - Quyoshda toblanmoq

Mettere la pancia al sole - Xavotirsiz/tashvishsiz yashamoq

Posto al sole -Quyoshli joy, quyosh tushadigan joy

13. Modi di dire sulla parola e parlare - so'z va so'zlashga oid iboralar:

Ritira la parola! - So'zlaringni/gapingni qaytarib ol.

Rubare la parola in bocca a qd - Birov aytmoqchi bo'lgan narsani boshqasi ilg'ab oldindan aytib qo'yish

Senza dir parola - Bir so'z demasdan

Stando alla parola - So'zma-so'z

Tradurre a parola - So'zma-so'z tarjima qilish

Uomo di parola - So'zida turadigan/ishonchli odam

Perdere il dono della parola - Nutq kuchini yo'qotish

Parla per parola - So'zma-so'z

14. Modi di dire sul pace - tinchlik so'ziga oid iboralar:

Con sua buona pace -Sizning ruxsatingiz bilan

Fare pace -Tinchitmoq

Fare pace con se - Tinchlanmoq

Lasciare in pace - Tinch qo'yish

Mettersi l'animo in pace - Murosaga kelish

Nemmeno un momento di pace - Bir dam orom/tinim yo'q

Non aver pace (requis) - Orom/dam nimaligini bilmaydigan

Pace e calma - Tinch va sokin

Prendersi qc in santa pace - Har narsaga sabr qilish.

XULOSA

Frazeologik iboralarni turli tomondan o'rganish va unga har tomonlama yondashish, uning xususiyatlarini ochish,



umumlashtirish yangidan-yangi iboralar hisobiga tilimizni boyitish uchun xizmat qiladi.

Bundan tashqari xorijiy tildagi iboralarning tarjimasi va muqobilini topish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi kunda o'zbek tilidagi iboralarni chet tillarida va aksincha chet tillardagi iboralarni to'g'ridan to'g'ri asliyat tilidan o'zbek tilidagi tarjimada aks ettirish alohida ahamiyatga ega. Tarjimada shakl va mazmun munosabatini bejirim talqin etish hamda tarjimaning badiiy nafosati va milliy xususiyatini yuzaga keltiruvchi barcha lisoniy-uslubiy vositalar vazifalarini ijodiy aks ettira oladigan muqobil til va nutq birliklari tanlash vazifasi qo'yiladi. Chunonchi, muallif tomonidan foydalanilgan har bir bayon va tafsilot, har qanday so'z va ibora asosiy g'oyaning vujudga kelishida muhim ahamiyat kasb etadiki, asarning tarkibiy qismini tashkil etadigan bunday badiiy-tasvir vositalarning to'la-to'kis idrok etilishi va tarjimada ijodiy qayta yaratilishigina muloqot maqsadiga erishish imkoniyatini yaratadi.

REFERENCES

1. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2009. – 122 б.
2. Kamolov N. “Tarjima san’ati” maqolalar to’plami. Bu qadimiy san’at. – T.: G’ofur G’ulom, 1976. – 118 b.
3. Salomov G’. Tarjima nazariyasiga kirish. – T.: O’qituvchi, – 1978. – 291b
4. T.Oltiev, B.Xudoyqulov. “Italyan tilidagi iboralarning tarjimasi” lug’ati. – SamDCHTI :2021.
5. Xudoyqulov B. “Frazeologizmlarning asosiy xususiyatlari”. - Uchinchi renessans: ilm-fan va ta’lim taraqqiyoti istiqbollari konferensiya materiallari. 2021. 312 b.
6. Xudoyqulov B. “Italyan tilida ayrim fe’llar bilan ishlatiladigan iboralar va ularning semantik tahlili”. – Xorazm Ma’mun akademiyasi axborotnomasi -1/2022. 268 b.
7. Xudoyqulov B.- Italyan tilidagi ayrim iboralarning tajimasi xususida “Сўз санъати халқаро журнали”. – 4 jild, 6 son. 2021. 175 b.
8. Xudoyqulov B.- Linguacultural Features of Phraseological Units in Italian Language - “Commonwealth Journal of Academic Research (CJAR.EU)” volume 3. Issue 1. 2022. 5 b.
9. Xudoyqulov B. – Frazeologik birliklarning lingvomadaniy xususiyatlari - “Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences”, 1(11): 2021. 948 b.



JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA MATIVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASHNING AFZALLIKLARI

Iroda Baxtiyor qizi Matmuratova

Jizzax davlat pedagogika instituti o'qituvchis

Adiba Abdug'ani qizi O'razboyeva

Jizzax davlat pedagogika instituti magistranti

ANNOTATSIYA

Interfaol ta'lim texnologiyasi – har bir o'qituvchi barcha o'quvchilar ko'zda tutilgandek o'zlashtiradigan mashg'ulot olib borishni ta'minlaydi. Ushbu maqolada jismoniy tarbiya darslarida mativatsion texnologiyalarni qo'llashning afzalliklari haqida ma'lumot berilgan va metodlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash, innovatsion texnologiyalar, interaktiv metodlar, ta'limning barcha sohalarini, pedagogik texnologiyalar, innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirish.

ABSTRACT

Interactive Learning Technology - Each teacher provides a lesson that all students can master as intended. This article gives you a brief overview on fraud and how to use it in your physical education class.

Keywords: Competitive training, innovative technologies, interactive methods, all areas of education, pedagogical technologies, the pursuit of innovation, student activation.

KIRISH

Hozirgi kunda ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalar va interaktiv metodlarni qo'llashga qiziqish tobora keng tus olmoqda. Bunday metodlarni qo'llash ta'lim samaradorligi va ta'sirchanligini oshiradi, o'quvchilarning o'qish motivlarini o'stiradi. Innovatsiya (inglizcha innovation) yangilik yaratish, yangilikdir. Demak an'anaviy ta'limdagi kabi bir xil shablonlar asosida emas, balki yangiliklar asosida ta'lim jarayonining ta'sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shaklidan foydalanish innovatsiya demakdir. Mustaqil davlatimizning taraqqiyoti ta'limning barcha sohalaridagi kabi jismoniy tarbiya sohasida ham katta islohotlarni talab qiladi. Raqobatbardosh kadrlarni



tayyorlash jamiyatning muhim ehtiyojini qondirishning eng zarur sharti hisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Ta'limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interaktiv metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi. Hozirgi interfaol mashg'ulotlarni olib borishda ma'lumki, asosan interfaol usullar qo'llanilmoqda. Kelgusida esa bu usullar ma'lum darajada interfaol texnologiyasiga o'sib o'tishi maqsadga muvofiq. Bu interfaol usul hamda texnologiya tushunchalarining o'zaro farqini bizningcha, shunday ta'riflash mumkin. Interfaol ta'lim usuli – har bir o'qituvchi tomonidan mavjud vositalar va o'z imkoniyatlari darajasida amalga oshiriladi. Bunda har bir o'quvchi o'z motivlari va intellektual darajasiga muvofiq ravishda turli darajada o'zlashtiradi. Interfaol ta'lim texnologiyasi – har bir o'qituvchi barcha o'quvchilar ko'zda tutilgandek o'zlashtiradigan mashg'ulot olib borishni ta'minlaydi. Bunda har bir o'quvchi o'z motivlari va intellektual darajasiga ega holda mashg'ulotni oldindan ko'zda tutilgan darajada o'zlashtiradi.

NATIJALAR

O'qituvchi dars davomida turli interaktiv metodlar (“Bumerang”, “Charxpalak”, “Aql charxi” va boshqalar)dan foydalanishi mumkin. Masalan, “Charxpalak metodi”. O'quvchilar guruhlariga bo'linib, ularga topshiriqlar yozilgan varaqa tarqatiladi. O'quvchilar topshiriqni bajarganlaridan keyin ularning ishlari guruhdagi boshqa o'quvchilarga tarqatildi. Ular tegishli o'zgartirishlar kiritganlaridan keyin yana boshqa o'quvchilarga beriladi va shu tarzda o'quvchilarning har birining ishi guruhdagi barcha o'quvchilar qo'lidan o'tadi va oxiri o'ziga qaytadi. Har birlari o'zlari nuqtai nazaridan ishga o'zgartirishlar kiritishlari mumkin. Keyin o'qituvchi to'g'ri javobni ko'rsatadi. Bu usulda o'quvchilar ijodiy fikrlashga, o'z fikrlarini erkin bayon etishga va o'z kamchiliklarini bilish imkoniyatiga ega bo'ladi. “Aql charxi” usulida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi, nutq ravonlashadi, tez va to'g'ri javob berish malakasi shakllanadi. Bu o'yinda ikki yoki uchta o'quvchidan iborat guruhchalar ishtirok etiladi. Birinchi o'quvchi mavzuga doir terminlardan birini aytadi. Ikkinchi o'quvchi birinchi o'quvchi aytgan termini qaytaradi va o'zi ham bitta termin aytadi. Uchinchi o'quvchi avvalgi ikkita termini qaytaradi va bitta termin qo'shib aytadi. Yana birinchi o'quvchiga navbat keladi, u ham avvalgi uchta termini qaytaradi va o'zi bitta termin qo'shib aytadi. Qaysi o'quvchi adashib ketsa yoki aytilgan

terminlardan qaytarib aytsa o'yindan chiqadi. Shu tariqa o'quvchilar guruhi davom etadi. Bu o'yinni tashkil etishda maqsad aniq bo'lishi va o'quvchilarning qaysi bilim, ko'nikma va malakalarni egallashlariga e'tibor qaratilishi muhimdir. Masalan: sport turlarini ayting:

1-o'quvchi: futbol.

2-o'quvchi: futbol–voleybol.

3-o'quvchi: futbol – voleybol – boks.

4- o'quvchi: : futbol – voleybol – boks–tennis

5-o'quvchi: futbol – voleybol – boks–tennis – karate

6-o'quvchi: futbol – voleybol – boks–tennis – karate va boshqalar.

O'quvchi so'zlarni ketma-ket aytishda xatoga yo'l qo'ysa o'yindan chiqadi. Xuddi shu yo'nalishda "Sport turlari" va boshqa mavzularini o'rganishda ham bu o'yindan foydalanish mumkin. Ayniqsa bu o'yin darslarni umumlashtirish va takrorlash darslarida qo'l keladi. Jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarning o'qish motivini rivojlantirish katta ahamiyatga ega. Chunki motiv o'quvchilarni ta'lim jarayoniga qiziqtiradi, o'quvchilarning darsga faol qatnashishga, bilimlarni egallashga undaydi. Interaktiv metodlar o'qish motivini rivojlantirishga katta yordam beradi.

MUHOKAMA

Bugungi kunda ta'limni tashkil etishga qo'yiladigan muhim talablardan eng muhimlaridan

biri otiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuqori natijalarga erishishdir. Jamiyatning yuqori malakali raqobatbardosh kadrlarga bo'lgan ehtiyojini qondirish uchun boshlang'ich sinfdan boshlaboq tinimsiz izlanish, ta'limning yangi samarali usullarini qidirish va kashf qilish zarur. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o'quvchilarga yetkazib bera olish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek o'quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko'nikmalar hamda malakalar darajasini baholash o'qituvchilardan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim darajasiga nisbatan kompetensiyaviy yondoshuvni talab etadi.

Hozirgi kunda bir qator rivojlangan mamlakatlarda bu borada katta tajriba to'plangan bo'lib, ushbu tajribalar asoslarini tashkil etuvchi usullar interfaol usullar nomi bilan yuritilmoqda. Quyidagi ta'lim amaliyotida i

nterfaol sullaridan “Aqliy hujum”, “Klaster”dan foydalanish borasida so‘z yuritimiz.

Jismoniy tarbiya darslarida innovatsion texnologiyalardan foydalangan holda, ta’limni sifatini oshirish orqali, uni samaradorligini ta’minlash asini tashkil etadi. Shuningdek, u qanday o‘qitish metodlaridan foydalanishi ham muhim ahamiyatga ega. Metod tanlashda ko‘proq interaktiv metodlarga e’tiborni qaratish ta’lim samaradorligini oshiradi. Interaktiv so‘zi inglizcha – interaction, ya’ni, inter – aro, o‘zaro, act – harakat ma’nosini anglatadi.) Interaktiv usullar – bu o‘zaro harakat, ya’ni hamkorlik asosida o‘qitish demakdir. Interaktiv usullarning to‘rtta asosiy turi mavjud. Bularga quyidagilar kiradi:

- o‘yinlar, eksperimental faoliyat va kognitiv usullar;
- ishbilarmonlik o‘yinlari, modellashtirish;
- amaliyot orqali o‘qitish, bevosita faoliyat.

Interaktiv usullarning barchasida ham o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyati o‘rtasidagi hamkorlik, o‘quvchining ta’lim jarayonidagi faol harakati ko‘zda tutiladi.

XULOSA

Ta’lim jarayonini innovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun avvalo darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur. Dars loyihasini tuzishda o‘qituvchi o‘zining ish shakllari va o‘quvchilarning ko‘nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim.

REFERENCES

1. Azizxo‘jayeva N.N. O‘qituvchi mutaxxisslari tayyorlash texnologiyasi. – T.: «Nizomiy TGPU». 2000. - 52 b.
2. Berdiqulov B. Sport kurashida trenirovka yuklamalarini nazorat qilish. Xalq ta’limi jurnali. 2001 y. 101-105 betlar.
3. Qurbonov Z.A. “Umid nihollari” musobaqasida futbol o‘yini. Xalq ta’limi jurnali. 2002 y. 84-87 betlar
4. Qurbonova M. Sog‘lom avalodni tarbiyalashda xalq milliy o‘yinlari. Xalq ta’limi jurnali. 2000 y. 116-118



PROFESSIONAL TA'LIM - INNOVATSION TA'LIM TIZIMINING ASOSI

Ma'ruf Olimovich Muqimov
Jizzax davlat pedagogika instituti

ANNOTATSIYA

Uzluksiz professional ta'lim ixtiyoriylik tamoyiliga asoslanganligi sababli ham xorijda sinovdan o'tgan ta'limning jozibadorligini ta'minlash prinsiplari amaliyotga joriy etiladi. Ushbu maqolada professional ta'lim - mutaxasislarni kasbiy faoliyatga tayyorlashning asosi

Kalit so'zlar: professional ta'lim, pedagogik tajriba, innovatsiyalar, ta'lim tizimi, zamonaviy qiyofa, duol ta'lim, iqtisodiy jarayonlar, yangicha yondashuv, o'qitish texnologiyasi, elektron ta'lim resurslari, innovatsion, raqamlashtirilgan ta'lim texnologiyalari.

ABSTRACT

Since continuing professional education is based on the principle of voluntariness, the principles of ensuring the attractiveness of education tested abroad are also put into practice. In this article, professional education is the basis for training professionals

Keywords: professional education, pedagogical experience, innovations, education system, modern image, dual education, economic processes, new approach, teaching technology, e-learning resources, innovative, digital lim technologies.

KIRISH

Bugun voyaga yetayotgan navqiron avlodni intellektual salohiyatli, zukko qilib tarbiyalash, ularga puxta bilim berish mutaxassislarning yuksak bilim darajasiga bevosita bog'liqdir. Barchamizga ma'lumki, XXI asr boshlarida kechayotgan global ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar, dunyoning g'oyaviy-mafkuraviy qiyofasini o'zgartirib, yangicha tafakkur va dunyoqarashni shakllantirishni taqozo etmoqda. Bu esa ta'lim tizimida tub islohotlar qilishni talab etayapti desak mubolag'a bo'lmaydi. Xozirgi kunda kasb-hunar maktablari, kollejlari va texnikumlarning moddiy texnik bazasi mustaxkamlanib, ta'lim sifati yuqori bosqichga ko'tarilib borilayotgan bir vaqtda pedagog kadrlarni qayta tayyorlash tizimi ham yo'lga qo'yildi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Bugungi kunda ta'lim sohasida iolib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar barcha ta'lim muassasalarining yangicha zamonaviy qiyofasini ko'zlamoqda desak mubolag'a bo'lmaydi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2019 yil 6 sentyabrda "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni qabul qilinganligi fikrimizning yaqqol dalilidir. Mazkur Farmon O'zbekiston tarixida yangi professional ta'lim tizimini tashkil etishga asos bo'ladi. Ushbu farmon yuzasidan 2020 yil 24 yanvarda davlatimiz rahbari o'z Murojaatnomasida "Joriy o'quv yilidan boshlab, mutlaqo yangi professional ta'lim tizimi yo'lga qo'yilib, kasb-hunar maktablari, kollejlari va texnikumlar tashkil etiladi" deb mazkur tizimning ahamiyatini yana bir bor alohida ta'kidlaganlari barcha kasb-hunar maktablari, kollejlari va texnikumlarning yangi zamonaviy qiyofada faoliyat yuritishlariga turtki bo'ldi.

NATIJALAR

Professional ta'lim muassasalari boshqaruv hamda pedagog kadrlarining kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarini uzluksiz yangilab borish mexanizmlarini joriy etish, zamonaviy talablarga muvofiq professional ta'lim sifatini ta'minlash uchun zarur darajada kasbiy tayyorgarlikni amalga oshirishning asosini tashkil etadi. Professional ta'lim tizimining maqsadi va talabi — professional ta'lim muassasalarida o'qigan yoshlar aniq ish o'rniga, o'z kasbi bo'yicha zarur bilim va ko'nikmaga ega bo'lishi shartligidadir. Ayni vaqtda ushbu tizim oldida o'quv adabiyotlari, kitob va darsliklar, elektron ta'lim resurslari, innovatsion, raqamlashtirilgan ta'lim texnologiyalarini to'liq yangilash, ochiq elektron resurslar tarmog'iga ulash, o'quv adabiyotlarini xorijiy davlatlardan olib kelish, qayta ishlash, chop etish va tarqatish, kelajak kutubxonlari va auditoriyalarini yaratish muhim vazifa etib belgilangan. Farmonga muvofiq, professional ta'lim muassasalari maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, quyidagi toifalarga ajratildi:

- Birinchi toifa — ta'limning Xalqaro standart tasniflagichining 3-darajasiga mos keluvchi dasturlar asosida 9-sinf bitiruvchilari tarkibidan yoshlarning professional ta'lim olishini ta'minlaydigan 340 ta kasb-hunar maktabi.
- Ikkinchi toifa — ta'limning Xalqaro standart tasniflagichining 4-darajasiga mos keluvchi dasturlar asosida iqtisodiyot tarmoqlarini kompleks rivojlantirish, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, strategik muhim ahamiyatga ega loyihalar asosida yaratiladigan yangi ish o'rinlarini malakali

mutaxassislar bilan to'ldirishga yo'naltirilgan vazirliklar, idoralar va tashkilotlar tizimidagi 147 ta kollej.

- Uchinchi toifa — ta'limning Xalqaro standart tasniflagichining 5-darajasiga mos keluvchi ta'lim dasturlari asosida oliy ta'lim tizimi bilan integratsiyalashgan, vazirlik, idora, tashkilotlar tizimida faoliyat ko'rsatadigan 143 ta texnikum.

Endilikda professional ta'lim tizimining asosiy talabi- ta'limning sifatiga qaratiladi. Buning uchun ta'lim muassasalarida yangi standartlar, yangicha o'qitish metodologiyasi, yangi darslik va adabiyotlar, pedagoglarning zamonaviy innovatsion ta'lim texnologiyalaridan doimiy foydalanishlari va baholash tizimini joriy etishlari rejalashtirilgan. Professional ta'lim tizimi tabaqalashtirilgan ta'lim dasturlari bo'yicha kadrlarni tayyorlaydi. Ishchi kasblar bilan o'rta bo'g'in mutaxassislarini tayyorlash tizimi bir-biridan to'liq ajratilib, ishchi kasblar alohida o'quv rejasi va dasturlar asosida 6 oydan 1 yilgacha bo'lgan muddatda o'qitiladi. O'rta bo'g'in mutaxassislarini tayyorlash uchun zarur muddat kamida 2 yilni tashkil qiladi. O'quvchilarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash hamda mazkur maktablarning jozibadorligini oshirish maqsadida 2020-2021-o'quv yilidan boshlab, professional ta'lim tizimiga o'tgan barcha ta'lim muassasalarida o'quvchilariga 3 mahal ovqat, stipendiya beriladi.

MUHOKAMA

Professional ta'lim muassasalaridagi qisqa muddatli kurslarda barcha yoshdagi (katta yoshdagilar ham) talabalar qabul qilinadi va o'qitiladi. Yoshlar o'qishga qabul qilingan kundan e'tiboran o'z shaxsiy biznesini boshlashi va bitirgan paytda barqaror tadbirkorlik faoliyatiga, aniq ish o'rni va daromadiga ega bo'lishi asosiy maqsad etib belgilangan. Bundan tashqari talabalarda ta'lim dasturlarida mavjud ish o'rinlariga mos kasbiy-amaliy ko'nikmalarni shakllantirish, rus, ingliz tillarini mukammal o'rgatish, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga alohida e'tibor qaratiladi. Professional ta'lim jarayoniga barcha ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish, qishloq xo'jaligi, kichik biznes va tadbirkorlik, axborot kommunikatsion texnologiyalari sohalarida katta tajribaga ega bo'lgan mutaxassislar, ish yurituvchilar, injener-texnologlar, agronom va masterlar jalb etiladi.

XULOSA

Professional ta'limning yangi tarmog'ida faoliyat yuritadigan barcha direktorlar, direktor o'rinbosarlari, o'qituvchi-



pedagoglar, ishlab chiqarish ustalarini saralash, tanlash, tayinlash, qayta tayyorlash va attestatsiyadan o'tkazish, ularning maqomini belgilash va mehnatini rag'batlantirishning yangi tartiblari ishlab chiqishadi va amaliyotga tadbiiq etishadi. Professional ta'lim tizimning asosiy prinsipi esa - avval ish o'rni aniq bo'ladi, ish beruvchi o'zining malaka talablarini, shu kasbning ilmini, o'qitish texnologiyasini beradi, shundan keyingina mutaxassis tayyorlanadi.

REFERENCES

1. N.M.Egamberdieva, A.U. Axmadaliev, A.B.To'raev . Pedagogikaning taraqqiyot tendensiyalari va innovatsiyalari moduli T.: Iste'dod, 2016. – 279 b
2. G.I.XASANOVA “Ta'lim jarayonida dasturlashtirilgan o'qitish texnologiyasidan foydalanishning afzalliklari” Jizzax: 2020. 420 bet. 223-225b
3. Ishmuxamedov R., Abdukodirov A., Pardaev A. Tarbiyada innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari tarbiyachi-ukituvchilari va gurux raxbarlari uchun amaliy tavsiyalar) - T.: Iste'dod, 2010. - 1416.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 6 sentyabrda “Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmoni. Ma'rifat gazetasi 18.09.2019y.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” 2019-yil 6-sentabrdagi PF-5812-son Farmoni.



OILAVIY MUNOSABATLARDA NIZOLAR SHAKLLANISHINING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Naima Axmadovna Murodova

Jizzax davlat pedagogika instituti magistr talabasi

ANNOTATSIYA

Oila mustahkamligi va oila nikoh munosabatlari masalasi barcha zamonlarda dolzarb ahamiyatga ega. Oilaviy munosabatlarda nizolar shakllanishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari haqida soʻz borgan.

Kalit soʻzlar: Yosh oilalar sohiblari, oila instituti, nikoh munosabatlari, barkamol oila, ziddiyatlar, ajralishlar, baxtiyor hayot kechirish, tadqiqotlari natijalari.

ABSTRACT

The issue of family stability and family marriage relations is relevant at all times. There was a talk about the socio-psychological features of the formation of conflicts in family relationships.

Keywords: Young families, family institution, marital relations, harmonious family, conflicts, divorces, happy life, research results.

KIRISH


Tarixiy manbalarning dalillashicha, qadim-qadimdan oilaga muqaddas maskan, inson kamoloti, jamiyat taraqqiyoti va barqarorligini taʼminlaydigan ijtimoiy institut sifatida qaralgan. Shu bois, oila va nikoh masalalariga, oilaviy turmush tartib-qoidalariga, er-xotinning vazifa va burchlariga alohida eʼtibor berilgan. Oila turmushi bilan bogʻliq muammolar uning farovonligi, farzandlar kamoloti, er-xotinning ezgu-istaklari va manfaatlariga mos hal etilgan. oʻzbek xalqining oilaviy turmush xos tarixiy taraqqiyot davomida orttirgan tajribasi uning muammolarini hal qilish va turmush tarzini maqsadga muvofiq tashkil etishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda Respublikamizda oila va nikoh masalalari davlat ahamiyati darajasiga koʻtarilgan. Oʻzbekiston Respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2018 yil 2-fevraldagi “Xotin-qizlarni qoʻllab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi farmonining chiqarilishi fikrimizning yana bir isbotidir. Oila mustahkamligi va oila nikoh munosabatlari

masalasi barcha zamonlarda dolzarb ahamiyat kasb etib kelgan. Yosh oilalar sohiblari o'z munosabatlarini qanday yo'lga qo'yishlari kerakligini tushunishlari uchun ma'lum bir vaqt va kerakli psixologik shart-sharoit zarurdir. Er-xotin nafaqat bir-birini sevishi kerak, balki oilaviy munosabatlarni qurish asosida barkamol oilani barpo etishlari talab etiladi.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Oilaviy hayot psixologiyasi, oila-nikoh munosabatlari, oiladagi o'zaro munosabatlar, undagi ziddiyatlar, ajralishlar va uning oqibatlari keyingi yillarda psixologiya fanining keng tadqiqot obyektiga aylanib bormoqda. Bu sohada psixolog olimlardan G'.B.Shoumarov, M.G.Davletshin, E.G'oziyev, V.M.Karimova, N.A.Sog'inov, X.Karimov, F.R.Ro'ziqulov va boshqalar olib borgan ilmiy tadqiqot ishlari diqqatga sazovordir. Respublikamizning yetakchi psixolog olimlaridan G'.B.Shoumarov o'z tadqiqotlari natijalariga tayanib, oilaning mustahkam bo'lishi, er-xotinning baxtiyor hayot kechirishlari va tinch-totuv yashashlarida ularning o'zaro qovushishi muhim rol o'ynaydi deb ko'rsatib beradi. U o'zaro qovushuvlarni shartli ravishda 3 tarkibiy qismga bo'linishni e'tirof etadi (1-rasm).



1-rasm. O'zaro qovushuvlarni tarkibiy qismlari.

E.G'oziyevning oilaviy hayot muammolari sohasida olib borgan tadqiqotlarida ta'kidlanishicha, oilaviy munosabatlar turli negiz: iqtisodiy, mafkuraviy, hissiy-irodaviy, ahloqiy-aqliy, qarindosh-urug'chilik, yaqinlik va do'stlik- birodarlik asosida quriladi. Ana shu negizlar baquvvat oilada er-xotin totuvligi, oila barqarorligi, oilaning baxti va farovonligi ta'minlanadi.

NATIJALAR

Oilaviy munosabatlarnig eng xarakterli jihati bu oilaviy nizolardir. Oilaviy nizolar va uning kuchayishi "mevasi" bo'lgan ajralish muammosi hozirgi zamon insoniyat jamiyatining eng muhim ijtimoiy muammolaridan hisoblanadi. Shuning uchun chet ellarda ham, O'zbekistonda ham oilaviy nizolar hamda ajralish muammosini o'rganishga keng

ilmiy jamoatchilik e'tibori jalb qilinib kelinmoqda. Bu kabi muammoni turli soha mutaxassislari: yuristlar, demograflar, iqtisodchilar, sotsiologlar, psixologlar va boshqa fan sohalari mutaxassislari o'rganib kelmoqdalar. Oilaviy nizolar haqida so'z borar ekan, tabiiy bir savol tug'iladi. Inson esini taniganidan ota-onaga, atrofdagilarga, tabiatga mehr qo'yib, ulg'ayganda sevib-sevilib, ezgu niyatlar bilan oila quradi-yu, nega oila qurgandan keyin o'zaro munosabatlarda nizo-janjallar ro'y berishi tabiiydir. Oila muhitidagi o'zaro munosabatlarning asosini tashkil etgan oilaviy rollarga oid tasavvurlar va ularning differensiatsiyasi o'zining yosh, hududiy va jinsiy xususiyatlariga ega bo'lib, ular avvalo har bir oilaning ruhiy ma'naviy muhiti, u yerdagi milliy qadriyatlar, an'analar, rasm-rusumlar qanchalik saqlanib qolganligiga ham bog'liqligi asoslab berilgan. Oilaviy nizolarning shakllanishi va ularning buzilib ketishida er-xotin fe'l-atvorining mos kelmasligi, farzandsizlik, sevgi va mehr-muhabbatning yetarli emasligi, uning byudjetini oqilona boshqara olmaslik asosiy omillar bo'lib, ro'zg'or ishlarining saranjom-sarishta va orasta emasligi, iqtisodiy ta'minotdagi kamchiliklar, rashk va ishonchsizlik, ota-onalarning er-xotin munosabatlariga aralashuvi, dunyoqarash va maslaklarning nomuvofiqligi, jinsiy nomoslik kabi omillar ham oilaviy munosabatlarda ziddiyatlarni kelib chiqarishda muhim o'rin tutadi.

MUHOKAMA

Ko'pchilik muvaffaqiyatli oilada tarbiya topgan yoshlar, o'zlarining bo'lajak oilaviy hayotlari uchun o'z ota-onasi oilasini ideal qilib oladilar. Shunday ideal oila qurishni istagan yoshlarning esa turmushlari kutganlaridek kechmasa, moslashish jarayonlarida yuzaga keladigan muammolar oldida esankirab, oila qurishda adashganliklaridan noliy boshlaydilar. Shu sababdan ham er-xotin munosabatlarini faqat yaxshi tomondan ko'rsataverish emas, balki, bu munosabatlarda uchraydigan, real hayotda mavjud psixologik holatlarni ko'rsatish maqsadga muvofiq bo'ladi. Shundagina yoshlarimizda oilaviy hayot haqida nisbatan adekvat tasavvur shakllanadi. Yosh oila yuzaga kelganidan so'ng unda er-xotin munosabatlarining rivojlanishiga xalaqit qiladigan ko'plab ijtimoiy-psixologik, etnik, hududiy, jinsiy omillar ham mavjud bo'ladi. Yoshlarga bu psixologik omillar haqida aniq va asoslangan tushunchalar berish lozim bo'ladi. Bu kabi oilaviy nizolarning oldini olishga asos bo'ladi. Yana bir jihat esa, oilada oila a'zolari o'rtasida bir-birini tushunishning yetishmasligi, hamda ko'pincha muloqot jarayonida bir-birini tinglashni, anglashni bilmaslikdan

nizolar kelib chiqadi. Alohida ta'kidlash joizki, er-xotin, qaynona-qaynота, kelin-kuyov munosabatlarida, fikrlar va qarashlardagi paydo bo'ladigan ayrim kelishmovchiliklar, qarama-qarshiliklar, ziddiyatlarni uni tashkil etuvchi shaxslar o'zaro kelishib, muammoni konstruktiv tarzda yechishga qodir bo'lsalar, oiladagi ijtimoiy-psixologik hamda ma'naviy muhit yosh avlod ongida insoniy munosabatlar to'g'risida teran va ijobiy tasavvurlar shakllanishiga imkon beradi.

XULOSA

Shuni alohida ta'kidlash joizki, oilaviy turmush masalalari, oila-nikoh muammolari, undagi o'zaro munosabatlar bo'yicha tadqiqot ishlari qanchalik keng miqyosda olib borilmasin, hali ham ularning yetarli darajadagi yechimi masalasi mavjud emas. Oilaviy munosabatlar va uning muhim jihatlari, uning asoschilari bo'lmish er-xotin va unda voyaga yetayotgan farzandlar kamoloti, oiladagi shaxslararo munosabatlar va unda yuzaga keladigan nizolar shakllanish jarayonini ijtimoiy psixologik xususiyatlarini tashkil etadi. Hozirgi sharoitda oilaviy munosabatlarni muvofiqlashtirishda oilaviy psixoterapiya vositalari va usullaridan foydalanish maqsadga muvofiq bo'lib, ular oilaning me'yorli faoliyat ko'rsatishiga, undagi ziddiyatlarning turlari va ularning shakllanish sabablarini o'rganishga, profilaktikasini tashkil etishga hamda shaxslararo munosabatlar muvofiqligini ta'minlashga yordam beradi.

REFERENCES

1. G'.B.Shoumarov, I.O.Haydarov "Oila psixologiyasi" o'quv qo'l. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari uchun. 2008 y. "SHarq" nashriyoti.
2. E.G'oziyev, M. Xolmuhammedov, X. Ibrohimov. Psixologiya metodologiyasi.- T.: "Sharq",2002.-123 b
- 3.T..Sodiqova "Kuyov bo'lish ilmi". T.:2005.
5. T. Malik "Kelinlar daftariga".T.: "Davr-press,2009
6. Tursun Oy."Nozik savol".T.: "Yangi nashr"-2007

TURIZMNI TASHKIL QILISHNING AFZALLIKLARI

Zafar Abdurahimovich Namazov

Jizzax davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Turizm o'zining osonligi va qiziqarliligi bilan xalq ommasini o'ziga jalb qiladi. Ushbu maqolada turizmni tashkil qilishning afzalliklari va mazmuni haqida so'z borgan.

Kalit so'zlar: Sayohat, madaniy meros sohalari, turistlar sayohati, jismoniy tarbiya, zamonaviy boshqaruv, barkamol avlod tarbiyasi, jamoa sog'lig'ini mustahkamlash, rivojlanish.

ABSTRACT

Tourism has attracted the masses with its ease and fun. This article discusses the benefits and content of tourism.

Keywords: Travel, cultural heritage, tourism, physical education, modern management, harmoniously developed generation, strengthening public health, development.

KIRISH

Xozirgi kunda o'quvchi yoshlar va talabalarning jismoniy tayyorgarligini oshirish va har tomonlama barkamol avlod tarbiyasida jismoniy tarbiyaning o'rnini hamda turizmni amalga oshirish tobora oshib bormoqda. Qadimdan ma'lumki sayohat (sayr) nafaqat oliy darajada dam olish emas balki bo'sh vaqtdan unumli foydalanish, jamoa sog'lig'ini mustahkamlash shaxsni har tomonlama rivojlanishini ta'minlashdan iboratdir. Sayohat o'quvchilarni tabiat bilan munosabatda bo'lishi va estetik zavqlanish o'quvchilar bir -birlari bilan mehr -oqibatda bo'lish, do'stlik, birodarlik bir -biriga qiyin sharoitlarda yordam berish, bir -birini qo'llab quvvatlash kabi fazilatlarni tarbiyalaydi. Milliy qadriyatlarni -tiklash, ma'naviy, ma'rifiy madaniyatimiz tarixini chukur o'rganish -milliy iftixorimiz hamda hozirgi davr mafkurasini yoshlarga o'quvchilarga o'rgatishda sayohatlarning o'ziga yarasha oni va mohiyati bor. Bu jarayonda O'zbekiston Turizm kompaniyasi va turli xalqaro jamg'arma uyushmalarining faollari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Sayohatlarning jismoniy va ma'naviy jihatidan o'ziga xos bo'lgan tarbiyaviy jihatlari mavjud. Mahalliy davlat hokimiyati organlari,



fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari, jismoniy tarbiya va sport jamiyatlari, ta'lim muassasalari, jamoat tashkilotlari bilan birgalikda aholi, ayniqsa, bolalar va yoshlar o'rtasida jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanishni ommalashtirish, ommaviy sport turlariga keng jalb qilish borasida keng ko'lamli ishlarni tashkillashtirish asosiy vazifalarimizdan biridir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

So'nggi yillarda mamalakatimizda turizm va sport sohalarini yanada rivojlantirish, aholini jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, infratuzilmani yaxshilash, turizm salohiyati yuqori bo'lgan hududlarning o'zaro bog'liqligini ta'minlash orqali turistlar sayohati uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, madaniy merosimizni muhofaza qilishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirib kelinmoqda. Shu bilan birgalikda, yaratilgan barcha imkoniyatlarga qaramasdan turizm, sport va madaniy meros sohalarini rivojlantirish borasidagi ishlar talab darajasida tashkil etilmagan, raqamlashtirish va davlat-xususiy sheriklik, shu jumladan xususiy sektorning ushbu yo'nalishlardagi rolini oshirish bo'yicha o'z yechimini topmagan masalalarni hal qilishga bo'lgan talab oshib bormoqda. Aholining keng qatlamlarini sport bilan shug'ullanishga va sog'lom turmush tarzini yuritishga jalb etish, jismonan sog'lom o'sib kelayotgan avlodni tarbiyalash, sport industriyasi va infratuzilmasini rivojlantirish, oliy sport mahorati sohasida mamlakatimizning xalqaro sport maydonida munosib ishtirokini ta'minlashga qaratilgan yagona siyosatni amalga oshirish muhim amaliy ahamiyatga ega.


NATIJALAR

Turizm, sport va madaniy meros sohalarida zamonaviy boshqaruv mexanizmlarini joriy etish, ilg'or xorijiy tajribaga tayanib ushbu yo'nalishlarda infratuzilmani jadal rivojlantirish, ob'ektlardan samarali foydalanish, aholiga yetarli shart-sharoitlar yaratish maqsadida bir qancha tarmoqlarda tizimli yondashuv asosida amaliy ishlar amalga oshirilib kelmoqda. Jumladan, jismoniy tarbiya va sport vazirligi hamda Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi negizida Turizm va sport vazirligi bilan hamkorlikda jismoniy tarbiya va sport vazirligi hamda Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasining tegishli hududiy bo'linmalari negizida Turizm va sport vazirligining Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar bosh boshqarmalari, tumanlar (shaharlar) bo'limlari tashkil etilayotgani fikrimizning dalilidir. Turizm



o'zining osonligi va qiziqarliligi bilan xalq ommasini o'ziga jalb qiladi, ya'ni turizm bilan shug'ullanishlari uchun kishilar o'zining yoshini, jismoniy tayyorgarligini hisobga olgan holda u yoki bu sport turi bilan shug'ullanishlari mumkin.

Jismoniy tarbiya asosan uchta vazifani hal qiladi: (1-rasm)



Turizm esa to'rtinchi -sport vazifasini hal qiladi, ya'ni turizm hamma sport turlari uchun shug'ullanuvchilarni, umum -jismoniy tayyorgarligini ta'minlabgina qolmay balki, turizm turlari barcha sportchi razryadlarini ham tayyorlaydi. Turizm–reja asosida oldindan mo'ljallangan sayohat, ekskursiya, poxod, tog'ga chiqish va sayrlardan iboratki, bunda biror neomat yaratilmay, jismoniy qobiliyat va jismoniy sifatlarni rivojlantirish va aktiv dam olishga yo'naltirilgan omil deb qaraladi. Turizm va sport vazirligi Jismoniy tarbiya va sport vazirligi hamda Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasining huquqlari, majburiyatlari va shartnomalari, shu jumladan xalqaro shartnomalari bo'yicha huquqiy vorisi hisoblanishi belgilab qo'yilgan.

MUHOKAMA

Barchamizga ma'lumki, Turizm va sport vazirligi turizm, jismoniy tarbiya, sport va madaniy meros sohalarida yagona davlat siyosatini amalga oshiruvchi davlat boshqaruvi organi hisoblanadi. Turizm va sport vazirligi o'z vakolatlari doirasida umummajburiy bo'lgan normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilishga haqli hisoblanadi. Barcha davlat organlari va tashkilotlar, shuningdek, respublikaning xorijdagi diplomatik vakolatxonalari Turizm va sport vazirligining murojaatiga ko'ra tegishli ma'lumotlarni o'rnatilgan tartibda taqdim etib boradi. Bu jarayonda O'zbekiston Turizm kompaniyasi va turli xalqaro jamg'arma uyushmalarining faollari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Sayohatlarning jismoniy va ma'naviy jihatidan o'ziga xos bo'lgan tarbiyaviy jihatlari mavjud. Ularning ilmiy pedagogik jihatidan o'rganish hozirgi kunning muhim tomonlaridan biridir desak mubolag'a bo'lmaydi.

XULOSA

Shuni ta'kidlashimiz lozimki, turizm tarixi, uning asosiy yo'nalishlari, turlari, kategoriyalari, turistik xizmatlar, umuman turizm ilmi bilan bog'liq barcha masalalar haqida bilim berish, hatto turizmga oid tushuncha va atamalarning har birini ta'rifu tasniflash katta ahamiyatga ega. Turizm alohida predmet darajasidagi masala hisoblanadi va aynan jismoniy tarbiya bilan shug'ullanish jarayoni bilan bevosita bog'liqligi bilan ajralib turadi.

REFERENCES

1. Aliyeva M.T., Umarjonov A. Turistik mamlakatlar iqtisodiyoti: Darslik. –T.: Moliya, 2005. – 339 b.
2. Aliyeva M.T., Xo'jayev O'.X., Norchayev A.N. Turizm rivojlanishini prognozlash: O'quv qo'llanma. –T.: 2006. -214 b.
3. Irmatov M.M., Aliyeva M.T. va boshqalar. Turizmni rejalashtirish: O'quv qo'llanma. –T.: 2005. -167 b.
4. Aliyeva M., Mirzayev M. va boshqalar. Turizm huquqi: O'quv qo'llanma. –T.: Talqin, 2003. -245 b.



PECULIARITIES OF WOMEN'S TRAINING IN CROSS-COUNTRY ATHLETICS THAT REQUIRE A PREDOMINANT DISPLAY OF ENDURANCE

Sharifa Tursunkulovna Kholbaeva

“Department of Physical Education and Sports”,
Tashkent State Law University

ABSTRACT

Currently, many of our compatriots are engaged in athletics. The development of women's sports in the field, especially the training of our female girls in athletics, is one of the leading factors in the formation of a healthy generation in the future.

Keywords: physical training, physical culture and sports training, endurance long-distance running.

The role of physical culture and sports in raising the status of women in society, strengthening their health and shaping their lifestyle is invaluable in our country. The development of physical fitness is one of the priorities of state policy today [1,2].

Objective: To increase sports performance by selecting effective means of improving the physical quality of agility in improving the physical fitness of women aged 17-18 and 19-22 years.

Novelty of the work: 17-18 and 19-22 year old women develop their physical qualities by increasing the level of endurance training by splitting the running distance and conducting various jumping exercises as a relay.

The aim of the study was to properly distribute exercise loads in increasing girls' physical fitness.

Research methods

- Analysis of scientific and methodological literature;
- Determining physical fitness through tests:

maximum running 4 x 9 m, s;

Running 30 meters from the bottom start;

Running a distance of 60 meters;

Running 100 meters;

3000 m running;

Long jump from place to place;




Three jumps from the ground;

- Determining physical development height, weight, arm strength left and right;
- Mathematical static methods
- Organization of pedagogical research

Medium and long distance running techniques. Medium distances include 800 m and 1500 m, long distances from 3000 m to 10000 m. They are held at the stadium or at cross distances.

The running process can be conditionally divided into: getting speed from start and start, running the distance and reaching the finish line. The basics of running techniques are the most conservative, and over the centuries they have not changed significantly. Research on the individual technique of leading athletes has led to only minor changes. Basically, the influence of various factors on running technique, the work of certain muscles in the formation of running speed was determined, the biomechanical parameters of the main characteristics of running technique were determined (Pic. 1).



Picture 1. Medium distance running technique

Famous athletes of the XX century, such as the Znamensky brothers, V. Kuts, P. Bolotnikov, L. Bragina, T. Kazankina, play an important role in promoting running and attracting young people to this sport.

The basis of modern running technique is: a) high speed of movement; b) maintain this speed for the entire running distance with low energy consumption; c) the pursuit of freedom and naturalness in every action.


It will be necessary to talk about the optimal step length in each type of run; when running medium distances it is less than when running short distances and more than when running long distances and very long distances.

Tension intensity and movement efficiency are one of the most important indicators of running technique. They are related, on the one hand, to the speed-power training of the runner, and, on the other hand, to the saving of energy reserve expenditure. As the distance increases, the motion-saving factor outweighs the importance of the work

intensity factor, as the steps length and speed decrease. This is where the athlete's ability to do long-term work with optimal intensity comes to the fore.

Running medium and long distances starts from the start. According to the rules of the competition, in this case, a high start consisting of two commands is applied.

Start and start acceleration. "Start!" with the command the runner assumes the initial position next to the start line. The depressing foot stands in front of the line, and the stepping foot is placed backwards at a distance of 2-2.5 feet. The torso is bent forward about 40-45°, the legs are bent at the hip and knee joints, and the UOM is located close to the front leg. The position of the runner's body should be comfortable and sturdy. The arms are bent at the elbow joint and assume the opposite position relative to the legs. The runner's gaze is focused on the sidewalk about 3-4 m forward (Pic.2).



Picture 2. High start technique

After the starter's "Marsh" command or a shot, the athlete begins to run actively. The athlete starts running in a bent position from the start, then slowly adjusts his body and assumes a running position, in which the bending of the body is 5-7°.

At other distances, the start acceleration is smaller, around 10-15 m, where the main thing is to take a seat on the side of the track at the expense of rapid acceleration, not to run along the second track without increasing its path, and then to run at a steady pace.

The level of physical fitness obtained at the end of the study of girls who ran short distances in the experimental group

№	F.I.O.	maximon running 4 x 9 m, s	30 m / m running	60 m / m running	100 m / m running	3000 m running	jump from a standing position three	jumps from the floor
1	Axrrova	12,60 1	3.8	10.8	14.5	686,00	190	5.49
2	Alieva	12,13	4.2	9.7	13.5	725,50	185	5.41
3	Akhmedova	11,90	4.0	9.3	13.3	721,00	170	5.80
4	Buronova	11,65	5.3	11.2	11.7	720,00	205	6.70
5	Valieva	11,20	4.3	12.1	16.8	686,00	235	6.10
6	G'anieva	11,00	3.9	10.9	15.3	665,50	198	5.41
7	Karimova	12,13	3.3	10.3	17.6	664,00	176	5.56
8	Lazizova	12,50 1	4.1	9.7	14.4	662,50	207	4.98
9	Malikova	12,00	4.9	10.1	15.8	721,00	210	5.78
10	Nosirova	10,80	3.9	10.5	14.9	797,00	215	6.78
11	Nishonova	10,60	4.5	11.7	13.8	785,00	204	7.77
12	Omonova	11,20 1	3.6	9.4	12.5	664,00	173	4.15
X is the average		10.0	4.3	10.9	15.4	665 or less	198	5.61

The control group was the level of physical fitness obtained at the end of the study of girls running short distances

№	F.I.O.	maximon running 4 x 9 m, s	30 m / m running	60 m / m running	100 m / m running	3000 m running	jump from a standing position three	jumps from the floor
1	Axadova	12,60 1	3.8	10.8	14.5	797,00	190	5.61
2	Burieva	12,13	4.2	9.7	13.5	725,50	185	4.70
3	Islamova	11,90	4.0	9.3	13.3	721,00	170	5.80

4	Nomonova	11,65	5.3	11.2	11.7	720,00	205	6.70
5	Mamatova	11,20	4.3	12.1	16.8	686,00	235	6.10
6	Maqsudova	11,00	3.9	10.9	15.3	665,50	198	5.41
7	Melieva	12,13	3.3	10.3	17.6	664,00	176	5.56
8	Olimova	12,50 1	4.1	9.7	14.4	662,50	207	4.98
9	Pulatova	12,00	4.9	10.1	15.8	721,00	210	5.78
10	Qosimova	10,80	3.9	10.5	14.9	797,00	215	6.78
11	Qodirova	10,60	4.5	11.7	13.8	785,00	204	7.77
12	Rasulova	11,20 1	3.6	9.4	12.5	721,00	173	4.15
X is the average		10.0	4.3	10.9	15.4	661 or less	198	5.61

In long-distance running, the transition to special training means a deeper improvement in running technique, a gradual increase in the volume of special exercises and training load, as well as systematic participation in competitions. The total volume of physical training increases with special training. The main task of the athlete's special training is:

1. General level of physical fitness: speed, endurance, increase flexibility, ability to relax muscles and control.
2. At the start, post-start acceleration, long-distance running, increase the level of technical readiness in running to reach the finish line.
3. Development of speed-strength physical quality and special endurance of girls running long distances.
4. Improving moral, volitional qualities and psychological level.
5. Improving tactical training and gaining competition experience.
6. It is necessary to solve the task of continuing theoretical training. Depending on the individual characteristics of the athlete, tasks other than those specified are also addressed. Classes are held 5 times a week in the following scheme: 3 days of training + 1 day of rest + 2 days of training + 1 day of rest. Planning a high-level short-distance runner's workout Lessons from a beginner's workout plan not only because of the large number, but also because the volume and intensity of training loads are excessive. [4].

Women who run long distances are advised to exercise with heavy and similar weights (less repetitions), as well as with small and medium weight bars (multiple repetitions), which gives them



strength. Training during the training period should include various jumping and sprinting special training exercises. Doing these exercises in series will allow you to gradually increase the time it takes to perform them almost continuously to 40-45 minutes by the end of the preparation period.

Pre-competition training will be more specialized. During the first competition, very important tasks are set for the training of girls running long distances. These are the completion of the great and difficult preparatory work that began in the winter and spring months, the athlete in many responsible competitions that will take place in June-September.

is to create the necessary ground for girls to succeed.

The methods used in training not only help girls to develop their physical fitness, but also create the basis for their full development [2,3].

Extreme long-distance running features. Extreme distances include running from 15 km to 42 km 195 m, as well as hourly running and even daily running competitions. If competitions are held on stadium tracks, records of different scales will be recorded at these distances; if the competitions are held outside the stadium, high results are recorded.

Therefore, the main requirement for the technique is the economy of movement, because running over long distances places high demands on the running organism and, above all, on the demonstration of endurance. To increase savings when running very long distances, it is necessary to reduce the magnitude of the vertical vibrations of the UOM, which leads to a slight reduction in flight time and an increase in base time. All this helps to reduce the tread angle and, consequently, to maintain the running speed when the tread intensity is slightly reduced.

In marathoners, the step length varies slightly: from 140 cm to 165 cm. It is: 1) the length of the legs; 2) strength training of the runner; 3) running speed; 4) depends on the relief of the place. The distinctive features of running long distances are:

- along steep terrain (often at intersections along the distance), with ups and downs of various lengths and steepness (krutizna);
- long running time (up to 3 hours);
- Significant impact of meteorological conditions.

Methods of teaching medium and long distance running techniques.

When teaching medium and long-distance running techniques, it is advisable to train on different planes outside the stadium, as long-distance running competitions are mainly held outside the stadium.

REFERENCES

1. Tukhtaboev NT, Shakirjanova KT, Soliev IR, Methods of running short distances, Textbook. - Tashkent: 2016 186 b.
2. Olimov M.S. Soliev I.R. and others. Athletics theory and methodology. Textbook. Tashkent. 2018 y. 882 b.
3. Olimov M.S. Soliev I.R. and others. Martial arts, coordination and cyclical sports "Athletics". Textbook. Tashkent. 2018 y. 660 b.
4. Olimov M.S., Soliev I.R. Haydarov B.Sh. Improving sports pedagogical skills (Athletics). Textbook. Tashkent. 2018 y. 342 b.
5. Холбаева Шарифа Турсункуловна. (2021). ЕНГИЛ АТЛЕТИКАДА ЮГУРИШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ХОТИН - ҚИЗЛАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЧИДАМЛИЛИКНИ УСТУВОРЛИГИ КЎРСАТГИЧЛАРИНИ ТАЛАБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Eurasian Journal of Academic Research, 1(9), 649–655.



AVTOMOBIL HARAKAT TEZLIGI VA BOSHQARUV MEXANIZMLARINING YO'L HARAKATI XAVFSIZLIGINI TASHKIL ETISH SAMARADORLIGIGA TA'SIRI

Akmal XXX Azimov

Jizzax politexnika instituti assistenti

akmaldotsent@gmail.com

Jamshid Zokir o'g'li Tojiyev

Jizzax politexnika instituti assistenti

tojiyevjamshid1992@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada transport vositalarining harati xavfsiz va ekspluatatsion samaradorligiga ta'sir etuvchi omillar tahlil qilindi. yo'l-transport hodisasi (YTH)ning oldini olishda va aktiv xavfsizlikni ta'minlash bo'yicha asosiy nazariy tadqiqotlar o'rganildi va harakat tezligi, boshqaruv mexanizmlarining ta'siri tahlil etildi. Xavfli vaziyatning oldini olishda tomoz yo'lining samaradorligi aynan tormoz tizimi ishlash soz va ishonchli ishlashiga bog'liq hisoblanadi.

Kalit so'zlar: avtomobil, tozmoz tizimi, tormozlanish, harakat xavfsizligi, tormoz yo'li, harakat tezligi, rul boshqarmasi, ziddiyatli vaziyat, YTH.

INFLUENCE OF VEHICLE SPEED AND CONTROL MECHANISMS ON TRAFFIC SAFETY EFFICIENCY

ABSTRACT

This article analyzes the factors affecting the safety and efficiency of vehicle operation. Fundamental theoretical studies on the prevention of road traffic accidents (SDA) and active safety were studied, and the influence of speed and



control mechanisms was analyzed. The effectiveness of the roadway in preventing dangerous situations depends on the smooth and reliable operation of the braking system.

Keywords: automobile, braking system, braking, traffic safety, stopping distance, speed, steering, conflict situation, YuTKh.

KIRISH

Avtomobil yo'llarida harakat jadalligining kundan kunga oshib borishi, yo'l harakatini xavfsiz tashkil etish jarayonini yanada samarali va optimal darajada amalga oshirishni talab etmoqda. Birgina 2021 yil davomida O'zbekistonda 10 001 ta yo'l-transport hodisasi (YTH) rasman qayd etilgan, unda 2426 kishi halok bo'lgan, 9230 kishi turli darajadagi tan jarohatlari olgan [3], ushbu YTHning asosiy sabablaridan biri belgilangan tezlik me'yoriga rioya qilmaslik hisoblanib, buning natijasida 2010 kishi halok bo'lgan. Avtomobil yo'llaridagi ushbu holat albatta oldini olish zarur bo'lga eng dolzab masala hisoblanadi.

Avtomobil harakat tezligining oshib borishi davomida uning yo'ldagi harakat xavfsizligini ta'minlash ehtimoli pasayib boradi. Bunga sabab yuqori darajadagi tezlikda avtomobilning boshqaruv mexanizmlari (tormoz tizimi va rul boshqarmasi) ning ishlash samaradorligi pasayadi va haydovchining reaksiya tezligi, diqqatliligi kamayib, shina va yo'l sirti ilashish koeffitsienti pasayib ketadi. Bundan tashqari harakat tezligining oshib borishi avtomobil shovqinini kuchaytirib [4,8], haydovchining tez toliqishiga sabab bo'ladi, shuningdek haydovchi xavfli vaziyatda to'g'ri qaror qabul qilish tezligi ham hodisaning tez yuz berishi tufayli ulgura olmaydi [5].

YTH sodir bo'lish ehtimolini yuzaga kelishida haydovchi harakatlaridan tashqari avtomobil konstruksiyasidagi boshqaruv mexanizmlarining o'rni ham juda muhim hisoblanadi [12]. Avtomobil rul boshqarmasi va tormoz tizimining samarali ishlashi harakat davomida xavfli vaziyatning halokatli vaziyatga aylanishini oldini olishda juda muhim hisoblanadi.


ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Avtomobilning tormoz tizimi harakat xavfsizligin ta'minlashda eng asosiy ko'rsatkich bo'lib, u harakatni sekinlashtirishda ikki tarzda qo'llanadi: ishchi va halokatlik vaziyatida to'satdan tormozlash. Ishchi tormozlashni harakatni belgilangan joyda to'xtatish uchun shoshilmasdan bajariladi. Shuning uchun avtomobil sekinlashganda uning turg'unligi va yo'nalish bo'yicha traektoriyasi o'zgarmaydi. Halokatlik vaziyatda transport vositasini to'xtatish uchun haydovchida juda kam vaqt bo'ladi va YTH ni sodir etmaslik uchun u to'satdan tormozlash yo'lini tanlaydi. Bunday tormozlashni qo'llash tormoz tizimidagi detal va agregatlarga salbiy ta'sir ko'rsatib, ularning yuqori zo'riqish bilan ishlab qizishiga va uning oqibatida tormoz tizimining ishlamasligiga olib keladi [11]. Transport vositalarining nosozligi bilan vujudga keladigan YTHni 50 % dan ortig'ini tormoz tizimining texnik nosozligi tufayli bo'lishi ma'lum. Ayniqsa tormoz tizimining bir tomondagi mexanizmi ishdan chiqsa, juda yomon oqibatlarga (transport vositasi turg'unligini yo'qotishga, hatto ag'darilishga) olib keladi.

Zamonaviy avtomobillar to'rtta tormoz tizimi bilan jihozlanganlar: ishchi, ehtiyot, to'xtab turish va yordamchi [1].

Tortish qobiliyatining quyidagi ko'rsatkichlari harakatlanish xavfsizligiga ta'sir ko'rsatadi: eng yuqori tezlik va tezlanish, eng kam vaqt va qattiq qoplamali gorizontol yo'ldagi belgilangan tezlikka erishishi yo'li, avtomobil harakatlana oladigan eng yuqori nishablik. Avtomobilning tortish dinamikligi harakatlanish xavfsizligiga transport vositalarining aralash oqim harakati sharoitida katta ta'sir ko'rsatadi [10]. Transport oqimida turli zamonaviy tez yurar yengil avtomobillar, yuk avtomobillari, avtopoezdlar, avtobuslar, traktor poezdlari va qishloq xo'jalik mashinalari turli darajadagi tortish-tezlik xususiyatlariga ega bo'lib, past tortish-tezlik xususiyatiga ega transport vositalari harakatlanishning boshqa ishtirokchilarini quvib o'tish, to'xtagandan so'ng jadal tez harakatlanish bilan bog'liq katta miqdordagi

traektoriya burilishlarni bajarishga majbur qiladilar [13]. Bu esa harakatlanish xavfsizligiga katta salbiy ta'sir ko'rsatadi.




1-rasm. Avtomobil bo'ylama va ko'ndalang turg'unligi

Avtomobilning turg'unligi harakatlanish xavfsizligi bilan bevosita bog'liqdir. Turg'unlik sirpanib va ag'darilib ketishga yo'l qo'ymaslik xususiyatidir. U bo'ylama va ko'ndalang turg'unliklarga bo'linadi (1-rasm).

NATIJAR VA MUHOKAMA


Avtomobilning tormozlanish hususiyatlarini amalda o'rganish uchun ular maxsus stendlarda yoki yo'llarda sinovlar o'tkaziladi. Masalan, avtomobilning tormozlanish jarayonini turli xil turdagi va sharoitdagi yo'llarda sinash natijalarini tahlil qilish orqali tormozlanish yo'lining dastlabki harakat tezligiga bog'liqlik grafigini qurish mumkin $S_t = f(V_a)$, (2-pacm).



2-rasm. Harakat tezligining tormozlanish yo'liga ta'siri

Sinov tahlili shuni ko'rsatadiki, avtomobil nisbatan kichik tezliklar bilan sir'anchiq ($\varphi=0,1 \dots 0,3$) yo'llarda tormozlanganda, tormoz yo'lining uzunligi s_1 ilashish koeffitsienti o'ta yuqori bo'lgan ($\varphi=0,9$) yo'llarga nisbatan 2...3,5 barobar oshib ketadi. Hatto yuqori toifali, quruq yo'llarda ham harakat yuqori 50 km/soatdan oshgandan keyin, tormoz yo'li 25m va undan katta qiymatga erishadi. Bu esa avtomobilning harakat havfsizligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi, chunki talab bo'yicha barcha turdagi avtomobillar uchun ruxsat etilgan tormoz yo'lining uzunligi $V_a = 30$ km/soat uchun $S_m = 7,2 \dots 11,0$ m miqdorni tashkil etish kerak.

Tormozlanish paytida j_s sekinlashish va V_a harakat tezligining o'zgarishi vaqtga bog'liq holda 3-rasmida ko'rsatilgan.



3-rasm. Avtomobil tormozlanish parametrlari

Ushbu grafikda avtomobilning tormozlanish vaqti bir qancha tashkil etuvchilardan iborat:

t_1 - haydovchining to'siqni ko'rib, tormozlash zarurligi haqida qaror qabul qilishga ketgan vaqti, $t_1=0,3...1,0$ s; t_2 -haydovchi oyog'ini drossel 'edalidan olib tormoz 'edaliga o'tkazish uchun ketgan vaqt, $t_2 = 0,2...0,4$ s - gidravlik yuritmalar uchun, $t_2 = 0,2...0,4$ s - pnevmatik yuritmalar uchun;

t_3 - tormoz yuritmasidagi ish suyuqligining surilishi yoki havo lyuftlarini yo'qotish uchun ketgan vaqt, $t_3=0,05...0,2$ s yengil avtomobillar uchun, $t_3=0,05...0,4$ s yuk avtomobillari

va avtobuslar uchun (gidravlik yuritma), $t_3=0,15...1,2$ s yuqori yuk ko'taruvchi pnevmatik tormoz mexanizmlari uchun.

t_4 - tormoz kuchining maksimal qiymatga erishishi uchun sarflangan vaqt, $t_4=0,5$ s;

t_T -maksimal tezlanish bilan sof tormozlanish uchun ketgan vaqt.

t_5 -avtomobil to'xtagandan so'ng, tormoz tizimida bosimning dastlabki holatga qaytishi uchun ketgan vaqt.

Sof tormozlanish vaqti t_T g'ildiraklar to'liq blokirovka qilingan daqiqadan avtomobil to'xtaguncha o'tgan vaqt bilan o'lchanadi.

Umumiy tormozlanish vaqti:

$$T=t_1 + t_2 + t_3 + t_4 + t_T \quad (1)$$

Demak, $t_1 + t_2 + t_3$ vaqt oralig'ida avtomobil boshlang'ich V_a tezlik bilan tekis harakat qiladi, t_4 vaqt ichida sekinlashish miqdori o'sib boradi va t_4 vaqt oralig'i avtomobilning eng katta jadallik bilan tormozlanishini ifodalaydi. t_T vaqt ichida sekinlashish miqdori deyarli o'zgaras bo'ladi, shuning uchun ham harakat tezligi to'g'ri chiziq qonuni bilan V_a dan nolgacha o'zgaradi [9].

Harakat tezligining nolgacha tushishi uchun sarflangan vaqt xavfli vaziyatning halokatli vaziyatga o'zgarishiga yetarli bo'lishi lozim. Shundagina haydovchi tezkor to'g'ri qaror qabul qilishiga imkoniyat tug'iladi.

XULOSA

Xulosa qilib aytgan, transport vositalarining harati xavfsiz va ekspluatatsion samarali bo'lishi avtomobil konstruktsiyasidagi barcha qismlarning soz holatda ishlashi va yo'ldagi harakat vaqtidagi harakat tezligining optimal tanlanishi juda muhim hisoblanadi. YTHning oldini olishda va aktiv xavfsizlikni ta'minlashda boshqaruv mexanizmlarining soz holatda ishlashi juda muhim hisoblanadi. Xavfli vaziyatning oldini olishda tomoz yo'lining samaradorligi aynan tormoz tizimi ishlash soz va ishonchli ishlashiga bog'liq hisoblanadi.

REFERENCES

1. Azizov Q.X. Harakat xavfsizligini tashkil etish asoslari. –T.,«Fan va texnologiya», 2009, 244 bet.
2. Вахламов В.К. Техника автомобильного транспорта. М «Транспорт» 2004 г.
3. 2021 yilda O'zbekiston yo'llarida sodir bo'lgan YTH qurbonlari soni ma'lum qilindi (<https://kun.uz/02389944>).



4. Akmal Azimov, & Jamshid Hamroyev (2021). Jizzax shahri Sharof Rashidov shoh ko'chasida avtomobil shovqiniga ta'sir etuvchi omillar tahlili va shovqin muhofazasini tashkil etish metodlari. *Academic research in educational sciences*, 2 (11), 1079-1088.
5. Azimov, A. (2020). Factors affecting noise reduction on automobile roads. *Scientific and technical journal of Namangan institute of engineering and technology*.
6. Азимов Акмал., & Тожиев Жамшид (2021). Автомобиль йўлларида автотураргоҳларни ташкил этишдаги мавжуд муаммолар таҳлили ва уларнинг асосий ечимлари. *Инновацион технологиялар*, (4 (44)), 53-58.
7. Akmal, A. (2021). Analysis of technical parameters that determine the efficiency of vehicle steering. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 48-55.
8. Акмал Азимов, & Джемшид Хамроев (2021). Диагностика двигателя автомобиля по стандартным нормам шума. *Academic research in educational sciences*, 2 (3), 165-173. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00382
9. Тожиев, Ж. (2021). Автотранспорт корхоналарида мавжуд ёрдамчи устахоналар фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштириш. *Academic research in educational sciences*, 2(5), 1344-1353.
10. Karimovich, A. A., & Abdukarimovich, U. B. (2021). Method of ensuring traffic safety on slippery roads.
11. Murtazakulovich, N. Y., & Qo'Chqorovna, Y. M. (2021). Yer usti transport tizimlarida tashishni tashkil etishda yuksiz qatnovlarni optimal rejalashtirish. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).
12. Тожиев, Ж. З. Ў. (2020). Кафолат даврида бузилишларни олдини олиш мақсадида автомобилнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3), 115-119.



13. Umirov, I., Turushev, S., & Ravshanov, F. (2021). Йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
14. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. *Academic research in educational sciences*, (3).
15. Odilov, N., & Muxtorov, A. (2022). Avtomobillar harakatini xavfsiz tashkil etishda GPS tizimlaridan foydalanish samaradorligi. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 298-303.
16. Одилов, Н. Э. (2021). Особенности эксплуатации двс газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 238-244.
17. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 10-17.

БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Алишер Хасанович Нарманов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти докторанти
alishernarmanov@mail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада болалар нутқини шакллантиришда ғарб ва шарқ нотикларининг фикрлари улар берган назарий ва амалий тавсияларини ўрганишб уларнинг нутққа оид фикрлари ва тавсияларини ўқувчи ёшларга етказиш орқали таълим тизимида ҳам ўз самарсини бериши ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: Риторика, стратегия, оналар мактаби, ақл ва нутқ, Мурожатнома, “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс”.

КИРИШ

Кейинги йилларни жамиятимизда туб ўзгаришлар, ислохотлар даври дейишимиз учун етарли асослар бор. 2017 йилда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси**” 2017-2021 йилларда мамлакатимизни комплекс ривожлантириш, шунингдек, юрт тараққиётини таъминлашнинг устувор жиҳатларини белгилаб берган дастур бўлиб хизмат қилди. Шубҳасиз, 2017-2021 йиллар мамлакатимиз тарихида “Янги Ўзбекистон” жамиятини барпо этиш ва “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қўйишдек улуғвор мақсадларга киришилгани билан қолади. Амалга оширилаётган ислохот ва ташаббусларнинг аниқлиги, стратегик аҳамияти ва қамрови нафақат маҳаллий, балки халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ислохотлар контекстида таълим ва фан соҳасига бўлаётган эътибор алоҳида эътирофга лойиқ. Кейинги беш йил давомида барча турдаги таълим босқичларини тубдан такомиллаштириш бўйича бир қатор Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Қабул қилинган бу ҳужжатлар амалий жиҳатдан ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради.

Таълим муассасаларида, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантириш, нутқий кўникмаларини



ривожлантириш компетенциявий ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Коммуникатив компетенциялар ўқув фанини пухта ўзлаштириш, ижтимоий муносабатларга киришиш, танқидий ва ностандарт тафаккур тарзига эришиш, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён қилиш билан боғлиқ нутқий фаолият маҳсули экан, ўқувчиларда мазкур компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласига мактабгача таълим даври ва умумтаълим мактабларининг дастлабки босқичларидан катта эътибор қаратиш лозим ва бу, айти пайтда, ўқувчиларда шахсий компетенцияларни шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳамдир.

Бола нутқини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи педагогиканинг асосий муаммоларидан бўлиб келган. Дарҳақиқат, болалар нутқининг шаклланиши бир қанча омилларга боғлиқ ва уларни таҳлил қилиш мазкур муаммонинг ечимига нисбатан тўғри ёндашувни таъминлайди. Мазкур омиллар сифатида оила ва таълим муассасасидаги муҳит, боланинг руҳий ҳолати, имкониятлари, жисмоний саломатлиги, фаоллиги, ахлоқий ва эстетик сифатларини келтириш мумкин. Бола нутқини ривожлантиришда бой фольклор намуналарининг ўрнини, шунингдек, халқ оғзаки ижодидаги бир қатор жанрларнинг руҳий ва физиологик таъсир имкониятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш бугунги кун тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, психология ва педагогика каби фанларнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мавзунинг бир неча фанлар кесишмасидан жой олиши унинг кенг қамровли илмий муаммо эканлигини кўрсатади.

Олиб борилган илмий иш ва тадқиқотларни таҳлил ҳамда тавсиф этиш бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини такомиллаштиришнинг илмий асослари ва тадқиқ этиш даражасини аниқлаш имкониятини беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш мамлакатимизда ўтган асрнинг 50-йилларида бошланган. Бошланғич таълим соҳасини биринчилардан бўлиб ўрганган олимлардан А.В.Никольская маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўқитиш контекстида муаммони тадқиқ этади. А.В.Никольская томонидан ўтказилган синов тадқиқотлари (1958-60 йиллар) натижасида бошланғич катта ёшли ўзбек болаларига русча оғзаки нутқни ўргатиш



методикасининг асосий мазмуни белгиланган ва унинг асосий масалалари ишлаб чиқилган.

XX асрнинг 70-йилларида А.В.Никольскаянинг илмий раҳбарлиги остида Е.М.Разбаева томонидан амалга оширилган тадқиқотларда бошланғич таълим ёшидаги болаларда ўқилган асарлар асосида катталар меҳнатига ҳурматни тарбиялашда фольклор асарларининг ўрни ёритилган. Хусусан, мазкур тадқиқотда меҳнат ва маросим кўшиқлари воситасида ёшларда ижтимоий фойдали меҳнатнинг инсон камолотидаги ўрни, меҳнатнинг мукамал тарбия воситаси эканлиги, ўзбек халқ оғзаки ижодидан (халқ эртаклари, ўйинлари) фойдаланиш асосида атрофдагиларга адолатли муносабатда бўлишни шакллантириш масалалари ўзбек фольклори намуналари воситасида таҳлил қилинган.

Мазкур тадқиқотлар фольклорнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни, хусусан, бола тарбиясидаги аҳамияти нечоғлик катта эканлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, “Фольклор барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хослиги билан ажралиб турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусиқа, рақс, хунармандчилик, тасвирий, бадий ва бошқа санъатлар билан боғлиқ тасаввурларни қамраб олади. Бошқача айтсак, оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида ифода этувчи, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараён дур. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирор бир халқнинг қандай халқ эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади. Ҳар қандай санъатнинг боши фольклорда, деган гап бугун пайдо бўлган эмас. У узоқ йиллик ҳаётини кузатиш, илмий тажрибанинг ҳосиласи. Ҳақиқатдан ҳам тасвирий, хунармандчилик, мусиқа, рақс, сўз ва бошқа санъат турларининг аввали-боши, юзага келиши бевосита халқ оғзаки ижодига, халқнинг илк тасаввур ва ишончларига бориб тақалади”.

Халқ оғзаки ижоди, шубҳасиз, бола тарбиясида, хусусан, уларнинг нутқини ривожлантиришда катта имкониятлар ва жуда бой қадриятларга эга сўз санъати туридир. Хусусан, унинг эртак, афсона, ривоят, тез айтиш, топишмоқ, мақол каби жанрлари ўқувчи-ёшларнинг дунёқарашини, тасаввурини, тафаккур имкониятларини, хотирасини, руҳиятини, нутқини тарбиялашда бемисл аҳамиятга эга эканлиги мазкур жанрларнинг ўзига хослиги ва ички имкониятларида намоён бўлади.



Ф.Р.Қодированинг тадқиқотларида мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда нутқ шаклларида фойдаланишнинг педагогик-психологик омиллари, болаларга хорижий тилларни ўргатишнинг лингвопедагогик муаммолари, русийзабон болаларга ўзбек тилини ўргатишнинг услубий хусусиятлари каби масалалар ёритилган. Хусусан, болалар нутқини ривожлантиришда уларнинг сўз бойлигини ошириш устида ишлаш, хотирасини кучайтириш, диалогик нутқ шаклидан фойдаланишнинг услубияти, бадий асарлар, хусусан, халқ оғзаки ижодининг эртак, ривоят, афсона каби насрий жанрларидан фойдаланишнинг услубий ва педагогик хусусиятлари кенг кўламда таҳлил қилинган.

Р.М.Қодированинг тадқиқотларида эса беш-олти ёшли болалар нутқини рус тилини ўқитиш жараёнида ривожлантиришнинг омиллари тадқиқ этилган. Хусусан, болаларнинг нутқини ривожлантиришнинг педагогик-психологик омиллари, болаларга рус тилини диалогик нутқ воситасида ўқитишнинг услубияти, рус тилини ўқитиш жараёнида болаларда байналминаллик ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш масалалари таҳлил қилинган.

Д.Р.Бабаеванинг тадқиқотларида болалар нутқини ривожлантиришнинг илмий-педагогик шарт-шароитлари, назарий, ташкилий-педагогик ва методик томонлари, болалар нутқини ривожлантиришда оиланинг ўрни, мазкур муаммони таълим жараёнида режалаштириш ва ташкил этиш, теварак-атроф билан танишиш жараёнида болалар нутқини ўстириш усуллари, болаларнинг теварак-атрофни билиш жараёни билан боғлиқ нутқни ривожлантириш технологияси каби масалалар тадқиқ этилган.

Инсоният тараққиёти тадрижида тил, нутқ ва тафаккурнинг аҳамияти катта. Шу ўринда ушбу тушунчаларнинг лингвистик таҳлиliga бир оз тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тил онг ва тафаккур билан чамбарчас боғлиқ. Бу икки тушунча бир-бирини тақазо этади ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Тафаккур жараёни онгимизда тил элементлари кўринишида кечади. Сўз ва бошқа тил унсурлари тушунча сифатида онгда тафаккур юритиш воситаси сифатида намоён бўлади. Бу жараён тил унсурларисиз амалга ошмайди. Демак, тил онг ва тафаккур билан чамбарчас боғлиқ.

Нутқ тил билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, унинг такомил тилдаги лексик бирликларнинг инсоннинг тезкор хотирасидан ўрин олиши ва унинг нутқ жараёнида тезкор қўллай олиш қобилиятига боғлиқ. Инсоннинг луғат бойлигини оширмасдан туриб унинг

нутқий қобилиятини ривожлантириб бўлмайди. Шунингдек, лексик бирликларнинг услубий хосланганлиги ва унинг ўзига хос маъно товланишларини тажриба ва табиий интуицияга таянган ҳолда ҳис қилиш инсонга сўздан ўринли фойдаланиш имкониятини оширади. Бу эса сўзга эътибор, бадиий мутолаа, турли ижтимоий муносабатлар воситасида ҳосил бўладиган лингво-психологик кўникмалар бўлиб, унга ички ва ташқи омиллар воситасида таъсир қилиш мумкин.

Нутқни эгаллашнинг асосий босқичи бошланғич таълим даврига тўғри келади ва кейинчалик у мунтазам ривожланиш хусусиятига эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги пайтда нутқни ривожлантириш босқичларини алоҳида ўрганишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқи тадқиқотчилари Е.И.Тихеева, Е.А.Флерина, А.М.Леушина, Л.А.Пеньевская ва бошқалар болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш ва ҳикоя қилиш кўникмаларини ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, диалогик нутқ шакли билан ва монологик нутқнинг ифода йўсинидаги ўзаро боғлиқлик, фарқ ва ўхшаш хусусиятлар, равон нутқни шакллантирувчи омиллар тадқиқ қилинган. Шунингдек, мазкур тадқиқотчилар томонидан болалар нутқини ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари, хусусан, болалар ҳикояларини таснифлаш, ҳикоя ўқиш (тинглаш) жараёнининг нутқни шакллантиришдаги роли, теварак-атрофдаги предметларни тавсифлаш, адабий асарларни ҳикоя қилиб бериш, расмга қараб ҳикоя қилиш, шахсий ва жамоа тажрибасидан мисол келтириш, ижодий ҳикоя қилиш каби омиллар тавсифланган.

Бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини ривожлантириш мактабгача таълим муассасаларида шу йўналишда олиб борилган амалий ишларга асосланади. Шундай экан, мактабгача ва бошланғич таълимда нутқни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ишларнинг интеграциясини таъминлаш, дастурлардаги узвийлик ва узлуксизлик масалаларини қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда, мактабгача таълимда нутқни шакллантириш билан боғлиқ: фикрни ифода қилиш, боғлиқли нутқ кўникмалари, бошланғич таълимда эса уни ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ; бошланғич таълимда яна расм асосида ҳикоя тузиш, бадиий матнни қайта ҳикоя қилиб бериш, тил элементларининг грамматик табиатига ҳам эътиборни қаратиш қўл келади.

Болалар нутқини шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар



нутқий фаолиятнинг яхшиланишига рағбатнинг кучайтиришига сабаб бўлмоқда. Нутқий фаолият нутқий ҳаракатлар билан яхлитлик касб этганда самарали мулоқот жараёни қарор топади. Рус тадқиқотчиларининг болалар нутқий фаолиятини ривожлантириш борасидаги назарий қарашларида мазкур ёндашув марказий ўринни эгаллайди. Уларда вербал ва новербал мулоқот шаклларида ўринли ва унумли фойдаланиш нутқнинг таъсирчанлигини ошириши исботланган.

Ўзбек маърифатпарварларидан бири Абдулла Авлонийнинг серқирра ижодий фаолиятида таълим ва тарбия масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. У олим ва муаллим, шоир ва ёзувчи, театр етакчиси ва режиссёри сифатида Ватан равнақини маҳаллий халқ болаларининг илму маърифатли бўлишида кўради ва бу йўлда амалий аҳамиятга эга бўлган жиддий ишларни амалга оширади. Айниқса, у ўзбек қизларига таълим-тарбия бериш ва улар учун махсус мактаблар ташкил этиш муаммосига алоҳида эътибор беради. Фаолияти давомида Авлоний “Адабиёт” (I-IV китоблар), “Биринчи муаллим” (“Муаллими аввал”), “Иккинчи муаллим” (“Муаллими соний”), “Туркий гулистон”, “Мактаб гулистони” каби дарсликларини ёзади ва чоп этади.

Абдулла Авлоний ўз асарларида илм олиш муаммосини биринчи ўринга қўяди. У, жумладан, шундай дейди: “Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм билан боғлиқдур. Шунинг учун ўқимак, билмак замоналарини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакка жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдир”.¹ Авлоний илм тарбия жараёнида ўзлаштирилади, у яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Ўқиш ва ўқитиш услубига ислоҳ киритилиши, янги мактабларнинг ташкил қилиниши, ўқувчиларга замонавий билимлар бериш, шарқ ва ғарб тилларини ўргатиш каби масалаларнинг таълим амалиётига киритилиши Абдулла Авлоний номи билан боғлиқ.

Абдулла Авлоний ёшлар тарбиясида бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс эканлигини англаган ҳолда ўзининг дарсликларида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт намуналарини муайян тарбия шаклини асослаш мақсадида келтиради.

Абдулла Авлоний дунёқарашининг шаклланишида рус адабиёти ва маданияти муҳим роль ўйнайди. У А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Горькийнинг ижодий меросларига катта

хурмат билан муносабатда бўлган ва К.Д.Ушинскийнинг педагогик меросини юқори баҳолаган. Авлонийнинг педагогик қарашларида болалар нутқий фаолиятини ривожлантириш масаласи бадиий адабиёт билан боғлиқликда қаралади. У педагог сифатида бадиий адабиётнинг лингвистик ва коммуникатив имкониятларини болалар маънавий камолоти, хусусан, нутқининг ривожланишида асосий омил сифатида кўради. Авлонийнинг дастлаб яратган дарсликларида берилган кичик ҳикояларнинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) ҳикоялардаги ибратли хулосалар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳаёт ҳақидаги хулосаларини бойитиш, тафаккурини ўстириш билан боғлиқ тарбиявий жиҳат;
- 2) ҳикояларни ўқиш жараёнида ўзлаштириладиган нутқий кўникмалар билан боғлиқ таълимий жиҳат.

Демак, Абдулла Авлоний ўзининг таълим ва тарбия концепциясида болаларнинг нутқий қобилиятларини ўстириш масаласига эътибор қаратган, уларни ўзлаштиришда бадиий адабиётга асосий восита сифатида қараган.

ХУЛОСА

Умуман, болалар нутқини ривожлантириш масаласи кенг қамровли ва кўп омилли педагогик муаммо сифатида илмий жамоатчиликнинг эътиборини кўпдан бери жалб қилиб келмоқда. Уларда муаммо турли хил аспектларда тадқиқ қилинган. Айниқса, бу борада рус педагог олимларининг хизмати катта бўлиб, маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ҳали амалга оширилиши лозим бўлган тадқиқотлар талайгина. Шубҳасиз, болалар нутқини ривожлантириш масаласини турли ракурслар орқали тадқиқ қилиниши ўзининг нафақат илмий, балки амалий аҳамиятига ҳам эга.

REFERENCES

1. Никольская А.В. Воспитание у детей уважения к труду взрослых на основе бесед о прочитанном [Текст] / М-во просвещения Узбек. ССР. Узбек. науч.-исслед. ин-т пед. наук. - Ташкент : [б. и.], 1958. - 28 с.
2. Разбаева, Э. М. Воспитание у старших дошкольников уважения к труду взрослых на основе использования бесед по прочитанному [Текст] : Автореферат дис. на соискание ученой степени кандидата педагогических наук / Ташк. гос. ун-т им. В.И.Ленина. - Ташкент : [б.и.], 1964. - 26 с.



3. Фольклор – миллатнинг боқий тарихи. Фольклоршунос Жаббор Эшонкул билан мулоқот.// <https://saviya.uz/hayot/suhbat/folklor-millatning-boqiy-tarixi/?imlo=k>

4. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги русийзабон болаларни ўзбекча сўзлашишга ўргатиш. Т., «Ўқитувчи», 1997.; Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги болаларни чет тилига ўргатишнинг лингводидактик муаммолари. Ж., «Педагогик таълим», 2002, №2.; Қодирова Ф.Р, Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикаси. Т., «Сано-Стандарт» 2004.

5. Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантиришнинг психологик омиллари. Сарιοғоч, 1998.; Кадырова Р.М. Формирования интернациональных и патриотических чувств у дошкольников и шестилеток-учащихся в процессе обучения их русской разговорной, речи. Номзодлик диссертацияси автореферати. Т., 1990.; Кадырова Р.М. Обучение детей 5-6 лет диалогической речи на русском языке в детских садах Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 1992.; Кадырова Р.М. Обучение детей дошкольного возраста русской разговорной речи в национальных детских садах Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 1992.

6. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш методикаси (теварак-атрофни ўрганиш материаллари асосида). Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технология, 2009, 128 бет.

7. Тихеева Е.И. Развитие речи детей. Пособие для воспитателей детских садов. Издание 4-е. –М.: Просвещение. 1981. -144 с.; Леушина А.М. Авторитет родителей в воспитании детей. Стенограмма публичной лекции. –Л., 1952.; Рассказывание детей как средство обучения связной речи // Известия академии педагогических наук РСФСР. Выпуск 16, 1948 г. http://elibr.gnpbu.ru/text/izvestiya-apn_vyp16_1948/go,111;fs,1/

ИЗМЕРЕНИЯ И РЕЗУЛЬТАТЫ УГЛОВЫХ РАСПРЕДЕЛЕНИЙ ГАММА-ЛУЧЕЙ ИЗ РЕАКЦИИ $^{27}\text{Al}(p,\gamma)^{28}\text{Si}$

Сафо Олимович Саидов

Кандидат химических наук, доцент кафедры Физики Бухарского государственного университета

Сирожиддин Комилевич Махмудов

Старший научный сотрудник, Научно исследовательский институт физики полупроводников и микроэлектроники НУ Уз

Санжар Ихтиёр ўғли Махмудов

Магистрант 2 курса кафедры физики Бухарского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье обсуждены результаты измерения углового распределения гамма-лучей, определены и уточнены спины для 15 из наблюдаемых 68 уровней, определены коэффициенты смещения мультипольностей для 7 прямых переходов разряжающих резонансные уровни. Экспериментальные значения энергий четырех уровней и вероятности E2 переходов разряжающие эти уровни сравниваются с расчетами по модели Давыдова для неаксиального четно-четного ядра ^{28}Si .

Ключевые слова. Электромагнитное излучение, гамма излучение, изучение спектров ядерного гамма-излучения и гамма-излучения, коэффициенты угловых распределений, прямой переход с резонансного уровня, квадрупольный момент, резонансные и нерезонансные уровни, переход, вероятность перехода, энергия и интенсивность перехода ...

ABSTRACT

This article discusses the results of measuring the angular distribution of gamma rays, determines and refines the spins for 15 of levels among 68, determines the multipolarity shift coefficients for 7 direct transitions that discharge resonant levels. The experimental values of the energies of the four levels and the probabilities of E2 transitions that discharge these levels



are compared with calculations using the Davydov model for the nonaxial even-even 28^{Si} nucleus

ВВЕДЕНИЕ

Гамма излучение – электромагнитное излучение, принадлежащее наиболее высокочастотной (коротковолновой) части спектра электромагнитных волн [1,2]. В таблице 1 приведена классификация электромагнитных волн: на шкале электромагнитных волн гамма-излучение соседствует с рентгеновскими лучами, но имеет более короткую длину волны. Первоначально термин “гамма-излучение” относился к тому типу излучения радиоактивных ядер, который не отклонялся при прохождении через магнитное поле, в отличие от α - и β -излучений. Условно верхней границей длин волн гамма-излучения, отделяющей его от рентгеновского излучения, можно считать величину 10^{-10} м. При столь малых длинах волн первостепенное значение имеют корпускулярные свойства излучения.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Гамма-излучение представляет собой поток частиц - гамма-квантов или фотонов, с энергиями $E = h\nu$ (h – постоянная Планка, равная $4.14 \cdot 10^{-15}$ эВ·с, ν – частота электромагнитных колебаний). Условно, фотоны с энергиями $E > 10$ кэВ относятся к гамма-квантам. Между длиной волны λ гамма-излучения и его частотой ν существует то же соотношение, что и для других типов электромагнитных волн: $\nu \cdot \lambda = c$ (c – скорость света).

Таблица 1. Классификация электромагнитных волн

Название	Длина волны, м	Частота, Гц
Радиоволны	$3 \cdot 10^5 - 3$	$10^3 - 10^8$
Микроволны	$3 - 3 \cdot 10^{-3}$	$10^8 - 10^{11}$
Инфракрасное излучение	$3 \cdot 10^{-3} - 8 \cdot 10^{-7}$	$10^{11} - 4 \cdot 10^{14}$
Видимый свет	$8 \cdot 10^{-7} - 4 \cdot 10^{-7}$	$4 \cdot 10^{14} - 8 \cdot 10^{14}$

Ультрафиолетовое излучение	$4 \cdot 10^{-7} - 3 \cdot 10^{-9}$	$8 \cdot 10^{14} - 10^{17}$
Рентгеновское излучение	$3 \cdot 10^{-9} - 10^{-10}$	$10^{17} - 3 \cdot 10^{18}$
Гамма-излучение	$< 10^{-10}$	$> 3 \cdot 10^{18}$

Частота гамма-излучения ($>3 \cdot 10^{18}$ Гц) отвечает скоростям электромагнитных процессов, протекающих внутри атомных ядер и с участием элементарных частиц. Поэтому источниками гамма-излучения могут быть атомные ядра и частицы, а также ядерные реакции и реакции между частицами, в частности аннигиляция пар частица-античастица. И наоборот, гамма-излучение может поглощаться атомными ядрами и способно вызывать превращения частиц. Изучение спектров ядерного гамма-излучения и гамма-излучения, возникающего в процессах взаимодействия частиц, дает важную информацию о структуре этих микрообъектов.

Гамма-излучение может также возникать при торможении быстрых заряженных частиц в среде (тормозное гамма-излучение) или при их движении в сильных магнитных полях (синхротронное излучение). Источниками гамма-излучения являются также процессы в космическом пространстве. Космические гамма-лучи приходят от пульсаров, радиогалактик, квазаров, сверхновых звезд.

Гамма-излучение ядер испускается при переходах ядра из состояния с большей энергией в состояние с меньшей энергией, и энергия испускаемого гамма-кванта с точностью до незначительной энергии отдачи ядра равна разности энергий этих состояний (уровней) ядра. Энергия ядерного гамма-излучения обычно лежит в интервале от нескольких кэВ до нескольких МэВ и спектр этого излучения линейчатый, т. е. состоит из ряда дискретных линий. Изучение спектров ядерного гамма-излучения позволяет определить энергии состояний (уровней) ядра.

При распадах частиц и реакциях с их участием обычно испускаются гамма-кванты с большими энергиями - десятки-сотни МэВ.

Гамма-излучение, образующееся при прохождении быстрых заряженных частиц через вещество, вызывается их торможением в кулоновском поле ядер вещества. Тормозное гамма-излучение имеет сплошной, спадающий с ростом энергии спектр, верхняя граница которого совпадает с кинетической энергией заряженной



частицы. На ускорителях заряженных частиц получают тормозное гамма-излучение с энергиями до нескольких десятков ГэВ и более.

Угловые распределения гамма-лучей из реакции (p,γ) измерялись для определения значения спина ряда резонансных состояний ядра ^{28}Si . Угловые распределения измерялись HPGe детектором (из сверхчистого германия) на расстоянии 7 см от мишени и при углах 0° , 45° и 90° относительно направления пучка. Спектры, полученные при каждом из этих углов, хранились в персональном компьютере. Последовательность $0^\circ \rightarrow 90^\circ \rightarrow 0^\circ$ повторялась несколько раз, пока не набралась необходимая статистика обеспечивающая точность не хуже 3% и проверялись центровка детектора и затухание γ -лучей.

Анализ данных методом наименьших квадратов в терминах полиномов Лежандра в выражении $N(\theta) = B(1 + A_2P_2 + A_4P_4)$ дал значения для коэффициентов корреляции A_2 и A_4 . Результаты показаны в таблице 2.

Таблица 2. Нерезонансные уровни в ^{28}Si

Настоящая работа	Работа [3]	Возбуждается при резонансах, Ер, кэВ
7415.2±2.0	7418.6±1.0 ^{a)}	
9478.5±2.5	9480.4 ±1.5	
9765.0±2.2	9761.5±1.4	
9793.8±2.0		679, 1262, 1381
9929.3±2.0	9930±7	
10514.9±2.0		979, 1662
10541.0±2.0	10540±3	
10598.2±2.0	10594±2.0 ^{b)}	
10668.8±2.4	10668±5	
10884.1±2.0		937, 1172, 1262, 1502
10901.5±2.0	10901±3	
10915.9±2.0	10915.7±1.3	
10945.4±2.0	10945±3	
11078.1±2.0	11077.5±1.3	
11434.3±1.0	11432±2	937, 1090, 1900, 2132
11434.6±1.5		1118, 1800, 1900, 2303
11778.8±1.5		1588, 1911

Таблица 3. Коэффициенты угловых распределений гамма-лучей из реакции $^{27}\text{Al}(p,\gamma)^{28}\text{Si}$ и выводы о спинах уровней ^{28}Si

E_p , кэВ	Переходы	A_2	A_4	Значение спина уровня	
				Настоящая работа	Работа[3]
406	$r \rightarrow 4.62$ $r \rightarrow 8.59$	0.14 ± 0.03 -0.23 ± 0.14	-0.04 ± 0.06 -0.28 ± 0.21	$2^+, 3^-, 4^+$	(4^+)
679	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 4.62$ $r \rightarrow 7.42$	-0.14 ± 0.01 -0.09 ± 0.02 -0.06 ± 0.02	-0.01 ± 0.03 -0.08 ± 0.03 0.03 ± 0.03	3	3^+
742	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 8.90$ $r \rightarrow 9.50$ $r \rightarrow 10.60$ $r \rightarrow 10.72$	-0.03 ± 0.07 -0.08 ± 0.08 -0.17 ± 0.06 -0.41 ± 0.18 -0.03 ± 0.08	-0.00 ± 0.10 -0.10 ± 0.11 -0.01 ± 0.08 0.21 ± 0.27 -0.16 ± 0.11	$1^-, 2^+$	(2^+)
1025	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 7.80$ $r \rightarrow 8.26$	-0.07 ± 0.03 -0.13 ± 0.01 -0.11 ± 0.09	0.04 ± 0.04 0.06 ± 0.01 -0.06 ± 0.14	2	$(1^+, 2)$
1213	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 6.69$	-0.03 ± 0.02 0.19 ± 0.03	-0.03 ± 0.03 0.03 ± 0.05	$1^+, 2^+$	$1^-, 2^+$

1328	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 4.62$	-0.06 ± 0.01 -0.06 ± 0.05	-0.10 ± 0.02 -0.07 ± 0.07	$2^+, 3^+$	$2 - 4(2,3)^+$
1381	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 4.62$ $r \rightarrow 6.28$	-0.10 ± 0.01 -0.14 ± 0.04 -0.09 ± 0.12	0.01 ± 0.01 -0.05 ± 0.05 -0.00 ± 0.14	$2^+, 3$	$(2,3)^+$
1388	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 6.28$	-0.09 ± 0.01 -0.08 ± 0.06	-0.03 ± 0.01 0.03 ± 0.08	2^+	2^+
1457	$r \rightarrow 4.62$ $r \rightarrow 7.80$	0.32 ± 0.15 -0.33 ± 0.08	0.05 ± 0.19 -0.03 ± 0.10	3^-	3^-
1502	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 4.62$	-0.29 ± 0.04 -0.24 ± 0.12	-0.02 ± 0.05 0.09 ± 0.15	2, 3	2^+
1520	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 6.88$	-0.24 ± 0.02 0.07 ± 0.06	0.10 ± 0.03 -0.04 ± 0.07	2	2^-
1566	$r \rightarrow 6.89$ $r \rightarrow 7.80$ $r \rightarrow 9.32$	-0.14 ± 0.11 -0.29 ± 0.08 -0.27 ± 0.05	0.09 ± 0.14 -0.09 ± 0.10 0.09 ± 0.05		
1588	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 4.62$ $r \rightarrow 6.28$	-0.09 ± 0.01 -0.08 ± 0.03 0.05 ± 0.08	-0.02 ± 0.01 -0.00 ± 0.04 0.01 ± 0.09		

1911	$r \rightarrow 4.62$ $r \rightarrow 6.89$	-0.92 ± 0.03 -0.25 ± 0.03	0.19 ± 0.04 -0.02 ± 0.04	5^+	$2^+, 3^-$	$(3^-, 4^+)$
1969	$r \rightarrow 1.78$ $r \rightarrow 6.28$	0.02 ± 0.06 -0.17 ± 0.10	-0.01 ± 0.08 0.07 ± 0.12	2	3	$(2-4)$

Количество импульсов, наблюдаемых под каждым углом, использовалось в качестве входных данных для компьютерной программы, рассчитавшей значение $Q^2 = \sum_{i=1}^4 \left(\frac{BN_i(\theta_i) - N(\theta_i)}{\Delta N(\theta_i)} \right)^2$, где B - константа нормировки, а $N_i(\theta_i)$ задается формулой:

$$N_i(\theta_i) = 1 + Q_2 A_2^* P_2(\cos\theta_i) + Q_4 A_4^* P_4(\cos\theta_i).$$

Величины Q_2 и Q_4 являются коэффициентами затухания, учитывающими конечный размер детектора, и A_2^* и A_4^* являются теоретическими коэффициентами, которые представляют собой функции параметров разрядки уровня и коэффициентов смешивания гамма-перехода.

Соответствующие параметры в теоретических выражениях для A_2^* и A_4^* были систематизированы, чтобы найти минимумы χ^2 из Q^2 . Найденное значение спина считалось единственным, когда соответствующий χ^2 находился ниже предела 0,1%, тогда как все остальные спины дали значения χ^2 выше этого предела.

Таблица 4. Коэффициенты смешивания прямого перехода с резонансного уровня спин которого был определен однозначно

E_p	I	Переход	Коэффициент смешивания
679	3^5	$r \rightarrow 1.78$	0.36 ± 0.04
		$r \rightarrow 4.62$	-1.70 ± 0.18
		$r \rightarrow 7.42$	0.00 ± 0.03
1911	5	$r \rightarrow 4.62$	1.43 ± 0.11
		$r \rightarrow 6.89$	0.00 ± 0.03
1969	2	$r \rightarrow 1.78$	0.27 ± 0.05
		$r \rightarrow 6.28$	-2.75 ± 1.00

Результаты и выводы измерений углового распределения показаны в таблице 3. Было обнаружено, что



J^x резонанса $E_p = 679$ кэВ 3^+ [4]. Вывод о положительной четности сделан из анализа параметров разрядки уровня. Коэффициенты смешивания прямых переходов, которые дали единственные значения спины, показаны в таблице 4.

Сравнение некоторых экспериментальных результатов производилось с известными теоретическим расчетами [5,6]. Уровни $E_{ур} = 0, 1.78, 4.62$ и 8.54 МэВ со следующими спинами и четностями $J^\pi = 0^+, 2_1^+, 4_1^+$ и 6_1^+ считаются членами вращательной полосы основного состояния аксиально-симметричного четно - четного ядра ^{28}Si . Как было показано Давыдовым и др. [5,6], что нарушение аксиальной симметрии в четно-четных ядрах лишь незначительно влияет на спектр вращения осесимметричного ядра и в результате появляются новые уровни с $J^\pi = 2_2^+, 3^+, 4_2^+ \dots$. Если отклонение от аксиальной симметрии невелико, то эти уровни лежат очень высоко. С другой стороны, если отклонение от аксиальной симметрии увеличивается, некоторые дополнительные уровни лежат намного ниже. Выражения для энергий и сильных переходов были получены Давыдовым и др. в терминах параметра γ , который определяет отклонение формы ядра от аксиальной симметрии, собственного квадрупольного момента и энергетического параметра A .

Таблица 5. Энергия и интенсивность перехода в неаксиальном ядре ^{28}Si

Начальный уровень, МэВ		Переход	$I_i \rightarrow I_t$	Вероятность E2 перехода (в.е.)	
Эксперимент	Теория[7,8]			Эксперимент	Теория[7,8]
1.78	1.55	$1.78 \rightarrow 0$	$2_1^+ \rightarrow 0^+$	13 ± 1	14 ± 1
4.62	4.90	$4.62 \rightarrow 1.78$	$4_1^+ \rightarrow 2_1^+$	22 ± 4	20 ± 1
7.38	7.19	$7.38 \rightarrow 0$	$2_2^+ \rightarrow 0^+$	0.3 ± 0.1	0.9 ± 0.1
		$7.38 \rightarrow 1.78$	$2_2^+ \rightarrow 2_1^+$	2.2 ± 0.6	3.6 ± 0.2
8.54	9.76	$8.54 \rightarrow 4.62$	$6_1^+ \rightarrow 4_1^+$	>34	23 ± 2

Уровни $E_{ур} = 1,78, 4,62, 7,38$ и $8,54$ МэВ считались членами вращательной полосы $2_1^+, 4_1^+, 2_2^+$ и 6_1^+ неаксиально-симметричного ядра ^{28}Si . Квадрупольный момент уровня $E_{ур} = 1,78$ МэВ равен $Q(2_1^+) = +0,16 \pm 0,03$ е · в [9]. Поэтому внутренний квадрупольный момент $Q_0 = - (0,62 \pm 0,12)$ е · в для $\gamma = 180$. Это значение для γ дает



наблюдаемую спиновую последовательность в ^{28}Si . Интенсивность нескольких E2 переходов, рассчитанные с этими значениями γ и Q_0 , показаны в таблице 5. Энергии уровней были рассчитаны с приведенным выше значением γ и $A = 318$ кэВ. Результаты показаны в таблице 6 и находятся в разумном согласии с экспериментальными значениями.

Сравнение некоторых экспериментальных результатов производилось с известными теоретическим расчетами [5,6]. Уровни $E_{ур} = 0, 1.78, 4.62$ и 8.54 МэВ со следующими спинами и четностями $J^\pi = 0^+, 2_1^+, 4_1^+$ и 6_1^+ считаются членами вращательной полосы основного состояния аксиально-симметричного четно - четного ядра ^{28}Si . Как было показано Давыдовым и др. [5,6], что нарушение аксиальной симметрии в четно-четных ядрах лишь незначительно влияет на спектр вращения осесимметричного ядра и в результате появляются новые уровни с $J^\pi = 2_2^+, 3^+, 4_2^+ \dots$. Если отклонение от аксиальной симметрии невелико, то эти уровни лежат очень высоко. С другой стороны, если отклонение от аксиальной симметрии увеличивается, некоторые дополнительные уровни лежат намного ниже. Выражения для энергий и сильных переходов были получены Давыдовым и др. в терминах параметра γ , который определяет отклонение формы ядра от аксиальной симметрии, собственного квадрупольного момента и энергетического параметра A .

Таблица 6. Энергия и интенсивность перехода в неаксиальном ядре ^{28}Si

Начальный уровень, МэВ		Переход	$I_i \rightarrow I_t$	Вероятность E2 перехода (в.е.)	
Эксперимент	Теория[7,8]			Эксперимент	Теория[7,8]
1.78	1.55	$1.78 \rightarrow 0$	$2_1^+ \rightarrow 0^+$	13 ± 1	14 ± 1
4.62	4.90	$4.62 \rightarrow 1.78$	$4_1^+ \rightarrow 2_1^+$	22 ± 4	20 ± 1
7.38	7.19	$7.38 \rightarrow 0$	$2_2^+ \rightarrow 0^+$	0.3 ± 0.1	0.9 ± 0.1
		$7.38 \rightarrow 1.78$	$2_2^+ \rightarrow 2_1^+$	2.2 ± 0.6	3.6 ± 0.2
8.54	9.76	$8.54 \rightarrow 4.62$	$6_1^+ \rightarrow 4_1^+$	>34	23 ± 2

Уровни $E_{ур} = 1,78, 4,62, 7,38$ и $8,54$ МэВ считались членами вращательной полосы $2_1^+, 4_1^+, 2_2^+$ и 6_1^+ неаксиально-симметричного ядра ^{28}Si . Квадрупольный момент уровня $E_{ур}$



= 1,78 МэВ равен $Q(2_1^+) = + 0,16 \pm 0,03 \text{ e} \cdot \text{b}$ [9]. Поэтому внутренний квадрупольный момент $Q_0 = - (0,62 \pm 0,12) \text{ e} \cdot \text{b}$ для $\gamma = 180$. Это значение для γ дает наблюдаемую спиновую последовательность в ^{28}Si . Интенсивность нескольких E2 переходов, рассчитанные с этими значениями γ и Q_0 , показаны в таблице 6. Энергии уровней были рассчитаны с приведенным выше значением γ и $A = 318$ кэВ. Результаты показаны в таблице 6 и находятся в разумном согласии с экспериментальными значениями.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате проведенных исследований подтверждены существование 53 резонансных, 15 нерезонансных уровней и установлены гамма-распад (коэффициенты ветвления) резонансных и нерезонансных уровней ядра ^{28}Si возбуждаемые в реакции $^{27}\text{Al}(\text{p},\gamma)$ в энергетическом интервале налетающих протонов 0,3-2,0 МэВ. Четыре уровни с энергиями $E_{\text{ур}} = 9793,8 \pm 2,0$, $10513,5 \pm 1,0$, $10884,1 \pm 2,0$ и $11778,8 \pm 1,5$ кэВ установлены впервые. Установлено, что уровень при $E_{\text{ур}} = 11,43$ МэВ является дублетом.

По результатам измерения углового распределения гамма-лучей определены или уточнены спины для 15 из наблюдаемых 68 уровней, определены коэффициенты смещения мультипольностей для 7 прямых переходов разряжающих резонансные уровни.

Экспериментальные значения энергий четырех уровней и вероятности E2 переходов разряжающие эти уровни сравниваются с расчетами по модели Давыдова для неаксиального четно-четного ядра ^{28}Si .

REFERENCES

1. C. Angulo et al. Nucl. Phys. A656 (1999) 3.
2. E.G. Adelberger et al. Rev. Mod. Phys. 83 (2011) 195.
3. Arazi et al., Nucl. Instr. and Meth. B 223 (2004) 259.
4. Арифов А.Я. и др. Относительная вероятность заселения изомеров в реакциях радиационного захвата. - Ядерная физика, т.34, вып.4, 1981, с. 1028-1043.
5. У.А.Фаулер. Экспериментальная и теоретическая ядерная астрофизика, поиски происхождения элементов. УФН,1983, т.145(3), с.441- 488.
6. Ядерная астрофизика. Под ред. Ч.Барнса, Д.Клейтона, Д.Шрамма. Пер. с английского, М.:Мир,1986.-519с.

7. Методика выполнения измерений удельной активности радионуклидов радия-226, тория-232, калия-40, цезия-137, стронция-90 в пробах продукции промышленных предприятий, предприятий сельского хозяйства и объектов окружающей среды. Инструкция по отбору проб из водных объектов и изготовлению счетных образцов Санкт-Петербург (2005). Свидетельство об аттестации 805/05. ФГУП ВНИИМ им Д.И.Менделеева.
8. Методика выполнения измерений плотности потока Радона-222 с различных поверхностей. ООО РАДЭК, Санкт-Петербург 2007. Свидетельство об аттестации №225/09. ФГУП ВНИИМ им Д.И.Менделеева.
9. Давыдов М. Г., Магеров В. Г., Тулухов А. В. Изомерные отношения выходов сечений фотоядерных реакций. – Атомная энергия, 1987, Т. 62, вып. 4, с. 232 – 243.



ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА БОШҚАРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Азиза Мурод қизи Яхёхўжаева
ТИҚХММИ МТУ магистранти
xabiybun5@gmail.com

Нафиса Саидолимовна Саидхўжаева
ТИҚХММИ МТУ доценти
nafisa_said@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Фавқулодда ҳолатлар юзага келганда, вазиятни тўғри баҳолаш, бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштириш ва уларни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Фавқулодда вазиятлар юзага келганда бажариладиган ишларни режалаштириш ва амалга оширишда асосий принцип(тамоил)лар услубиёт жиҳатидан жуда муҳим ўрин тутди. Ушбу мақолада бу масалаларга амалий жиҳатдан услубий ёндашув илмий асосланган, қарорларни янада оқилона ва ишончли қабул қилиш ва ортиқча вақтни бой бермасдан, уларни амалга ошириш имкониятларининг самарадорлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: принцип(тамоил), фавқулодда вазият, тезкорлик, таъминланганлик, комплекс(бутланган)лилик, илмийлик, директивлик, яъни буйруқ ва қарорларни сўзсиз бажаришлик, муддат ва манзилнинг аниқлиги;

PRINCIPLES AND METHODS OF MANAGEMENT AND PLANNING IN EMERGENCY SITUATIONS IN MODERN CONDITIONS

ABSTRACT

In the event of an emergency, it is important to properly assess the situation, plan the work that needs to be done, and manage it. The basic principles play a very important role in the planning and execution of the work that needs to be done in case of emergencies in terms of methodologies. This article scientifically substantiates the methodological approach to these issues from a practical point of view, shows the effectiveness of the possibility of making the most reasonable and reliable decisions without wasting time.



Keywords: printsip, emergency, urgency, security, centralization of leadership, efficiency, directivity, urgency, targeting, security, complexity, scientific.

КИРИШ

Фавкулудда вазиятлар юзага келганда бажариладиган ишларни режалаштириш ва амалга оширишда асосий принцип(тамоил)лар услубиёт жиҳатидан жуда муҳим ўрин тутди. Илмий назарияда таъкидланадики, принцип (лотин. принциум-асос, бошланғич нуқта) - бу бирор нарса ва ходисаларга нисбатан дунёқараш, эътиқод, ҳисобланади; бирорта назариянинг дастлабки қонун-қоидалари, фавкулудда вазиятларда бошқаришга қўлланилганда, бизга улар орқали хатти-харакат, хулқ-атвор ва фаолият жараёнларидаги йўналишларни белгилайдиган асосий қонун-қоидалар, бошқарувчи меёрларни тушуниш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Экстремал вазиятларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, бу ҳолда юзага келадиган вазифаларнинг аҳамияти ва қўлами, қуйидаги асосий принцип(тамоил)ларга риоя қилиш зарурлигини талаб қилади:

- бошқарувни марказлаштириш;
- тезкорлик;
- директивлиги, яъни буйруқ ва қарорларни сўзсиз бажаришлик, муддат ва манзилнинг аниқлиги;
- таъминланганлик;
- комплекс(бутланган)лилик;
- илмийлик^[1].

Экстремал(фавкулудда) ходисаларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этишнинг асосий принцип(тамоил)и **бошқарувни марказлаштириш** тамоилдир. У обектив-зарурий характерга эга, чунки кенг қўламли фавкулудда вазиятлар юзага келганда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда қоида тариқасида, турли идоравий бўйсунушларга эга бўлган тузилмалар иштирок этади, шунинг учун ягона бошқарув органининг мавжудлиги уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур шартдир. Экстремал ходисалар муайян географик манзил(чегара)га эга бўлиши ва фавкулудда вазиятларни бартараф этиш ишларида биринчи навбатда маҳаллий ташкилотлар иштирок этиши

сабабли, тиклаш ишларининг барча мажмуасини бошқариш ва амалга оширилиши масъулиятини ҳудудий бошқарув органлари ўз зиммасига олиши керак.

Шу боис, кенг кўламли табиий офатлар, авариялар, бахтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар юз берганда фавқулодда вазиятларда давлат бошқарувининг асосий органи сифатида фақат республика, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг фавқулодда вазиятлар комиссиялари, локал (махаллий) ҳолатларда эса ташкилотлар, концернлар ва ассоциациялар, уюшмалар ва бошқа объектларнинг фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиялари зарурий вазифаларни бажариши мумкин.

Фавқулодда вазият(ҳолат)лар (экстремал ҳодисалар)нинг оқибатларини бартараф этиш ва хусусан, фавқулодда вазиятларда тиклаш ишларининг мажмуасини амалга оширишнинг навбатдаги асосий принцип(тамоил)и тезкорлик **тезкорликдир**. Фавқулодда вазият пайтида юзага келадиган шароитлар бизни зудлик билан зарар кўрган аҳолини қутқариш ва уларга ёрдам бериш, таъсир омилларини локализация қилиш (махаллийлаштириб чегаралаш) ва фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бошлашга мажбур қилади.

Шунинг учун ҳам фавқулодда вазият юзага келиш пайтида ҳам, кун далик фаолиятда ҳам барча бошқарув қарорлари охир-оқибат минтақанинг исталган ҳудудидида экстремал ҳодиса(фавқулодда вазият)ларнинг содир бўлишига зудлик билан жавоб беришни таъминлаши керак^[2]. Шу билан бирга, шошилишч қутқарув операцияларини ташкил этиш уларнинг иложи бориша тезроқ бажарилишини таъминлаши керак, бу ҳар қандай шароитда, куннинг исталган вақтида, типовой(намунали) конструкциялардан максимал даражада фойдаланган ҳолда, жойида энг мақсадга мувофиқ техник ечимларни қабул қилишни талаб қилади. Катта халқ хўжалиги объектларида фавқулодда вазият юзага келганда, биринчи навбатда, асосий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тиклаш керак. Бунда кўпинча талафот кўрган аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, шунингдек экстремал ҳодисадан кўрилган комплекс иқтисодий зарарнинг миқдори тиклаш чора-тадбирларининг бажарилиш суръатига боғлиқ бўлади.

Фавқулодда вазиятларда иш олиб боришда тегишли фавқулодда комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорларнинг **директивлиги, яъни буйруқ ва қарорларни сўзсиз бажаришлик, муддат ва манзилнинг аниқлиги принцип(тамоил)ига** риоя қилишга катта аҳамият берилади. Бу тамоил, биринчи навбатда,



фавкулудда вазиятларни бартараф этиш ишлари билан шуғулланувчи корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан бошқарув органларининг барча қарорлари ва режалаштирилган вазифаларини қатъий белгиланган муддатда бажариш мажбуриятини назарда тутди.

Турли корхоналар ва махсус тузилмаларнинг вазифалари ва мажбуриятларини фарқлаш учун ушбу қарорлар ва режалар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши керак, яъни улар аниқ ижрочиларга топширилиши керак. Ҳар бир ижрочининг шахсий жавобгарлиги юқори ижро интизомининг ишончли кафолати ва фавкулудда вазиятларда бошқарув органларининг буйруқларига амал қилиш мажбуриятига айланиши керак.

Фақат шу асосда барча бўйсунувчи ташкилотларнинг экстремал шароитларда мувофиқлаштирилган ва мувозанатли ҳаракатларига эришиш мумкин, бу юқорида айтиб ўтилганидек, ўзининг таърифи бўйича олдиндан мавжуд бўлган алоқаларнинг бузилиши ва ўзгариши билан ажралиб туради.

Зарар кўрган аҳолини қутқариш ва уларга ёрдам кўрсатиш шунингдек, вайрон бўлган объектларни тиклаш катта миқдордаги махсус техника, материаллар, ёқилғи, ишчилар ва мутахассисларни талаб қилади. Шу муносабат билан экстремал вазиятларни бартараф этиш бўйича ишларни режали тартибга солишда режалаштирилган ечимларни барча зарур ресурслар билан **таъминланглик принцип(тамоил)**и муҳим рол ўйнайди. Одатда, фавкулудда ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этишда, фавкулудда вазият содир бўлган жойга яқин жойда жойлашган корхоналарнинг ва агар керак бўлса, бошқа минтақалардан ҳам деярли барча маблағлари ва воситалари тиклаш ишларини амалга оширишга жалб қилинади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шунга ўхшаш, ижобий мисол сифатида, бизнинг фикримизча, Припять ва унинг атрофидаги ҳудудларда Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатишнинг дастлабки кунларида 400 дан ортиқ тиббиёт ва 200 тиббий дозиметрик гуруҳ, 1800 шифокор ва 2500 ўрта тиббиёт ходимлари, тиббиёт институтларининг 1500 нафар бакалаврият талабалари юборилганлигини таъкидлаш мумкин^[2]. Бу нурланишдан таъсирланган аҳолининг ярим миллионга яқинини текширишга, шунингдек, озик-овқат, сув, атроф-муҳитни радиоактив ифлосланишини аниқлаш учун деярли 3 миллион таҳлилни ўтказишга имкон берди. Бунда зарарни тиклаш учун мавжуд маблағлар етишмаганда, етишмаётган ресурслар юқори органлар



маблағларидан ажратилади, хорижий давлатлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамлардан ҳам фойдаланилади.

Қайта тиклаш ишларини барча зарурий ресурс(манба)лар билан таъминлаш зарурати, баъзи ҳолларда, ҳатто янги корхоналарни яратишга олиб келади. Чернобилнинг худди шу бир жойида дарёларнинг нурланиш зонасида жойлашган қирғоқларини тиклаш бўйича ишларни бажариш учун учта бетон заводи махсус қурилган бўлиб, уларнинг ҳар бири қувват жиҳатидан ўртача гидроэлектр станциясини қуришни таъминлаши мумкин еди.

Миллий иқтисодий комплекснинг турли жиҳатларига таъсир кўрсатадиган табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ва фалокатлар салбий оқибатларни бартараф этишга комплекс ёндашувни талаб қилади, шунинг учун тиклаш ишларини режалаштиришда **комплекс(бутланган)лилик принципи** муҳим тамойил ҳисобланади. Унинг мазмуни кўп қиррали бўлиб, экстремал вазиятнинг барча босқичларини ва уларга мос келувчи бошқарув босқичлари, даражалари ва турларини оператив(маҳаллий)дан стратегик (миллий ва халқаро)гача қамраб олишни назарда тутди. Шу билан бирга, турли ҳудудлар ўртасида(горизонтал тарзда)ги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, шу жумладан табиий ҳодисалар, бахтсиз ҳодисалар ва фалокатларнинг оғир оқибатларини бартараф этишда халқаро ёрдам ва уларни бошқариш тизимининг иерархик бўйсунувчи алоқалари (вертикал тарздаги) ўртасида интеграция қилиш талабларига риоя қилиш керак.

Ушбу принцип(тамоил)ни амалга оширишнинг бошқа томони – фавқулодда вазиятда тиклаш ишлари ва хўжалик иқтисодий фаолиятини бошқариш ва режалаштиришда барча жиҳатларини ҳисобга олиш заруратидир. Шундай қилиб, саноат ва ижтимоий объектларни қутқариш ва тиклаш ишларини амалга ошириш билан бир қаторда, бу ерда юк ташиш ва электр таъминоти, автомобил ва темир йўлларни, электр узатиш линиялари ва коммуникацияларини реконструкция қилиш катта рол ўйнаши керак. Электр энергияси билан таъминлаш ва барча инфратузилма элементларининг нормал ишлаши тиклаш ишларини самарали амалга оширишнинг муҳим шарти эканлиги сабабли ушбу вазифаларни ҳал этиш алоҳида долзарб масаладир.

Шундай қилиб, Спитак зилзиласидан кейин биринчи кунларда қутқариш ва тиклаш ишларини ташкил этиш темир йўлнинг вайрон бўлганлиги туфайли анча кечикди. Автомобил йўллари улар бўйлаб ҳаракатланадиган транспорт ҳажмига дош беролмади ва қутқарув ва бошқа ускуналар билан тикилиб қолди.

Буларнинг барчаси темир йўлни тиклаш учун махсус муҳим кучларни ажратишни талаб қилди ва фақат 10 кундан кейин темир йўл ишга туширилиши билан 27 минг вагон асбоб-ускуналар, озиқ-овқат ва дори-дармон билан фалокат жойларига олиб кетилди, вазият тўғриланди^[3].

Фавкулудда вазиятларни ташкил этиш ва режалаштириш **комплекс(бутланган)лилик принципи** мураккаблигининг навбатдаги жиҳати кутқарув, тиббий ва қурилиш бўлинмаларини, шунингдек, Давлат Фавкулудда вазиятлар хизмати таркибига кирадиган барча бошқа тузилмалар ва хизматларни мувофиқлаштиришдир. Бундан ташқари, фавкулудда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни режалаштириш, қоида тариқасида, нафақат етказилган зарарни бартараф этиш билан чекланиб қолмасдан, балки фавкулудда вазиятларнинг пайдо бўлишининг бошида уларнинг олдини олиш, локализация қилиш ва бартараф этиш бўйича ишларни режалаштиришни ўз ичига олади (тўғонларни ювилишини бартараф этиш, кўшимча қирғоқларни куриш ва бошқалар.).

Экстремал шароитларда иш олиб боришни ташкил этиш ва режалаштиришнинг яна бир муҳим принцип(тамоил)и – бу олимларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда таъсирланган объектлар ва ҳудудларни тиклашни иложи борича батафсил ўрганишдан иборат бўлган **илмий ёндашув принципи(тамоил)идир**. Бироқ, амалда бу принцип кўпинча эътиборсиз қолдирилади.

Масалан, 1982 йил 9 апрелда содир бўлган Шар-Шар довони (Тожикистон Республикаси)дан 1 миллион тонна массага эга бўлган катта кўчки йўлга силжиганидан сўнг, ушбу табиий офатнинг такрорланишининг олдини олиш тўғрисида савол туғилди. Геология бўлими ва "Тожикипротрансстрой" институти мутахассисларининг кўчки массивини босқичма-босқич тушириш ва очик нишабга дарахт екиш йўли билан тупроқни янада сурилишини олдини олиш бўйича тавсияларига зид равишда, кўчкини пастдан йўл билан четлаб ўтиш варианты кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа реал натижаларга эриша олмади, чунки йиллар давомида кўчкилар у ерга етиб борарди, аммо лойиҳа қўллаб-қувватланди ва қурилиш бошланди. 1982-86 йиллар давомида ушбу объектда 3,5 млн.рубл (1984 йилда нархларда) капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, аммо кейинчалик қурилиш тўхтади ва муаммо очик қолди, қурилиш даврида эса, 1985 йилда кўчки яна ўзини еслатди^[4].

Рогун шаҳри (Тожикистон Республикаси) қурилиши пайтида, олимларнинг оғоҳлантиришларига зид равишда, туз қатлами бўлган жой танланди. Ушбу ҳудудда канализация дренажининг кўпайиши билан турар – жой бинолари қурилганидан 5 йил ўтгач, тупроқ ерда чуқурликлар шакллана бошлади ва баъзи баланд бинолар оғиб, қулаб тушди.

80-йилларнинг бошларида атроф – муҳит муҳофазаси бўйича олимларнинг оғоҳлантиришларига қарамай, Сибир дарёларини Марказий Осиёга йўналтириш лойиҳаси фаол амалга оширилди. Бу тайгадаги ерларнинг анча муҳим майдонларини қуриши билан боғлиқ экологик фалокатга олиб келди.

Афсуски, шунга ўхшаш мисоллар жуда кўп.

ХУЛОСА

Юқорида кўриб ўтилган принцип(тамоил)ларнинг мажмуаси Фавқулудда вазиятларни локализациялаш (махаллийлаб чегаралаш) ва бартараф этиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш услубларини асослаш заруратини белгилайди. Илмий адабиётларда бундай услубиётларнинг бутун мажмуаси бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси Фавқулудда Вазиятларда бошқариш тизимидаги турли босқичларда ва турли масалаларни ечишда қўлланилиши мумкин.

Фавқулудда ҳолатлар юзага келганда, вазиятни тўғри баҳолаш, режалаштириш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Бу мақолада ушбу услубий ёндашув амалий жиҳатдан илмий асосланган қарорларни янада оқилона ва ишончли қабул қилиш ва ортиқча вақтни бой бермасдан, уларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

REFERENCES

1. Вакарёв А.А. Принципы управления в чрезвычайных ситуациях в период реструктуризации // Актуальные проблемы реструктуризации российских предприятий: Сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции. – Пенза, 2002. - с. 34
2. Щербак Ю. Чернобыль. М.: Советский писатель. 1991 – с 135
3. Бецков А.Н., Тагиров З.И. Системы управления в чрезвычайной обстановке: международный опыт и возможности его использования в России и в государствах-членах евразийского экономического союза // Проблемы безопасности и чрезвычайных ситуаций. 2017. № 6. С. 3-13.
4. Мишин В.М. Исследование систем управления: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003 - с. 113



TAJOHULI ORIF SAN'ATI

Tojixon Sabitova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti dotsenti

Akbar Karomatov

Chirchiq davlat pedagogika instituti talabasi

ANNOTATSIYA

Tajohuli orif san`ati ma`naviy san`atlardan bo`lib uni shoirlar o`z ijodlarida keng qo`llaganlar. Bu san`at ham boshqa san`atlar kabi o`zbek mumtoz adabiyoti tarixida o`ziga xos o`rin tutadi.

Kalit so`zlar: mumtoz, tojahuli orif, san`at, ibora, mahbuba, qiyofa, ta`rif.

ABSTRACT

The art of tajohuli orif is one of the spiritual arts, and poets have widely used it in their works. This art, like other arts, holds a special place in the history of Uzbek classical literature.

Keywords: classical, tojahuli orif, art, phrase, sweetheart, appearance, description.

KIRISH

"Bilib turib bilmaslikka olish" ma'nosini ifodalovchi ushbu she'riy san'at shoirning baytda aks ettirilayotgan biron obrazli iborani aniq aytmasdan o'zini bilib bilmaslikka olgandek ko'rsatishini nazarda tutadi. Tajohuli orif qo'llangan baytlarda ko'pincha mahbuba qiyofasi qiyosiy holda tasvirlanadi, bir yoki bir necha narsaga o'xshatiladi, lekin uzil-kesil fikr bildirilmaydi. Shoirning o'zini bilib bilmaslikka solishi shartli bo'lib, asl maqsad ta'rif yoki tavsifdan, yor qiyofasini mubolag'ali tarzda gavdalantirishdan iborat bo'ladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Masalan, Lutfiyning

Malak yo hur, bilmom yo parisan?

Bu raftor ila yo kabki dariysan?

baytida shoir ma'shuqani malak, xur, pari, kabki dariylarga o'xshatadi-yu, aniq qaysi biri ekanini ta'kidlamay, o'zini



bilmaslikka soladi. Aslida esa u mahbubani shularning barchasiga qiyoslab, uning benihoya go'zalligiga diqqatimizni qaratyapti. Atoiyning

Menglarining mushki Xo'tan yo nuqtai jondur, begim?

Englarining Vardi Eram yo bog'i rizvondur begim?

baytida Mahbuba menglari mushki Xo'tanga, jon nuqtasiga, englari esa Eram atirguli, jannat bog'iga qiyos qilinadi-yu, lekin qaysi biriga o'xshashi aniq aytilmaydi. Chunki maqsad har ikkisiga tashbih qilishdir. Shoir mahbuba menglarining qoralik, xushbo'ylikda Xo'tan mushkiga, go'zallikda jon nuqtasiga, englarining esa ham Eram atirguli, ham jannat bog'iga o'xshashini ta'kidlayapti, xalos.

Atoiy g'azalidan olingan

Ey begim, ushbu yuz degul, shams bila qamarmudur?

Ey begim, ushbu so'z degul, shahd bila shakarmudur?

baytida ham yor yuzi quyosh va to'lin oyga, so'zi esa shahdu shakarga o'xshatilgan. Shoirning o'zini bilmaslikka solishi, mahbuba chehrasi va so'zi aniq qaysi narsaga o'xshashini aytmasligi shartli badiiy usul bo'lib, bayt ta'sirchanligini oshirishga xizmat qiladi.

Tajohul orif san'ati yashirin o'xshatishning bir turi ekanini anglab olish qiyin emas, bilib bilmaslikka olish o'xshatishni yashirishdan boshqa narsa emas. Lutfiy g'azalidagi

Nargis ko'zungning o'xshashi qaysi chamanda bor?

Yuzung tarovati qachon, ey gul, sumanda bor?

baytidan shoirning maqsadi ma'shuqa ko'zini chamandagi nargisga, yuzini gulga, sumanga o'xshatishdir. O'zini bilib bilmaslikka solish bilan shoir o'xshatmasdan go'yoki so'rayotgandek bo'lib ko'rinmoqchi, xalos. Alisher Navoiyning

Buki ko'nglum yarasidan oqadur qonmu ekin?

Yo qizorib erigan suv kebi paykonmu ekin?

Ul xati labki berur ko'zga safo, jong'a hayot,

Sabzai jannat aro chashmai hayvonmu ekin?

Husn xoni arokim, yoydi qazo yuzu labing,

Kursi xurshid bila la'li namakdonmu ekin?

G'uncha og'zig'amu gulshanda yog'ibdur jola,

Yo jamoling guli ichra labi xandonmu ekin?

baytlarining har birida biron o'xshatish keltirilgan bo'lib shoirning o'zini bilib bilmaslikka solishi misralar jozibadorligini kuchaytiradi. Zero, to'g'ridan-to'g'ri o'xshatishga nisbatan bu xil yashirin qiyoslash o'quvchiga zavq bag'ishlaydi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, tajohuli orif san'ati asosan savol ko'rinishida ifodalanadi, asarning lirik qahramoni o'quvchiga savol bilan murojaat qilayotgandek, o'zi aniqlay olmagan narsani bilib olishga yordam berishni so'rayotgandek bo'lib ko'rinadi. Lekin bu savol oddiy emas, unga javob topish ham oson emas. Bu savol hamisha ham o'xshatish maqsadini ko'zlayvermaydi. Masalan, Atoiyning

Xizimatingda bilmon, ey dildor, taqsirim nedur?

Kim meni qilding munungdek zor, taqsirim nedur?

baytiga diqqat qilsak, unda o'xshatish ko'zga tashlanmaydi, ammo o'zini bilmaslikka solish ko'rinib turadi. "Ey dildor, mening aybim nimada? Qaysi gunohim uchun meni buningdek zor qilding?"- deb sevgili yorga murojaat qiladi oshiq. Binobarin, bilib turib bilmaslikka solish holati mavjud. Shunga ko'ra

baytni mazkur san'atga nisbat berish mumkin. Atoiyning

Kim ko'rdi ko'zung hasratida men kibi bemor?

Jon g'amzada, bag'ri to'la qon, ko'ngli giriftor?

bayti ham shu jihatdan ahamiyatlidir. Shoirning savoldan maqsadi oshiq holati, uning ichki iztiroblarini o'zini bilmaslikka solish shaklida ta'sirchan ifodalashdan iboratdir.

Atoiy

Bovujudi orazing bargi sumandin kim desun?

Loladin kim So'zlasun, ham nastarandin kim desun?

baytidagi savol vositasida mahbuba go'zalligini ta'sirchan tasvirlashni niyat qilgani aniq sezilib turibdi. Gadoiyning

Yuzungni rashki gulu arg'uvon demay ne deyin?

Qading niholini sarvi ravon demay ne deyin?

baytida ham bilib turib bilmaslikka solish holati ko'zga tashlanib turadi. Shunga ko'ra, yuqoridagi ikkala bayt ham tajohul orif san'atiga asoslanib yaratilgan, deb ayta olamiz.

Furqat qalamiga mansub

Asiri chashming ohuyi biyobon o'ldi, bir menmu?

Ko'rub oyina ham husnungni hayron o'ldi, bir menmu?

...Ishqing o'tida, jono, jonlar kabob emasmu?

Qilmas esang tarahhum, holim xarob emasmu?

...El ichra ishq dog'in ifsho qilib bo'lurmu?

Monandi lola o'zni rasvo qilib bo'lurmu?

kabi baytlardagi savollar ham jiddiy bo'lmay, bilib bilmaslikka solish ifodasidir, binobarin, ushbu misralarning barchasi ham tajohul orif san'ati namunasi bo'la oladi.

Furqatning

O'tmay nishot ul pari o'tru kelarmukin?

Jon chekti ko'b bu g'ussada qayg'u, kelarmukin?

baytidagi savol esa boshqacha mazmunga, oddiy savol ma'nosiga ega, chunki bu o'rinda shoir bilib turib o'zini bilmaslikka solayotgani yo'q, mahbusining kelish-kelmasligi chindan ham unga noma'lum. Binobarin, bu baytni tajohul orif san'atiga nisbat berib bo'lmaydi. Xuddi shuningdek, Muqimiyning

Ol xabar ul sarvi noz uyqusidin turganmikin?

Nogahon turgan esa, tush-mush so'rang, ko'rganmukin?

baytida ham bilib-bilmaslikka solish holati sezilmaydi, shoir savoli jiddiy bo'lib, misralarning tajohul orif san'atiga aloqasi yo'q.

XULOSA

Demak, savolni ifodalovchi baytlardagi mazmun, savol mohiyatidan kelib chiqib shoir tajohul orif san'atiga murojaat qilganmi, yo'qmi, degan muammoni hal qilish mumkin.

Bu xil san'at ko'pincha g'azalning matlaidan maqtasigacha davom ettiriladi, ya'ni barcha baytlar shu san'at asosida yoziladi. Masalan, Lutfiyning ushbu g'azali shunday asarlardandir:

Ey odamilar joni, parig'a ne bo'lursan?

Bu jism ila gulbargi tarig'a ne bo'lursan?

Sendin manga nazzora tegar, ul dag'i gah-gah,

Sen charxi falakning qamariga ne bo'lursan?

Raftor ila bir yo'li munungdek dog'i o'xshash

Ey sarvi sihi, kabki dariyg'a ne bo'lursan?

Yusuf kibi shirin durur asru harakoting,

Sen Misr nabotu shakarig'a ne bo'lursan?

Sendek saname ko'rmadi Lutfiy Chig'atoyda,

Chin so'yla, Xito xo'blarig'a ne bo'lursan?

Tajohul orif san'ati she'riyatimizda keng qo'llangan bo'lib, unga murojaat qilmagan shoir kam topiladi.



REFERENCES

1. А.Навоий Мукамал асарлар тўплами. 12том, Фан, -Т, 1996. -Б.21-61
2. А.Хожиахмедов Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. Шарқ, -Т, -Б 41
3. Sabitova, T. (2021). NAVOIY IJODIDA BADIY SANATLAR. Academic research in educational sciences, 2(4), 1074-1091.
4. Sobitova, T. (2020). "ORZIGUL" DOSTONIDAGI MA'NAVIY VA LAFZIY SAN'ATLAR. ILMIY AXBOROTNOMA, 60.
5. Собитова, Т. (2021). ИНТОҚ САНЪАТИ. Academic research in educational sciences, 2(10), 516-526.
6. Sabitova, T. (2021). THE TRADITION OF THE SCIENCE OF XAMSA IN EASTERN LITERATURE.
7. Sabitova, T. (2021). FOLKLORE TRADITIONS IN ALISHER NAVOIS EPIC SABAI SAYYOR (SEVEN PLANETS)(IN THE EXAMPLE OF BAHROMGORS IMAGE).
8. Sabitova, T. (2021). ALISHER NAVOIY "XAMSA" SINING YARATILISHIDA BOSHQA XAMSANAVISLARNING ROLI. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 768-777.
9. Sobitova, T. (2020). Alisher Navoiyning "Lison ut-Tayr" dostonida Tazod san'ati. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 495-503.
10. Собитова, Т. (2021). ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ТАРИХИДА ҲУСНИ ТАЪЛИЛ САНЪАТИ. Academic Research in Educational Sciences, 2(11), 394-403. doi:10.24412/2181-1385-2021-11-394-403



EFFECTIVE METHODS OF ENGLISH TEACHING IN HIGHER EDUCATION

Muhiddin Ahadovich Samadov

English teacher, Karshi Engineering Economics Institute

ABSTRACT

As the world becomes ever more connected, the appeal of learning a new language is clear. Whether for business or pleasure, being able to communicate on an international level can bring many benefits. Nowadays most students of higher education want to use effective study methods so they can learn a language fast and speak it. So today English teachers of higher educations should be creative, searchable and find the best suitable method for each group or even for each student. In this article there are given some modern methods of teaching English.

Keywords: approach, method, language learner, multilingual, direct method, suggestopedia, lexical approach, structural approach.

The modernization of higher professional education dictates the search for new methods, techniques and technologies that would contribute to the effective teaching of students, including foreign languages. Modern education in order to achieve high educational results should be characterized by constant information content of the content of education, activation of the pace of learning with the involvement of modern information technologies. In modern scientific and methodological literature, more and more attention is paid by the authors to the justification of the high educational potential and the effectiveness of the use of innovative teaching technologies in the system of teaching English in higher education.

At the present stage of development of higher professional education, there is a tendency to reduce the number of classroom hours and increase the hours allocated for independent work of students. In this regard, we can state the fact that today the role of the teacher in the educational process is being transformed. Until recently, the teacher was perceived as the main source of information, but today his role can be more fully characterized as the organizer and leader, expert and consultant of the educational and self-educational activities of future specialists.

Such transformations became possible due to the emergence and widespread introduction of innovative and more effective technologies, forms and means of education into the



educational process of higher education, which make it possible to optimize the process of professional training of future specialists as part of their studies at the university.

The high productivity and efficiency of innovative technologies in the context of training future specialists is justified by their multifunctionality. Thus, innovative pedagogical technologies perform the following functions in the educational process: informative; formative; motivating; systematizing; controlling.

Innovative technologies and teaching methods make it possible to achieve the following goals: accessibility of the perception of educational material; systematization of knowledge; development of creative abilities of students; self-education; removing the psychological barrier (fear of communicating, making a mistake); comprehension of educational material, analysis of learned material

To effective innovative pedagogical technologies that can be used in the system of teaching English in higher education with a high level of effectiveness in achieving educational results, researchers most often include interactive distance learning technologies (Skype, Viber, WhatsApp, e-mail, Internet chat, etc.), etc.), computer learning tools (electronic manuals, textbooks, sources of virtual libraries, educational portals, etc.), multimedia learning resources, training and testing and other latest information technologies.

Tangible progress regarding the effectiveness of teaching English both in the humanities and in technical universities, according to researchers, has been achieved through the widespread use of electronic learning tools in the educational process of higher education. These tools are used both in the classroom and extracurricular (distance) learning.

The didactic potential of electronic teaching aids in English classes lies in the fact that their use in the educational process contributes to:

- better assimilation of knowledge by students;
- the formation and development of various types of skills and abilities (listening skills based on adapted and authentic sound texts, the ability to reproduce monologue and dialogic speech, the skills and abilities of translation and summarizing texts, skills and reading skills with the direct use of materials from the Internet and local networks;

- increasing the informative richness and visibility of the lesson;
- expansion of active and passive dictionaries of students,

familiarization with the vocabulary of modern English, which

reproduces the culture of a certain country, its political and social structure;

- formation of creativity, development of creative activity of future specialists;
- the formation of motivation for the cognitive activity of students, the need to use a foreign language in interactive communication;
- strengthening the motivation of independent work of students;
- increasing the level of individualization and differentiation of students' activities;
- the ability to choose the pace and volume of educational material, the level of its complexity, to implement control with feedback and diagnostics, to increase the level of its objectivity.

At the present stage, the leading information technology, the means of which are used in almost all spheres of human life, is the Internet. Internet resources not only provide a number of additional means of implementing interpersonal and international communication, but also provide new opportunities in the field of education. Within the framework of this technology, the education system uses information sites and portals, educational programs on electronic media, the ability to obtain information, implement consulting and control knowledge remotely via e-mail, online conferences and video classes.

The advantages of the Internet as an innovative learning tool are due to the fact that it is an unlimited source of information, which allows both the teacher and students to save time searching for the necessary material (theoretical, textual, sound, visual information, etc.); provides great opportunities for creativity in terms of developing didactic material, forms and types of work, individual and group tasks, projects; allows you to increase the effectiveness of teaching a foreign language due to the possibility of total immersion in the language material and increasing the motivation of students to learn.

The use of innovative learning technologies in the system of teaching English at a university makes it possible to make a transition from the subject principle of constructing content to the creation of integrated training courses that reflect a holistic picture of professional activity, to change the nature of knowledge itself, which in the context of such interactive learning is transformed into the category of "knowledge for activity". ". In other words, within the framework of such training, the knowledge of future specialists act as functions and means of solving specific professional problems.

The use of innovative teaching aids brings changes in the organizational structure of the educational process: the

requirements for the methods and forms of organizing the teaching of foreign languages are changing - active and interactive individual and group forms of working with educational material become leading.

In the context of building classes based on the use of innovative technologies and teaching aids, the type of activity and the nature of the relationship between the teacher and students are changing. The role of the student turns into an active cognitive position, while the teacher, in turn, acts as a coordinator, consultant, partner.

Summarizing the above, we conclude that, along with the indicated advantages of the analyzed learning technologies, the importance of academic forms of obtaining knowledge and developing students' competencies should not be leveled. The use of modern technologies in English classes should not be an end in itself. These technologies should be perceived as effective didactic and technical teaching aids.

To conclude teaching a language can help in both your personal and professional life. It can boost other skills and improve your cultural understanding. Each student has unique talent, interest in learning a new language. So, a professional teacher should find the most suitable effective methods of teaching a foreign language according to student's own desire, capability and time.

REFERENCES

1. Baio J, Wiggins L, Christensen DL, Maenner MJ, Daniels J, Warren Z, et al. Prevalence of Autism Spectrum Disorder Among Children Aged 8 Years-Autism and Developmental Disabilities Monitoring Network, 11 Sites, United states, 2014. *MMWR Surveill Summ.* 2018;67(6):1–23. - PMC - PubMed
2. Hattier MA. Factor analysis and cut-off scores for the Autism Spectrum Disorder-Observation for children [dissertation] Louisiana State University; 2014.
3. Ecker C. The neuroanatomy of autism spectrum disorder: An overview of structural neuroimaging findings and their translatability to the clinical setting. *Autism.* 2017;21(1):18–28.
4. Stephen Krashen. *Modern methods of Teaching Foreign Language.* Pearson Longman, 2003
5. SAT . The college entrance examination.-Board, 2003
6. fluentu.com
7. artilekz.com

ҚАДИМГИ ДАВР ШАҲАРЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

Тоҳир Шайдулович Маматмусаев

Тошкент архитектура-қурилиш институти “Архитектура тарихи ва назарияси”
кафедраси профессори в.б., архитектура бўйича фан доктори (DSc), доцент

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қадимги давр шаҳарларининг генезиси ва эволюцияси масалалари кўриб чиқилган. Қадимги ва антик давр шаҳарсозлик тарихи тарихшунослиги тадқиқотларининг қиёсий таҳлиллари келтирилган. Антик давр бутун Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида бўлгани каби шаҳарлар ҳаётининг ўзига хос томонлари маҳаллий ва эллинистик, айрим ҳолларда Ҳинд (Бақтрия шаҳарлари мисолида) шаҳарсозлик анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви ёритиб берилган.

Калит сўзлар: генезис, эволюция, шаҳарсозлик, қадимги давр шаҳарлари, урбанизация.

GENESIS AND EVOLUTION OF ANCIENT CITIES

ABSTRACT

This article discusses the genesis and evolution of cities of the ancient period. A comparative analysis is presented of studies of the historiography of the history of urban planning of antiquity. As in the cultural life of antiquity the whole of Uzbekistan, specific aspects of urban life are highlighted by a combination of local and Hellenistic, and in some cases Indian (using the example of Bactrian cities) urban planning traditions.

Keywords: genesis, evolution, urban planning, cities of antiquity, urbanization.

КИРИШ

Бугунги кунда дунё миқёсида шаҳарларни қайта қуриш ва модернизациялашда тарихий жойлар структурасини сақлаб қолиш ва меъморий-бадий қийматларга эга бўлган ёдгорликлардан самарали фойдаланиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Ҳозирда жаҳон шаҳарсозлигида қадимдан шаклланиб



келган ҳудудлар, жумладан Мемфис, Бобил, Рим, Афина, Париж, Лондон, Вена, Ереван, Истамбул, Искандария, Балх, Боку, Деҳли, Исфаҳон ва бошқа шаҳарларни муҳофаза қилиш ва уларнинг режавий ечимига эътибор бериш эҳтиёжи туғилмоқда. Бу борада тарихий шаҳарларда муҳим аҳамиятга эга бўлган марказлар, мажмуалар, муқаддас қадамжолар, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, археологик қазилма ишларида аниқланган бино ва иншоотларни қайта тиклаш зарурати намоён бўлмоқда.

Маълумки Ўзбекистондаги урбанизация жараёнлари бронза даврида бошланиб илк давлатчилик тарихининг муҳим ва ажралмас белгиси ҳисобланади. Ушбу иккала жараён бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда кечганлиги ҳозирги кунда олимлар томонидан тўла эътироф этилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX асрда минтақа ҳудудларидаги бронза ва илк темир асрига мансуб илк шаҳарлари тарихига оид археологик ишлари амалга оширилиб, илмий маълумотлар доираси кенгайди. Шаҳарлар тарихига бағишланган илмий тўпламлар, монографиялар ва кўп сонли мақолалар чоп этилди. XXI аср бошларида ҳам қадимги шаҳарларнинг ўрганилиши бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Аммо, ҳозирги кунга қадар мавзунинг тарихшунослиги махсус ўрганилмаган. Бактрия, Сўғд, Хоразм, Тошкент воҳаси ва Фарғонада шаҳарларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ривожланишининг тарихий қонуниятлари муаммосига тегишли мавжуд илмий қарашлар, ёндашувлар ва хулосалар, Ўзбекистон қадимги урбанизацияси масаласи ўрганилишининг асосий натижалари етарли даражада таҳлил қилинмаган ва мавжуд маълумотлар умумлаштирилмаган.

Собиқ тузум даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг келиб чиқишини Европа маданиятининг кириб келиш даври – Искандар Зулқарнайн билан боғлашар эди ва антик давр деганда грек-рим маданиятининг таъсиридаги ривожланиш тушуниларди. Энг қадимий шаҳар сифатида 2500 йиллиги 1970 йилда нишонланган Самарқанд шаҳри эътироф этилган эди. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрининг ёши 2750 йил, Қарши ва Шаҳрисабзнинг келиб чиқиши 2700 йилга тенг эканлиги аниқланди. Сўнгги изланишлар Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги шаҳар кечки бронза даврида вужудга келган Жарқўтон кўрғони эканлигини кўрсатмоқда ва унинг келиб чиқиши Сополлитепа сингари мил.ав. II мингинчи йилга бориб тақаладиган шаҳаролди

(протошаҳар) маданияти билан боғлиқлиги аниқланган. Бинобарин Ўзбекистон антик даври шаҳарсозлиги тарихини қуйидаги уч босқичга ажратиш таклиф қилинади:

1. Илк антик (Авесто даври) – мил.ав. IX – мил.ав. VI асрлар;
2. Ўрта антик (Бақтрия-Сўғдиёна шаҳарсозлиги) – мил.ав. IV-II асрлар;
3. Кечки антик (Кушонлар даври) – мил.ав. I – мил. IV асрлар.

Сўнгги бронза ва илк темир даври Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим бурилишлардан бири бўлган давр ҳисобланади. Айнан мана шу даврларда ушбу ҳудудларда шаҳар маданияти шакллана бошлаган.

Қадимги шаҳарларнинг ўрганилиши тарихини даврлаштириш масаласи ҳам етарлича таҳлил қилинмаган. Бу борада мавжуд маълумотлар турли йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг ёритилиши билан боғланган.

Сўнгги йилларда Б.Ж.Эшов Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон илк шаҳарларининг ўрганилиши тарихини қуйидаги даврларга ажратган:

1. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср 20-йилларига қадар.
2. XX асрнинг 30-80-йиллари
3. XX асрнинг 90 йиллари - XXI аср бошлари.

Фикримизча, ушбу даврлаштириш ҳолатига айрим ўзгартиришлар киритиш мумкин, жумладан, биринчи давр тадқиқотларини XIX аср сўнгги чораги - XX асрнинг 30-йиллари мобайнида кўриб чиқиб, уни икки босқичга - XIX аср сўнгги чораги – XX бошлари (ёзма манбалар асосида шаҳарлар тарихини ўрганилиши, ҳаваскорлик археологиясининг пайдо бўлиши) ва XX асрнинг 20-30-йилларига ажратиш мумкин (мазкур йилларда Ўзбекистон археологияси илмий-услубий жиҳатдан шаклланиб, дастлабки йирик археологик экспедициялар ташкил этилган эди).

Иккинчи давр - XX аср 40-йилларининг 2-ярми – 60-йилларини ўз ичига олиб шу йиллар мобайнида бронза асри ва илк темир даврига оид ёдгорликлар кенг миқёсда топиб текширилган.

Учинчи давр - XX асрнинг 70-80-йиллари. Бу даврда Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсидаги кўпдан-кўп қадимги шаҳарлар археологик қазилмалар асосида ўрганилган.

Тўртинчи давр – Мустақиллик йиллари. Мазкур даврда бронза асри ва илк темир даврига оид шаҳарларнинг тарихи янги асосларда ёритилиши натижасида, урбанизация жараёнлари ва илк

давлатчилик тарихига бағишланган махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги археологик ёдгорликларда дастлабки қазилмалар олиб борган Туркистон археология хаваскорлари тўғараги аъзолари томонидан эълон қилинган ишлар орасида В.А.Жуковский, М.Ростиславов, Н.И.Веселевский, Н.Ф.Ситняковский, Б.Н.Кастальский, Л.И.Зимин томони-дан нашр этилган мақолалар ва ҳисоботлар муҳим ўрин тутди.

Туркистондаги қадимги шаҳарлар тўғрисидаги рус шарқшуносларининг асарлари рўйхатида В.В.Бартольднинг айрим асарлари мавзу доирасида муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи гуруҳ асарлари жумласига собиқ советлар ҳукмронлиги даврида олиб борилган тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар мансубдир. XX асрнинг 30-40-йилларидан эътиборан минтақа ҳудудида тизимли археологик тадқиқотлар махсус экспедициялар томонидан амалга оширила бошланган. Булар 1934 ва 1939 йиллардаги А.Ю.Якубовский бошчилигида Зарафшон экспедицияси, Термиз археологик-комплекс экспедицияси, В.А.Шишкин раҳбарлигида Варахша кўҳна шаҳридаги 1937-1939 йилларда олиб борилган ишлардир. 1938 йилдан эса С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм археологик экспедициясининг кенг кўламдаги ишлари бошланган. Ушбу қазилмалар натижасида шаҳарлар тарихига оид бир қатор тадқиқот натижалари ва монографиялар нашр этилди.

XX асрнинг 50-йилларида Хоразм воҳаси, Марв, Самарқанд, Термиз, Фарғона водийси ҳудудларида олиб борилган фундаментал тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш лозимдир. Бу борада В.М.Массон, С.П.Толстов, Ю.А.Заднепровскийларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўзбекистондаги деҳқончилик маданияти, дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиш омиллари ва асослари, уларнинг тараққиёт босқичлари масалаларига бағишланган кўплаб илмий тўпламлар ва монографиялар пайдо бўлди. В.А.Лавров, М.М.Дьяконов, В.М.Массон, Ю.Ф. Буряков, А.А.Асқаров, Э.В.Сайко, Э.В.Ртвеладзе, И.В.Пьянков, Р.Х.Сулаймонов, А.С.Сагдуллаев, Т.Ш.Ширинов, Ш.Р.Пидаев, З.И.Усмонова, М.И. Филанович, М.Х.Исамиддинов, Ш.Б.Шайдуллаев, Б.Х.Матбобоев, А.Анорбоев, М.Мамбетуллаев каби кўплаб тадқиқотчилар Ўрта Осиё ҳудудларида бронза давридан бошлаб антик давргача бўлган шаҳарсозлик маданияти масалаларини кўриб чиқиб,



Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияларини қиёсий ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Учинчи гуруҳ адабиётларига мустақиллик йилларида олиб борилаётган тадқиқотлар ва нашр этилган адабиётлар киради. Мустақиллик йилларида ҳаққоний, холис тарих яратиш долзарб вазифага айланиб, урбанизация тарихи масалаларини чуқур ўрганиш бошланди. Бу даврда мавзу бўйича кўпгина илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

XX асрнинг 40-50-йилларида дастлаб С.П.Толстов, М.М.Дьяконов ва В.М.Массон Хоразм, Бактрия ва Марғиёна мисолида танланган мавзунинг ўрганилиш даражасига тўхталиб ўтган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тадқиқотчилар мавжуд ёзма манбалар ва археологик маълумотларни солиштириб, Ўзбекистонда илк шаҳарларнинг шаклланишини бронза ва илк темир даври билан боғлаганлар.

XX асрнинг 60-йилларига келиб Ўзбекистон қадимги шаҳарларини ўрганиш масалалари В.М.Массоннинг умумлашма тадқиқотларида қисман ёритилган бўлса, 60-йилларнинг бошларида С.П.Толстов қадимги Хоразм мисолида давлатчилик ва илк шаҳарлар тадқиқотлари натижаларини тадқиқ этди. Юқоридаги тадқиқотлар, мавзунинг тарихшунослик таҳлили, турли маълумотлар нашрлари ва асосли масалаларни ўрганишдаги дастлабки қадам эди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида А.А.Асқаров Жанубий Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, мавзунинг ўрганилиши тарихи бўйича тадқиқот ишлари олиб борди. Ўзбекистон қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичларини ўрганишда олимнинг Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон каби ёдгорликларда олиб борган қазилма ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қадимги Бактрия шаҳарлари тарихига оид янги маълумотлар илмий муомалага тадбиқ этилди.

М.Ж. Жўрақулов ва Н.А. Аванесоваларнинг ишида ҳам Ўрта Осиё бронза даври тарихшунослиги масалалари кўриб чиқилган бўлиб, муаллифлар асосий эътиборни ушбу даврнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши натижаларига қаратганлар.

Қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишда Ю.Ф. Буряковнинг ҳам ҳиссаси катта. Олимнинг тадқиқот ишлари кенг қамровли бўлиб, шаҳарсозлик масалаларида Тошкент воҳаси ва унинг атрофлари унинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ю.Ф. Буряков асосан антик ва ўрта асрлар шаҳарларига эътибор қаратган.

Бақтрия ҳудудларидаги илк темир ҳамда антик давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, давлатчилик масалалари ва шаҳарсозлик тарихи бўйича Э.В.Ртвеладзе самарали ишлар олиб борди. Бу олимнинг илмий ишларидан қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари тарихи ва айрим тарихшунослик муаммолари ҳам кенг ўрин олган.

Р.Ҳ.Сулаймонов XX асрнинг 70-80-йилларида Жанубий Сўғда тадқиқотлар олиб бориб, бу ҳудудда рўй берган тарихий-маданий жараёнлар, шаҳарларнинг пайдо бўлиши, уларнинг типологияси ва ўрганиш услублари, шаҳарларнинг давлатчилик тарихидаги аҳамияти масаларини кўриб чиқди.

А.С. Сагдуллаев Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларидаги (Марғиёна, Бақтрия, Сўғд) урбанизация масалалари, хусусан ўтроқ аҳоли масканлари пайдо бўлиши ва жойлашуви, тарихий географияси ва хронологияси, меъморчилиги ва муҳофаа иншоотлари, қишлоқларнинг шаҳарларга айланиш жараёни, давлатчилик ҳамда илк шаҳарларнинг давлатчилик тараққиётидаги муаммоларига қаратилган. Олим ўз тадқиқотларида археологик ва ёзма манбалар маълумотларини қиёсий таҳлил этган.

Ўзбекистоннинг жанубидаги урбанизация тарихи масалаларига оид Т.Ш.Шириновнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Олим Жарқўтон кўҳна шаҳри мисолида илк шаҳар цивилизацияси, “шаҳар” тушунчаси, қадимги шаҳарлар пайдо бўлишининг асосий омиллари ҳамда қисман урбанизация тарихшунослиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтади.

Қадимги Фарғона водийсида деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши, дастлабки шаҳарсозлик маданияти, илк давлатчилик масалалари бўйича Ю.А. Заднепровский томонидан самарали ишлар олиб борилган бўлиб, кейинги йилларда ушбу масалалар бўйича тадқиқот ишлари Б.Матбобоев ва А.Анарбоевлар томонидан давом эттирилди. Бу тадқиқотларда урбанизация тарихшунослиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистонда қадимги урбанизация жараёнлари тарихшунослигининг айрим муҳим масалалари А.А.Асқаров, Ю.А. Заднепровский, Э.В. Ртвеладзе, Т.Ш. Ширинов, Р.Ҳ.Сулаймонов, И.Т.Йўлдошевларнинг диссертацияларида ҳамда илмий конференциялар, симпозиумлар тўпламларида ўз аксини топган. Натижада минтақанинг турли тарихий – маданий вилоятларида шаҳарларнинг ривожланиш омиллари ва хусусиятлари, иқтисодий, сиёсий ва маданий функциялари қиёсий таҳлили қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар қадимги урбанизация жараёнлари масаласини ўрганиш тарихида янги босқич юзага келишига, шунингдек, кўп йиллик тадқиқотлар натижаларининг янги концептуал-услубий асосларда қайта кўриб чиқилишига асос бўлди.

А.А.Асқаров ва Т.Ш.Шириновларнинг монографиясида шаҳарларнинг вужудга келиши бронза даври билан боғланиб, ушбу масала бўйича мавжуд ёндашувлар таҳлил қилинган.

Э.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов, Е.В.Абдуллаевларнинг монографиясида Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқиши илк шаҳарлар тарихи билан боғланган ҳолда кўриб чиқилган.

Т.Ш.Ширинов ва Ш.Б.Шайдуллаевларнинг мақолаларида Қадимги Бақтрия шаҳарларнинг ривожланиши хусусиятлари очиқ берилган.

XX асрнинг 90-йилларида Б.Х.Матбобоев қадимги Фарғона шаҳарлари бўйича самарали тадқиқотлар олиб борган. Тадқиқотчи ўз ишларида илк шаҳарсозлик маданиятини тадқиқ этиш билан бирга, шаҳарларнинг ўрганилиши масалаларига ҳам эътибор қаратган.

Сўғд қадимги шаҳарлари тарихшунослигининг айрим масалалари Р.Х.Сулаймонов ва М.Х. Исомиддиновларнинг монографияларида кўриб чиқилган.

Б.Ж.Эшовнинг сўнгги йиллардаги ишлари Ўрта Осиёдаги қадимги шаҳарлар тарихи билан боғлиқ бўлиб, олим ўз тадқиқотларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши асослари ҳамда қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари, илк шаҳарлар ва давлатчилик ўртасидаги диалектик боғлиқлик, шаҳарлар ўрганилиши масалаларига ҳам эътибор қаратган.

Сўнгги йилларда чоп этилган адабиётларда Хоразмда илк шаҳарлар масалаларига янгича ёндашувлар кузатилмоқда. Бундай ёндашувлар ЛТ.Яблонский, Ю.А.Рапопорт, Б.И. Вайнберг, С.Б.Болелов, С. Матрасулов, С.Р. Баратов, Ғ.Ходжаниязов, М.Мамбетуллаев, М.Мадаминов ва В.Н. Ягодинларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Хоразм шаҳар харобаларида амалга оширилган янги археологик тадқиқотлар натижасида Қуйи Амударё ҳудудларида илк шаҳарсозлик маданиятидан далолат берувчи янги маълумотлар топиб текширилди.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар минтақадаги қадимги шаҳарлар тарихини ўрганилишида янги босқичнинг юзага келишига, кўп йиллик тадқиқотлар натижаларини

қайта кўриб чиқилишига асос бўлди. Умуман, бу давр мавзуга оид билимларнинг босқичли кенгайиши ва маълумотларнинг қайта ўрганилиши даври сифатида намоён бўлди. Тарихшунослик масалалари йирик умумлашма ишларда муҳим ўрин топди.

Мустақиллик йилларида қадимги шаҳарлар тарихига оид симпозиумлар анжуманлар материаллари чоп этилди, айрим шаҳарлар ёши қайта кўриб чиқилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражасини кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, XX асрнинг 30-йиллари охирларига қадар Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари тарихи асосан ёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганилган эди, 50-60 йилларидан бошлаб 70-80-йилларгача ва XXI аср бошлари мобайнида минтақа ҳудудларида кенг археологик тадқиқотлар амалга оширилиб, бронза асри ва илк темир даври шаҳарлари тарихига оид янги маълумотлар фанга жорий этилган.

Мавзуга тегишли илмий ахборот доирасининг кенгайиши асосида, қадимги урбанизация жараёнлари ўрганилиши тарихининг айрим масалалари ва ёндашувлар таҳлил қилинган. Собиқ советлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар марксча услубий ёндашув ва назария доирасида ўрганилди. Мустақиллик йиллари тарихшунослигида янги концептуал ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб вазифага айланди.

Бронза ва илк темир асри шаҳарсозлик тарихини тадқиқ этган айрим тадқиқотчилар (Ртвеладзе, Сулаймонов, Буряков, Мамбетуллаев, Анарбаев, Эшов ва бошқ.) антик давр шаҳарсозлиги масалаларига ҳам эътибор қаратганлар. Кўплаб тадқиқотлар натижасида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан антик даврга оид эллинизм маданияти билан боғлиқ бўлган шаҳар харобалари, турар-жойлар, моддий маданият буюмлари, танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги маҳаллий маданиятга эллин анъаналари (шаҳарсозлик, ҳайкалтарошлик, бадий-амалий санъат, алифбо ва бошқ.) таъсир этганлигидан далолат беради.

Сўнгги йиллар тадқиқотларидан хулоса чиқарган Б.Эшовнинг фикрича, антик давр шаҳарсозлик тарихини қуйидаги даврларга ажратиб ўрганиш таклиф этилган: 1. Александр Македонский асос солган шаҳарлар; 2. Салавкийлар даври шаҳарлари; 3. Грек-Бақтрия подшолиги шаҳарлари; 4. Кушон даври шаҳарсозлик анъаналари. Ушбу даврлаштириш антик давр шаҳарсозлик анъаналари ўлкамиз ҳудудларига четдан кириб келган, деган фикрни бермайди. Аксинча, Ғарб ва Шарқ маданиятларининг ўзаро уйғунлашуви асосида ўзига хос маҳаллий шаҳарсозлик

анъаналарининг ривож топганлигидан далолат беради. Шунингдек, антик даврни мил.ав.ги IV асрга боғлаш бизнингча тўғри эмас. Ундан олдин ҳам Ўрта Осиё ҳудудида урбанизация жараёнлари бўлган.

Александр Македонский асос солган шаҳарлар масаласи фанда анча мунозарали ҳисобланади. Антик давр муаллифлари хабарларида Александр асос солган шаҳарлар сони 10 тадан 70 тагача берилади. Бу борада Г.А.Кошеленко шундай фикрни билдиради: "... умуман олганда, грек-македон истилосининг кўламига нисбатан антик анъанани қабул қилиш мумкин. У анча катта бўлган ва бу ерда асос солинган шаҳарлар сони бир неча ўнтага етган".

Э.В.Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, Ўзбекистонда антик давр урбанизацияси ўзининг ривожланиш босқичида иккита катта даврни босиб ўтди. Булар мил. ав. IV-I асрлар ва мил. I-IV асрлардир. Ушбу даврлар ижтимоий муносабатлар ва маҳаллий кўринишдаги шаҳарлар ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларга хос сиёсий ҳамда мафкуравий томонлари билан ажралиб туради. М.Қ.Аҳмедов бу даврни мил.ав. VIII асрдан бошлаш кераклиги масаласини кўтарган.

Ю.Ф.Буряковнинг фикрича, антик давр бутун Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида бўлгани каби шаҳарлар ҳаётининг ўзига хос томонлари маҳаллий ва эллинистик, айрим ҳолларда Ҳинд (Бактрия шаҳарлари мисолида) шаҳарсозлик анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви билан изоҳланади. Бу ҳолат маълум маънода сиёсий воқеалар билан ҳам боғлиқ эди.

ХУЛОСА

Хуллас, қадимги ва антик давр шаҳарсозлик тарихи тарихшунослиги тадқиқотларининг қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу даврлар шаҳарлари маълум вазифаларни бажарувчи мустақамланган манзилгоҳгина эмас, балки жамоа ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоавий мулкдорларнинг алоҳида шаклини ўзида жамлаган, эркин фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини назарда тутувчи ижтимоий тузилманинг муҳим бўғини бўлиб, турли хил меъморий тузилмалардан ташкил топган.

REFERENCES

1. Асқаров А.А. Сапаллитепа – Ташкент: Фан, 1973. – С. 172. Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана – Ташкент, Фан, 1977; Асқаров А.А., Абдуллаев



- Б. Джаркутан (к вопросу о протогородской цивилизации юга Узбекистана) – Ташкент: Фан, 1983. –С. 120.
2. Бернар П. Проблемы греческой колониальной истории и урбанизма эллинистического города Центральной Азии. Проблемы античной культуры. М., Наука. 1996. - С. 244-253.
3. Кошеленко Г.А. К оценке достоверности античной традиции об эллинистическим градостроительстве на Востоке // КСИА. М., 1973. Вып. 136. - С. 17.
4. Ртвеладзе Э.В. Легенды об основании среднеазиатских городов и археологическая действительность // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Т., 1987. - С. 52-58.



BOSHLANG‘ICH SINFLAR O‘QUVCHILARINI JISMONIY VA SHAXSIY SIFATLARINI HARAKATLI O‘YINLAR ORQALI RIVOJLANTIRISH

Jamshid Zikrillayevich Isoqov

Jizzax davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini jismoniy va shaxsiy sifatlarini harakatli o‘yinlar orqali rivojlantirish mazmuni va usullari haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Jismoniy tarbiya, insoniyat rivoji, milliy qadriyatlar, smirlarning shakllanishi, jismoniy mashg‘ulotlar tizimi, xalq milliy harakatli o‘yinlari, jismoniy sifat.

ABSTRACT

This article discusses the content and methods of developing the physical and personal qualities of primary school students through movement games.

Keywords: Physical education, human development, national values, formation of smiles, system of physical training, national movement games, physical quality.

KIRISH

Inson o‘zini jismonan tarbiyalashi uchun jismoniy tarbiya va sportning zarurligini tushunib yetishi va qunt bilan o‘ziga yoqqan ma‘lum bir jismoniy mashg‘ulotlar tizimi asosida salomatligini shakllantirishi kerak. Yosh avlodning jismoniy qobiliyatini har tomonlama rivojlantirish tarbiyaning ajralmas qismi bo‘lgan jismoniy tarbiya jarayonida amalga oshiriladi. Jismoniy tarbiyaning maqsadi jamiyatning sog‘lom, xushchaqchaq, har tomonlama jismoniy rivojlangan, mehnat va Vatan himoyasiga tayyor turgan quruvchilarini tarbiyalashdan iborat uzoq muddatli, uyushtirilgan pedagogik jarayondir. Jismoniy tarbiya oldida turgan vazifalarni hal etishda xalq milliy harakatli o‘yinlarini to‘plash va ularni hayotga tadbiiq etish, ulardan oqilona foydalanish zarurligi bugungi kunda yaqqol namoyon bo‘lmoqda.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Boshlang'ich sinf o'quvchisining jismoniy sifatlarini rivojlantirish uchun harakatli o'yinga asoslangan dars, mashqlarni to'g'ri tashkil etish va o'tkazish eng muhim masaladir. K.Balsevich tadqiqoti bo'yicha, bolalarning jismoniy faolligini quyidagicha ta'riflab beradi: 1-4 sinf bolalar jismoniy sifati ko'rsatkichining barchasi o'sishning yuqori tempda borayotganligini namoyon etadi. Faqat egiluvchanlik ko'rsatkichining tempi bu davrda pasayib boradi. Bu yoshdagi bolalarda biodinamik harakatning va eng avvalo, koordinatsion qismlarning shiddatli rivojlanishi ro'y beradi. 1-4 sinf orasida jismoniy sifatlarning va koordinatsion qobiliyatning, inson harakat faolligining namoyon bo'lishi uchun amaliy jihatdan juda yaxshi zamin tayyorlanadi. F.N.Nasriddinov, A.Sh.Qosimovlar ko'rsatkichlari bo'yicha jismoniy tayyorgarlik natijalari yoshdan yoshga o'tish bilan hamma ko'rsatkichlar ma'lum miqdorda ortib borishini ko'rsatadi. A.N.Liviskiy ilmiy tadqiqot ishlarining ko'rsatishicha, qo'l panjalari mushaklarining kuchi 7 yoshda 13-14 kg.ga yetadi. Shu yoshdan boshlab, harakatli o'yinlar vositasida, bu sifatlarni yanada rivojlantirish ehtimoli kuchli. Yosh o'zgarishi dinamikasida ayrim keskin bosqichlar belgilanganki, ular morfologik va funksional xususiyatlar majmui bilan tavsiflanadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarning sog'lomlashtirish-tarbiyaviy ishlarini harakatli o'yinlar vositasida yanada jonlantirish uchun ularning jismoniy rivojlanish va tayyorgarlik ko'rsatkichi o'rtasidagi o'zaro bog'liqligini aniqlash lozim. Bu samarali vositalarni tanlashga, keyin pedagogik sinov-tajriba o'tkazishga imkoniyat yaratadi.

Maktab o'quvchisining shaxs, komil inson bo'lib shakllanishida, rivojlanishida jismoniy tarbiya alohida ahamiyat kasb etishi shubhasiz. Xalq jismoniy tarbiyasi esa insoniyat rivojining ilk bosqichlaridayoq bola va o'smirlarning shakllanishida asosiy vositalaridan biri bo'lgan. Shu bois bugungi o'zligimizga qaytgan davrimizda xalqning milliy qadriyatlariga asoslangan jismoniy tarbiya alohida ahamiyat kasb etmoqda.

NATIJALAR

Boshlang'ich sinf o'quvchilari o'yinlarining ruhi, tabiati, xarakteri, ishtirokchilarning xatti-harakatlari kabi jihatlariga ham e'tibor berish zarur. Boshlang'ich sinf o'quvchilari jismoniy tarbiyasini qiziqarli va foydali o'tkazish uchun biz tavsiya etayotgan ba'zi milliy o'yinlardan foydalanishda ham xuddi shu xususiyatlarga e'tibor berish kerak. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida jismoniy tarbiya darslarida qadriyatlarga muhabbat uyg'otish, xalq an'analarini avaylab-asrashga o'rgatish ko'p



jihatdan xalq milliy harakatli o'yinlaridan unumli foydalana bilishga bog'liq bo'ladi. Sababi, milliy harakatli o'yinlar orqali bola bir tomondan jismoniy bilimlarni egallasa, ikkinchi tomondan, uni jismoniy tarbiyaga, shu orqali qadriyatlarga qiziqtirish muhim ahamiyat kasb etadi. 1-4 sinf bolalar yoshiga mos o'yinlarni jismoniy sifatlarni rivojlantirishiga ko'ra quyidagi guruhlariga ajratish mumkin:

1. Bolalarda tezkorlikni va egiluvchanlikni tarbiyalovchi o'yinlar;
2. Bolalarda kuchni oshirib beruvchi o'yinlar.
3. Bolalarda chidamlilikni va chaqqonliknirivojlantiruvchi o'yinlar.

Ayrim o'yin turlari bolalarning barcha bo'g'inlariga mos kelishi mumkin, ya'ni jismoniy sifatlarni yaxlit holda tarbiyalashga qaratilgan o'yinlar ko'pchilikni tashkil etadi, ularda turli jismoniy sifatlar ketma-ket rivojlanishi mumkin. Milliy harakatli o'yinlardan foydalanish jarayonida boshlang'ich maktab o'quvchilarining quyidagi o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish kerak:

1. Boshlang'ich sinf o'quvchisining kattalar faoliyati, ularning predmetlarga munosabati va o'zaro muomalasiga, munosabatiga qiziqishining ortishi.
2. Bolalar xalq harakatli o'yinlari atrofdagi voqelikning eng tashqi ifodali, jo'shqin his-tuyg'uli jihatlarini aks ettirishini.
3. Xarakatli o'yinlarda boshlang'ich sinf o'quvchisining kattalar bilan bir xil sharoitda, yagona zaminda yashayotganini his etgan holda o'z istagini amaliyotga tadbiiq qila olishi.

MUHOKAMA

Yosh avlodning jismoniy jihatdan to'kis, sog'lom, Vatan himoyasiga tayyor, baquvvat tarzda o'sib-ulg'ayishidan xalq ham, jamiyat ham manfaatdor, Buning uchun o'quvchilar jismoniy tarbiya bilan chuqur shug'ullanishlari, turli milliy harakatli o'yinlardan foydalanish mahoratini egallashlari zarur. Bu esa yosh avlod tarbiyasiga e'tiborni yanada kuchaytirish, ularni o'z xalqi, mustaqil davlati va jamiyat oldidagi burchini his etish ruhida tarbiyalashdek g'oyat muhim vazifalar bilan bog'liq tarzda maktabda o'qiy boshlagan birinchi kundanoq mehnatga muhabbat, ishchanlik, boshlangan ishini oxiriga yetkazish, sabotlilik xususiyatlarini shakllantirish imkoni yaratiladi. Bunda jismoniy tarbiyaning barcha zamonaviy vositalari bilan birga o'zbek xalq milliy harakatli o'yinlari juda qo'l keladi, chunki bu o'yinlar bolalarni ruhiy, jismoniy, ma'naviy jihatdan tarbiyalashning barcha jihatlarini o'z ichiga ola biladi. Zero, millatning kelajagi bo'lgan yoshlarni sog'lom, yetuk va komil inson qilib tarbiyalash mustaqil yurtimiz kelajagining



zamini mustahkam bo'lishiga xizmat etadi. Xarakterli o'yinlari va milliy sport turlari tarixiy taraqqiyot jarayonida jiddiy o'zgargani, har bir iqtisodiy tuzum ularning mazmuni, qoidalarida o'zining muayyan izini qoldirgani haqida yuqorida to'xtalgan edik. Ba'zi o'yinlarning nomi va qoidalari hozircha saqlanib qolgan. Ana shunday o'yinlardan foydalanishda bolalarga jismoniy ta'siridan tashqari tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishini ham nazardan soqit qilmaslik, ularni ijodiy qo'llashni maqsadga muvofiqlashtirish kerak. Masalan, Uloq» o'yini deganda odatda ot bilan o'ynaladigan, chavandozlar haqiqiy uloq uchun kurashadigan qadimiy ko'pkari o'yini tushuniladi.

XULOSA

Ma'lumki, bolalar jismoniy tarbiyasi, jismoniy rivojlanishi va tayyorgarligini usuliy, pedagogik nuqtai nazardan to'g'ri aniqlash uchun bolalar fiziologiyasi hamda ruhiyatini yaxshi bilish shart, shularga suyangan holda har bir mashg'ulot oldidan ma'lum vazifalar qo'yilishi lozim. Vazifalar soni ikki-uchtadan iborat bo'lib, ularni bir necha guruhlariga bo'lib o'tish, asosiy harakatlar va mashqlar, milliy harakatli o'yinlar tanlanadi. Tanlangan mashqlar, birinchidan, asosiy harakatlar bilan bog'liq bo'lishi lozim. Ikkinchidan, mashqlar o'quvchilarning yoshiga, tayyorgarlik darajasiga, jinsiga mos bo'lishi ham kerak. Bundan tashqari bu mashqlar bolaga oddiy, tushunarli, tanish va ular bajara oladigan bo'lishi lozim.

REFERENCES

1. Abdullaeva M. Bolalar o'yinlarida o'zaro munosabatlar. //Boshlang'ich ta'lim.- Toshkent,2000y
2. Ishmuxamedov R.J., Abduqodirov A.A., Pardaev A. Tarbiyada innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari o'qituvchilari, tarbiyachilari, guruh rahbarlari uchun amaliy tavsiyalar).-T.: Iste'dod, 2010.-140 bet
3. Ishmuhamedov R., Yuldashev M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar.-T.: "Nihol nashryoti, 2013 yil 278 bet.
4. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari. -T.: "O'qituvchi", 2004. -102 b.
5. M.E.Jumaev, M.Yu.Yuldasheva, B.U.Mingbaeva, G.A.Mamatova "Boshlang'ich ta'limni o'qitishda zamonaviy yondashuvlar va innavatsiyalar" metodik uslubiy qo'llanma – T.: 2017y.



BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA KASBIY KOMPITENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA JISMONIY MADANIYATNING O'RNI

Zarnigor Sulaymonovna Jalolova

Jizzax davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy kompetentligini rivojlantirishda jismoniy madaniyatning o'rni va ahamiyati haqida so'z boran.

Kalit so'zlar: jismoniy madaniyat, ta'lim, me'yoriy, transformativ, kognitiv, qiymatga yo'naltirilgan, kommunikativ, kasbiy kompetentlik, amaliy leksikon.

ABSTRACT

This article discusses the role and importance of physical culture in the development of professional competence in future physical education teachers.

Keywords: physical culture, education, normative, transformative, cognitive, value-oriented, communicative, professional competence, practical lexicon.

KIRISH

Zamonaviy dunyoda jismoniy madaniyatning inson va jamiyat tabiatini takomillashtirish omili sifatidagi roli sezilarli darajada oshib bormoqda. Bugungi kunda bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisi doimo o'quvchilarga jismoniy mashqlarni yetkazish bilan birgalikda parallel ravishda uning ta'lim va tarbiyasi bilan shug'ullanib, u bilan o'zaro muloqot olib boradi. Har bir o'quvchi aqliy, ruhiy va jismoniy jihatdan doimo rivojlanishda bo'lganligi sababli ham bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy kompetentligini rivojlantirishda ular bilan doimiy muloqotda bo'lishi, ularning har bir psixologik xarakteri va fiziologik xususiyatlarini inobatga olgan holda ta'sir ko'rsatish mexanizmlarini, avvalo, psixologiya va tarbiya nazariyasini mukammal tarzda o'rganib, o'z kasbiy faoliyatini doimiy rivojlantirib borishi zarur. Mamlakatimizda sog'lom turmush tarzini tashkil etish, aholining, ayniqsa yosh avlodning jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratish, sport musobaqalari orqali yoshlarda o'z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo'lgan ishonchni mustahkamlash, mardlik va

vatanparvarlik, ona Vatanga sadoqat tuyg'ularini kamol toptirish, shuningdek, yoshlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish ishlarini tizimli tashkillashtirish hamda jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirishga yo'naltirilgan keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

ADABIYOTLAR TAXLILI VA METODOLOGIYA

Jismoniy tarbiya ta'lim tizimining tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, uning maqsadi inson salomatligini mustahkamlash va uning to'g'ri jismoniy rivojlantirish hisoblanadi. Aqliy tarbiya, axloqiy-estetik, mehnat tarbiyasi va tarbiyasi bilan birlikda jismoniy tarbiya shaxs shaxsining har tomonlama kamol topishiga yordam beradi. Jismoniy madaniyat tarixiy shartli hodisadir. Uning kelib chiqishi qadimgi davrlarga borib taqaladi. Mehnat jarayonida odamlar atrofdagi tabiatga ta'sir ko'rsatib, ayni paytda o'z tabiatini o'zgartiradilar. Insonlarni hayotga, eng avvalo, mehnatga, shuningdek, boshqa zarur faoliyat turlariga tayyorlash zarurati jismoniy madaniyatning paydo bo'lishi va yanada rivojlanishini tarixan shart qilib qo'ygan.

Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy kompetentligini rivojlantirish jismoniy madaniyatning o'rni haqida gapirar ekanmiz avvalo bu tushunchaning tarixiga naor tashlashimiz maqsadga muvofiq. "Jismoniy madaniyat" atamasining o'zi 19-asrning oxirida Angliyada sportning jadal rivojlanishi davrida paydo bo'lgan, ammo G'arbda keng qo'llanilmagan va vaqt o'tishi bilan kundalik hayotdan deyarli yo'qolib ketgan. Rossiyada esa aksincha, 20-asrning boshidan, 1917 yil inqilobidan so'ng, "jismoniy madaniyat" atamasi barcha oliy Sovet hokimiyatlarida tan olinib boshladi va ilmiy va amaliy leksikonga mustahkam kirib bordi. 1918-yilda Moskvada Jismoniy tarbiya instituti ochildi, 1919-yilda umumiy ta'limning jismoniy madaniyat bo'yicha qurultoyi bo'lib o'tdi, 1922-yildan "Jismoniy madaniyat" jurnali, 1925-yildan to hozirgacha "Teoriya va amaliyot" jurnali nashr etildi. Jismoniy madaniyat". Ko'rib turganimizdek, "jismoniy madaniyat" nomining o'zi uning madaniyatga tegishli ekanligini ko'rsatib berdi. Jismoniy madaniyat ijtimoiy ijtimoiy hodisa ekanligiga shubha yo'q. Bularning barchasi uning insoniyat jamiyatining paydo bo'lishi bilan birga paydo bo'lganligi va rivojlanganligidan dalolat beradi.

NATIJALAR

Har bir inson va butun jamiyat uchun salomatlikdan ustunroq qadriyat yo'q. Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy kompetentligini rivojlantirishda jismoniy tarbiya va sportning ahamiyati, ularni kundalik hayotga joriy etish tobora ortib bormoqda. Jismoniy



Инглизча мақолдаги **“Church”** сўзи ўзбекча таржимада **“черков”** сўзини беради. **“Черков”** сўзи асли ўзбекча сўз эмас, лекин ўзбек тилида бошқа тиллардан ўзлашган термин сифатида мавжуд. **“Черков”** христиан динига мансуб бўлган инсонларнинг шу динга хос бўлган расм-русумларини бажарадиган жой ҳисобланади. Ўзбек тилида бу сўзга нисбатан эквивалент сифатида **“масжид”** сўзини келтирсак бўлади. Агар икки халқнинг динидан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек халқининг кўпчилик қисми ислом динига, инглиз халқи деярли христиан динига сиғинади [2].

Христиан динида черков христианлар учун энг муқаддас жой саналади ва юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, христиан динига хос урф-одатлар, анъаналар ўша жойда ўтказилади. Ислом динида мусулмонлар учун ислом динига оид расм русумларни ўтказиш учун черковни айтолмаймиз. Чунки мусулмонлар исломдинига хос урф-

одатларни бажариш мақсадида масжид, мадраса каби улуғ ва муқаддас даргоҳларга ташриф буюришади. **“Черков” ва “масжид”** сўзлари ҳарикки тилда халқ учун бир хил вазифани бажарувчи сўзлар бўлишига қарамасдан, улар ўзига хос фойдаланиш функцияларига эгадир. Бу ўринда халқ ўзига хос ва мос бўлган терминдан фойдаланади. Шунинг учун ҳам мақолнинг ўзбекча вариантыда **“черков”** сўзи ишлатилмади.

Демак, бирор халқ ҳаётида мавжуд ва кундалик ҳаётда фаол қўлланилувчи лексемалар тилда ўз қиёфасини яратади ва халқларнинг миллий менталитетини кўрсатишда мақолларда иштирок этмай қолмайди. Агар мақолларнинг маъно-мазмунитаҳлил қиладиган бўлсак, инглиз халқининг динида, черков улар учуннақадар муқаддас жой эканлигини мақолда ифодаланган маънодан билиш мумкин.

Уларнинг фикрича доимий черковга бораверадиган шахс ҳар доим ҳам художўй бўлиб қолавермайди. Бу мақол орқали динни ниқоб қилган, аслида ҳеч қандай динийбилимга эга бўлмаган шахслар ифодаланяпти. Черков улар учун шу қадар муқаддас жойки, уни кўнгли, қалби кир инсонлар ёлғондан улуғлашини истамаслиги бутун бир халқ тилида ифодаланган. Агар ўзбекча вариантыни кўриб чиқадиган бўлсак, у ўзбек тилида қуйидагича:

Беш вақт намозини тарк этмас,

Ҳаром-харишни фарқ этмас.

Унда ишлатилган **“беш вақт намоз” “ҳаром-хариш”** каби сўзлар ўзбек тилида учрайдиган сўзлардандир. Ўзбек халқининг асосан мусулмонлардан иборат эканлиги, улар учун ислом дини буюк ва ислом динидаги энг муҳим бурчлардан бири беш вақт намоз ўқиш эканлиги ўзбек халқ мақолларида акс этган. Беш вақт намоз ўқиш ислом динида мусулмонлар учун энг муҳим бурчлардан биридир.

Асосан мусулмонлар ва ўзбек халқи учун беш вақт намоз ўқиш бу уларнинг кундалик ҳаётининг бир қисмидир. Шу сабабли халқ бу сўзлардан ҳаётий жараёнларда фойдаланади ва бу ўзбек халқ мақолларида ўз ифодасини топган. Бундан ташқари **“ҳаром-хариш”** каби сўзлар ислом динида ва шу ўринда ўзбек халқи томонидан кўп ишатиладиган сўзлардан биридир. Ота боболаримиздан бизгача етиб келган панд-насихатларга қулоқ соладиган бўлсак, унда ҳамиша оқ-қорани таниш, ҳалол-ҳаромни бир-биридан ажратиш каби масалаларга жуда жиддий қаралган.

Бу ҳолда мақолнинг ҳар иккала тилдаги вариант ҳам бир хил маънони беради. Демак, ўзбек халқининг кўпчилики

қисми мусулмон ва беш вақт намозўқийди, инглиз халқининг кўп қисми христиан ва улар учун черков энг муқаддас даргоҳдир. Кўриб турганингиздек, халқ турмуш тарзида мавжуд нарсалар ёки кундалик юмушлар мақоллар орқали ифодаланди. Агар ўхшаш томонларини кўрибчиқадиган бўлсак, ҳар иккала халқ ҳам диндор ва динидан келиб чиққан ҳолда, ўздини учун муқаддас жойлари ва муқаддас одатлари бор. Бироқ бу икки тилда ифодаланган мақолнинг маъно-мазмунини тенг бўлгани билан уларда ишлатилган айрим сўзлар фақат шу тилга оид лексемалардир ва ҳар иккала халқнинг фақат ўзигагина хос бўлган одатларини ифодалайди.

Агар динлараро умумий тушунчаларга тўхталадиган бўлсак, у қандай дин бўлишидан қатъий назар барчасида *жаннат, дўзах, шайтон, фаришта* каби тушунчалар мавжуддир. Ислом динида *шайтон* ёки *жаҳаннам* каби сўзлар салбий бўёқдор сўзлар ҳисобланади ва халқ томонидан ҳам салбий маънода ишлатиладиган сўзлардир. Хўш, бу инглиз халқи томонидан қандай қабул қилинади вабу жиҳатлар мақолларга сингганми? Ушбу саволларимизга жавоб олиш мақсадида қуйида бир қатор *дўзах, шайтон* каби сўзлар ишлатилган мақолларни ўзбек ваинглиз тилларидаги вариантларини таҳлил қилган ҳолда, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўриб чиқамиз:

№	Инглизча мақол	Ўзбекча таржимаси	Ўзбекча варианты
1	When Hell freezes	Жаҳаннам музлаганда	Туянинг думи ерга текканда
2	Better the Devil you know than the devil you don't know.	Танимаган шайтондан таниш шайтон яхши	Синалган ёв урушга яхши.
3	The Devil findswork for the idlehands to do	Шайтон бўш қўлга иш топибберади	Дангаса бошин есин, иллатнинг ғамин есин.
4	He must have a long spoon that sups with the Devil	Шайтон билан овқатлангани ўтирсанг, узунроқ қошиқ ол.	Ёмондан тўн кийсанг, тўйда "тўним бер" дейди.
5	He must go whom the Devil drives.	Шайтон етакласа юришга мажбурсан	Ўзимдан чиққан балога, Қайга борай давога
6	The Devil knows many things because he is old.	Шайтон кўп нарсани билади, чунки кўп яшаган.	Қари билганни, пари билмас

[2]

Жадвалдан кўриб турганингиздек *дўзах ва шайтон* каби сўзларнинг инглиз халқ мақолларида мавжудлиги шуни кўрсатадики, инглиз халқи динда бу тушунчалар мавжудлигига ишонади ва мақоллар маъносидан келиб чиққан ҳолда барчаси салбий



маънода ишлатилади. Агар ушбу мавзудаги мақолларнинг ҳар иккала тилда ишлатиш ўринлари ва маъно моҳиятига тўхталадиган бўлса, бу сўзлар иштирок этган мақоллар ҳар иккала тилда ҳам салбий образларни гавдалантиради.

Бироқ энг сўнгги келтирилган **“The Devil knows many things because he is old”** мақоли ўзбекчада **“Қари билганини пари билмас”** мақоли орқали ифодаланди. Мақолнинг ўзбекча вариантыда ижобий маъно кузатиляпти. Агар ўзбекча варианты билан солиштирадиган бўлса, ўзбек тилида бу ижобий хислатларни кўрсатади. Яъни ўзбек халқи нуроний, узоқ яшаб келаётган қарияларни ҳаёт тажрибасини қадрлашади ва уларни ҳатто парига тенглаштиради. Бу ўринда мақол икки тилда катта фарқ билан ишлатилишини кўрсатаяпти. У ҳолда инглизча ушбу мақолга бошқача ўзбекча вариант қидириш эҳтиёжи туғилади. Ёки инглизча мақолга муаллифлар томонидан нотўғри вариант қўйилган деган хулосага келинади. Чунки ўзбек халқи томонидан **шайтон** образи ҳеч қачон ижобий баҳоланмаган.

Хуллас, ўзбек ва инглиз тилларидаги **шайтон ва дўззах** сўзлари ишлатилган мақоллар кўп ҳолларда салбий маънони англатади ва бу жиҳатлари билан ўзбек ва инглиз халқининг диний қарашларидаги айрим тушунчалар тилда бир хил ҳолатда тушунилади ва ишлатилади.

ХУЛОСА

Кўплаб олимлар томонидан ўрганилган билимлар ва янгиликлар фикрларимизни исботини назарий жиҳатдан асослаб берган бўлса, юқорида лингвокултурологик жиҳатдан ўрганилган айрим инглиз ва ўзбек мақоллари инглиз ва ўзбек халқининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб беради. Аҳамиятли томони шундаки, ҳар икки тилда мавжуд бўлган бир хил мақоллар баъзан икки халқ томонидан бир хил, баъзан умуман бошқача ифода билан ўзининг хусусиятларини очиб беради. Бунинг сабаби шундаки, халқда бор нарса унинг тилида ҳам ифодаланади.

Агар бир нарса ёки ҳолат ҳар иккала тилда ҳам мавжуд бўлса, мақол кўпинча бир хил маъно англатади. Агар бунинг акси бўлса, мақоллар умуман бошқача маъно бериши ёки бир мақолнинг муқобил варианты қиёсланаётган тилда умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шу ўринда инглиз ва ўзбек мақолларида халқнинг ўтмишидан бугунги кунигача бўлган барча миллатга хос урф-одатлар ўз аксини топган ва халқ ўғзаки ижодининг нодир намуналари сифатида мақоллар бу



вазифани бажаришда етакчилик қилади. Ўзбек ва инглиз халқининг менталитетига хос жиҳатларни ўрганишда ўзбек ва инглиз мақоллар бу икки халқнинг ўзига яраша ўхшаш ва фарқли томонларини кўрасатиб бера олади.

REFERENCES

1. Найда Ю.А. К науке переводить: точка зрения соответствий / Ю.А. Найда: пер. с англ. Л. Черняховской // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – М., 1978. – С. 185-201.
2. Karamatova K.M., Karamatov H.S. Proverbs. Maqollar. Пословицы. –Т: Mehnat. - 2000. -400 bet.
3. Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Э.Сепир. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1993. – 190с.
4. Sherzodovich, A. S. (2020). The role of online teaching and innovative methods. *Science and education*, 1(3), 524-528.
5. Ахмеджанова, Н., & Аслонов, Ш. (2020). Семантические типы предикатов и фазовая членимость глагольного действия. *Интернаука*, (12-1), 27-29.
6. Aslonov, S. S. (2020). INGLIZ TILI STILISTIKASI FANINI O'QITISHDA FONOSTILISTIKANING O'RNI. *Интернаука*, (16-4), 57-59.
7. Ruzimurodova, Z., & Aslonov, S. (2020). WHAT TO TEACH TO THE STUDENTS? TO TEACH STANDARD ENGLISH OR WORLD ENGLISHES?. In *МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ* (pp. 367-369).
8. Аслонов, Ш. Ш. (2020). КОМПЬЮТЕРНАЯ ЛИНГВИСТИКА И ФИЛОЛОГИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ. *Гуманитарный трактат*, (84), 17-19.
9. Aslonov, S. S. (2020). O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA JINS MAZMUNINI BILDIRUVCHI SO'ZLAR TAHLILI. *Студенческий вестник*, (16-10), 55-58.
10. Aslonov, S. S. (2020). O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA JINS MAZMUNINI BILDIRUVCHI SO'ZLAR TAHLILI. *Студенческий вестник*, (16-10), 55-58.



O‘QUVCHILAR BILIMINI BAHOLASHGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

Dilnoza Oxunova

Farg‘ona davlat universiteti o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o‘quvchilar bilimni baholashga zamonaviy yondashuvlarning mohiyati va mazmuni shuningdek, formativ va summativ baholashning asosiy farqlari bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: formativ baholash, testlar, viktorinalar, og‘zaki savollar, diagnostik baholash, summativ baholash.

ABSTRACT

In this article, the essence and content of modern approaches to the assessment of student’s knowledge, as well as the main differences in the formative and summative evaluation, are described.

Keywords: formative evaluation, tests, quizzes, oral questions, diagnostic evaluation, summative evaluation.

KIRISH

Bugungi kunda jamiyatimizning barcha sohalarida o‘zgarishlar, jahon standartlariga javob berish uchun jadal rivojlanishlar yuz bermoqda. Jumladan ta’lim tizimida ham. Davlatimiz rahbari tomonidan 2021 yil 24 dekabrda oily ta’lim tizimini tub ijobiy o‘zgarishlarga olib keladigan oily ta’lim muassasalariga moliyaviy, akademik va tashkiliy boshqaruvda mustaqillik berish borasida ikkita tarixiy qaror imzolandi. Bu esa o‘z navbatida, oily ta’lim muassasalari boshqaruvida yangicha tizim asosida yondashuvni talab etadi.

Baholash ta’lim jarayonining muhim qismi hisoblanadi. Ta’lim sifatini hamda o‘quvchilarni bilim darajalarini doimiy ravishda nazorat qilib borish ta’lim jarayoniga muhim yangiliklar kiritishga asos bo‘ladi. Bugungi kunda yangi tizim asosida baholashning turli shakllari ishlab chiqilgan va talim jarayoniga taqdim etilmoqda. Shulardan biri formativ baholashdir.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Baholash deganda biz bolaning hozirgi yutuqlarini (muvaqqiyatsizliklarini), oldingi yutuqlari (muvaqqiyatsizliklari) bilan taqqoslash jarayonini va o'quv natijalarini amaldagi o'quv standartlari tomonidan belgilangan normalar bilan o'zaro bog'liqligini tushunamiz. Baholash mezonlari va shakllarini yaratish jarayoni o'quvchilar bilan birgalikda amalga oshiriladi va biz buni bolalarning qadr-qimmatini shakllantirishning bir usuli deb bilamiz. O'qitish jarayonida o'qituvchilar tomonidan qabul qilingan rasmiy va norasmiy baholash usullari to'plami "Formativ baholash" (shakllantiruvchi) deb nomlanadi. Bu o'qituvchilar tomonidan olib boriladigan o'quv jarayonining bir qismi bo'lib, o'quv va o'qitish usullarini o'zgartirish orqali o'quvchining tushunchasi va malakasini oshirishga qaratilgan.

Formativ baholash o'qituvchilarga ham, o'quvchilarga ham o'quvchining faoliyati va o'rganishi to'g'risida to'g'ridan-to'g'ri va batavsil mulohazalar berishga harakat qiladi. Bu o'quv jarayonida o'quvchilarning ehtiyojlari va taraqqiyotni kuzatadigan doimiy jarayon.

Formativ baholashning asosiy vazifasi o'quv yili uchun qo'yilgan maqsadlarning bajarilishi yoki bajarilmaganligini aniqlash. Shuning uchun o'qituvchilar ham o'quvchilar ham o'quv yili davomida erishmoqchi bo'lgan o'quv maqsadlarni aniq bilishlari kerak.

O'quv maqsadlari rasmiy shaklda o'qituvchi ish rejalarida aks etadi. Yoki o'qituvchi norasmiy shaklda o'quvchilar bilan birgalikda o'quv maqsadlarni aniqlab olishi mumkin bo'ladi. Formativ baho o'quvchilar ta'lim jarayonida faol rol o'ynashi kerak degan fikrdan boshlanadi.

Formativ baholashda o'quv maqsadiga erishish uchun zarur bo'lgan qadamlar (mexanizmlar) aniq belgilanadi. Biroq bunga erishish uchun baholash yaxshi ishlab chiqilgan bo'lishi kerak. Bu jarayonda o'quvchilar orasida o'z-o'zini baholash va hamkorlik qilishga katta e'tibor qaratiladi va rag'batlantiriladi.

Marina Aleksandrovna Pinskaya, pedagogika fanlari nomzodi, tadqiqotchi "Baholashning yangi shakllari" kitobida quyidagilarni yozadi: Formativ baholash o'quv jarayoni nafaqat yakuniy bosqichda, balki boshlang'ich va o'rta bosqichda qanday o'tayotganiga tashxis qo'yish uchun zarur, va agar ma'lumotlar qoniqarsiz bo'lib chiqsa, olingan ma'lumotlar asosida kerakli ma'lumotlarni kiritish va ta'lim faoliyati sifatini oshirish uchun o'zgartirishlar kiritish mumkin. Formativ baholash butun o'quv dasturi o'rniga individual o'quv mahoratiga yoki o'quv dasturidagi ko'nikmalarga yo'naltiriladi. Ushbu baholashlar ma'lum bir maqsad sari intilishni o'lchash uchun mo'ljallanadi deb aytadi.

Formativ baholashning eng foydali qismlaridan biri shundan iboratki, shakllantiruvchi baholashning yagona uslubi yo'q. Buning o'rniga mavjud bo'lgan yuzlab turli xil baholash usullari mavjud. Har bir o'qituvchi potentsial shakllantiruvchi baholashning chuqur repertuarini ishlab chiqishi mumkin. Bundan tashqari, o'qituvchilar shakllantiruvchi baholashni o'quvchilarining ehtiyojlariga moslashtirish va o'zgartirishlari mumkin. Bu juda muhim, chunki tafovut o'quvchilarni jalb qilishga yordam beradi va o'qituvchining o'rganilayotgan tushunchalarni to'g'ri baholashiga mos kelishini ta'minlaydi. Variantlarga ega bo'lish, shuningdek, o'quvchilar yil davomida ularning shaxsiy imtiyozlari yoki kuchli tomonlariga va zaif tomonlariga tabiiy ravishda mos keladigan baholashning turlarini ko'rishlariga yordam beradi.

Formativ baholashning eng yaxshi turi - bu jalb qilish, o'quvchilarning kuchli tomonlariga moslashish va qo'shimcha o'qitish yoki yordamga muhtoj bo'lgan sohalarni aniqlash. Formativ baholash o'qituvchilar va o'quvchilar uchun juda ko'p ahamiyatga ega bo'lgan tasdiqlangan o'quv vositasidir. O'qituvchilar kelgusidagi darslarga rahbarlik qilish, o'quvchilar uchun individual o'quv maqsadlarini ishlab chiqish va o'quvchilarga taqdim etilayotgan darslarning sifati to'g'risida qimmatli ma'lumotlarni olish uchun shakllantiruvchi baholashni ishlab chiqish va undan foydalanishlari mumkin.

Sinflarida muntazam, doimiy shakllantiruvchi baholashdan foydalanadigan o'qituvchilar, o'quvchilarning faolligi va o'qishi ortib borayotganligini aniqlaydilar. O'qituvchilar shakllantiruvchi baholashdan olingan ma'lumotlardan butun guruh uchun ham, individual darslar uchun ham o'quv qo'llanmalarini o'zgartirish uchun foydalanishlari mumkin. O'quvchilar shakllantiruvchi baholashda ular o'zlarining qaerdaligini har doim bilishlarini va o'zlarining kuchli va kuchsiz tomonlarini tobora ko'proq anglab etishlari uchun foydali bo'ladi. Formativ baholashlarni tuzish oson, olish oson, to'plash oson va natijalardan foydalanish oson. Bunga qo'shimcha ravishda, ular bajarilishi uchun cheklangan vaqt talab etiladi. Formativ baholash o'quvchilarga individual maqsadlarni belgilashda yordam beradi va har kuni yutuqlarni kuzatib boradi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Har qanday sinfdan ishlatilishi mumkin bo'lgan formativ baholashning turli xil mexanizmlari mavjud. Ko'proq mashhur bo'lganlardan ba'zilari:

1. Bevosita so'roq qilish yoki uyga berilgan vazifalar,



2. O'qish jarayonidagi javob jurnallari yoki dars paytida beriladigan topshiriqlar,

3. Dars paytida o'tkaziladigan nazorat ishlari,

4. Grafik tashkilotchilik yoki o'quvchilarning darsdagi faolligini kuzatish,

5. Qaytuvchan aloqani amalga oshirish,

6. O'quvchilarning o'z-o'zini baholashi,

7. Natijaga asoslanib ta'lim jarayoniga o'zgartirish kiritish imkoni.

Formativ baholash diagnostik, standartlashtirilgan *testlar, viktorinalar, og'zaki savollar* yoki *qoralama ish shaklida ham bo'lishi mumkin*. Formativ baholash ko'rsatmalar bilan bir vaqtda amalga oshiriladi.

Formativ baholashning keng tarqalgan shakli bu *diagnostik baholash*. Diagnostik baholash o'quvning tegishli dasturini aniqlash maqsadida o'quvchining hozirgi bilim va ko'nikmalarini o'lchaydi. O'z-o'zini baholash bu o'quvchilarning o'zlarini baholashni o'z ichiga olgan diagnostik baholash shakli.

O'qituvchilar o'quvchilar uchun eng foydali va ta'lim faoliyati uchun zarur bo'lgan shakllantiruvchi baholash turlarini yaratish va ulardan foydalanishlari kerak. Formativ baholar yakuniy baholarga ta'sir qilmaydi va bu o'quvchilarda materialni dastlabki assimilyatsiya qilishda muqarrar bo'lgan xatolardan qo'rqishni olib tashlashga imkon beradi. Muhim shart: baholash haqiqatan ham shakllantiruvchi bo'lishi uchun uning natijalari o'qituvchini o'qitishni to'g'rilash uchun ishlatishi kerak. Ular o'quvchiga etkazilishi va rejalashtirish uchun ishlatilishi kerak. Nafaqat o'qituvchi, balki bola ham yaqin kelajakda nima ustida ishlashi kerakligini tasavvur qilishi kerak.

Formativ baholash o'quvchilar summativ baholashni amalga oshirishdan oldin ko'rsatmalarni tushunib etishlarini aniqlashga qaratiladi. Summativ va shakllantiruvchi baho ko'pincha o'quv sharoitida shunday ataladi *o'rganishni baholash* va *o'rganish uchun baholash*.

Summativ baholash. Summative Assessment deganda o'quvchilarni baholash tushuniladi; bu natijaga qaratilgan. Bu ishtirokchilarga vaqti-vaqti bilan, odatda kurs, muddat yoki bo'lim yakunlanganda beriladigan baholash jarayoning bir qismidir. Maqsad -o'quvchilarning bilimlarini tekshirish, yani ular o'zlari o'rgatgan materialni qay darajada o'rganganliklarini tekshirish.

Summativ baholash dars yoki dastur samaradorligini baholashga intiladi, o'quv jarayonini tekshiradi va xokozo. O'quv dasturining sifatini ko'rsatadigan va maktablarda reyting uchun asos yaratadigan ko'rsatkichlar sifatida olingan ballar, ballar yoki foizlar.

Shu o‘rinda formativ hamda summativ baholashni bir-biridan farqli tomonlarini ko‘rib chiqamiz.

Formativ va summativ baholashning asosiy farqlari.

1. Formativ baholash o‘quv jarayonida talab qilinadigan ma’lumotlarni taqdim etadigan, o‘qitishni moslashtiradigan turli xil baholash tartib-qoidalarini anglatadi. Summativ baho o‘quvchilarning bilimini baholash standarti sifatida belgilangan.

2. Formativ baholash diagnostik xususiyatga ega, Summativ baho esa baholovchi hisoblanadi.

3. Formativ baholash-bu o‘rganish uchun baholash, Summativ baholash- bu ta’limni baholash.

4. Formativ baholash oylik yoki chorakda doimiy ravishda amalga oshiriladi. Boshqa tomondan, Summativ baholash faqat kurs tugaganidan so‘ng ma’lum vaqt oralig‘ida amalga oshiriladi.

5. Formativ baho o‘quvchilarning bilimini oshirish uchun o‘tkaziladi. Aksincha Summativ baho o‘quvchilar faoliyatini baholash uchun o‘tkaziladi.

6. Formativ baho o‘quvchilarning bilimlarini nazorat qilish uchun qabul qilingan. Summativ baholashdan farqli o‘laroq o‘quvchilar bilimini baholashga qaratilgan.

7. Formativ baholash baholari summatifik bahodan kam, chunki FAda olingan baholar o‘quvchining tushunarli ekanligi haqida SA ning baholari o‘quvchilarning ko‘tarilishi yoki ko‘tarilmasligini belgilaydi.

XULOSA

Ushbu ikki baholash protsedurasining asosiy farqi shundaki, shakllantiruvchi baholash o‘quv jarayonini bir turi bo‘lsa, summativ baholash bu baholash jarayonidir. Balansli baholash ikkalasiga ham asoslanadi, bu o‘qituvchilarning keyingi bosqichlari to‘g‘risida zarur ma’lumotlarni va o‘quvchilarning kontent standarti bo‘yicha bilimlarini o‘lchashni ta’minlaydi.

Agar rivojlangan mamlakatlar ta’lim tizimiga nazar solsak misol uchun Buyuk Britaniyada xodimlarga (o‘qituvchilarga) kattalar (rahbarlar) tomonidan ta’lim va tarbiya sharoitida ta’limni baholash bilan bog‘liq holda yaxshi amaliyotni o‘rganish va rivojlantirishga yordam beriganligi uchun Ta’lim, baholash va sifatni ta’minlash (TAQA) bo‘yicha mukofot mavjud. Demakki baholash ta’limni rivojlantirish uchun asosiy jarayondir. Ayniqsa formativ baholash ta’lim sifati haqida aniq ma’lumotlar beradi.



Xulosa qilib aytganda, shakllantiruvchi baholash har qanday sinfni baholashning muntazam tarkibiy qismi bo‘lishi kerak.

REFERENCES

1. Abdullayeva, N. A. (2022). ILMIY TADQIQOT OLIB BORISH KOMPETENTLIGI–BO ‘LAJAK O ‘QITUVCHI SHAXSINI SHAKLLANTIRISH OMILI SIFATIDA. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 601-612.
2. Baydjanov, B. K. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF INFORMATION COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Theoretical & Applied Science*, (7), 171-178.
3. Maksudov, U. K. (2020). CHARACTERISTIC OF THE PROCESS OF DEVELOPMENT OF SOCIAL ACTIVITY SKILLS IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH FOLKLORE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 407-412.
4. Maksudov, U. K. (2020). ISSUES OF NATIONAL VALUES AND SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF POSITIVE PSYCHOLOGY. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 394-396).
5. O‘rinova, N. M., & Yo‘Ldosheva, D. A. Q. (2021). Oliy o‘quv yurti talabalarida kreativ kompetentlikni rivojlantirishda faol ta‘lim texnologiyalaridan foydalanishning mazmuni va samarali yo‘llari. *Science and Education*, 2(12), 755-766.
6. O‘Rinova, N. M., & Yo‘Ldosheva, D. A. Q. (2022). OLIY O ‘QUV YURTI TALABALARIDA KREATIV KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHDA FAOL TA‘LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING MAZMUNI VA SAMARALI YO‘LLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 97-105.
7. SAIDKULOVICH, S. B., & UGLI, T. J. U. The Social Pedagogical Necessity of Developing Students' Aesthetic Culture in the Process of Globalization. *International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, 8(1), 75-77.
8. Siddikov, B., & Djalalov, B. (2020, December). MODERNIZATION OF EDUCATION-THE FUTURE INNOVATIVE COMPETENCE OF TEACHERS AS A MAIN FACTOR OF FORMATION. In *Конференции*.
9. Tojiboyev, J. U. O. G. L. (2022). TALABALARDA ESTETIK MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 585-594.
10. Tuychieva, I. I. (2018). Mechanisms Ensuring Children’s Thought Activity Development at Preschool Education Process. *Eastern European Scientific Journal*, (6).



11. Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. *湖南大学学报 (自然科学版)*, 48(8).
12. ugli Abdullaev, S. S. (2021). SOCIAL INVOLVEMENT IN STUDENTS RESULTS OF EXPERIMENTAL WORK ON THE DEVELOPMENT OF VIRTUES.
13. ugli Abdullaev, S. S. (2021, July). SOCIO-POLITICAL FACTORS OF DEVELOPMENT OF SOCIAL RELATIONSHIPS IN STUDENTS IN THE PROCESS OF PEDAGOGICAL EDUCATION. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 168-170).
14. Ахмедов, Б. А., Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2020). МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, (9), 20-22.
15. Ахмедов, Б. А., Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2020). МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, (9 (60)), 20-22.
16. Джалалов, Б. Б. (2016). Место и роль воздействия воспитания в повышении общественной активности учащихся. *Учёный XXI века*, (5-1 (18)), 38-41.
17. Джалалов, Б. Б. (2020). ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 10(3).
18. Максудов, У. К. (2015). Социально-педагогические и экономические проблемы повышения качества непрерывного образования на основе внедрения национальных ценностей. *Молодой ученый*, (12), 776-777.
19. Максудов, У. К. (2019). Развитие навыков социальной активности у учащихся начальных классов посредством фольклора-социально-педагогическая необходимость. *Проблемы педагогики*, (6 (45)), 20-23.
20. Охунова, Д. К., & Шоюсупова, О. А. (2016). PEDAGOGICAL BASES OF HARMONIOUS EDUCATION OF STUDENTS. *Учёный XXI века*, (5-1 (18)), 42-45.
21. Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2016). OBJECTIVES OF THE YOUTH ACTIVITY BY TEACHING TRAINING. *Учёный XXI века*, (6-2 (19)), 41-44.

YUQORI MOLEKULAR BIRIKMALARNI FIZIK-KIMYOVIY TADQIQOT USULLARI ASOSIDA O'RGANISH

Nodira Azizjon qizi Islomova
Qamariddin O'rinovich Komilov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

ANNOTATSIYA

Maqolada polimer birikmalarini o'rganishning tadqiqot usullari, yangi , zamonaviy usullar, ularning o'ziga xos jihatlari ko'rsatib o'tilgan. Shuningdek, qaysi usullardan foydalanish maqul, kamxarj, vaqtni tejaydigan usullarni imkon qadar keng ochib berish, talabalarga oson tushuncha olishi uchun keng tarqalgan usullarni o'rgatish yo'nalishlari ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: xromatografiya, polimer, sopolimer, spektroskopiya, identifikatsiya, mikroskopiya

STUDY OF HIGH MOLECULAR COMPOUNDS BASED ON PHYSICO- CHEMICAL RESEARCH METHODS

ABSTRACT

The article describes methods for the study of polymer compounds, new, modern methods, their features. It also describes the most appropriate, cost-effective and time-saving methods, as well as the most common ways of teaching students comprehension.

Keywords: chromatography, polymer, copolymer, spectroscopy, identification, microscopy.

KIRISH

So'nggi paytlarda yuqori molekulyar birikmalar noyob xususiyatlari tufayli zamonaviy dunyoda keng qo'llanilmoqda. Shu munosabat bilan bunday materiallar xalq xo'jaligining turli tarmoqlarida masalan, keng qamrovli arxitektura, mikroelektronikada, texnik jarayonlarda asosiy xomashyo vazifasini o'taydi. Yuqori molekulyar birikmalar (YMB) kimyosi ko'p jihatdan fizik-kimyoviy usullar bilan bog'liq. Bunday usullar polimer



materiallarni olishning turli bosqichlarida faol ishtirok etadi, unda faqat kimyoviy usullar odatda ustunlik qiladi.

YMB kursining maqsadi umumiy o'rta maktabda ta'lim olayotgan o'quvchilarning hayotiy jarayonlar bilan bog'lab qiziqtirish, YMB mavzu bo'yicha intellektual qobiliyatini shakllantirishdan iborat bo'lsa, kimyo yo'nalishi bo'yicha pedagogika institutlarida taxsil olayotgan talabalarning barcha sohalariga kirib borgan polimerlarni va plastmassalarni chuqur o'rgatishdan iboratdir.

Hozirgi kunda texnik vositalarning rivojlanish davri bo'lib, avvallari bizga tanish bo'lmagan usullar ishlab chiqarilmoqda. Maqola davomida qanday usullar borligini ko'rib o'tamiz va xulosa chiqaramiz. Ba'zan tayyor mahsulotlarning iste'molchisi belgilangan polimer turiga mas'ul bo'lganligini tekshirish istagiga ega bo'lishi mumkin va bu holda materialning eng oddiy identifikatsiyasini amalga oshirish mumkin. Yangi materiallar yaratish, shuningdek, identifikatsiya usullarini ishlab chiqishini talab qiladi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Polimer materiallarni aniqlash uchun ikkita yondashuv mavjud. Birinchisi, juda oddiy, tez va azon usul. Bu juda oddiy vositani va polimerlar haqida juda oz miqdordagi bilimlarni talab qiladi. Ikkinchi usul, muntazam kimyoviy va termal tahlilni amalga oshirishga asoslangan. Bunday holda, murakkab eksperimental usul qo'llaniladi. Ushbu yondashuv juda ko'p vaqt va xarajat talab qiladi va olingan natijalar talqinini faqat polimerlar bilan tanish bo'lgan mutaxassis bilan olish mumkin. Ko'pincha polimer materiallar sopolimerlar, aralashmalar va ularning xususiyatlari turli xil qo'shimchalar yoki alangali regitiv qo'shimchalar, moylash materiallari va stabiliatorlar kabi komponentlar yordamida o'zgartirilgan. Bunday holatlarda eng oddiy identifikatsiya usullari qo'niqarli natija bermaydi. To'g'ri natijalarni olishning yagona usuli - murakkab kimyoviy va issiqlik tahlillari usullaridan foydalanish.

Birinchi navbatda polimer moddalardagi fizik tadqiqot usullari emas, balki kimyo kursida qanday fizik tadqiqot usullari borligini bilib olishimiz kerak. Xromotografiya usuli, mass spektroskopiya taxlil usuli, rentgen usuli, optik spektroskopiya, infraqizil spektroskopiya, ultrabinafsha spektroskopiya, yadro magnit rezonans spektroskopiya va boshqalar.

Mavzuga asosan "yangicha" deb nom berilgan usullarni sanab o'tamiz:

- UMP zamonaviy usuli;



- zamonaviy identifikatsiya usuli [1].

UMP zamonaviy usuli. UMP ning maqsadi talabalarni polimerlarni o'rganish uchun eng taniqli fizik – kimyoviy usullardan foydalangan holda tanishtirish uchun qisqacha shaklda berilgan usul. Ushbu rivojlanish barcha jismoniy tadqiqotlar usullarining nazariy asoslarini o'z ichiga olmaydi, chunki ular “Fizikaviy tadqiqotlar usullari” kursida muhokama qilinadi. Kimyo nominatsiyasida o'qitiladi. Polimerlarni o'rganish uchun ishlatiladigan usullarning asoslari (yorug'lik tarqalishi) dumpiring usullari, analitik uskunalarni uzluksiz ishlab chiqish va yaxshilash, shuningdek, polimer materiallar sifatiga qo'yiladigan talablarni oshirishi bilan bog'liq.

UMP ning asosiy vazifalari:

- radikal polimerlanish va faol polikondensatlanishning shakllarini o'rganish uchun fizik-kimyoviy usullardan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari bilan tanishish;

- polimer materiallarini aniqlash, polimerlar tuzilishini va ularning kimyoviy tarkibini o'rganish uchun turli fizik-kimyoviy usullarining imkoniyatlarini ko'rsatish;

Polimerlarda polimer materiallar orqali gaz uzatish jarayoni va bug'larni o'rganish usullari bilan tanishish va bepul hajmdagi mablag' miqdorini aniqlash (polimerlar gaz xromatografiyasi va pozitronlarni yo'q qilish usuli bilan tanishish) zamonaviy moddiy fanlarning dolzarb vazifasidir[2,12].

Zamonaviy identifikatsiya usullari. Polimer materialining to'liq va ishonchli identifikatsiyasi – bu uzoq vaqt talab qiladigan va analitik kimyo, zamonaviy uskunalarni tajribasi va ulardan foydalanishni chuqur tushunishga asoslangan murakkab vazifadir. Polimer materiallarga ko'picha sopolimerlar aralashadi va qo'shimchalar bo'ladi. Zamonaviy analitik usullardan foydalaniladiga polimerlar va qo'shimchalarni aniqlash uchun quyidagi analitik usullar qo'llaniladi: - spektrning yaqin mintaqasida (F-X, B-X) infraqizil spektroskopiyasi; - skanerlashning differensial kaloriyasi(DSC); - termomexanik tahlil; - yadro magnit rezonans spektroskopiyasi; - xromatografiya; - massa spektrlari; - rentgenologik tahlil; - mikroskopiyasi[3,13,14,15].

Polimerlarni aniqlash va qo'shimchalar kiritish uchun ishlatiladigan zamonaviy usullar ro'yxati:

Suyuq xromatografiya	O'rganilayotgan polimer juda murakkab bo'lgan hollarda uni nisbatan soddaroq polimer holiga keltirish maqsadida qo'llaniladi[8].
Jel-Kirish xromatografiyasi	GPC polimerlarning (polietilen, polipropilen) molekulyar og'irlik taqsimotini o'lchash uchun qo'llaniladi[9].
Gaz xromatografiyasi	Bu aralashmaning tarkibiy qismlarini ajratish va tahlil qilish uchu ishlatiladigan instrumental analitik usul[10].
Termal tahlil	Issiqlik tahlili turli xil polimerlarni aniqlash va shakllantirishda, shu jumladan ishliov berishni o'z ichiga oladi[11].
Rentgen strukturaviy tahlili	Moddaning kristalidagi rentgen nurlarining diffraksiyasiga asoslangan. Bunda molekularning joylashishi va atomlar orasidagi masofalar va kimyoviy bog'lanishlar orasidagi burchaklar haqida ma'lumot beradi[4].
Yadro magnit rezonansi	Bu usul polimer kimyoviy tuzilishini aniqlashning asosiy usullaridan biri bo'lib, molekularning fazoviy tuzilishi va o'zgarish dinamikasini o'rganadi[5].
Kimyoviy tahlil	Kimyoviy tahlil 2 xil: sifat tahlili va miqdoriy tahlil. Sifat polimerda qanday guruh element borligi bo'lsa miqdoriy tahlil esa miqdoriy nisbatlarni belgilab beradi[6].

Xromatografik usul harakatchan (suyuq yoki gaz) va harakatsiz (qattiq yoki suyuq) fazalar orasida moddalarnig turlicha taqsimlanishiga asoslanadi. Moddalarni ajratish qanday fazada olib borilishiga ko'ra gaz, gaz - suyuqlik va suyuqlik xromatografiyasiga bo'linadi[7,16,17]. Bizga berilgan zamonaviy usullardan aynan polimerlarni aniqlashda Jel – Kirish xromatografiyasidan foydalaniladi. Jel – Kirish xromatografiyasi – o'lchamli eksklyuziv xromatografiya bo'lib, unda biz mobil faza sivatida suvli eritmani ishlatamiz.

Ushbu texnikaning asosiy qo'llanilishi oqsillarni va suvda eriydigan boshqa makromolekulyar materiallarni



o'lchamiga qarab ajratishdir. Texnika kichik molekulalarni harakatsiz fazaning teshiklarida ushlab turish orqali ishlaydi. Shuning uchun birinchi fraksiya katta molekulalarni o'z ichiga oladi. Keyin biz teshiklardan kichik molekulalarni olib tashlaydigan boshqa erituvchidan foydalanishimiz mumkin. Keyin bizning ikkinchi fraksiyamiz kichik molekulaarni o'z ichiga oladi[8,18,19].

Polimerlarning o'ziga xos usullaridan yana biri termal tahlil

usulidir. Issiqlik tahlili turli xil plastmassalarni aniqlash va shakllantirishda, ishlov berishni o'z ichiga oladi. Masalan, polietilen tereftalat uy anjomlari, shu jumladan mebel va ichimlik idishlari ishlab chiqarish uchun kam vaznli va moslashuvchan polimer sifatida qabul qilingan. Laboratorida ushbu turdagi polimerlarga issiqlik berish orqali uning xossalari aniqlanadi, sifatlari rivojlanadi va qanday ishlab chiqarish kerakligi tushuniladi.

Polimerlar uchun eng keng tarqalgan termal tahlil usullarini quyidagicha sanab o'tish mumkin:

-differensial skanerlash kalorimeri;

-termogravimetrik tahlil;

-termomexanik tahlil;


-dinamik mexanik tahlil

[9,20,21,22];

Institutlarda kimyo kursida polimerlar kimyosi darsligi alohida chuqurlashtirilib o'tiladi. Talabalarga bu ma'lumotlarni

yetkazish, tajribada ko'rsatish mumkin. Ammo, maktablarda o'qvchilarga soddaroq o'tib ketiladi. Chunki ma'lumotlar o'qvchilarga qiyinlik qiladi.

Maktab laboratoriyasida ham mavzuga oid asbob – uskuna,



apparat, jihozlarni topish mushkul. 9- sinfdagi Yuqori molekulyar birikmalarning asosiy tushunchalari berilgan.

XULOSA

Maqola polimer moddalarni o'rganishda qanday fizik tadqiqot usullarni olib boorish mumkinligiga bag'ishlangan. Zero, polimer organik moddalar kursiga kiritilib, organik kimyoni o'rganishda qanday usullar joriy etilgan bo'lsa, polimerlarda ham shunday. Shuningdek, maktabda institutda bu mavzuni o'qituvchi o'quvchi va talabaga asosan qaysi usullarni yetkazish kerak, ularga oson tushunish imkoniyatiga ega bo'lish yo'llari ko'rsatilgan. Bizning vazifamiz esa yangicha, zamonaviy usullarni targ'ib qilishdan iborat.

Polimerlarni olishda fizikaviy va kimyoviy usullar alohida va birgalikda qo'llaniladi. Bu usullarda olingan natijalar asosida polimer tuzilishi aniqlanadi. Polimer tuzilishini aniqlash asosida esa ularning tarkibiga qanday guruh, qaysi atom kirishi, ularning o'zaro bog'lanish tartiblari va fazoviy joylashishini bilish mumkin. Biz ko'rgan usullar polimerlarni o'rganishda o'ziga xos qulayliklarni keltirib chiqaradi.

REFERENCES

1. Babayev T.M. Yuqori molekulyar birikmalar. –T.: "Fan va texnologiya", 2015, 528 b
2. Шур А.М. Высокомолекулярные соединения. Учебник. М. Высшая школа. 1981
3. Shohidoyatov H. M., Xo'janiyozov H.O', Tojimuhamedov H.S. Organik kimyo. – T.: "Fan va texnologiya", 2014. 61-88b
4. Shohidoyatov H.M., Xo'janiyozov H.O'. Tojimuhamedov H.S. Organik kimyo. – T.: "Fan va texnologiya", 2014. 61-88b
5. Аллаев Ж. Курбанова А.Дж. Педагогические технологии как дидактический инструмент при подготовки специалиста в техническом ВУЗе. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: Инновациялар ва истиқболлар мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари/ Ташкент, 2018. 364-366 бетлар.
6. Аллаев Ж. Использование личностно-ориентированного обечения на занятиях химии. Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: Инновациялар ва истиқболлар мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари/ Ташкент, 2018. 366-368 бетлар.



7. Курбанова Г. Дж. Интеграция химии и русского языка// Касб-хунар таълими. 2019. №2. 36-40 бетлар.
8. Элмурадов Б. Математика для изучения химии в техническом ВУЗе. Материалы международной конференции/ Шымкент. 2019. №2. Стр.239-242.
9. Аллаев Ж. Использование студентоцентрированного обучения на уроках химии / Материалы международной конф. Проблемы современного непрерывного образования: Материалы Международной научной конференции по инновациям и перспективам/ Ташкент, 2019, том 1, стр. 366.
10. Atqiyayeva S. I. Developing intellectual capabilities of students in teaching chemistry// Журнал «Образование и наука в XXI веке». 2021. Выпуск №10, том 3. стр.684-692.
11. Badalova S. I. Intellectual training of students of technical institute// Academic Research in Educational Sciences. 2020, Vol. 1 No. 1, Page. 266-274.
12. Yodgarov B.,Kurbanova A.Dj. Applying ICT for improvement general chemical education// Society and innovations.2021. №4. Page 258-263.
13. Рустамова Х.Н., Курбанова А.Дж., Эштурсунов Д.А. Роль информационных и коммуникационных технологий в обучении общей и неорганической химии // «Экономика и социум». 2021. №5(84).
14. Kurbanova A.Dj. Case-study method for teaching general and inorganic chemistry// Academic Research in Educational Sciences.2021.№6. Pade 436-443.
15. Komilov K.U., Kurbanova A.Dj. Umumiy va anorganik kimyoni o'qitish jarayonida talabalarni intellektual qobiliyatini shakllantirish// Academic research in educational sciences. 2021. №4-maxsus son, 73-78 b.
16. Atqiyayeva I. S., Kurbanova A.Dj., Fayziyev, X. Kimyoni o'qitishda o'quvchilarning intellektual imkoniyatlarini rivojlantirishda elektron taqdimotlarning qo'llanilish// Academic research in educational sciences. 2021. №4-maxsus son, 47-52 b.
17. Matyakubov A. Umumiy va anorganik kimyoni o'qitish jarayonida talabalarni intellektual qobiliyatini shakllantirish// Жамият ва инновациялар. 2021. №5. 471-477 betlar.
18. Allayev, J. Axborot-kommunikatsion texnologiyalar vositalari asosiyda kimyo mashg'ulotlarini tashkil etish// Academic research in educational sciences.2021. № 9(2). 26-26 betlar.
19. Kurbanova, A. Dj. Integration of chemistry and english in the teaching of chemistry//. Academic research in educational sciences, 2021. № 2(9), Page. 40-43.



20. Мирзарахимов, А. А. формирование интеллектуальных способностей учащихся при подготовке вспомогательного персонала по химии//. Academic research in educational sciences, 2(9), С.-33-39.

21. Matyakubov, A. Q. Improving literacy on the basis of pisa requirements//. Academic research in educational sciences, 2021№2(9), Page.463-466.

22. Kurbonova, A.Dj., Allaev, J.,Mirzaraximov, A. A. (2021). Kimyo va ingliz tili fanlari integratsiyasi// Academic Research in Educational Sciences, 2021. №2(10), 185-192 betlar.



TASMALI KONVEYER TASMASINING MEXANIK TA'SIRLARGA CHIDAMLILIGINI TAHLIL QILISH

Nurbek Omonboyevich Polvonov

Navoiy davlat konchilik instituti katta o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada tasmali konveyerlarning dunyodagi va Respublikamizda ekspluatatsiyasi bugungi holatini tahlili ko'rib chiqilgan. Tasmali konveyerlarning rezina matoli va rezina po'lat arqonli tasmalarining mexanik va fizik xususiyatlari, yemirishlarga chidamliligi, konchilik sanoatida qo'llanilayotgan tasmalarning ustunlik jihatlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Tasmali konveyerlar, rezina matoli tasmalar, rezina po'lat arqonli tasmalar, kurakli konveyerlar, belting, sintetik.

ANALYSIS OF THE CAUSES OF BREAK OF BELT CONVEYOR BELTS

ABSTRACT

This article analyzes the current state of operation of belt conveyors in the world and in our country. The mechanical and physical properties of rubber-fabric and rubber-fabric belts of belt conveyors, their resistance to abrasion, and the advantages of belts used in the mining industry are analyzed.

Keywords: Belt conveyors, rubber-fabric belts, rubber-fabric steel rope belts, bucket conveyors, belting, synthetic.

KIRISH

Sanoat korxonalarining yildan yilga mineral xom-ashyolarga bo'lgan talabining oshishi, konchilik sanoatini modernizatsiyalash va korxonalarni texnik jihatdan qayta ta'minlashni talab etadi. Tog' – kon ishlarini olib borish, ishlab chiqarish jarayonlarini kompleksli mexanizatsiyalash va avtomatlashtirishning keng qo'llanishi bilan amalga oshiriladi.


Konchilik sanoatida ishlatiladigan transport vositalari yuqori ishlab chiqarish unumdorligiga, yuqori quvvatga va chidamlilikka ega bo'lishi hamda foydali qazilmalarni sezilarli darajadagi uzoq masofaga uzluksiz yetkazilishini ta'minlab berishi kerak.

Uzluksiz transport mashinalarining eng samarali turlaridan biri tasmali konveyerlar hisoblanadi, chunki ular minimal ish va energiya xarajatlari bilan foydali qazilmalarni uzoq masofaga ko'chirishi mumkin.


Ko'pgina tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, kon korxonalarida transport yuklari juda sezilarli darajada o'zgarib turadi va odatda tasodifiy ravishda o'zgaradi, shuning uchun ushbu maqolada eksperimental tadqiqotlar asosida tasmalarning bir biri bilan yangicha ulanish usullari taklif etiladi va yuk tashish oqimlarining xususiyatlariga qarab tasmaning zo'riqish holatlaridagi yuklamalarni aniqlanishi keltirilgan. Tasma harakatiga taqsimlangan qarshiliklarni hisoblashning o'ziga xos yondashuvi taklif etilgan va ularga tasmali konveyerning turli xil konstruktiv xususiyatlari hamda tashqi omillarning ta'siri ko'rib chiqilgan.

Tasma konveyerning eng qimmat elementidir. Tasmani ta'mirlashga va uni almashtirishga ketadigan mablag'lar tasmali konveyerni ishlatishda sarflanadigan harajatlarning asosiy qismini tashkil etadi.

Konveyer tasmalarining eng ko'p tarqalgan turi – rezinalashtirilgan to'qima matoli tasmadir (1 - rasm). Bunday tasmalarning asosi, odatda, prokladka deb ataluvchi paxta – qog'oz mato (belting) yoki sintetik (anid, neylon, kapron va b.) tolali matoning bir necha qatlamidan tashkil topadi. Tasmani ishlab chiqarishda prokladkalar oraliq'iga hamda usti, tagi va yonlariga tabiiy yoki sintetik kauchukdan tayyorlangan rezina massasi surilib, ular birgadlikda vulkanizasiya va presslash usulida yopishtiriladi. Shunda mato qatlamlari o'zaro birlashadi, ustki, tagi va yonlaridagi rezina himoyalovchi qatlam (obkladka) ni tashkil qiladi.



1 – rasm. Konveyer tasmasi.



2- rasm. Tasmaning ko'ndalang kesimi: a - to'qima prokladkali; b-simarqonli; 1- to'qima prokladkalar; 2-obkladka; 3-simarqon; 4-breker (himoyalovchi) mato.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Izlanishlar shuni ko'rsatadiki yildan-yilga konchilik korxonalarida qo'llanilayotgan tasmali konveyerlarning tasmagini yemirilishini oldini olish dolzarb muammolardan biri bo'lib qolmoqda. Tasmali konveyerlar tasmagining texnik xarakteristikasining tahlili orqali yuzaga kelayotgan to'xtalishlarni oldini olish mumkin bo'ladi.

Mato tasmaga mexanik chidamlilik berib, u orqali katta tortish kuchini uzatish imkoniyatini ta'minlaydi. Rezina esa mato qatlamlarini o'zaro birlashtirish va ularni mexanik ta'sirdan (ayniqsa, katta bo'lakli va tiraluvchan yuklar tashilayotganda) va matoga namlik kirishidan himoyalash uchun xizmat qiladi.

Tashiluvchi yuk tasmaning ustki rezina qatlamiga tegib turishligi va shu tufayli ustki qatlam tez yemirilishi sababli, uning qalinligi tashilayotgan yukning kattaligi, qattiqligi va boshqa hususiyatlariga qarab tayinlanadi va qiymati 3÷6 mm ni tashkil etadi. Pastki rezina katlamining qalinligi 1 - 2 mm bo'ladi. Bugungi kunda yuqori va pastki qatlamlarning qalinligi bir xillikka intilmoqda, buning sababi rezina qoplamalarning pishiqligining ortib borishi va kolnveyer transportining mukammal ishlatilish holatlarining ko'payishi bo'lmoqda.

Prokladkali tasmani uzilishiga bo'lgan chidamliligini quyidagi misolda ko'rib chiqamiz. Berilgan: tasmaning eni - 1200 mm, prokladkalar soni -10, prokladka materiali – belting, bu prokladkaning 1 santimetri 55 kg kuchda yoki 550 N da, uziladi. Demak, tasma 10 prokladka x 120 sm x 550 N/ sm = 660000 N yoki 660 kn kuchda uzilib ketarkan.

Kon sanoati konveyerlari uchun matoli qatlamlar poliamidli iplardan tayyorlanadi (turi TA, TK, MK) poliefirli iplari bilan birga (tlk) poliefirli va paxtali tolalardan (BKNL) olinadi. Masalan, tasma turi TA-100 (asosi va yonbosh iplari poliamitli matodan, 100 soni — mustaxkamligi asosi Nyuton millimetr bitta qatlam kengligi, N/mm). Ko'p qatlamli rezinamatoli tasma belgilanishi: TK-200, TA-400, TLK-300, BKLN-65 va h.k.

Konveyer tasmasining chidamliligini oshirish sintetik mato va ingichka po'lat arqon asosidagi tasmalarni qo'llash bilan amalga oshirilishi mumkin. Sintetik matoli prokladkalaridan tashkil topgan tasmalar konstruktsiyasi bo'yicha oddiy tasmaga o'xshash, lekin sintetik tolaning yuqori chidamliligi tufayli prokladkaning 1 sm enini uzilishga chidamliligi 3000 N/sm ga boradi.

Po'lat arqonli tasma (2, b - rasm) rezina matoli tasmadan ancha katta chidamlilikka ega. Shuning uchun hamdirki po'lat arqonli tasmalarni ishlab chiqarishda ishlatilishi ortib bormoqda. Bunday tasmaning asosini bo'ylama bir qator joylashtirilgan ingichka po'lat arqon tashkil etadi. Po'lat arqon ikkala tomondan rezina, ikki qatlam belting va bir qatlam himoyalovchi (breker) mato bilan qoplanadi, tashqi tomonlari ham rezina bilan qoplangan bo'ladi.

Belting prokladkalari tasmaning qattiqligini oshiradi, bu esa rolik tayanchlari oralig'ida tasmaning novsimon shakli saqlanib qolishiga olib keladi. Bundan tashqari, belting prokladkalari tasma barabandan aylanib o'tayotganda po'lat arqon tasmani rezina qoplamini ezib yuborishidan saqlab turadi. Bunday tasmaning 1 sm kengligini uzilishga chidamliligi simarqon diametriga qarab 1.8 kN/sm dan 4.8 kN/sm gacha boradi.

Po'lat arqonli tasmaning katta afzalligi radioaktiv izotoplar yoki rentgenoskopiyani qo'llagan holda defektoskoplar bilan arqonni nazorat qilib borish imkoniyati borligidadir.

Rezinatrosli tasmaning karkasi bir qator paralel joylashgan aniq qadam bilan rezina qatlamlarida jipslangan sinklangan metali troslar o'rnatilgan (3, 4 – rasm.). Rezinatrosli tasmalar mustahkamligi 1000 - 6000 N/mm karkas kengligida ishlab chiqariladi.



3 – rasm. Rezinotrosli tasma



4 – rasm. Rezinatrosli tasma RTL

Rezinatrosli tasmalar farqlanadi: umumiy belgilanishi (PTJI), olovga chidamli (PTJIO) va olovga chidamli yuqori sovuqqa chidamli (PTL10M) ishlatish iqlimi nisbatan - 45 dan +60 gacha, -20 dan +60 gacha va -60 dan +60 °S gacha. Tasma mustahkamligi 6000 N/mm kengligi ishlab chiqariladi faqat umumiy belgilanishli va olovga chidamliyligi. Tasma belgilanishida uning mustahkamligi kiradi (N/mm kengligi) va kengligi (mm): RTLOM 2500x1200 tu 38.1051531 - 82 (olovga chidamli tasma yuqori sovuqqa chidamli, mustahkamligi 2500 N/mm va kengligi 1200 mm).

Tortuvchi mato karkasining va shunga mos ravishda rezina mato konveyer tasmasining mustahkamligi prokladkalar kengligi 1 mm (N / mm) yoki tasmaning kengligi bilan aniqlanadi.

Po'lat arqonning minimal uzilish kuchi (kN), tasmaning minimal uzilish kuchi (N/mm tasma eniga nisbatan) va tasma kengligi (mm) asosida po'lat arqonlarning minimal soni n_{min} quyidagi tenglama bilan hisoblanadi:

$$n_{min} = \frac{K_N \cdot B}{F_{Os} \cdot 1000}$$

Po'lat arqonlarning haqiqiy soni n , n_{min} dan katta yoki teng bo'lishi kerak.
Po'lat arqon qadami t quyidagi tenglama bilan hisoblanadi:

$$t = \frac{B - 2 \cdot b_k - d}{(n - 1)}$$

bu yerda d – arqonning diametri, bo'yicha 0,1 mm gacha yaxlitlash kerak; b_k – qirra kengligi (tasma yon tomoni chetidan chetki arqongacha), kamida 15 mm, ammo 40 mm dan oshmasligi kerak. Ushbu chegaralar doirasida chekka kengligi uchun quyidagilar amal qiladi: tasma o'zagining qalinligi bilan 5 ga ko'paytiriladi, mm (ya'ni chekka kengligi tasma o'zagi qalinligidan taxminan 5 baravar ko'p bo'lishi kerak).

Rezinali obkladkalar konveyer tasmalarining ekspluatasion xususiyatlarini va ishlash qobiliyatini aniqlaydi, shuning uchun obkladkalarining sifati quyidagi talablar:

Yeyilishi va yedirilishiga juda yaxshi barqarorligiga;

Yaxshi egiluvchanlikka va solishtirma zarb qayishqoqligiga;

Eskirishga, yorug'lik ta'siriga va charchoqlikka yaxshi bardoshliligiga javob berishi kerak.

Obkladkalarining qalinligi yuklama hamda foydalanish sharoiti bilan belgilanadi va quyidagicha bo'ladi:

Rezina matoli konveyer tasmalari uchun 2÷10 mm gacha

Rezina po'lat arqonli konveyer tasmalari uchun 4÷40 mm gacha

Ishsiz obkladkaning qalinligi ishchi obkladkaning qalinligidan kichikroq, bu esa yetarli himoya va dempferli ta'sirini ta'minlashi kerak.

Rezina matoli va rezina po'lat arqonli konveyer tasmalarining obkladkalariga qo'yiladigan fizik-mexanik talablar 1 – jadvalda keltirilgan.

Jadval 1.


Obkladka materialining zaruriy fizik-mexanik xossalari

Obkladkalar turi	Uzilishga mustahkamligi (kam emas), N/mm ²	Uzilishdagi cho'zilish (kam bo'lmagan), %	Yedirilishi mm ³ (maksimal)
W	18	40	90
X	25	45	120
Y	20	40	150
Z	15	35	250

MUHOKAMALAR VA NATIJALAR

Konchilik korxonalarda qo'llanilayotgan tasmali konveyerlarning tasmalari tog' jinsining qattqlik darajasiga,

tasmaning eniga, yuk oqimining miqdoriga bog'liqligini hisobga olib tasmaning turini tanlashimiz mumkin bo'ladi. Agar tog' jinsining qattqlik darajasi bo'yicha oladigan bo'lsak Protodyakonov shkalasi bo'yicha qattqlik darajasi $1 \div 6$ bo'lganda rezina matoli tasmalardan, tog' jinsining qattqlik darajasi $6 \div 20$ bo'lganda esa rezina po'lat arqonli tasmalardan foydalaniladi. Albatta bunda tog' jinsi bo'laklarining kattaligi $300 \div 40$ mm dan oshmasligi lozim. Bundan kelib chiqadiki yuk aylanmasi yuqori yani unumdorlik talab qilingan joylarda rezina po'lat arqonli tasmalardan foydalanish maqsadga muvofiq. Buning natijasini quyidagi solishtirma grafikda ham ko'rishimiz mumkin. (5-rasm)



5-rasm. Rezina matoli va rezina po'lat arqonli tasmalarning qattiq va yumshoq tog' jinslarini tashishdagi og'irlik kuchi hisobiga uzilishdagi solishtirma grafigi

XULOSA

Demak konchilik korxonalarida qo'llanilayotgan tasmali konveyerlarning tasmasini yemirilishlarini oldini olish, mexanik ta'sirlarga bo'lgan chidamliligini oshirish yechimlarini tadqiqoti dolzarb hisoblanadi. Shunday ekan ushbu sohada o'z tadqiqotlarini olib borayotgan o'zimizdagi va dunyodagi olimlarning ilmiy izlanishlari natijalarini ishlab chiqarish amaliyotiga tadbiiq qilish orqali ushbu muammoning yechimini topsak bo'ladi. Natijada tasmali konveyerlar tasmasining uzilib ketishi oqibatida yuzaga keladigan to'xtalishlari 15-20 % ga va ta'mirlashga ketadigan xarajatlari 22-25 % ga kamaytiriladi.

REFERENCES

1. Атакулов Л.Н., Тошов Ж.Б., Каххаров С.К., Хайдаров Ш.Б. Метод обнаружения обрыва резиновых лент в местах их стыковки // Горный вестник Узбекистана. – Навои, 2018. – №3. – С. 61-65.
2. Атакулов Л.Н. Разработка методов оценки технического состояния и повышение эффективности эксплуатационных параметров крутонаклонных конвейеров.-Навой, 2019.
3. Атакулов Л.Н., Тошов Ж.Б., Каххаров С.К., Хайдаров Ш.Б., Истаблаев Ф.Ф. Выбор оптимального варианта соединения тросов при стыковки резиновых лент // Вестник ташкентского политехнического университета. – Ташкент, 2018. – №4. – С. 43-46.
4. Атакулов Л.Н., Каххаров С.К., Хайдаров Ш.Б. Выбор оптимального метода стыковки резиновых конвейерных лент // Горный журнал. – Москва, 2018. – №9. С. 97-101. DOI: 10.17580/gzh.2018.09.16
5. Atakulov L.N., Haydarov Sh.B., Ochilov X.B., Gaffarov A.A. Application of the scheme of effective conveyor transport in the conditions of daugiztau quarry. Technical science and innovation. 2021. №2. -б. 74-86.
6. Shaxodjaev L.Sh. Raschet shaxtnogo konveyernogo transporta: metodicheskaya razrabotka, Tashkent: 2012.
7. Н.О. Полвонов, У.Э. Каюмов “ОБЗОР И АНАЛИЗ СУЩЕСТВУЮЩИХ МЕТОДОВ СТЫКОВКИ КОНВЕЙЕРНЫХ ЛЕНТ” // I Евразийский горный конгресс 2021г. 201-202 ст
8. Polvonov, N. O., Atakulov, L. N. (2021). Method of conveyor belts jointing when using special vulcanization compounds. ISJ Theoretical & Applied Science, 08 (100), 17-21.
9. Атакулов Л.Н., Полвонов Н.О., Каюмов У.Э. Обзор и анализ диагностики определения дефектов конвейерной ленты // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2022. 2(95).
10. Н.О. Полвонов., У.Э. Каюмов., Ш. Пардаева “ИЗБЕЖАНИЕ ПОВРЕЖДЕНИЙ КОНВЕЙЕРНОЙ ЛЕНТЫ С ПОМОЩЬЮ УСТРОЙСТВ КОНТРОЛЯ СХОДА ЛЕНТЫ” // I Евразийский горный конгресс 2021г. 234-235 ст
11. Жураев А. Ш. ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЕ ПРЕДОХРАНЕНИЯ УЗЛОВ КОНВЕЙЕРА В УЗБЕКИТАНЕ //The Thirteenth International Conference on Eurasian scientific development. – 2017. – С. 42-44.
12. Муратов Г. Г., Махамаджанов Р. К., Жураев А. Ш. Автоматизация управления поточно-транспортными системами //Вопросы науки и образования. – 2018. – №. 27 (39).



NEW APPROACHES OF TEACHING ENGLISH IN LAW SCHOOLS

Zulxumor Jo'rayevna Bozorova

English teacher, Surkhandarya Regional Law College

ABSTRACT

This paper analyses the innovative and quite interesting methods we have in teaching English language. We may have a number of teaching methods in between traditional and modern. Everybody has their own understanding and conclusions on teaching English language. But this paper portrays combining this two types how we can make our teaching very effective. We have been completely bounded with traditional methods of teaching and understanding where the present day learners felt uncomfortable a bit. Learner's mind will never be static it is ever growing and ever changing. Whatever the teaching methodology can be, but teaching must be learner's centered. However, this paper scrutinizes the difference between traditional and practical teaching and thereafter learning.

Keywords: Renaissance; orthodox; integral; inquisitive; agitated; jeopardizing; immerse; intuitively; evaluated; database; anagrams; hangman; elocutions; tedious; precautions.

1. Introduction

English, the official language of the entire world is a very tricky language to teach. In fact every language varies to teach. English is a very old language and has undergone many forms changes from Proto English derived from the Latin and the German culture to the Modern English which was established after in the post Renaissance period. Each version was simpler than it's previous. Present day English is the simplest adaptation of a very old Language and yet it is still difficult to teach this language effectively especially to those who speak English as a second language.

2. Problems with current methodologies

In today's world English is taught in a very orthodox manner. The basic teaching is needed. Teaching the alphabets and the formation of the words is essential and a must. But there is something that is even more important. The children must be able to speak the words and understand their meaning before writing them down. The foundation to teach English can only be taught using the orthodox methods of teaching the alphabets and the words and the rules. But then teaching only the rules is found to be boring by most

students and it is because of this that they lose interest in learning the language. Although there is no way other than the traditional one to teach the basics of the language these methods must be tweaked a bit so as to appeal to the students. When it comes to teaching English to students of higher classes who already know the basics the traditional methods generally tend to yield poorer results than innovative methods. This has already been proven by methods implemented like use of stories, poems, movies, books and newspapers etc. These methods help the students learn the language better without them actually realizing and also it keeps their interest. This paper will provide a few of such methods to teach English Language.

3. Teaching through conversations

Conversations are by far the most useful ways of teaching the language. When a child learns his or her mother tongue it is by the conversations that takes place between them and others or by listening to the conversations made by the others. The child is never taught the language but is still able to perceive the meaning and learns it automatically to use it in day to day life. No one ever teaches the kid the characters of the language or how to make sentences or the grammar of that language. The conversations alone teach the children. Hence conversations form a very important part of the teaching process. The sentence construction and the grammar is not something that can be entirely taught by rules. They have to be taught intuitively. That can only happen through a lot of reading and a lot of listening. This can be taken care of easily as every conversation needs a topic. The topic can be given to the students in form of written documents which they have to first read then form an opinion and then have a conversation about it or it can be spoken out and then they can listen, understand and also take part in the conversation. The participation and other aspects of the conversation can always be evaluated through points which will also push the students to take part in the conversation. These conversations have to be general. They have to happen as if friends are talking to each other. This way the students are comfortable in expressing themselves in the best possible way. This process may take some time but in the end it would be the most efficient one in teaching the language.

4. Teaching through games

This is a very interesting method of teaching. Students and children generally tend to like games and want to play them more and more. Traditional methods dictated for study and games to be separate but the fact remains that the students tend to be more interested in playing games rather than sitting down to study. Any logical reasoning would



dictate us to combine the two aspects to solve the problem. The games part of learning would help the students keep their interest as the desire to win is very strong. It keeps us going and when included with different aspects of learning the learning process would continue almost throughout the day without the children getting tired or bored of studying.

REFERENCES

1. Kevin D. Besnoy, Lane W. Clarke, High-Tech Teaching Success! A Step-by-Step Guide to Using Innovative Technology in Your Classroom, Prufrock Press, Inc. October 1, 2009
2. Lynne T. Diaz-Rico, Teaching English Learners: Strategies and Methods Marlene D. LeFever , Creative Teaching Methods, Cook Ministry Resources; March 1, 1997
3. Edgar H. Schuster, Edgar H. Schuster, Breaking the Rules: Liberating Writers Through Innovative Grammar Instruction, Heinemann; February 13, 2003



O‘QUVCHILARDA INTIZOMIY KO‘NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

Ashurali Ibragimovich Tychiyev
Farg‘ona davlat universiteti o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada intizom, ko‘nikma tushunchalarining mazmuni va mohiyati, shuningdek, o‘quvchilarda ongli intizomiy ko‘nikmalarni rivojlantirish dolzarb pedagogik muammo ekanligi asoslangan.

Kalit so‘zlar: intizom, o‘quvchi, bilim, ko‘nikma, malaka, intizomiy ko‘nikma.

ABSTRACT

This article is based on the content and essence of the concepts of discipline, skills, as well as the fact that the development of conscious disciplinary skills in students is an actual pedagogical problem.

Keywords: discipline, reader, knowledge, skills, qualifications, disciplinary skills

KIRISH

Butun dunyoda, jamiyatda axloqiy tarbiyaning ahamiyati ortib borayotganini, lekin shu bilan birga ommaviy axborot vositalari, keng jamoatchilik, turli soha mutaxassislari hayotning turli sohalarida axloqiy normalarni pasayishi kuzatilayotganligi haqida fikr bildirilayotganini kuzatishimiz mumkin. Ijtimoiy jamiyat hayotining tartibli kechishini ta‘minlash maqsadida axloqiy hamda huquqiy me‘yorlar qabul qilingan. Jamiyat ijtimoiy hayotida muhim o‘rin tutuvchi ijtimoiy-huquqiy me‘yorlar esa davlat tomonidan qabul qilinib, tegishli qonunlar asosida tartibga solinadi[22].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Intizom — kishilar, jumladan, mehnat jamoasi a‘zolarining jamiyatda tarkib topgan huquq va axloq me‘yorlariga, shuningdek, biron-bir tashkilot talablariga javob beradigan muayyan xulq-atvor va o‘zini tutishga oid tartibqoidalar. I. odamlarning birgalikda yashashi va faoliyat yuriti-shini ma‘lum bir tartibga solib turadi. Bunga esa mazkur

ijtimoiy me'yorlar va qonunqoidalarni o'zlashtirish, shu bilan birga zarur bo'lganda axloqiy, huquqiy va ma'muriy javobgarlik va jazo choralarni qo'llanish yo'li bilan ham erishiladi. I.ning quy-idagi turlari mavjud: ichki I. (shaxsning o'zini-o'zi I.lilik ruhida tar-biyalashi); hamma uchun umumiy I. (xu-susan, davlat I.i); maxsus I. — muayyan tashkilot a'zolari yoki ma'lum toifadagi kishilar uchungina belgilangan I. (mas, mehnat I. i, harbiy I. kabi)[19].

Ko'nikma — insonning ilgari tajribalari asosida muayyan faoliyat yoki harakatni amalga oshirish qobiliyati. Ko'nikmalar amaliy faoliyatga, bilimlarni amalda qo'llay bilishga oid faoliyatning tarkibiy qismidir. Ko'nikma faoliyatning maqsadi va sharoitlariga mutanosib ravishda harakatni muvaffaqiyatli bajarish usullaridir. U hamisha bilimlarga asoslanadi, mahorat (malaka)ning negizi hisoblanadi. Ko'nikma mazmunan amaliy (jismoniy) va aqliy, shaklan oddiy va murakkab turlarga ajratiladi. Amaliy ko'nikmalar mehnat faoliyatini amalga oshirishga, aqliy ko'nikmalar bilim olishga, uni o'zlashtirishga yo'naltirilgan bo'ladi. Ko'nikmalarni bilim bilan adashtirmaslik lozim, chunki bilimlar voqelik to'g'ri aks ettirilgan hukm (mulohaza)larda ifodalanadi. Ko'nikmalar esa ko'proq aqliy va jismoniy harakatlarda mujassamlashadi)[20].

Ko'nikma – mashq qilish natijasida yuzaga kelgan xatti – harkatlarning avtomatlashgan usuli. Fiziologik jihatdan ko'nikma bosh miyaning katta yarim sharlari po'stlog'ida hosil bo'lib, vaqtinchalik nerv bog'lanishlarning barqaror tizimining funksiyasini ta'minlaydi. Dinamik–streatiplarni yaratish sharoitlari bir vaqtning o'zida avtomatlashgan akt bilan murakkab analitik – sintetik faoliyatni yuzaga keltiradi. Buning natijasida nafaqat ko'nikmalar, balki malakalar ham yuzaga keladi)[21].

Intizom ijtimoiy-axloqiy va huquqiy me'yorlarga nisbatan ongli yondashuv, ularga to'la amal qilish demakdir. Ongli intizom tushunchasi shaxs faoliyatining ijtimoiy-axloqiy hamda ijtimoiy-huquqiy me'yorlar talablari asosida aqliy quvvatga tayangan holda tashkil etilish ko'rsatkichidir. Ongli intizom tarbiyasi o'quvchilar tomonidan intizomning mohiyati, uning ijtimoiy jamiyat hamda shaxs hayotida tutgan o'rnini to'g'ri baholash, shuningdek, ijtimoiy-axloqiy va ijtimoiy-huquqiy me'yorlar talablariga ongli munosabatni shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik jarayondir.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

O'quvchilar o'rtasida ongli intizom tarbiyasini tashkil etish jarayonida quyidagi vazifalar amalga oshiriladi:

1. Ijtimoiy-axloqiy va ijtimoiy-huquqiy me'yorlar mohiyatini o'quvchilar ongiga singdirish, ongli intizom tushunchasini qaror toptirish.
2. O'quvchilar tomonidan ijtimoiy burch mohiyatining o'zlashtirilishiga erishish.
3. O'quvchilarda ijtimoiy burchni ado etish jarayonida ongli va ixtiyoriy faoliyatini tashkil etish borasidagi ko'nikma va malakalarni shakllantirish.
4. O'quvchilarda kundalik hayotiy rejim asosida faoliyatni tashkil etish ko'nikmasini hosil qilish.
5. O'quvchilarda mehnatni ilmiy asosda tashkil etish (mehnat va dam olish faoliyati, aqliy va jismoniy mehnat faoliyati o'rtasida o'zaro mutanosiblikning qaror topishiga erishish) ko'nikma va malakalarini hosil qilishga erishish.
6. O'quvchilarda ta'lim muassasasi ichki tartibi qoidalariga bo'ysunish hissini shakllantirish.
7. Intizomsizlikning oldini olgan holda intizomsizlikka qarshi kurashishga yo'naltirilgan faoliyatini yo'lga qo'yish va boshqalar.

Ta'lim muassasalarining muhim vazifalaridan biri yosh avlodni ongli intizom ruhida tarbiyalashdir.

Ta'lim muassasalarida o'rnatilgan intizom ta'lim muassasalari jamoasini jipslashtirish, ta'lim muassasasi ichki hayoti va faoliyatining mo'tadil kechishini ta'minlaydi. Intizom o'quvchilardan hamjihatlik asosida faoliyat olib borish, o'quv yurti manfaati uchun birgalikda kurashish, rahbariyat hamda vakolatli o'quvchilar organlari, uning a'zolari talablarini to'g'ri talqin etish va ularning bajarilishini talab etadi.

Ongli intizom o'quvchilarning o'qish va mehnat faoliyatiga ongli munosabatda bo'lish, o'quv yurti ichki tartib intizomiga bo'ysunish, jamoa tomonidan topshirilgan topshiriqni bajarishga vijdonan yondashgan holda xulq-atvor me'yorlariga qat'iy rioya etish zarurligini tushunib olishlari va ularga o'z ixtiyorlari bilan itoat etish ko'nikmalarining hosil bo'lishiga sharoit yaratadi.

Ta'lim muassasalari o'quvchilarida intizomlilik xislatining hosil bo'lishi uchun ta'lim-tarbiya ishlarining sifatini yaxshilash, ularning samaradorligini oshirishga imkon beradi.

Ongli intizom jamoa yordamida olib borilgan tarbiyaviy ishlarning natijasigina bo'lib qolmay, ayni vaqtda, tarbiya vositasi sifatida xizmat qiladi. Intizom ko'rsatkichi qanchalik yuksak darajaga ko'tarilsa, uning tarbiya vositasi sifatidagi ta'siri shuncha ortib boradi. Intizomli jamoa o'z a'zolarini ichki tartibga rioya qilishga, muayyan xulq

me'yorlariga amal qilishga, o'qituvchilar topshiriqlarini bajarishga, o'z tengdoshlariga namuna ko'rsatishga, ijtimoiy burchni anglashga o'rgatadi. Bunday jamoa o'quvchi noto'g'ri harakat qilsa, uning xatosi ko'rsatiladi, natijada o'quvchi tomonidan o'z xatosini anglashi, to'g'rilashga bo'lgan urinish yuzaga keladi. O'quvchi va jamoa o'rtasida ongli intizomni qaror toptirish ikki tomonlama ta'sir kuchiga egadir. O'quvchi jamoa doirasida jamoaning salbiy xususiyatlarini yo'qotish uchun kurashadi, jamoa esa o'quvchidagi mavjud nuqsonlarni bartaraf etishga o'z ulushini qo'shadi.

Intizom o'quv ishlariga g'oyat katta ta'sir ko'rsatadi. O'qituvchilarning topshiriqlarini, jamoa qarorlarini bajarish, mashq'ulotlarga kechikmasdan yetib kelish hamda sababsiz bironta ham darsni qoldirmaslik, darsda tartibsaqlash, uy vazifalarini o'z vaqtida bajarish kabi holatlar ta'lim jarayonining muvaffaqiyatini, shuningdek, o'quvchilarning chuqur bilim olishlari uchun imkon yaratadi. Shunday ekan, qaysiki o'quv yurtida o'qituvchi va o'quvchilar jamoasi intizom qoidalariga qattiq rioya qilsa, o'sha o'quv yurtida o'zlashtirish yuqori darajada bo'ladi, tarbiyaviy ishlarni tashkil etishda yuksak natijalar qo'lga kiritiladi.

XULOSA

O'quvchilarning ongli intizomini qaror toptirishda kundalik hayotiy rejim hamda unga qat'iy amal qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Qat'iy dars jadvali, sinfdan va maktabdan tashqari tarbiyaviy tadbirlarni uyushtirish va ularni o'tkazish, kundalik faoliyatni aniq rejalashtirish o'quvchining shaxsiy hayotini muayyan tartibga solishga xizmat qiladi.

Ongli intizom tuyg'usini o'quvchilarda shakllantirish quyidagi mazmundagi faoliyatni tashkil etish asosida kechadi:

a) maqsadga muvofiq talablarning qo'yilishi hamda ularning o'quvchilar tomonidan bajarilishini uzluksiz, doimiy nazorat qilib borish;

b) ijtimoiy-axloqiy va ijtimoiy-huquqiy me'yorlar mohiyatini tushuntirish;

v) ongli intizom mezonlaridan biri bo'lgan intizomli xulq, xarakter va iroda sifatlarini hosil qilish maqsadida mashq qildirish va o'rgatish;

g) rag'batlantirish va jazolash. Rag'batlantirish – o'quvchining namunali xulqi uchun boshqalarga ibrat qilib ko'rsatish, faxriy yorliqlar bilan taqdimlash, devoriy gazetada ushbu o'quvchi to'risida kichik ma'lumotnoma berish, uning suratini maxsus doskaga qo'yish, ota-onasining nomiga tashakkurnoma yuborish va boshqalar. Jazolash – o'quvchining xatti-harakati va

10. Джалалов, Б. Б. (2018). РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION* (pp. 53-55).
11. Джалалов, Б. Б. (2019). ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 43-44).
12. Джалалов, Б. Б. (2020). ЁШЛАР ИЖТИМОЙЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 10(3).
13. Джалалов, Б. Б., Хатамов, Х. А., & Насайдинова, Ф. У. (2016). Преимущества коллективного обучения. *Ученый XXI века*, 40.
14. Максудов, У. К. (2015). Социально-педагогические и экономические проблемы повышения качества непрерывного образования на основе внедрения национальных ценностей. *Молодой ученый*, (12), 776-777.
15. Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2016). ЗАДАЧИ РАЗВИТИЯ АКТИВНОСТИ МОЛОДЁЖИ С ПОМОЩЬЮ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТРЕНИНГОВ. *Ученый XXI века*, (6-2).
16. Гуйчиева, И. И., & Ганиева, Г. В. (2016). ХАРАКТЕРИСТИКА ПРИНЦИПОВ ПЛАНИРОВАНИЯ РАБОТЫ ПО РАЗВИТИЮ РЕЧИ. *Ученый XXI века*, 48.
17. Уринова, Н. М., & Хусеинова, С. Б. (2021). Теоретико-практическая подготовка будущих учителей гуманитарного профиля к социально ориентированной воспитательной работе. *Бюллетень науки и практики*, 7(5), 434-440.
18. Уринова, Н. М., & Хусенова, С. Б. (2021). БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК МОДЕЛИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, 4(7).



“УСТОЗ-ТЪЮТОР-ТАЛАБА” ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

А. Х. Боймуродов

Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти
a.boymurodov@cspi.uz

И. Д. Ғаниев

Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти тьютори

М. Й. Режабов

Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу моқолада олий таълим тизимида таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда таълим муассасаси ва талабалар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, талабаларнинг муассасаси ҳаёти ва таълим жараёнига мослашишига кўмаклашиш, уларга услубий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш ва талабаларда танлаган касбига йўналтиришда кумаклашишни ўз олдига мақсад қилган тьюторлик фаолиятида талабаларни илмий фаолият олиб боришида устоз ва тьюторнинг ёрдами ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Концепцияси, тьютор, тенденция, илмий фаолияти

SCIENTIFIC ACTIVITY "TEACHER-TUTOR-STUDENT"

ABSTRACT

This article aims to strengthen the relationship between the educational institution and students in the effective organization of the educational process in the higher education system, to assist students in adapting to the life of the institution and the educational process, to provide them with methodological, social and psychological assistance. the assistance of the teacher and tutor in carrying out scientific activity is highlighted.

Keywords: Concept, tutor, trend, scientific activity

КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий



этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнاتини рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу тадбирларни амалга ишириш мақсадада Республика Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони имзоланди. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияси Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш номли биринчи параграфда, фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш белгилаб кўйилган [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аввало тьютор бу ким? Тьютор (ўқитувчи-маслаҳатчи) ўқувчига нафақат билим ва кўникмаларни эгаллаш, балки ўз фаолиятидаги ҳақиқий муаммоларни ҳал қилиш имконини берадиган таълим муҳитини яратадиган шахс. Талабалар, айниқса, биринчи курс талабалари учун барча саволлар бўйича боғланиш мумкин бўлган бундай шахсга эга бўлиш жуда муҳимдир. Зеро, тьютор ҳам дўст, ҳам маслаҳатчи. Кўп нарса тьюторга боғлиқ. Биринчи курс талабалари ўзлари учун мутлақо нотаниш бўлган янги муҳитга қандай мослашадилар, улар таълим ва талабаликни қандай ўрганадилар [2]. Ушбу муаммоларни ҳал этилишида олий таълим муассасарида тьюторлик фаолиятининг йўлга кўйилиши мақсадга мувофиқ бўлди.

Тьюторнинг асл лавозими таълимга 17-асрда Оксфордда, кейинроқ Кембрижда киритилган. Тьютор лавозими ҳар бир талабанинг ўз таълим дастурини шакллантириш жараёнига ҳамроҳ бўладиган ва уларнинг аниқ таълим сўровларига жавоб берадиган маслаҳатлар берадиган юқори маслаҳатчи лавозими сифатида жорий этилган. Ушбу университетларда тьютор лавозими бугунги кунда ҳам унчалик ўзгармади. Тьюторлар олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари билан параллел равишда ишлайди. Шундай қилиб, тьюторнинг анъанавий тушунчаси



уни талабаларнинг индивидуал таълим траекториясига ҳамроҳлик қилувчи ва қўллаб-қувватловчи мураббий сифатида белгилайди [3].

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларига кириб келган ушуб замонавий таълимнинг тенденцияларидан бири бўлган тьюторнинг муассаса ўқув жараёнининг тўлиқ ҳуқуқли иштирокчиси сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашдир.

Низомга кўра, тьюторларнинг асосий мақсади — таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишда университет ва талабалар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, талабаларнинг университет ҳаёти ва таълим жараёнига мослашишига кўмаклашиш, уларга услубий, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш ва талабаларда танлаган касбига муҳаббатни оширишдир. Шу билан бирга улар йигит-қизларнинг дарс машғулотларини мунтазам таҳлил қилиб боради ва сифатини оширади, уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлайди ҳамда ижтимоий аҳволдан доимий хабардор бўлиб туради. Шунингдек талабаларнинг шахсий ривожланишига, университет, республика ва халқаро миқёсдаги танлов ва олимпиадаларда муносиб иштирок этишига, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига кўмаклашувчи инсон бўлиб, у йигит-қизларни касбга йўналтириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, турли илмий тўғаракларга жалб этиш ҳамда муаммо ва камчиликларини ўрганиб, уларга атрофлича ечим топиш билан шуғулланади.

НАТИЖАЛАР

Ушбу фаолиятни олиб боришда тьюторга асосий кумак бераувчи деб, олий таълим профессор ўқитувчилари дейиш мумкин. Мисол тариқасида талабанинг илмий фаолият билан шуғулланишида **“УСТОЗ-ТЮТОР-ТАЛАБА” илмий фаолияти** тизмини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу тизимда профессор-ўқитувчи ўз ваколати ва вазифаси яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил-10-сентябрдаги Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкларини ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида 20-2018-сон буйруғи 2-иловасида келтирилган “устоз-шогирд” бандини бажаришда тьютор билан ҳамкорликни ташкил этади. Профессор-ўқитувчи вазифасига киритилган талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, давлат



стипендияларига, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақаларига тайёрлаш, талабаларнинг ижодий ишлари кўрғазмаларида уларнинг ишланмалари ва иштирокига раҳбарлик қилиш каби иш турларини бажарилишида талаба ва ўитувчи ўртасида боғловчи кўприк вазифасини тьютор бажариши лозимдир.



ХУЛОСА

Олий таълим муассасаларидаги ўйналишларда Устоз –тьютор – шогирд тизмини биринчи босиқичи сифатида профессор-ўқитувчи, тьютор ва талабалар рўйхати орқали талабалар билан индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаш мақсадидада ҳар бир талаба билан ишлаш вақтлари режасини тузиш, шунингдек талаба билан ижодий ишларга жалб этиш мақсадада эсси, тезис ва мақола ёзиш қоидаларни тушинтириш кўзда тутилади. Амалий иш натижаси сифатида бириктирилган талаба билан ҳаммуаллифликда республика, халқара конференциялар тезислар нашр этиш белигиланади.

REFERENCES

1. <https://lex.uz/docs/4545884>
2. http://www.kstu.ru/article.jsp?id_e=29326&id=1162.
3. Романова Е. А. Позиция тьютора в системе современного высшего образования/ Международный научно-исследовательский журнал.- 2017. — № 04 (58) Част 3. - С. 53—55.
4. A.J.Xurramov, A.X.Boymurodov Use of active and Interactive methods in computer graphic classes/ Eurasian Scientific Herald, 2022. Volume 5, February, pp. 4-7.
5. Азимкулов, С.Н., Боймуродов, А.Х., (2021). Таълим самарадаорлигига эришишда тизимда инновацион улуллар. Academic Research In Educational Sciences, 2(2), 59-67.

ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ЎРТА ОСИЁДА КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ЎРГАНИШ

Зумрад Джураевна Абзалова

Тошкент Фармацевтика институти уқитувчиси

Хавасой Шакарбаева

Тошкент Фармацевтика институт талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Урта Осиёда контакт линзалар ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш ва урганиш хақида маълумот келтирилган.

Калит сузлар: контакт линзалар, асигматизм, миопия, гиперметропия, гидроксизтанметаакрил, силикон-гидрогел, триметилсилил, этиленгликол, диметакрилат, дивинил бензол.

КИРИШ

Ҳозирги кунда куз касалликлари: миопия, асигматизм, гиперметропия каби касалликлар ёшариб бормоқда. Бунга асосий сабаблардан: ирсий мойиллик ва гаджет, компьютер каби узидан нур таратувчи усқуналардан узлуксиз ва бетартиб фойдаланиш булиб, қайта тиклаб булмайдиган асоратларга олиб қилади. Ва афсуски таъбий тиклаб булмади, бундай инсонлар куз ойнақлар ва контакт линзалардан мунтазам фойдаланадилар. 18 ёшдан ошгандагина жаррохлик амалиёти бажарилади. Аммо жаррохлик амалиётидан кейин киз болаларга таъбий тугрук буйирилмайди. Куз ойнақлар эса бир катор ноқулайликлар келтириб чиқаради, куп ҳолларда бундай инсонлар ташки қуринишидан қониқишмайди. Шу сабабли бутун жаҳон аҳолиси контакт линзаларни тандайдилар. Контакт линзалар ишлатилишига кура 2турга булинади: кундузги ва тунги.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кундузги контакт линзалар кундузги фойдаланишни талаб қилади ва фойдаланилган пайтгагина қуриш қобилятини тиклайди.

Тунги линзалар тунда қулланади ва кўз гавҳарини дунглигини қамайтириш орқали кун давомида кўз нурини тиклайди. Куп ҳолларда ёш болаларда тунги линзалардан



мунтазам фойдаланиш кўз нурини тулик тикланишига олиб келади.


Контакт линзалар узайиши 200дан 400%, еластиклик модули 50 дан 65 г/мм², валентлик кучи 80 дан 110 г/мм², каттиклиги еса 120дан 145 г/мм² булса фойдаланиш учун ярокли булади.

Муаммонинг долзарблиги шундаки Ўзбекистон ва Ўрта Осиё минтақасида контакт линзаларга талаб кўп, аммо бу ҳудудларда линзалар ишлаб чиқарилмайди. Биз буни урганиб Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқаришни кўриб чиқдик.


Юмшоқ контакт линзалар силикон-гидрогел композициясида ишлаб чиқарилади. Силикон газ алмашинувини (шоҳ пардага яхши O₂ кислород ўтказди) ва йўқори сув сақлаш хоссасига эга. Гидрогел кўз соққасига ва гавҳарга ортиқча механик босим ва таъсир курсатмайди, юмшоқ ва эластик будишини тامينлайди. Контакт линзалар силикон -гидрогел композицияси таркибида N , O – бис (триметилсилил) акриламид ва 2-гидроксиэтилметаакрилат сақлайди. Бу эритмага (аралашмага) юқори сув микдорини ва йуқори O₂ утказувчанликни таъминлаш учун ва оптик тиниқликни яхшилаш учун этиленгликол, диметаакрилат ёки дивинил бензол узаро боғлиқликни тامينлаш учун қушилади.(Refojo et. al. 7appl. Poly. S. I 9:2425 (1965)).

2-гидроксиэтилметаакрилат мономер ҳолатдан полимер ҳолатга термин радикал полимеризация орқали полимер ҳолатга келтирилади. 2-гидроксиэтилмптаакрилат йўқори кислород ўтказиш хусусиятига ега Dk[10⁻¹¹см/с] (мл O₂ мм). (Wilson et. al. Encyclo of chem. Tech 7:192 (1979)). Бундан ташқари метаакрилатни юқори даражада тутувчи линзалар кўзга механик таъсирларни максимал камайтиради.

2-гидроксиэтилметаакрилат — рангсиз, тиниқ, мойсимон сувда ва органик еритувчиларда яхши ерувчан модда, M_r =130, кайнаш харорати 75-79°C, зичлиги 1079-1082 кг/м³. Тез совутилганда шишасимон тузилишга утади. 117 К да совутилса, совуган суйуклик хосил булади. Кейинчалик бу суйукликни киздирса кристалланадиган ва 273 К да эрийдиган модда ходил булади. 2-гидроксиэтилметаакрилатга тегишли биринчи публикациялар 20 – аснинг 50 – йилларида пайдо булди. Биринчи булиб метаакрил кислотани этиленгликол билан этерефекация реакциясида олинган. 2-гидроксиэтилметаакрилат осон полимерланади. Тиббиётда одам организми учун тулик урганилмаган, куз учун юмшоқ контакт линзалар ишлаб чиқаришда ишлатилади.



N , O – бис (триметилсилил) акриламид контакт линзаларда силикон мономер сифатида ишлатилади ва линзаларга юкори кислород утказувчанлик хоссасига эга.



Полимеризация N , O – бис (триметилсилил) акриламид. 10гр дан 90 грамгача 2,5 диметил (2,5 диэтилгексаноилперокси) гексан 10гр дан булиб булиб 90гр гача 2-гидроксиэтилметаакрилат кушилади. 0,1 гр дан оз оз 1 гр гача инициатор 2,5 диметил (2,5 диэтилгексаноилперокси) гексан полимеризация учун кушилади 110 С да 30 минут давомида полимеризация реакцияси боради. Бу жарайонда инициатор кушилганда полимеризация боради ва аралашма массасини 0,1% ташкил килганлиги учун тиниклигига таъсир килмайди. Шундай усулда юмшок контакт линзалари олинади ва ишлаб чиқарилади.

Шундай килиб линзаларнинг умумий таркиби куйидагича:

2-гидроксиэтилметаакрилат - 9г (асосий таркиб)

N , O – бис (триметилсилил) акриламид – 9г (асосий таркиб)


2,5 диметил (2,5 диэтилгексаноилперокси) гексан) - 0,1 г (инициатор яни мономерларни тикувчи сифатида)

Бу аралашмалар полипропилен колипларга куйилади ва 110С да 30 дакика давомида полимеризация килинади. Сунг Қолиплардан олиниб линзадаги сув микдори улчанади. Таййор линзаларда сув микдори 38-40%дан кам булмаслиги керак, кислород утказувчанлиги еса 10-20 Дк [10⁻¹¹(см/с) дан кам булмаслиги керак.

Контакт линза ишлаб чиқаришда, асосан, АКШ, Италия, Жанубий Корея фирмалари етакчилик килади. Нега

айнан шу давлатлар? Бу давлатларда контакт линзалар ишлаб чиқарилишига асосий сабаб уларда хом ашъё яъни акрил кислота ишлаб чиқарилади ва керакли жиҳоз ва лаборатория мавжуд. Шу ўринда дунё оптика бозорини таҳлил қилсак.

Страна	Средний возраст, лет	Доля, %		
		пациентов-женщин	пациентов, носящих линзы время от времени	первичных пациентов
Великобритания	37,7	66	31	54
Греция	30,6	64	11	23
Израиль	29,9	58	8	34
Италия	35,3	58	12	50
Канада	36,6	68	23	39
Мексика	29,7	62	1	45
Нидерланды	38,6	59	3	28
Новая Зеландия	37,6	64	24	39
Россия	26,3	70	5	50
Тайвань	30,2	85	0	28
Филиппины	28,5	72	5	32
Япония	29,8	67	13	45
Итого по всему миру	32,8	66	13	39



Куриб турибмизки дунё миқёсида контакт линзалари ёқори талабга ега маҳсулот. Албатта Ўзбекистонда ҳам!!!

ХУЛОСА

Ўзбекистонда акрил кислота тан нархи уртача 100 мингсумни (1литр) ташкил қилади. 1литр хом ашъедан биз 200000 жуфт (400000дона) контакт линзалари ишлаб чиқара оламиз Биз бозордаги талабни ва Ўзбекистондаги имкониятларни ўрганиб чиқдик ва чет елдан кираётган линзалардан тан нархи буйича арзонроқ ва сифат даражаси чет ел линзаларидан қолишмайди деган умиддамиз. Чунки Ўзбекистон ва Ўрта Осиё бозори миллий линзалар учун ҳали очиқ майдон ва биз ҳам яқин келажакда контакт линзалари етакчи ишлаб чиқарувчиларига айланамиз.

REFERENCES

1. Wilson et. al. Encyclo of chem. Tech 7:192 (1979)
2. Refojo et. al. 7appl. Poly. S. I 9:2425 (1965)
3. Лавров « Полимери на основе 2-гидроксиэтилметаакрилат
4. 2007-06-25 Priority to KR10-2007-0061970
5. 2007-06-25 Priority to KR1020070061970A
6. 2007-10-18 Application filed by Бескон. Ко., Лтд., Так Ин Нам
7. 2011-07-27Publication of RU2009146491A
8. 2011-11-27 Application granted
9. 2011-11-27 Publication of RU2434899C2



ОБРАЗ СЧАСТЬЯ В ПРЕДСТАВЛЕНИИ РУССКИХ ПОЭТОВ СЕРЕБРЯНОГО ВЕКА

Р. Б. Туляганова

Студентка Чирчикского государственного педагогического института
Ташкентской области

Э. С. Сергеева

Научный руководитель: старший преподаватель кафедры русского языка и
литературы ЧГПИТО

АННОТАЦИЯ

В данной статье даётся понятие слова “счастье”, каким его “видели” русские поэты XX столетия по сравнению с поэтами XIX столетия. Также, на примере поэтов Серебряного века, через их стихи познаем “счастье” таким, каким его видели и понимали люди того времени.

Ключевые понятия: Серебряный век, лирика, поэзия, счастье

THE IMAGE OF HAPPINESS IN THE REPRESENTATION OF RUSSIAN POETS OF THE SILVER AGE

ABSTRACT

This article gives the concept of the word “happiness” as it was “seen” by Russian poets of the 20th century in comparison with the poets of the 19th century. In addition, using the example of the poets of the Silver Century, through their poems and prose, we learn “happiness” the way people of that time saw and understood it.

Keywords: Silver Age, lyrics, poetry, happiness

ВВЕДЕНИЕ

Что такое счастье? Мы думаем, этот вопрос волновал человечество со времен его возникновения. Конечно, время откладывает свой отпечаток на общество и на каждого человека в отдельности, меняются приоритеты, цели, ценности, но потребность чувствовать себя счастливым остается неизменной. Другой вопрос в том, какие явления приносят нам счастье, и все ли мы умеем быть счастливыми?

Так что же такое счастье?

Строго говоря, счастье – это философская категория, которая подразумевает идеальное состояние высшего удовлетворения жизнью. С этой точки зрения счастье – абсолютное отсутствие всех желаний. Так или иначе, все философы сходятся на том, что счастье есть понятие не материальное, но внутреннее. То есть, человек счастлив, если он внутренне на это способен. Счастье – это довольство собою. По еще одной версии, счастье есть отсутствие несчастья.

ЛИТЕРАТУРА И МЕТОДОЛОГИЯ

Вопрос о счастье интересовал многих ученых и мыслителей. С одной стороны психологи оценивают счастье как наследие философии. С другой же – как уровень психологического комфорта человека.

Счастье представляет собой фокус человеческой деятельности, ее высшую правду, смысл и красоту. Это – не просто благо, а благо благ; образно выражаясь, его можно назвать гаванью, куда держит путь корабль жизни. Счастье составляет глубинный источник человеческой деятельности и задает ей перспективу, без убеждения и веры в реальность, достижимость счастья она лишилась бы смысла и была бы невозможной как сознательная жизнедеятельность. Счастье – достижимая цель деятельности, пусть высшая, трудная, но, тем не менее, цель: оно находится в пределах возможностей человека.

Счастье - это действительно важная часть нашей жизни, волнующая людей различных взглядов и культур. Поэтому данная тема на самом деле является актуальной.

Проблема счастья поднимается во множестве литературных произведений. В школе на уроке литературы мы изучаем различные произведения как прозаические, так и лирические. Нас заинтересовало, как поэты понимают слово счастье[1].

Серебряный век – это век, когда духовная культура, а вместе с ней, и литература продолжает свое цветение. Серебряный век охватывает конец XIX – начало XX вв. С наступлением этого столетия, такие фамилии, как Ахматова, Цветаева, Есенин, Маяковский, Гумилёв, Гиппиус, Бунин, Блок и многие другие становятся всё более узнаваемыми и после остаются на памяти очень долгое время. Они видят мир иначе, не как их предшественники. Их мир суровый, в нем мало красок, но



тем не менее, они знают, что такое счастья и передают нам его понятие через свою лирику[2].

Лирика – род литературы, отличающийся и от эпоса, и от драмы тем, что в ней всегда выражен сам поэт, его личное, субъективное отношение к действительности, к обществу, к самому себе. Личность поэта, его мировоззрение больше всего интересует нас и при анализе лирики. Настоящее содержание лирики, писал Гегель, составляет поэт “поэтический конкретный субъект”. Если эпос и драма воспроизводят человеческое бытие, объективную сторону жизни, то лирика – человеческое сознание и подсознание, субъективный момент. Эпос и драма изображают, лирика выражает[3].

Что такое «счастье»? Нет ни одного человека на земле, который не задавался этим вопросом. Пушкин, например, обретает свое “счастье” в период, когда он находится в Царском селе. В лицее он живет именно той жизнью, которой всегда хотел, в ней нет упреков, обид, оскорблений. Он получает признание, отношения с товарищами крепнут, а по окончании учебы, не забывает о лучших годах своей жизни. Здесь он написал лучшие свои произведения, которые любимы и сейчас, например, “К Наталье”:

«Так и мне узнать случилось,
Что за птица Купидон;
Сердце страстное пленилось;
Признаюсь — и я влюблен»!

А счастье, например, для Лермонтова раскрывается совсем в другом. Счастьем поэт считает покой, умиротворение. Его лирика, в целом мрачна, поэт описывает счастье сквозь призму смерти и забвения:

«Я счастлив! Тайный яд течет в моей крови,
Жестокая болезнь мне смертью угрожает!..
Дай бог, чтоб так случилось!.. Ни любви,
Ни мук умерший уж не знает».

Но в отличие от поэтов XIX века, поэты XX видели счастье иначе. Вовремена, когда писать и публиковаться было тяжело, они смогли найти его и творить с его помощью. Так, Есенин, которого многие знают, не по его творчеству, а по его образу жизни, видел счастье в довольно-таки простых вещах. Счастьем он считал свою Родину. “Моя лирика, жива одной большой любовью, любовь к Родине” – говорил поэт. То, как Есенин описывает свою Родину и её природу доказывает его сильную любовь к ней. Мало кто может красиво высказаться

о своем родном крае, а Есенин прекрасно с этим справлялся[4].

«Синий свет, свет такой синий!

В эту синь даже умереть не жаль».

Поэт буквально готов умереть за свою родину, за ее природу. Иного счастья вроде бы и нет, он его не видит, не принимает. Лишь она – отчизна, ему мила, лишь она дарует ему покой

Иное счастье в лирике Блока. Блок не восхваляет свою страну, не показывает свою любовь, а наоборот, он считает, что не быть счастьем там, где по соседству с голодающим, живет сытый. Ненависть к счастью сытых усиливается после революции и в 1907 году он выпускает стихотворение «Сытые»:

«Пусть доживут свой век привычно —
Нам жаль их сытость разрушать.
Лишь чистым детям — неприлично
Их старой скуке подражать».

Он чувствует отвращение там, где находится. Блок не может стерпеть такой несправедливости, и исправить ситуацию он тоже не может. От безысходности мужчине остается лишь писать, писать о том, что он чувствует.

Другой представитель серебряного столетия – Бунин, в поисках вдохновения обращался к природе. Писать о природе он готов был вечно. Это была его самая излюбленная тема. В ней он находил покой, а покой в его понимании это и есть счастье. Наверное, это и является причиной того, что Бунина прозвали “певцом русской природы”.

“Хотелось вместе с вихрем шумным
Кружиться по лесу, кричать —
И каждый медный лист встречать
Восторгом радостно-безумным!”

Поэт вдохновлен, он будто парит в этой осенней, судя по описанию природы, усладе души. Он будто становится ребенком, возвращается в детство и живет самой прекрасной жизнью, лишь любясь красотами окружающей его природы[5].

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, через наше исследование, мы смогли больше узнать о наших любимых поэтах. Мы смогли прочувствовать то, о чем они нам писали. Также, мы

выяснили, что счастье не имеет какого-то конкретного образа. Счастье — это то, что нас окружает, то, что вдохновляет нас и придает нам силы. И совсем неважно, каким ты видишь свое счастье, ты его чувствуешь, знаешь, а это главное. Наверное, именно это до нас хотели донести поэты Серебряного века и благодаря их творчеству это им удалось. Теперь хочется еще больше узнать о них и образах их творчества.

REFERENCES

1. Ефремова Т.Ф. Новый словарь русского языка, М., 2000
2. Зара Минц. Поэтика русского символизма. СПб.: Искусство, 2004
3. Олег Лекманов. Ключи к «Серебряному веку». М.: Rosebud Publishing, 2017
4. Людмила Тихвинская. Повседневная жизнь театральной богемы Серебряного века. Кабаре и театр миниатюр в России. 1908–1917. М.: Молодая гвардия, 2005
5. Воспоминания о Серебряном веке. /Сост., предисл. и коммент. В. Крейда. М.: Республика, 1993
6. Ожегов С.И. Словарь русского языка, М.: «Русский язык», 1989
7. Словарь русских синонимов и сходных по смыслу выражений М.: «Русские словари», 1999
8. Толковый словарь русского языка: В 4 т. / Под ред. Д. Н. Ушакова. М., 2000



KIMYO DARSLARIDA TIZIMLI-FAOL YONDASHUVNING TADBIG'I

Sh. H. Abdullayeva

Q. O' Komilov

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

ANNOTATSIYA

Maqolada maktab–institut–maktab integratsiyasida o'quvchilarga tizimli-faol yondoshuv asosida mashg'ulotlar olib borish haqida so'z brogan va bu o'z navbatida asoslangan holda tushuntirib berilgan.

Kalit so'zlar: tizimli-faol yondashuv, maktab, o'quvchi, kimyo, shakllantirish

APPLICATION OF SYSTEM-ACTIVE APPROACH IN CHEMISTRY CLASSES

ABSTRACT

The article discusses the need for a systematic and proactive approach to school-institution-school integration, which is explained in detail.

Keywords: system-active approach, school, student, chemistry, formation.

KIRISH

O'quvchi bilimni tugallangan shaklda olmaydigan, balki o'zining o'quv va kognitiv faoliyati jarayonida o'zi oladigan o'qitish usuli faoliyat usuli deb ataladi. A. Distervegning fikricha, o'qitishning faoliyat usuli universaldir. Shunga ko'ra, u nafaqat boshlang'ich sinflarda, balki barcha maktablarda, hatto oliy o'quv yurtlarida ham faoliyat yuritishi kerak. Bu usul bilim hali olinmagan joyda, ya'ni har bir talaba uchun mos keladi[1]. Shu nuqtai nazardan, bugungi kun pedagogikasining faoliyatga asoslangan ta'lim texnologiyalariga qiziqishi juda oshgan.

Bunday texnologiyalardan foydalanish talabani nafaqat bilim bilan qurollantirish, balki uning malakali harakat qilish qobiliyatini shakllantirish imkonini beradi. Shunga ko'ra, bilim olish harakatlarni o'rgatish vositasi bo'lishi kerak. Bilimlarni o'zlashtirish faoliyat boshlanishidan oldin emas, balki bevosita uning jarayonida, ushbu bilimlarni amaliyotda qo'llash jarayonida va bunday qo'llash tufayli sodir bo'ladi. Ma'lumki, inson o'zining amaliy harakatlarida qo'llagan, ba'zi real muammolarni hal qilishda qo'llagan bilimlarini eng yaxshi o'zlashtiradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Yangi standartning o'ziga xos xususiyati uning faolligi bo'lib, u o'quvchi shaxsini rivojlantirishni asosiy maqsad qilib qo'yadi[2]. O'qituvchining asosiy vazifasi o'quvchilarning harakatlarini shakllantiradigan sharoitlarni tashkil etish va yaratishdir. "Kimyo" fanining o'ziga xosligi bizga



ushbu maqsadga erishishning ko'plab usullarini aniqlashga imkon beradi, ulardan faqat ba'zilarini misol keltirishimiz mumkin:

- o'quv vaziyatlarini tushunish va amalga oshirish uchun kimyoviy eksperimentning turli shakllaridan (illyustrativ, tadqiqot, muammoli)[3] foydalanish;
- ta'lim jarayonini tashkil etishning sinf va maktabdan tashqari shakllarini samarali uyg'unlashtirish, intellektual va ijodiy tanlovlar, o'quv va ilmiy-tadqiqot faoliyatini tashkil etish.

9-sinfda "Metallar" mavzusini o'rganishda tizimli-faol yondashuvni amalga oshirishda kimyoviy tajribadan foydalanish haqida batafsilroq aytib beraman.

Tajriba nafaqat yangi faktlarni aniqlash, balki o'quvchilar bilimidagi xatolarni tuzatish, kimyo kursining ayrim masalalarini tushunishlarini aniqlashtirish va to'g'rilash, shuningdek, xulosalar chiqarish imkonini beradi.

Umumlashtiruvchi xarakter. "Metallar" mavzusi tajriba deyarli har bir darsda mavjud bo'lgan mavzulardan biridir. Tarkibning amaliy mazmuni metallarning suv bilan, metallmaslar, tuzlar va ishqorlar eritmalari bilan o'zaro ta'siri bo'yicha tajribalar, korroziya va metallarni korroziyadan himoya qilish bo'yicha tajribalar, metall ionlariga sifatli reaksiyalar, fizikaviy xususiyatlarni namoyish qilish mumkin.

Eksperimental ko'nikmalarni shakllantirish va yangi bilimlarni o'zlashtirishda laboratoriya tajribalari keng qo'llaniladi, ularni o'quvchilar darsda mustaqil ravishda yoki ilova qilingan ko'rsatmalarga muvofiq bajaradilar, chunki ularni bajarish oson, lekin ayni paytda ular o'quvchilarning hissiyotiga kuchli ta'sir qiladi. Bularga, eng avvalo, metall tuzlarini tanib olish, metallarning suyultirilgan kislotalar, tuzlar va ishqorlar eritmalari bilan o'zaro ta'sirlashganda reaksiyaga kirishish qobiliyatini aniqlash va boshqalarga oid eksperimental topshiriqlar kiradi. Ma'lum reja asosida olib boriladigan tajriba jarayonida o'quvchilar kuzatadilar, olingan ma'lumotlarni tahlil qiladilar, ularni nazariy jihatdan tushuntiradilar va xulosa chiqaradilar.

Eksperimental topshiriqlar sinfda bajariladigan laboratoriya tajribalarining davomi hisoblanadi. O'quvchilarga o'rganilayotgan hodisalar doirasini kengaytirish yoki o'zlarining kichik ixtirolarini namoyish qilish taklif etiladi (uydagi birinchi tibbiy yordam to'plamidagi dori vositalarining tarkibini, ulardagi turli metal ionlarining tarkibini bilib oling, benzinda suv borligini aniqlang yoki neft) va loyiha faoliyatida ishtirok etishga yo'naltiradi [4].

Amaliy ish bir vaqtning o'zida umumlashtirish va bilimlarni nazorat qilish elementlarining birikmasidir. Bunday mashg'ulotlar davomida o'quvchilar tajribalarning mohiyatini chuqur o'rganishadi, ularning natijalari haqida o'ylashadi va ularni shakllantirish jarayonida muqarrar ravishda yuzaga keladigan savollarga javob berishga harakat qilishadi. Eksperimentning qiziqarli xarakter kasb etmasligi muhim, tajribalarning maqsadi talabalarga boshidanoq aniq bo'lishi kerak: nazariy pozitsiyaning haqiqatini isbotlash, ishchi gipotezani tasdiqlash yoki rad etish[5].

Eksperimental axborot hajmini kengaytirish, materialni sifatli va to'liq umumlashtirish uchun amaliy ishda tajriba mazmuni yangi materialni o'rganishda qo'llaniladigan



ko'rgazmali eksperimentdan biroz farq qiladi. Menimcha, bu qo'shimcha ravishda bilimlarni o'zlashtirishning yuqori darajasiga chiqishga imkon beradi: talabalar o'z bilimlarini faqat standart vaziyatda emas, balki shunga o'xshash, tanish holatda ham qo'llashlari mumkin, ba'zi talabalar esa yanada ilg'or darajaga erishishlari mumkin - muammolarni hal qilish uchun bilimlarni ijodiy qo'llash.faqat o'quv vaziyatlari[6].

Muammoli va tadqiqot eksperimentining asosiy qismi sinfdan tashqari mashg'ulotlar uchun fakultativ mashg'ulotlarda tez va ba'zan o'ziga xos tarzda topshiriqlarni bajara oladigan va murakkabroq muammoli vaziyatlarni hal qilishda o'zini ko'rsatishni xohlaydigan eng ilg'or o'quvchilar qatnashadilar. Muammoli tajriba ham jamoaviy, ham individual bo'lishi mumkin. Ammo ikkala holatda ham talabalar tadqiqot ko'nikmalariga ega bo'ladilar: mustaqil ravishda farazlarni ilgari suradilar, tadqiqot rejasini tuzadilar, olingan natijalarni qayta ishlaydilar va xulosalar chiqaradilar. Ushbu ko'nikmalar talabalarga maktab ilmiy jamiyati doirasidagi loyiha faoliyatida ishtirok etish imkonini beradi. O'rganilayotgan materialning konsentrik tuzilishi bilan talabalar birinchi navbatda ba'zi kimyoviy hodisalar haqida soddalashtirilgan tasavvurga ega bo'ladilar. Ushbu soddalashtirilgan tasvirlarni murakkabroq ob'ektlarga o'tkazish xatolarga olib keladi (metallarning nitrat kislotasi va konsentrlangan sulfat kislota bilan o'zaro ta'siri, faol metallarning tuz eritmalari bilan o'zaro ta'siri va hokazo.)([7]. Tanlovda tushunmovchiliklarni bartaraf etish mumkin. O'quv mashg'ulotlari va tanlov mavzulari o'zaro bog'liq bo'lib, ular faqat materialning murakkablik darajasi bilan ajralib turadi, bu muammoli eksperimentdan foydalanishga imkon beradi (birinchi navbatda, eksperimentlar mazmuni talabalarga ma'lum bo'lgan hodisalar va qonuniyatlarga asoslanishi kerak va mumkin bo'lgan muammoli vaziyat, ya'ni talaba yaqin rivojlanish zonasida bo'lishi kerak, ikkinchidan, bu tajribalar oldidan mavjud bilimlar asosida muammoni tushunishga olib keladigan boshqa tajribalar ko'rsatilishi kerak; uchinchidan, muammo qo'yilgan tajribalar. qiziqish uyg'otish, qiziqish uyg'otish.) o'quvchilarning loyihalash ishlarida davom ettiriladi[8].

«Kimyo» fani orqali o'quvchilarning harakatlarini boshlab beruvchi, bilimlarni sezilarli darajada oshirish, ularni konkretlashtirish, aniqlashtirish, tizimlashtirish uchun sharoit yaratish mumkin. Buni o'quvchilarning ko'rik-tanlovlar, intellektual va ijodiy bellashuvlardagi yutuqlari, o'quv faoliyati natijalari ham tasdiqlaydi. Shunday qilib, ularning kognitiv ehtiyojlarini qondirish va individual qiziqishlarni rivojlantirishga erishiladi, bu umuman kasbiy kompetentsiyani oshirishga yordam beradi[9].

Misol tariqasida, «Azot» mavzusi bo'yicha kontekstli vazifani bajarishda tashxis qo'yilgan ko'nikmalarni baholaymiz. Azot. Yerdagi eng keng tarqalgan elementlardan biri. Havoning asosiy komponenti (hajmning 78,09%), uning ajralishi sanoat azotini ishlab chiqaradi ($\frac{3}{4}$ dan ko'prog'i ammiak sinteziga ketadi). Azot oqsillar va nuklein kislotalarni tashkil etuvchi asosiy biogen elementlardan biridir. Azot sanoatda suyuq havoni fraksiyonel distillash orqali ishlab chiqariladi.

Azotni metall azidlarni quyidagi sxema bo'yicha parchalash orqali olish mumkin: $\text{NaN}_3 \rightarrow \text{Na} + \text{N}_2 \uparrow$. Ushbu tuz havo yostiqlarida qo'llaniladi, uning maqsadi yo'lovchini juda qisqa vaqt ichida oldinga sekinlashtirishdir.

Suyuq azot sovutgich sifatida va kriyoterapiya uchun ishlatiladi.

Azot gazining sanoatda qo'llanilishi uning inert xususiyatlariga bog'liq. Gazosimon azot yong'inga va portlashga chidamli, oksidlanishni, parchalanishni oldini oladi.

Molekuladagi uchlik bog'lanishning mustahkamligi tufayli azot kimyoviy jihatdan juda inert, lekin xona haroratida litiy bilan reaksiyaga kirishadi. Elektr razryadda u kislorod bilan reaksiyaga kirishib, azot oksidi (II) hosil qiladi.

Azotni qo'llashning muhim sohasi - ammiak, azotli o'g'itlar, portlovchi moddalar, bo'yoqlar va boshqalar kabi azotni o'z ichiga olgan turli xil birikmalarni keyingi sintez qilish uchun foydalanish[10,11].

NATIJARLAR VA MUHOKAMA

Bir litr suyuq azot bug'lanib, 20°C gacha qizdirilib, taxminan 700 litr gaz hosil qiladi. Yong'inni suyuq azot bilan o'chirish printsipi shu haqiqatga asoslanadi. Bug'langanda, azot yonish uchun zarur bo'lgan kislorodni siqib chiqaradi va olov to'xtaydi.

Vazifalarni shakllantirish	Tashxis qo'yilgan ko'nikmalarning tabiati
1. Azotning molekulyar formulasini yozing. 2. Azot molekulasini hosil qilish sxemasini tuzing. 3. Azotning tuzilish formulasini yozing 4. Azot molekulasidagi kimyoviy bog'lanish turini va atomlarning valentligini ko'rsating.	Mavzu natijalari: moddalar formulalarini yasaydi; kimyoviy bog'lanishni shakllantirish sxemalarini tuzish; strukturaviy formulalar tuzish; kimyoviy bog'lanish turini va atomlarning valentligini aniqlang. Metamavzu natijalari: belgilarni modellashtirishdan foydalaning
5. Azotning kimyoviy inertligining sababi nimada?	Mavzu natijalari: moddalarning kimyoviy xossalarni tavsiflash. Meta-mavzu natijalari: ma'lumot olish uchun turli manbalardan foydalaning, semantik o'qish
6. Sanoatda azot olish usuli kimyoviy yoki fizikmi? Javobni asoslang.	Mavzu natijalari: moddalarni olish usullarini tavsiflash, fizik va kimyoviy hodisalarni farqlash. Meta-mavzu natijalari: sabab-oqibat munosabatlarini o'rnatish, mantiqiy fikr yuritish va xulosalar chiqarish qobiliyati.

<p>7. Nima uchun azot gazi olov va portlashdan himoyalangan</p>	<p>Mavzu natijalari: kimyo bilan bog'liq hayotiy vaziyatlarni tahlil qilish va ob'ektiv baholash qobiliyati. Meta-mavzu natijalari: sabab-oqibat munosabatlarini o'rnatish, mantiqiy fikr yuritish va xulosalar chiqarish qobiliyati</p>
<p>8. Azotli yong'inni o'chirish yong'inni o'chirishning eng samarali mexanizmi bo'lganligi haqidagi gapni qimmatbaho buyumlarning xavfsizligi nuqtai nazaridan asoslab bering.</p>	<p>Mavzu natijalari: moddalarning kimyoviy o'zaro ta'sir qilish imkoniyatini baholash. Metamavzu natijalari: - semantik o'qish; mantiqiy xulosa chiqarish va xulosalar chiqarish qobiliyati; vaziyatni baholash asosida real hayotiy muammolarni hal qilish uchun tabiatshunoslik bilimlaridan foydalanish.</p>
<p>9. Normal sharoitda azot qanday modda bilan reaksiyaga kirishadi? Reaksiya tenglamasini yozing. Bu jarayonda azotning (oksidlovchi yoki qaytaruvchi) rolini ko'rsating</p>	<p>Mavzu natijalari: kimyoviy reaksiyalar tenglamalarini tuzing, oksidlovchi va qaytaruvchini aniqlang. Meta-mavzu natijalari: semantik o'qish.</p>
<p>10. Kimyo sanoatida azotning eng katta ishlatilishini ifodalovchi reaksiya tenglamasini yozing. Bu reaksiyaning "boshlang'ich moddalar va reaksiya mahsulotlarining soni va tarkibi", "issiqlik effekti", "katalizator mavjudligi", "atomlarning oksidlanish darajalarining o'zgarishi" asoslari bo'yicha tasniflash xarakteristikasini keltiring.</p>	<p>Mavzu natijalari: kimyoviy reaksiyalar tenglamalarini tuzish; kimyoviy reaksiyalarni boshlang'ich moddalar va reaksiya mahsulotlarining soni va tarkibiga ko'ra, issiqlik effektiga ko'ra, katalizator mavjudligiga ko'ra, atomlarning oksidlanish darajasining o'zgarishiga ko'ra tasniflaydi. Meta-mavzu natijalari: kimyoviy ma'lumotlarni olish uchun turli manbalardan foydalaning.</p>
<p>11. Azotning kislorod bilan reaksiyasi tenglamasini yozing. Bu reaksiyaning "boshlang'ich moddalar va reaksiya mahsulotlarining soni va tarkibi", "issiqlik effekti", "katalizator mavjudligi", "atomlarning oksidlanish darajalarining o'zgarishi" asoslari bo'yicha tasniflash xarakteristikasini keltiring. Bu jarayonda azotning (oksidlovchi yoki qaytaruvchi) rolini ko'rsating</p>	<p>Mavzu natijalari: kimyoviy reaksiyalar tenglamalarini tuzing, oksidlovchi va qaytaruvchini aniqlang. Metamavzu natijalari: belgilarni modellashtirish, tasniflash.</p>

12. 112 L (N.O.) havo yostig'i soniyaning yuzdan bir qismida ochiladi. Yostiqni to'ldirish uchun zarur bo'lgan natriy azid massasini hisoblang. Mavzu natijalari: kimyoviy reaksiyalar tenglamalari bo'yicha eng oddiy hisob-kitoblarni amalga oshirish.	Mavzu natijalari: kimyoviy reaksiyalar tenglamalari bo'yicha eng oddiy hisob-kitoblarni amalga oshirish. Meta-mavzu natijalari: belgilarni modellashtirish, muayyan sharoitlarga qarab muammolarni hal qilishning eng samarali usullarini tanlash, sabab-oqibat munosabatlarini o'rnatish, mantiqiy fikrlash zanjirini qurish.
13. Matn yuzasidan bitta savol tuzing	Mavzu natijalari: moddalarning tarkibi, tuzilishi, xossalari va ishlatilishini tavsiflaydi. Meta-mavzu natijalari: semantik o'qish, savolni shakllantirish, o'rganish vazifasi
14. "Azot" klasterini tuzing.	Mavzu natijalari: moddalarning tarkibi, tuzilishi, xossalari va ishlatilishini tavsiflaydi. Meta-mavzu natijalari: mavzuga shaxsiy munosabat, klasterni tuzishda ma'lum qoidalarga rioya qilish, yozma xabarlar yaratish, shaxsiy fikrni shakllantirish

XULOSA

Shunday qilib, kontekstli vazifalar l shakllanishiga yordam beradi haqiqiy amaliy muammolarni hal qilish qobiliyati va funktsional ko'nikmalar, ijodiy l rivojlanish darajasini baholash uchun keng imkoniyatlar ochish shaxsning salohiyati.

REFERENCES

1. Stupnitskaya M.A. O'quv loyihasi nima? / M.: Birinchi sentyabr, 20.
2. Federal davlat ta'lim standartlari kontseptsiyasi umumiy ta'lim: loyiha / RAO; ed. A. M. Kondakova, A. A.
3. Kuznetsova. - M.: Ma'rifat, 2008. - (Ikkinchi avlod standartlari). Z. Surin Yu.V. Muammoli tajriba kimyoviy shakllardan biri sifatida tajriba // Maktabda kimyo. №9, 2007.
4. Verbitskiy A.A. Oliy ta'limda faol ta'lim: kontekstual yondashuv: 1 - Usul. nafaqa.- M.: Oliy maktab, 1991.- 207 b..
5. Dvulichanskaya N.N. Shakllanishning didaktik tizimi o'rta ta'lim muassasalari o'quvchilarining kasbiy kompetensiyasi tabiiy fanlar jarayonida kasbiy ta'lim tayyorlash: Dis. ... pedagogika fanlari doktori. - M., 20 N.
6. Kurbanova A. Dj., Badalova, S. I. Case Technology in Chemistry Lessons// Academic Research in Educational Science. 2020, №1, Page. 262-265.



7. Kurbanova A. Dj. Case-study method for teaching general and inorganic chemistry// Academic Research in Educational Science. 2021, №6, Page. 436-443.
8. Ёдгоров Б.О., Курбанова А.Дж. Применение ИКТ для совершенствования общего химического образования// Общество и инновации. 2021, №4/S, С. - 257-261.
9. Kurbanova A. Dj. Integration of chemistry and english in the teaching of chemistry// Academic research in educational sciences. 2021, №9, Page. 40-43.
10. Kurbanova A.Dj. Umumiy va anorganik kimyoni oqitish jarayonida talabalarni intellectual qobiliyatini shakllantirish// Academic Research in Educational Science. 2021, №4, 73-78 betlar.
11. Рустамова Х. Н., Курбанова А.Дж. Роль информационно-коммуникационных технологий в преподавании общей и неорганической химии// Экономика и социум. 2021, № 5 (84), С.-1047-1057.



KARTOSHKKA L-VIRUSINING BIOLOGIK XARAKTERISTIKASI VA SISTEMATIKASI

Manzuraxon Mamirjon qizi Xolmatova

Samarqand Veternariya Meditsina inistuti Toshkent filiyali tayanch doktoranti

Iymona.92@.uz

Voxid Baxromovich Fayziyev

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti kafedra mudiri, b.f.d

fvaxid@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Qishloq xo'jaligining asosiy ekinlaridan biri kartoshka (*Solanum tuberosum*L) ekini xisoblanib, dunyo bo'yicha sholi, bug'doy va makkajo'xori ekinlaridan keyingi o'rinda turuvchi ekindir. Keyingi yillarda kartoshka ekini xosildorligiga zararkunanda xashoratlar, tabiiy omillar, turli xil kasallik qo'zg'atuvchi viruslar katta zarar keltirmoqda. Kartoshkani zararlovchi viruslarning tasnifi va guruhlari, xo'jayin o'simliklari tomonidan zarari va shiralar tomonidan yuqishi, viruslarini Luteoviridae oilasiga kiruvchi kartoshka Leafroll virusining biologik tavsifi va sistematikadagi o'rni haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: kartoshka, fitoviruslar, biologik xarakteristika, sistematika, oqsil, vektor uzatish, polimeraza.

BIOLOGICAL CHARACTERISTICS AND SYSTEMATICS OF KAROTOSHKKA L-VIRUS

ABSTRACT

In this article, one of the main agricultural crops is the potato (*Solanum tuberosum* L) crop, which is the second most widely grown crop after rice, wheat and corn in the world. In recent years, potato crop yields have been severely affected by pests, natural factors, and various pathogenic viruses. biological description of the virus and its place in the systematics.

Keywords: potatoes, phytoviruses, biological characteristics, systematics, protein, vector transmission, polymerase.

KIRISH

Kartoshka ekini dunyoda to‘rtinchi asosiy oziq – ovqat ekini bo‘lib, dunyo aholisining katta qismini oziqlantiradi. Keyingi yillarda ko‘plab kasallik va zararkunanda hashoratlar tufayli qishloq xo‘jaligi ekinlari hosildorligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatmoqda. Qishloq xo‘jaligi ekinlari orasida kartoshka ekini asosiy ekinlardan biri bo‘lib, bu o‘simlikka ham turli kasalliklar tufayli hosildorligi pasaymoqda. Qishloq xo‘jaligida kartoshka o‘simligiga zarar keltiradigan kasallik qo‘zg‘atuvchilarning eng xavflisi bu -viruslardir. Dunyo bo‘ylab 50 dan ortiq virus tabiiy ravishda kartoshka o‘simligini zararlaydi [1]. Bu viruslar kartoshka o‘simligidan olinadigan hosilni 80% gacha kamaytiradi. Bugungi kungacha ma‘lum bo‘lgan 400 ta fitoviruslardan [2] 52 tasi kartoshka o‘simligiga zarar keltirib, shulardan 36 tasi keng tarqalgan, qolganlari esa faqat Janubiy Amerika mamlakatlarida uchraydi [3].

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Luteoviridae oilasiga mansub viruslar uchta avloddan iborat bo‘lib ular, Polerovirus, Luteovirus va Enamoviruslarga bo‘linadi. Polerovirus 2021 yilda Solemoviridae oilasiga qo‘shilmaguncha Luteoviridae oilasida bo‘lgan [4]. Ularning genomi 5,6 dan 6,2 kb gacha bo‘lgan musbat, bir zanjirli RNK dan iborat. Ular besh yoki oltita kesishgan holda tashkil etilgan ochiq o‘qiladigan fragment (*ORFs*) lardan iborat, ularning ba‘zi qatorlari subgenomik RNK dan tashkil topgan [5; 6]. Polerovirus va Enamovirus avlodlari nukleotidlar ketma-ketligi qarab farqlanadi. Asosiy farq - Enamoviruslarda harakat oqsilining yo‘qligi. Poleroviruslar ham, enamoviruslar ham ORF1 (P1) ning ORF2 (P2) dan translyatsion sintezi bo‘lgan RNKga bog‘liq RNK polimerazasini (RdRp), qobiq oqsili (CP, ORF3) va o‘qish domenini (ORF5) o‘z ichiga oladi. CP virion hosil bo‘lishi uchun zarur bo‘lib, shira bitlari yordamida tarqalishi va virus yuqishida ham ishtirok etadi [7; 8]. ORF3 va ORF5 ning translyatsion sintezi natijasida hosil bo‘lgan CP-RT oqsili vektor uzatish va virus harakatida ishtirok etganligi aniqlangan [8]. Jarayonda, ORF3 oxirida yakunlashda, ribosomalar bitta aminokislotani o‘z ichiga oladi va ORF5 ni translyatsiya qilishda davom etadi [9]. ORF5 tomonidan kodlangan o‘qish domeni faqat oqsil CP-RT sifatida ifodalanadi. CP ham, CP-RT ham T = 3 ikosaedral 23-25-nm virionga kiritilgan [9; 10].

NATIJALAR

O'rganilgan viruslardan 35 tasi tabiiy sharoitda kartoshkani ko'p zararlaydi. Viruslar taksonomiyasi xalqaro qo'mitasining (ICTV) tasnifiga ko'ra, bular genomning tuzilishi va virusning nuklein kislotasi turiga ko'ra tashkil etilgan oltita asosiy guruhdan uchtasida 13 oilaning vakillari: bitta nuklein kislotasi - qisqa RNK zanjiri, yoki aylana DNK bilan farqlangan. 21-asrda ilgari sabzavot, daraxt va manzarali ekinlarning patogenlari sifatida aniqlangan viruslar uchun xo'jayin doirasi kengayib, endi kartoshka o'simligida ham virusli kasalliklari patogenlarining tarkibi va tarqalishi sezilarli darajada ortdi [11]. Keyingi payitlarda virusli kasalliklarning yangi patogenlari yoki ularning xavfli shtammlari topildi. Bu hodisa, birinchi navbatda, keng tarqalgan Carlavirus avlodi bilan bog'liq bo'lib, ularning vakillari yaqinda Xitoyda (PVH) yoki Shimoliy Amerikadan (PotLV) kartoshka navida topilgan yangi, ilgari noma'lum viruslardir. Shuningdek, kartoshkani ko'p zararlaydigan boshqa viruslar - KXV, KYV viruslarida nisbatan yaqinda yangi virulent shtammlar aniqlandi. Kartoshkaning Tospovirus va Begomovirus avlodi viruslari bilan kasallanishi nafaqat issiq iqlimi bo'lgan mamlakatlarda kartoshka egallagan maydonning ko'payishi, balki ushbu viruslar: trips va oq qanotlar tashuvchilar diapazoni kengayishi bilan ham bog'liq. Ikki tur, Bemissia tabaci va Frankliniella occidentalis, so'ngi 10-20 yil ichida hamma joyda tarqaldi va "super vektorlar" (halqaro termin) nomi bilan foydalanila bo'shlandi [12].

KLV virusining biologiyasi. Ushbu virus birinchi marta D. Peters tomonidan shaftoli shirasi (*m.persicae*) gemolimfasida 1967-yilda aniqlagan. Keyinchalik 1968 yilda *Physalis floridana* o'simligidan ushbu virusni M. Koxime toza holda ajratib olingan [13; 14]. Viruslarning biologiyasi xo'jayin o'simliklar yoki tashuvchi organizmlarning hujayralari bilan chanbarchas bog'liqdir. Noqulay sharoitlarda viruslar asosan tirik o'simliklarda saqlanib qoladi [15; 16]. Ushbu virusning HTFY darajasi 80 % ni tashkil qilib, virus 42-43°C da 1-5 kun [17] 20°C da bir oydan ko'p vaqtda saqlanib qoladi [18]. Kartoshka L-virusi mexanik usulda yuqmaydi, ammo payvandlash va oq qanot, shira bitlari orqali oson yuqadi. Tabiiy sharoitda bir qator o'simlik bitlari, *Myzus persicae* Sulz, *Myzus ascalonium*, *Myzus circum flexus* Buckt., *Myzus ornofus*, *Myzus convolvuli* Kalt., *Macrosiphum solanifolii* Ashm. kabi turlari yordamida tarqaladi [19]. Ularning ichida virusning eng yaxshi tashuvchi *Myzus persicae* Sulz ekanligi bir qator ilmiy maqolalarda keltirib o'tilgan [20]. Bu virusning kriptogrammasi R/1:2/28:S/S:Ap; S/Ap [21]. Virusning oqsili (m.m) 26,3×103 D [22], virion diametri 25-30 nm, har bir nukleokapsidida 32 kapsomer mavjud. Virionning tarkibi

taxminan 28% ni RNK [23] 78% oqsil tashkil qiladi. Luteoviruslarning tasnifiga ko'ra IV guruh virusidir. Har bir virionda (+) RNK ning bitta zanjiri mavjud. Genomda 5300 dan 5900 nukleotidlar ketma ketligidan iborat. Shunisi e'tiborga loyiqki, luteovirusda qobiq oqsili ustida joylashgan ikkita 5 'ochiq o'qish fragmenti (ORFs) mavjud. Bunday ORFlardan biri RNKga bog'liq RNK polimerazasini kodlaydi. 3' uchida bir nechta boshqa ORFlar mavjud va ular subgenomik RNKdan ifodalanadi. Virusning replikasiyasi sitoplazmada sodir bo'ladi. Oqsil sintez qilish va replikasiya jarayoni uchun virus genomi bilan zararlangan hujayraning DNK – tobe RNK – polimeraza fermenti molekulalarini sintez qiladi va u asosida virus oqsillari sintezi amalga oshadi. Virus genomlari yangi sintezlangan virus kapsid oqsillar bilan o'ralib-qurilishi va virionlarni hujayradan chiqishi bilan infeksiyon sikl jarayoni tugaydi [24].

Sistematikasi. Kartoshka barglari buralishi virusi (PLRV), Polerovirus avlodi, Luteoviridae oilasi butun dunyo bo'ylab kartoshkaning asosiy patogenidir. Virus Janubiy Amerika mintaqasidan olingan kartoshka urug'laridan tarqalgan. PLRV ko'pincha luteovirus sifatida tavsiflanadi. Bu uning Luteoviridae oilasidagi tasnifiga xos ekanligidan dalolat beradi [25], bu asosan uning uzatish xususiyatlariga va virionning molekulyar va strukturaviy xususiyatlariga asoslanadi. Oilada ikkita asosiy avlod (Luteovirus va Polerovirus) mavjud bo'lib, ular RNKga bog'liq bo'lgan RNK polimeraza va ma'lum genom xususiyatlari bilan farqlanadi. PLRV - Polerovirus avlodining turi. Ko'pgina poleoviruslar antigenlari aktiv, xo'jayin spektri bir oila o'simliklari bilan cheklanadi. SHiralar yordamida sirkulyativ usulda o'tadi: floemadan ular gemotselga o'tadi va gemolimfa orqali so'lak bezlariga tushadi. O'simliklardagi lokalizatsiyasi floemada, to'qimalarni nekrozlaydi, o'sishni susaytiradi, xlorofillni yo'qotadi va barglarni sarg'aytiradi.

Kartoshka o'simligini zararlaydigan asosan viruslarining genomlari bir zanjirli (ss RNK) zanjiridan iborat bo'lib, bunday virus oilalariga Secoviridae, Alphaflexiviridae, Betaflexiviridae, Tymoviridae, Bromoviridae, Closteroviridae, Potyviriidae, Luteoviridae, Tombusviridae, Virgaviridae.

Fitoviruslar oilasining Secoviridae kichik oilasi Cmovirus uchta avlod va 56 turni o'z ichiga oladi. Bu viruslar kartoshka va pomidor o'simliklarida xalqasimon qora dog'lar paydo qiladi. TBRV uch virionda – T,V,B [26] turli o'chamlarda uchraydi. TBRV idintifikatsiya qilinganda turli shtamlari xo'jain o'simlik turlariga ko'ra aucuba mozaik virusi, pseudo aucuba va boshqa o'simlik turlarini zararlaydi. Turning yana bir vakili kartoshka – U virusi Peruda topilgan.

Alphaflexiviridae oilasiga zamburug'lar va o'simliklarda parazitlik qiluvchi viruslar kiradi. Potexvirus avlodi 37 turni ular orasi kartoshka mozaykasi aucuba virusi (KMAV). KAV (kartoshkaning A virusi) va KYV (kartoshkaning Y virusi) bilan birgalikda infeksiyasi KMAV (kartoshka mozaykasi aucuba virusi) ning shira (*Myzus persicae*) tomonidan vektor bo'lib o'tishini taminlaydi. Infeksion belgilari virusning shtammi va kartoshka naviga bog'liq bo'lib, pastki barglarda yorqin sariq dog'lar yoki tizimli nekroz bilan kechadigan nekrotik dog'lar shaklida namoyon bo'ladi. Saqlash vaqtida ildizlarda nekroz paydo bo'lishi mumkin.

Betaflexiviridae oilasiga mansub eng ko'p tarqalgan *Carlavirus* 52 turni oz ichiga oladi. Bu avlodga kartoshkani asosiy zarar keltiradigan 5 tur: PMV, PSV, PXV, PLV va PRV viruslari kartoshkani zararlaydigan viruslardir. PMV kartoshka ekiladigan xamma joyda uchraydi. Zararlanish simptomlari nav ga bog'liq ravishda yuqorigi bargning kuchli buralishiga va o'sishini to'xtatib qo'yadi. PSV virusi xam xamma joyda uchraydi. Bu virus tor doiradigi vektorlar (xo'jain o'simliklar)ga ega asosan 2 ta oila vakili Solanaceae va Chenopodiaceae oila o'simliklarida uchraydi. Kartoshkaning S. Phureja turida yangi o'zgargan shtami PSV aniqlandi [27]. Ushbu virus *Carlavirus* avlodi ekanligi va kartoshka " virus X " deb nomlangan. PXV genomi *Carlavirus* avlodidan PLV genomi bilan 54 % o'xshashlikka ega ekani aniqlandi. PXV serologik jihatdan PMV, PSV, PotLV viruslardan ajralib turadi. PSV, PXV, PYV, PMV va PLRV bilan birgalikda kartoshkani zararlashi mumk[28].

Tymoviridae oilasi *Tymovirus* va *Marafivirus* yangi tashkil etilgan *Maculavirus* avlodlarini o'z ichiga oladi. Kasallik belgilari - yorqin sariq rangli mozaika yoki dog'lar (timoviruslar), xlorotik chiziqlar, oq chizilgan chiziqlar yoki mitti (marafiviruslar) va barglarning xiralashishi (makulaviruslar) kabi simptomlarini namoyon qiladi. *Tymovirus* va PMV viruslar mexanik yo'llar orqali yuqadi va ba'zan qo'ng'izlar orqali xam yuqadi.

Bromoviridae oilasiga kartoshkani zararlovchi uchta avlod: *Alfamovirus* (beda mozayka virusi) *Bromovirus* (yaltirbosh mozayka virusi) va *Cucumovirus* (bodring mozayka virusi) o'z ichiga oladi. Bu oilani viruslar juda keng tarqalgan ular ko'pgina ahamiyatli o'simliklarni kasallantiradi. Tarqalishi o'simlik shirasini inokulyasiyasi yordamida, *Cucumovirus*, *Alfamovirus* lar ko'pgina shiralar yordamida ba'zilari urug' va gul changlari yordamida amalga oshadi. Kartoshka barglarini sarg'ayishiga olib keladi.

Closteroviridae oilasi *Crinivirus* avlod viruslari oq qanotlar, psevdokoksid chuvalchaglari orqali amalga oshadi va oq qanotlar, psevdokoksid chuvalchaglari yordamida tarqaladi.

Xo'jayin o'simliklari tor chegarallangan. Simptomlari – barglarni sarg'ayishi yoki qizarishi va bargni buralishi, ichga botib kirishi yoki yog'och qismini ariqchalashishi, floemasning nekozlashishi kuzatiladi. Mexanik inokulyasiya yordamida qiyinchilik bilan o'tadi, urug'i orqali ancha kam miqdorda o'tadi.

Potyviriidae oilasi 8 ta avlod 190 turdan iborat ulardan keng tarqalgani Potyvirus (kartoshkani U virusi) xisoblanadi. Potyviriidae oilasi eng ko'p oilalardan biri bo'lib, fitoviruslarning 30% dan ko'prog'ini tashkil etadi. *Potyvirus* (KUV) xamma joyda tarqalgan bo'lib, 9 ta o'simlik oilalarini shu jumladan 9 ta Solanacea avlodini zararlaydi. Kartoshkadagi infeksiya belgilari xilma-xilligiga, virus shtammiga va o'sish sharoitlariga qarab farq qiladi. *Potyvirus* avlodining yana biri KAV (kartoshkaning A virusi) xama joyda uchraydi, ammo kartoshkaning ba'zi navlarni zararlaydi. Mexanik inokulyasiya yordamida oson yuqadi.

1-жадвал

Kartoshkani zararlaydigan viruslar sistematikasi.

Virus nomi qisqartmalari	Sistematikasi		Tarqalgan Yili	Geografik tarqalishi	Tashuvchi vektorlar
	Oilasi	Avlodi			
Kartoshkasining dog'ili virusi (KMAV)	Secoviridae (Comovirinae)	Comovirus	1975	Shimoliy va Janubiy Amerika	Nematodlar, tripslar, oqqanotlar
Kartoshka aukuba mozaikasi (KAMV) Kartoshka virusi X (PX)	Alphaflexiviridae	Potexvirus	1921	Hamma joyda	Myzus persicae (shira) Tuganaklar bilan
Kartoshka virusi M (KMV) Kartoshka virusi M (KMV)	Betaflexiviridae	Carlavirus	1923		shiralar (M. persicae, Aphis frangulae, A. nasturtii)
Kartoshka timovirusi (KALV) kartoshkasining yashirin virusi (KALV) ¹	Tymoviridae	Tymovirus Marafivirus Maculavirus	1966		tukli burgalar (Epitrix sp.), tuganaklar bilan



Beda mozaik virusi (MAV) Beda mozaik virus (MAV)	Bromoviridae	Alfamovirus, Bromovirus va Cucumovirus	1931	Butun dunyoda	M. persicae va boshqalar 14 turdagi shiralalar
Kartoshka tomirlarini sarg'ayuvchi krinivirus Kartoshka sariq venasi krinivirusi (KYV)	Closteroviridae	Crinivirus	1943	Janubiy Amerika	Issiqxona oq qanoti (Trialeurodes vaporariorum)
Kartoshka A virusi (KAV)	Potyviridae	Potyvirus	1932		A. frangulae, A. nasturtii, M. persicae
Kartoshka barglari buralishi virusi (KLV)	Luteoviridae	Polerovirus	1916	Hamma joyda	<i>M. persicae</i> , <i>Myzus ascalonium</i> , <i>Myzus circumflexus</i> Buckt., <i>Myzus ornofus</i> , <i>Myzus convolvuli</i> Kalt., <i>Macrosiphum solanifolii</i> Ashm shiralari
Tamaki nekrozi virusi (TNV) Tamaki nekrozi A virusi (TAV)	Tombusviridae	Necrovirus	1935		Olpidium brassicae (qo'ziqorin orqali)
Kartoshka panikulasi virusi (KMKV) Kartoshka mop-top virusi (KMTV)	Virgaviridae	Pomovirus	1996	Yevropa, Amerika	Spongospora subterrane(zamburug')

Luteoviridae oilasi 3 yirik Luteovirus, Potevirus, Enamovirus avlodidan iborat bo'lib, turli o'simliklarning virusli kasalliklarining qo'zg'atuvchilarini birlashtiradi. Eng ko'p o'rganilganlari: arpaning sariq pakanaligi, loviya bargining burishishi, sabzi bargining qizarishi, kartoshka barglarining buralishi, soya o'simligining pakanaligi, pomidorni yuqorigi barlarning sarg'ayishi [29; 30]. Potyvirus avlodi (tipga xos tur – kartoshkani Y virusi) tarqalishi nopersistent usulda va bazilari urug' yordamida tarqaladi. KYV loviyani sariq mozaikasi virusi, jo'xorini pakana mozaikali virusi, lola gultojbarglarini rangbaranglashishi virusi, soya mozaikasi virusi va h.

Tamaki nekrozi virusi *Tombusviridae* oilasidagi *Nekroviruslar* avlodining yagona vakili hisoblanadi. Kartoshka barglarida simptomlari ko'rinmaydi, ildiz mevalariga zarar yetkazadi, jumladan to'q



jigarrang dog‘lar, botiq joylar yoki ochiq jigarrang yoriqlar shaklida uchraydi. Infektsiya rivojlanishi uchun tuproqda eng qulay past harorat (10-20 ° C) va yuqori namlik bo‘lishi shart xisoblanadi.

Virgaviridae oilasiga tayoqchali fitoviruslar kiradi. Ular 6 ta avlodga, jumladan, Pomovirus, Tobamovirus, Tobravirus kartoshkani zararlovchi turlar kiradi. Pomoviruslar tayoqchali shakilda va segmentlangan (3 qismli) genomga ega. KXMV kartoshka ildizlarida jigarrang dog‘lar, dog‘li halqalar va yarim halqalar ko‘rinishida zarar etkazadi. Virus Shimoliy Evropada, Boltiq bo‘yi mamlakatlarida [29], shuningdek, Osiyo, Shimoliy va Janubiy Amerikada, asosan, salqin (taxminan 15 ° C) va nam iqlimi bo‘lgan hududlarda uchraydi. Tobamoviruslar guruhi tamaki mozaikasi virusi (tabacco mosaic virus), tomat mozaikasi virusi, turli dukkakliklar viruslarini hamda qovoqsimonlar, kaktuslar viruslarini o‘z ichiga oladi. Bularndan eng ko‘p tarqalganlari tamaki mozaikasi virusi bo‘lib, uzunligi 300 nm, eni 18 nm ni tashqil qiladi. Ko‘pgina o‘simliklarga mexanik usulda yuqadi, mozaika va nekroz kabi simptomlar hosil qiladi. Tobraviruslar guruhning vakili tamaki bargini shaldirashiga sabab bo‘luvchi virus tabacco rattle virus. Zarralari tayoqchasimon shaklga ega. Ko‘pgina vakillari o‘simliklarga mexanik usulda yuqadi. O‘simliklarning juda ko‘p oilalarini kasallantiradi.

O‘zbekistonda kartoshka viruslari bir qator mualliflar [30; 31] tomonidan o‘rganilgan bo‘lib, o‘simlikda kartoshkaning X, S, Y, L kabi viruslari keng tarqalganligi aniqlangan. Shu jumladan B.Mirzaaxmedov (1964) X va S viruslari tarqalgan fonda virussiz kartoshka etishtirish bo‘yicha, I.T.Ergashev (2007) L-virusiga chidamli navlarni yaratish, V.B.Fayziyev (2020) tomonidan kartoshka viruslarini ajratish, xususiyatlarini aniqlash va diagnostika qilish ustida ilmiy tadqiqotlar olib borilgan. Keyingi olib borilgan tadqiqotlar natijasida bu viruslardan tashqari kartoshkaning A va M-viruslari ham tarqalganligi hamda ularning tabiiy-rezervator o‘simliklari va tarqalish darajasi IFA yordamida birinchi marta aniqlangan. Bu viruslar ichida kartoshka L virusi kartoshkaga ko‘proq zarar keltiradi degan xulosaga kelishgan.

XULOSA

Xorijiy adabiyotlarda keltirib o‘tilgan kartoshka virusining barcha shtamlari dunyoda kartoshka yetishtirishdagi salbiy oqibatlari ilmiy muhokamalarga sababchi bo‘lmoqda. Kartoshka ekinini hosildorligini oshirishda avvalo viruslarga chidamli navlarni yaratish va virusga qarshi kurash choralarini ishlab chiqishda yoki o‘simliklarni viruslardan

ximoyalash tadbirlarini ishlab chiqish uchun virusning biokimyoviy fizik-kimyoviy xususiyatlarini o'rganish muxim ahamiyat kasb etadi.

REFERENCES

1. M.F. Abbas, S. Hameed, C.A. Rauf Presence of new strain of *potato virus Y* in Pakistan Int. J. Agr. Bio., 16 (2014), pp. 941-945.
2. Adams M.J. DPVweb: a comprehensive database of plant and fungal virus genes and genomes. Nucleic Acids Research. 2006. V.34. pp. 382-385.
3. Jones R. Virus disease problems facing potato industries worldwide: viruses found, climate change implications rationalizing virus strain nomenclature and addressing the potato virus Y issue. In: The Potato, botany, production and uses. Ed. Navarre R. and Pavec M. 2014. Washington State University. pp. 202–225.
4. Walker, P. J. Changes to Virus Taxonomy and to the International Code of Virus Classification and Nomenclature Ratified by the International Committee on Taxonomy of Viruses (2021), *Archives of Virology*, V- 166, pp. 2633–2648.
5. Krueger E. N. The Complete Nucleotide Sequence of the Genome of Barley Yellow Dwarf virus-RMV Reveals It to Be a New Polerovirus Distantly Related to Other Yellow Dwarf Viruses, *Frontiers in Microbiolog*, (2013). V-4. doi:[10.3389/fmicb.2013.pp.205](https://doi.org/10.3389/fmicb.2013.pp.205).
6. Somera M., Sarmiento C., and Truve E. Overview on Sobemoviruses and a Proposal for the Creation of the Family Sobemoviridae, (2015) *Viruses*, V-7(6), pp.3076–3115.
7. Kaplan I. B. Daniel R. R., Peter P. Point Mutations in the Potato Leafroll Virus Major Capsid Protein Alter Virion Stability and Aphid Transmission. *Journal of General* (2007) V-88. pp.1821–1830.
8. Smirnova E. Andrew E, Allen M, Danièle S, Catherine R. Discovery of a Small Non-AUG-Initiated ORF in Poleroviruses and Luteoviruses that Is Required for Long-Distance Movement, *PLoS Pathogens*, (2015), V-11(5) doi:[10.1371/journal.ppat.100-4868](https://doi.org/10.1371/journal.ppat.100-4868)
9. Xu Y, Stacy D, Richard J, Mishael J. A Stem-Loop Structure in *Potato Leafroll Virus* Open Reading Frame 5 (ORF5) Is Essential for Readthrough Translation of the Coat Protein ORF Stop Codon 700 Bases Upstream. *Journal of Virology*, (2018), V-92. pp.2411-2502.
10. Boissinot S, Erdinger M, Monsion B, Brault V, Both Structural and Non-



structural Forms of the Readthrough Protein of Cucurbit Aphid-Borne Yellows Virus are Essential for Efficient Systemic Infection of Plants. (2014) *PLoS One*, 4 (9), pp.1-10.

11. N. Yardımcı1, H. Çulal Kılıç, Y. Demirr. Detection of PVY, PVX, PVS, PVA, and PLRV on Different Potato Varieties in Turkey Using DAS-ELISA. *J. Agr. Sci. Tech.* (2015) Vol. 17, pp. 757-764.

12. Gilbertson R. Role of the insect supervectors *Bemisia tabaci* and *Frankliniella occidentalis* in the emergence and global spread of plant viruses // *Annual Review of Virology*. 2015. V.2. pp. 67–93.

13. Alvares J.M. and Srinivasan R. Mixed – viral infections (PVY-PLRV) affect the biology and preference of aphid vectors and consequently the epidemiology of potato viruses // 10th International Plant virus Epidemiology symposium. 15-19 October. India. 2007. pp. 22

14. Романова С.А., Волков Ю.Г., Леднева В.А. Результаты изучения 87 вирусных болезней картофеля на Дальнем Востоке // *Аграрная наука-сельскохозяйственному производству Дальнего Востока: К 75 летию образования Россельхоз академии.* – Владивосток, 2005. - С. 387-390.

15. Rich AE Diseases caused by viruses, viroids and mycoplasmas. *Potato diseases.* Academic Press, London. (1983). Pp. 92-135.

16. Crosslin J., Hamm P., Shiel P., Hane D., Brown C. and Berger P. Serological and Molecular Detection of Tobacco Veinal Necrosis Isolates of Potato Virus Y (PVYN) from Potatoes Grown in the Western United States. *Amer. J. Path. Res.*, 82: 2005. – P. 263-269.

17. Haupt S., Cowan G.H., Ziegler A., Roberts A.G., Oparka K.J. & Torrance L. Two plant-viral movement proteins traffic in the endocytic recycling pathway. *Plant Cell*. 17, 2005. – P. 164–181.

18. Эргашев И.Т. Трасмиссия вируса скручивание листьев картофеля посредством *Myzodes persicae* Sulz. // *Проблемы биологии и медицины.* – Ташкент, 1997. № 3, - С. 22-23.

19. Blevins T., Rajeswaran R., Shivaprasad P.V., Beknazariants D., SiAmmour A., Park H.S., Vazquez F., Robertson D., Meins F.Jr. & other authors Four plant Dicers mediate viral small RNA biogenesis and DNA virus induced silencing. *Nucleic Acids Res.* 34, 2006. – p. 6233–6246.

20. Lucas W.J. Plant viral movement proteins: agents for cell-to-cell trafficking of viral genomes. *Virology* 344, 2006. – pp. 169–184.

21. Brunt A.A. Potyviruses. In: Loebenstein G., Berger, P.H., Brunt, A.A. and Lawson, R.H. (eds), Virus and virus-like diseases of potatoes and production of seed-potatoes. Kluwer Academic Publishers, Dordrecht, 2001. – pp. 77-86.
22. Vahobov A.H. Virusologiya asoslari. Toshkent: Universitet, 2017. b-289-297.
23. D’Arcy C.J., Domier L.L., Mayo M.A.. Family Luteoviridae.. In: “Virus Taxonomy: Seventh Report of the International Committee on Taxonomy of Viruses” Academic Press, San Diego, 2000 pp. 775–784.
24. Vahobov A.H. Virusologiya asoslari. Toshkent 2017 yil. b-195-198
25. Li Y-Y, Zhang R-N, Xiang H-Y, Abouelnasr H Discovery and Characterization of a Novel Carlavirus Infecting Potatoes in China, Han // PLoS ONE. 2013. V. 8. N 6. pp.1-13
26. Е.В. Рогозина, Н.В. Мироненко, О.С. Афанасенко, Ю. Мацухито. Широко распространенные и потенциально опасные для российского агропроизводства возбудители вирусных болезней картофеля. Вестник защиты растений 4(90) – 2016, с. 24–33.
27. Эргашев И.Т. Трасмиссия вируса скручивание листьев картофеля посредством *Myzodes persicae* Sulz. // Проблемы биологии и медицины. – Ташкент, 1997. № 3, - С. 22-23.
28. Абдукаримов Д., Эргашев И.Т. Особенности развития полевых популяций тлей- переносчиков вирусов картофеля в условиях Узбекистана // Узбекский биологический журнал. –Ташкент, 1997. -№6, -С. 70-72.
29. Вахабов А.Х. Характеристика наиболее распространенных фитовирусов в экологических условиях Узбекистана: Дис....доктор. биол. наук. – Киев: Институт Микробиологии АН УР, 1989. с - 254.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК- МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ОМИЛИ

Гулбахар Айтбаевна Сапарова

Нукус давлат педагогика институти фалсафа фанлари буйича фалсафа
доктори (PhD)

Жадира Даулетбаева

Нукус давлат педагогика институти 2-курс магистрант

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бағрикенглик ва миллий ўзликни англаш дунё ҳодисаларга муносабатларда, ўтмиш ва маънавий қадриятларни баҳолашдаги мезонларда муҳим омили ҳақидаги қарашлари илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганилди. «Бағрикенглик» сўзи диярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга ҳақидаги қарашлари илмий назарий жиҳатдан тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: диний бағрикенглик, сабр, тоқатлилик, чидомлилик, бардошлик, ҳамдардлик, миллатлараро тотувлик, меҳир-мурувват, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари.

КИРИШ

1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинди. ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка оид етмишдан зиёд халқаро ҳужжатлар, конвенциялар қабул қилинди [2].

Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларга ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган. Албатта, халқимизга азалдан хос бўлган хислат бағрикенглик биз учун анъанавийдир. Шу кундан эътиборан Жаҳон афкор оммаси 16 ноябрни ҳар йили «Халқаро бағрикенглик куни» сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. 1996 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ҳар йили шу кунни Халқаро бағрикенглик куни деб нишонлашни таклиф қилган эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бағрикенглик жамият тараққиёти тарихида ўзига хос муҳим ижтимоий-фалсафий масалалардан бири ҳисобланган.



Шунинг учун фалсафий тафаккур тарихида ва ҳозирги замон тадқиқотларда бағрикенглик масаласининг у ёки бу жиҳатларига эътибор қаратилган. Жумладан, Т.Гоббе, К.А.Гельвиций, Ф.Вольбер, Д.Дидро, П.А.Гольбах, Ж.Ж.Гуссо ва бошқалар «Мен»ни эркин белгилаш мумкинлигини ахлоқий ва фалсафий билимлар даражасида кундалик онг сифатида қараганлар. Бағрикенглик масаласи ижтимоий-маданий ҳаётда файласуфлар ва бошқа тадқиқотчиларни диққат марказида бўлиб, бағрикенгликни фалсафий категория сифатида назарий жиҳатдан асослаш (Дж.Локи) , жамият барқарорлигини таъминловчи муҳим маънавий қадрият сифатида асосланди (Ф.К.Шиллер, У.Джеймс ва бошқалар).

«Бағрикенглик» сўзи диярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб «бағрикенглик» чидамлилик, бардошлик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин.

Бағрикенглик ва миллий ўзликни англаш дунё ҳодисаларга муносабатларда, ўтмиш ва маънавий қадриятларни баҳолашдаги мезонларда, ҳаттоки турли динлараро муҳим масалаларнинг ечимини топишда ўз ифодасини топади.

1992 йилнинг февраль-март ойларида Ўзбекистон Республикаси БМТ ва ЁХХТ каби нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, халқаро ҳамжамиятга ўзининг халқаро ҳуқуқ бўйича тан олинган меъёрларга ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжатлари, шунингдек инсон ҳуқуқларининг турли жабҳаларига тааллуқли бўлган 38 та халқаро шартнома ва битимларга қўшилганлигини тасдиқлади [3].

Мамлакатлараро ижтимоий-иқтисодий, хусусан илмий-маданий, диний алоқаларнинг ўрнатилиши мамлакатимизда маънавий-ахлоқий фазилатларнинг, шу билан бирга исломий қадриятларнинг ривожланиши миллий ўзликни англашга хизмат қилмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонда диний-маданий соҳада амалга оширилаётган ишларга исломий қадриятлардан ижтимоий ҳаётда фойдаланиш тажрибасига кундан-кунга қизиқиш ортмоқда.

2018 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 12 декабрдаги ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюцияси қабул қилинди.

Мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббусини Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош

Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган эди. Ўзбекистон таклиф этган резолюциянинг асосий мақсади — барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдан иборат. Хужжатда «бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик»ка ҳам чақирилган [1].

Резолюцияда таълим, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва дўстликнинг олға сурилиши муҳим рол ўйнаши таъкидланади, шунингдек, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бағрикенглик ва ўзаро тушунишнинг муҳимлиги тан олинади.

Шу билан бирга, қабул қилинган резолюцияда БМТга аъзо давлатлар миллий ва халқаро ОАВ ҳамда Интернетда кенг кўламли тарғибот ишларини ўтказиш, бағрикенглик, дин ва эътиқод эркинлигига раҳна солмаслик тўғрисидаги маърифий ахборотларни тарқатиш каби коммуникацион стратегияни жорий этиш таклиф қилинган.

Айни вақтда Марказий Осиё халқлари ўз тили, урф-одатлари, диний қадриятлари ва ўзлигини сақлаш билан миллий маданиятини бойитишга эришди. Бундай Шарқда иқтисодий-маданий марказлар ўлкан мусулмон Шарқнинг турли ўлкаларини, Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи қадимги «Ипак йўли» анъаналари давом эттирилган ҳолда алоқа ўчоқлари сифатида машҳур бўлди [4].

«Буюк Ипак йўли»нинг Шарқ билан Ғарбни боғлашининг ижтимоий-тарихий аҳамияти:

- турли мамлакатлараро ижтимоий-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда;
- илмий, сиёсий-маданий алоқаларни ривожлантиришда;
- турли миллатларнинг тили, урф-одати ва турмуш тарзи билан танишиш ва уларга нисбатан тоқатлилик руҳида бўлишда;
- турли динлар мавжудлигини эътироф этиш ва уларнинг қадриятларини ҳурмат қилишда;
- миллатлараро, динлараро бағрикенгликни тамойилларини шакллантиришда;
- Марказий Осиё халқлари ўзлигини англаш имкониятлари вужудга келишда намоён бўлди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР



Ҳозирги вақтда жаҳонда қарйиб тахминан 1,5 миллиард киши ислом динига эътиқод қилади. 2018 йил маълумотлари бўйича ҳозир Ўзбекистон Республикасида 16та конфессия расмий рўйхатдан ўтган бўлиб, у 2224 диний ташкилотдан иборат. Шу жумладан, Исломий ташкилот 2049та, христианлик 158та, яҳудийлик жамоаси -8та, баҳои жамоати бта, кришнани англаш жамоаси 1та, буддавийлик храми 1та. Ўзбекистонда конфессиялардан ташқари «Ўзбекистон библия жамияти» ҳамда 40та православ храм ва ибодат уйлари мавжуд [5].

Республикамизда диний бағрикенгликни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш йўлида кўпгина халқаро ва республика конференциялари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, 2000 йилнинг сентябрь ойида ЮНЕСКО раҳномалигида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Дунё динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилиши бўлди. Унда 90 га яқин таниқли давлат ва дин арбоблари қатнашдилар.

Бу тадбирларнинг тарихий аҳамияти шундаки, биринчидан, халқимизда нафақат диний таълим ва унинг кадриятларига, нисбатан ҳурмат ҳисси, балки ижтимоий онгда диний бағрикенглик тасаввурлари шаклланади; иккинчидан, миллий ва диний кадриятларнинг узвий боғлиқлигини, уларнинг ижтимоий, маънавий ва ахлоқий ҳаётда тутган ўрнини, айниқса миллий ўзликни англашдаги аҳамиятини чуқурроқ тушуниб етади; учинчидан, ҳар бир дин вакиллари бошқа динларнинг таълимоти ва кадриятларини эъзозлаши, миллатлар, диний конфессиялар орасида ўзаро ҳамкорликни ривожланиши уларда ҳурмат ҳиссиётлари шакллантиради; тўртинчидан, диний бағрикенглик ғоясининг халқлар онгида шаклланиши ҳамда қарор топиши мамлакат ичида ва ташқарисида тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади; бешинчидан, диний бағрикенглик тамойили турли миллатлар учун маданий мероси ва миллий ўзликни англашнинг истиқболида янги имкониятларни яратади.

Ўзбекистон халқларида бағрикенглик томонларининг тобора мустаҳкамланиши, маиший-маданий ҳаётининг яхшиланиши, уларнинг демографик жиҳатдан ўсишига ҳам олиб келди. Агар 1991 йилда Ўзбекистонда 20 миллион 708 минг киши истиқомат қилган бўлса 2017 йил биринчи январь маълумоти бўйича 32 миллиондан зиёд кишини ташкил этади. Мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари учун ўз тилларида ўқиш, илм олиш, маънавий-маданий бойликлари,

урф-одатларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқ ва эркинликлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Бундан ташқари диний билим олиш ва малака ошириш учун Ўзбекистон фуқаролари чет элга бориш, шунингдек чет эллик талабаларини бу ерда диний билим бериш учун ўқишга қабул қилиш имконияти очилди. Шу ўтган давр ичида мустақиллик даврида ташкил этилган Ислом билим юртларини минглаб талабалар битириб чиқиб, ҳозирги вақтда улар республикамизнинг аксарият масжид-мадрасаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Улар томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ислом маънавиятини юксалишига диний бағрикенгликни қарор топишига ва миллий ўзликни англашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, бағрикенглик фалсафий категория ҳисобланиб, цивилизацион тараққиётда унинг қонуниятлари ва тамойиллари ҳақидаги ижтимоий-фалсафий билимлар асосида шаклланган социомаданиятдир.

Ўзбекистон диний бағрикенгликни йўлга қўйишда ўзига хос бой тажриба орттирган мамлакатлардан ҳисобланади. Мустақиллик йиллари Ўзбекистон давлатининг динга нисбатан амалга оширган адолатли сиёсати мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллий ўзликни англаш тамойилларини янада мустаҳкамлади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. БМТнинг Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 2017 йил. сентябрь.
2. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. Тошкент: Адолат, 2004.- Б.92
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. – Тошкент, 1998. - № 3 – 6 – Б. 54.
4. Буюк Ипак йўли – буюк миллат йўли. –Т.: 2004. –Б.13.
5. Юсупов О. Узбекистан – толерантная страна. Конфессиаларо мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови, Халқаро конференция материаллари. –Т.: “Тошкент Ислом университети”, 2014 . –Б.6.



ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ ВА УНГА ДОИР ҚАРАШЛАР МАЗМУНИ

Ҳабибулло Ибодуллаевич Ражабов

Тошкент давлат транспорт университети, доцент

rhabibullo@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобал ахборот маконининг ривожланиши натижасида юзага келаётган ўзгаришлар шароитида давлатнинг ахборот сиёсати, мазмуни, шаклланиши ва замонавий жамиятдаги вазифалари кўрсатиб берилди. Ахборот сиёсатига бўлган умумий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, унинг халқаро ва минтақавий хусусиятлари ёритилди.

Калит сўзлар: Глобал тараққиёт, ахборот омили, ахборотнинг таъсир кўлами, ахборот макони, халқаро муносабатлар, давлатнинг ахборот сиёсати.

STATE INFORMATION POLICY AND ITS CONTENT

ABSTRACT

The article describes information policy, content, formation and functions of the state in modern society in the context of changes occurring as a result of the development of the global information space. Based on the general needs of information policy, its international and regional peculiarities are highlighted.

Keywords: global development, information factor, scale of information influence, information space, international relations, information policy of the state.

КИРИШ

Замонавий дунёни ахборот омилисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни даврга келиб ахборот омили инсоният ҳаёт эҳтиёжлари учун бирламчи ресурсга айланди. Тарихдан маълумки, ҳар бир даврнинг муҳим ресурслари мавжуд бўлган. Ибтидоий давр учун сув, олов ва шунга ўхшаш оддий элементлар энг муҳим ресурс сифатида қаралган бўлса, техноген цивилизация инсониятга техник эҳтиёжлардан келиб чиққан янги ресурсларни тақдим этди. Бирок, ўтган аср охири ва асримизнинг бошларида интернет тизимининг такомиллашуви, ахборот алмашинувнинг юқори босқичга чиқиши натижасида, ахборот башарият фойдаланадиган



асосий ресурс сифатида эътироф этилмоқда. Ахборот оқимининг таъсир кучи натижасида турли давлатлар ва жамиятлардаги барқарор вазиятни издан чиқариш ҳолатлари учрамоқда. Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев масалага қўйидагича эътибор қаратган: “Ҳозирги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимиз маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг кучли қуроли сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда ана шундай босимга бардош бера оладиган жамиятни шакллантириш учун қўйидагилар ҳаётимизнинг зарурий талабига айланмоқда:

- Турли маънавий бузғунчилик ва вайронкорлик ҳаракатлари ва хуружларининг олдини олиш, аҳоли, айниқса униб-ўсиб келаётган ёшларимизда уларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, эзгу ғояларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

- Жаҳолат, умумий савиянинг пастлиги бузғунчи ғояларга ишонувчанлик ва уларнинг таъсирига берилиш ҳолатларини бартараф қилиш учун пухта ишланган ва замонавий ижтимоий фан ютуқларига таянадиган маънавий таълим-тарбиянинг изчил амалга оширилишига эришиш;

